



С О Л Н О М А

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ**

**ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ
МИРЗИЁЕВ**

ФАОЛИЯТИ ХРОНИКАСИ

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2022

УЎК 323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)
С 77

Солнома. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мирмонович Мирзиёев фаолияти хроникаси [Матн]. – Тошкент «Ўзбекистон» НМИУ, 2022. – 744 б.

ISBN 978-9943-7607-6-9

УЎК 323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)

Ушбу китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил сентябрь ойидан 2021 йил 6 ноябрга қадар бўлган даврдаги дастлабки беш йиллик сиёсий фаолияти акс этган.

Мазкур салмоқли хроника, айти пайтда, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ энг муҳим тарихий жараёнларни – Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт солномасини ўзида мужассам этгани билан ахамиятлидир.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли бўлинмалари билан ҳамкорликда Президент Спичрайтери бўлинмаси томонидан нашрга тайёрланди.

Китоб бошқарув соҳаси ходимлари, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан қизиқадиган олимлар, сиёсатшунос ва социологлар, экспертлар, тадқиқотчи ва талабалар, мухтасар айтганда, кенг омма учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7607-6-9



ISBN 978-9943-7607-6-9

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2022

СЎЗБОШИ

Хурматли китобхон, эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу тўпламда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил сентябрь ойдан 2021 йил 6 ноябргача бўлган даврдаги дастлабки беш йиллик сиёсий фаолияти аниқ тарихий саналар, воқеалар орқали хроника шаклида, тадрижий изчилликда акс эттирилган.

Маълумки, ана шу беш йиллик муддат мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар бошланган ва узвий давом эттирилган, Янги Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий асослари яратилган, халқимиз бу йўлда мураккаб синнов ва қийинчиликларга дуч келиб, уларнинг барчасини муносиб енгиб ўтган ғоят мураккаб ва масъулиятли давр сифатида Ватанимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тўплам ана шу кенг кўламли жараёнларни фақат аниқ факт ва далиллар асосида ифода этиб, ўқувчига холис ва ҳаққоний маълумот бериши билан, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Чиндан ҳам, ҳар бир воқеа-ҳодиса, ҳужжат ва тадбир замирида бутун бир тарих, юртимиз тақдири ва келажаги мужассам. Бугунги кунда «Янги Ўзбекистон» деган ном билан бутун дунёга танилаётган она Ватанимизнинг ривожланиш суръатлари, замонавий қиёфасини ана шундай тарихий жараёнлар тимсолида яққол кўриш, тасаввур этиш мумкин.

Китобни варақлар эканмиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида янги им-

кониятлар очаётган ҳозирги улкан ўзгаришлар ва барқарор тараққиёт даврига етиб келиш учун халқимиз нақадар оғир, машаққатли ва айни пайтда шарафли йўлни босиб ўтганига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

Шавкат Мирзиёев бундан беш йил олдин Ўзбекистон раҳбарлигига киришиб, мамлакатимизни янги тараққиёт уфқлари сари дадил бошлаш, сиёсатшунослар ибораси билан айтганда, давлат ва жамият ҳаётида тарихий бурилиш ясашга азму қарор қилгани ва шу тариқа халқимизга хос мустаҳкам сиёсий иродаси, мардлик ва жасорат, беқиёс донишмандлик фазилатларини намоён этганини яна бир бор чуқур ҳис этамиз.

Ўтган даврда миллий тараққиётимизнинг бош ҳужжати бўлиб хизмат қилган мамлакатимизни 2017–2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилиб, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини амалда таъминлаш, бозор иқтисодиёти принципларини ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини ошириш, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Аввало, «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойил асосида аҳолининг дарду ташвишлари ҳамда муам-

моларини эшитиш, уларни жойида ҳал этиш, фуқароларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг бош мезони этиб белгиланди. Шу асосда «халқ билан мулоқот», «Халқ қабулхоналари», «Маҳаллабай ишлаш», «камбағалликни қисқартириш» сингари кадриятлар ҳаётимизга кириб келди ва инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган демократик ўзгаришларнинг самарали тизими ва механизмига айланди.

Ташқи сиёсатда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик асосида фаол муносабатлар ўрнатиш ҳамда уларни янги маъномазмун билан бойитиш устувор тамойил деб белгиланди ва шу йўлда тарихан қисқа даврда улкан ишлар амалга оширилди. Дунёнинг сиёсий луғатида «Марказий Осиё руҳи» деган ибора пайдо бўлди.

Ўзбекистон жаҳонга очик бўлиш, умумэтироф этилган демократик принципларни амалда жорий этишни халқаро ҳамжамият билан самарали ҳамкорликнинг асосий йўналиши, шарт ва гарови сифатида қабул қилди ҳамда ана шу тамойилга доимо содиқ бўлиб келмоқда.

Ана шу йўлдаги ҳаракат ва интилишлар қанчалик шиддатли ва мураккаб кечганини Президент фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган, ушбу тўпلامдан ўрин олган ғоят серқирра жараёнлар яққол тасдиқлайди.

Агар ўтган беш йилдан зиёд даврга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Президентимиз томонидан мамлакатимиз ҳудудла-

рига 193 марта сафар уюштирилгани, 156 та селектор ва видеоселектор мажлислари, энг муҳим ва устувор масалалар бўйича 231 та йиғилиш, муҳокама ва тақдимотлар ўтказилганини кўрамиз.

Ушбу муддатда давлатимиз раҳбари томонидан 323 та қонун, 1503 та фармон, 2703 та қарор, 996 та фармойиш тасдиқланган.

Шу даврда Шавкат Мирзиёев 47 марта чет давлатларга ташриф буюрган, 68 та халқаро саммит ва анжуманларда иштирок этиб, уларнинг доирасида 67 та учрашув ўтказган. Бундан ташқари, хорижий давлат ва ҳукумат раҳбарлари бошчилигидаги 83 та нуфузли расмий делегация юртимизда қабул қилинган. Шунингдек, вазирлар, халқаро ташкилот ва компаниялар, хорижий ишбилармон доиралар раҳбарлари бошчилигидаги 185 та делегация билан музокаралар ўтказилган.

Ана шу вақт мобайнида чет давлатларнинг юртимизда иш бошлаган фавқулудда ва мухтор элчиларидан 50 нафари давлатимиз раҳбарига ишонч ёрликларини топширган, хорижий давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро ташкилот раҳбарларига 3000 дан ортиқ мактуб йўлланган. Хорижий давлатлар раҳбарлари билан 243 марта телефон орқали мулоқотлар ўтказилган.

Президентимиз шу йиллар давомида юртимизда бўлиб ўтган 84 та тантанали маросимда иштирок этиб нутқ сўзлаган, шунингдек, халқимиз ва турли соҳа вакилларига 114 та табрик ва қутловлар йўллаган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида

Президентимиз томонидан сиёсий-ижтимоий маконда амалга оширилган саъй-ҳаракатлар кўлами нақадар кенг ва катта эканидан, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида туну кун тиним билмасдан, бор билим ва тажриба, куч ва имкониятлар сафарбар этилаётгани ҳамда бу жараён тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Агар давлат аҳамиятига молик биргина ҳужжатни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, ҳар қайси расмий тадбирни ўтказиш қандай катта тайёргарликни, маънавий-интеллектуал, руҳий сафарбарликни, кенг миқёсдаги ташкилий ишларни талаб этишини инобатга оладиган бўлсак, зикр этилган рақамлар замирида тинимсиз изланиш ва меҳнат жараёнлари, чуқур таҳлил, келажакни олдиндан кўра билиш салоҳияти мужассам эканини англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз етакчисидан тортиб энг қуйи бўлиндаги раҳбар ва мутасаддиларгача янги муҳитда ишлашга ўрганиб, халқ билан мунтазам мулоқот асосида фаолият юритишни ҳаёт қондасига айлантираётгани аҳамиятлидир. Айни шу ҳусусият Ўзбекистонда кенг кўламли ўзгаришлар муваффақиятини таъминлаётган энг муҳим омиллардан бири эканини нуфузли халқаро эксперт ва таҳлилчилар ҳам эътироф этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тўпلامдан жой олган воқеалар хроникаси мамлакатимизда амалга оширилаётган туб янгиланиш ва ислохотлар ўтган вақт давомида

юксак сифат ўзгаришлари ва амалий самарадорлик билан ривожланиб, ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганини яққол тасдиқлайди.

Шу ўринда эътиборга молик яна бир жиҳат ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз. У ҳам бўлса, тўпلام саҳифаларида халқимиз ўтган даврда эришган, ҳар бир юртдошимизнинг муносиб ҳиссаси қўшилган барча ютуқ ва натижалар бирламчи манбалар асосида акс эттирилган. Шу маънода, аниқ рақамлар, воқеа-ҳодисалар, бинобарин, реал тарихий жараёнлар муҳрланган ушбу китобни Ўзбекистоннинг кейинги беш йилдаги тараққиёт солномаси, деб айтишга тўла ҳақлимиз.

Ишончимиз комилки, ўзида объектив далил ва рақамлар, реал воқеа-ҳодисаларни мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаолият хроникаси ўтган беш йиллик тараққиёт йўлимиз ҳақидаги энг ишончли манба бўлиб қолади.

Тўпلام бошқарув соҳаси ходимлари, тарихчи олимлар, сиёсатшунос ва социологлар, экспертлар, тадқиқотчи ва талабалар, мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан қизиқадиган барча инсонлар учун мўлжалланган.

Китоб билан танишган ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаёти, оиласи, фарзандлари, халқимиз, Ватанимиз тақдирига дахлдор воқеа-ҳодисалар, ҳужжатлар мазмунидан атрофлича хабардор бўлади ва замонамиз тарихи ҳақиқатан ҳам барчамизнинг кўз ўнгимизда, айнан бизнинг иштирокимизда яратилаётганини чин дилдан ҳис этади.

2016 йил

8 сентябрь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги кенгайтирилган қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва ваколатларини бажаришни вақтинча юклаш тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Нигматилла Тўлқинович Йўлдошев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида раҳбарлик лавозимларидаги кўп йиллик тажрибасини, аҳоли ўртасидаги ҳурмат-эътиборини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифа ва ваколатларини бажаришни унинг зиммасига вақтинча юклаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги таклиф билан мажлис иштирокчиларига мурожаат қилди.

Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан маъқуллангани маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазифа ва вако-

латларини бажаришни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Миромонович Мирзиёев зиммасига вақтинча юклаш тўғрисида қўшма қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилишини ташкил этиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

* * *

9 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Қурбон хайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 сентябрь. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Форумлар мажмуасида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

14 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюриб, Жиззах шаҳри, Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик туманларида бўлди.

Худудда саноат соҳасининг ривожланиши, етиштирилган пахта хосилини йиғиб-териб олиш ва куз-

ги ғалла экиш мавсумининг боришига доир масалалар таҳлил этилди. Иқтисодий ислохотларни изчил олиб бориш бўйича долзарб вазифалар, коммуникация тизимларини янада ривожлантириш, ободонлаштириш, замонавий бино ва иншоотларни куриш бўйича амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтган XV ёзги паралимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларини пул мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

20 сентябрь. Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев 2012 йилда ташкил этилган «Ангрен» маҳсул индустриал зонаси худудида конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари

ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳасининг амалга оширилиш жараёни билан танишди. Шу куни Ангрен иссиқлик электр станциясида 2016 йилнинг август ойида ишга туширилган янги энергия блокинни кўздан кечирди. Шунингдек, «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти фаолияти, Ангрен кўмир конида маҳсулот қазиб олиш ва етказиб бериш ишлари, бу ерда амалга оширилаётган техник қайта жиҳозлаш жараёни билан ҳам танишди.

Мазкур саноат корхоналари учун ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, мутахассисларнинг етакчи хорижий компанияларда малака оширишини ташкил этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи давомида пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва кузги экиш ишларининг бориши билан ҳам танишди. Фермерлар, соҳа ходимлари билан учрашув чоғида қишлоқ хўжалиги ишларини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш масаласи атрофлича муҳокама этилиб, тегишли топшириқ ва тавсиялар берилди.

* * *

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини ба-

жарувчи Шавкат Мирзиёев «Рио-де Жанейро шахрида бўлиб ўтган XV ёзги паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Маминни қабул қилди.

Учрашувда Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг жорий йил 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

23 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини

бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлди. Сафар давомида «Навоийазот» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Жумладан, поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуа ҳамда замонавий энергия тежайдиган технологиялар билан жиҳозланадиган, йилига 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектдаги ишлар билан танишди.

Навоий шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, Навоий шаҳри бош режасининг амалга оширилиши, кам таъминланган оилалар учун уй-жой қуриш масалалари кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев вилоятда қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан ҳам танишди, пахта далаларини кўздан кечирди. Кармана тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида қурилаётган Қандим газни қайта ишлаш заводига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев шу ернинг ўзида «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов билан учрашди.

Суҳбат чоғида «Лукойл» компанияси билан узоқ муддатли ва

ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

* * *

28 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг шимолӣ ҳудудида жойлашган Тахиатош иссиқлик электр станциясида бўлиб, бу ерда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Шундан сўнг Нукус шаҳрининг бош режаси муҳокама қилинди. Суҳбат чоғида замонавий кўпқаватли турар-жой бинолари, дам олиш масканлари, сунъий кўллар ва сув ҳавзалари барпо этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аҳоли учун қулай ва муносиб шароитлар яратиш қўламини янада кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди, Кегейли тумани фермерлари билан суҳбатлашди.

Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, қисқа муд-

датда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш ва кузги экинларни экиш, ижтимоий объектлар ҳамда уй-жойларнинг кузги-қишки мавсумга тайёрлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, замонавий, шинам уй-жойлар қуриш, коммунал хизматлар фаолиятини янада такомиллаштириш, ободонлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ҳам ташриф буюрди.

Урганч шаҳрида яқин йилларда қурилиши режалаштирилаётган кўпқаватли уйлар лойиҳаси кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилган яқка тартибдаги замонавий, шинам уй-жойлар лойиҳалари ҳам муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Қўшқўпир туманида қишлоқ хўжалиги ишларининг бориши билан танишди. Фермерлар билан суҳбатда ер унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосил берадиган навларини экиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экспорт кўрсаткичларини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

29 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев умумхалқ байрами — Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

1 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев Ширин шаҳридаги Сирдарё иссиқлик электр станциясида бўлди. Минтақадаги энг йирик бу корхона Ўзбекистон энергия тизимининг марказий қисмига уланган истеъмолчиларни энергия билан таъминлайдиган асосий манба ҳисобланади. Бу ерда мутахассислар билан иссиқлик электр станцияси қувватини ошириш, ишлаб турган энергия блокларини модернизация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи

Шавкат Мирзиёев вилоят марказидаги «Гулистон медтехника» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида ҳам бўлди. Янги корхонада йилига 216 миллион дона шприц ва 26 миллион дона инфузия системаси ишлаб чиқарилади.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида кам таъминланган оилалар учун бунёд этилиши режалаштирилган кўпқаватли замонавий уйлар лойиҳаси билан ҳам танишди.

Мамлакатимиз раҳбари шу куни вилоят пахта далаларида бўлиб, йиғим-терим ишларининг боришини кўздан кечирди. Гулистон тумани фермерлари билан худудда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, юқори унумли навларни экиш, соҳага замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Сирдарё вилояти фаоллари билан учрашувда вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган истиқболли бош режаларни татбиқ этиш асосида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга доир масалалар кўриб чиқилди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан

яқиндан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилиш билан бошланди. Шундан сўнг Оқдарё туманида амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги ишлари билан танишилди. Фермерлар билан деҳқончиликда самарадорликни ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга уларни қайта ишлашни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Самарқанд шаҳрида барпо этилиши режалаштирилаётган, шаҳар аҳолисининг уй-жой муаммоларини ҳал этиш имконини берадиган замонавий кўпқаватли уйлар лойиҳалари билан танишди. Шунингдек, шаҳарда транспорт тизими фаолиятини янада яхшилаш, замонавий трамвай тармоқларини барпо этиш лозимлигига эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев хитойлик мутахассислар билан ҳамкорликда замонавий технологиялар асосида яратилаётган муқобил манбалардан электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича ноёб объект — қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳаси билан ҳам танишди.

Мамлакатимиз раҳбари шу куни Ургут туманида ташкил этилган sanoat зонасини ҳам бориб кўрди. Майдони қарийб 42 гектар бўлган бу худудда 40 та sanoat корхонаси, жумладан, 19 та қўшма корхона фаолият кўрсатади. Уларда 1 минг 200 га яқин киши меҳнат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ургут

туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида «Ургут» эркин индустриал зонасини ташкил этиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Ургут тумани ҳокимлигида Самарқанд вилояти фаоллари билан бўлган учрашувда мазкур туман мисолида вилоятни истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс дастури кўриб чиқилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларида янги уй-жойлар барпо этиш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, хусусан, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш асосида аҳолининг турмуш шароитини юксалтиришга доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

* * *

6 октябрь. Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Самарқанд шаҳридаги форумлар мажмуасида Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

7 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзаро суҳбатда савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича турли даражада Ўзбекистон – Россия мулоқотлари фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўзаро ҳамкорликка доир бошқа катор масалалар ва айрим халқаро муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

10 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳақида тақдимнома киритди.

* * *

10 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари яқинда олий даражада ўтган учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама этдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни фаоллаштириш, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш тўғрисида келишиб олдилар.

* * *

11 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ушбу вилоятга сафарини Ҳаким Термизий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади. Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев божхона терминали ҳам бўлган «Termez Cargo Centre» халқаро логистика маркази ва бу ерда ташкил этилган автокемпинг фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз жанубий сарҳадларидаги чегара постларидан бирида бўлиб, давлатимиз сарҳадларини янада мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар учун шароитларни яхшилаш зарурлигини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбари Термиз шаҳри мавзеларидан бирида кам таъминланган ва ёш оилалар учун қурилиши режалаштирилган кўпқаватли замонавий уйлар лойиҳалари билан танишди.

Қишлоқ жойларда кам таъминланган оилалар учун мўлжалланган яқка тартибдаги замонавий, ихчам уй-жойлар лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев қурилиши давом этаётган «Амударё соҳили» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳудудидаги объектларни ҳам кўздан кечирди.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Термиз туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсу-

лотларини қайта ишлайдиган янги «Gold dried fruits export» масъулияти чекланган жамиятида ҳам бўлди.

Бу ерда вилоятдаги фермер, деҳқон ва ёрдамчи хўжаликларда мева-сабзавотлар етиштиришни кўпайтириш, уларни молиявий ресурслар ва сифатли уруғлик билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Имом Исо Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишди. Мусулмон оламида олти буюк мухаддисдан бири сифатида машхур бўлган улуғ аждодимизнинг бебаҳо мероси бугунги кунда ҳам кенг ўрганилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимиз Президенти вазифасини бажарувчи Шеробод туманида йирик цемент заводи қурилишининг бориши билан ҳам танишди.

Вилоят фаоллари билан учрашувда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектларини барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

12 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда 2017 йилнинг энг муҳим молиявий-иқтисодий ҳужжатлари бўлган — асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепциялари, Ўзбекистон Республикасининг Дав-

лат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилинди ҳамда қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

* * *

13 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йилнинг 9 ойида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, 2016 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини амалга ошириш натижалари муҳокамасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев олиб борди.

* * *

14 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилди.

* * *

18 октябрь. Тошкентдаги Симпозиумлар саройида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси бошланди.

Ташқи ишлар вазирлари кенгаши Ислом ҳамкорлик ташкилотининг энг муҳим тузилмаларидан бири бўлиб, унинг сессияси ҳар

йили аъзо мамлакатлардан бирида ўтказилади.

Сессияда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари, ташкилотнинг ёрдамчи ва махсус муассасалари раҳбарлари, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Швейцария, Италиянинг ИХТдаги махсус вакиллари ҳамда БМТ, ЕХХТ, Араб давлатлари лигаси, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш каби қатор тузилмалар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев сессиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

* * *

18 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев Кувайт Давлати Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ташқи ишлар вазири шайх Сабоҳ Холид ал-Ҳамад ас-Сабоҳни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Кувайт муносабатларини юқори босқичга кўтариш, ҳамкорликнинг янги саҳифасини очиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев Ислом тараққиёт банки (ИТБ) президенти Бандар Ҳажарни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббусини рўёбга чиқариш — Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси хузу-

рида нафақат ислом маданияти, балки умуминсоний цивилизация равнақига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «2017—2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини ба-

жарувчи Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли конвенциясини (Сан-Франциско, 1948 йил 9 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарлари турли даражада ўтказилган икки томонлама учрашувлар доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича эришилган келишувлар ижроси қандай бораётгани хусусида фикр алмашдилар.

* * *

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида агрофлича фикр алмашиб, ўзаро муносабатларнинг бир қатор асосий йўналишларида ижо-

бий ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида қайд этдилар.

* * *

26 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Бюджетномаси — Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазир Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва сўзга чиқди.

* * *

28 октябрь. Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Сарвар Саъдуллаевич Отамуродов, Тадбиркор-

лар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳатамжон Абдурахмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

* * *

29 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннонни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун АҚШ Президенти Барак Обама ва Давлат котиби Жон Керрига самимий миннатдорлик билдирди.

Сухбат давомида томонлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ўзаро ҳурмат ва ишонч, бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида изчил, муваффақиятли ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини қайд этдилар.

* * *

31 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъмин-

лашни янада яхшилашга доир чоратadbирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси «Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш — барқарор тараққиёт кафолатидир» деган ном билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

1 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

1 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Наманган вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

4 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

4 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

8 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

10 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекис-

тон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

12 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани учун Хитой Халқ Республикаси раҳбариятига, шахсан ХХР раиси Си Цзиньпинга самимий миннатдорлик билдирди.

Самимий ва хайрихоҳлик руҳида ўтган суҳбат давомида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техникавий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

15 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

16 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

17 ноябрь. Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қабрини зиёрат қилди ва Ислоҳ Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ўртасида музокара бўлиб ўтди.

* * *

18 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон

Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

19 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

22 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

23 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевнинг таржимаи ҳоли ва дастури «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинди.

* * *

24 ноябрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди ва нутқ сўзлади.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажа-

рувчи Шавкат Мирзиёев «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов сиймоси тасвирланган хайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 декабрь. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги 132-сайлов участкасига ташриф

буюриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида овоз берди.

* * *

5 декабрь. Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Президент сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзЛиДеП фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар, турли соҳа вакиллари, санъат ва маданият намояндalари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Йиғилганлар Президент сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказига онлайн тарзида боғланиб, сайловнинг дастлабки натижаларини кузатиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев 15 миллион 906 минг 724 овоз, яъни сайловда иштирок этган сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овози билан ғалаба қозонгани ҳақидаги хабар йиғилганлар томонидан гулдурос қарсақлар билан кутиб олинди.

Шавкат Мирзиёев тадбирда сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун бутун халқимизга миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон сайлов органла-

ри ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан, 46 давлатдан келган 600 га яқин кузатувчиларга ҳам самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ватан, мустақиллик, бахт ҳақидаги қўшиқлар янгради.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида Россия томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Россия Федерацияси Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил давом эттириш ва янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларга доир барча соҳаларда, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича давлатлараро ишончли, очиқ ва конструктив мулоқотни чуқурлаштиришга қатъий тайёр эканини билдирдилар.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведев ўртасида Россия томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Россия Ҳукумати раиси Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича олий ва юксак даражада ўтган учрашувлар доирасида эришилган келишувлар ижросини муҳокама қилди.

Сухбат чоғида ўзаро манфаатли барча соҳаларда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида Қозоғистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Қозоғистон раҳбари Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикр алмашдилар. Икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасидаги алоқаларга, хўжалик субъектларининг самарали ҳамкорлиги, шунингдек, минтақалараро алоқалар жадал ривожланиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Тожикистон Республикаси Президенти

Эмомали Раҳмон ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Тожикистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини мустақамлаш масалалари бўйича фикр алмашдилар. Шунингдек, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги долзарб вазифаларни амалга оширишдан икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидладилар.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон раҳбари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида самарали ишлагани, ушбу жараён ҳамда сайлов якунларини юқори баҳолагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ҳамдўстлик доирасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш бўйича атрофлича фикр алмашилди.

* * *

5 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилар миссияси раҳбари, ШХТ Бош котиби Рашид Алимовни қабул қилди.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёр-

гарлик кўриш ва уни ўтказишни кузатиш бўйича ШХТ вакиллари-нинг хулосалари тўғрисида фикр алмашдилар.

Ўзбекистон раҳбари ШХТ кузатувчиларига очиқ, эркин ва демократик шароитларда ўтказилган сайлов кампанияси давомида амалга оширган самарали ишлари ва якуний хулосалари учун самимий миннатдорлик билдирди.

* * *

6 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Туркменистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади.

Суҳбат чоғида ўзбек ва туркман халқларининг тарихи муштараклиги, маънавий ва маданий қадриятлари яқинлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик принципларига асосланган юксак даражадаги давлатлараро муносабатларни мамнуният билан қайд этиб, бундан буён ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ва очиқ мулоқотларни фаол давом эттиришга қатъий ишонч билдирдилар.

Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёевга ўзи учун қулай бўлган вақтда Туркменистонга расмий ташриф билан келишини таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

* * *

6 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ўртасида Туркия томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Режеп Таййип Эрдоғон Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли галаба қозонгани билан самимий табриклади.

Томонлар ўзаро муносабатлар ўзбек ва турк халқларининг тарихи ҳамда маънавияти муштараклигининг мустаҳкам асосига таяниши ва ўзаро манфаатларга жавоб берадиган амалий натижаларга эришишни мақсад қилганини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари ўзаро расмий ташрифларни амалга оширишга келишиб олдилар ва шу муносабат билан манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга катта хисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий

ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ ватандошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган юртдошларимизга ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

* * *

7 декабрь. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев тантанали йиғилишда маъруза қилди ва кириб келаётган янги — 2017 йилга мамлакатимизда «**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**» деб ном беришни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанадаги маърузаси «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

9 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «2016 йил 4 декабрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конс-

титуцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ҳақиқий ва бўлиб ўтган деб топилди.

Шавкат Миромонович Мирзиёев 2016 йил 4 декабрь куни мукобиллик асосида бўлиб ўтган сайловда сайловчиларнинг 88,61 фоиз овози билан беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисобланди.

* * *

13 декабрь. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Украина Президенти Пётр Порошенко ўртасида Украина томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Украина Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга, бунда икки давлатнинг мавжуд имкониятларини тўла ишга солишга келишиб олдилар.

Пётр Порошенко Шавкат Мирзиёевни ўзига қулай вақтда Украинага ташриф билан келишини таклиф этди.

* * *

14 декабрь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали ма-

росимига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М.Абдусаломов очди. У юртдошларимиз ўзининг юксак сиёсий маданияти, Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намоён этиб, 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашганини таъкидлади.

Юксак савияда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзоди Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овозини олиб ғолиб бўлди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва унга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шаҳодатномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Шавкат Мирзиёев қасамёд қилди:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тавсия этилади. Шунга мувофиқ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг бўлиб ўтган йиғилишида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Абдулла Ниғматович Арипов номзодини тавсия этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни А. Ариповнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Номзоднинг касб малакаси, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритиб, депутат ва сенаторлардан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилаётган Абдулла Ниғматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашни сўради.

А. Арипов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳақида нутқ сўзлади.

Мажлисида сўзга чиққанлар Президентимизнинг маърузасида баён этилган устувор йўналишларни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган А. Арипов номзодини маъқуллади. Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

* * *

15 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоев ва қардош Қозоғистон халқини тарихий сана — Қозоғистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги билан самимий табриклади. Ўз навбатида, Қозоғистон Президенти Ўзбекистон раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани билан муборакбод этди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий ва

маданий-гуманитар соҳаларда Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Нурсултон Назарбоев Шавкат Мирзиёевни ўзига қулай вақтда Қозоғистонга давлат ташрифи билан келишга таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

* * *

15 декабрь. Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида, ижтимоий соҳаларда муайян натижаларга эришилаётганини таъкидлади.

Йиғилишда вилоятни барча соҳаларда янада ривожлантириш, саноат салоҳиятини ошириш, ижтимоий инфратузилмасини модернизация қилиш масалалари таҳлил этилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

* * *

15 декабрь. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Сессияда асосий эътибор Сирдарё вилоятида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга қаратилди.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди.

* * *

16 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Буюк Британия ва Шимоллий Ирландия Бирлашган Қироллиги Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.

Учрашувда икки давлат ҳамкорлигининг барча йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

16 декабрь. Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентимиз вилоятда йўл қўйилган камчилик ва мавжуд муаммолар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди.

* * *

16 декабрь. Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мутасадди раҳбарлар вилоятдаги мавжуд муаммоларни баргараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарурлигини таъкидлади.

Сессияда вилоят қишлоқ хўжалигида ислохотларни ва таркибий ўзгаришларни давом эттириш, бунда асосий эътиборни пахта майдонларини қисқартириш ҳисобидан мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кескин ошириш масалалари агрофлича муҳокама этилди.

Мажлисида бундай вазифаларни амалга ошириш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, Бухоро вилоятининг шароити ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди. Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига мавжуд камчиликларни баргараф этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

* * *

19 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшагиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Ерлан Идрисовни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз яқин қўшни ва вақт синовидан ўтган ҳамкорлар сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистонда, бутун Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт ва фаровонликдан бирдек манфаатдор экани қайд этилди.

Сухбат чоғида томонлар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига оид, авваламбор, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорликнинг барча йўналишлари юзасидан афрофлича фикр алмашди. Хусусан, савдо соҳасида йирик шериклар бўлган Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш, бу борадаги барча имкониятларни ишга солишга тайёр экани таъкидланди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Галина Витальевна Мельниковага «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти фахрий унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 декабрь. Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президентимиз қишлоқларда саноатни ривожлантириш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар барпо этиш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари қониқарсиз аҳволда эканини алоҳида қайд этди.

Келгуси беш йилда вилоятда экспорт ҳажмини камида 2 баробар, экспортчи корхоналарни 2,7 марта кўпайтириш, экспортда улуши паст бўлган туманларнинг бу борадаги натижаларини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва модернизация қилиш масаласига устувор аҳамият қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

* * *

23 декабрь. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг

навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объектлари барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Енгил саноат соҳасида туманларда пахтани қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шу орқали худудлар экспорт салоҳиятини юксалтириш лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз вилоятда туризмни янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида ислохотларни изчил давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани муносабати билан бу борада маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари олдида турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Раҳбарларнинг халқ ичига кириб, аҳоли билан самимий мулоқот қилиши, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларга ечим топиши халқимизнинг дав-

латдан рози бўлиши ва турмуши фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

* * *

24 декабрь. Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев амалий ташриф билан Самарқандга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди ва унинг ёрқин хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Президентлар «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Форумлар мажмуаси саройида икки давлат раҳбарлари ўртасида музокара бўлиб ўтди. Унда Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

25 декабрь. Халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Сессияда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада аҳоли, авваламбор, ёшларни

иш билан таъминлаш, замонавий иш ўринлари яратиш давлатимиз, бутун жамиятимизнинг диққат марказида туриши лозимлиги таъкидланди.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятидаги йирик саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Президентимиз дастлаб «Навоий кон-металлургия» давлат корхонасига ташриф буюрди. Комбинатда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар ва истиқболдаги режалар билан танишди. Корхонада 2017—2021 йилларда 16 та янги йирик лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланган. Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва юқори сифат билан амалга ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Навоийазот» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган йирик янги лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонадаги янги лойиҳаларни тез ва сифатли амалга ошириш иқтисодиётимиз ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентимиз «Навоий» эркин иқтисодий зонасида бўлиб, бу ердаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Мазкур иқтисодий зона фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ ва бюджет сиегатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Янги йил арафасида мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашди.

Учрашувда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий ўқув юртлари ректорлари иштирок этди.

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давла-

тимизнинг устувор вазифаларидан биридир, деди Президент.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтисодиётимизнинг барча соҳалари тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти ғоят катта экани, бу борада давлатимиз биринчи галда Фанлар академияси ва унинг таркибида фаолият кўрсатаётган олимларга суянишини, фан ва иш-

лаб чиқариш ҳамкорлиги бугун ниҳоятда долзарб эканини алоҳида таъкидлади.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини қириб келаётган янги — 2017 йил билан табриклар, эзгу тилақларини билдирди.

2017 йил

3 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 январь. Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди.

Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда ҳукумат аъзолари, сенаторлар, вилоят ҳокимлари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари иштирок этди.

Президентимиз тиббиёт соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича тўхталди. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятида ҳам ечимини кутаётган масалалар кўп. Мавжуд марказларнинг ҳаммаси Тошкент шаҳрида жойлашган. Бу, айниқса, қишлоқ аҳолисига муайян нокулайликлар туғдирмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари мутахассислари жойларга чиқиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоғи, жарроҳлик амалиётларини ўтказмоғи лозим, деди Президентимиз.

Тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини янада ривожлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш, ёш мутахассисларни тарбиялаш жараёнига илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш, дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва ўқув муассасалари, таниқли олим ва мутахассислар билан ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

* * *

5 январь. Президент Шавкат Мирзиёев билан Корея Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Хван Гё Ан ўртасида Жанубий Корея томонининг ташаббуси билан телефон мулоқоти бўлиб ўтди.

Хван Гё Ан Шавкат Мирзиёевни 2016 йилнинг декабрь ойида ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида юксак натижага эришиб, ғалаба қозонгани билан самимий муборакбод этди.

Томонлар ўзаро ҳамкорлик тарихидаги шонли сана — Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги билан бир-бирларини самимий табриқладилар.

Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг истиқболлари ат-

рофлича муҳокама қилинар экан, ўзаро фойдали бўлган барча соҳаларда юқори технологияларга асосланган қўшма лойиҳаларни кўпайтиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Маълумки, 2017 йилда корейсларнинг Ўзбекистонда истиқомат қила бошлаганига 80 йил тўлади. Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида Ўзбекистоннинг корейс миллатига мансуб фуқаролари фаол иштирок этаётгани алоҳида қайд этилди.

Сухбат очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

7 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан учрашди.

Учрашувда Олий Мажлис палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, прокуратура органлари масъул ходимлари ва фахрийлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 декабрдаги қонунига мувофиқ, 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни этиб белгиланди.

Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, деди Президентимиз. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни

сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта.

Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор, деди Президентимиз.

Ҳозирги кунда Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар йили Бош прокурорнинг ҳисоботи эшитилади. Бу, албатта, муҳим, лекин жойлардаги прокурорларнинг ҳисоботини ким эшитади, деди Шавкат Мирзиёев. 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида мазкур соҳа ходимлари ҳам ғоят масъулиятли вазифаларни бажармоғи лозим бўлади. Биронта ҳам мурожаат эътибордан четда қолмаслиги керак, деди давлатимиз раҳбари.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва

қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишни имзолади.

* * *

12 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзола-

ри, аскар ва сержантлар, офицер ҳамда генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларини самимий табриклади.

Табрик нутқи 14 январь куни матбуотда эълон қилинди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда 2017 йил учун иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим йўналиш ва устувор вазифаларини белгилашга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. Ушбу нутқ «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» деган сарлавҳа билан матбуотда чоп этилди.

* * *

19 январь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё давлатлари бўйича вице-президенти Сирил Мюллерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўргасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзаро ҳамкорлик электр энергетикаси, ирригация ва коммунал тармоқларни модернизация қилиш, сув таъминоти, ишлаб чиқариш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишларида Жаҳон банкнинг 2,8 миллиард доллар маблағи асосида амалга ошириладиган 33 та қўшма лойиҳани ўз ичига олади.

Жаҳон банки вице-президенти Ўзбекистонда кичик бизнесни жадал ривожлантириш, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар фоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари хусусида фикр алмашилди, шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

* * *

19 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20–21 январь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш

ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев сафарини Хўжайли туманидаги марказий шифохона фаолияти билан танишишдан бошлади. Шифокорлар билан мулоқотда малакали тиббий кадрлар тайёрлаш, тиббий жиҳозлардан унумли фойдаланиш, хизмат малакасини ошириш, шифохоналар қуришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқлим шароитидан келиб чиқиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шундан сўнг Президентимиз «Мурувват» аёллар интернатига бориб, ушбу муассаса фаолияти билан танишди.

Тумандаги 69-мактаб ўқитувчилари билан бўлган мулоқот чоғида мактабларнинг инфратузилмасини яхшилаш, Ватан равнақи учун малакали кадрлар тарбиялаш ишларини такомиллаштириш ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев «Қорақалпоғистон» қишлоқ врачлик пунктида ҳам бўлди. Шифокорлар билан суҳбат давомида аҳолининг давлат идораларига ишончини мустаҳкамлашда тиббиёт муассасалари ходимларининг фаолияти алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

Президентимиз Шуманай туманидаги Жумабой Бозоров номидаги болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюрди. Мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари билан самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари қурилиши бошланган Қўнғирот — Мўйноқ ичимлик суви тармоғи билан танишди. 101 километрлик ушбу сув

тармоғи ишга туширилгач, бир кеча-кундузда 7 минг метр куб сув узатиш ва 25 мингдан зиёд аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилади.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташрифининг иккинчи куни Нукус шаҳрида полимер маҳсулотлари заводи куриладиган ҳудудга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхона билан ёнма-ён барпо этиладиган энергия тармоғи маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод лойиҳаси билан ҳам танишди. Бу ерда Япония, Швейцария, Италия каби мамлакатларда тайёрланган технологиялар асосида замонавий трансформаторлар, фотоэлектростанция деталлари, автоматик электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқарилади.

Давлатимиз раҳбари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида реконструкция қилинган Нукус темир йўл вокзалини бориб кўрди. Президентимиз бу ерда хизмат турларини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаби курилаётган ҳудудга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари мактаб лойиҳасини такомиллаштириш, хусусан, бино олдида майдон

барпо этиш ва бу ерда Ибройим Юсупов ҳайкалини ўрнатиш бўйича тавсиялар берди.

Президентимиз Тошкент педиатрия-тиббий институтининг Нукус филиалида ҳам бўлди. Институтда ҳақиқий илмий муҳит яратиш, хориж тажрибасини ўрганиш, халқаро клиникалар билан ҳамкорликни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини самарали муҳофаза қилишни йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Ҳар бир мурожаатни адолатли кўриб чиқиш ва ҳал этиш, раҳбарларнинг мурожаатлар билан ишлашини таҳлил қилиб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Нукуснинг Ерназар Олакўз кўчасини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди. Режага кўра, ушбу марказий кўча кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати учун янада қулайлик яратилади. Йўл бўйида кўпқаватли уйлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари курилади.

Давлатимиз раҳбари Имом эшон Муҳаммад масжидида нуронийлар билан суҳбатлашди. Унда халқимиз турмуш даражасини янада ошириш, кексаларни эъзозлаш, ёшларни баркамол этиб тарбиялаш ҳақида сўз борди.

Нуронийлар Шавкат Мирзиёев ўзининг Президент сифатида мамлакатимиз бўйлаб илк ташрифини қорақалпоқ заминидан бошлагани давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга, қорақалпоқ

халқига бўлган юксак ҳурмат-этиборидан далолат эканини, ташриф натижалари бу ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллиги муносабати билан миллий маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари тантанали маросим аввалида миллий-маданий марказларнинг давлат мукофотлари билан тақдирланган фаолларига фахрий унвонлар, орден ва медаллар топширди.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Мудо-

фаа вазирлиги раҳбарияти билан йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида белгиланган вазифалар ижросининг бориши муҳокама қилинди, қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасига оид қонунчилик самарадорлигини юксалтириш, Қуролли Кучлар ташкилий тизимини янада такомиллаштириш, унинг шахсий таркибини тайёрлаш, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланиш даражасини янада оширишга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, жумладан, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун замонавий уй-жойлар қуриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юртдошларимизда Ватан тақдири учун масъулият туғусини янада юксалтириш каби муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Йиғилишда ҳукумат аъзоларига, вазирлик ва идоралар раҳбарларига Қуролли Кучларимиз кудратини ошириш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш, миллий армиямиз ва халқимиз яқдиллиги-

ни мустаҳкамлашга доир аниқ топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур билим юртида курсантлар учун яратилган шароитлар билан ҳам танишди.

* * *

27–28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи Хивадаги Ичан қалъа мажмуасидан бошланди.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси зиёрат қилинди.

Давлатимиз раҳбари Матниёз Девонбеги мадрасасида Хива шаҳрининг тарихий қисмида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари режаси, Исфандиёрхон қабул маросимлари уйи ва Нуруллабой ёдгорлик мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишди.

Урганчдан Хивагача темир йўл ва Хива шаҳрида замонавий вокзал барпо этиш, бу йўлда электропоездлар, келгусида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Afrosiyob» тезюрар поезда қатновини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди. Шаҳарнинг туризм соҳасидаги жозибадорлигини ошириш мақсадида сайилгоҳ кўчалар ташкил этиш ва кечки сайр имкониятини яратиш, уларда миллий урф-одагларимиз ва кўнгилочар дастурларни намойиш қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан суҳбатда тармоқда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб этиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, сайёҳликка ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш, кадрлар малакасини ошириш, эсдалик совғалар ишлаб чиқарадиган корхоналарни кўпайтириш хусусида сўз борди. Соҳа мутасаддиларига тегишли топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Хоразм Маъмур академиясига ташриф буюрди.

Президентимиз академияда илмий йўналишларни кенгайтириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, уларни амалиётга кенг жорий этиш, олимларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Хива туманидаги «Болтабой оқсоқол» фермер хўжалиги балиқчилик комплекси ҳамда «Хива насли парранда» масъулияти чекланган жамияти паррандачилик маркази лойиҳалари билан танишув бўлди.

Давлатимиз раҳбари Хива тумани Чодра қишлоғида Хурсанд Мадримов ва Оллоберган Раҳимов хонадонларига кириб, уларнинг турмуш шароити, даромадлари билан қизиқди. Томорқадан самарали фойдаланиш, лимон, ёнғоқ, анор, анжир каби сердаромад экинлар экиш зарурлиги ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманида ташкил этиладиган ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси, Боғот туманида 200 гектар майдонда токзор ташкил этиш лойиҳалари билан танишди.

Президентимиз Ҳазорасп туманига ташрифи чоғида Хоразм вилояти кишлоқ хўжалигини сув билан таъминлайдиган Тошсоқа магистрал каналида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди. Бу ерда пудратчи ва қурувчилар ишини самарали ташкил этиш, қурилиш ва реконструкция ишларини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Урганч шаҳрида Хоразм вилояти фаоллари билан учрашувда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари сафарининг иккинчи кунида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиалини бориб кўрди. Ушбу тиббиёт маскани негизида Россия Федерациясининг А. Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиалини ташкил этиш режалаштирилган. Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали негизида И. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда эндокринология, отолорингология, гематология, аллергология, терапия бўлимлари очилади.

Президентимиз Хоразмда мазкур икки муассасанинг ташкил этилиши тарихий воқеа бўлишини, Оролбўйи аҳолиси учун улкан ижтимоий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Охунд бобо масжиди қурилиши билан танишди. Нурунийлар билан суҳбатда ёшлар-

ни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Урганчдаги «Урганч текстиль» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга ошириладиган яна бир лойиҳа ип-калава ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Корхона Германия ва Туркия ускуналари асосида йилига 4 минг тонна маҳсулот тайёрлаш, 200 иш ўрни яратиш имконини беради. Бу ерда ҳар йили 6,5 миллион долларлик товар экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Шавкат Мирзиёев хоразмликлар билан сайловолди учрашувида 2017 йилда Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш, машҳур ҳофиз номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва унинг таркибида гўзал боғ ташкил этишни таклиф қилган эди.

Президентимиз мазкур ижод марказидаги қурилиш ишларини бориб кўрди. Бу ерда Комилжон Отаниёзов хайкалини барпо этиш, қурилиш лойиҳасини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Урганч шаҳридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида меҳнат фахрийлари, санъат ва адабиёт намояндалари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва маънавия-

тини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ҳақида сўз борди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг 25 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан авиакомпания жамоасига табрик йўллади.

* * *

30 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таваллуд куни муносабати билан Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Ислом Каримовнинг кутлуғ таваллуди санаси — 30 январь куни пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда эҳсон оши берилди.

Самарқанд ва Тошкентдаги маросимларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

* * *

31 январь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак» деган ном билан китоб ҳолида «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмми қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ва Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси ўртасида бўлиб ўтган музокарада савдо-иқтисодий, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узоқ муддатли ҳамда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида шериклик муносабатларини қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, Ўзбекистон бозорида АҚШ компаниялари иштирокини кенгайтириш учун яратилган қулай шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик субъект-

ларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган жойда қурилаётган йўл ўтказгич билан танишди. Узунлиги 900 метр, баландлиги 6 метр, кенглиги 24 метр бўлган 6 полосали мазкур йўл ўтказгич нафақат ҳайдовчи ва пиёдаларга, балки шу атрофда яшаётган аҳолига ҳам кўплаб қулайликлар ярагади. Қурувчиларга ишнинг тез ва сифатли бажарилиши юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Президентимиз шу ерда Бунёдкор ва Чўпонога кўчалари чоррахасида қурилиши режалаштирилган йўл ўтказгич лойиҳаси билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Сергели йўналишида олиб борилаётган қурилиш участкасида бўлди. Маълумки, бу йўналиш ер устидан ўтади. Қурилиш ишлари 2017—2020 йилларга мўлжалланган мазкур йўналишнинг узунлиги 7,1 километрни ташкил этади.

Президентимиз Сергели туманида бунёд этилаётган замонавий кўпқаватли уй-жойлар қурилишини ҳам кўздан кечирди. Мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга мазкур иншоотларни бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган пухта лойиҳалар асосида қуриш, уларни энг замонавий инфратузилмалар билан таъминлаш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев Яккасарой туманидаги «Яккасарой кичик саноат зонаси» давлат унитар корхонасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари технопарк ҳудудидаги лойиҳалар билан танишар экан, бундай саноат зоналарини пойтахтимизнинг барча туманларида ташкил этиш, уларда кичик бизнес вакилларига кенг имтиёзлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Сергели туманида хорижий ҳамкорларимиз томонидан бунёд этиладиган «Тошкент металлургия заводи» лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхонани қуриш бўйича бошланган ишлар билан танишди. Мазкур металлургия заводининг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ўрни ҳақида тўхталиб, бу ерда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Тошкент шаҳрининг Олмазор ва Бешёғоч кўчалари кесишадиган ҳудудда барпо этилаётган кўптармоқли спорт комплекси қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида қурилаётган «Хумо» спорт мажмуаси дизайнида замонавий қурилиш ечимлари ва илғор технологиялар миллий маданият элементлари билан уйғунлаштирилади. Мажмуа биноси кўкка парвоз этаётган Хумо куши кўринишида барпо этилади.

Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғидаги Адиблар хиёбонида бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан учрашди.

Учрашувда шоир ва ёзувчилар ижод аҳлига, китоб мутолаасига, китобхонлик маданияти тарғиботига қаратаётган юксак эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

* * *

7 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммолар ва соҳанинг ривожланиш истиқболларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий тиббиёт ўқув юртлари ректорлари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги, раҳбарлар масъулияти ва шахсий жавобгарлиги хусусида атрофлича тўхталди.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, жойларда тиббиёт соҳасидаги вазиятни ўзгартириш ишлари талаб даражасида олиб борилмапти. Буни аҳолидан Халқ қабулхоналари ва Президентнинг Виртуал қабулхонасига келиб тushаётган кўплаб ариза ва шикоятлар тасдиқлаб турибди.

Тиббий хизмат инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир. Тиббиёт ходимлари уйма-уй юриб, касалликларни профилактика қилиши, соҳадаги ўзгаришларни одамлар сезиши керак. Бунинг учун шифокорларнинг маданияти ва масъулиятини ошириш, ишга ва беморларга муносабатини ўзгартириш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда тиббий хизмат самарадорлигини янада ошириш, бу борада белги-

ланган устувор йўналиш ва вазифаларни бажариш бўйича мутасаддиларга топшириқ ва кўрсатмалар берди.

* * *

8 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ички ишлар органлари фаолияти, тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликлар таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари кейинги вақтларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибini сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилганини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев ҳафтанинг пайшанба кунини «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни» деб эълон қилишни таклиф этди. Шу куни ҳудудлар прокурорлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқлари маҳаллий телеканалларда чиқишлар қилиб, содир этил-

ган жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ва профилактика ишлари ҳақида ахборот беради.

Йиғилишда милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, профилактика инспекторларининг турмуш шароитини яхшилаш, ички ишлар органлари тизимини комплекс ислоҳ қилиш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилмалари танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ички ишлар органларининг тадбиркорлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiши ёки тўсқинлик қилиши каби ҳолатларга бағамом чек қўйиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мутасадди раҳбарларга фуқароларнинг ҳар бир мурожаати эътиборсиз қолмайдиган тизим яратиш, хизматга муносабатни тубдан ўзгартириш, жиноят тафсилотларини муҳокама қилиш механизминини шакллантириш, ички ишлар органларининг халқ вакиллари олдида ҳисобот бериш тизимини йўлга қўйиш орқали уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисида профилактика инспекторлари малакасини ошириш бўйича тизим яратиш кераклигига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Ички ишлар вазирлиги

академияси ва вилоятлардаги олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда махсус курслар ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарасини ошириш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

* * *

10 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Дастлаб давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги «Gold Agro Fresh» агрофирмаси фаолияти билан танишди.

Президентимиз бу ерда маҳсулотлар турини кенгайтириш, 5 минг гектарда анор, 5 минг гектарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш, одамларнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев шу ернинг ўзида мева-сабзавот етиштириш, паррандачилик, чорвачилик каби тармоқлардаги истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Бу ерда олиб борилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз Термиз туманида ташкил этиладиган балиқчилик комплексида амалга оширилаётган ишларни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳа билан танишди. Лойиҳада вилоятдаги гидротехника иншоотлари, канал ва бошқа сув тармоқларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш бўйича 122,7 миллион долларлик чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига қарашли «Термиз марвариди санаторийси» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган реконструкция ишларини кўздан кечирди. Учқизил сув омбори бўйидаги баҳаво худудда жойлашган ушбу сиҳатгоҳда беморлар физиотерапия ва маъданли сув, қум ва қуёш нурлари билан даволанади. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мазкур худудда том маънодаги замонавий дам олиш комплексини бунёд этиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Ангор туманида ипак етиштириш бўйича Хитой билан ҳамкорликда ташкил этиш режалаштирилган қўшма корхона лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбари муҳокамалар пайтида Сурхон воҳаси маҳсулдор ипак қурти парваришлаш учун қулай табиий иқлим шароитига эга эканини таъкидлади.

Президентимиз Ангор туманидаги Занг гиламбоб қишлоғида Шоди бобо Хушбоқов хонадонида бўлди. Шавкат Мирзиёев Шоди бобо ва у кишининг умр йўлдоши Саломат момо билан оиланинг кундалик ҳаёти, фарзандлар ва на-

биралар тарбияси тўғрисида суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги «Гуржак-1» массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойлар, аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишди.

Замонавий ва миллий меъморлик андозалари асосида қурилган янги массивда ижтимоий инфратузилма объектлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилган. Давлатимиз раҳбари ёш оила — Ўктам Абдуллаев ва Малоҳат Жумаева хонадонида бўлиб, уларни янги уйга кўчиб ўтгани билан табриклади.

Президентимиз Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад Термизий зиёратгоҳида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Мажмуани янада обод масканга айлантириш, қулай шароитлар яратиб, зиёратчилар оқимини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятида ингичка толали пахтани қайта ишлаш корхонаси, зараркундаларга қарши курашишга қаратилган ишланмалар, лимон ва писта етиштиришга ихтисослашган плантациялар лойиҳаларини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шеробод туманида «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти томонидан барпо этилаётган цемент заводи қурилиши билан танишди. Давлатимиз раҳбари ушбу завод

нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутишини қайд этди.

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти фаоллари билан учрашувда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифининг иккинчи кунини Термиз шаҳрида перинатал марказни кенгайтириш, урология ва офтальмология марказларини ташкил этиш лойиҳалари билан танишишдан бошлади.

Президентимиз узоқ ва аҳоли кўп яшайдиган туманларда ушбу марказларнинг бўлимларини ташкил этиш, жойларда кўриклар ўтказиш, тиббий ва овқатланиш маданиятини юксалтириш зарурлигини таъкидлади. Тиббиётнинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам шундай марказлар, хусусан, кардиология ва болалар касалликларига ихтисослашган клиникалар ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида бунёд этиладиган кўпқаватли уй-жойлар, деҳқон бозори ва савдо комплекси, замонавий истироҳат боғи лойиҳалари билан танишди. Сўнгра Сурхондарё дарёси бўйида бунёд этилаётган «Амударё» болалар соғломлаштириш маркази, бу ерда ташкил этиладиган инфратузилма объектлари лойиҳаларини ҳам кўздан кечирди.

Президентимиз Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази қурилиши, Термиз шаҳри марказида бунёд этилаётган «Бахт» боғи ва муҳташам Санъат саройи лойиҳалари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

Юртбошимиз Термиз шаҳрида «Жануб текстиль» масъулияти чекланган жамияти, «Амударё Текс» Ўзбекистон – Англия қўшма корхонаси ҳамда Шеробод туманида барпо этиладиган «Sherobod textile invest» масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳалари билан ҳам танишди.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президентимиз Гурбангули Бердимухамедовни Туркменистон Президенти сайловидаги юксак ғалабаси билан самимий табриклаб, давлат раҳбари лавозимидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Давлатлар раҳбарлари ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишларини муҳокама этиб, минтақавий ва халқаро

сиёсатнинг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар давлатлараро муносабатлар турли даражаларда сезиларли миқёсда фаоллашгани, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Томонлар Ўзбекистон ва Туркменистон ҳукумат делегацияларининг амалий ташрифлари яқунларини, шунингдек, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни ижобий баҳоладилар.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Россия ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Козакни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари кўплаб йўналишларда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини янада диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар икки мамлакат компанияла-

ри ўртасида узоқ муддатли амалий алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, янги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия муҳим ўрин тутаётганини қайд этдилар.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

21 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

23 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма

комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Асқар Маминни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари, жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар барқарор ва изчил ривожланаётгани ҳамда мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат ўртасидаги самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш, бунинг учун, аввало, савдо, инвестициявий технологиялар ва транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорлик бўйича аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш ва мустаҳкамлаш лозимлиги, бу савдо ва маданият соҳаларида алоқаларни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланди.

* * *

24–25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.

Президентимиз дастлаб Қарши туманида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни кўздан кечирди. Шунингдек, Якка-

боғ туманида ташкил этилаётган қорабайир зотли отларни кўпайтиришга ихтисослашган «Қорабайир отчилик мажмуаси» фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Косон туманидаги икки минг бош қорамол боқишга мўлжалланган замонавий чорвачилик комплекси фаолиятини кўздан кечирди. Бу ерга хориждан наслдор қорамоллар олиб келиш, уларни зарур технологиялар асосида парваришlash, етиштирилган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича мутахассисларга зарур тавсиялар берилди.

Нишон туманида Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштиришга ихтисослашган агрофирма ташкил этилмоқда. Учрашувда Қашқадарёнинг сув ҳавзалари имкониятларидан самарали фойдаланиб, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ истеъмолини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари «Қарши насос станциялар каскадини қайта тиклаш — III фаза» лойиҳаси билан танишди. Лойиҳани бажариш натижасида 402 минг гектар суғориладиган майдоннинг сув таъминоти яхшиланади.

Давлатимиз раҳбари Қарши туманида енгил саноатни ривожлантириш борасидаги янги лойиҳалар, жумладан, «LT Textile International» Ўзбекистон — Хитой — Нидерландия қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишди.

Президентимизга шу ернинг ўзида Яккабоғ туманидаги илгариги «Яккабоғ текс» корхонаси негизида барпо этилаётган «Universal Taraqqiyot Tekstil» қўшма корхонасига қўшим-

ча инвестиция киритиш лойиҳаси бўйича ҳам тақдимот ўтказилди.

Қарши шаҳридаги илгариги пахта тозалаш заводи негизида ташкил этилаётган «Wood Decor Production» қўшма корхонасида Швейцариянинг машҳур «Rieter», Япониянинг «Murata», «Yamata», Германиянинг «Mauser» компанияларининг юқори самарадорликка эга дастгоҳлари ўрнатилмоқда.

Фузор туманидаги илгариги пахта тозалаш корхонаси негизида газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳаси билан танишар экан, Президентимиз янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари «Шўртан газ-кимё» мажмуасида синтетик суюқ ёқилғи (GTL) ишлаб чиқаришни ташкил этиш» ва «Шўртан газ-кимё» мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш» лойиҳалари билан танишди.

Президентимиз Қарши туманидаги «Нукробод» қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккаёғоч массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган арзон уй-жойларни бориб кўрди. Сўнгра янги уй соҳибларидан бири Алишер Аҳмедов хонадонида бўлиб, бу ерда яшаш учун яратилган шароитлар билан танишди. Ёш оила аъзолари давлатимиз раҳбарига эътибор ва ғамхўрлик учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Мирмирон масивидagi янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлarda истиқомат қиладиган аҳоли учун иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси би-

лан танишди. Шу ерда профилактика инспекторлари ва қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари яшаб, хизмат кўрсатадиган турар-жойлар лойиҳаси намойиш этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги «Қарши лезер» қўшма корхонасида бўлиб, Қашқадарё вилоятида чарм-пойабзал соҳасини янада ривожлантириш дастури, мева-сабзавот етиштириш, янги логистика маркази ташкил қилиш, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз туманларида тоқзорлар барпо этиш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Қашқадарё вилоятида мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш имкониятлари жуда юқори. Шаҳрисабз шаҳрида ташкил этилаётган «Шаҳрисабз» логистика маркази ушбу мақсадларга хизмат қилади.

Чироқчи туманида йилига 8 минг тонна салат барги, брокколи, рангли карам ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, мева-сабзавот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Биг агро экспорт» масъулияти чекланган жамияти барпо этилмоқда.

Яккабоғ, Китоб ва Шаҳрисабз туманларида 2017–2019 йилларда жами 5 минг гектарда янги тоқзорлар барпо этиш мўлжалланмоқда. Яккабоғ туманида йилига 4 минг тонна узумни қайта ишлаш лойиҳаси амалга оширилади.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз олимлари томонидан ўрмон фонди ерларида шифобахш ўсимликлар етиштириш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Қарши шаҳрида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштиро-

кида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмаларни ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифининг иккинчи кунини Қарши шаҳридаги «Гулшан» маҳалласида фуқаролар йиғини ходимлари ва профилактика инспектори биргаликда ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишишдан бошлади.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги истироҳат боғида амалга оширилаётган реконструкция ишлари билан танишди. Боғда яшил майсазорларни кўпайтириш, турфа гул ва манзарали дарахтлар экиш, бу ерга ташриф буюрувчилар учун барча шароитлар яратиш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Қарши шаҳридаги илгариги «Насаф» стадиони ҳудудида барпо этилаётган замонавий сузиш ҳавзаси ва дам олиш мажмуаси лойиҳаси билан танишув бўлди.

Давлатимиз раҳбари Жайхун кўчасида қурилаётган 5 қаватли замонавий турар-жой бинолари, «Қашқадарё дори-дармон» акциядорлик жамияти томонидан Буюк Британиянинг «Rodex Trading Limited» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган кукун шаклидаги антибиотик дори воситалари ишлаб чиқариш, Қарши шаҳрида электроника маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қурилаётган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Қарши филиаллари, Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси лойиҳалари тақдимотида ҳам иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ҳайкали, Абул-Муин Насафий зиёратгоҳида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳалари билан танишди, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Ташқи разведка хизмати директори Сергей Нарискинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимизнинг замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги юксак даражада эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат давомида экстремизм, терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «2017 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 март. Президент Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи «Женерал Электрик» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.

Учрашувда «Женерал Электрик» компанияси билан узоқ муддатли, айниқса, юқори технологик тармоқлардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш истиқболлари муҳокама қилинди ҳамда мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енчани қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари бўйича фикр алмашилди ва кўриб чиқилган барча масалалар бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш экани таъкидланди. Истиқболда ўзаро муносабатларни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накаони қабул қилди.

Учрашувда 2017–2019 йилларга мўлжалланган қўшма дастур доирасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Аҳоли, айниқса,

қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аграр тармоқни модернизация қилиш, йўл-транспорт инфрагузилмаси, муқобил энергетикани ривожлантириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва бошқа йўналишларга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 март. Пойтахтимиздаги «Наврўз» давлат қабуллар уйида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган 15 нафар қизга ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи 7 март куни матбуотда эълон қилинди.

* * *

6—7 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбан-

гули Бердимухамедовнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Ашхободга келди.

Бу Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида хорижий давлатга илк ташрифи эди.

Ашхободнинг Мустақиллик майдонида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Ўғузхон саройида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яккама-якка мулоқоти бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш, товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов

Қўшма баёнотни, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018—2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017—2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017—2018 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Хоразм вилояти билан Дашовуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебап вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратганини таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мамлакатимизда яқинда чоп этилган Махтумқулининг «Элингга бахш айла» деб номланган китобини тақдим қилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Халқаро ахалтекин отлари мажмуаси билан танишдилар. Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди.

Президентимиз Туркменистон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди. Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистоннинг Биринчи Президенти Сапармурат Ниёзов мақбарасини зиёрат қилди. Ўтганларнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Туркманобод шаҳрига бордилар. Ушбу шаҳар яқинида Амударёда қурилган Туркманобод–Фараб автомобиль ва темир йўл кўприklarининг тантанали очилиш маросими бўлди. Президентлар кўприklar олдидаги майдонда ташкил этилган ўзбек ва туркман амалий санъати намуналари, ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур кўприklar нафақат Туркменистон, балки бутун минтақа учун геостратегик аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари поездга ўтириб, кўприкдан ўтдилар.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов билан видолашув маросимида Гурбангули Бердимухамедов Туркменистонда унинг хотираси абадийлаштирилишини таъкидлаган эди. Шу мақсадда Туркманобод шаҳридаги марказий кўчалардан бирига Ислом Каримов номи берилди. Ушбу кўчада ёдгорлик мажмуаси барпо этилди ва Биринчи Президентимизнинг бюсти ўрнатилди.

Мазкур ёдгорликнинг очилиш маросимида Гурбангули Бердимухамедов ва Шавкат Мирзиёев нутқ сўзладилар.

Президентлар Ислом Каримов ёдгорлик мажмуасига гул қўйиб, хурмат бажо келтирдилар.

Туркманобод шаҳридаги «Рухият» саройида Ўзбекистон ва Туркманистон санъат усталарининг концерти намоёниш этилди.

* * *

10–11 март. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилишдан бошланди. Таомилга биноан Куръон тиловат қилинди. Президентимиз мазкур ёдгорлик мажмуасини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Бухоронинг жаҳон цивилизацияси ва ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс. Бу заминда кўплаб алломалар таваллуд топган ва яшаган. Уларнинг бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун бу ерда Тошкент ислом университетининг махсус факультетини ташкил қилиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев Бухоро темир йўл вокзалида йўловчилар учун яратилган шароитларни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари шу ерда Бухоро – Мискин темир йўл қурилишининг бориши билан танишди.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ва Испаниянинг «Patentes Talgo, S.L.U» компанияси ўргасида юқори тезликда

ҳаракатланувчи 2 та электропоездни харид қилиш бўйича шартнома имзоланган эди. Президентимиз юртимизга келтирилган янги «Afrosiyob» электропоезднинг имкониятлари, йўловчилар учун яратилган қулайликлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари «Bukhara Brilliant Silk» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида бўлиб, вилоятда аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратишга қаратилган бир қанча лойиҳалар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан собиқ «Бухоротекс» АЖ негизида ташкил этиладиган «Индорама Индаст ЛТД» Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси лойиҳаси билан танишди. Президентимизга «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан 2017 – 2018 йилларда Бухоро вилоятида пахта толасини қайта ишлаш дастури лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Бухоро шаҳрида ишга туширилган «Bukhara Cotton Textile» корхонаси лойиҳаси билан танишар экан, Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда етиштирилган пахтани тола кўринишида сотиш энг кам даромад келтиришини, пахта толасини қайта ишлаб, экспортбоп тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Президентимизга Олот туманидаги «Мергантекс» масъулияти чекланган жамияти, Пешку туманидаги ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўп тармоқли корхона, Бухоро шаҳрида пахта етиштиришдан тайёр тўқимачилик

маҳсулоти ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни қамраб оладиган пахта-тўқимачилик кластери тузиш, табиий ва кимёвий толалардан интеграция асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги Арк қўрғони мажмуасида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш дастури тақдимотида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар ва бошқа ходимларнинг билим ва малакасини мунтазам ошириб бориш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Бухоро тарихи давлат музейи лойиҳасини кўздан кечирди, маданий мерос объектларининг бугунги кундаги ҳолати ва уларни сақлашга доир лойиҳалар тақдимоглари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Жондор туманидаги «Жондор чинор чорва» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этиладиган паррандачилик мажмуаси лойиҳаси билан танишди.

«Ўзмиллийбанк» хузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Property Industry» масъулияти чекланган жамияти таъсисчилигида Бухоро туманида 38 гектарда агрологистика маркази барпо этилмоқда.

Пешку туманида ташкил этиладиган чорвачилик комплекси лойиҳаси намойиш этилди. Шу ерда Бухоро, Пешку, Ромитан, Олот ту-

манларида ташкил этилаётган чорвачилик хўжаликлари лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Аму-Бухоро ирригация тармоқлари лойиҳаси тақдимоти билан ҳам танишди. Президентимиз бу ирригация тизими Бухоро учун жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб, ажратилган маблағ ва техникалардан оқилона фойдаланиш, белгиланган тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бухоро шаҳрида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика шошилинч тиббий ёрдан илмий марказининг Бухоро филиалида бўлиб, бу ерда бажарилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари лойиҳасини кўздан кечирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Бухоро шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Бухоро шаҳрининг Гиждувон, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Навоий кўчаларида кўпқаватли

50 та уй қурилади. Давлатимиз раҳбари янги уйларда барча ижтимоий-маиший шароитларни яратиш, уларни қуришда миллий ва замонавий архитектура талабларини, маҳаллий иқлимни ҳисобга олган ҳолда иш тутиш зарурлигини таъкидлади.

Бухоро шаҳрида транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев шаҳарнинг тарихий қисмида анъанавий хунаромандлик устахоналарини жамлаган икки қаватли уйлардан иборат хунаромандлар мавзеси қуриш лойиҳаси билан танишди. Хунаромандлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам бўлди.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўрта махсус, касб-хунартаълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «2017 йил 18 март шан-

ба дам олиш кунини 2017 йил 20 март душанба кунига кўчириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига имзо чекди.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТҒБ) президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда истиқболга мўлжалланган қўшма Ҳамкорлик дастурини тайёрлаш, кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларга қўмаклашишга доир тадбирлар ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган Наврўз сайлида иштирок этди ва халқимизни қутлуғ айём — Наврўзи олам билан табриклади.

Сайилда халқимизнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган айвонлар, йўлак бўйлаб устаю хунаромандлар, ганчкорлар, каштадўзу чеварлар миллий либосларимизни, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбобларини, миллий буюмларни намойиш этдилар. Давлатимиз раҳбари кўргазмага қўйилган маҳсулотларни кўздан ке-

чирди. Усталар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан табриклади.

Президентимиз байрам сайлида иштирок этаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари билан кўришиб, уларни ҳам қутлади.

Шавкат Мирзиёев Наврўзга бағишланган байрам дастурини томоша қилди.

* * *

22–23 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Остона шаҳрида бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 23 март куни Остона шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон пойтахтидаги «Ватан ҳимоячилари» монументига гул қўйди, тинчлик, озодлик йўлида жон фидо қилган ватанпарвар инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шавкат Мирзиёев Қозоғистон пойтахтидаги Давлат раҳбарлари хиёбонига кўчат ўтқазди. Бу ерда Биринчи Президентимиз Ислон Каримов эккан дарахт баравж ўсмоқда.

«Оқўрда» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, трансмиллий жинойтчилик ва хатарларга қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 13 ҳужжат имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Парламентаризм, солиқ, транспорт, мудофаа, савдо-саноат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар ҳам имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида 2017–2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик тўғрисидаги битим улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва

Нурсултон Назарбоев музокаралар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига хос ўзаро ҳурмат ва салимият руҳида ўтгани, барча стратегик масалалар бўйича томонлар бир-бирини қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидладилар.

Ташриф доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий sanoat кўرғазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев «Остона опера» давлат опера ва балет театрига ташриф буюрдилар. Президентлар бу ерда «Қиз Жибек» операсини томоша қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари «Назарбоев университети» ва «Mega Silk Way» савдо марказини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари университетнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Президентлар «Экспо — 2017» халқаро кўрғазма майдонининг «Нур олам» павильонига ташриф буюрдилар. Шавкат Мирзиёев «Экспо — 2017» ихтисослаштирилган халқаро кўрғазмаси ишбилармон доиралар, корхоналар ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш, истиқболли келишувларга эришиш йўлида муҳим тадбир бўлишини таъкидлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

25 март. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга

оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди ва дастлаб Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган чорраҳада қуриб битказилган кўприкни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев Бунёдкор ва Чўпонога кўчалари кесишган чорраҳада қурилиши режалаштирилган кўприк лойиҳаси билан ҳам танишиб, ўз тавсияларини берди.

Давлатимиз раҳбари Кичик халқа йўли ва Фарғона йўли кўчаси кесишган жойдаги йўл ўтказгични қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳасини кўздан кечирди.

Юнусобод туманидаги Боғишамол ва Янги шаҳар кўчаларини туташтирган янги кўприк мазкур соҳадаги узокни кўзлаб, изчил амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Давлатимиз раҳбари ушбу кўприкни бориб кўрди. Шу ерда Тошкент шаҳрида 2017—2030 йилларда йўл ва кўприклар қуриш ҳамда реконструкция қилиш режаси ҳам муҳокама этилди.

Шавкат Мирзиёев Бектемир туманидаги собиқ Тошкент мотор завоидига ташриф буюрди. Бу ердаги завод биноларини ишбилармон ва тадбиркорларга ажратиш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳрида ташкил этилаётган кичик sanoat зоналари ва истироҳат боғлари лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Президентимиз Юнусобод туманидаги Увайсий номидаги маҳаллада бўлиб, бу ерда фукаралар йиғини ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун яратилган қулай шароитлар билан танишди.

Мамлакатимиз, аввало, пойтахтимизнинг барча ҳудудларида мана шундай маҳалла марказлари бунёд этиш, аҳоли билан доимий мулоқот ўрнатиш, профилактика инспекторларига жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

27 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 март. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

28 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.

Дастлаб Қизилтепа туманидаги Тошработ маҳалласига ташриф буюриб, вилоятда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган қатор лойиҳаларни кўздан кечирди.

Миллий банк кредити ҳисобидан Навоий шаҳрида «Бахт текстиль», «Бахт Навоий», Қизилтепа туманида «Тошработ текстиль» ва Навбахор туманида «Навбахор текстиль» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан замонавий ва энергияни тежайдиган технологик ускуналар асосида сифатли ип-калава ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари тери хомашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам танишди. Кармана туманидаги «Камилла груп» масъулияти чекланган жамиятида Италия технологияси асосида тайёр чарм ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Қизилтепа туманидаги «Ванғози агро» фермер хўжалиги шийпонида бўлиб, вилоят қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Навоий вилояти қоракўл тери етиштириш бўйича мамлакатимизда етакчи ўринни эгаллайди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг қоракўл терилари довуғи бутун дунёда машҳур экани, янги мулк шаклига ўтиш тармоқда самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

«Ванғози агро» фермер хўжалигининг шийпонида Малиқобод маҳалласи онахонлари сумалак тайёрлади. Давлатимиз раҳбари улар билан ижтимоий-иқтисодий ислохотлар одамлар ҳаётида қандай акс этаётгани, хотин-қизлар турмушини фаровон қилиш, фарзандлар таълим-

тарбияси тўғрисида самимий суҳбат курди.

Президентимиз Кармана туманидаги Мустақиллик массивида барпо этилаётган қулай, арзон ва замонавий уй-жойлар, профилактика инспекторлари учун яшаш жойи, давлат идоралари раҳбарлари учун қурилган хизмат уйлари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Нурота туманидаги Чашма зиёратгоҳи ёнидаги музей биноси, «Хунармандчилик маркази» мажмуаси, 50 ўринга мўлжалланган меҳмонхона лойиҳалари билан ҳам танишди. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳаларни вақтида сифатли амалга ошириш, Чашма зиёратгоҳи майдонини кенгайтириш ва ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятлари каби йирик корхоналар, иқтисодий-тимизда салмоғи тобора ошиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолияти айнан Навоий иссиқлик электр станциясида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларига бевосита боғлиқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ана шу лойиҳа тақдимида иштирок этди.

Иккинчи буғ-газ қурилмаси Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» акциядорлик жамияти ва ҳудуддаги қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари Навоий ИЭС иккинчи буғ-газ қурилмаси

қурилиши бошланиши муносабати билан капсула қўйди.

Шавкат Мирзиёев Навоий давлат кончилик институтига ташриф бурди. Бу ерда Ауминзо-Амантой олтин конлари негизида Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-гидрометаллургия заводи қурилишининг бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз янги гидрометаллургия заводи улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этишини, бу кун мамлакатимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган тарихий саналардан бўлиб қолишини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ауминзо-Амантой олтин конларида ўзлаштиришни бошлаш учун рамзий тугмани босди.

Шавкат Мирзиёев янги завод билан комбинат жамоасини, бутун вилоят аҳлини табриклади, ишчилар, муҳандислар ва барча мутахассисларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Навоий бўлимини ташкил этиш борасидаги лойиҳалар билан танишди, яқин йилларда Навоий кон-металлургия комбинатида амалга ошириладиган лойиҳаларни ҳам кўздан кечирди. Пистали конини ўзлаштириш ва 6-гидрометаллургия заводини қуриш, 2-гидрометаллургия заводи қувватини кенгайтириш, Мурунгов конини ўзлаштиришнинг 5-навбати, техноген чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши ва бошқа лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг На-

вой вилоятидаги Халқ қабулхонасида ҳам бўлди.

Кармана тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

29 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 март. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россиянинг «Газпром» компанияси бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда нефть-газ соҳасини ривожлантириш, жумладан, 2017–2021 йилларда углеводород казиб олишни кўпайтириш дастури доирасида ўзаро манфаатли

ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилди.

Суҳбат чоғида мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

31 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4–5 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Асосий тадбирлар 5 апрель куни бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Москва шаҳрининг Александр боғидаги «Номаълум аскар» ёдгорлигига гулчамбар қўйди.

Шу йилнинг 3 апрель куни Санкт-Петербург метросида терроризм ҳаракати содир этилиб, инсонлар ҳалок бўлди. Давлатимиз раҳбари улар хотирасини ёдга олиб, шу ердаги «Ленинград — қаҳрамон шаҳар» ёдгорлиги пойига гул қўйди.

Кремлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Россия давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар.

Президентларнинг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқбол хусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир

Путин икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида музокара-ларни давом эттирдилар. Музока-раларда савдо-иқтисодиёт, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм, меҳнат мигрантларига муно-сиб шароитлар яратиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эъти-бор қаратилди. Очiq ва дўстона руҳда ўтган музокараларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожланти-риш, уни янги босқичга кўтариш борасида фикр алмашилди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишлан-ган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳам-корликни ривожлантириш, транс-порт ва транзит соҳасидаги алоқа-ларни кенгайтиришга доир маса-лалар муҳокама қилинди. Мамла-катларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имконият-лар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат кел-тириши таъкидланди.

Музокараларда тиббиёт, илм-фан, таълим, маданият, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро ало-қаларни янада кенгайтириш маса-лаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Шавкат Мирзиёев Рос-сия Федерацияси ҳукумати раиси Дмитрий Медведев билан ҳам уч-рашди.

Ўзбекистон делегациясининг таш-рифи арафасида Москвадаги А. Пуш-

кин номидаги тасвирий санъат музейида мамлакатимизнинг И. Савицкий номидаги давлат санъат музейи экспонатлари кўргазмаси очилди. «Сахродаги Лувр» деб ном олган ушбу музей ўзининг бебаҳо экспонатлари билан дунё санъат ихлосмандлари эътиборини қозонган.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин ушбу кўргазмага ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташрифи яқунлари бўйича қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида ҳудудлараро ҳамкорлик, меҳнат фаолиятини вақтинча ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, тиббиёт таълими ва фани, туризм, қурилиш, нефтьгаз, кончилик, металлургия, банкмолия, божхона, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга доир ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтганини таъкидладилар.

Ташриф асносида эришилган келишувлар, имзоланган 16 миллиард долларлик 50 дан ортиқ ҳужжат Ўзбекистон ва Россия тараққиётига, икки мамлакат халқларининг фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-

нинг Россияга давлат ташрифи яқунига етди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Суҳбат чоғида МДХ доирасида эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш, шунингдек, транспорт-коммуникация тармоқларини жадал ривожлантириш ва бутун минтақанинг транзит салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

7 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти В.В. Путиннинг 2017 йил 5 апрелда Москва шаҳрида имзоланган

Қўшма баёноти матбуотда эълон қилинди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенгайтирилган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Селектор йиғилишида дастлаб ҳаётий муҳим масалалар бўйича фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш борасидаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ҳамда давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлагани халқ манфаатларини таъминлаш, мамлакатни янгилаш ва демократлаштириш йўлидаги улкан амалий қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Селектор йиғилишида кун тартибидаги навбатдаги масала — мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўлларида бири — бу аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланиши билан узвий боғлиқ экани таъкидланди.

Ана шу масалаларни ҳал қилиш юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва ҳокимликлар раҳбарларига озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Селектор йиғилишида яна бир муҳим масала — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда маҳаллий раҳбарларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни халқимизга бегона бўлган турли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жойлардаги молия-солиқ органларининг асосий вазифаси сифатида маҳаллий бюджетнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча захираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ижроси, ижтимоий объектлар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор туманидаги «Реле ва автоматика» акциядорлик жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда юзга яқин турдаги металл ва пластмасса буюмлар, паст кучланишли қурилмалар тайёрланмоқда.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги «Roison Home White Goods» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасига ташриф буюрди. Бу ерда 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти маиший техникалар, тўқимачилик ва кимё саноати маҳсулотлари, мебель, қоғоз буюмлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлни қайта ишлаш билан шугулланади. Ушбу корхоналарда мингдан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда.

Шу ернинг ўзида Чилонзор туманида амалга ошириладиган 20 дан ортиқ иқтисодий лойиҳалар тақдими ўтказилди. Умумий қиймати 10 миллиард сўм бўлган «1-заргарлик корхонаси» лойиҳаси, умумий қиймати 9 миллиард сўм бўлган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳаси, қиймати 3 миллиард сўм бўлган Чилонзор туманидаги эски 2-пойабзал фабрикаси худудида аёллар, эркаклар ва болалар оёқ кийимларини ишлаб чиқариш корхонаси, шунингдек, қандолат маҳсулотлари, қадоқлаш ва қурилиш материаллари, автомобиллар учун техник мой ишлаб чиқариш, «Совпласт-

итал» акциядорлик жамияти худудида кичик саноат зонаси ташкил этиш, юрак касалликларини даволаш маркази, медиамаркет ва савдо мажмуаси қуриш лойиҳалари ҳам намойиш этилди.

Президентимиз «Қатта Хирмонтепа» ва «Яккатут» маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлди.

Қатта Хирмонтепа маҳалласида, асосан, кўпқаватли уйлар жойлашган. Давлатимиз раҳбари маҳалла худуди билан танишди. Кўпқаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар атрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда яшовчи аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган намунавий маҳалла марказлари лойиҳалари ҳақида ахборот берилди.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги ички йўлларни таъмирлаш лойиҳаси билан танишди.

Президент раҳбарлигида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туман ҳокимлари, турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Учрашувда аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорларни қийнаётган тўсиқларни олиб ташлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари мазкур соҳалардаги камчиликларни бартараф этиш, истиқболда амалга

оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14–15 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди.

Президентимиз Самарқанд вилоятига ташрифини Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади. Ислом Каримов руҳига Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мақбара лойиҳаси билан танишди. Уни янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун қулайликларни ошириш бўйича тавсиялар берди.

Хусусан, Биринчи Президентимиз мақбараси Ҳазрати Хизр масжиди билан уйғун бўлиши зарурли-

ги таъкидланди. Зиёратчилар учун мақбарага монанд баланд айвонлар бунёд этиш, расмий делегациялар учун ҳам кенг шароит ярагиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ушбу мажмуа юксак маънавият, илм-маърифат маскани бўлиши керак. Бу – катта тарбиявий аҳамиятга эга. Мажмуада ҳамиша майин оҳангда Қуръон суралари янграб туриши, мақбара деворларига муқаддас оятлар билан бирга, Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари ҳам битилиши зарур. Токи зиёратга келганлар ўзига улкан руҳий қувват олсин, халқимизнинг илмига, маънавиятига ҳаваси ортсин, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Жомбой туманидаги «Ғалла Осиё нон» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, вилоятда яқин вақтлар ичида амалга ошириладиган йирик лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Дастлаб «Шарқ саноати» концерни таркибида ташкил этилган интенсив кўчат етиштириш лойиҳаси, Булунғур туманида ташкил этилаётган «Тоҳир», «Самарқанд гарден пласт», Жомбой туманидаги «Грин агро экспорт» масъулияти чекланган жамиятлари ва «Мароқанд мева-сабзавот» фермер хўжалиги томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш, қайта ишлаш, қадоқлаш марказини ташкил этиш лойиҳалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Оқдарё туманидаги «Юнусжон аҳли» оилавий корхонаси томонидан соя оқсили изоляти ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Жомбой туманида вилоятда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган қатор

лойиҳалар тақдимотида иштирок этди. Шундан сўнг «Асакабанк» томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар тақдимоти бўлди. «Next textile», «Оқдарё текс», «Мароқанд сифат» масъулияти чекланган жамиятларининг истиқболдаги фаолияти муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарига Самарқанд вилоятида 2017—2018 йилларда енгил саноат соҳасида амалга оширилаётган манзилли дастур тақдим қилинди.

Президентимиз вилоятда терини қайта ишлаш, чарм ва махсус пойабзаллар ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди. Шунингдек, енгил саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Президентимиз Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий тадқиқот маркази қурилиши лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбари ушбу халқаро марказнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратди. Бу муассасада ислом маданияти тарғиботи бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев олимлар ва уламолар билан суҳбатда ушбу марказда тадқиқотчиларга барча зарур шароитларни яратиш, хорижлик тадқиқотчилар учун стажировкалар таъсис этиш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, Махдуми Аъзам зиёратгоҳидан Имом Бухорий мажмуасигача бўлган йўл бўйида икки қаватли замонавий уйлар ва ижтимоий объектлар қуриш, ҳудудни

ободонлаштириш бўйича мутасадди раҳбарларга топшириқлар берилди.

Президентимиз Қўшработ туманидаги «Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда тоғолди ҳудудларида 2017—2018 йилларда ёнғоқзорлар, тоқзорлар барпо этиш, 2017—2021 йилларда чорва боқишни ташкил этиш, туманда ичимлик суви таъминотини яхшилашга оид лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Қўшработда экспортбоп мевалар экиш, чорвачиликни ривожлантириш, бунинг учун аҳолига кредит маблағлари ажратиш зарурлигини таъкидлади. Шу ерда бир гуруҳ нуронийлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Каттақўрғон сув омбори ҳавзасида балиқчиликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Пайарик, Самарқанд туманларида «Мароқанд балиқ саноат агро» агрофирмаси ва «Оқ амур балиқлари» фермер хўжалиги томонидан «Ипотека-банк» билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳаларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятида сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, сув тармоқларини модернизация қилиш лойиҳаларини кўриб чиқди. Сувни самарали ишлатиш минтақамиздаги долзарб масалалардан бири, деди Президентимиз. Шу боис ушбу ресурсдан фойдаланишни замон талаблари асосида ташкил этиш лозим.

Ургут туманидаги «Чўпонота парранда», «Афросиёб парранда», «Мароқанд парранда», «Зараф-

шон парранда» масъулияти чекланган жамиятлари, шунингдек, «Сиёб Шавкат Орзу» фермер хўжаликларининг лойиҳалари билан танишган Президентимиз, вилоятда паррандачиликни ривожлантириш учун табиий иқлим, хомашё ва ишчи кучи мавжудлигини таъкидлади.

Самарқанд шаҳрида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодий янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз эртаси куни Самарқанд шаҳридаги «Алпомиш» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қатор истиқболли лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди.

Самарқанд шаҳрида эркин туристик ҳудуд барпо этиш бўйича 2017—2019 йилларга мўлжалланган лойиҳалар ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳаларга кўра шаҳарнинг Амир Темур кўчасида сайёҳлик-кўнгилочар меҳмонхона комплекси, Самарқанд эшкак эшиш канали бўйида қишки дам олиш маскани барпо этиш мўлжалланмоқда.

«Ургут» эркин иқтисодий зонасининг Ургут туманида «Ургут-1», Нуробод туманида «Ургут-2» ва Пастдарғом туманида «Ургут-3» ҳудудлари ташкил этилди. Президентимиз ушбу стратегик ҳудудни ташкил этиш борасидаги ишларни

тизимли йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Самарқанд шаҳрининг Дахбед кўчасидан Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига олиб борадиган Нурафшон кўчасини ободонлаштириш лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг Жомий кўчасидаги Ёшлар марказини реконструкция қилиш, ҳайвонот боғи қуриш лойиҳаларини кўздан кечирар экан, бу борадаги ишларни аҳолининг фикри ва таклифлари асосида амалга ошириш, миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ҳисобга олиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Ургут» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида маиший техникалар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди.

Шу ерда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, спортни янада оммалаштириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасидаги лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Президентимиз 15 апрель куни Самарқанд шаҳрида Темир йўл вокзали — Сартепа йўналиши бўйича трамвай қатнови йўлга қўйилишига бағишланган тадбирда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари бир гуруҳ самарқандликлар билан «Тарих музейи» бекатидан «Темир йўл вокзали» бекатигача трамвайда бирга келди. Самимий мулоқот чоғида мамлакатимизда амалга оширилаёт-

ган ислохотлар, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳақида сўз борди.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш ва саноат кооперациясини кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажми ва турларини мақбуллаштириш, шунингдек, экспорт прогноз кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилиши ва экспорт ҳажминини янада кўпайтириш мақсадида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш учун барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тайёр маҳсулотлар турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга ошириш доирасида қиймати 5,5 миллиард доллардан ортиқ 2,8 мингдан кўпроқ маҳаллийлаштириш лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилгани, илгари хориждан олиб келинган 4,8 мингдан зиёд янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани таъкидланди. Натижада кейинги беш йилда импорт ҳажми 752 миллион долларга, жумладан, 2016 йилда 286 миллион долларга камайди.

Бироқ импорт ўрнини босадиган маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чо-

ра-тадбирлари амалга оширилаётганига қарамасдан, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари импорт ҳажмининг асоссиз ошиб кетишига йўл қўймоқда. Айрим компания ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари импорт ҳажми, айниқса, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хомашё ва материалларни хориждан олиб келиш ҳажмининг ўсиши, шунингдек, асоссиз импорт учун валюта ресурсларини жалб қилгани учун уларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари қўлланилиши, ҳатто, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолайиқлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Йиғилишда жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, олий ўқув юртлари ва касбхунар коллежлари битирувчиларининг касблар бўйича билим ва меҳнат кўникмаларини шакллантириш, бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб иш шароити яратиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар, маҳаллий давлат органларига янги иш ўринлари ташкил этишга кўмаклашиш бўйича янгича тизим яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2018—2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2021 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини комплекс ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Экология ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

21 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Олмазор туманида бўлди.

Аввало туманда барпо этиладиган янги савдо маркази ва кўпқаватли уйлар лойиҳалари билан танишди. Нурафшон ва Форобий кўчалари

кесишган жойда уч қаватли «Эски шаҳар» савдо маркази барпо этилади. Давлатимиз раҳбари мазкур савдо комплекси қуриладиган жойни кўздан кечирди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 мартдаги 2017–2021 йилларда Тошкент шаҳрида кўпқаватли арзон уйлар қуриш кўламини кенгайтириш тўғрисидаги қарори асосида Кичик халқа йўли ва Қорасарой кўчаси кесишган ҳудудда 7 қаватли 12 турар-жой барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди.

Президентимиз Эски шаҳардаги уй-жойга муҳтож оилаларни ҳисобга олиш, уйлар тақсимоотида адолат мезонларига қатъий риоя қилиниши зарурлигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Қичқирик канали бўйида бунёд этиладиган янги маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан ҳам танишди. Мазкур боғни аҳоли фарзандлари билан сайр қиладиган, ҳордиқ чиқарадиган масканга айлантириш, бунда Тошкентнинг қадимий анъаналарини ҳисобга олиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз «Табассум» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, маҳалла ҳаёти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди. Маҳалладаги кўпқаватли уйлар, мактабгача таълим муассасалари агрофини ободонлаштириш, йўлакларни таъмирлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Талабалар шаҳарчаси ҳудудида қуриладиган ахборот-ресурс маркази лойиҳаси билан танишди. Президентимиз марказ лойиҳаси ва концепциясини такомиллаштириш, унинг фаолия-

ти доирасини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Оникс Тошкент» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди. Корхона Марказий Осиёда ягона бўлиб, бир суткада 20 тонна натрий-кальцийли замонавий шиша идишлар ишлаб чиқаради. Президентимиз корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда 2017–2018 йилларда Олмазор туманининг саноат ва хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳа тақдими бўлди. Бўш турган бинолар базасида замонавий ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз тумандаги Имом Термизий жоме масжидида бўлди.

Ҳазрати Имом мажмуасида Ислом цивилизацияси марказини ташкил қиламиз, деди Шавкат Мирзиёев. Юртдошларимиз, мамлакатимизга келадиган меҳмонлар бу ерда буюк алломаларимизнинг бебаҳо мероси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

Мутасаддиларга масжидни реконструкция қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Учрашувда аҳолига зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимла-

рини янгилаш, хуудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

24 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2017 – 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 апрель. Ўзаро келишувга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаоллашганини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон қардош халқларимизнинг вақт синовидан ўтган ўзаро муносабатларига амал қилган ҳолда, бундан буён ҳам мамлакатларимиз барқарор иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлашини қайд этдилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатга оид айрим масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

24 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев ва Сингапур Республика-

си Президенти Тони Тан Кенг Ям давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик йўллади.

* * *

26 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Леонард Вотелни қабул қилди.

Сухбат чоғида икки томонлама ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорлик, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Афғонистонда юзага келаётган вазият ва ушбу мамлакатда тинчликка эришиш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

26 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Мевлуд Чавушўғлуни қабул қилди.

Ўзбекистон – Туркия муносабатлари 2016 йилнинг 17 – 18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган олий даражадаги музокараларда эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида туризм инфратузилмасини модернизация қи-

лиш, тўқимачилик, кўнчилик, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технологияли замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятида бўлди. Давлатимиз раҳбари ўз таширифини Зафаробод туманидан бошлади. «Чимқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Президентимиз Жиззах шаҳридаги Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази фаолияти билан танишди. Тадбиркорларга кўмаклашиш маркази тадбиркорларнинг ҳақиқий кўмакчиси бўлиши лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах

вилоятидаги Халқ қабулхонасида яратилган шароитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик ишлари, Шароф Рашидов, Хамид Олимжон ва Зулфия хиёбонларини барпо этиш лойиҳалари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда халқимизнинг фидойи фарзанди Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш, у киши туғилиб ўсган Жиззах заминиде ёдгорлик мажмуаси барпо этиш таклифини билдирган эди.

Ана шу мажмуани ҳамда Хамид Олимжон ва Зулфия хиёбонини барпо этиш, уларнинг ижодий мактабларини ташкил этиш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Жиззах вилояти туманлари марказларида бунёд этиладиган 4 қаватли арзон уй-жойлар лойиҳаси ҳам намойиш этилди.

Президентимиз Шароф Рашидов тумани «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспекторининг яшаш жойи билан танишиб, «Учтепа» массивида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли вакиллари билан мулоқотда бўлди.

Президентимиз Пахтакор туманида бўлиб, Жиззах вилоятида енгил саноат, чарм-пойабзал, қишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Жиззах шаҳридаги «Бону ширинликлари» корхонаси томонидан қандолат ва шоколад маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим қилинди.

Вилоятда йирик чорвачилик лойиҳаларини молиялаштириш, паррандачиликни ривожлантириш, Зомин туманида тоқзорлар, иссиқхона мажмуаси барпо этиш, асал етиштириш, Бахмал туманида 2 минг бош қорамол боқиладиган ва сутни қайта ишлайдиган корхона ишга тушириш, Фориш туманида насли эчкиларни кўпайтириш ва эчки сутини қайта ишлаш агрофирмаси ташкил қилиш, Ғаллаорол туманида ёнғоқзорлар барпо этиш, Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқчиликни ривожлантириш каби лойиҳаларнинг тақдимотлари ҳам ўтказилди.

Президентимиз ушбу лойиҳалар билан танишиб, уларнинг ҳар бири бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида ҳам бўлди.

Шароф Рашидов туманида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

28 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифи-

катлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Жанубий Қозоғистон вилоятига ташриф буюрди ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан амалий учрашув ўтказди. Учрашувда Президентимизнинг шу йил март ойида Қозоғистонга давлат ташрифи давомида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигидаги ижобий суръатлар барқарор сақланиши ва янада ривожланишига ишонч билдирдилар.

* * *

1 май. Ўзаро келишувга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари Президентимизнинг шу йил 6—7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш жараёнини муҳокама қилдилар. Томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалар бўйича юксак даражадаги алоқалар изчил ривожланаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари белгиланган дастурлар ва ҳамкорлик лойиҳаларини, авваламбор, иқтисодий соҳа-

даги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида янада фаол ҳамкорлик қилиш муҳимлигини таъкидладилар.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди, шунингдек, яқин истиқболдаги қўшма тадбирлар жадвали келишиб олинди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев «2017 йил 6 май шанба дам олиш кунини 2017 йил 8 май душанба кунига кўчириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари этиб тайинланган Эдуард Стипрайс, Қирғизистон Республикаси, Франция Республикаси, Италия Республикаси, Чехия Республикаси, Япония, Миср Араб Республикаси, Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчилари

этиб тайинланган Данияр Сидиқов, Виолет де Вильмор, Андреа Бертоцци, Ярослав Сиро, Нобуаки Ито, Агани ал-Этр, Аҳмет Башар Шен, Ҳишам Мишал ас-Сувейлимдан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев элчиларни мамлакатимизда иш бошлаётгани билан самимий табриклаб, уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номини бериш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев «2017–2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ-

лари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили институтини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Яшнобод туманида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ойбек кўчасидаги кўпқаватли уйларда ишга туширилган замонавий, энергиятежамкор технологияларни бориб кўрди.

Шу ерда гелиоқурилмалар ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари билан танишилди. Қозонхоналар қуриш ва улардан фойдаланишда замонавий технологияларни қўллаш, малакали мутахассисларни жалб этиш борасида зарур кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев «Тошкент қозоғи» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди. Президентимиз бу ердаги имкониятлардан самарали фойдаланиш, завод биноларини ишбилармон ва тадбиркорларга имтиёзли асосда бериш, уларда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ернинг ўзида Яшнобод туманида амалга ошириладиган иж-

тимоий-иқтисодий лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган тадбиркор ва инвесторлар билан суҳбатлашди. Режаларни ўз вақтида амалга ошириш, ишбилармонларга қўшимча имтиёзлар яратиш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз кутилмаганда 32-оилавий поликлиникага ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари поликлиниканинг иш тартиби билан қизиқди. Мавжуд муаммоларни қисқа муддатда бартараф этиш, поликлиникани таъмирлаш ва аҳоли учун қулайликларни ошириш, тиббий ёрдам қамровини кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимиз шу ерда маҳалла аҳолиси билан мулоқотда бўлди.

Бугунги кунда «Artel» бренди остида музлаткич, телевизор, кир ювиш машинаси, газ плитаси, кондиционер, микротўлқинли печь, чангюткич, қўл телефони каби энг сўнгги русумдаги маиший техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Шавкат Мирзиёев заводдаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди.

Шу ерда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг худудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Хотира майдонига ташриф буюриб Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди. Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

Шу куни Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Академик М. Мирзаев номидаги илмий тадқиқот институти боғида Хотира ва кадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 72 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 500 нафар уруш ва меҳнат фахрийси тақлиф этилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилганларни, бутун халқимизни 9 май — Хотира ва кадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 72 йиллиги муносабати билан табриклади.

Президентимизнинг 9 май — Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон ва БМТ, ушбу нуфузли универсал халқаро ташкилот институтлари, шу жумладан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси ўртасида амалий ва очиқ мулоқотни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли таркибий ислохотларнинг устувор йўналиши экани қайд этилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича фикр алмашилди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев ва Швейцария Конфедерацияси Президенти Дорис Лойтхард мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси

ликаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг хар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Қўшма баёноти матбуотда эълон қилинди.

* * *

11–13 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин таклифига биноан давлат ташрифи билан Пекинга борди.

12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Пекинда расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда ўзаро ва кўптомонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма

баёнотни имзолادилар. Ҳукуматлараро техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга доир лойиҳаларни молиялаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро ноталар алмашинуви ҳамда ветеринария ва ўсимликлар инспекцияси карантини соҳасида англашув меморандуми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш бўйича англашув меморандуми, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2018–2020 йилларга мўлжалланган идоралараро алмашинув ҳамкорлик режаси каби қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда ўзаро ва кўптомонлама муносабатларга оид дол-

зарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

13 май куни Давлатимиз раҳбари Пекин шахрининг Тяньаньмэнь майдонидаги Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гул қўйди, қаҳрамонлар хотирасига хурмат бажо келтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узок муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 8 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритганини алоҳида таъкидлаш лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини оширишга оид масалалар хусусида сўз юритилди.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий қўмитаси Раиси Чжан Дэцзян билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш

масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан ҳам учрашди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Хитой билан дўстлик алоқаларини қадрлашини, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўзи учун ажратилган қароргоҳда Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгаши раиси Ван Илинни қабул қилди.

Учрашувда юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармояларини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Хитой Халқ Республикаси Экспорт-импорт банки бошқаруви раиси Ху Сяолянь хоним билан ҳам учрашди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро ишончга асосланган ва икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ташрифнинг муҳим натижаларидан бири Ўзбекистон билан Хитой ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорликни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал

асос яратилади. Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнот имзоланди.

Ташриф давомида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 100 дан зиёд ҳужжат имзоланди.

* * *

14–15 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида бўлиб ўтган «Бир макон – бир йўл» форумида иштирок этди.

Форумда 30 га яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда БМТ Бош қотиби, Жаҳон банки президенти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.

Форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мазкур форумнинг аҳамияти, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари ҳақида тўхталди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

16 май. Президент Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси Президенти Мамнун Хусайн давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар.

* * *

17 май. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

ва Эрон Ислон Республикаси Президенти Хасан Рухоний давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар.

* * *

17 май. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташриф буюрди ва дастлаб Сардоба сув омбори қурилишининг бориши билан танишди.

Шу ерда Мирзаобод туманида амалга оширилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Вилоят ҳудудида ташкил этиладиган логистика маркази, балиқчилик мажмуаси, шунингдек, чорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва маҳсулотларни сақловчи музлаткични ўз ичига олган мажмуа лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Мирзаобод туманидаги «Абдуғани Турдибоевич» кўптармоқли фермер хўжалиги фаолияти билан танишди, боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди. Шу ерда нуроний отахонлар билан сямимий мулоқот ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳридаги «Sirdaryo Best Fashion» корхонасида бўлди. Давлатимиз раҳбарига вилоятда ташкил этилаётган фармацевтика ва тиббиёт

буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар лойиҳалари ҳақида ҳам сўзлаб берилди.

Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари қатори Гулистон шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг Ўзбекистон ва Бирлашган қўчаларида 180 хонадонли 15 та кўпқаватли уй қурилди. Президентимиз ана шу уйлар жойлашган «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди.

Шавкат Мирзиёев фуқаролар йиғинида маҳалла раиси, маслаҳатчилар ва профилактика инспектори ишлаши учун яратилган шароитлар билан танишди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамларни рози қилишда уларнинг ҳамкорлиги муҳим экани таъкидланди. Шу ерда Гулистон шаҳрининг бош режаси асосида амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Янгиер шаҳрига ташриф буюрди. Бу ерда хусусийлаштирилган, аммо бугун бўш турган корхона ва объектлардан самарали фойдаланиш юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар билан қизикди. Вилоят иқтисодиёт комплекси томонидан хўжалик юритувчи субъектларни молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошириляётган ҳаракатлар режаси тўғрисида маълумот берилди.

Президентимиз «Янгиер» кичик саноат зонасида амалга ошириляётган лойиҳалар билан танишди. Ушбу саноат зонасида 2017–2018 йилларга мўлжалланган, қиймати салкам 106 миллион доллар бўлган

125 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Президентимиз саноат зонаси худудидаги собиқ «Янгиерўлиндустрія» унитар корхонасининг бўш турган биносини кўздан кечирди. Худуди 9 гектар бўлган мазкур корхона «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти таркибига ўтказилиб, унинг негизида Янгиер темир-бетон ва металл конструкциялари ишлаб чиқариш заводи ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ховос туманидаги «Ҳожи Гадейбой ота» хусусий корхонаси томонидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган иссиқхонани кўздан кечирди.

Шу ерда «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси томонидан 2017–2018 йилларда вилоятда ташкил этиладиган мева-сабзавотчилик лойиҳалари, Сирдарё туманидаги «Сирдарё голден фрүтс» масъулияти чекланган жамияти мева-сабзавотчилик логистика маркази, Мирзаобод ва Сайхунобод туманларида иссиқхоналар ташкил этиш, Гулистон туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, «Гулистон агро груп» масъулияти чекланган жамияти томонидан гуручни қайта ишлаш, «Агро эко технологи» масъулияти чекланган жамияти томонидан сабзавот ва дуккакли ўсимликлар етиштириш, унаби боғи ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Гулистон шаҳрида Президентимиз раислигида Сирдарё вилояти фаоллари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида

йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, белгиланган дастурларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн раҳбарлигидаги Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши делегациясини қабул қилди.

Суҳбат чоғида Президентимизнинг яқинда Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташрифи давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш, чунончи, савдо, инвестиция ва маданий алоқаларни жадаллаштириш, шунингдек, биродарлашган қадимий Самарқанд ва Сиань, Бухоро ва Лоян шаҳарлари ўртасида сайёҳлар алмашишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари, бош котиби Ван Чэн 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган чуқур таркибий ислохотларни юқори баҳолади.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Муборак рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

19 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19–20 май. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан амалий ташриф билан Туркменистонга келди.

Ташрифнинг биринчи куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Аваза» миллий сайёҳлик зонасининг «Камалак» болалар кўнгилочар боғида дам олаётган ўзбекистонлик болалар билан учрашди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентларнинг яккама-якка суҳбати билан бошланди. «Аваза» конгресслар марказида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги му-

носабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Амалий ташриф давомида қатор муҳим келишувларга эришилди. Музокаралар якунида икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети билан Сейитназар Сейди номидаги Туркменистон давлат педагогика институти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Тошкент ва Ашхобод шаҳарлари ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва Туркменистон давлат спорт қўмитаси ўртасида жанг санъати ва ёпиқ иншоотлардаги V Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг иштирок этишини ташкил қилиш ва ҳамкорлик тўғрисидаги баённома, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан «Туркманнебит» давлат концерни ўртасида ўзаро англашув меморандуми, «Ўзбек-энерго» АЖ билан Туркменистон Энергетика вазирлиги ўртасида электроэнергия транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисида, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Туркмен-хова-ёллари» хизмати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Берди-

мухамедов музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишини таъкидладилар.

– Туркменистон Конституцияси қабул қилинган кун ва буюк шоир Махтумқули таваллуди куни муносабати билан туркман халқини табриклайман. Шоир таваллуди Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланди, унинг номидаги кўча ва ёдгорлик очилди. Биз шу кўчада Ашхобод боғини ташкил қиламиз, бу икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг рамзи бўлиб қолади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Гурбангули Бердимухамедов давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини барча соҳаларда изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади, Ашхободнинг марказий кўчаларидан бири Алишер Навоий номи билан аталишини маълум қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шаҳрида бўлиб ўтган Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммитида иштирок этди.

Саммитда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари ва АҚШ Президенти, БМТ, Араб давлатлари лигаси, Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши бош қотиблари қат-

нашди. Форумни Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд очди.

Мазкур анжуман экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, бағрикенглик ғояларини илгари суриш, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустақамлаш масалаларига бағишланди.

Саммит доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир қатор давлат раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп давлатимиз раҳбари билан учрашувда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнини юқори баҳолади.

Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Мевлуд Чавушўғлу билан учрашиб, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Хажар билан учрашди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон билан ИТБ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, томонлар ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида

кенг кўламли ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди. Янги лойиҳалар тузиш, шериклик кўламини кенгайтириш мақсадида турли даражадаги делегациялар алмашуви бўйича аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси қошида инсоният тараққиётига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки юзасидан фикр алмашилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини тузиш тўғрисида англашув меморандуми имзоланди.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Ички ишлар вазири Владимир Колокольцевни қабул қилди.

Учрашувда Президентимизнинг шу йил 4—5 апрель кунлари Россия Федерациясига олий даражадаги ташрифи давомида қабул қилинган икки томонлама, шу жумладан, миграция соҳасига оид келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида қайд этилди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик вазири Шайх Абдулла бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Сухбат давомида БАА етакчи банк-молия институтлари ва компаниялари иштирокида иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқбол-

ли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси Амирликлар томонидан қўллаб-қувватлангани юқори баҳоланди. БАА делегациясининг ташрифи давомида Маданий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро англашув меморандуми имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли фармонига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

25 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

25 май. Президент Шавкат Мирзиёев Савдо-иқтисодий ҳамкор-

лик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг тўртинчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия Республикаси Бош вазири ўринбосари Йилдирим Туғрул Туркешни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда тўқимачилик, чарм, кимё ва фармацевтика соҳалари, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда, жумладан, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси доирасида юқори технологияли замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун Туркиянинг етакчи компаниялари билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Туризм соҳасида ўзаро ҳамкорлик, хусусан, замонавий сайёҳлик объектлари инфратузилмасини ривожлантириш, биргаликда сайёҳлик маҳсулотларини таклиф этиш, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш бўйича улкан салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Тошкентда Ўзбекистон ва Туркия компания ҳамда корхоналари иштирокида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси ва Инвестиция форуми натижалари, ўзаро шерикликнинг истиқболли йўналишлари ва қарийб 2 миллиард долларлик ҳамкорлик лойиҳалари белгилангани мамнуният билан қайд этилди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида амалга оширила-

ётган бунёдкорлик ишлари билан танишди ва дастлаб Шайхонтоҳур туманидаги «Сузук ота» мақбараси ва жоме масжидида бўлди.

Президентимиз мутасаддиларга мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев 1970-йилларда қурилган «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамиятининг 3-иссиқлик марказида бўлди. Бугунги кунда қозонхона ва тармоқлар техник ва маънан эскиргани сабабли истеъмолчиларга иссиқлик етказиб беришда айрим муаммолар юзага келмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳрини тўлиқ энергияни тежайдиган локал қозонхоналарга ўтказиш зарур, деди Президентимиз.

Шу ерда Шайхонтоҳур туманида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Белтепа ва Жарариқ кўчалари кесишган жойда барпо этилаётган кўнгилочар истироҳат боғи қурилишини кўздан кечирди.

Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ пойтахтимизда бунёд этиладиган Қорақамиш истироҳат боғи, «Эски шаҳар» савдо маркази, кўпқаватли турар-жойлар, талабалар миллий илмий-маърифий маркази, Ислом цивилизацияси маркази лойиҳалари янада такомиллаштирилди.

Ислом Каримов кўчасида 3,5 минг ўринли Универсал спорт саройи, Махтумқули кўчасида Ашхобод боғи, Шайхонтоҳур туманида замонавий савдо маркази, Алишер Навоий но-

мидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ёзувчилар уюшмаси биносини қуриш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар қурилишини тезлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Президентимиз раислигида Давлат солиқ қўмитаси биносидан ўтган йиғилишда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари иштирок этди. Йиғилишда аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Женерал Моторс Ўзбекистон» АЖ ишлаб чиқараётган маҳсулотларга нархлар шаклланишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов

интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон, Қозоғистон, Россия, Хитой мамлакатларига ташрифлари давомида ҳамда Туркия раҳбари билан ўтказилган олий даражадаги учрашувлари якунлари бўйича имзоланган битимлар, шартномалар ва муайян соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш жараёнининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисида Бош Вазир, унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни Президент Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон расмий делегациясининг Туркменистон, Қозоғистон, Россия ва Хитойга жорий йилдаги ташрифлари 2016 йилги Президент сайловидан кейинги илк хорижий сафарлар бўлиб, уларнинг натижалари стратегик шериклар билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда ҳисобот берган мутасадди раҳбарлар ўз масъулиятини кескин ошириши зарурлигини, бажарилмаётган ва кечикаётган лойиҳа ва шартномалар учун улар шахсан жавобгар эканини алоҳида таъкидлади. Ҳар бир лойиҳанинг бажарилиши бўйича би-

ринчи галдаги чора-тадбирларни аниқ-равшан белгилаш, молиялаштириш ва ижро жараёнлари бўйича замонавий ва тизимли асосда мониторинг олиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

30 май. Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда 2017 йилги инвестиция дастурига киритилган ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифлари давомида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажмини изчил кўпайтириб бориш, замонавий ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш, энг асосийси, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашнинг ҳал қилувчи омили эканини таъкидлади.

Йиғилишда айрим тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, бунинг оқибатида кўпгина инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани қаттиқ танқид қилинди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар, ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари, таклифлари эшитилди ва муҳокама қилинди, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадал-

лаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш (80-, 93-, 108- ва 109-моддаларига) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунини тасдиқлади.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлиги-

ни тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қайта тикланувчи энергия бўйича Халқаро агентлик Уставини (Бонн, 2009 йил 26 январь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Ашхобод, 2017 йил 6 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси – бир томондан ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар – иккинчи томондан – ўртасида шерикчилик таъсис этувчи, Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга икки томонлама тўқимачилик Шартномасининг амал қилиш муддати тугаганини ҳисобга олиб, Битим қоидаларини тўқимачилик маҳсулотларининг икки томонлама савдосига кенгроқ қўламда қўллаш мақсадида Битимга ўзгартириш киритиш тўғрисида Баённомани (Тошкент, 2011 йил 7 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат ветеринария хиз-

мати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёнроқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2–3 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди ва дастлаб «Боғи Бобур» истироҳат боғи билан танишди. Президентимиз музей экспонатларини кўздан кечирди. Олимлар ва нурунийлар билан мулоқотда бўлди.

Шавкат Мирзиёев «Андижон биокимё заводи» акциядорлик жамияти томонидан Хўжабод туманида ташкил этилган боғни бориб кўрди. Президентимиз ўрмон хўжалигини ривожлантиришга оид қарор мазмун-моҳияти ҳақида тўхталди. Андижон қишлоқ хўжалиги институти ва тегишли коллежларда ўрмончилик соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берди. Шу ерда Қўрғонтепа туманидаги «Боғи Фурқат» фермер хўжалиги базасида қишлоқ хўжалиги уруғчилиги ва кўчатчилиқни ривожлантириш лойиҳаси намойиш қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хўжабод туманидаги «Навигул» қўшма корхонаси ҳудудида ташкил этиладиган

мева-сабзавотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган йирик логистика комплекси лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг дастлабки босқичи — мева-сабзавотларни қуритиш линиясининг иш бошлашига бағишланган рамзий тугмани босди. Технологик линиянинг иш жараёнини кузатди. Қуритилган маҳсулотлар намуналари билан танишди.

Асака туманидаги «Обод турмуш орзуси» фермер хўжалигида ташкил этиладиган мева-сабзавотларни қуритиш ва музлаткич ташкил этиш, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси ва тижорат банклари ҳамкорлигида 2017—2018 йилларда амалга оширилиши режалаштирилаётган озиқовқат соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳалари намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбарига «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида вилоятда 2017—2018 йилларда амалга оширилиши режалаштирилаётган чармпойабзал соҳасини ривожлантириш дастури ва соҳага доир бошқа лойиҳалар, бозорлар инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимиз «Хонобод» санаторийсини бориб кўрди. Санатория ҳудудини ободонлаштириш, қурилиш ишларини охирига етказиб, сиҳатгоҳни келгуси йили Наврўз байрамига фойдаланишга топшириш бўйича кўрсатмалар берди. Хонобод шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Бўз тумани «Чорвадор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган намунавий уйларни бориб кўрди. Акмал ва Зилолахон Раҳмоновлар хонадонда бўлиб, яратилган шароитлар, оиланинг турмуши, фарзандлар тарбияси билан қизиқди.

«Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамияти ва тижорат банклари ҳамкорлигида Андижон вилоятида 2017—2018 йилларда 19 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида тармоқнинг экспорт салоҳияти 2,8 баробар ошади, қарийб 9 минг 850 иш ўрни яратилади. Президентимиз мазкур лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Олтинкўл туманидаги «Бахт имкон ривож чорваси» кўптармоқли фермер хўжалиги фаолияти билан танишди.

Улугнор туманида ташкил этиладиган 2000 бош қорамол ва 10 000 бош насли эчки боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берилди.

Олтинкўл туманида томорқалардан унумли фойдаланиш борасида илғор тажриба тўпланган. Айниқса, «Кўмакай», «Чўнтак» маҳалла фуқаролар йиғинларида иш намунали йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбари тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан аҳоли хонадонларига лимон, унаби ва ёнғоқ кўчатлари ва парранда етказиб бериш дастурининг ушбу туман мисолидаги тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари раислигида Андижон вилояти ҳокимлигида ўт-

ган йиғилишда вилоят иқтисодийетини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясининг ижроси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Андижон вилоятига сафарининг иккинчи куни шаҳардаги «Ёйилма» маҳалла фуқаролар йиғини ҳаёти билан танишди. Маҳалла фуқаролар йиғини гузари қурилиши лойиҳаси, ҳудудда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Андижон шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари лойиҳалари тақдироти ўтказилди. Шаҳар бош режасига мувофиқ ҳудудни кенгайтириш режалаштирилган. Кўпқаватли уй-жойлар, универсал спорт мажмуаси, таълим, тиббиёт ва спорт муассасалари қурилиши мўлжалланган.

Президентимиз ташаббуси билан Андижон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва мактаби ташкил этилмоқда. Бу борадаги режалар билан танишув чоғида хиёбонда Муҳаммад Юсуф хайкалини ўрнатиш, мактаб фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Андижон шаҳрида Республика ихтисослаштирилган кардиология ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари филиалларини ташкил этиш, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлаш режалаштирилган.

Аҳолининг ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ бу шифохоналарни тезроқ ишга тушириш, вилоят туманларида уларнинг субфилиалларини ташкил этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари собиқ «Андижонмаш» акциядорлик жамиятида бўлди. Бу ерда ташкил этилиши режалаштирилаётган кичик саноат зонаси лойиҳаси билан танишди. Давлатимиз раҳбари бу ерда тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Андижон вилоятида амалга оширишни режалаштирган лойиҳалар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди.

* * *

3 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Навоз Шариф, Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувлар ўтказди.

Покистон Исломи Республикаси Бош вазири Навоз Шариф билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Исломи Республикаси Президенти Ашраф Ғани ўртасида бўлиб ўтган мулоқотда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси муносабати билан «Остона опера» давлат опера ва балет театрида намойиш этилган концертни томоша қилди.

* * *

9 июнь. Саммит Остона шаҳрининг Мустақиллик саройида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Қозоғистон Республикаси Пре-

зиденти Нурсултон Назарбоев раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда ШХТ ва унинг тузилмалари фаолиятини янада такомиллаштириш, Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016—2020 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, ШХТга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш дастури ва бошқа ҳужжатлар ижросига эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Афғонистондаги вазиятни тезроқ барқарорлаштириш бутун минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди. Самарқанд шаҳрида Исломи ҳамкорлик ташкилоти кўмагида Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот марказининг ташкил этилиши миллатлараро, маданиятлараро муносабат-

ларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ШХТга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш тарафдори экани, Хитойнинг «Бир макон – бир йўл» ташаббуси доирасида кенг қўламли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилиши, Хитой–Қирғизистон–Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимизнинг жаҳон бозорига қисқа йўллар орқали чиқиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ШХТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил қилиш зарурлигига эътибор қаратди. ШХТ марказлари — халқ дипломатиясининг доимий фаолият юритувчи институтларини таъсис этиш имкониятларини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзоланган эди. Остона саммитида Ҳиндистон ва Покистон ташкилот аъзолигига қабул қилинди.

Саммит якуни бўйича Остона декларацияси қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммит самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди.

Президентимиз ШХТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Жумладан, Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев билан учрашувда бу галги мулоқот давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда муҳим босқич бўлиши, Самарқанддаги учрашувда эришилган келишувларни мазмунан бойитиши таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан бўлиб ўтган учрашувда Ҳиндистон Бош вазири ушбу давлатнинг ШХТ аъзолигига қабул қилингани муносабати билан табриклади. Нарендра Моди Ўзбекистон Ҳиндистонни ШХТга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги таклифни қатъий қўллаб-қувватлаб келгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Испания Қироли Филипп VI билан учрашди. Ўзбекистон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалишини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев ва Филипп VI ўзаро муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиб, халқаро аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Испания туризм соҳасида улкан натижаларга эришган ва бу борада жаҳон миқёсида илғор тажрибага эга. Шу муносабат билан томонлар ушбу соҳада узоқ муддатли тизимли ҳамкорлик ўрнатиш

имкониятларини муҳокама қилдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЭКСПО – 2017 халқаро ихтисослаштирилган кўрғазманинг расмий очилиш маросимида иштирок этди. Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

10 июнь. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида Президент Шавкат Мирзиёев билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерришнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ва унинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истикболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Орол денгизи экологик инқирозининг оқибатларини юмшатишга доир масалалар муҳокама этилди. Глобал хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

10 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ислом Каримов дафн этилган ҳудудда ёдгорлик мажмуаси барпо этилмоқда. Президентимиз мажмуадаги қурилиш жараёнини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари мажмуани янада такомиллаштириш, зиёратчилар учун барча қулайликлар яратиш бўйича тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди. Бу ерда Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот маркази бунёд этилади. Марказнинг умумий концепцияси, атрофини ободонлаштириш бўйича қилинадиган ишлар лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз ташкил этиладиган марказ Тошкент ислом университети билан яқин ҳамкорлик қилиши, унинг фаолиятида хорижий давлатлардан ислом маданияти бўйича етук мутахассислар иштирокни таъминлаш зарурлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Пайариқ туманидаги «Тўполос» фермер хўжалигига ташриф буюриб, фермер ва деҳқонлар билан мулоқотда бўлди. Президентимиз қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги билан қизиқди. Пахта ва ғалла майдонларини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят раҳбарлари, мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини юксалтириш,

янги иш ўринлари яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

* * *

12 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

12 июнь. Тошкент шаҳрида видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича кутилаётган натижаларни олдиндан таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этган ҳолда, барча соҳа ва тармоқларда белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва мақсадли параметрларга эришишни таъминлаш борасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Мажлисида мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш бўйича белгилаб олинган стратегик вазифаларни амалга ошириш юзасидан жорий йилнинг ўтган даврида эришилган ижобий натижалар эътироф этилиб, бугунги ислохотлар жараёнидаги камчилик ва муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари, ижроинтизомини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, давлат бошқаруви органлари тизимида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш, ушбу тизимни тубдан такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича ке-

йинги пайтда кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бу борада, айниқса, 22 вазирлик, давлат қўмитаси, компания, уюшма ва бошқа тузилмалар янгидан ёки қайта ташкил этилгани, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари таркибидаги ўнлаб идоралар тузилмаси ўзгартирилиб, уларнинг асосий вазифа ва функцияларига аниқликлар киритилгани муҳим амалий қадам сифатида қайд этилди. Айни пайтда мазкур ўзгаришлар ҳамма соҳада ҳам кутилган натижаларни бермаётгани, баъзи янги вазирлик ва идоралар ўз фаолиятини ханузгача самарали йўлга қўймагани, бу эса 2017 йил учун белгиланган дастурлар ижросини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот ва давлат дастурларининг пировард мақсади аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга, уларнинг оғирини енгил қилиш ва халқ дастурхонининг тўкин-сочин бўлишини таъминлашга йўналтирилгани алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботлари атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

13 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатла-

рини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 июнь. Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Мажлисда адолат ва маънавият — ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Судья лавозимида фаолият кўрсатаётган суд ходимлари ўз фаолияти юзасидан Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ахборот бериши билан боғлиқ амалиётни йўлга қўйиш вақти келгани қайд этилди.

Йиғилишда судьяларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик бугунги кунда давлат бошқаруви органларида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар қатори судьялар фаолиятининг ҳам кундалик қоидаси бўлиб қолиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

15 июнь. Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш,

муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ҳамда маданият намояндалари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг анжумандаги маърузаси «Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик» деган сарлавҳа билан матбуотда чоп этилди.

* * *

16 июнь. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимизнинг Учтепа туманида бўлди ҳамда дастлаб у ерда бунёд этилиши режалаштирилаётган кўнгилочар ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди.

Мазкур истироҳат боғи лойиҳасини янада такомиллаштириш, замонавий гипермаркет бунёд этиш, унда кинотеатр, кутубхона ва бошқа дам олиш масканлари бўлиши зарурлигини таъкидлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Президентимиз тумандаги 1967 йилда қурилган 78-мактабни бориб кўрди.

Мақтаб билан коллежлар ўрта-сидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш, хусусан, ушбу мактабда тажриба сифатида 11 йиллик таълимни қайта тиклаш, унинг қошида ўқув-касб курси ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари туманнинг Ватанпарвар маҳалласидаги «Ватанпарвар иноқ коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти билан танишди. Президентимиз хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари ва шу ерда яшовчилар билан ширкат фаолияти, кўп хонадонли турар-жойларда аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

Учтепа туманидаги собиқ «Сигнал» заводи худудида иш бошлайдиган кичик корхоналарда пластмасса маҳсулотлари, энергиятежамкор лампалар, трансформатор подстанциялари, тикув ва трикотаж маҳсулотлари, замонавий мебель каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Президентимиз раислигида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида шаҳар, туман фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, бандликни таъминлаш, таълим масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

19 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлан-

тириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

21 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22–23 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақ-

садида Фарғона вилоятига ташриф буюрди ҳамда дастлаб Фарғона асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув марказига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев марказда амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари билан Фарғона асаларичилиги тарихи, асалнинг шифобахш хусусиятлари, таълим жараёнида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида суҳбатлашди.

Шу ерда Халқ банки томонидан вилоятда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси томонидан Фарғона вилоятида 2017—2021 йилларда ипакчиликни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани маъқулланди.

Президентимиз Фарғона туманидаги «Миндонобод агросаноат» узумчиликка ихтисослашган агрофирмасига ташриф буюриб, вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Шу ерда «Ўзвиносаноат холдинг» компанияси томонидан 2017—2018 йилларда Фарғона вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Учкўприк туманидаги собиқ консерва заводи негизида амалга оширилаётган лойиҳани ҳам кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Эркин Воҳидов номидаги Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди. Президентимиз қаҳрамон шоиримиз номи билан аталадиган ушбу боғ ҳар томонлама мукамал бўлиши, уни ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Фарғона вилояти шаҳарлари ва туман марказларини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантиришнинг бош режаси, Марғилонда туризмни ривожлантириш дастури, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари Марғилон хунармандлар марказини ташкил этиш, соҳа ходимлари учун қулай солиқ имтиёзлари, зарур шарт-шароитлар яратиш, бошқа лойиҳаларни ҳам янада мукамаллаштириш, қурилиш ишларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

22 июнь куни Марғилондан Қўқонга илк бор электропоезд ҳаракати йўлга қўйилди. Президентимиз ушбу поездда Қўқонга келди. Бу турдаги замонавий транспорт ҳаракати Фарғона водийси ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган ушбу электричка ҳаракати яқин кунларда янада кенгайди ва Қўқон, Марғилон, Андижон шаҳарлари ўртасида қатнай бошлайди. Бу аҳоли учун жуда катта қулайлик яратади.

Шавкат Мирзиёев Қўқон шаҳридаги «Шаффоф метан саноат» масъулияти чекланган жамиятида иқтисодий лойиҳалар билан танишди. Қўқон шаҳрида хунармандликни ва туризмни ривожлантириш борасида ҳам қатор лойиҳалар белгиланган. Жумладан, хунармандлик ва заргарлик марказлари ташкил этиш, замонавий меҳмонхона қуриш режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев «Имано групп» корхонаси негизида полиуретан қоп-

ламали тайёр чарм ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳар театрини бориб кўрди. Президентимиз ижодкорлар билан мулоқотда театрнинг халқ орасидаги обрўйи ва нуфузини янада ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Фарғона филиали тажриба хўжалигида бўлиб, ғалла ўрими ва ғўза парваришини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари ғалла йиғимтеримида иштирок этаётган фермерлар билан мулоқот қилди.

Фарғона шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташрифининг иккинчи куни Фарғона шаҳридаги Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида барпо этилган Нурунийлар масканини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона механика заводи ҳудудида кичик sanoat зонаси ташкил этиш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишди. Давлатимиз раҳбари мазкур корхона маҳсулотлари намуналарини кўздан кечирди.

Мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари жадал ривожланиши натижасида электр энергиясига бўлган талаб ортиб бормоқда. Фарғона политехника институти вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда МикроГЭС илмий-ишлаб чиқариш корхонаси лойиҳасини таклиф этди. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳа илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида олиб борилаётган изланишларнинг яққол намунаси эканини таъкидлаб, микроГЭСлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа ҳудудларга ҳам жорий этиш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Фарғона вилояти sanoatини ривожлантиришнинг манзилли дастури тақдимотлари ўтказилди.

* * *

23 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан республика Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳрида видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2017 йил биринчи ярим йиллигида экспорт дастурининг ижроси, маҳаллий маҳсулотларни янги хорижий бозорларга сотиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини экспортга йўналтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижадорлиги кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев экспорт соҳасидаги ишлар аҳволини атрофлича таҳлил қилди. Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг анъанавий ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш бўйича тизимли ишларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларига ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда ташқи бозорларда самарали фаолият юритиш учун замонавий инфратузилмани яратиш, корхона ва ташкилотлар томонидан хорижий мамлакатларда ташкил этилган савдо уйлари ва логистика марказлари ишини янада фаоллаштириш, давлатимиз элчихоналарининг савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ишларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий

ташриф билан келган Россиянинг «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда узоқ муддатли ҳамкорликнинг амалдаги лойиҳаларини амалга ошириш ва истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Қазиб олинадиган табиий газни чуқур қайта ишлашга доир янги лойиҳалар, шунингдек, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Туркменистон Президентини 60 йиллик таваллуд айёми билан самимий муборакбод этди.

Президентлар стратегик шерикликнинг юксак даражасига эришиш имконини берган яқин ва самарали ўзаро ҳамкорлик бўйича тўпланган тажриба икки томонлама алоқаларнинг мавжуд улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Томонлар минтақавий ва халқаро сиёсатнинг ўзларини қизиқтирган долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишди.

Дастлаб «Krantas Group» заводи-га ташриф буюриб, қурилиш учун махсус техника ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди. Туман ҳудудида жойлашган илм ва таълим муассасалари салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли турмуши учун қулай шароитлар яратиш, мавзеларни ободонлаштириш, лойиҳаларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувида илгари сурган ташаббусига мувофиқ ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритадиган Мирзо Улуғбек инновацион марказини ташкил этиш, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган илмий тадқиқотларни амалиётга жорий этиш бўйича комплекс дастурлар, тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида бўлиб, у ердаги шароитлар билан танишди. 2017—2021 йилларда ИИВ академиясини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича лойиҳаларни кўздан кечирди.

Президентимиз Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бўлими қошидаги 8-шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари билан мулоқот қилди, замонавий технологиялар бўйича амалга оширилаётган иш жараёни билан танишди.

Шавкат Мирзиёев «Қатта Қорасув» маҳалласида ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари маҳалла оқсоқоллари билан ёшлар тарбияси, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди. Маҳалла қошидаги «Кристалл» болалар рақс тўғараги иштирокчилари турли рақслар ижро этди. Ёш истеъдод эгаларига мусиқа асбоблари совға қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Мирзо Улуғбек тумани фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакилларининг йиғилиши бўлди. Унда аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

30 июнь. Тошкентдаги Симпозиумлар саройида Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси «Жисмоний ва маънавий етук ёшлар — эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни қабул қилди.

Юқори мартабали меҳмон Президентимизга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг ушбу мамлакатга жорий йилнинг охиригача давлат ташрифи билан бориш таклифини шахсан топшириш учун Тошкентга келган.

Давлатимиз раҳбари таклифни мамнуният билан қабул қилар экан, бугун Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик ришталари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам боғлаб турганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида мунтазам ташрифлар алмашиш тўғрисида келишувга эришилди.

* * *

4 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент

шаҳрида йиғилиш ўтказилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал хизматлар, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси ҳамда Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, инвестициялар, банк ва молия тизимини ислох қилиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарлари билан бирга, ушбу комплекслар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил биринчи ярим йиллиги якунлари, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, иккинчи ярим йилликдаги долзарб вазифалар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди ва ҳар томонлама, атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳукумат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, олий тиббиёт ўқув юртлари ректорлари, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари директорлари, Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Биз энди тиббиёт муассасаси, жумладан, патронаж хизматининг фаолиятига соҳа амалдорлари эмас, балки оддий одамлар, аҳолининг бевосита ўзи холис баҳо берадиган тизим яратишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда яна бир устувор йўналиш — республикамизда соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Лекин яратиб берилган катта имкониятларга қарамасдан, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани танқидий нуктаи назардан чуқур таҳлил қилинди.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, айниқса, хусусий тиббиёт тармоғини кенгайтириш бўйича ишларнинг аҳволи учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари шахсан масъул экани алоҳида таъкидланди.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Қозоғистон Президентини тувилган кун билан самимий муборакбод этди.

Суҳбат чоғида давлат раҳбарлари жорий йилда олий даражадаги уч-

рашувларда эришилган келишувларни амалга оширишнинг муҳим жиҳатларини муҳокама этдилар.

Томонлар ўзларини қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

7–8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 2 ноябрь кун Наманган вилояти сайловчилари билан учрашувда Исҳоқхон Ибрат ҳақида алоҳида тўхталиб, унга атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва «Ибрат мактаби»ни ташкил қилиш ташаббусини баён этган эди. Бу таклиф жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланган эди. Президентимиз ушбу мажмуа қурилишини бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев Тўрақўрғон туманидаги Наманган кўчасида халқ ичига кириб, одамлар билан самимий мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Мингбулоқ туманидаги «Мингбулоқнефть» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасига ташриф буюрди. Президентимиз ушбу корхона мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Қурувчилар ва хитойлик мутахассислар билан суҳбатлашди. Шу ерда Наманган вилоятида қуриладиган гидроэлектр станциялари лойиҳаси намойиш қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги «Gold Fresh Fruits» масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳалари билан танишди. Шу ерда Учқўрғон туманидаги «Muhammadali hamkor biznes» масъулияти чекланган жамиятида 10 гектарда иссиқхона ва тоmat пастаси ишлаб чиқариш заводи, Наманган шаҳридаги «Jahon javohiri invest» ва Поп туманидаги «Namangan agro logistic» МЧЖларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда иссиқхона ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Поп туманидаги «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли Кўмир брикети ишлаб чиқариш заводини ташриф буюрди.

Туманда шу соҳадаги яна бир корхона ишга туширилди. Қиймати 7 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа натижасида йилига 500 минг тонна кўмир брикети ишлаб чиқарилади. Президентимиз брикет ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Бу ерда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Поп туманида цемент, шифер, асбест қувурлар, бетон ва ярим синтетик мойлаш материаллари, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларида цемент, Наманган шаҳрида керамик плита ва сантехника маҳсулотлари, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида пишиқ фишт, Чуст туманида пардозлаш тошлари ишлаб чиқаришни

ташкил этиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманида қурилаётган Ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи завод фаолияти билан танишди. Шу ерда Наманган вилояти ҳудудидаги паст рентабелли адирларда ёнғоқзор, пистазорлар бунёд этиш, пахта ва ғалла майдонларини камайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ковул экишни ташкил қилиш, паррандачилик ва эчкичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди. Қадамжони қадимий усулда таъмирлаш, кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, кутубхона ташкил этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Чортоқ туманидаги чегара постини бориб кўрди. Президентимиз бу ерда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Янгиқўрғон туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла аҳли билан суҳбатлашди.

Наманган шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация

тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ташрифининг иккинчи куни Наманган туманидаги «MerryMed Farm» масъулияти чекланган жамиятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари «Нуроний» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими янги биноси ва «Нуронийлар маскани»ни бориб кўрди. Президентимиз бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Оқсоқоллар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган Гулчилар ассоциацияси фаолияти билан танишди.

Президентимиз Наманган шаҳрининг Ислон Каримов кўчасида ташкил этиладиган маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан таништирилди.

Давлатимиз раҳбари шаҳарнинг Уйчи кўчасини ободонлаштириш, инфратузилмасини такомиллаштириш, реконструкция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шу ерда Наманган шаҳрида намунавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган саккизта 7 қаватли арзон турар-жой биноси, Фарғона водийси темир йўллари электрлаштириш концепцияси, Наманган темир йўл вокзалини янгидан қуриш, Республика ихтисослаштирилган кардиология ва эндокринология илмий-амалий марказларининг Намангандаги филиаллари биноларини реконструкция қилиш, уларни малакали кадрлар ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш, Косонсой туманида ёшлар ва

ўсмирлар технопарки бунёд этиш лойиҳалари тақдимоти бўлди.

Президентимиз Ўзбекистон Бадиий академиясининг Наманган вилоятидаги бадиий ижодкорлар уюшмаси галереясининг реконструкция қилинган биноси ва бу ердаги кўرғазма билан танишди.

Президентимиз 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида машғулотларда қатнашаётган бадиий гимнастикачи қизлар ва боксчи ёшлар билан мулоқот қилди. Сўнгра Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти, профилактика инспектори яшаш жойи билан танишди.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Сергели туманидаги қурилиш ишлари учта майдонда олиб борилмоқда. 6-мавзедаги 66 та етти қаватли уй қурилиши якунланиш арафасида. Бошқа майдонлардаги 36 та кўпқаватли уйни қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Президентимиз ушбу уйлардан бирига кириб, бу ерда яратилаётган шароитлар билан қизиқди.

Шу ерда Сергели туманини комплекс ривожлантириш бўйича режалар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Сергели туманида амалга оширилаётган метро қурилиши билан танишди. Янги қурилаётган метро бекатларининг дизайни, деворларига ишлатиладиган қурилиш материаллари, тасвирлардан намуналар намойиш этилди.

Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси аҳоли ва транспорт ҳаракати-

га қулайлик яратиш мақсадида замонавий қилиб кенгайтирилмоқда. Ушбу кўчанинг темир йўл билан кесишган жойида узунлиги 1011, эни 28 метр бўлган йўл ўтказгич қурилиши режалаштирилган. Шавкат Мирзиёев мазкур иншоот лойиҳаси билан танишди.

Йўл ўтказгич кўчадаги тирбандликни бартараф этиб, автомобиль ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Қипчоқ кўчаси Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа автомобиль йўлини боғлаб, транспорт ҳаракати учун қўшимча қулайликлар яратади.

Президентимиз «Паллада инвестмент» қўшма корхонасига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев корхона лабораторияси, ишлаб чиқариш цехларини кўздан кечирди. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспорт кўламини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент шаҳри атрофида тезюрар электричка қатнови йўлга қўйилади. Давлатимиз раҳбари ушбу темир йўл қурилиши лойиҳасини кўздан кечирди. Президентимиз мамлакатимизда бу янги соҳа экани, уни лойиҳалаштиришда илғор хориж тажрибасини ўрганиш, шу соҳага ихтисослашган мутахассисларни жалб этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентга амалий ташриф билан келган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — Ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Сухбат давомида мамлакатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш, стратегик шерикликни мустаҳкамлашга қаратилган янги йўналишларни белгилаш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

* * *

12 июль. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди. Давлатимиз раҳбарининг маърузаси «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15 июль. Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Юнус-

обод туманига ташриф буюрди. Дастлаб Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Қўриқлаш бошқармаси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари «Shifo Nig» кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб, шифокорлар ва беморлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Катталар ва болаларни даволаш, ушбу йўналишда хорижнинг нуфузли клиникалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, малакали мутахассисларни жалб этиш лойиҳаси билан танишди.

Юнусобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида 11 йиллик мактаб таълимини ташкил этиш лойиҳаси тақдимоги ўтказилди. Унда маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

Шу ерда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг бир гуруҳ фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, ёш композиторлар уйини ташкил этиш ва бошқа масалалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Исломобод маҳалласида яшовчи Тўлагановлар хонадонида бўлиб, ушбу оила аъзолари билан самимий суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Бўзсув канали бўйида барпо этиладиган маданият ва истироҳат боғи лойиҳаси билан танишди.

«Ўзэкспомарказ» мажлислар залида Президентимиз раислигида Тошкент шаҳри фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Юнусобод туманини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли

учун замонавий қулайликлар яратиш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

17 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами қатнашчиларига табрик йўллади.

* * *

21 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташриф буюрди. Дастлаб Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, Хитойнинг «Поли техноложиз» компанияси билан ҳамкорликда конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасининг ижроси билан танишди.

Шу ерда қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси

ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Тошкент вилоятидаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда «Ангрен» эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўрга Чирчиқ туманидаги «Ўзбегим отлари» от заводи фаолияти билан танишди.

От заводида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Паркент туманини комплекс ривожлантириш, Паркент шаҳрининг бош режаси ҳақида ахборот берилди.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг асосий туристик йўналишлари намойиш этилди. 2017—2018 йилларда вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг асосий кўрсаткич прогноз параметрлари тақдим қилинди. Чимён оромгоҳида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун 500 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуаси лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Президентимиз Бўстонлиқ тумани «Хўжакент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қуриладиган «Қўшчинор» меҳмонхона мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди.

Тошкент вилоятида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари лойиҳаси тақдимоти бўлди.

Вилоят ҳудудидан ўтадиган Тошкент — Сирдарё автомобиль йўли бўйида — Зангиота, Чиноз ва Янгийўл туманлари ҳудудидан ўтадиган йўл бўйида 5 ва 7 қаватли уй-жойлар қурилиши ва жойлашуви бўйича лойиҳа тақдимоти ўтказилди.

Ҳозирги кунда Тўйтепа шаҳрини вилоятнинг маркази сифатида қайта қуриш тадбирлари амалга оширилмоқда. Тўйтепа шаҳрининг бош режаси тақдимоти ҳам ўтказилди. Президентимиз лойиҳа билан танишар экан, Тошкент — Тўйтепа йўли атрофида замонавий уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объектларини замон талаблари даражасида барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

22 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Паркент туманидаги «Марказий» маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди. Мазкур маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, маҳалла гузари барпо этилган. Бу ерда йиғин ходимлари, профилактика инспектори ва аҳоли учун барча шароит яратилган.

Шу ерда ички ишлар тизими томонидан олиб борилаётган профилактика ишлари, «Хавфсиз дам олиш» концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Тошкент вилояти, жумладан, Паркент туманида туризмни ривожлантириш учун улкан салоҳият борлиги, бунинг учун дам

олувчилар ва аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш, одамларни шу йўналишда оилавий тадбиркорликка ўргатиш кераклигини таъкидлади.

Маҳалла гузарида фаолият юри-таётган тикувчи ва касаначи аёллар билан самимий суҳбат бўлиб ўтди.

Туманда томчилатиб суғориш асо-сида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, токзорлар ташкил этиш, Паркент шаҳрининг бош режаси, кўпқаватли уй-жойлар, йўллар, бо-зор, истироҳат боғи ва бошқа об-ъектлар барпо этиш лойиҳалари на-мойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Паркент ту-мани Гулистон маҳалласида яшовчи Аминжон ота Мухаммаджоновнинг боғида бўлди.

Шавкат Мирзиёев боғни кириб кўрди. Шундай ажойиб боғ яратган-ни, хориждан кўчатлар олиб келиб, юртимиз шароитида кўпайтираётгани учун Аминжон отага миннатдорлик билдирди.

Президентимиз боғда маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳ-батлашди. Нурунийлар халқ билан мулоқот қилиб, инсон манфаатлари-ни таъминлашда намуна бўлаётгани, хуудларни ривожлантириш, одам-лар турмуш фаровонлигини оши-ришга ҳисса қўшаётгани учун улар-га миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Юқори Чир-чиқ туманида барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилади-ган лойиҳалар тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

2017—2018 йилларда қишлоқ хў-жалиги техникаларини ишлаб чи-

қариш инновацион лойиҳаси ҳам кўрсатилди. «Ўзагротехсаноатмаш-холдинг» компанияси тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқар-илаётган қишлоқ хўжалиги техни-калари намойиш қилинди.

Мамлакатимизда беларуслик ин-весторлар билан ҳамкорликда замо-навий қишлоқ хўжалиги техникала-ри ишлаб чиқарилмоқда. Президен-тимиз ушбу техникалар турларини кўздан кечирди. Инвесторлар билан мазкур тизимни янада такомиллаш-тириш, ҳамкорлик алоқаларини ри-вожлантириш истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-касида Лойиҳа бошқаруви тизими-ни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга рас-мий ташриф билан келган Туркия Республикаси Миллий мудофаа ва-зири Нуреттин Жаниклини қабул қилди.

Суҳбат чоғида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Тур-кия Мудофаа вазирликлари ўрта-сида амалий ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Туркия миллий мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Президен-ти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди ва Туркия Республикаси Президен-

ти Режеп Таййип Эрдўғоннинг эзгу тилакларини етказди.

Нуреттин Жаникли Ўзбекистонда Қуролли Кучлар салоҳиятини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди ва Туркия томони давлатларимиз ўртасида кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

* * *

27 июль. Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовни хотирлаш тадбирлари бўлиб ўтди.

Миллий урф-одатимизга биноан ушбу маросимларда элга ош тортилди. Биринчи Президентимиз хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, дуойи фотиҳа ўқилди.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай маросимда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тар-

моқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

31 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидлар тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ота-оналар ва болаларнинг хоҳиш-истакларини тўлиқ ҳисобга олиш ва рўёбга чиқариш зарурлиги, уларнинг овора бўлишига йўл қўймаслик, шундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли туманлар ҳокимлари, халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари раҳбарларига нисбатан қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди.

Мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига жорий йилнинг 20 августига қадар таълим муассасаларини янги ўқув йили, қузгиқишки мавсумга сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини яқунлаш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

* * *

3 август. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Учрашувда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида агрофлича фикр алмашилди.

Самимий ва очиқ мулоқот руҳида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари раҳбарлари, Бош вазир, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, йирик компания ва хўжалик бирлашмалари, банклар, ижодий уюшмалар, етакчи оммавий ахборот воситалари, маданият муассасалари, театр ва музейлар раҳбарлари, адабиёт, санъат ва маданият соҳасининг атоқли намоёндалари, журналистлар иштирок этди. Видеоконференция шаклида ўтган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Маданият вазирлиги, ижодий уюшмаларнинг ҳудудий

бўлимлари, жойлардаги маданият муассасалари, теле-радиоканаллар, газеталар раҳбарлари, ижодкор зиёлилар қатнашди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Ушбу маъруза «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш — халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

4 август. Президент Шавкат Мирзиёев юртимиз ҳаётида илк бор нишонланаётган темир йўлчилар кун муносабати билан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоасига табрик йўллади.

* * *

4 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимиз темир йўл соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган йирик ва муҳим аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва йил якуни бўйича қутилаётган натижалар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти ва пойтахтимизнинг Чилонзор туманига ташрифлари чоғида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ор-

тиб боришини таъминлаш, юқори қўшимча қийматли, чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги замонавий корхоналарни ишга тушириш — мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, аввало, аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги даражасини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан бири эканини таъкидлади.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари ва таклифлари тингланиб, муҳокама қилинди ҳамда инвестиция лойиҳалари ижросини жадаллаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

7 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнни қабул қилди.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюн Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик ихор этди. Банк Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини алоҳида таъкидлади.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртқи бўлимларни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон ижодкорла-

рини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг ўтган 7 ойи мобайнида мамлакатимизни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини янгилаш, иқтисодий эркинлаштириш ва аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, давлатимиз раҳбарининг жойларда халқ билан мулоқотлари чоғида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишига бағишланган сектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев ўтган давр мобайнида мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, Президентнинг 180 дан ортиқ фармони, 450 дан ортиқ қарори қабул қилингани ва бу жараён узлуксиз давом этаётганини, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдаги ижросини таъминлашда барча бўғиндаги раҳбарларнинг масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига табрик йўллади.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вонни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда йирик халқаро турнирларни мунтазам ўтказиш, Жаҳон таэквондо федерациясининг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университетига ташкил этилаётган таэквондо факультети фаолиятини йўлга қўйишда, шунингдек, юртимиз ёшларини спортга кенг жалб қилишга қаратилган бошқа тадбирларда иштирок этиш масалалари муҳокама этилди.

* * *

11 август. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрига ташриф буюрди. Бу ерда «Олмалиқ кон-металлургия комбинати ривожланишининг иккинчи босқичи» лойиҳаси бўйича ишлар бошланишига бағишланган

тантанали маросимда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳани кадрлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бугун мазкур тармоқда ишлаётган ёшлар кўплигини инобатга олиб, янги очилган конга «Ёшлик» деб ном беришни таклиф қилди.

Мажмуага тантанали равишда тамал тоши қўйилди.

Президентимиз Олмалиқ шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилиши режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.

Президентимиз Олмалиқ шаҳридаги «Ойдин» деҳқон бозори ва буюм бозорида сотувчи ва харидорларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Олмалиқ шаҳар болалар шифохонаси реконструкцияси давом этмоқда. Бу болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга ўз вақтида ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда кенг имконият яратади. Давлатимиз раҳбари шифохонани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, бунинг учун зарур маблағлар ажратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимизга замонавий типдаги шаҳар ФХДЁ бўлимининг янги биноси қурилиши лойиҳаси намойиш этилди.

Шу ерда Олмалиқ шаҳар оқова сувларни тозалаш иншоотини реконструкция қилиш лойиҳаси тақдироти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Олмалиқ шаҳри марказидаги 5/2 массивида қурилатган 7 қаватли, 2 ва 3 хонали турар-жой биноларини бориб

кўрди. Давлатимиз раҳбари мазкур уйларда яратилган шароитлар билан танишди. Мутасаддиларга қурилиш ишларини сифатли бажариш, иншоотларни ўз вақтида қуриб битказиш ва топшириш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Олмалиқ шахри аҳолиси билан мулоқот қилди. Самимий ва очик ўтган суҳбатда шаҳар фаоллари ва ёшлар давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, турли долзарб масала ва муаммолар тезкорлик билан ҳал этилаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни эритиш фабрикаси ва махсус цехида бўлиб, иш жараёнини кўздан кечирди.

Шундан сўнг комбинатнинг мажлислар залида шаҳар ёшлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Олмалиқ шахрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолияти

тини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 август. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишни имзолади.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев «2018—2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтакавий филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11 йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар бўйича йиғилиш ўтказди.

Мажлисида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига 25 августга қадар барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш ҳамда Инвестиция дастурига киритилган таълим объектиларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини яқунлаш, кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича мутасадди ташкилотлар раҳбарларига кўрсатма ва топшириқлар берилди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкентда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ишларнинг аҳволи, муаммолар ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Қозон Республикаси мудофаа вазири Сакен Жасузоқовни қабул қилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим ва истиқболли йўналиши сифатида белгиланган. Хусусан, суҳбат чоғида мамлакатларимиз мудофаа маҳкамалари ўртасида, жумладан, саноат кооперацияси ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 август. Президент Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрида бўлди. Давлатимиз раҳбари ташрифини «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятидан бошла-

ди. Президентимиз корхонанинг махсус цехлари фаолияти билан яқиндан танишди.

Шавкат Мирзиёев комбинат ишчи-ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Шу ерда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намоиш этилди.

Президентимиз Бекобод шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли «Шудринг» номли 5-мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди. Болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Бекобод шаҳридаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Металлург-мадад» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли кўпқаватли уйларда яшовчи аҳоли билан учрашди.

Бекобод шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси тақдироти ўтказилди. Хусусан, 2017—2018 йилларда умумий қиймати 3,8 триллион сўмлик 179 лойиха амалиётга татбиқ этилиб, қарийб 5 минг аҳоли доимий иш жойига эга бўлади. Янги мавзелар қурилади, кўпқаватли уйлар қад ростлайди.

Аҳолига янада кенг қулайлик яратиш мақсадида Тошкент — Бекобод йўналишида электрчўка қатновини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз Бекобод шаҳрида истиқомат қилувчи Мухтор Миркомиловнинг турмуш ўртоғи бевакт вафот этгани муносабати билан ўтказилаётган таъзия маросими-

да иштирок этиб, хонадон эгаларига чўкур ҳамдардлик билдирди, сабр-тоқат тилади. Мутасадди раҳбарларга бошига мусибат тушган ушбу оилага кўмак кўрсатиш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида «Металлург» маданият саройида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳри фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда аҳолига барча зарур шароитлар яратиш, коммуникация тизимларини янгилаш, ҳудудларни ободонлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотларини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси Хукумати раисининг биринчи ўринбосари Игорь Шуваловни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш ва юқори технологияли соҳаларда янги истиқболли дастурларни тайёрлашни жадаллаштириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва

маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма олти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркор ва фермерларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Юргимиз тараққиётига муносиб хисса қўшиб келаётган ёш авлод вакилларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандга келди. Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрини зиёрат қилишдан бошлади.

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов қабрига гул қўйди. Қуръон тиловат қилинди.

Шу куни Президентимиз Имом Бухорий мажмуасига ташриф бурди. Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси қошида ислом маданияти, умумбашарий цивилизация ривожига беназир хисса қўшган буюк аجدодларимизнинг кўпқиррали бой меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси мамлакатимиз жамоатчилиги ва халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

Бугунги кунда илмий-тадқиқот маркази қурилиши жадал давом этмоқда. Шавкат Мирзиёев қурилиш ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари марказни замонавий услубда барпо этиш билан бирга, уни маънавий мазмун билан янада бойитиш, буюк аждодларимиз меросини тарғиб этиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлади. Бу ерга келган одамлар фақат

зиёрат билан чекланиб қолмасин, илм-маърифат олсин. Бошқа давлатлардан ҳам талабалар келиб ўқисин. Бунинг учун чуқур илмий услубият яратиш, динимизнинг асл мохиятини ўргатиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Самарқанд шаҳрининг Дахбед кўчасидан Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига олиб борадиган Нурафшон кўчасини ободонлаштириш, йўл бўйида замонавий турар-жойлар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари барпо этиш бўйича лойиҳалар кўриб чиқилди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ва «Жаҳон тамаддуни тарихида Марказий Осиё Ренессанси» халқаро анжуманида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти бош котиби Талёб Рифаини қабул қилди.

Учрашувда туризм соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

28 август. Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» XI халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Фестивалда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Президентимизнинг ушбу тантанандаги табрик сўзи матбуотда чоп этилди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Самарқандда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари ва бу борадаги долзарб вазифалар ижросига бағишланган сайёр видеоселектор йиғилиши бўлди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бир қаторда соҳада мавжуд камчилик ва муаммолар ҳам чуқур таҳлил қилинди.

Мажлисда Мудофаа вазирлиги қўшинларида жанговар тайёргарлик ва шайликни ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам танқидий таҳлил қилинди.

Белгиланган стратегик мақсадларимизга эришиш ва уларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишда ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга, ўз Ватанига содиқ, юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини давлат томонидан кафолатлаш каби вазифаларни амалга ошириш ҳал қилувчи ва асосий омил саналади, деди Президентимиз.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳарбий лицей ва коллежлардаги таълим-тарбия жараёнларини шахсан назоратга олишлари зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар фахрийларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида амалга оширилган ишлар ҳам таҳлил қилинди.

Йиғилишда ғоявий-бадий савияси етук, замонавий талабларга жавоб берадиган ҳарбий-ватанпарвар-

лик руҳидаги бадий ва мусиқий асарлар, ҳарбий, тарихий мавзудаги кинофильмлар яратишда фаоллик етишмаслиги, бу йўналишда нафақат Жамоатчилик кенгаши, балки мамлакатимиз ижодкор зиёллари, етакчи адабиёт ва санъат арбоблари, янгидан тузилган Республика маънавият ва маърифат маркази биргаликда самарали фаолият олиб бориши кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасадди раҳбарларнинг тегишли соҳа ва тармоқларда олиб борилаётган ишлар бўйича ахбороти тингланди. Олдинда турган қатор долзарб вазифалар ва уларни бажариш йўллари белгилаб олинди.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш хақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 август. Қатағон қурбонлари куни муносабати билан «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Қурбон тиловат қилиниб, қатағон қурбонлари руҳига ҳурмат бажо келтирилди.

Президентимиз Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, уламолар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Қатағон қурбонлари хотираси» музей экспонатлари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев музей ёнидан оқиб ўтадиган Бўзсув канали атрофини янада ободонлаштириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

* * *

31 август. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллик байрами нишонланаётган кунларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда чоп этилди.

* * *

1 сентябрь. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 21 апрель куни Тошкент шаҳрининг Олмазор туманига ташрифи чоғида Имом Термизий жоме масжидини реконструкция қилиш бўйича топшириқ берган ва Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида Ислом маданияти марказини ташкил этиш таклифини билдирган эди.

Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасида бўлиб, мазкур марказ лойиҳаси билан танишди.

Мамлакатимизда муқаддас динимизни, уламоларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилмоқда, Шеробод туманидаги Абу Исо Муҳаммад

Термизий, Қарши туманидаги Абул Муин Насафий зиёратгоҳлари ва бошқа кадамжоларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шуларни инобатга олиб, давлатимиз раҳбари Ислом маданияти маркази номини Ислом цивилизацияси маркази, деб ўзгартириш таклифини билдирди.

Шавкат Мирзиёев марказ қурилиши бўйича тақдим қилинган лойиҳага алоҳида эътибор қаратди. Бу марказ бизнинг ислом дини тарғиботидаги юзимиз бўлади. Шундай экан, унинг ташқи кўриниши, бу ерда ишлатиладиган қурилиш материалларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Одатдаги, кўзимиз ўрганиб қолган лойиҳалардан воз кечиб, янги шакл ва дизайн топишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз давлат ва жамоат ташкилотлари, Мусулмонлар идораси раҳбарияти, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашди.

* * *

1 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдуғон Туркия халқи ва ўз номидан давлатимиз раҳбарини ва кўп миллатли Ўзбекистон халқини Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги ва муборак Қурбон ҳайити билан чин дилдан табриклади.

Ўзбекистон Президенти самимий табрик учун чуқур миннатдорлик

билдириб, барча мусулмонларнинг муборак байрами муносабати билан Туркия раҳбари ва қардош турк халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилади.

Давлатлар раҳбарлари бўлажак олий даражадаги учрашувлар икки қардош халқ ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кенг қўламли ва ҳар томонлама Ўзбекистон — Туркия шериклигини чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этиш учун Самарқанд шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Самарқанд рамзи бўлган Регистон майдони ёнидаги хиёбонда, Ислом Каримов туғилиб ўсган хонадон яқинида Биринчи Президентимизга ҳайкал ўрнатилди. Бу ерга ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, вилоят фаоллари, нурунийлар, ёшлар жам бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг турмуш ўртоғи Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Ҳайкал пойига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов туғилиб ўсган хонадонга ташриф буюрди.

Қуръон тиловат қилиниб, элга эҳсон дастурхони ёзилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тантанали маросимдаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти Зарбдор туманига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари «Тошкесган» фермер хўжалигининг пахта дала-сини кўздан кечирди. Фермер ва деҳқонлар билан агротехник тадбирларни тўғри ва сифатли амалга ошириш, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш хусусида суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбарига «Ўзпахта-саноат» АЖ томонидан 2017 йилги пахта хомашёсини электрон тарози орқали «Э-тарози» дастурида қабул қилиш ва ушбу жараёнга «Фото-фиксация» тизимини самарали жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Мутасаддиларга ушбу замонавий тизимни янада такомиллаштириш ва амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев «Тараққиёт манзараси» фермер хўжалиги дала шийпонида вилоят мутасаддилари, фермерлар билан учрашди.

Тадбирда вилоятда пахта йиғим-терими мавсумини самарали ташкил қилиш, такрорий экинлар мониторинги, қишлоқ хўжалиги соҳасида кутилаётган ҳосил ва даромад, барча тоифадаги хўжаликлар учун 2018 йилда экиладиган сабзавот экинлари ҳамда улардан олинадиган маҳсулот миқдори ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5–6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоевнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди.

Бишкек шаҳридаги Ала Арча қароргоҳида Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари, мамлакатларимизнинг чегараолди ҳудудлари алоқаларини фаоллаштириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари музокаралари расмий делегациялар иштирокида давом эттирилди.

Музокараларда икки ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, сарможавий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрофлича фикр алмашилди.

Ташриф якунлари бўйича Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекис-

тон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартномани имзоладилар.

Жорий йил октябрь ойида Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2018 йил Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларини ўтказишга келишиб олинди.

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Қўшма баёнот ва Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараси тўғрисида шартномани имзолادилар. Андижон ва Ўш, Тошкент ва Бишкек шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида, Солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида, Минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро, илмий-техникавий ҳамкорлик, Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар, Чегарадош минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича 2017–2019 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси, Парламентлараро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенгешининг раиси Чинибай Турсунбековни қабул қилди.

Шундан сўнг Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Бош вазири Сапар Исаковни қабул қилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ҳар икки давлат раҳбарлари музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва амалий руҳда ўтганини, эришилган тарихий келишувлар Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги bosқичга кўтаришини таъкидладилар.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мактабгача таълим тизи-

мини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси котиби, Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжу бошчилигида Қўшма қўмитанинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси ҳукумати делегациясини қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги амалий ҳамкорлик, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, сармоявий, молиявий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги алоқалар истиқболлари муҳокама қилинди.

Президентимиз фармонига мувофиқ, мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, шунингдек, йирик иқтисодий ва сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Мэн Цзяньчжуга «Дўстлик» ордени топширилди.

* * *

9–10 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Остона шаҳрида бўлди.

10 сентябрь куни Остона шаҳрида Мустақиллик саройида Ислом

ҳамкорлик ташкилотининг «Фан, технологиялар, инновациялар ва ислом оламини модернизация қилиш» мавзусидаги биринчи саммити очилди.

Саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Анжуманда Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ва қузатувчи мамлакатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат 80 га яқин делегация иштирок этди. Саммит якунида Остона декларацияси имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев саммит доирасида Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Руҳоний, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашувлар ўтказди.

* * *

11 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

* * *

13 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Китоб маҳсулотларини

нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва «Астрономия ва аэронавтика» боғини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

16 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Юксак мартабали меҳмон Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Президентлар пойтахтимиздаги Шайх Хованди Тоҳур ва Тўлабий мақбараларини зиёрат қилдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гул қўйиб, Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ўзбекистон – Қозоғистон: ҳамкорликнинг янги босқичи» деб номланган Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўрғазмаси билан танишдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди. Сўнг Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев тор доирада учрашув ўтказди.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегациялари иштирокида давом эттирилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқти-

содий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Қўшма баёнотни имзоладилар. Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг турли соҳаларига доир 10 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат ҳудудларининг тўғридан-тўғри алоқаларига асос бўладиган қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев музокаралар Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларига хос ўзаро англашув ва самимият руҳида ўтгани, томонлар барча стратегик масалалар бўйича ҳамфикр эканини алоҳида таъкидладилар.

Қозоғистон Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи арафасида Нурсултон Назарбоевнинг «XXI аср бўсағасида» китоби Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сўзбошиси билан ўзбек тилида чоп этилди. Давлатимиз раҳбари мазкур китобни Қозоғистон Президентига туҳфа қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 сентябрдаги фармонига мувофиқ, мамлакатларимиз

ўртасидаги анъанавий дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан хиссаси учун Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди. Давлатимиз раҳбари ушбу юксак мукофотни тантанали равишда топширди. Нурсултон Назарбоев ушбу мукофот ва хурмат-эътибор учун Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди.

* * *

17 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Туркменистонда бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди. Самимий руҳда ўтган мулоқотда сўнгги пайтларда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда жадал ривожланаётгани қайд этилди.

Президентларнинг очиклик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўпқиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

* * *

17 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат давомида давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5—6 сентябрь кунлари Қирғизистонга амалга оширган тарихий давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани, ўзаро ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари, ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, икки давлат ҳукуматлари раҳбарлари шафелигида фаолият юритадиган Чегараолди вилоятлар ҳокимлари кенгашининг амалий фаолиятини ташкил этишни тезлаштириш ҳамда маданий-гуманитар соҳада янги дастурларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

18—20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига келди.

Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади. Нутқда илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари

Зайд Раад ал-Хусайн билан учрашуви бўлиб ўтди. Президентимиз Ўзбекистон фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, чинакам демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари ушбу учрашувдан мамнунлигини билдириб, Халқаро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодиётидаги вазиятнинг яхшиланишида муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Кристин Лагард Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэм, «Женерал Электрик» компанияси президенти Рон Полетт, «Honeywell» компанияси президенти ва ижрочи директори Ражив Гаутам, «CNH Industrial» компанияси вице-президенти Стивен Надерни, «Deere and Company» компанияси президенти Жеймс Филд иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ишбилармонларни самимий қутлаб, Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва инвес-

тициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистон Республикасининг тухфаси — Регистон майдонининг макети топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади. Тадбирда БМТ Бош котиби ўринбосари Жен Бигл, Бош Ассамблея сессиясига келган дипломатлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафикаси билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томонидан уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 19 сентябрь куни БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди. Шавкат Мирзиёев Антониу Гутерришга БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишнинг «йўл харитаси» бўлган 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида Болгария Республикаси Президенти Румен Радев билан учрашди. Унда Ўзбекистон — Болгария муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Грузия Бош вазири Георгий Квирикашвилини қабул қилди. Учрашувда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, савдо-саноат палаталари ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, савдо уйлари ташкил этиш ва қўшма кўرғазмалар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди. Давлатимиз раҳбари Жаҳон банки Ўзбекистоннинг ишончли ва стратегик шериги эканини алоҳида таъкидлади. Мулоқотда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар, истиқболли лойиҳалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилаётган бир гуруҳ ватандошларимиз билан учрашди. Учрашув ҳам очик ва самимий руҳда ўтди. Президентимиз учрашувга келган ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёти ва фаолияти билан қизиқди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлатимиз раҳбари шарафига ташкил этилган Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида ўтган қабул маросимида қатнашди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга ташрифи якунланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

25 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихоновни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар ҳамда жорий йил апрель ойидаги Россияга давлат ташрифи доирасида имзоланган икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ Татаристон ва Россия Федерациясининг бошқа субъектлари билан алоқалар фаоллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни аниқ мазмун билан бойитишга доир масалалар батафсил кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, ахборот технологиялари соҳаси ва бошқа йўналишларда инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданий-гуманитар алмашув ва сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш ва қўшма дастурларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

25 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг топшириғига биноан мамлакатимизга амалий ташриф билан кел-

ган Россия Федерацияси қишлоқ хўжалиги вазири Александр Ткачевни қабул қилди.

Учрашувда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳажмини ошириш учун қулай шароитлар яратиш ва замонавий савдо-логистика инфраструктурасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Аграр соҳада кооперацияни кучайтириш ва қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, уруғлик ва ветеринария препаратлари тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди. Малакали мутахассислар тайёрлаш соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

* * *

25 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

26 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюнни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ва уларнинг алоҳида қўмиталари

ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, парламентларда фаолият юритаётган дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Жанубий Кореяда ўзаро ташриф ва қўшма тадбирларни мунтазам равишда ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Савдо-иқтисодий, инвестиция ва маданий-гуманитар соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, халқаро парламентлараро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

26 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати раиси Қосим-Жўмарт Тоқаев бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда парламентлараро ҳамкорлик, жумладан, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш масаласига алоҳида эътибор

қаратилди. Олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган икки томонлама келишувлар ва қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда ўзаро манфаатли шерикликка доир истиқболли лойиҳа ва дастурларни илгари суришда мамлакатларимиз парламентлари муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Дўстлик ва ҳамкорлик гуруҳлари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентларининг тегишли қўмиталари ўртасида яқин амалий алоқалар ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни қутлар экан, Рус православ черкови раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий яқин ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим воқеа эканини чуқур мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий ва юқори даражадаги фаол мулоқот барча йўналишлардаги амалий ҳамкорликка жадал суръат бағишлагани, икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби гло-

бал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тоғувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Кураш» миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш, кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишла-

рининг ҳолати таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда аҳолига уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишни тубдан яхшилаш, уй-жой фонди ва ижтимоий объектлардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини юксалтириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бориши кўриб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига уй-жойлар ва ижтимоий-иқтисодий объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини якунлаш, аҳолини электр, иссиқлик, газ, сув ва бошқа ҳаётий зарур воситалар билан узлуксиз таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини ошириш бўйича кўрсатма ва топшириқлар берди.

* * *

3 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда туризмни изчил ривожлантириш истиқболлари, сайёҳлик объектларидан самарали фойдаланиш, кўрсатилаётган хизмат турлари сифатини ошириш, юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш, уларга имтиёзлар тақдим этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, янги сайёҳлик маҳсулотлари

турини кўпайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мутасадди қўмита, вазирлик ва идоралар раҳбарларига сайёҳликни ривожлантиришда янгича усул ва ёндашувлардан самарали фойдаланиш, кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек-қирғиз Давлат чегараси тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2017 йил 5 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Сухбат чоғида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик мустақкам дўстлик ришталари, умумий тарих, маънавий ва маданий кадриятларга асосланган анъанавий яқин ва яхши қўшничилик алоқалари мустақкамланаётгани чуқур мамнуният билан алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда давлатларимиз ўртасида амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари, олий ва юксак даражада бўлиб ўтадиган тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг дол-

зарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларини мустақкамлаш, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида кенг кўламли ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан буён ҳам биргаликда ривожлантиришга тайёр экани қайд этилди.

* * *

5–6 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Президент Алмазбек Атамбоев Президент Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Давлат раҳбарлари «Ўзэкспо-марказ»да ташкил этилган Ўзбекистон ва Қирғизистон саноат маҳсулотлари кўرғазмаси билан танишдилар.

Давлат ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар Кўксарой қароргоҳида бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, аҳил қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида декларация, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир яна 10 дан ортик бошқа хужжатлар имзоланди.

* * *

9 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев таълим соҳасини ислоҳ қилиш, касб-хунар таълими тизимини янада ривожлантириш ва олий таълимнинг бакалавр йўналишига қабул бўйича тест синовларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда таълим муассасалари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларининг бакалавр йўналишига бўладиган тест синовларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, бунда ривожланган давлатларда синовдан ўтган энг илғор тажрибаларга алоҳида аҳамият қаратиш, тест синовларининг очиқлигини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

* * *

9 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда эркин иқтисодий зоналардаги натижалар қониқарли

эмаслиги, уларни янада ривожлантириш учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни жалб этишни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Кичик саноат зоналарининг сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги аҳамияти хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини танқид қилиб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустилигини таъкидлади.

Йиғилишда эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида жойлашган корхоналарни барча зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва инфратузилма билан ўз вақтида таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

9 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш

бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

10 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10–11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь куни бўлиб ўтди. Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирди. Мажлисида Ҳамдўстлик мамлакатларининг Парламентлараро ассамблеяси фаолиятини такомиллаштириш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Иқтисодий кенгашини ривожлантириш, келгуси йилларда МДХнинг маданий пойтахтларини белгилаш каби масалалар муҳокама

қилинди. МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институти ва анъанавий оилавий кадриятларни кўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941–1945 йиллардаги улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг жинсий даромадларни легаллаштириш, терроризм ва қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлигига доир концепциялар маъқулланди. Шунингдек, МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган яна қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйлари кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу саммитдаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳидни қабул қилди.

Учрашувда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатлар соҳасида ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар кўриш ва қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

13 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида саноат ва ижтимоий соҳа объектлари, аҳолини табиий газ, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, бу борадаги қарздорликни бартараф этиш, ушбу йўналишдаги амалий чора-тадбирларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси раҳбарияти ва тегишли мутасаддилар ҳисоботи тингланди.

Танкидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда Мажбурий ижро бюроси фаолияти, қарздорликларни ундириш, ҳуқуқбузарликларни фош этиш, суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Давлатимиз раҳбари Мажбурий ижро бюроси фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

кенг жалб этиш, саноат тармоқлари мутасаддилари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни кенгайтириш каби муҳим вазифалар бўйича топшириқлар берди.

* * *

14–15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида Хоразм вилоятига келди ва дастлаб Урганч халқаро аэропортида бажарилган реконструкция ишлари билан танишди. Аэропорт фаолиятини такомиллаштириш, меҳмонлар учун қулайликларни янада ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга келётган сайёҳлар оқимини кўпайтиришда тарихий обидаларнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлади. Тарихий объектларни қайта тиклаш ва таъмирлашда асл миллий қадрият ва урф-одатларимизни сақлаш ва хорижликларга кўрсатиш борасида тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев аҳоли учун янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган уйлар билан танишди. Замонавий ва миллий меъморлик андозалари асосида барпо этилган 1 ва 2 қаватли 64 та уй-жойларда яратилган шароитларни кўриб чиқди.

Давлатимиз раҳбари Тошсоқа тизимидаги магистрал суғориш каналларини қайта тиклаш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Каналлар атрофидаги ерларни ободонлаштириш, одамлар бу ерда дам олиши учун шароит яратиш бўйича Қишлоқ ва

сув хўжалиги вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги мутасаддиларига тегишли топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Хива шаҳрида барпо этилаётган «Фаровон» меҳмонхонасининг қурилиш участкасида бўлди.

Президентимиз Хива шаҳридаги хукмдорлар қароргоҳи – Нуриллабой сарой мажмуасини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти иқтисодиётига жалб қилинадиган тўғридан-тўғри инвестицияларни кўпайтириш ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Тақдимотда кам таъминланган оилаларнинг қорамол ва парранда боқиш, томорқада сабзавот маҳсулотлари етиштиришдаги иштирокини фаоллаштиришга қаратилган ижтимоий лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимизга вилоятга хорижлик ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, ҳудуднинг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдим қилинди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда «Хавфсиз туризм» концепциясини амалга ошириш лойиҳаси билан ҳам танишди.

Хива шаҳридаги Ичанқалъа музей-қўриқхонаси ҳудудида Паҳлавон Маҳмуд мажмуасидаги таъмирлаш-тиклаш ишлари билан танишиш мақсадида ушбу ҳудудда бўлди. Қуръон тиловат қилинди.

Илгари бу жойлар ташландик масканга айланиб қолган эди. Бу ерлар инсонга руҳий қувват беради. Буни келаётган зиёратчилар-

нинг кўплигидан ҳам билса бўлади, деди Президентимиз.

Мазкур мажмуага кунига ўртача 400 га яқин зиёратчи келади. Таъмирлаш ва қурилиш ишларини жорий йил охирида якунига етказиш кўзда тутилган. Шавкат Мирзиёев зиёратчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Шерғоziхон мадрасасини кўздан кечирди. Бу масканда таълим олган алломалар шарафига ташкил этилган музей фаолияти билан танишди. Мадраса биносига зарар етказмаган ҳолда уни қайта таъмирлаш зарурлигини қайд этди.

Вилоят туризмига тааллуқли яна бир йирик лойиҳа — Урганчдан Хивагача темир йўл барпо этиш лойиҳасидир. Темир йўл замонавий талаблар асосида лойиҳалаштирилиб, улкан бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Келгусида мазкур темир йўл электрлаштирилиб, Тошкентдан Хивагача тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Хива вокзали Ичанқалъанинг Ҳазорасп дарвозаси ёнида барпо этилаётгани сайёҳларга қулайлик яратади. Президентимиз Хива шаҳар вокзалида амалга оширилаётган ишлар, истикболдаги лойиҳалар билан танишди.

Хива шаҳрининг тарихий қисмини янгилаш режаси тақдимоти ўтказилди. Шавкат Мирзиёев Ичанқалъа яқинида истироҳат боғи барпо этиш, сайёҳлар пиёда сайр қиладиган кўча бўйида савдо ва ҳунармандлик шохобчалари, икки қаватли уй-жойлар қуриш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президентимиз Хива туманидаги «Раҳимберган ҳожи анбар» кўп тармоқли фермер хўжалиги дала-сида илғор деҳқон ва фермерлар билан суҳбатлашди.

Шу куни Урганч шаҳрида Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари Хоразм вилояти мусиқали драма театрини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари театр мутасаддилари билан мулоқотда театрнинг репертуари, ходимлар малакаси ва меҳнат шароити билан қизиқди.

Ижодкорлар учун замонавий уй-жой қуриб бериш, театрнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида ҳам бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, вилоятнинг бир гуруҳ фаол ёшлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз хоразмлик ёшларнинг шижоати, эришаётган ютуқларини янада рағбатлантириш мақсадида Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Озода Исмоиловага Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасида малака ошириш учун йўлланма, Гурлан маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шириной Раҳимовага «Spark» автомобили совға қилди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Чеченистон Республикаси раҳбари Рамзан Қодировни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Чеченистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзаро савдо ҳажми ва номенклатурасини кенгайтириш, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республикаimizда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, сифатли дори-дармон билан таъминлаш

борасидаги ислоҳотлар таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Тизим фаолиятини тубдан такомиллаштириш, одамларда ҳақли эътироз уйғотаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди, шу йўналишда амалга оширилаётган дастурлар ижроси атрофлича кўриб чиқилди.

Аҳолини сифатли ва арзон доридармон воситалари билан таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш, бирламчи тиббиёт тизимини янада яхшилаш, хусусий сектор ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш борасида ҳали қиладиган ишларимиз кўп, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Соҳада ўз ечимини кутаётган қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

* * *

18 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» мавзудаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўлади.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» халқаро конференциясининг Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пош-

шозода бошчилигидаги иштирокчилари делегациясини қабул қилди.

Учрашувда бугунги кундаги глобал жараёнлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан тобора кучайиб бораётган таҳдид ва ҳағарлар саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, конфессиялараро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришни тақозо қилаётгани қайд этилди. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, таълимни ривожлантириш ва ёшларнинг ахлоқий тарбиясини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон ташаббусига кўра Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқот аввалида қирғиз халқини жорий йил 15 октябрь куни президентлик сайловининг муваффақиятли ўтказилгани билан самимий муборакбод этди.

Икки давлат раҳбарлари яқинда бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш борасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини анъанавий дўстлик ва амалий руҳда атрофлича муҳокама қилди.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа тегишли идораларга ҳар бир масала юзасидан аниқ муддатлари кўрсатилган ҳолда муҳим топшириқ ва вазифалар берилди.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25–26 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Туркияда бўлди.

Шавкат Мирзиёев Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия Республикасининг Биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Музокарада савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Музокарада ўзаро ҳамкорликда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этиши таъкидланди. Икки мамлакатда харидоргир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узок муддатли инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича яқдил фикр билдирилди. Шу мақсадда Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркия ҳукуматлараро комиссияси мажлисларини мунтазам йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига доир 20 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини имзоладилар.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узок истиқболли ҳамкорлик-

ни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Туркия Буюк миллат мажлисига ташриф буюриб, Спикер Исмоил Қаҳрамон билан учрашди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Президентимиз куннинг иккинчи ярмида Истанбул шаҳрига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Бош вазири Бинали Йилдиримни қабул қилди. Мулоқотда Анқара келишувларини амалга ошириш, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркия Бош вазири Бинали Йилдирим иштирокида икки мамлакат молия ва ишбилармон доиралари учрашуви бўлиб ўтди. Очик ва амалий руҳда ўтган мулоқотда Ўзбекистон ва Туркиянинг молия ташкилотлари, фирма ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди, томонларни қизиқтирган аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди. Учрашувда икки мамлакат компаниялари ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ташриф дастури доирасида Истанбул шаҳридаги машҳур Тўпқопи саройини бориб кўрди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Хукумати раисининг ўринбосари Дмитрий Рогозинни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича келишув ва битимларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз етакчи корхона ва компаниялари ўртасида истиқболли қўшма дастур ва инновация лойиҳаларини жадал ривожлантиришга қаратилган саноат кооперациясини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини янги сифат даражасига кўтариш, хусусийлаштирилган тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳволини мониторинг қилиш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлаш, мавжуд муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, муҳандислик ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклаш, бозор топишда тадбиркорларга амалий кўмак бериш масалаларига давлат идоралари томонидан етарлича эъ-

тибор қаратилмаётгани таъкидланди. Рақобат муҳити ва қимматли қозғалар бозорини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, биржа фаолиятини лицензиялаш, замонавий кадрларни тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, соҳага энг ривожланган давлатлар тажрибасини татбиқ этиш каби масалалар муҳокама қилинди.

* * *

28 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг бориши, истиқболли лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент шаҳри туманларида бўлиб, дастлаб «Tashkent City» халқаро бизнес маркази лойиҳасини кўздан кечирди. Лойиҳаларни такомиллаштириш, қурилишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Кичик халқа йўли ва Фарғона йўли кесишган жойда қурилган йўл ўтказгични бориб кўрди, одамларга қанчалик манзур бўлгани, транспорт ҳаракати ва хавфсизлигига қандай таъсир кўрсатгани билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида қуриб битказилган «Ашхобод сайилгоҳи»да бўлди.

Сайилгоҳда турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш, учрашувлар ўтказиш бўйича кўрсатмалар, сайилгоҳ ва унга туташ ҳудудларни янада ободонлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, пойтахтимизнинг келгуси ривожланиши инobatга олиниб, Тошкент

шаҳрида ер усти халқа метро линиясини барпо этиш бўйича ишлар бошланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур қурилиш билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги «Ватандош» маҳалла фуқаролар йиғинида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Тошкент шаҳар туманлари ҳокимлари ва фаоллари билан учрашди. Очик мулоқот шаклида ўтган учрашувда коммунал, йўл-транспорт, таълим, тиббиёт, фан-техника соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ва ечимини кутаётган долзарб масалалар хусусида сўз юритилди. Шавкат Мирзиёев мазкур маҳалладаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дўконида ҳам бўлди ва аҳоли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар тури ва нархи билан қизиқди.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ижрочи директори Юрий Федотовни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг «йўл харитаси» — Амалий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асосида наркотрафик, жиноятчилик ва терроризмга қарши курашиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш ва биргаликдаги ишларни янада кучайтириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Илмий-тадқиқот муас-

сасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган ва МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этадиган Россия Федерацияси Ҳукумати раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.

Сухбат чоғида жорий йилнинг апрель ойида Москва шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар, икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари, жумладан, октябрь ойида МДХнинг Сочи саммити доирасидаги мулоқоти стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга кучли суръат бағишлагани, ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди. Кўпқиррали Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада кенгайтириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, иктисодиётнинг турли тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

2 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қохир Расулзода, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Бакитжан Сагинтаев,

Беларусь Республикаси Бош вазири Андрей Кобяков ва Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари Эсенмурат Оразгелдиев билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Тожикистон, Қозоғистон, Беларусь ва Туркменистон ҳукуматлари раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ўз давлатлари раҳбарларининг эзгу тилаklarини етказди.

* * *

3 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

* * *

3 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда халқ ҳунармандлиги ва амалий санъатини ривожлантириш, улар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш масалалари муҳокама қилинди. Ҳунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ҳу-

нармандларни молиявий-ташкिलий қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Тегишли ташкилотлар мутасаддилари зиммасидаги вазифалар белгилаб берилди.

* * *

3 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этган Қирғизистон Бош вазири Сапар Исоқов, Арманистон Бош вазири Карен Карапетян ҳамда Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Эюбов билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Қирғизистон, Арманистон ва Озарбайжон ҳукуматлари раҳбарлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва ўз давлатлари раҳбарларининг эзгу тилаklarини етказди.

* * *

3 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Махсус турдаги товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспертизадан ўтказишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 ноябрь. Жиззахда атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан тантанали тадбирлар бўлиб ўтди. Уларда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Дастлаб эҳсон дастурхони ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди. Сўнгра Жиззах шаҳри марказида ўрнатилган Шароф Рашидов ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди. Шароф Рашидов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шавкат Мирзиёев юбилей арафасида қуриб битказилган Шароф Рашидов мемориал музейида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар ва экспонатлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев мемориал музейи фахрий меҳмонлар китобига ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб

бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, икки шоир номи билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эҳтиром намунаси бўлди.

Жиззах шаҳрида адабиётимизнинг улкан намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиёбон атрофини янада ободонлаштириш, музей фаолиятини такомиллаштириш, мактаб-интернатнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар берди. Шоирлар хайкали пойига гул қўйди.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусиқали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди. Президентимиз театр биноси билан танишар экан, ушбу замонавий санъат даргоҳи Шароф Рашидовнинг қутлуғ таваллуд санаси нишонланаётган кунда Жиззах вилояти халқига катта тухфа бўлганини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида Жиззах вилояти мусиқали драма театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида амалга ошириш мўлжалланаётган янги лойиҳалар билан танишди.

Президентимизга «Ўзқурилиш-материаллари» АЖ томонидан Жиззах вилоятида 2017–2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Санкт-Петербург шаҳри губернатори Георгий Полтавченкони қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Санкт-Петербург шаҳри ўртасидаги анъанавий яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

8 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Марказий Осиё: ягона

тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган нуфузли делегацияга бошчилик қилаётган АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон — Америка мулоқоти амалий ҳамкорлик руҳида барқарор ривожланиб бораётганини қайд этди.

Лиза Кёртис АҚШ раҳбарияти Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда тутган ўрнини юксак қадрлашини таъкидлади. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан узоқ истиқболга мўлжалланган муносабатларни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор эканини қайд этди.

* * *

9 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош қотибининг сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Мирослав Енча ва Бош қотибнинг махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Нагалья Германни қабул қилди.

Ўзбекистон Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро жараёнларда фаол иштирок этаётгани, жумладан, йиғилиб қолган масалаларга амалий ечим топиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақанинг узоқ истиқболга мўл-

жалланган тараққиёти бўйича аниқ таклифлар илгари сураётгани ва амалга ошираётгани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

9 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Бош қотиби Томас Гремингерни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари Швейцариянинг атоқли дипломатини юқори ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, Ўзбекистон ЕХХТ билан янада фаол ҳамкорлик қилиш, Ташкилот мандатига кирувчи барча масалалар бўйича ўзаро англашувни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини қайд этди.

Меҳмон Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг асосий йўналишлари ЕХХТнинг хавфсизлик, иқтисодий-экологик ва инсон мезонлари бўйича барча мақсад ва устувор йўналишлари билан тўла ҳамоҳанг эканини алоҳида таъкидлади.

ЕХХТ ва унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўзаро ҳамкорликка, мамлакатимизда узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотлар ва ўзгаришларни амалга ошириш бўйича тажриба алмашиш ва эксперт кўмаги кўрсатишга тайёр экани билдирилди.

Учрашувда ЕХХТ фаолиятига оид бошқа масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро долзарб муаммолар кўриб чиқилди.

* * *

9 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича режа ва дастурлар билан танишиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш мақсадида Самарқандга келди.

Давлатимиз раҳбари Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди. Куръон тиловат қилинди. Шавкат Мирзиёев мазкур мажмуада олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз Самарқанд шаҳридаги собиқ лифтсозлик заводи ҳудудида ташкил этилган янги саноат мажмуасида бўлиб, вилоятда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар билан танишди. Дастлаб энгил саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Шу ерда терини қайта ишлаш, чармпойабзал ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари «Ideal elektroluks» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маиший техника жиҳозлари, «Sino» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган музлаткич ва совуткичларни кўздан кечирди. Маҳсулотларга ташқи бозорда харидор топиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимизга 2018–2019 йилларда Самарқанд вилоятини комплекс ривожлантириш дастури доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини

ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Президентимиз жорий йилда хориждан келган сайёҳлар вилоят иқтисодиётига келтирган фойда бошқа қўплаб соҳалардагидан юқори эканини таъкидлади. Вилоятда туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш хорижий сайёҳлар оқимини қўпайтириш, иқтисодиёт тараққиётига янгича суръат бериши қайд этилди.

Шу ерда замонавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан туркиялик ишбилармонлар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Шу куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари 10 ноябрь куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасига ташриф буюрди.

Президентимиз Имом Бухорий мажмуаси, халқаро илмий-тадқиқот маркази ва ҳудудда жойлашадиган бошқа инфратузилма иншоотлари концепцияси билан танишди. Давлатимиз раҳбари марказ концепциясида зиёратчиларга қулайликлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Келажакда ушбу марказ муқаддас динимизни, аждодларимизнинг ҳадисшунослик ривожига қўшган беназир ҳиссасини тарғиб қиладиган маскан бўлиши лозим.

Давлатимиз раҳбари марказ қурилишини замонавий ва миллий меъморлик анъаналарини уйғунлаштирган ҳолда амалга ошириш,

бунёдкорлик ишларида сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиш, худудда зиёрат туризмини кенг йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга тавсиялар берди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

10 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилаётган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро анжуманда иштирок этган Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Еврокомиссия вице-президенти Федерика Могерини, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зариф ва Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчи билан икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Учрашувда Европа билан кенг қамровли алоқаларни кенгайтириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётгани қайд этилди. Европа Иттифоқи билан шерикликни инвестиция, савдо, молиявий-техникавий ҳамкорлик, таълим ва бошқа қатор йўналишларда илғор тажриба ва технологиялар алмашиш соҳасидаги амалий мазмун билан бойитиш томонлар учун манфаатли эканига эътибор қаратилди. Халқаро ва минтақавий, хусусан, Марказий Осиёда сиёсий ишончни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

10 ноябрь. Самарқанд шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда чоп этилди.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида геология-қидирув ишлари самарадорлигини ошириш, минерал-хомашё ва қимматбаҳо металллар ресурс базаси ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда геология соҳасининг буғунги ҳолати танқидий таҳлил қилинди. Ер қаъридан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш ва кончилиқни бошқаришда аниқ механизм мавжуд эмаслиги, бу соҳага етарлича эътибор берилмагани кўрсатиб ўтилди. Бу соҳада илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг бутунлай янги тузилмаси ва йўналишларини ишлаб чиқиш, салоҳиятини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳадаги йирик муассасалар — Навоий кон-металлургия комбинати ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар ижросига ҳам эътибор қаратилди.

«Ёшлик-1» ва «Ёшлик-2» конларини ўзлаштиришни янада тезлаштириш бўйича тавсиялар берилди.

Соҳани замонавий мутахассислар билан таъминлаш учун Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузурида ихтисослашган олий таълим муассасаси ташкил этиш, унда илмий изланишларга катта аҳамият қаратиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва таълим тизими ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

* * *

15 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Соҳада амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари айрим ҳудудларда жиноятларни сезиларли камайтиришга эришилмагани, баъзи жиноят турлари ошгани каби камчиликларни кескин танқид қилди. Қатор маҳаллаларда профилактик тадбирларнинг самарадорлиги етарли даражада таъминланмагани, ҳуқуқ-тартибот идораларининг жамоатчилик билан ҳамкорлиги талаб даражасида йўлга қўйилмагани, бу эса айрим турдаги оғир жиноятлар содир этилишига сабаб бўлгани

аниқ рақам ва мисоллар асосида таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, туманлар бўйича жиноятларнинг олдини олиш борасида алоҳида чоратадбирларни ўз ичига олган «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш юзасидан кўрсатма берилди.

Мажлисида ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Йиғилишда жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омиллардан бири бўлган ишсизликни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

16 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз истиқомат қилаётганининг 80 йиллигига бағишланган тантанали маросим иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Сергели туманида қуриб битказилган янги уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари билан танишди.

Президентимиз янги хонадонларда бўлди. Яратилган шароитлар билан танишди, уй соҳиблари билан суҳбатлашди. Уларни янги хонадон билан табриклаб, совғалар тақдим қилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда жойлашган 50-шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари билан 15 ноябрь куни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси қуйи поғонада қандай аксини топаётгани юзасидан мулоқот қилди.

Мазкур массивда хусусий уй-жойларга хизмат кўрсатувчи профессионал бошқарув компанияси иш бошлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга мазкур хизмат кўрсатиш маркази фаолияти ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари янги барпо этилган замонавий сузиш хавзасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари 61-оилавий поликлиника фаолияти билан танишди. Поликлиникадаги асосий янгиликлардан бири — бу беморларни навбатга ёзиш бўйича электрон тизим жорий қилинганидир. Президентимиз ушбу тизимни 61-оилавий поликлиника мисолида намунавий қилиб пойтахтимиздаги барча бирламчи тиббиёт муассасаларига жорий этиш юзасидан топшириқлар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари 18-мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди. Шу ерда давлатимиз раҳбари Сергели тумани фаоллари, нурунийлар, ёшлар, жамоатчилик ва

киллари, янги уй соҳиблари билан учрашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи доирасида Сергели туманида амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

* * *

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бозорларни қиш-баҳор мавсумида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларни қайта ишлаш қўламини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хўл мева-сабзавотлар экспортини кенгайтириш, шунингдек, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини шакллантириш вазифалари ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги махсулотларини такрорий экиш хажмини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, хўл мева-сабзавот экспортини кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлар етарлича ишга солинмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жинойтчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунида ўтказилган тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги сезилмаётгани, айрим ҳудудларда аҳоли билан манзилли профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмагани оқибатида олдини олиш мумкин бўлган жинойтлар содир этилаётгани таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишда идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан зарур топшириқлар берди.

Президентимиз жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир маҳаллани жинойтчиликдан холи ҳудудга айлантириш лозимлигини таъкидлаб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигини қайд этди.

* * *

22 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

* * *

22–24 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 23 ноябрь куни бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев дастлаб Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес-форумида қатнашди.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланаётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун замонавий шароит ва имкониятлар яратилганини қайд этди.

Шу ерда Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги бир йиллик фаолияти ҳақида корейс тилида чоп этилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев» номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди. 50 минг нусхада чоп этилган китоб 8 бўлим, 320 саҳифадан иборат.

Давлатимиз раҳбари Корея Республикаси мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки қўйилган Миллий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилди. Ватанпарвар инсонлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гулчамбар қўйди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Корея Республикаси Президентининг «Чонг ва дэ» («Мовий сарой») қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин ўртасида ўтказилган тор доирадаги музокарада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган устувор йўналишлари, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Президентлар икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Корея Республикаси Инсон ресурсларини бошқариш вазирлиги ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, икки мамлакат Адлия вазирликлари ўртасида Ҳамкорлик меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари ўртасида Ўзбекистонда Миллий электрон савдо платформасини жорий қилиш бўйича ҳамкорлик битими, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум, икки давлат Ташқи ишлар

вазирликлари ўртасида 2018—2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги билан Корея Стратегия ва молия вазирлиги ўртасида Билимлар алмашинув дастури бўйича Англашув меморандуми, 2018—2020 йилларда Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси кредитлари бўйича ҳукуматлараро ҳадли келишув ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди билан Корея Республикаси экспорт-импорт банки ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида келишув каби олтмишдан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларида ортиқ 60 дан зиёд ҳужжат имзоланди. Шундан 4,5 миллиард доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Давлатимиз раҳбари 24 ноябрь куни БМТ собиқ Бош қотиби, Халқаро Олимпия қўмитасининг этика комиссияси раиси Пан Ги Мунни қабул қилди. Пан Ги Мун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифини юқори баҳолаб, икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлик алоқалари ривожидан янги босқични бошлаб берганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Спикери Чон Сэ Гюн билан учрашди.

Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси пойтахти мэриясига ташриф буюрди. Президентимизни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун кутиб олди. Шавкат Мирзиёев фахрий меҳмонлар китобига ўзининг тилаklarини ёзиб қолдирди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳрининг фахрий фуқароси унвонини беришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани, икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатлари янада мустаҳкамланишида Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи муҳим аҳамият касб этаётганини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари халқларимиз ўртасидаги дўстлик рамзи сифатида Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Сеул номи бериш таклифини билдирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевга Сеул шаҳри фахрий фуқароси унвони тантанали равишда топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Бош вазири Ли Нак Ён билан учрашди. Суҳбат чоғида эришилган мазкур келишувларни амалиётга изчил татбиқ этиш, янги истиқболли лойиҳалар бўйича ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ҳамроҳлигида Сеул шаҳридаги Жанубий Корея Миллий музейи-

га ташриф буюрди. Маданий-гуманитар соҳаларда давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан келишиб олинди.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбатда томонлар Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг муҳим масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлган жорий йил аниқ амалий мазмунга бой бўлгани ҳамда икки томонлама муносабатларни сезиларли даражада мустаҳкамлаш, янги, сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш имконини берганини, ҳамкорлик бўйича режалаштирилган, аввало, иқтисодиёт соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида биргаликда янада фаол ҳаракат қилиш муҳимлигини таъкидладилар. Томонлар ташқи сиёсат ва етакчи халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик амалга оширилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси собиқ раҳбари Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбатда якунига етаётган

Йил икки томонлама муносабатларда тўпланиб қолган кўплаб, жумладан, анча мураккаб масалаларни ҳал қилишда қатта натижаларга эришиш имконини берган ҳамкорликни янги даражага олиб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлгани таъкидланди.

Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланганининг тарихий аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Сухбат якунида икки мамлакат ташқи сиёсатида изчилликни сақлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислон Абдуганиевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

28 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, департаментлар мудирилари, вазирлар, қўмита ва компаниялар раисларининг шахсий масъулиятини кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев ўз сўзида кун тартибидаги масалага чуқур таҳлил

асосида танқидий ёндашиб, аксарият раҳбарлар томонидан тартиб-интизом ва масъулиятнинг бўшаштириб юборилгани, улар ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил эта олмаётгани, хизмат вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлаётгани каби ҳолатлар умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Йиғилишда иқтисодий соҳа ва тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жумладан, қатъий пул-валюта сиёсатини юритиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини кучайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, замонавий саноат корхоналари барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, самарали солиқ сиёсатини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, давлат статистикаси тизимини такомиллаштириш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият ва санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари билан боғлиқ вазифаларга эътибор қаратди.

Йиғилишда Президентимиз жорий йилда амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил қилиш асосида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларнинг такрорланмаслиги учун барча зарур чораларни кўриш, айти пайтда 2018 йилнинг биринчи чорагида бажариладиган аниқ вази-

фалар бўйича тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

* * *

29 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида архитектура ва қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари юзасидан Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раҳбарларининг хисоботи эшитилди.

Йиғилишда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимининг фаолияти таҳлил қилинди ва ислохотларни амалга ошириш суғ олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан лойиҳа институтлари фаолияти яхши йўлга қўйилмагани, бу борада илғор чет эл тажрибаси жорий этилмаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда шаҳарлардаги кўп-каватли арзон уйлар ва қишлоқ жойлардаги намунали уйларни сифатли қуриш ва муддатида топшириш, одамларнинг бу уйларга кўчиб киришини ташкил этиш иш-

ларини жадаллаштириш вазифаси юклатилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон – Россия: стратегик шерикликнинг 25 йили» мавзuidaги тарихий-хужжатли кўргазма ташкилотчилари ва иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

1 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Нурсултон Назарбоевни Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти куни билан самимий табриклади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини ҳам муҳокама қилдилар. Якунига етаётган йилда мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлари салмоқли даражада кенгайгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик алоҳида масалалар ҳамда янги 2018 йилга мўлжалланган икки ва кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

1 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Чорвоқ» эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

4–6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташрифнинг асосий тадбирлари «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Ашраф Ғанининг тор доирадаги учрашуви бўлди.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб мавзулари кўриб чиқилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар, хусусан, терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашиш, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Икки давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда расмий делегациялар аъзолари, вазирлик ва йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Музокараларда савдо-иқтисодиёт, транспорт, транзит, энергетика, кимё, агросаноат, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Музокарада маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг Қўшма баёноти имзоланди. Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 16 ҳужжат имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда бўлиб ўтган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводига ташриф буюрди. Афғонистон делегацияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги техникалари, маиший ускуналар ва бошқа саноат маҳсулотлари билан танишди. Тадбирда самимий дўстлик муносабатларининг ифодаси сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 25 дона «Isuzu» русумли автобус ва «New Holland» маркали 3 та трактор Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан биродар Афғонистонга ҳадя этилгани эълон қилинди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 6 декабрь куни Бухорода бўлди. Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашиб, уларнинг ҳузурида маъруза қилди.

Мухаммад Ашраф Фанига Бухоро давлат университети фахрий доктори унвони берилгани тўғрисида диплом топширилди.

Афғонистон раҳбари университетнинг Фахрий меҳмонлар китоби-га дастхат ёзиб қолдирди.

Меҳмонлар Арк қалъаси, Пойи Калон мажмуаси таркибига кирадиган Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ҳамда шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойлари билан танишди. Афғонистон делегацияси аъзолари буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасида ҳам бўлиб, Нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси қабрини зиёрат қилди.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Навоий» халқаро интермодал логистика маркази фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

2008 йили Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро интермодал логистика маркази ташкил қилиниб, Ўзбекистон транспорт-транзит салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда «Навоий» эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорларга етказиш йўлга қўйилган эди. Ишни ташкил қилишга муносабатнинг қанчалар аянчли ҳолда бўлганини шундан ҳам билса бўладикки, ҳозирги кунгача «Навоий» логистика маркази объектларини фойдаланишга топшириш бўйича давлат қабули амалга оширилмаган, деб қайд этди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари авиаташувларнинг тариф сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига тегишли ташкилотлар билан биргаликда амалдаги тарифларни қайта кўриб чиқиб, оптимал тарзда пасайтириш, логистика марказлари тажрибасини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш вазифаси юкланди.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда фидойилик кўрсатган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларни юксак унвонлар, орден ва медалларга сазовор бўлгани муносабати билан самимий қутлади. Улар орқали барча ватандошла-

римизни Конституциямиз қабул қилинганининг 25 йиллиги билан муборакбод этди.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маъруза қилди.

Ушбу маъруза «Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 декабрь. Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Анжуманда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

У «Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга қўтариш — асосий вазифамиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон ўртасида Туркия томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари жорий йил октябрь ойида Туркия Республикасига олий даражадаги ташриф якунлари бўйича эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Савдо-иқтисодий, технологик, молия-сармоявий, транспорт, туризм ва маданият соҳаларидаги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро самарали алоқаларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди. Президентлар, шунингдек, Истанбул шаҳрида бўлиб ўтадиган Ислоом ҳамкорлик ташкилотининг навбатдан ташқари саммити кун тартибидаги масалалар, жумладан, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг бошқа долзарб масалалари бўйича фикр алмашдилар.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизimini тубдан ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз тиббиёт соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимидаги муаммо ва камчи-

ликларни ҳудудлар кесимида таҳлил қилиб, жойлардаги тиббиёт муассасаларининг кадрлар таъминоти ва салоҳияти етарли эмаслиги, яъни бугунги кунда мамлакатимизда 11 мингдан зиёд шифокор етишмаслиги сабабли янгидан ташкил этилаётган тиббиёт муассасалари томонидан аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсата олинмаётгани, бунинг сабаблари, оқибат ва ечимларига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси заифлиги, қишлоқ оилавий поликлиникаларида зарур бўлган тез тиббий ёрдам шохобчалари ва дорихоналар ташкил этилмагани, хусусий тиббиёт тизимини ривожлантиришда тадбиркорлар ишига тўсиқ бўлаётган раҳбарлар фаолияти танқид қилинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2018 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилиши лозим бўлган қатор стратегик вазифалар белгилаб берилди.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ер ресурсла-

ри, геодезия ва кадастр соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раҳбарларининг соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси раҳбариятида ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри соҳасида муносабатларни комплекс тартибга солиш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, таъсирчан назоратни таъминлашда ташаббус етишмаётгани қаттиқ танқид қилинди. Шунингдек, соҳада ҳал этилиши талаб қилинаётган кўплаб муаммолар борлиги қайд этилди.

Ер ва мулкни рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш зарурлигига йиғилишда алоҳида урғу берилди.

* * *

13–14 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташриф доирасидаги асосий тадбирлар «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари тор доирада музокара ўтказдилар.

Президентлар ушбу ташриф савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар ҳам-

корликни ривожлантириш, давлат чегараларини делимитация қилиш, янги ўтказиш пунктлари очиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини муҳокама қилиш учун яхши имконият эканини таъкидладилар. Томонлар ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Сооранбай Жээнбеков музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда асосий эътибор Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, банк-молия, фан-техника, маданий-гуманитар ва ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди. Қирғизистон ҳудудида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси, энгил автомобиллари, автобуслари, махсус прицеплари ва маиший буюмларини йиғишни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда қурилиш материаллари ва тўқимачилик саноатида қўшма корхоналар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Сооранбай Жээнбеков Қўшма баёнотни имзоладилар. Бу ҳужжатда сиёсий, савдо-иқтисодий, сув-энергетика, маданий-гуманитар, транспорт ва коммуникация, ҳудудлараро ҳамкорлик соҳаларидаги

давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ўз ифодасини топган.

Икки мамлакат ҳукуматлари вакиллари молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда 2018—2021 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги дастурни имзолади.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар ўзаро англашув, очиқ ва самимий руҳда ўтгани, эришилган келишувлар халқларимиз манфаатига хизмат қилишини таъкидладилар.

Маълумки, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистоннинг «Данакер» ордени билан мукофотланган эди. Юксак давлат мукофотларидан бўлган ушбу орден халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, миллатлараро тотувликни асраш, илм-фанни ривожлантириш, миллий маданиятларни яқинлаштириш ва бойитишга катта ҳисса қўшган инсонларга берилади. Қўқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков «Данакер» орденини тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Сооранбай Жээнбеков 14 декабрь

куни «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмаси билан танишдилар.

Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунлари бўйича савдо ва кооперация соҳасида умумий қиймати қарийб 140 миллион АҚШ доллари бўлган битим ва шартномалар имзоланди. Шу билан Қирғизистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунига етди.

* * *

14 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Ислоҳ академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15–16 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди ва уни Чимбой туманидаги 8-мактабгача таълим муассасасидан бошлади.

Президентимиз Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Чимбой туманидаги академик лицейига ташриф буюрди. Шу ерда фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган юқори

сифатли препаратлар билан тўлдириш борасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдим этилди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасида фармацевтика плантацияларини ташкил этиш ва етиштириш лойиҳаси билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари Чимбой тумани фаоллари, зиёлилар билан учрашди.

Шавкат Мирзиёев Тахиатош туманига ташриф буюрди. Бу ерда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш бўйича 2017 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Шу ерда «Ўзқурилишматериаллари» ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятлари томонидан амалга ошириладиган ишлар, Оролбўйи аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган режалар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Хўжайли туманидаги барпо этилаётган замонавий логистика марказида бўлди. Шу ерда Қорақалпоғистонда озиқ-овқат саноати соҳасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўйича дастурлар, 2018 йили Қорақалпоғистонда томорқалардан самарали фойдаланиш дастури лойиҳаси ҳам тақдим этилди.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида мелиорация ва ирригация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари ва фаоллари билан учрашув ўтказди. Унда шу кунгача бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, барча соҳаларни ривожлантириш бўйича келгуси икки йилда амалга ошириладиган устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари 16 декабрь кунини Нукус шаҳрида барпо этилган Ибройим Юсупов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари мактабда ўқитувчи ва ўқувчилар, қорақалпоғистонлик адиблар билан учрашди.

Президентимиз мактаб-интернатда яратилган шароитларни кўздан кечириб, мактаб жамоасига автобус совға қилди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрида иш бошлаган «Samsung» заводини бориб кўрди. Ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди, маҳсулотлар сифати ва кўлами билан қизиқди.

Президентимизга «Ўзэлтехсаноат» АК томонидан келгусида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилиши режалаштирилган янги лойиҳалар тақдим қилинди.

Давлатимиз раҳбари Нукусда янгидан қурилган Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган олий спорт маҳорати мактаби фаолияти билан танишди. Президентимиз ёш спортчилар билан мулоқот қилди.

Шу ерда Президентимиз номидан оғир атлетика бўйича нуфузли турнирлар совриндори Рустам Жангабоевга уй, дзюдочи Элёр Машариповга «Malibu» автомобили, қиличбозлик бўйича халқаро тур-

нирлар совриндори Зайнаб Дайибековага «Nexia» машинаси берилди. Ёш спортчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Президентимиз Нукус шаҳридаги Имом эшон Муҳаммад жоме масжидида яратилган шароитлар билан танишди. Бу ерда нурунийлар ва имом-хатиблар билан суҳбатлашди. Буюк аждодларимиз ҳаёти ва маънавий меросини чуқур ўрганиш учун барча шароитни яратамиз, аҳоли зиёрат қилиб, чинакам маънавий озуқа оладиган бундай маънавий-маърифий масканларни янада обод қилиб, келажак авлодлар учун сақлашимиз керак, деди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф буюрган Туркия хамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) президенти Сердар Чамни қабул қилди.

Учрашувда ТИКАнинг мамлакатимиздаги фаолиятини янада кенгайтириш ва янги босқичга олиб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Бу борада «йўл харитаси»ни қисқа муддатда ишлаб чиқиб, уни амал-

га оширишга киришиш муҳимлиги, шу муносабат билан, иқтисодий, маданий, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, туризм ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа қатор соҳаларда амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар ҳажмини бир неча баробар кўпайтириш бўйича келишиб олинди.

* * *

19 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларни таҳлил қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда тизимда амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Президентимиз мактабгача таълим тизимидаги ҳолатни ҳудудлар бўйича таҳлил қилиб, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликларга тўхталди. Шунингдек, кўпгина маҳаллий ҳокимликлар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун зарур шароит яратилмагани, боғча бинолари бўмбўш тургани, улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмаганига алоҳида эътибор қаратилиб, мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида 2018 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилиши лозим бўлган қатор стратегик вазифалар белгилаб берилди.

* * *

19 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев билан Америка Қўшма

Штатлари Президенти Дональд Трамп ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди. Икки давлат раҳбарлари кўпқиррали Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар.

Мулоқотда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

АҚШ Президенти Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва кооперацияни фаоллаштиришга қаратилган, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган очиқ ва конструктив ташқи сиёсати ва фаол савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг истиқболли режаларини биргаликда кўриб чиқиш мақсадида Президент Дональд Трамп мамлакатимиз раҳбарига АҚШга расмий ташриф билан боришни таклиф этди.

* * *

20 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган ХХР Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Чан Ваньцюанни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

* * *

20 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенгеши спикери Достонбек Жумабековни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қирғизистон Ўзбекистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликка тайёр экани таъкидланди.

* * *

22 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома йўллади. Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва

идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари иштирок этди. Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилга юртимизда **«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»** деб ном беришни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матбуотда эълон қилинди.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент шаҳридаги бир қатор ижтимоий объектларга ташриф буюрди. Президентимиз дастлаб Адиблар хиёбонида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг замонавий биноси билан танишди, шоир ва ёзувчилар билан мулоқот қилди.

Биз доимо зиёлиларни, ижодкорларни қўллаб-қувватлашимиз керак, деди Шавкат Мирзиёев. Улар яратган ибратли асарларни, шеърларни ёшларимиз қанча кўп ўқиса, маънавияти, маърифати юксалади, демакки, ватанпарвар бўлади. Ватанпарварлар қанча кўп бўлса, мамлакатимиз ҳам шунча тез раванқ топади.

Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ташриф буюрди. Ташриф доира-

сида мазкур университет бинолари фойдаланишга топширилди.

Президентимиз университетда яратилган шароитларни кўздан кечирди. Ўқитувчи ва талабалар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий асарларининг мультимедиавий луғатини яратиб, халқимизга етказиш, илмий изланишларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбек тилининг халқаро нуфузини ошириш, ўзбек адабиёти намуналарини чет тилларга таржима қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари университет ўқитувчиларининг уй-жойи ва ижтимоий шароитлари билан ҳам қизиқди. Улар учун Тошкент шаҳридан 20 та квартира ажратиш бўйича топшириқ берди.

Президентимиз пойтахтимизнинг Алишер Навоий, Олмазор, Ислон Каримов ва Фурқат кўчалари оралиғида бунёд этилаётган «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик марказининг такомиллаштирилган лойиҳаси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев қурилишга жалб қилинган инвесторлар билан суҳбатлашди. Уларнинг фикрлари ва ташаббуслари билан қизиқди. Президентимиз «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик марказида қурилаётган бино ва иншоотларнинг дизайн жиҳатидан бир-бирига уйғун бўлиши кераклигини таъкидлади.

* * *

24 декабрь. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман кенгашларига сайлов бўлиб ўтди. Президентимиз

Шавкат Мирзиёев Мирзо Уллубек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз бериш жараёнида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Бу борада Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Эндиликда Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам ўзлари сайлаган вакиллари орқали туманларни бошқаришда иштирок этади.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2018—2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маданият ва санъат соҳасидаги долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Бадий академия ва ижодий ташкилотлар раҳбарларининг ҳисobotлари тингланди. Уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилиб, бу борадаги ишларни фаоллаштириш ва янги босқичга кўтариш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда мамлакатимиз театрларининг халқимизга, жумладан, чекка туман, маҳалла ва қишлоқлар аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш даражаси бугунги кун талабига жа-

воб бермаслиги алоҳида таъкидланди.

Маданият вазирлиги томонидан келгуси йил амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор муҳим вазифалар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг аниқ муддатлари белгиланди.

Мажлисида Бадиий академия фаолиятини янада яхшилаш борасида 2018 йилда амалга ошириладиган ишлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2017 йил якуни бўйича прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш, миллий маҳсулотлар экспорти географиясини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ташқи бозорларга йўналтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тегишли мутасаддиларга мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, экспорт географияси ва номенклатурасини кенгайтириш, экспортчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига жалб қилиш юзасидан аниқ топшириқлар берди.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Москва шаҳрида бўлиб

ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, товар айирбошлаш ҳажми сезиларли ошганини таъкидлади. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик аъзо давлатларни узвий боғлаб туриши, ушбу учрашув алоқаларга янги суръат бағишлашини қайд этди.

Учрашувда Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақага таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш масалаларига эътибор қаратилди ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

27 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли адабиётшунос ва таржимон Иброҳим Ғафуровнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан табрик йўллади.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Келажак бунёдкори» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хорватия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа

Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2017 йил 17 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг Авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2018 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кимё саноати корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолати ва соҳани ривожлан-

тириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда тармоқда узоқ йиллар давомида сақланиб келган тизимли муаммолар ханузгача ўз ечимини топмагани, минерал ўғит ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари офир молиявий аҳволга тушиб қолгани, қишлоқ хўжалигини молиялаштиришга умуман эътибор берилмагани ёки масалага юзаки ёндашилгани ушбу соҳадаги ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида нуқсонлар юзага келишига сабаб бўлаётгани танқид қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ ва бюджет сийсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида миллий кино санъати ва киноиндустриямизни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз соҳа олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб, кино санъатининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, иқтидорли ёш режиссёр, актёр, оператор ва рассомларнинг дунёдаги етакчи

киностудиялар, маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларида тажриба ва малака оширишни ташкил этиш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш ва уни тизимли равишда йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Мажлисида кино санъатимиз, киноиндустриямизнинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлаш, бунинг учун етук профессионал режиссёрлар, кинодраматурглар, актёрлар, рассомлар, операторлар тайёрлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва

мухбир аъзолари фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жаҳон чемпионатида юқори натижага эришган спортчиларни тақдирлаш тўғрисида»ги фармойишни имзолади.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини қириб келаётган янги – 2018 йил билан табриклади.

2018 йил

1 январь. Ўзбекистон Республикаси ва Чехия Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлгани муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини кутладилар.

* * *

3 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Вазирлар Маҳкамаси комплекслари фаолиятини таҳлил қилиш ва янги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз кун тартибидаги масалага танқидий ёндашиб, аксарият ташкилотлар ўз фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил эта олмаётгани, қабул қилинган қарор ва дастурларни бажаришда сусткашликка йўл қўяётганини таъкидлади.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилди. Амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

* * *

3 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллий антидопинг агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 январь. Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб, Зангиота туманидаги «Highway Logistics» логистика марказига ташриф буюрди.

Шу ернинг ўзида Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018—2019 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш дастурлари тақдимоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Зангиота мажмуасини зиёрат қилди. Ўтганлар хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгийўл шаҳридаги «Файзли» маҳалла фуқаролар йиғинида бўл-

ди. Шу ерда Янгийўл шахрининг бош режаси лойиҳаси, шахардаги кўпқаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз «Файзли» маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Анвар Тошевнинг хонадонида бўлди. Бугунги кунда ушбу маҳаллада 4 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шавкат Мирзиёев маҳалла аҳли билан мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев Янгийўл тумани тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишди. Беморларнинг аҳволи, турмуш шароити билан қизиқди, улар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари шифохонанинг кардиология бўлимида даволанаётган Зулайхо Алиева билан суҳбатлашди, унинг турмуш шароити, оиласидаги аҳвол билан қизиқди. Президентимизнинг топшириғига биноан шу куннинг ўзида З. Алиева пойтахтимиздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология марказига даволанишга юборилди. Шунингдек, кам таъминланган ушбу оилага уч хонали янги уй ажратилди.

Президентимиз Қуйи Чирчиқ туманидаги собиқ «Каноп» заводи худудида бўлиб, қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларини кўздан кечирди, аграр соҳани ривожлантириш бўйича лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Бўка туманларида ташкил эти-

ладиган пахта-тўқимачилик кластерлари лойиҳалари билан танишди. Бу ерда, Тошкент вилоятида амалга ошириладиган чорвачилик, паррандачилик, балиқчиликни янада ривожлантириш, каноп етиштириш, шolini қайта ишлаш, спорт ва хизмат отлари учун карантин ҳамда ветеринария хизмати кўрсатиш бўйича ҳамда от заводи мажмуаси, иссиқхоналар ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Оққўрғон қурилиш ва коммунал хўжалиги коллежи биносида ёшларни касбга тайёрлаш ва миграция марказини ташкил этиш, «Жамоатчилик маркази», «Оққўрғон савдо маркази» каби лойиҳалар кўриб чиқилди.

Туман марказини замонавий шахарсозлик андозалари асосида қайта қуриш, эски бозорни янги жойга кўчириш ва унинг ўрнида кўркам боғ барпо этишга қаратилган лойиҳалар, шунингдек, шахарнинг Бош режаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

* * *

8 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда мазкур соҳада эришилган натижалар алоҳида қайд этилар экан, 2018 йилда ва яқин истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар ҳақида сўз борди.

Мажлисида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва бунинг учун миллий кадрлар тайёрлаш ишлари ҳали талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Мутасаддиларга дунёнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги йирик корпорациялари билан рақобатлаша оладиган миллий оператор ва дастурчиларимиз фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

* * *

10 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмга ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбийлар учун яратилган шароитлар, жанговар тайёргарликда фойдаланиладиган моддий воситалар, ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечак

таъминоти билан танишди, улар билан суҳбатда бўлди.

Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини ривожлантириш дастури билан танишди. Давлатимиз раҳбари лойиҳа доирасида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари намуналари билан танишди.

Президентимиз «Ўзбеккимёмаш заводи» акциядорлик жамиятида янги қуюв цехи ва йирик ҳажмли ускуналарни ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Сўнгра ушбу корхона ва Чирчиқ трансформатор заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Маҳсулот турлари ва экспорт кўламини кенгайтиришда бундай янги қувватлар муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шу ерда Чирчиқ шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳалар тақдмоти ўтказилди. Президентимизга Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтлари биноларини реконструкция қилиш, янги ўқув бинолари, спорт иншоотлари, талабалар турар-жойлари қуриш, Тошкент – Қибрай – Чирчиқ – Ғазалкент ва Чирчиқ – Ғазалкент автомобиль йўлларида тирбандликни камайтириш, Пском ГЭСи ва тўғонини барпо этиш, Чорвоқ ГЭСи хавфсизлигини ошириш лойиҳалари ҳам тақдим этилди. Лойиҳалар самарадорлигини ошириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Заводнинг фаоллар залида ишчи-мутахассислар, Чирчиқ шаҳри

жамоатчилиги вакиллари, нурунийлар, ёшлар билан ўтказилган учрашувда шаҳарда амалга оширилаётган ўзгаришлар моҳияти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ёшларга пухта таълим-тарбия бериш масалалари хусусида сўз юритилди.

Шавкат Мирзиёев шу куни пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар академиясига ташриф буюрди. Президентимиз академияда яратилган шароитлар билан танишди. Ўқув хоналари, музей, ошхона, курсантлар ётоқхоналарида бўлиб, уларнинг таълим олиши, ҳарбий машғулотлар жараёнини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари тингловчилар ва курсантлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Қуролли Кучлар академиясининг ситуацион марказида бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолияти таҳлиliga бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони вакиллари, ҳукумат аъзолари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, вилоятлар ҳокимлари, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар раҳбар ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ташқи ишлар вазирлиги, унинг муассасалари, мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг 2017 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, 2018 йил ва яқин истиқболдаги устувор вазифалари белгилаб олинди. Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлардаги элчилар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш, вазирлик ва унга қарашли муассасалар ташкилий-штат тузилмасини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурлигига эътибор қаратди.

Йиғилишда, шунингдек, дипломат кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида истиқболли, профессионал ёш кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

12 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «Туркистон» саройида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Куч-

лар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

* * *

13 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қурулли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

16 январь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини яқунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзени қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой элчисининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссасини инobatга олиб, Сунь Лицзегга Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти — «Дўстлик» орденини топширди.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўл-

ган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислom Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислom Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тадбирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштириш бўйича жорий этилган янги тартиб асосида ишларни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари юқори иқтисодий ўсишга эришиш ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашда инвестицияларнинг муҳимлигини қайд этар экан, шу пайтгача бу борадаги ишлар пала-партиш бажариб келинганини танқид қилди ҳамда бу борадаги ишларни уч босқичда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини иқтисодий, молиявий ва технологик асосланган ҳолда ишлаб чиқишда лойиҳа институтларининг ўрнига жиддий эътибор қаратилди.

Лойиҳалаштириш ишларини такомиллаштириш, янги лойиҳа институтларини ташкил этиш, қурилиш-лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертиза қилишнинг мутлақо янгича механизмини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Мажлисда бюджет ва инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш, молиялаштириш базасини кенгайтириш, солиқ имтиёзлари тизимини такомиллаштириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди ҳамда мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

* * *

18 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки бош ижрочи директори Кристалина Георгиева бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Ушбу нуфузли халқаро молиявий институт делегацияси таркибига Жаҳон банкининг вице-президенти Сирил Мюллер, минтақавий директори Лилия Бурунчук, ижрочи директори Вернер Грубер ҳамда банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори ҳам киритилган.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган шериклик изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар страте-

гиясига мувофиқ мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида шерикликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Жаҳон банкининг узоқ муддатли молиявий ресурсларини жалб этган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш, уларни самарали амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

18 январь. Қозоғистоннинг Оқтўба вилояти Иргиз туманида автобусда ёнғин содир бўлиши оқибатида 52 нафар Ўзбекистон фуқароси ҳалок бўлган ва 5 киши жабрланган.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида махсус Ҳукумат комиссияси ташкил этилди.

Комиссия аъзолари белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун 2018 йил 18 январь куни махсус самолётда Тошкентдан Қозоғистоннинг Оқтўба шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

19 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёғ-мой тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19–20 январь. Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, аввал белги-

ланган вазифалар ижроси билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев дастлаб Термиз туманидаги «Inter Silk Pro» қўшма корхонасига қарашли пиллахона билан танишди.

Шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иссиқхоналар, анорзорлар, ёнғоқзорлар, интенсив боғ ва токзорлар, коврак ва писта плантациялари, балиқчилик ва паррандачилик комплекслари ташкил этиш, ер ўлчашда дронлардан фойдаланиш каби лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёев «ASG Group» корхоналар уюшмасига қарашли «Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт» масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

«Ангор Сурхон ғурури» томонидан тўқимачилик кластери ташкил этиш лойиҳаси ҳам тақдим этилди. Шу ерда Термиз шаҳри бош режаси асосида кўп қаватли уйлар, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Оталар чойхонаси, масжид қуриш, «Хўжаипок» туманлараро ичимлик суви ишлаб чиқариш, замонавий канализация тармоқлари ётқизиш, вилоятда кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш, уй-жой мулкдорлари фаолиятини такомиллаштириш, Денов шаҳрининг Шароф Рашидов номидаги кўчасини қайта қуриш, кўча атрофида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш лойиҳалари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Ангор туманидаги «Bio Techno Eco» масъ-

улияти чекланган жамиятининг маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди. Шу ерда вилоятда гидроэнергетика, кўмир саноати ва бошқа соҳаларни ривожлантириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Шеробод туманидаги «Euromed plus» хусусий диагностика ва даволаш маркази фаолияти билан танишди. Президентимиз мазкур шифо маскани билан пойтахтимиздаги «Akfa Medline» клиникаси ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев туманнинг Тароқли маҳалласида ҳам бўлиб, «Покиза» нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишди. Боғчада кичкинтойлар ва педагог-тарбиячилар учун яратилган шароит, тарбия жараёни қандай йўлга қўйилгани билан қизиқди.

Президентимиз Имом Исо Термизий мақбарасини зиёрат қилди. Ушбу қадамжо ёнида бунёд этилган масжидни кириб кўрди.

Қизириқ тумани марказида Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёш авлодни тарбиялаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифининг иккинчи куни Жануби-ғарбий махсус округига қарашли ҳарбий қисмда

бўлди. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида берилган вазифалар қандай бажарилаётгани билан танишди. Ҳарбийлар билан мулоқот қилди.

Учрашувда ҳарбийларнинг хизмат ва яшаш шароитини яхшилаш, уларнинг фарзандлари олий ўқув юргларида ўқиши учун имтиёзлар жорий этиш, уй-жой билан таъминлаш ишларини янада жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Термиз шаҳридаги 700 ўринли замонавий Санъат саройи ҳамда 3 минг ўринга мўлжалланган амфитеатрда 82 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари мазкур маданият масканига таниқли санъаткорларни таклиф этиб, ҳамкорликда маҳорат дарслари ўтказиш, «устоз-шогирд» анъанасини янада ривожлантириш, улуғ аждодларимиз ҳақида спектакллар саҳналаштириш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳида яратилган шароитлар билан ҳам танишди. Оромгоҳ таркибида умумтаълим мактаби барпо этилган. Мактаб негизда 125 ўринли 22-болалар мусиқа, санъат ва бахшичилик мактаби ҳам фаолият юритади. Ўқувчилар бу ерда бахшичилик ва ўзбек халқ чолғуларидан сабоқ олади. Дарс машғулотларини ўқитувчилар билан бирга, Ўзбекистон халқ бахшилари ҳам олиб боради.

Президентимиз мактабни кўздан кечирди, Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев ва Абдуназар Поёнов билан мулоқот қилди. «Мустақиллик бахшилари» китоби-

ни чиқариш, Сурхондарё вилоятидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида ҳам ушбу санъат турини ўқитиш юзасидан топшириқлар берди.

Шу ерда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари вилоят фаоллари билан учрашиб, уларнинг ўй-фикрлари билан қизиқди, ҳаётий таклифларини эшитди, мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда ҳал этиш юзасидан топшириқлар берди.

* * *

21 январь. Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

* * *

22 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Инни туғилган куни билан самимий қутлаб, унинг Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини алоҳида кайд этди.

Президент Мун Чжэ Ин Президентимиз Шавкат Мирзиёевга табрик ва эзгу тилақлар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Мулоқотда икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон – Жанубий Корея ҳамкорлигини янада кенгайтириш истиқболларини атрафлича муҳокама қилди, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашдилар. Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, илм-фан ютуқлари ва технологияларини Ўзбекистонда саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, иж-

тимоий секторни ривожлантиришга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги дўстлик, яқин қўшничилик ва ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни қатъий қўллаб-қувватлашини билдирдилар.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти тизимида геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари самарадорлиги, ёқилги материаллари билан ички эҳтиёжни таъминлашнинг аҳволи, тизимдаги истиқболли вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз тармоқда йиллар давомида кўплаб тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни танқидий таҳлил қилар экан, углеводород захираларини ошириш ва қазиб чиқаришни кўпайтириш борасидаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича зарур ҳужжатлар қабул қилиш ва белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

* * *

26 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқотда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб, жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни, келгусидаги турли даражадаги учрашув ва тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини қатъий таъкидладилар.

* * *

26 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Навоий конметаллургия комбинати томонидан 2026 йилгача қуриладиган янги ишлаб чиқариш қувватларини кафолатланган электр энергияси билан таъминлаш дастурини амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда комбинатдаги янги қувватларни электр энергияси билан таъминлашга қаратилган лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш борасидаги ишлар атрофида муҳокама этилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

* * *

27 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича 23 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида Осиё чемпионати ғолиблари — Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларига табрик йўллади.

* * *

28–29 январь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига келди. Президентимиз дастлаб Яккабоғ туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш ва кадоқлашга ихтисослашган «Дармон шарбати» корхонаси фаолияти билан танишди.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида 2018–2019 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмини ошириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Кейинги манзил Шахрисабз шаҳри бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб «Дор ут-тиловат» мажмуасини зиёрат қилди. Давлатимиз раҳбарининг бу ерда диний уламолар, меҳнат фахрийлари билан бўлган мулоқотида халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди.

Президент қарорига кўра, 2018 йилдан бошлаб Шахрисабз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш белгиланган. Президентимиз Шахрисабз шаҳрига ташрифи давомида Оқсарой майдонида мазкур анжуманни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишди. Халқаро мақом санъати анжуманининг илмий-ижодий концепцияси ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда мақом санъати усталари билан учрашиб, ушбу санъат тури истикболлари, халқаро мақом санъати анжумани-

ни юксак савияда ўтказиш ҳақида суҳбатлашди.

Ташриф доирасида Президентимиз Оқсарой майдонидаги «Коба» маданият мажмуасида вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди.

Қашқадарё вилояти бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва солиқ тўловчилар сони, йирик корхоналар томонидан бюджетга тўланадиган тўловлар, жорий йилги прогноз кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар навбатдаги тақдимотда намоён бўлиб этилди.

Давлатимиз раҳбари Шахрисабз шаҳрида давлат – хусусий шериклик асосида ташкил этилган «Вундеркинд» («Билимдон бола») хусусий мактабгача таълим муассасаси фаолияти билан танишди. Президентимиз бу ерда яратилган шароитни юксак баҳолади.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Қашқадарё вилоятида хусусий шериклик асосида ҳамда давлат томонидан қуриладиган мактабгача таълим муассасалари дастури тақдимоти билан танишди.

Шу куни Президентимиз раислигида Чироқчи тумани ҳокимлиги биносида Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятда бажарилган ишларни таҳлил қилиб, жорий йил ва яқин истикболда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб чора-тадбирларни белгилаб берди. Видеоалоқа орқали барча туманлар фаоллари билан ҳам мулоқот қилинди.

29 январь куни давлатимиз раҳбари Қарши туманидаги Абу Муин Насафий зиёратгоҳида олиб бори-

лаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Абу Муин Насафий калом илмининг буюк намояндаларидан бири бўлиб, Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимотининг дунёда кенг тарқалишига салмоқли хисса қўшган алломалардандир. Давлатимиз раҳбари уламолар билан суҳбатда буюк бобокалонимиз асарлари бугунги кун учун ҳам ғоят аҳамиятли экани, уларни қайта нашр этиб, мазмун-моҳиятини ёш авлодга етказиш зарурлигини таъкидлади. Президентимиз зиёратгоҳда сақланаётган қадимий Куръон нусхасини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Қарши туманидаги «Бахт» кўп тармоқли фермер хўжалигига ташриф буюриб, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий лойиҳалар билан танишди. Шу ерда вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аччиқ қалампир, коврак плантациялари ташкил этиш, чорвачилик, куркачилик мажмуалари, пистазор ва ёнғоқзорлар барпо этиш, сутни қайта ишлаш, асаларичилик лойиҳалари тақдимоги ҳам ўтказилди.

Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Хонобод ҳарбий аэродромида бўлди. Учувчилар билан суҳбатда мамлакатимизнинг янги Мудофаа доктринасининг мазмун-моҳияти, Ватан ҳимоячиларининг бурчи ва масъулияти ҳақида сўз борди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда барпо этилган Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернати фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев музей, ўқув хоналарида бўлди, мактаб ўқувчилари билан суҳбатлашди. Бир гуруҳ ўқувчиларга совғалар топширди.

Шавкат Мирзиёев Қарши тумани «Қоратеп» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Файзобод қишлоғида жойлашган «LT Textile International» хорижий корхонасида бўлиб, унинг фаолияти билан танишди, ишчи-ходимлар билан мулоқот қилди. Шу ерда Қашқадарё вилоятида тикув-тўқимачилик саноатини ривожлантириш дастури тақдим этилди. Хусусан, «LT Textile International» масъулияти чекланган жамиятини ривожлантиришнинг кейинги босқичлари доирасида амалга ошириладиган ишлар лойиҳаси, Қарши шаҳридаги «Sulton Tex Group» хусусий корхонасида енгил саноатни ривожлантириш бўйича режалаштирилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

* * *

29 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 январь. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланди.

Биринчи Президентимиз миллий тарихимизнинг ўта оғир даврларида раҳбарлик қилган Қашқадарё вило-

ятининг Қарши шаҳридаги вилоят ҳокимлиги биноси олдидаги бош майдонда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, фан ва маданият, адабиёт ва санъат намояндalари, Қашқадарё вилоятининг кенг жамоатчилиги вакиллари, талаба-ёшлар Ислом Каримов ҳайкали очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун йиғилди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очдилар. Ҳайкал пойига гул қўйилиб, ҳурмат бажо келтирилди.

* * *

Буюк давлат ва жамоат арбоби туғилиб ўсган Самарқанд шаҳрида ҳам Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари, юртимизнинг барча ҳудудларидан келган фаоллар, нурунийлар, ёшлар иштирок этди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Маросимдан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди.

* * *

31 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республи-

каси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнида прокуратура органлари томонидан қилинаётган ишлар ва улар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари прокуратура органлари олдида турган устувор вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчиларининг эътибори фаровон ҳаётимиз асоси бўлган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун шароитлар яратиш прокуратура органлари томонидан қафолатланиши зарурлигига қаратилди.

* * *

31 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг соҳада амалга оширилган ишлар таҳлили ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга бағишланган кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида ўтган даврда Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон суверенитетини, мустақиллигини ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш ҳамда ҳимоя қилиш ишларига салмоқли ҳисса қўшгани қайд этилди. Шу билан бирга, унинг айрим бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари фаолияти танқид қилинди. Идоралараро ҳамкорлик, тезкор ва қидирув тадбирларини ўтказиш, шунингдек, кадрлар билан ишлаш борасида йўл қўйилаётган

камчиликлар аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Миллий хавфсизлик хизматининг таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш кераклигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти МХХ ўқув юртларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларига ёш кадрларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакат қонунчилиги талабларига оғишмай риоя этиш, турли синовларга чидамли бўлиш, ўз устида мунтазам ишлаш ва профессионал маҳоратини узлуксиз ошириб боришга интилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишни қатъий вазифа қилиб қўйди.

Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг бўлинмалари фаолияти самардорлигини янада ошириш бўйича масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни таҳлил этиш, энг долзарб вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда соҳада ҳали ўз ечимини қутаётган масалалар ва қилинадиган ишлар жуда кўп экани таъкидланиб, тизим олдидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасига тегишли вазирликлар билан биргаликда шаҳарларда чиқинди йиғиш шохобчаларини тартибга солиш, қишлоқ аҳоли пунктларида санитар-гозалаш хизматларини ривож-

лантириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларини муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги ишлар замирида одамларнинг соғлиғи, турмуш фаровонлиги ётибди. Шу боис, бу масала билан ҳар бир туманда ва доимий шуғулланиш керак, деди давлатимиз раҳбари.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «2018—2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Кириш туризмни ри-

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда давлат томонидан барча имкониятлар яратилганига қарамасдан, бу борадаги ишларни ташкил этиш сушт кечаётгани, айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолаётгани танқид қилинди.

Президентимиз долзарб муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича истиқболдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

* * *

7 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар қўмиталари фаолияти кониқарсиз экани, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, эрта никоҳлар, ажрашишлар ва аёллар жинойтчилигининг олдини олишга етарлича эътибор берилмагани танқид қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳаётини муҳим манфаатларини таъминлаш, турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Йиғилишда соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

Истиқболдаги муҳим вазифалар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

* * *

7 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 февраль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Мулоқотда икки давлат раҳбарлари 2017 йил октябрь ойида Туркия Республикасига амалга оширилган олий даражадаги самарали ташриф кўпқиррали ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиққанини мамнуният билан қайд этдилар. Ушбу тарихий ташриф якунлари бўйича эришилган аниқ келишув ва имзоланган битимларнинг бажарилиши, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик, банк-молия, транспорт, туризм ва бошқа муҳим соҳалардаги йирик қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Мулоқотда халқаро ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

9 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шахрининг Абдулла Қодирӣ, Шароф Рашидов ва Лабзак кўчалари кесишган жойда «Наврўз» боғи барпо этилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ана шу боғ лойиҳасини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари боғ худудини ободонлаштириш, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш, Анхор бўйида қайиқлар бекати бунёд этиш, мажмуада аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган сахна асарлари намойиш этишни ташкиллаштириш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Шу ерда Ўзбекистон давлат консерваторияси худудида Мусиқа санъати профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш марказини бунёд этиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олмазор тумани Қичқирӣқ канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши режалаштирилган. Бу ерга келган Шавкат Мирзиёевга мазкур парк лойиҳаси юзасидан маълумот берилди.

Боғ билан танишув чоғида Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар кўламини кўздан кечирди.

Президент Шайхонтохур туманидаги Сузук ота ёдгорлик мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Президент масжидни миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этиш ва бу ерда зиёратчилар учун

кенг қулайликлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бизнес марказида юқори ва тежамкор технологияларга асосланган «High Tech City» шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди. Жанубий Кореянинг «Posco Daewoo» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилаётган мазкур лойиҳанинг қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк қурилиш трести» корхонаси томонидан бунёд этилаётган йўл ўтказгич қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор туманида барпо этилаётган янги масжидга ташриф буюрди. Президент ушбу масканга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини беришни таклиф этди.

Президент Сергели туманидаги кўпқаватли янги уй-жойлар қурилиши билан ҳам танишди.

* * *

13 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

13 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири, икки томонлама Хукуматлараро комиссия хамраиси Ким Донг Ённи қабул қилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг аҳволи, соҳадаги ишларни жадаллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда жорий йилда давлат мактабгача таълим муассасалари куриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш, болалар боғчаларининг моддий-техник ҳолатини ўрганиб, мебель, ошхона жиҳозлари, ўйин майдончалари ва спорт инвентарларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда яқин 2 йилда мамлакатимиздаги барча боғча-

ларни жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий боғчалар ташкил этиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди.

Яна бир муҳим вазифа – мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг савияси, билими ва кўникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбар ва ҳокимларнинг ахборотлари тингланди.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган АҚШнинг «Женерал электрик» компанияси вице-президенти Рональд Жеймс Поллеттни қабул қилди.

Учрашувда «Женерал электрик» компаниясининг мамлакатимиздаги фаолияти кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Давлатимиз раҳбари энергетика тармоғидаги ўзаро манфаатли технологик шериклик ҳамда ишлаб чиқариш кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда, жумладан, хорижнинг етакчи мутахассислари ва экспертларини жалб қилган ҳолда, юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар.

Ўтган даврда қардош халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Қирғизистон ҳамкорлигини салмоқли даражада кенгайтиришга эришилгани чуқур мамнуният билан қайд этилди. Томонларнинг сиёсий иродаси ва амалий саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро муносабатлар стратегик шериклик даражасига етгани алоҳида таъкидланди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражадаги ўзаро ташрифлар давомида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини қайд этдилар. Икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигининг бошқа масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

16 февраль. Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлиши муносабати билан икки давлат раҳбарлари бир-бирларини қутладилар.

* * *

16–17 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, иқ-

тисодий-ижтимоий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Ташриф Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси зиёратидан бошланди.

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухолик Гиждувоний, Ориф Ревгарий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Маҳмуд Фағнавий, Саййид Амир Кулол каби меъморий мажмуаларни ўз ичига олган етти пир зиёратгоҳи нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланади. Президентимизга мазкур мажмуаларни реконструкция қилиш ва янги сайёхлик йўналишларини очиш бўйича қилинадиган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Бухоро туманидаги «Бухоро балиқ саноат» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Бухоро туманида бир қатор иқтисодий лойиҳалар тақдимоти бўлди.

Президентимизга Бухоро вилоятида мавжуд яйловлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам маълумот берилди. Шу ерда «Komteks ррosh» МЧЖ томонидан қўй жунини саноат усулида қайта ишлаш кластери тақдимоти бўлиб ўтди. Шунингдек, 2018 йилда вилоятда амалга оширилаётган паррандачилик, пилла етиштириш, асаларичилик, замонавий иссиқхоналар, агросаноат логистикаси ва савдо логистикаси марказлари ташкил этиш лойиҳалари тақдим қилинди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарига 2018–2020 йилларда вилоятда ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш дастури, Бу-

хоро шахрида реконструкция қилинаётган каналлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро шаҳридаги 280 ўринга мўлжалланган 54-мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Мир Араб мадрасаси бино ва иншоотлари, туристларга хизмат кўрсатувчи автоуловлар, инфратузилма объектларини кўздан кечирди.

Шу кун Пешку тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, ёшлар тарбияси ва уларни иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифининг иккинчи кунини Бухоро шаҳар Ёшлар маркази фаолияти билан танишишдан бошлади. Марказ тўғаракларида олиб борилаётган машғулотлар жараёнини кузатди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Бухоро — Когон йўли бўйида қурилаётган кўпқаватли уйларни бориб кўрди.

Бухоро шаҳрининг Ислом Каримов кўчаси бўйидаги иншоотларни қайта қуриш лойиҳасига кўра, савдо, кўнгилочар марказлар, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилади.

Бухоро шаҳрининг бош режасига кўра, бир қатор марказий кўчалар кесишмаларидаги турар-жой мавзелари қайта қурилади. Тартибсиз ва маънавий эскирган уйлар янгилана-

ди, янги турар-жой бинолари қад ростлайди.

Давлатимиз раҳбарига Бухоро давлат тиббиёт институтининг 900 ўринли ўқув биноси ва 200 ўринли клиникаси, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг қабул-диагностика бўлимини қуриш ва 120 ўринли даволаш корпусини реконструкция қилиш лойиҳалари тақдим қилинди.

Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлди. Президентимиз дастлаб Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалга оширилаётган ислохотлар, Бухоро вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолияти, вилоятда ҳарбий шаҳарча барпо этиш борасидаги лойиҳалар тақдими билан танишди. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириб бориш, уларни хорижда ўқитишни ташкил этиш, ҳарбий соҳага қандай замонавий дастурларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

* * *

19 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев импорт ҳажмини қисқар-

тириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари Маҳаллийлаштириш дастури ва импортни қисқартириш режаси ижросини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолади.

Йиғилишда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб олинди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда хорижий туристлар оқимини кўпайтириш ва ички туризмни янада ривожлантириш, сайёҳлик хизматларини яхшилаш ва турларини кенгайтириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги танқидий таҳлил қилинди.

Мажлисда соҳа мутасаддилари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва жойлардаги раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «2018 йилги Наврўз умум-

халқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон—Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтириш истикболларини атрофлича муҳокама қилди, минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик алоқалари ҳамда анъанавий яқин ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирдилар.

* * *

27 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экспортни ошириш ва импортни қисқартириш бўйича қўйилган вазифалар ижроси, бу борада тармоқлар ва ҳудудлардаги ишлар ҳолати таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш танқидий руҳда ўтди. Давлатимиз раҳбари экспорт режасини бажаришдаги камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, асосий йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тў-

лашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Виночилик соҳасини ва алкоғолли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Латвия Республикаси, Исроил Давлати, Германия Федератив Республикаси, Словакия Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Ирфон Юсуф Шомий, Оливье Шав, Михаилс Попковс, Эдуард Шапир, Гюнтер Оверфельд, Ян Бори ва Цзян Яндан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий қутлаб, масъулиятли фаолиятида улкан ютуқ ва муваффақиятлар тилади.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 март. Президент Шавкат Мирзиёев Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик

бўйича Ўзбекистон—Туркменистон ҳукуматлараро кўшма комиссиясининг навбатдаги йиғилиши доирасида мамлакатимизга ташриф буюрган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Байрам Аннамередовни қабул қилди.

Сухбат чоғида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика соҳаларидаги кенг миқёсли ҳамкорлик истиқболлари, иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Кармана туманидаги «Karmana golden eggs» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини кўздан кечирди.

Давлат раҳбарига тақдим қилинган яна бир режа бўйича 2018—2019 йилларда умумий қиймати 84,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган алюмин профиллар, аксессуар ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи 4 та лойиҳа амалга оширилади.

«Навоий» эркин иқтисодий зонасида истиқболдаги режалар тақдими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурота туманида 10 минг гектар лалми ерда ташкил этиладиган интенсив писта плантациялари лойиҳаси билан танишди.

Шунингдек, Навоий вилоятида чўл ўрмончилигини ривожлантириш

илмий марказини ташкил этиш, Хатирчи туманида боғ ва замонавий иссиқхона барпо этиш, мева-сабзавотни қайта ишлаш, Навбахор туманида томчилатиб суғориш усулида бодом ва писта плантациялари очиш, қорақўлчилик, тивит жунли эчкиларни кўпайтириш, 2018–2019 йилларда вилоятда озиқ-овқат таъминотини равнақ топтириш ва қатор бошқа йўналишларга оид истиқболли лойиҳалар ҳам тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятнинг энг олис худудларидан бири — Томди туманида ҳам бўлди. Тумандаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактабида Навоий вилоятида амалга оширилаётган лойиҳалар ва истиқболдаги режалар билан танишди.

Президент Зарафшон ва Учқудук шаҳарларидаги кўпқаватли уй-жой фондини таъмирлаш ишларини кўздан кечирди.

Айни пайтда 2026 йилгача қимматбаҳо металллар қазиб олишни кўпайтириш, «Ауминзо-Амантой» конини ўзлаштириш, Мурунгов конини ўзлаштиришнинг 5-босқичи, Томди туманидаги 2-гидрометаллургия заводи қувватларини кенгайтириш каби лойиҳалар тақдимотлари ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда Томди, Учқудук, Конимех туманлари ва Зарафшон шаҳри жамоатчилиги вакиллари, оқсоқоллар, ёшлар, тадбиркорлар билан самимий мулоқот қилди.

Шу куни Хатирчи тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини юксалтириш, одамлар турмуш шароитини яхши-

лаш, янги иш ўринлари яратишга эътиборни кучайтириш, таълим, тиббиёт ва бошқа соҳаларда бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш, аёллар ўртасида жиноятчиликни камайитириш каби қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро аэропортида Германиянинг «Манголд Консалтинг» компанияси бошқаруви раиси Клаус Манголд билан учрашди.

Учрашувда Германия компаниялари билан Ўзбекистонда юқори технологик корхоналар очиш, транспорт-логистика ва туризм инфраструктурасини модернизация қилиш, савдо-сотик ва қўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев икки томонлама идоралараро маслаҳатлашувлар ўтказиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Федерацияси молия вазири Антон Силуановни қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат молия вазириликлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум доирасида яқин ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Молиявий соҳадаги самарали мулоқотни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш, Россиянинг етакчи таълим муассасалари негизида соҳа учун юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида ҳамкорлик имкониятлари муҳокама қилинди.

* * *

7 март. Президент Шавкат Мирзиёев «8 март — Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 март. Пойтахтимиздаги «Ўз-экспомаказ» Миллий кўргазма мажмуасида 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан турли соҳаларда меҳнат қилаётган фаол аёллар қатнашди. Президент Шавкат Мирзиёев тадбирда иштирок этиб, мамлака-

тимиз хотин-қизларини ушбу қутлуғ айём билан табриклади. Давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган 28 нафар қизга ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи 8 март куни матбуотда эълон қилинди.

* * *

9–10 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг тақлифига биноан давлат ташрифи билан Душанбега келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари Душанбе шаҳридаги Миллат қасрида бўлиб ўтди. Президентларнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Дўстона ва конструктив руҳда ўтган суҳбатда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда ҳамкорликнинг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилди. Музокарада узоқ муддатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва ҳамкорликнинг барча йўналишларидаги мавжуд юксак салоҳиятни имкон қадар тўла рўёбга чиқариш масалалари муҳо-

кама қилинди. Томонлар енгил саноат, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотни қайта ишлаш, транзит учун қулай шароитлар яратиш, минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби соҳаларда атрофлича фикр алмашди.

Очиқ мулоқот, ўзаро англашув руҳида ўтган музокарада минтақа давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш, муаммоларни ҳал этишда умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларга риоя қилиш зарурлиги таъкидланди.

Президентлар ўзбек тилини Тожикистонда, тожик тилини Ўзбекистонда ўрганиш ва ўргатишни такомиллаштириш, ўқув ва бадий адабиётлар, даврий ва илмий нашрлар билан алмашув, икки мамлакатнинг мумтоз адабиёт вакиллари ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор қаратдилар. Таълим ва фан соҳасида ўзаро муносабатларни, шу жумладан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва фанлар академиялари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонга Абдураҳмон Жомийнинг ўзбек тилида чоп этилган «Муҳаббат махзани» китобини совға қилди.

Музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон—Тожикистон давлат чегара-

сининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жинойатчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, мазкур тарихий ташриф манфаатли келишувларга эришишда муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳридаги «Дўстлик» майдонида ташриф буюрди. Бу ерда сомонийлар давлати асосчиси, миллат озодлиги ва тинчлик рамзи бўлган Исмоил Сомоний хайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимизнинг Тожикистон Республикасига ташрифи доирасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» миллий маҳсулотлар кўرғазмаси очилди. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида мазкур кўрғазмага ташриф буюрди. Давлат раҳбарлари кўрғазмага киришдан олдин «Ғалаба — Амузанг — Хошади» темир йўл тармоғининг очиш маросимида иштирок этдилар. Президентлар поездлар қатновини бошлаш учун изн берилганини билдирадиган рамзий тугмани босди-

лар. Икки давлат ўргасида темир йўл катнови расман йўлга қўйилди. Шундан сўнг давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари кўрғазмадаги маҳсулотлар билан танишдилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон—Тожикистон бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди.

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намояндагон палатаси раиси Шукуржон Зухуровни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи ҳолати самарали кечаётгани, томонларни қизиқтирган барча масалалар бўйича яқдил келишувларга эришилгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди. Суҳбат чоғида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка доир барча масалалар муҳокама этилиб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олингани таъкидланди. Икки мамлакат ҳудудлари ва етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, транзит юк ташишни кўпайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

12 март. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг тўлиқ матни Бишкек (Қирғизистон) шаҳрида қирғиз тилида китоб шаклида чоп этилди.

* * *

13 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорликни ундириш масалалари бўйича ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини яратиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ишлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва энг долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгайтириш бўйича муайян камчиликлар мавжудлиги танқид қилинди.

Йиғилишда фермерларни замонавий техника ва агрегатлар билан узлуксиз таъминлаш, уларнинг манфаатдорлигини ошириш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 март. Президент Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди. Дастлаб икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари ва томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Қозоғистон Республикаси 2018 йилни мамлакатда Ўзбекистон йили

деб эълон қилди. Бу қозоқ эли ва Қозоғистон давлатининг ўзбек халқига ҳурмати, юртимизга юксак эҳтироми рамзидир. Шу муносабат билан «Остона опера» театрида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентлари ва Марказий Осиё давлатлари делегациялари аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, хорижлик фахрий меҳмонлар иштирок этдилар. Маросимда Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев нутқ сўзладилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни биринчи даражали «Дўстлик» ордени билан мукофотлади.

Қозоғистон Республикасида Ўзбекистон йили очик, деб эълон қилинди. Ўзбек санъат усталарининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига ташрифи ниҳоясига етди.

Давлатимиз раҳбарининг саммитда ҳамда тантанали тадбирда сўзлаган нутқлари матбуотда эълон қилинди.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Футболни янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги қарорни имзолади.

* * *

17 март. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Ташриф Имом Бухорий мажмуаси зиёратидан бошланди. Халқимиз маънавий ҳаётдан чуқур ўрин олган ушбу гўшани реконструкция қилиш ва узоқ-яқин давлатлардан келадиган зиёратчилар учун янада кўркам қадамжога айлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Реконструкция лойиҳасини яна бир бор синчиклаб кўриб чиқиш, мажмуанинг Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ҳамоҳанг бўлишига эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Оқдарё туманидаги «Даромад бахт омад» масъулияти чекланган жамияти томонидан гидропоника усулида ташкил этилган иссиқхона билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Самарқанд вилоятида паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш, мева-сабзавот етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Президент тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев Оқдарё туманидаги «Муштарий Оқдарё» масъулияти чекланган жамиятига қарашли тикувчилик фабрикасида ҳам бўлди. 500 га яқин хотин-қиз

меҳнат қилаётган фабриканинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, маҳсулотларни кўздан кечириб, ходимлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда «Ургут» эркин иқтисодий зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар, вилоятда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва ихчам гидроэнергетика станциялари лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Самарқандда «КамАЗ» автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишув чоғида Президентимиз маҳаллийлаштириш, автомобиллар экспортини ошириш лозимлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Иштихон тумани «Хумо» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Хина қишлоғида «Иштихон томорқа хизмати» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбари мазкур қишлоқда яшовчи Тошқувват Ражабов хонадонига ташриф буюрди. Отахон фарзандлари билан томорқасида иссиқхона қуриб, помидор ва бодринг парваришини йўлга қўйган.

Шу ерда «Обод қишлоқ» дастури асосида Нуробод тумани Жом қишлоғини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, боғча, дехқон бозори, турар-жой биноларини таъмирлаш, қишлоқ врачлик пунктини реконструкция қилиш каби муҳим лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шу кунги Пастдарғом тумани ҳоқимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли

турмуш даражасини янада ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

21 март. Наврӯз байрамига бағишланган асосий байрам тадбирлари Тошкент шаҳридаги «Ўз-экспомарказ» мажмуасида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари тантанга ташриф буюрган турли миллат ва элат вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврӯзи олам — Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврӯз шодиёналарида ҳам иштирок этди. Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоий ва Жомий хайкаллари пойига гул қўйди. Шу ерда самарқандлик ижодкорлар ҳамда Наврӯз шодиёналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки буюк вакили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирларида вилоят жамоатчилиги, нурунийлар, ишлаб чиқариш фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриклади. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

* * *

21 март. Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврӯз билан табриклаш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд халқаро аэропортида кутиб олди.

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юқори баҳоланди, уни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов қабрини зиёрат қилдилар. Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйиб, унинг хотирасига хурмат бажо келтирдилар.

Қозоғистон Президенти давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди.

* * *

23 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги мавжуд камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф этиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисида чигит экишни сифатли ўтказиш ва тўлиқ кўчат олиш, пахта ва ғалла етиштиришни молиялаштириш масалалари ҳам диққат марказида бўлди.

Йиғилишда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда қайд этилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, барча турдаги экинлардан мўл-кўл ҳосил олиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

* * *

24 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ташқи савдони янада эркинлаштириш ва савдо операцияларининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев Кўксарой қароргоҳида

«Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳалар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги дастурларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШнинг нуфузли делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннони қабул қилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва АҚШ афғон можаросини тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича жараёни тез фурсатда бошлаш тарафдори экани таъкидланди.

* * *

27 март. Пойтахтимизда «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамятида катта қизиқиш уйғотди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Афғонистон Ислому Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Хиндистон, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро конференцияда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислому Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Конференция иштирокчилари анжуман якуни бўйича Тошкент декларациясини имзоладилар. Мазкур ҳужжатда минтақада тинчлик ва

хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, аҳил қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу халқаро конференцияда сўзлаган нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

27 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида Еврокомиссия вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлуд Чавушўғлу, Покистон Ислому Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувлар ўтказди.

Учрашувлар чоғида хорижий делегациялар раҳбарлари Афғонистон бўйича юксак даражадаги Тошкент конференциясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, у ўз вақтида ташкил этилгани ва тадбир кун тартибига киритилган масалалар долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этди. Янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар ва социал-иктисодий ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақада конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича фаол иштирокига юксак баҳо берилди.

* * *

28 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

30 март. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Зарбдор туманидаги «Zarbdor textile» масъулияти чекланган жамиятида бўлди. Шу ерда Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинатининг бўш турган бинолари негизда замонавий тўқимачилик мажмуаси барпо этиш, «Жиззах», «Зомин-

фарм» эркин иқтисодий зоналарида 2018—2019 йиллар учун режалаштирилган инвестиция, шунингдек, вилоятда енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими 2-сон ички ишлар бўлимида бўлди. Шавкат Мирзиёев маҳалла раиси ва профилактика инспектори билан аҳоли фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш масаласида суҳбатлашди. Шу ерда Президентимиз бир гуруҳ нуронийлар билан ҳам учрашди.

Президентимиз Жиззах шаҳар Мустақиллик кўчасида барпо этилаётган кўпқаватли арзон уй-жойлар лойиҳалари билан танишди. Жиззах шаҳридаги Ислом Каримов кўчаси бўйлаб қуриладиган инфратузилма объектлари, кўпқаватли турар-жойлар, Сайлжойи маҳалласи худудидаги 37-мактабгача таълим муассасаси биносини қайта таъмирлаш каби қатор истиқболли лойиҳалар тақдим этилди.

Президентимиз вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича барча манбаларни ишга солиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Шунингдек, Дўстлик туманидаги Манас қишлоғига ташриф буюрди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Манас қишлоғи мамлакатимизда бошланган «Обод қишлоқ» дастурини татбиқ этишда намуна сифатида тарихда қолди. Президенти-

миз қайта реконструкция қилинган қишлоқ врачлик пунктидаги шароитларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқдаги 125 ўринли «Айчурек» мактабгача таълим муассасасида ҳам бўлди.

«Манас» маданият саройида халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифининг иккинчи куни «Фориш» тоғ-дала ўқув базасида бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳарбийлар учун ажратилган ётоқхона, машғулотлар майдонларида бўлди. Президентимиз ҳарбий ўқув-машғулотларни кўздан кечирди.

Шу куни Президентимиз 2018–2019 йилларда Жиззах вилоятида ирригация-мелиорация Давлат дастури асосида амалга ошириладиган ишлар билан танишди. Шу ерда «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Жиззах вилоятининг Зомин ва Зафаробод туманларида микро ГЭСларни қуриш ва модернизация қилиш инвестиция лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

каси, Қозоғистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисидаги Шартномани (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти Уставини (Боку, 2015 йил 26 ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Умумжаҳон почта итти-

фоқининг Уставига Тўққизинчи қўшимча баённомани (Истанбул, 2016 йил 6 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Экстремизмга қарши курашиш Конвенциясини (Остона, 2017 йил 9 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш борасидаги ишлар таҳлили ва галдаги энг муҳим вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда давлат хизматларининг ҳар бир турини «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилига кўра, ваколатли давлат органлари, ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши ҳисобидан содалаштириш, айрим ваколатли органларда дав-

лат хизмати кўрсатиш бўйича электрон ахборот тизими тўлиқ жорий этилмагани, идоралараро электрон ахборот алмашуви йўлга қўйилмагани, айрим Давлат хизматлари марказлари оптик толали интернет тармоғига уланмагани билан боғлиқ муаммолар танқидий таҳлил қилинди.

Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идораларга 50 та давлат хизматлари бўйича электрон ахборот тизими ва электрон маълумотлар базасини яратиш, барча давлат хизматлари марказларини оптик толали интернетга улаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг академик Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтига ташриф буюрди. Институтнинг асосий йўналишлари, илмий ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев мазкур даргоҳ ўзининг илмий салоҳияти билан нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда етакчи ўринларда туриши, бу ерда яратилаётган янгилликлар фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Президентимиз мазкур корхона билан танишди, олимлар томонидан тайёрланган биологик актив субстанцияларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари институт фаоллар залида вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари ва ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан самимий мулоқот қилди.

Шундан сўнг Президентимиз Яшнобод туманидаги замонавий ҳарбийлар шаҳарчаси қурилиши билан танишди. Шу ерда ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари билан суҳбат ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманидаги Муҳаммад Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг қурилиш лойиҳаси, «Ашхобод сайилгоҳи»да олиб борилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида барпо этилаётган замонавий иншоотлар қурилишини бориб кўрди.

Президентимиз лойиҳалар билан танишар экан, мазкур иншоотларни энг замонавий технологиялар ва меъморлик андозалари асосида барпо этиш зарурлигини таъкидлади. «Tashkent City» шаҳар ичидаги янги шаҳар бўлиши керак, бу шаҳарча катта суръатлар билан ривожланаётган Ўзбекистонимизнинг бор салоҳиятини ўзида тўла намён этиши зарур, деб таъкидлади.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Балиқчилик тармоғини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

9 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Илҳом Алиевни яқинда бўлиб ўтган Озарбайжон Президенти сайловида ишончли галабага эришгани билан самимий табриқлади.

Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон — Озарбайжон кўпқиррали ҳамкорлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Жамоатчилик назорати

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Сирдарё» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда Адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Бек кластер» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона томонидан ташкил этилган замонавий гидропоник иссиқхонада бўлди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Президентимиз қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам кўздан кечир-

ди. «Social web solution» корхонаси мутахассислари томонидан яратилган ахборот-коммуникация технологиялари дастурига алоҳида эътибор қаратди. Шу ерда вилоятда балиқчилик, чорвачилик, ипакчилик ва кўнчиликни ривожлантириш, 2018–2019 йилларга мўлжалланган ирригация ва мелиорация давлат дастури, шоли етиштириш, лалми ва томорқа ерлардан самарали фойдаланиш, ирригация-мелиорация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар ва хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди, лойиҳалар самардорлигини ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Шундан сўнг М-34 «Тошкент — Душанбе» автомобиль йўлининг 117–146 километрларидаги Тошкент кўчасида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Президентимиз Гулистон шаҳридаги сув спорти турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида қурилган ёпиқ сузиш ҳавзасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрида ташкил этилган Алишер Навоий номидаги Билимдонлар масканида бўлди. Президентимиз бу ерда вилоят ижодкор зиёлилари, ижтимоий соҳа ва ёшлар вакиллари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё туманидаги «Сирдарё мега люкс» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон—Россия қўшма корхонасида қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

«Сирдарё мега люкс» қўшма корхонаси ҳудудида вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўرғазмаси ва саноатни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари «Идеал аср» корхонасининг босим остида ишлайдиган ускуна ва махсус техникаларини кўздан кечирди. Мазкур сифимлар суюлтирилган газни сақлаш ва ташишга мўлжалланган бўлиб, чекка ҳудудлар аҳолисини табиий газ билан таъминлашда катта қулайлик яратади.

Президентимиз «Crocus Uz composite» корхонасида маҳаллий хомашё, яъни шиша пахта, кварц қуми ва эфир мойидан ишлаб чиқарилаётган лоток ва қувурларнинг афзаллигига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбарига Сирдарё вилоятидаги «Peng Sheng» мажмуаси таркибидаги «AWP» қўшма корхонасида сув жиҳозлари, жездан дастаклар, фитинглар, катта ҳажмдаги керамик плиталар, эшик қулфлари ишлаб чиқариш каби қатор янги лойиҳалар намойиш этилди.

Шу куни Сайхунобод туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактабида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги ўзгаришлар, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

хақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

17 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни камайтириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан бери ҳисоб-китоб тизими-га эътибор қаратилмай келингани, иқтисодиёт тармоқларида пул оқимлари самарасиз бошқарилгани ва номуаносиб тақсимлангани оқибатида қарздорлик ҳолатлари кўпайиб кетганини таъкидлади.

Йиғилишда Президентимиз Бош вазир ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига иқтисодиёт тармоқларида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш, дебитор, кредитор ва бюджет олдидаги қарздорликларни қисқартириш, туман, вилоят ва республика даражасида солиқ органлари, банклар, хизмат кўрсатувчи ва бошқа идоралар ўртасида ҳар ой якуни бўйича ўзаро қарздорлик ҳолатини солиштириб бориш тизимини жорий этиш, солиштирмалар асосида қарздорлик аҳволини Вазирлар Маҳкамаси комплексларида ҳар ойда жиддий муҳокама қилиш, давлат идоралари ўртасида электрон ҳамкорлик ва маълумот алмашувини йўлга қўйиш борасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Кан Гён Хва хонимни қабул қилди.

Сухбатда 2017 йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга олий даражадаги тарихий ташриф ҳамда унинг якунида эришилган муҳим келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш ва аниқ амалий мазмун билан бойитишга хизмат қилгани алоҳида

қайд этилди. Давлатларимиз ўрта-сидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари ҳамда халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 апрель. Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуасининг ишга туширилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси билан ҳамкорликда «Қандим — Хаузак — Шоди — Қўнғирот» маҳсулот тақсимооти битими доирасида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси муддатидан 8 ой аввал қуриб битказилди.

Мажмуанинг ишга туширилишига бағишланган маросимда Россия Федерацияси энергетика вазири Александр Новак, «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперов, дипломатик корпус, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, завод ишчи-муҳандислари, ёшлар, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг табригини ушбу мамлакатнинг энергетика вазири Александр Новак ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси фаолиятига старт берувчи рамзий тугма босилди.

Давлатимиз раҳбари мажмуанинг технологик жараёнини кўздан кечирди. Лаборатория ва марказий бошқарув пультада бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бухорога ташрифи давомида вилоят

ва туманлар ҳокимлари, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, мутасаддилар билан йиғилиш ўтказди.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари дастлаб вилоятдаги тўрт сектор раҳбарлари, ташкилот ва идоралар масъуллари билан мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев «Навоийазот» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Жамият ҳудудида учта йирик инвестицион лойиҳа — Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш, Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш ҳамда Азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши қизғин давом этмоқда. Президентимиз янги объектлардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар, хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари бундай йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ҳақида тўхталиб, қурилиш ишларини тез ва сифатли яқунлаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Президент Владимир Путинга самимий қутлов ҳамда Бухоро вилоятида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши яқунлангани ва ишга туширилгани муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Россиядан нуфузли делегация иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқотда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар доирасида Ўзбекистон – Россия кўпқиррали алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Туркменистон миллий кўргазмасининг барча иштирокчилари ва меҳмонларига табрик йўллади.

* * *

23–24 апрель. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлат ташрифи билан мамлакатимизга кел-

ди. Ташрифнинг асосий тадбирлари «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказдилар.

Учрашувда терроризм, экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Икки давлат расмий делегациялари иштирокида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, нефть-кимё, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки томонлама ҳамкорликни сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, таълим ва спорт соҳаларида янада мустаҳкамлашга ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга доир 17 хужжат, жумладан, минтақалараро ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, 2018–2020 йилларга мўлжалланган транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳамда 2019–2021 йилларга мўлжалланган илмий-техникавий ҳам-

корлик тўғрисида ҳукуматлараро дастурлар, Ўзбекистон ва Туркменистонда савдо уйлари ташкил этиш, икки мамлакат Савдо-санот палаталари ўртасида ишбилармонлар кенгаши ташкил этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон ва Туркменистон Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни қишлоқ хўжалиги, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, фан-техника, касаба уюшмалари ва бошқа соҳаларда янада мустаҳкамлашга доир ҳужжатлар, ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим, икки мамлакат касаба уюшмалари ва хотин-қизлар кўмиталари ўртасида англашув меморандумлари, ёшлар ташкилотлари ўртасида англашув меморандуми қабул қилинди, олий ўқув юрглари ўртасида ва ахборот-коммуникация соҳаларига оид 15 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, самимий, ишчанлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эз-

гулик монументи пойига гул қўйди. Шундан сўнг Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Тошкент шаҳрида очилган Махтумқули кўчасига ташриф буюришди. Президентлар машҳур туркман шоири ва мутафаккири ёдгорлиги пойига гул қўйдилар.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи шарафига Махтумқули кўчасида «Ашхобод сайлгоҳи» барпо этилди. Икки давлат раҳбарлари ушбу сайлгоҳнинг очилиш маросимида қатнашдилар, боғда яратилган шароитлар билан танишдилар. Икки давлат раҳбарлари Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик алоқаларининг рамзи сифатида «Ашхобод сайлгоҳи»га кўчат ўтказдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 24 апрель куни Хоразм вилоятида бўлди. Урганч халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Хоразм вилоятининг Урганч тумани Ғойбу қишлоғидаги Туркман маҳалласида минглаб туркманлар ўзбеклар билан тинч-тотув, бир оила вакилларидек иноқ яшаб келмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов халқларимиз дўстлиги рамзи сифатида барпо этилган «Ўзбек-туркман» дўстлик уйи-

ни бориб кўрдилар, яратилган ша-роитлар билан танишдилар. Давлат раҳбарлари бу ерда ўрнатилган туркман халқининг буюк шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироевий бюсти пойига гул қўйдилар.

Шундан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов «Улли ҳовли» ёд-горлик мажмуасига ташриф буюр-дилар. Президентлар қалъада сақ-ланаётган, ўзбек-туркман халқла-рининг қадимий тарихидан ҳикоя килувчи нодир экспонатлар билан танишдилар. «Улли ҳовли» мажмуа-си отхонасидаги машҳур ахалтекин зотли отларни бориб кўрдилар.

Туркменистон Президенти Гур-бангули Бердимухамедов Президен-тимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳ-лигида Ичанқалъа ҳамда Нурилла-бой мажмуасини зиёрат қилди.

Президентлар Шерғозихон мад-расасини ҳам кўздан кечирдилар. Бу масканда таълим олган алло-малар шарафига ташкил қилинган музей фаолияти билан танишди-лар. Ушбу мадрасада ўз даврида Махтумқули Фироевий ҳам уч йил таҳсил олган.

Куннинг иккинчи ярмида Урганч шаҳридаги Хоразм вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон—Турк-менистон санъат усталарининг кон-церти намоён этилди. Унда Пре-зидентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов ишти-рок этдилар.

* * *

26 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Фермер, деҳқон хўжа-ликлари ва томорқа ер эгалари фао-лиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Обод қиш-лоқ» дастурини амалга оширишни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ва бу борадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеосе-лектор йиғилиши ўтказилди.

«Обод қишлоқ» дастурини бажа-риш учун зарур бўладиган молия-вий ресурсларнинг 80 фоизи дав-лат бюджети, давлат корхоналари маблағлари ва улар жалб қиладиган хорижий кредитлар ҳисобидан таъ-минланади. Қолган 20 фоизи тад-биркорларнинг ўзларига тегишли бозор инфратузилмаси объектла-рига сарфланадиган маблағлари ва банк кредитларидир. Йиғилишда бу борада барча ресурс ва маблағларни ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил-да «Обод қишлоқ» дастури асосида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхталди.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-касида уруғчилик тизимини туб-дан такомиллаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислон Респуб-ликасининг Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Қамар Жовид Бажва бошчилигидаги деле-гацияни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқалар, жумла-дан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ин-вестициявий, транспорт-коммуника-ция ва бошқа соҳаларга оид ҳам-

корлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

29 апрель — 1 май. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Ташрифнинг асосий тадбирлари «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон тор доирада ва расмий делегациялар иштирокида учрашув ўтказди. Дўстона ва очиқлик руҳида ўтган мулоқотда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илм-фан, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон кенг кўламли стратегик ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эга бўлган Қўшма баёнотни имзоладилар. Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари,

вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, илм-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳужжатга имзо чекилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғон музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонга мамлакатимиз парламентида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Туркия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдидан нутқ сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Президенти Мустақиллик майдонида ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Шундан сўнг Режеп Таййип Эрдоғон Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғон «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ўзбекистон – Туркия» ишбилармонлари бизнес-форумида иштирок этдилар.

Ташрифнинг учинчи куни олий мартабали меҳмон Бухоро вилоятига келди. Бухоро халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Меҳмон Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухоро шаҳридаги Арк қўرғонини томоша қилди. Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан танишдилар, бу ердаги ноёб осори атиқаларни кўздан кечирдилар, музей қўриқхона ҳудудидаги жоме масжидида бўлдилар.

Президентлар Арк қўрғони яқинидаги Пойи Калон мажмуасида ҳам бўлдилар.

Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида зардўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, кулолчилик маҳсулотлари кўрғазмаси билан танишди. Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

* * *

2–3 май. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чуст туманидаги «Барака мева саноат сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Шу ернинг ўзида 2018–2019 йил-

ларда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик, пиллачиликни йўлга қўйиш, томорқачиликни янада ривожлантириш, иссиқхонада лимон етиштириш, тутзорлар ташкил этиш, оғир ҳудудлардаги майдонларнинг сув таъминотини яхшилаш, пахтадан бўшаган ерларга турли экинлар экиш ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, вилоят экспорт салоҳиятини янада ошириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Наманган шаҳрида енгил саноатни ривожлантириш, хусусан, «Юксалиш», «Орзу», «Пахталикўл», «Хонобод» саноат зоналарида амалга ошириладиган лойиҳалар, Катта Фарғона каналининг Учқўрғон тумани ҳудудидан ўтган қисмида кичик ГЭСлар каскади қурилиши, «Водий нефтгаз энергия» корхонасида ишлаб чиқарилган газ тармоғи хавфсизлигини таъминлайдиган инновацион қурилма тақдимоглари ўтказилди. Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Норин туманидаги «Беш сада» фермер хўжалиги шийпонида Наманган вилояти фермерлари билан мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев Учқўрғон туманидаги «Uztex Uchkurgan» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Президентимизга корхона фаолиятини кенгайтириш ва кластер тизимида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдим этилди.

Шу куни Норин тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган мажлисда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг иккинчи куни Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатда бўлди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев мажмуага уйғун тарзда Косонсой сойининг икки қирғоғида бунёд этилган хиёбонни кўздан кечирди. Бу ерда қурилаётган уй-жойлар, савдо шохобчалари, кўнгилочар масканлар, сайр қилинадиган йўлаклар ва бошқа инфрагузилма объектлари қурилишини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди.

Исҳоқхон Ибрат музейи билан танишув асносида Президентимиз вилоят зиёлилари, нурунийлар билан мулоқот қилди.

Президентимиз кўрсатмалари асосида Тўрақўрғон тумани «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қиймати 2 миллиард 250 миллион сўмлик 10-мактабгача таълим муассасаси барпо этилди.

Давлатимиз раҳбарига боғчада ўтказилаётган машғулотлар жараёни, яратилган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳар давлат хизматлари марказида бўлди. Давлатимиз раҳбари марказдаги шарт-шароитлар билан бевосита танишди.

Муассасанинг учинчи қаватида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази вилоят бўлими ҳамда Наманган инновация маркази фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизлар ўртасида ишсизликнинг олдини олиш, кўрсатилаётган тиббий хизматни, уй-жой шароитини яхшилаш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президентимизга маданият ва истироҳат боғида қурилиши режалаштирилаётган «Ўн бир Аҳмад» масжиди, Гулистон даҳасида бунёд этилиши мўлжалланган «Namangan City», Поп туманидаги замонавий савдо мажмуаси ва «Pop eco park» каби лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикасининг Шимол билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўмитаси раиси Сон Ён Гил бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Суҳбатда мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий, инновация ва гуманитар, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатни демократик янгилаш

жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Асқар Маминни қабул қилди.

Учрашувда Президентимиз савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, истиқболли лойиҳа ва дастурларни биргаликда амалга ошириш муҳим эканини таъкидлади.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида кўпқиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Сухбат чоғида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг қатор долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодий тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агро-саноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, жумладан, Амирликлар ин-

весторларини мамлакатимиздаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини тизимли равишда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди — ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Хотира ва кадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан уруш ва меҳнат фаришлари таклиф этилди.

Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Президент Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олди. Давлатимиз раҳбари бу ерга йиғилганларни, бутун халқимизни 9 май — Хотира ва кадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 9 май — Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалик шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Учрашувда хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди. Минтақада барқарорликка таҳдид солаётган за-

монавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президентининг АҚШга кутилаётган расмий ташрифи Ўзбекистон—Америка ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирилди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15 май. Президент Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларига расмий сафари давомида Лондон шаҳри аэропортида қисқа техник тўхташ вақтида Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосари Алан Дункан билан учрашди. Суҳбат давомида давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик борасида мавжуд улкан салоҳиятни самарали рўёбга чиқариш муҳим эканини алоҳида таъкидлади. Турли даражалардаги мулоқотларни жадаллаштириш, амалий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Лондондаги техник тўхташдан сўнг Президентимиз АҚШга жўнаб кетди.

* * *

15–17 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан илк расмий ташриф билан Вашингтонга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 16 май куни Америка Қўшма Штатлари Президентининг расмий қароргоҳи — Оқ уйда бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп кутиб олди. Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашувида Дональд Трамп мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик соҳасидаги умумий мақсадларни амалга оширишда биргаликда ишлашдан мамнун эканини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Дональд Трамп музокара-ларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Вазирлик ва компаниялар, ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, юқори технологиялар, савдо-саноат, ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари қишлоқ хўжалиги, энергетика, кимё, молия, туризм, тўқимачилик саноати, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳаларида янада яқин ҳамкорлик қилиш бўйича мавжуд имкониятларни ўрганишга келишиб олдилар.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари

бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Президентлар мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликка ўз хиссасини қўшадиган Халқаро таълим бўйича Америка кенгашларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини мамнуният билан қайд этдилар. Дональд Трамп АҚШ Ўзбекистонда инглиз тили бўйича таълим дастурларини амалга оширишда кўмак беришга тайёр эканини билдирди.

Давлат раҳбарларининг «Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даври-нинг бошланиши» деб номланган Қўшма баёноти қабул қилинди. Шунингдек, икки давлатнинг турли вазирлик ва идоралари ўртасида савдо-иқтисодий, электротехника, фармацевтика, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узок муддатли ҳамда кенг қўл-ламли ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид хужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро муносабатларда янги уфқ ва марралар сари дадил қадам экани алоҳида таъкидланди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари Артур Саклер галереясига ташриф буюрди. Галерея коллекцияси Осиё халқлари санъати асарларидан иборат 10 мингга яқин экспонатни ўз ичига олган. Президентимиз галереяда сақланаётган ўзбек тўқимачилик буюмлари намуналарини кўздан кечирди. Марказий Осиё бўлимидаги миниатюра ва қўлёзмалар билан танишди.

Вашингтонда АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон делегациясининг АҚШга ташрифи муносабати билан «Виллард интерконтинентал» меҳмонхонасида ташкил этилган қабул маросимида Шавкат Мирзиёев Дональд Трамп билан мулоқот ўзаро ишонч ва ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ўтганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда ўзбек мақом санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маданий меросини дунёда тарғиб этишга қўшган ҳиссаси учун Изро Малаковга Ўзбекистон Республикаси халқ артисти фахрий унвони берилгани эълон қилинди.

Ташрифнинг учинчи куни ҳам учрашув, музокара ва тадбирларга бой бўлди. Давлатимиз раҳбари АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео билан учрашди. Унда Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифи икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳкамалари алоқаларини фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Пентагонда АҚШ мудофаа вазири Жеймс Мэттис билан музокара олиб борди.

Учрашувда мудофаа ва хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги муносабатларни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Капитолийда АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли бошчилигидаги конгрессменлар билан учрашди. Мулоқотда икки мамлакат ўртасида ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган муноса-

батлар қарор топгани қайд этилди. Президентимиз парламент ва ҳукумат даражасидаги икки томонлама ташрифлар фаоллашгани сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШ Сенати Раиси ўринбосари, молия бўйича қўмитаси раиси Оррин Хэтч бошчилигидаги сенаторлар билан мулоқот қилди. Суҳбатда парламентлараро алоқалар, шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Мамлакатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи дастуридан ўрин олган мазкур учрашув стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Жаҳон банки президенти Жим Ёнг Ким билан учрашди. Давлатимиз раҳбари узоқ йиллардан буён Жаҳон банкида ишлаётган юртдошларимиз билан ҳам кўришди. Президентимиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик иқтисодий лойиҳаларда Жаҳон банки билан ҳамкорлик юксак самара бераётганини қайд этди. Ўзбекистон Жаҳон банки билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади. Учрашувда истиқболли лойиҳалар кўриб чиқилиб, амалий алоқаларни янада кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Богдорчиликни ривожлантириш, шошилинч тиббий ёрдам тизимини такомиллаштириш, саноат корхона-

ларининг энергия тежамкорлигини ошириш, иситиш тармоқларини модернизация қилиш, молиявий консультатив хизмат кўрсатиш каби соҳаларга оид битимлар имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи якунига етди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев Вашингтондан қайтиб, Тошкент халқаро аэропортида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси қабул қилиб олган янги «Boeing-787 Dreamliner» самолётини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси раҳбариятига хорижий мамлакатларга қатновлар сони ва сифатини ошириш, бунинг учун энг замонавий самолётлар ҳамда технологиялардан фойдаланиш зарурлиги юзасидан тегишли тавсиялар берди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида грипп ва бошқа ўткир респиратор инфекцияларнинг тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

19–20 май. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга ошири-

лаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Андижон вилоятида бўлди. Сафар давомида аввалги ташриф асносида берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз ўтган йили Андижон тумани Хакан қишлоғида «Milana textile» масъулияти чекланган жамиятининг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди. Тадбиркор «Алоқабанк»нинг вилоят филиалидан олинган 2 миллиард сўм кредит ҳамда 7 миллиард сўм ўз маблағи ҳисобидан уч қаватли бино қуриб, уни замонавий жиҳозлади. Энг муҳими, фабрика ишга туширилиши билан тумандаги 200 нафардан ортиқ хотинкиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шу ерда «Хар бир оила — тадбиркор» дастурининг Андижон вилояти мисолидаги концепцияси намойиш қилинди.

Президентимиз кўрсатмалари асосида Андижон туманидаги «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамияти инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш корхонасини барпо этди. Туманнинг Харгум қишлоғида жойлашган бу завод Марказий Осиёда ягона бўлиб, йилига 10 миллион флакон дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Шу ерда «Zamin Bio Health» масъулияти чекланган жамиятида кукунли антибиотик ишлаб чиқариш, вилоятда фармацевтика саноатини ривожлантиришга оид бошқа лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди.

19 май куни Андижон туманидаги «Andijan Silk.Co» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси пиллани қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йирик мажмуани ишга туширди. Президентимиз корхона фаолиятига старт берадиган рамзий тугмани босди. Бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Шу ерда трикотаж, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, ип-калава ва газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар тақдимоги ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ўтган йилги ташрифи давомида Асака туманида замонавий иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди. «Асака» банкнинг туман филиалидан лойиҳа учун 1,5 миллион доллар маблағ ажратилиб, «Сабо ҳамкор» МЧЖ томонидан 5,8 гектар майдонда гидророника усулида банан ва помидор етиштириладиган 2 та иссиқхона барпо этилди. Президентимиз банан етиштириладиган иссиқхонани кўздан кечирди. Уни кенгайтириш, маҳсулотни сақлаш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан тавсиялар берди.

Шу ерда 2018—2019 йилларда Андижон вилоятида аграр соҳани, жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар тақдимоги ўтказилди.

Ўтган йили вилоятга ташрифи давомида Президентимиз Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Давлатимиз раҳбари филиалда инновацияларни ривожлантириш бўйича фонд тузиш, вилоятда заъфарон ва наъматак каби доривор ўсимликлар етиштириш бўйича иқтисо-

дий зона ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Президентимиз Улўғнор туманидаги «Шаҳриобод» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, бу ерда «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Шу куни Улўғнор тумани ҳокимлигида вилоят фаоллари ва мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклидаги йиғилишда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, қўшимча манбалар топиш ҳисобидан иш ўринлари ташкил этиш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифининг иккинчи куни Шарқий ҳарбий округга қарашли қисмда бўлиб, янги Мудофаа доктринаси ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг спорт машғулотларида қатнашиш жараёни билан қизиқди. Шавкат Мирзиёев аскарлар, зиёлилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз вилоятга ташрифи давомида Андижон шаҳрида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, уй-жойга эҳтиёжини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишлар билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги ташрифи доирасида Андижон шаҳрининг «Ўзбегим» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этиладиган 7 қаватли 5 та уй билан

танишиб, бу ерни замонавий мас-сивга айлантириш бўйича тавсиялар берган эди. Ана шу топшириқдан сўнг бу ерда 5 та уй қурилиб, 2017 йил декабрь ойида ўз эгаларига топширилди. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида ҳудудда яна 9 та, шаҳар бўйича жами 14 та кўпқаватли уй қурилмоқда. Президентимиз Андижонда аҳолини уй-жой билан таъминлаш долзарб эканини инобатга олиб, шу йилнинг ўзида қўшимча яна бешта 7 қаватли уй қуриш бўйича топшириқ берди.

Шу ерда Андижон шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган бош режаси ва шаҳарда амалга ошириладиган бошқа ижтимоий инфраструктузилма объектларини қуриш-реконструкция қилиш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Владимир Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига киришгани билан яна бир бор самимий табриклади ва фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланаётгани ва изчил мустаҳкамланиб бораётгани, шунингдек, ўзаро манфаатли ва кўпқиррали ҳамкорликда эришилган юқори натижалар чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсатнинг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Минтақавий

хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари олий даражадаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўпқиррали шерикликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг самарали фаолиятини, шунингдек, Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида биргаликда муваффақиятли амалга оширилаётган тадбирларни юксак баҳоладилар. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Шойгуни қабул қилди.

Сухбатда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни, жумладан, идоралараро шерикликни янада кенгайтириш, икки томонлама тадбирлар ўтказиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

22 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Капитал қурилишда лойиҳа ва қурилиш ишларини амалга ошириш тартибини оптималлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

25 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбийларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга меҳанизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экспорт-импорт, маҳаллий бюджетга қўшимча тушумларни таъминлаш, қишлоқ

хўжалигида ғўза парвариши, ғалла ўрими, такрорий экинлар ва сувдан оқилона фойдаланиш каби муҳим тадбирларни самарали ўтказиш билан боғлиқ бугунги кунда ғоят долзарб бўлиб турган масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар Вазирлар Маҳкамаси комплекслари бўйича атрофлича танқидий таҳлил қилиниб, бу борада амалга ошириладиган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача «Ғўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги» эълон қилиниши бўйича келишиб олинди.

Кун тартибидаги яна бир муҳим масала — жорий йилда етиштирилладиган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатда йиғиштириб олиш борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисида ҳудудларда бюджетга қўшимча даромадларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати танқидий таҳлил асосида кўриб чиқилди. Бу борада жорий йилнинг шу даври учун белгиланган режалар айрим ҳудудларда бажарилмасдан қолаётгани танқид қилинди.

* * *

30 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий

ташриф билан бўлиб турган «Рос-атом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Суҳбат давомида фан ва юқори технологиялар соҳасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат илмий-тадқиқот институтлари ва инновация марказлари ўртасида, жумладан, ўтган йили имзоланган Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим доирасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қўшма дастур ва лойиҳалар доирасида юқори ма-лакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишни имзолади.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Президентимиз дастлаб «Тошкент шарқий аэродроми» базасида барпо этилаётган ишбилармонлик аэропорти қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Президентимиз пойтахтимизнинг Махтумқули ва Оҳангарон кўчалари кесишмасида барпо этилаётган уч қаватли замонавий кўприк лойиҳасини кўздан кечирди.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига Тошкент ерусти халқа метро линиясини қуриш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди. Чилонзор туманининг Афросиёб ва Бешёғоч кўчалари кесишувидаги ҳудудда барпо этилаётган кўп тармоқли «Хумо Арена» муз саройи қурилиши кўздан кечирилди.

Давлатимиз раҳбари «Tashkent City» қурилиш жараёни билан танишди. Қурувчи ва муҳандислар, хорижлик мутахассислар билан суҳбатлашди. Сўнг меҳмонхона ва «Конгресс-ҳолл»нинг ички дизайни, кириш қисмлари ҳамда нуфузли халқаро анжуманларни ўтказишга мўлжалланган заллар интерьерлари лойиҳаси билан танишиб, уларни миллий услубда безаш ва жиҳозлаш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида замонавий йўл ўтказгич қурилишида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар би-

лан мулокот қилди. Шу ерда янги кўприклар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва эксплуатация қилиш борасидаги ишлар тақдимоти ўтказилди. Тошкент шаҳрида яна ўн бешта жойда йўл ўтказгичлар қурилиши маълум қилинди.

Чилонзор туманидаги Хирмонтепа маҳалласи тажриба тариқасида «Обод маҳалла» дастури асосида обод қилинмоқда. Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари, кўпқаватли уйларда яшаётган аҳоли ва ёшлар билан суҳбатлашди, уларнинг ўй-ташвишлари билан кизикди.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Тирсақобод маҳалласида ҳам бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари маҳалла фаоллари билан мулокотда бўлди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Танқидий-тахлилий руҳда ўтган йиғилишда пойтахтимизда саноат ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш, муҳандислик коммуникация тармоқларини яхшилаш бўйича долзарб чора-тадбирлар белгилаб берилди.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «2018–2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим муассаса-

ларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

5 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев қарори билан Афғонистон Ислом Республикасига Ўзбекистондан 3 минг тонна буғдой инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилди. Қўшни Афғонистоннинг қурғоқчиликдан азият чекаётган аҳолиси учун ажратилган инсонпарварлик ёрдами Ўзбекистон темир йўлларининг «Шўрчи» бекати орқали Хайратонга етказилди.

* * *

5 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда бюджетга қўшимча тушумлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали нархлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда инфляциянинг олдини олишда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, солиқ ва молия идоралари раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида бюджетга қўшимча тушумларни кўпайтириш ва инфляция даражаси барқарорлигини таъминлаш бўйича ишларнинг мавжуд ҳолати агрофлича танқидий таҳлил қилиниб, бу борадаги энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Видеоселектор йиғилишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш, фермерлар билан такрорий экинлардан олинадиган маҳсулотлар бўйича шартномалар

тузиш, аванс маблағларини ўз вақтида ажратиш билан боғлиқ чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8–10 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этди.

Саммит доирасида 9 июнь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари бир қатор икки томонлама ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиб, кун тартибидаги энг долзарб минтақавий ва халқаро масалаларни муҳокама қилдилар. Саммитнинг асосий тадбирлари 10 июнь куни бўлиб ўтди. Дастлаб ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари тор доирада учрашдилар.

Мажлисида ШХТга аъзо мамлакатлар ўргасидаги алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш, иқтисодий ва инвестициявий шерикликни ривожлантириш, инновация ва юқори технологиялар ҳамда транспорт-коммуникация, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШХТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодий ва инвестициявий ше-

рикликни кенгайтириш, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари ҳамда кўп томонлама кооперациянинг бошқа жиҳатлари муҳокама қилинди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Саммит якунлари бўйича Циндао декларацияси қабул қилинди. Давлат раҳбарлари, шунингдек, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2019–2021 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш бўйича 2018–2022 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар режаси, жами 17 ҳужжатни имзолادилар. Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ, ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилингани саммитнинг яна бир аҳамиятли воқеаси бўлди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда ШХТнинг Циндао саммити самарали ўтгани, имзоланган ҳужжатлар ташкилотни янада ривожлантириш, минтақа мамлакатлари ва халқларини жипслаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТ саммити доирасида қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашувда ушбу давлат билан стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ўзгармас йўналиши экани таъкидланди. Мулоқотда томонларни қизиқтирган халқаро

ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Хитой раҳбари ХХР Ўзбекистон билан кенг қўламли стратегик шериклик ва кўп форматли ҳамкорликка катта аҳамият қаратишини таъкидлади. Учрашувда иқтисодиёт, савдо, инвестиция, транспорт коммуникациялари, юқори технологиялар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ШХТнинг Циндао саммити доирасида Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди. Унда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий, инновация ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ахборот технологиялари, тиббиёт, фармацевтика, туризм каби йўналишларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайн билан учрашув ўтказди. Учрашувда савдо, иқтисодиёт, кишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Циндао шаҳрида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан музокара ўтказди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи қардош ва қўшни

Афғонистонда тинчлик барқарор бўлишидан манфаатдор эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг биринчи ўринбосари Амина Муҳаммад хонимни қабул қилди. Давлатимиз раҳбари кейинги икки йилда Ўзбекистон — БМТ ҳамкорлиги фаол тус олгани, амалий натижалар билан бойиганини таъкидлади. Мулоқотда БМТ делегациялари раҳбарлари билан бўлиб ўтган аввалги учрашувларда эришилган келишувлар ижросининг бориши бўйича атрофлича фикр алмашилди. Ҳамкорликнинг истиқболдаги муҳим йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

11 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқаролик ҳолати даволатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12–13 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш

ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Кува туманида янги барпо этилган «Фарғона анорчилик» агрофирмаси билан танишди. Шу ернинг ўзида вилоятда агрологистика маркази, анорзорлар ташкил этиш, паррандачилик, чорвачилик, туячилик, балиқчилик, лимон, уруғлик картошка етиштириш, асаларичиликни ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Марғилон шаҳридаги «Наримтекс» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва ўзига хос дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда. Корхона замонавий технологиялар асосида жиҳозланган. Президентимиз ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, тикувчилар билан мулоқотда бўлди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Фарғона вилоятида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Фарғона вилоятидаги саноат корхоналарига инвестиция жалб этиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, ёшларнинг инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шу асосда бу ерда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шавкат Мирзиёев ижодкорлар боғини бориб кўрди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ҳайкали пойига гул қўйди.

Боғда, шунингдек, Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Эркин Воҳидов мемориал музейи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси, Нурунийлар маскани, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган 1500 ўринли амфитеатр ва бошқа инфратузилма объектлари қурилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, Марғилонда янги маънавият ўчоғи барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари мемориал музейдаги экспонатларни кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Нурунийлар масканида меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз Олтиариқ туманидаги «Исмоил Нозим обод» фермер хўжалигида бўлиб, мазкур хўжалик мисолида Фарғона вилоятида пахта ва ғалладан олинадиган ҳосилни кўпайтириш ва такрорий экин экиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Вилоят деҳқон ва фермерлари билан ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиб олиш, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев Олтиариқ тумани Қапчиғой маҳалласидаги «Smart kids» нодавлат мактабгача таълим муассасасини бориб кўрди. Шу ерда мамлакатимиз мактабгача таълим тизимида татбиқ этилаётган Интеграциялашган мониторинг электрон тизими тақдимоти ўтказилди.

Шу кун Олтиариқ туманида вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Видеоселектор шаклида ўтган йиғилишда вилоят иқ-

тисодиётини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи куни Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлди. Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган вазифалар ижросининг бориши билан танишди, ҳарбий-хаво десантчилари бригадаси машғулотларини кузатди, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордиқ маркази, Маънавият маркази, аутсорсинг тизими жорий этилган ошхонани кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Фарғона шаҳридаги Мустақиллик мавзесида барпо этилаётган кўпқаватли янги уй-жойлар билан танишди.

Шу ерда вилоятдаги мавжуд инфратузилма иншоотларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, Фарғона, Марғилон, Қувасой ва Қўқон шаҳарларидаги кўпқаватли уйларнинг иситиш тизимини қайта тиклаш, вилоятда ичимлик суви тармоқларини ривожлантириш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

* * *

14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги эълон қилинди.

* * *

14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Пре-

зиденти Владимир Путиннинг таклифига биноан Москва шаҳрига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари «Лужники» олимпия комплексида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг расмий очилиш маросимида иштирок этди.

Президентимиз олий мартабали меҳмонлар қаторида Россия ва Саудия Арабистони миллий терма жамоалари ўртасидаги футбол ўйинини томоша қилди. Хорижий давлатлар раҳбарлари билан самий мулоқотлар ўтказди. Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Тошкентга қайтиб келди.

* * *

19 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Дори воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш ва аҳолини улар билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонни имзолади.

* * *

20 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорни имзолади.

* * *

21 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқлар ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш натижалари таҳлилга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида ҳар бир лойиҳа ижросини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир муҳим масала — қишлоқ жойларда намунавий арзон уй-жойлар қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз бу борадаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Шаҳарларда арзон, кўпқаватли турар-жойлар қуриш ишларини ҳам жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди. Инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали ўзлаштиришни таъминлаш — муҳим вазифа экани алоҳида таъкидланди.

Лойиҳаларни амалга оширишнинг барча жараёнларини тўлиқ қамраб оладиган, уларни тайёрлашдан то ишга туширишгача бўлган даврни мониторинг қилиш имконини берадиган ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш юзасидан вазифалар белгиланди. Инвестиция таклифларини шакллантириш, ин-

весторлар топиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш, экспертиза қилиш, молиялаштириш ва амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берилди.

* * *

22 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдоғонни Туркия Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклаб, фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Сухбатда халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланаётгани ва мустаҳкамланиб бораётгани чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди. Давлат раҳбарлари, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли ва кўпқиррали ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида автомобиль

саноатида жорий йил учун белгиланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, тармоқнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда тармоқда маҳаллийлаштириш, аҳолига автомобилларни тез ва арзон етказиб бериш, ташқи бозорга экспорт қилиш замон талабларига умуман жавоб бермаслиги танқид қилинди.

Хукумат ва «Ўзавтосаноат» компанияси раҳбариятига мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғи жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаши учун уни изчил ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда, янада замонавий машиналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа инновацион технологияларни жалб этиш ва инвестициялар оқимини кўпайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Yoshlar — kelajagimiz»

Давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда зикр этилган дастурларни амалга ошириш бўйича эришилган дастлабки натижалар атрофлича таҳлил қилинди. Дастурда белгиланган ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Йиғилишда дастурга мувофиқ қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ипак йўли» туризм халқаро университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда биринчи марта нишонланаётган «Ёшлар куни» муносабати билан Ўзбекистон ёшларига байрам табриги йўллади.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президен-

ти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда савдо, ишлаб чиқариш кооперацияси, энергетика соҳалари, самарали транспорт ва транзит коммуникацияларини ривожлантириш, шунингдек, маданий-гуманитар йўналиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Олмазор туманида бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб тумандаги «Иброҳим ота» маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз мазкур маҳалла фаоллари ва аҳоли билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент ўйинчоқлар фабрикасида бўлиб, бу ерда бажарилган ишлар билан танишди. Шу ерда Олмазор туманида ташкил этиладиган Давлат хизматлари маркази биноси қурилиши лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон карлар жамиятининг Олмазор туманида жойлашган Карсоқовлар маданият маркази ҳудудида ҳам кенг камровли ишлар бажарилди. Президентимиз маданият маркази биносида яратилган шароитларни кўздан кечирди. Жамият аъзолари билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига

қаратилаётган эътибор, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш бўйича кўрсатилаётган гамхўрликлар ҳақида суҳбатлашди. Шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддинов, таэквондо бўйича Осиё чемпионати совриндори Даврон Хидиров, ёш режиссёр Олег Ошиповга Тошкент шахридан уй, маданият маркази учун иккита автобус совға қилди.

Президентимиз «Кўкча текстиль» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, тикувчи аёллар билан суҳбатлашди. Шунингдек, Олмазор туманидаги 2-ички ишлар бўлими фаолияти билан танишди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳар ИИББ қўриқлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль хизматларига ажратилган авто-мототранспорт воситалари, кўчма пост кабинаси намуналарини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Олмазор туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишди. Олмазор туманининг янги маркази — «Olmazor city»ни барпо этиш лойиҳаси тақдими ўтказилди.

Тошкент шаҳар Ёшлар марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Тошкент шаҳар фаоллари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишламаётган заводларни тиклаш, янги корхоналар ташкил этиш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳисобидан одамларга даромад манбаи яратиш, оилаларни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида экстрадиция тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида Пучон университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида ўзбек-тожик Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Душанбе, 2018 йил 9 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Медиация тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, улар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжудлиги, жумладан, катта мақсадлар билан тузилган Ёшлар иттифоқи ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга етарлича эътибор бермаётгани, ёшлар ўртасида жиноятларнинг олди олинмаётгани танқид қилинди. Шу муносабат билан Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларига ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, улар ўртасида жиноятларни кескин қисқартиришга қаратилган аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

* * *

4 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасига хорижий фуқароларнинг кириши тартибини оптималлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан Қозоғистонга ташриф буюрди ва Остона шахрининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда иштирок этди.

Президентлар дастлаб яқинда очилган «Остона» халқаро молия марказини бориб кўрдилар. Ушбу марказда ишбилармонлар учун яратилган шароитлар, истиқболда белгиланган режалар билан танишдилар.

Мустақиллик саройида Остона шахрининг 20 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тарихий сана билан Қозоғистон халқи ва Президент Нурсултон Назарбоевни самимий табриклади.

Остона шахрининг 20 йиллик тадбирлари яна бир самимий мулоқот майдони бўлди. Юбилейга Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистонга ташрифи чоғида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди. Музокарада икки мамлакат ҳамкорлигининг истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар муҳокама қилинди.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

каси Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Бухоро-агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда мутлақо янги соҳа бўлган атом энергетикасини барпо этиш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда атом электр станциясини қуриш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий-техник ва амалий ишлар муҳокама қилинди. Президентимиз шундай объектларни қуриш бўйича ривожланган давлатлар тажрибаси асосида иш тутиш, атом электр станциясини жойлаштириш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш ва геологик-қидирув ишларини сифатли бажариш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда ҳар бир босқичдаги ишларни пухта ишлаб чиқиш ва

амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

12 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги, фуқаролик авиацияси ва қайта тикланидиган энергетика соҳаларида, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида салмоқли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бора-

сидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

14 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

17 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 июль. Президент Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим сифатини янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу борада давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ўқувчининг ҳар бир синфда қайси кўникмаларга эга бўлишни инобатга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш, энг замонавий услублар асосида дарсликлар яратиш ва чоп этиш, мактабларда технология,

муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини кучайтириш, уларга тааллуқли лабораторияларни қайта жиҳозлаш, бунинг учун мактабларни интернет тармоғи билан қамрашни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаш, бунда тизимни бошқариш бўйича барча даражадаги ташкилий тузилмаларни қайта кўриб чиқиш вазифаси юкланди.

* * *

18 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида Атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Фан ва олий таълим

соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улўғбек шаҳарчасида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида бўлиб, бу ерда ташкил этиладиган Москва муҳандислик-физика институти филиали лойиҳаси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Ядро физикаси институти залида Фанлар академияси ва илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув ўтказди.

Президентимиз Тошкент шаҳри бўйлаб барпо этилаётган ер усти халқа метро линияси қурилиши билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Сергели тумани «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги янги уй-жойлар қурилишини бориб кўрди. Президентимиз қурилиш жараёни билан

танишар экан, уйларнинг мустаҳкам ва пишиқлигига, уларни қуришда замонавий, янги ва самарадор технологиялардан фойдаланилаётганига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Сергели тармоғи қурилишнинг боришини кўздан кечирди. Шу ерда Тошкент шаҳрида қурилиши режалаштирилган 9 қаватли уйлар лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Хорижий давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Президентини туғилган куни билан самимий табриклар, кўпмиллатли халқимизга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тиладилар.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти юритаётган вазмин ва конструктив ташқи

сиёсатга, давлатимиз раҳбарининг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, шунингдек, минтақамиз ва глобал миқёсда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган халқаро ва минтақавий ташаббусларига юксак баҳо берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий давлатлар раҳбарларига самимий табрик учун миннатдорлик билдириб, ўз навбатида, дўст мамлакатлар — Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркия халқларига тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик тилади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев таваллуд топган куни муносабати билан чин дилдан қутлаб, ўзларининг самимий табриклари ва эзгу тилақларини йўллаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, сармояларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда инвестиция маблағларини ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати сузтлиги танқид қилинди. Шавкат Мирзиёев Бош вазир ва унинг ўринбосарларига халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларининг асосий қисмини август-октябрь ойларида ўзлаштириш ва йил якунида прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажариш бўйича янги тармоқ жадвалларини тасдиқлаш вазифасини топширди ҳамда халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш учун «Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари» фаолиятини самарали ташкил қилиш муҳим эканини таъкидлади.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, мамла-

катимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органи ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш амалиёти авж олгани қайд этилди. Шу сабабли энди жиноятчиликни жиловлаш бўйича ишлар янгида тизимда ташкил этилиши, унга асосан масъул раҳбарлар жойларга бориб, жиноятларнинг сабабларини ўрганиши, муҳокама қилиши, такрорланишининг олдини олишга қаратилган аниқ чоралар кўришлари лозимлиги айтиб ўтилди.

Тегишли мутасаддиларга ички ишлар органининг бошқарув, тизимли таҳлил, прогноз ва назорат

йўналишларидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ғўза ривожини жадаллаштириш, ғалла ўрмидан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда 2018 йил 4 июль куни бўлиб ўтган видеоселекторда 5 июлдан 5 сентябрга қадар эълон қилинган «Ҳосилга-ҳосил кўшиш долзарб икки ойлиги»да амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди.

Мажлисда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экишни яқунлаш, шартнома тузиш ва бўнак маблағларини бериш ишларини жадаллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

— Томорқадан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича яратилган тизим натижа бериши шарт. Биз буни аҳоли турмуш шароитининг ўзгариши ва ички бозордаги нарх-наво билан баҳолаймиз. Барча раҳбарлар яхши тушуниб олиши керак. Томорқа — бу аҳолининг бандлиги, даромад манбаидир, — деди давлатимиз раҳбари.

* * *

1 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

1 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

1 август. Президент Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш, аввало, асосий тармоқлардаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг стратегиясини ишлаб чиқиш, корхоналарни хусусийлаштиришга тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодийига хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилган янги дастур ва лойиҳалар билан бойитиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимиз темир

йўл транспорти соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

3 август. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти жамоасига табрик йўллади.

* * *

3 август. Президент Шавкат Мирзиёев узум плантацияларини кўпайтириш, виночиликни ривожлантириш, алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Мажлисда мутасаддиларга узумчиликни ва узумни қайта ишлашни кескин ривожлантириш, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янги қувватлар ташкил этиш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш топширилди.

* * *

5 август. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Фармацевтика ва тиббиёт, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш

истикболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хиндистонга бўлажак давлат ташрифи Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги кўп асрлик азалий дўстлик ришталарига асосланган муносабатларда янги даврни бошлаш, икки томонлама ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

7 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини, кенг қўлланли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Норма ижодкорлиги

фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда чиқиндиларни қайта ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мутасадди раҳбарларнинг ахбороти тингланиб, тегишли топшириқлар берилди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларига табрик йўллади.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Чилонзор туманида Бунёдкор

ва Чўпонота кўчалари кесишмасида қурилган замонавий кўприкни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар билан мулоқот қилди.

Шу ерда пойтахтимиз ва ҳудудларда мавжуд кўприклар ҳолати, янги режалар ҳақида маълумот берилди. АҚШнинг «Crafco» компанияси ишлаб чиққан махсус техника ва ихчам механизациялар ёрдамида йўл ўтказгич ва кўприкларни таъмирлаш лойиҳаси намойиш этилди.

Президентимиз Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғини ҳам кўрди. Боғни замонавий қилиб қайта қуриш, бу ерда очиқ ва ёпиқ аквапарк барпо этиш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Камолон маҳалласида қурилаётган кўпқаватли уйларни бориб кўрди, ёзувчи-шоирлар билан мулоқот қилди. Хиёбон рўпарасида қурилаётган мазкур уй-жойлар ёзувчи ва шоирларга берилади. Қулайлик учун биринчи қаватда мактабгача таълим муассасаси ва оилавий поликлиника ташкил этилади.

Шавкат Мирзиёев қуриб битказилган хонадонлардан бирига кирди. Оилаларнинг тинч-фаровон яшаши, болаларнинг баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шароитлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари боғчада болаларга яратилган шароитлар билан танишди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларида замонавий турар-жой мажмуалари, ишбилармонлик марказлари, дам олиш масканлари ва сайилгоҳлар қуриш, жамоат транс-

порти хизматини яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Бўзсув канали бўйида қурилган сайилгоҳни кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳалар билан танишди.

«Ўзмиллийбанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Ипотекабанк» томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари саноатни инновацион ривожлантириш, хорижий тажриба асосида махсулдорлик ва рақобатбардошликни ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Тадбиркорларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюриб, уни замонавий масканга айлантиришга қаратилган лойиҳалар билан танишди. Чорсу бозори ва Гулбозор маҳалласида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, бу тарихий жойда туризмни ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз шу ерда маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани иқтисодиётини ривожлантириш, уй-жой-коммунал соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Шавкат Мирзиёев учрашувга йиғилган тадбиркорлар билан мулоқот қилди. Улар олдида турган муаммоларни ҳал қилиш, режа ва таклифларини қўллаб-қувватлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

* * *

14 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда инвестицияларни жалб этиш бўйича ижро натижаси қониқарсиз экани қайд этилди. Қайси раҳбар қандай инвестиция лойиҳаларига масъул экани, уларнинг қиймати ва бажарилиш муддатлари бирма-бир муҳокама қилинди. Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш ҳолати бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди. Бош вазир ўринбосарлари, ҳокимлар ва тармоқлар раҳбарларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни вақтида ва сифатли бажариш, янгиларини ишлаб чиқишни таъминлаш топширилди.

* * *

15 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурбон ҳайитини ни-

шонлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Эмомали Раҳмон Президентимиз ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Президентлар мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, инвестиция, қишлоқ ва сув хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Шундан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти

денти Эмомали Раҳмон Қўшма баёнотни, Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, антимонопол сиёсат ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, геология соҳасида қўшма илмий-тадқиқотлар ўтказиш, илмий-техникавий, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги, таълим, ёшлар, маданият ва санъат масалаларига доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликка оид, жумладан, Сурхондарё вилояти билан Хатлон вилояти, Самарқанд вилояти билан Сўғд вилояти ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқлик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Тожикистон Президенти халқларимиз ўртасидаги самимий дўстлик ва яқин қардошлик муносабатларининг яққол намунаси сифатида Президентимизга буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари таржимаси тўпланган «Чашмаи хирад» китобини совға қилди.

Тожикистон раҳбарининг ташрифи арафасида «Ўзэкспомарказ»да Тожикистон саноат маҳсулотлари кўرғазмаси очилди. Куннинг иккинчи ярмида Президентлар мазкур кўрғазмага ташриф буюрдилар.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон пойтахтимиздаги «Artel» заводида бўлдилар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги маиший техника ва электр жиҳозлари, илғор стандартлар асосида маҳсулот йиғув жараёни олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида «Дўстлик оқшоми» деб аталган концерт бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ўзбек ва тожик халқлари азалдан ёнма-ён яшагани, қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтганини таъкидлади.

— Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки ирмоғига ўхшайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еримиз ва сувимиз бир. Қувончу ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак. Аждодларимизнинг эзгу анъаналарини давом эттириб, халқларимиз дўстлигини мустаҳкамлашимиз ва асраб-авайлашимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тантанали маросимда Президентимиз Эмомали Раҳмонга икки томонлама ҳамкорликни, халқларимиз ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳисаси учун давлатимизнинг «Эл-юрт хурмати» орденини топширди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Туркманбоши шаҳрида бўлиб, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Президентимиз дастлаб «Аваза» сайёҳлик зонасида Туркменистон Президенти билан учрашди. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бу галги учрашуви ўзаро манфаатли, самарали ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди. Аввал эришилган келишувлар ижросига эътибор қаратилди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлиси Президентларнинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Тожикистон Республикаси Президенти

Эмомали Раҳмон иштирок этди. Мажлисида жамғарма фаолиятини такомиллаштириш, минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш, сув ресурсларини мувофиқлаштирган ҳолда бошқариш, бу борада Марказий Осиё мамлакатларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

Кенгайтирилган таркибдаги мажлисида Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон делегациялари аъзолари, халқаро ташкилотлар ва молия муассасалари вакиллари, экология ва сув масалалари бўйича мутахассислар қатнашди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Мажлис якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев автомобиль транспорти соҳасида бошқарувни такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт хизматла-

ри кўламини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар мавжудлиги қайд этилди. Тизимдаги ислохотларни изчил давом эттириш, замонавий транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазифалар белгиланди. Қишлоқдан шаҳаргача, туманлараро ҳамда шаҳарлараро йўналишларда транспорт хизмати кўрсатиш тизими ва инфратузилмасини яхшилаш юзасидан топшириқ берилди.

Йиғилишда юк ташиш тизимида хусусий секторни жалб этиш, хизмат таклиф этувчи ва мижозларга экспедиторлик хизмати кўрсатишни жорий этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

си мустақиллигининг йигирма етти йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Тожикистон Республикасининг бир гуруҳ давлат ва жамоат арбоблари, маданият, фан ва соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент вилоятида бўлди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Бекобод шаҳрида жойлашган мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири бўлган «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти фаолияти билан танишди.

Ташриф чоғида 60 миллион долларлик лойиҳа асосида замонавий, энергия тежовчи ва илғор технологиялар билан жиҳозланган ферроқотишмалар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда корхонанинг ишчи ва ходимлари, соҳа мутасаддилари, хорижлик инвесторлар иштирок этди.

Президентимиз қуйиш-прокатлаш мажмуаси қурилишига тамал тоши қўйди. Сўнг комбинатнинг ишчи

ва ходимлари билан суҳбатлашди. Уларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун яратилган шароитлар билан қизиқди.

Президентимиз Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 2018–2019 йилларда амалга ошириладиган лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириш бўйича мутассаддиларга топшириқлар берди.

Маълумки, Президентимиз 2017 йил 18 август кунини Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида Бекобод ва Олмалиқ шаҳарларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш таклифини илгари сурган эди.

Ўтган бир йилда Бекободда салмоқли ишлар амалга оширилди. 90 мингдан зиёд одам истиқомат қиладиган шаҳарда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжини қоплаш мақсадида ўнта етти қаватли уй қуриб битказилмоқда. Уйлар атрофига болалар майдончалари, замонавий савдо ва спорт шохобчалари қуриш ҳам режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи билан «Мустақилликнинг 27 йиллиги» деб ном берилган янги массивда жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятида барпо этилаётган кўпқаватли уйлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Оҳангарон шаҳридаги Амир Темур кўчасини реконструкция қилиш, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оҳангарон туманлари ҳудудидан ўтадиган ҳамда Тошкент–Бекобод ва Тошкент–Сирдарё автомобиль йўллари бўйлаб намунавий уйлар қуриш, вилоятда

ичимлик суви тизимини такомиллаштириш, кўмир, технологик чиқинди, минерал руда ва биомассани майдалаш, қуритиш ва сепарация қилиш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Бекобод туманидаги «Юсупов Гофуржон фэйз» фермер хўжалигида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари хўжалик далашийпонида вилоят фермерлари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти Зангиота туманида барпо этилаётган Тошкент металлургия заводи қурилиши билан танишди. Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечириб, заводнинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутадиган ўрни ҳақида тўхталар экан, бу ерда ишлайдиган мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

* * *

30 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

31 август. Эрта тонг. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлган марҳумларни ёд этиш маросими ўтказилди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Президентимиз диний уламолар, жамоатчилик вакиллари, таълим со-

ҳаси мутасаддилари билан суҳбатлашди.

* * *

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига келиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами арафасидаги фармонларига мувофиқ, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматлари учун бир қатор чет эл фуқаролари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

31 август куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта чет элликларга Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев кўп миллатли халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигини кенг нишонлаётганини, ушбу тарихий санани биз билан биргаликда давлатимизнинг кўпсонли дўстлари ва шериклари — дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, йирик хорижий компаниялар ва молия институтлари вакиллари байрам қилаётгани ҳаммамизни қувонтиришини алоҳида таъкидлади.

* * *

Президентимиз фармонларига мувофиқ, мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида мамлакатимизни

ҳар томонлама ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ўз соҳаларида юқори натижаларга эришган бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Президентимиз йиғилганларни Мустақиллик байрами, шунингдек, давлат мукофотларига сазовор бўлгани билан табриклади.

* * *

31 август. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллиги билан халқимизни муборакбод этиб, нутқ сўзлади. Ушбу нутқ матбуотда чоп этилди.

* * *

3 сентябрь. Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳридаги «Рух ўрда» маданият марказида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммити бўлиб ўтди. Унда ушбу тузилмага аъзо мамлакатлар — Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Республикаси Бош вазири Виктор Орбан анжуманда фахрий меҳмон сифатида қатнашди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши 2009 йилда ташкил этилган. Ташкилот котибияти Истанбул шаҳрида жойлашган. Ўзбекистон мазкур кенгаш анжуманида биринчи марта иштирок этди.

Саммитда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда чоп этилди.

* * *

4 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4–5 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Халил ас-Сиси расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

«Кўксарой» қароргоҳида ўтган расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Абдулфаттоҳ ас-Сиси ўртасида тор доирада учрашув бўлиб ўтди.

Президентлар хавфсизлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратдилар. Терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Миср Президентларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида савдо-сотиқ ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш, шу мақсадда мамлакатларимиз имкони-

ятларидан кенг ва самарали фойдаланиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сисининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандумлари, таълим, туризм, археология, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019–2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингари жами 12 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар мулоқотлар очик, дўстона ва амалий руҳда ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини таъкидладилар.

Абдулфаттоҳ ас-Сиси Шавкат Мирзиёевни расмий ташриф билан Мисрга таклиф қилди.

* * *

5 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси, Малайзия ҳамда Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Леонид Маринич, Хенди Ассан ва Язгули Маммедовдан ишонч ёрликларини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти янги тайинланган элчиларнинг бой тажрибаси, билими ва самарали дипломатик фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Янги тайинланган элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга бор куч-қайратини сафарбар қилишини қайд этди.

* * *

6 сентябрь. Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Оқсарой майдонида ўтаётган халқаро мусиқа санъати анжумани иштирокчилари ва меҳмонларини қутлаб, жаҳон халқларининг мусиқий хазинасига айланган мақом санъатини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга безавол етқа-

зиш мазкур анжуманнинг асосий мақсади эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

11 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев давлат бюджетига тушумларни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларни тўлиқ бажариш, 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган макроиктисодий кўрсаткичларга эришиш, пахта-тўқимачилик соҳасида кластерларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифа ва мақсадли параметрларни бажариш ҳолати муҳокама қилиниб, яна қўшимча резервларни ишга солиш чораларини кўриш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари мақсадли ва прогноз параметрларига эришишда муаммо мавжуд бўлган соҳа ва тармоқларда ишларни жадаллаштириш, белгиланган кўрсаткичларни таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

2018 йилда ишга туширилиши мўлжалланган объектларни фойдаланишга топшириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳолати таҳлил қилинди.

* * *

12 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 13 сентябрь куни «Кўксарой» қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко тор доирада учрашув ўтказди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликка доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашга, турли соҳалардаги амалий ҳамкорликни изчил ривожлантиришга келишиб олдилар.

Расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда ўтказилган музокарада Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва янада кенгайтириш, икки мамлакат иқтисодиётининг бир-бирини тўлдиришини ҳисобга олган ҳолда, шерикликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Қўшма баёнотни имзоладилар. Ташриф доирасида 19 ҳужжат, жумладан, ўзаро савдога кўмаклашиш тизими, саноат мулкани муҳофаза қилиш, божхона ишларида ўзаро ёрдам тўғрисида, фан ва технологиялар, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, тиббиёт, олий таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида битим ва шартномалар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтгани, унинг натижалари янада мустаҳкам ва кенг кўламли бўлишини қайд этди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко «Ўзэкспомарказ»да очилган «Беларусда ишлаб чиқарилган» кўргазмасига ташриф буюрдилар. Александр Лукашенко Президентимизга Беларусь иқтисодиёти, унинг асосий тармоқлари салоҳияти ҳақида сўзлаб берди. Давлат раҳбарлари юқори технологиялар соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, жумладан, икки мамлакатнинг инновацион марказлари ва технопарклари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда биргаликда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенко Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи худудида ташкил этилган «Амкодор-Агротехмаш» қўшма корхонасининг очилишида иштирок этдилар.

Шу ерда қўшма корхонада ишлаб чиқарилган дастлабки экскаваторлар намойиш этилди.

* * *

18 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган АҚШнинг халқаро диний эркинлик соҳасида алоҳида топшириқлар бўйича элчиси Самуэль Браунбэрни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, жумладан, диний эркинлик ва конфессиялараро тотув-

ликни таъминлаш соҳасидаги конструктив мулоқотни ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди.

* * *

19 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

19 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Миссисипи штати Миллий гвардияси қўмондони генерал Женсон Бойлз ва АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келлини қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Миллий гвардияси ва тегишли идораларининг Миссисипи штати Миллий гвардияси билан, жумладан, жамоат тартибини таъминлаш ва фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилиш соҳасида тажриба алмашиш, тренинг ва тадбирлар ўтказиш бораси-

да амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, Миссисипи штатининг етакчи корхоналари ва компаниялари билан савдо ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларида шерикликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

19 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимидаги ишларни таҳлил қилиш, соҳани жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Президент ҳузуридаги йиғилишларда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш қандай бораётгани таҳлил қилинди. Соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда бўлиб турган Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг етакчи араб жамғармалари делегациясига бошчилик қилаётган Ислон тараққиёт банки президенти Бандар Хажарни қабул қилди.

Сухбат давомида ушбу банк билан амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. Қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини яхшилаш, инфратузилмани модернизация қилиш, мамлакатимиз

худудларидаги тиббиёт ва таълим муассасаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, тадбиркорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини, жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳамкорлик учун улкан салоҳият, энг муҳими, уни янада мустаҳкамлашга ўзаро интилиш мавжудлиги таъкидланди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақасининг транспорт масалаларига бағишланган «Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар» мавзусида ўтказилаётган халқаро конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича истиқболдаги муҳим вазифалар белгилиб берилди. Аҳоли, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турлари билан шуғуллантириш ишлари яхши йўлга қўйилмагани, дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаларидаги спорт объектларидан барча ёшдаги одамларнинг фойдаланиши ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Мутасадди раҳбарларга барча спорт федерациялари фаолиятини танқидий ўрганиб, уларнинг иши-

ни, айниқса, селекция йўналишини тубдан яхшилаш, раҳбар кадрларнинг масъулиятини ошириш топширилди.

Йиғилишда 2020 йил Токиода ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масаласи ҳам муҳокама қилинди. Мамлакатимиз спортчиларининг кўплаб лицензияларни қўлга киритиши ҳамда муносиб иштирок этиши учун тайёргарликни кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2019—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

24 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини яқунлаётган Америка Қўшма Штатларининг Фавқулудда ва мухтор элчиси Памела Спратленни қабул қилди.

АҚШ элчиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди. Америка Қўшма Штатлари икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратиши

ҳамда мамлакатимиз билан кўп-қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга интилиши қатъий эканини қайд этди.

Учрашув якунида мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун АҚШнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Памела Спратлен «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

* * *

24 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Туркия Республикаси Буюк Миллат Мажлиси раиси Бинали Йилдирымни қабул қилди.

Сухбатда олий даражадаги учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш, шунингдек, ҳамкорликка оид қўшма дастур ва лойиҳаларнинг парламентлар вакиллари томонидан фаол қўллаб-қувватланиши муҳимлиги қайд этилди.

* * *

25 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27–28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

Душанбе халқаро аэропортида Президентимизни Тожикистон Республикаси Президенти кутиб олди. Президентлар Душанбе шаҳрида икки томонлама учрашув ўтказди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил 7 март куни Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида ўзбек ва тожик халқларининг буюк мутафаккирлари — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийга ҳайкал ўрнатилган эди. Ана шу эзгу ташаббусга жавобан Душанбе шаҳрида Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи барпо этилиб, унда икки буюк сиймонинг ҳайкали қад ростлагани халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ифодаси бўлди.

Президентимизнинг ташрифи доирасида мазкур янги боғ ҳамда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкалнинг очилиш маросими бўлди. Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон ушбу икки буюк мутафаккир ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев Президент Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида Турсунзода шаҳрига ташриф буюрди. Шаҳарга кираверишда минглаб одамлар давлатимиз раҳбарини катта хурсандчилик,

тантана билан кутиб олди. Миллий куй-кўшиқлар, рақслар ижро этилди. Президентлар Турсунзода шаҳридаги «Талко» давлат унитар корхонасига ташриф буюрдилар.

Ўзбекистоннинг «Крантас групп» масъулияти чекланган жамияти билан Тожикистон алюминий компанияси ҳамкорлигида 2018 йил июль ойида ташкил этилган «Талко-Крантас махсус техникалар заводи» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон—Тожикистон қўшма корхонаси тақдироти бўлиб ўтди.

Турсунзода туманидаги «Боғи сомон» деҳқон хўжалиги раҳбари Камол хожи Мадумаров асли олти-ариклик уста деҳқон фарзанди. У ота касбини давом эттириб, элда обрў топган. Хўжалик узумзори 500 гектар. 1 минг 100 ишчи меҳнат қилаётган хўжаликда узумнинг «Хусайни», «Ризамат», «Каттақўрғон», «Келин бармоқ» каби 7 хил нави етиштирилади.

Президентлар хўжалик узумзорларида бўлди. Шавкат Мирзиёев Камол ота Мадумаровга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Captive» автомашинасини совға қилди. Давлатимиз раҳбари шу тумандаги «Ваган» деҳқон хўжалигида бўлиб, унинг раҳбари Неъмат хожи Усмоновга ҳам «Captive» машинасини тухфа этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикасига сафарининг иккинчи куни Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказдилар. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкор-

ликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини тақомиллаштириш, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президентимиз дунё микёсида жадал ўзгаришлар рўй бераётган, глобал хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўпқиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Тор доирадаги учрашувда 2019 йилда МДХга раислик ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш жойи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Қабул қилинган қарорга кўра, 2019 йилда Ҳамдўстликка раислик Туркманистонга ўтди. Ўзбекистон Республикаси ташкилотга ҳамраис этиб белгиланди.

Давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда турли соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларига доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди. Коинотни тадқиқ этиш ва тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида МДХ конвенцияси ҳамда 1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тадбирлар режаси маъқулланди. МДХга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 2019—2023 йилларга мўлжалланган жиноятчилик-

ка қарши курашиш бўйича қўшма чора-гадбирлар давлатлараро дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жинойтларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, 2021 йилни МДХда архитектура ва шаҳарсозлик йили деб эълон қилишга қарор қилинди. Жами 16 ҳужжат имзоланди.

* * *

28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

30 сентябрь — 1 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ҳиндистоннинг қадимги пойтахти Агра шаҳрига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан жаҳонга

машҳур Тож Маҳал меъморий обидасини зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёев мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз Ҳиндистон пойтахти Нью-Дехли шаҳрига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи анъаналарига хос тарзда кутиб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Унда Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулудда ва мухтор элчиси Винод Кумар, Ҳиндистон саноатчилари конфедерацияси бош директори Чандражит Баннержи, шунингдек, бир қатор нуфузли компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Мулоқотда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиши учун кенг имконият яратётгани таъкидланди.

Ташриф арафасида Нью-Дехлида ўтказилган бизнес-форум икки мамлакат ишбилармон доираларининг ҳамкорлиги учун самарали майдон бўлди. Ушбу форумда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгашини таъсис этиш масалалари муҳокама этилди.

Ташрифнинг иккинчи куни «Раштрапати Бхаван» саройида давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев шу ерда мам-

лакатимиз ва Хиндистон оммавий ахборот воситалари учун қисқача баёнот берди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳридаги «Раж Гхат» ёдгорлигига ташриф буюриб, ҳинд халқининг миллий қаҳрамони Маҳатма Ганди хотирасига ёқилган мангу олов ёнига гулчамбар қўйди. Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби хотирасига ҳурмат бажо келтирди, мажмуанинг фажрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Хайдаробод саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, инновация, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модининг мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Музокараларда савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, юқори технологиялар, тиббиёт, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг янги имкониятлари муҳокама қилинди. Бу борада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўплиги, ушбу ташриф ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Хиндистон муносабатларига янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Нью-Дехлида ўтган олий даражадаги музокаралар якунида имзоланган ҳужжатларни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон – Хиндистон мулоқоти якунида икки мамлакат ҳамкорлигини турли соҳаларда янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган 20 та ҳужжат имзолангани қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Хиндистон Республикаси Бош вазирининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод этиш, туризм, қишлоқ хўжалиги, фан-техника ва инновациялар, коинотни тадқиқ этиш ва ундан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт илми соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматларaro битимлар имзоланди. Бундан ташқари, ҳарбий таълим, ҳуқуқ ва адлия, фармацевтика соҳаларидаги муносабатларни ривожлантиришга доир ўзаро англашув меморандумлари қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Хиндистон билан алоқаларга устувор аҳамият қаратиши, амалий руҳда ўтган музокаралар томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини тасдиқлаганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Хиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сушма Свараж хонимни қабул қилди. Мулоқотда давлатимиз

раҳбари Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасида дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилда томонларнинг интилиши натижасида ўтказилган учрашувлар, қатор делегациялар алмашувлари давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани юқори баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Нью-Дехли шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Хиндистон Республикаси вице-президенти, сенат раиси Венкай Найдунни қабул қилди. Учрашувда мамлакатларимиз алоқаларини ривожлантиришнинг турли жиҳатлари, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари «Раштрапати Бхаван» саройида Хиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд билан учрашди.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ислом ҳамкорлик таш-

килоти Уставига киритилган туза-тишни (Абиджан, 2017 йил 10–11 июль) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ислом мамлакатларининг стандартлар ва метрология институти Устави ва Тартибқоидаларини (Истанбул, 1999 йил 7 ноябрь, 2017 йил 7 май ҳолатидаги ўзгартиришлар билан) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетика соҳасидаги ишлар аҳволини чуқур таҳлил қилиш, тармоқни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда электр энергетика соҳаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги қайд этилиб, соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Сайлов жараёнига замо-

навий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат органлари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Томонлар мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Сухбатда ҳамкорликни ривожлантириш ва эришилган келишувлар ижросини тўлиқ таъминлашда икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида мунтазам амалий мулоқотлар муҳимлиги қайд этилди.

* * *

8–9 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган «Орли» халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Франция Республикасининг расмий шахслари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қарор-

гоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги 2018–2021 йилларга мўлжалланган қўшма Харакатлар режаси қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКОнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди.

Мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Франция Сенати биносини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франциянинг энг йирик компаниялари раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Унда «Тотал», «Тотал Эрен», «Орано», «Фивс Штейн», «Ранжис Семмарис», «Винчи», «Суэц», «Сад», «Идемия», «Мерсие», «Талес Аления Спейс», Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби Европа ва жаҳон бозорида етакчи компаниялар ва молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётгани, улар фаолиятини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, бизнесни ривожлантириш йўлидаги турли тўсиқларга барҳам берилгани, ташқи савдо ва божхона-тариф назорати сезиларли даражада қисқартирилгани таъкидланди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 9 октябрь куни бўлиб ўтди. Париж шаҳридаги Шон-шараф майдонида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Франция Республикаси Президентининг Елисей саройига йўл олди.

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон ўртасида бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистон—Франция муносабатларини янада ривожлантириш, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда курашиш муҳимлигини қайд этдилар. Минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим шarti сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Бунда олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш ушбу муаммони ҳал этишнинг бирдан-бир йўли эканига эътибор қаратилди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, технологиялар, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, туризм каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш бўйича Ўзбекистонда Франциянинг етакчи университетлари филиалларини очиш борасида келишувларга эришилди. Автомобиль транспортида халқаро йўловчи ва юк

ташиш, туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Франция тараққиёт агентлиги билан 2018—2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш тўғрисида аҳдлашув битими имзоланди. Шунингдек, 2019—2020 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Франция экология, барқарор тараққиёт ва энергетика вазирлиги ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор тараққиёт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат ички ишлар, маданият вазирликлари, Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ва Лувр музейи ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми каби ҳукуматлараро ва идоралараро жами 10 та ҳужжат қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Лувр музейига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари музей экспонатларини томоша қилди ва уларнинг тарихи билан қизиқди. Бу ерда сақланаётган тарихий меросимиз намуналари халқимиз учун ниҳоятда қадрли ва аҳамиятли эканини таъкидлади. Ўзбекистон ва Франция музейлари ҳамкорлигида кўргазмалар ташкил этиш, археолог ва тарихчи олимларнинг илмий ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

* * *

10 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан, ичимлик сувидан

оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда қўшинларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини янада ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжуд қурол-яроғ намуналарини модернизация қилиш, минтақа ва дунё мамлакатлари билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни фаоллаштириш, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилма объекларини, қўшинларнинг техник ва фронт орғи таъминоти тизимларини ривожлантириш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш якунлари бўйича Президентимиз томонидан Қуролли Кучлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва умуман, мамлакат мудофаа қобилиятини юксалтиришнинг устувор йўналиш ва вазифалари белгилаб берилди.

* * *

10 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида Вазирлар Маҳкамаси ва иқтисодий идоралар раҳбарлари иштирокида мамлакат-

ни жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати ва йил якунлари бўйича қўйилган натижалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда молиявий бозорнинг ривожланиши иқтисодиётни янада либераллаштириш ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг асосий омили экани, мамлакатимизда валюта бозорининг эркинлаштирилиши иқтисодиётда ликвидлик даражаси ошиши ҳамда бўш пул маблағларининг муҳим инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этилишини тақозо қилиши таъкидланди. Капитал бозорини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва суғурта компанияларининг бўш маблағларини муҳим лойиҳаларга жалб қилиш ҳам яхши самара бериши, бу борада янги ислохотларни амалга ошириш давлат бюджети харажатларини бир маромда молиялаштириш учун имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Томонлар энг муҳим масалалар, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда самарали курашиш бўйича ёндашувлари муштарак эканини қайд этдилар.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев юртимизга ташриф билан келган Миср Бош имоми, Ал-Азҳар мажмуаси раҳбари шайх Аҳмад Муҳаммад Таййибни қабул қилди.

Учрашувда бугунги кунда муқаддас ислом динининг бағрикенглик тамойилларини, маърифий қадриятларини тарғиб қилиш, унинг инсонпарварлик моҳиятини асраш, диний-маънавий меросни тадқиқ этиш, турли хавф-хағарларга қарши курашиш борасида Ўзбекистон ва Мисрда катта ишлар қилинаётгани қайд этилди.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини содда-лаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 октябрь. Президентимиз Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, пахта йиғимтеримининг бориши билан танишиш мақсадида Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Валихон ота» фермер хўжалигига ташриф буюрди. Президентимиз бу ерда вилоятнинг бир гуруҳ илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари билан мулоқотда бўлди. Учрашувда пахта йиғим-терими ишларининг бориши, такрорий экин экиш ҳолати, вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбари фермер хўжалиги даласида синовдан ўтказилаётган замонавий пахта териш машинаси билан танишди.

Президентимиз мулоқот сўнгида соҳага инновацион технологияларни кенгроқ жалб этиш, ҳосилни ёғинсочинли кунларга қолдирмасдан йиғиштириб олиш лозимлигини қайд этди.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташир буюрган МДХга аъзо давлатлар мудофаа идоралари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Озарбайжон мудофаа вазири Э. Гасанов, Арманистон мудофаа вазири Д. Тоноян, Беларусь мудофаа вазири А. Равков, Қозоғистон мудофаа вазири Н. Ермекбаев, Россия мудофаа вазири С. Шойгу, Тожикистон мудофаа вазири Ш. Мирзо, Қирғизистон Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғи Р. Дуйшенбиев ва МДХ Мудофаа вазирлари кенгаши котиби Ю. Дашкин иштирок этди.

Президентимиз делегациялар раҳбарларини қутлар экан, МДХ Мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси илк бор Тошкентда ўтказилаётгани мамлакатимизнинг Ҳамдўстлик фаолиятидаги иштироки янги босқичга кўтарилганидан далолат эканини мамнуният билан таъкидлади.

Учрашувда МДХ доирасида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни, жумладан, идоралараро шерикликни янада кенгайтириш, икки ва кўп томонлама тадбирлар ўтказиш, профессионал ҳарбий кадрларни тайёрлаш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро ва минтақавий сиёсат, хусусан, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари МДХ Мудофаа вазирлари кенгаши мажлиси ишига муваффақиятлар тилади.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбири соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқот ва учрашувлар қардош халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини, ўзаро ҳурмат, қўллаб-қувватлаш ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари-

ни мустаҳкамлашга, икки томонлама фойдали ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари қардош мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноатини жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда тармоқ фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш ва кимё саноатини янада ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Президентимиз мутасадди раҳбарларга бу борада татбиқ этилаётган лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди. Соҳага инновациялар умуман жорий қилинмагани, илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Йиғилишда мутасаддиларга белгиланган барча вазифалар бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ва унинг ижросини мунтазам муҳокама қилиб бориш топширилди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

касида тез тиббий ёрдам хизмати-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг ижтимоий жихатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18–19 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Исом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари кутиб олди. Президентлар шу ерда қисқа суҳбат ўтказдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 19 октябрь куни Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин тор доирада музокара ўтказдилар.

Учрашувда ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни ҳар томонлама ривожлантириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди, мамлакатларимизнинг долзарб минтақавий ва халқаро масалаларга доир ёндашувлари мос ёки яқин экани таъкидланди. Президентлар хавфсизлик соҳасида ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш принципларига асосланган шериклик муносабатларини кенгайтириш Марказий Осиё минтақасидаги янги таҳдид ва хатарларга қарши курашиш вазифаларини биргаликда ҳал этишга хизмат қилишини қайд этдилар. Терроризм, экстремизм, айниқса, ёшлар орасида радикаллашувга қарши курашиш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнини афғон халқининг ўзи амалга ошириши зарурлигини яна бир бор таъкидладилар. Давлат раҳбарлари Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ва самарали минтақавий ҳамкорлик ривожидан ижобий тенденциялар кузатилаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин музокараларни икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирди. Унда савдо-иқтисодий инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди. Музокараларда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш, транспорт ва энергетика соҳаларида ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида салмоқли ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Қўшма баёнотни имзоладилар. Ташриф доирасида имзоланган 2019–2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2019–2021 йилларда маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик дастури, «Суффа» халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича йўл харитаси, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини таъминлаш тўғрисидаги битим, Тўқимачилик саноатида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алмашилди. «Мустақилликнинг 25 йиллиги» конини қўшимча разведка қилиш ва жиҳозлаш ҳамда Сурхондарё вилоятида газ-кимё мажмуасини қуриш бўйича «Ўзбекистон мустақиллиги» инвестиция блокига доир қўшимча битим, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва

М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистонда Москва давлат халқаро муносабатлар институтининг филиалини ташкил этиш тўғрисида битим, Фанлараро илмий таълим марказини ташкил этиш тўғрисида битим, Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши ва «Бутунроссия ректорлари иттифоқи» жамоат ташкилоти ўртасида битим, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Россия Федерацияси Миллий гвардия кўшинлари федерал кўшинлар хизмати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, жами 20 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Президентлар тор ва кенг доирадаги музокаралар ҳар доимгидек очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар.

Куннинг иккинчи ярмида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан икки томонлама муносабатлар тарихида илк бор «Ўзбекистон—Россия» ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ташкил этилди. «Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган форумда Россия ҳудудлари, етакчи компания ва саноат корхоналари раҳбарлари — жами мингдан зиёд

киши иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ушбу форумга ташриф буюрдилар.

Форумда ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий масалалари, аниқ лойиҳа ва дастурлар муҳокама қилинди. Уларнинг натижасида умумий қиймати 2 миллиард долларлик келишув ва шартномалар имзоланди.

«Ўзэкспомарказ»да мамлакатимиздаги биринчи атом электр станцияси қурилиши лойиҳасининг бошланишига бағишланган тантанали маросим ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин рамзий тугмани босиб, ушбу йирик лойиҳага старт бердилар.

Тадбирни видеоалоқа орқали кузатиб турган «Ўзатом» агентлиги ва «Росатом» давлат корпорацияси мутахассислари Ўзбекистонда биринчи атом электр станцияси қурилиш майдонини танлаш учун муҳандислик тадқиқотлари бошланганини эълон қилди.

* * *

20 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка—Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, аввало, технологиялар соҳасидаги шерикликни ривожлантиришнинг аниқ истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари савдо вазири Вилбур Россни қабул қилди.

Учрашувда АҚШнинг жаҳонга машҳур саноат холдинглари, молия-инвестиция корпорациялари ва банклари раҳбарлари ва вакиллари иштирокида ўтган Ўзбекистонда АҚШ бизнеси ҳафталиги тадбирларининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди. Савдо, саноат ва юксак технологиялар, қишлоқ хўжалиги, логистика ва транспорт соҳаларида

аниқ лойиҳа ва дастурларни рўёбга чиқаришда амалий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда олий таълим муассасаларининг нуфузи, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти халқаро илмий ҳамжамиятда муносиб ўринга эга эмаслиги қайд этилди. Таълим жараёнига дунёда тан олинган фан арбоблари, юқори малакали профессор-ўқитувчиларни жалб этиш яхши йўлга қўйилмагани танқид қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон—Россия таълим форуми натижаларига ҳам эътибор қаратилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур «йўл харита»ларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган келишувлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини мустаҳкамлаш, малакасини ошириш, олий таълим тизимига илмий-технологик ишланмалар ва ахборот

технологияларини кенг жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

26 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри Юнусобод туманига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан танишди.

Президентимиз Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичидаги қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Боғишамол маҳалласида жойлашган «Севинч» номли 74-мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди, тарбиячилар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати ва уларни ривожлантиришга оид лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Шу ерда Жанубий Кореянинг Пучон университети раҳбарлари билан видеоконференция орқали мулоқот қилинди. Президентимиз боғча

тарбияланувчиларига совғалар берди.

Шавкат Мирзиёев «Юнусобод» замонавий ишбилармонлик маркази лойиҳаси билан танишди. Шу ерда Юнусобод туманидаги кўпқаватли уйларни бошқариш бўйича таклифлар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари «Амилов» қандолат маҳсулотлари фабрикаси фаолияти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзэкспомарказ»да Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳокимлари, мутасаддилар ва секторлар раҳбарлари, маҳалла раислари иштирокида йиғилиш ўтказди. Унда Юнусобод туманини иқтисодий ривожлантириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда Давлат бюджетининг қутилаётган ижроси, 2019 йилга мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда келаси йили бюджет даромадлари изчил ошиши, солиқ тизимида жорий этиладиган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнесга катта энгилликлар яратилиши таъкидланди.

Бюджет камомадини қисқартириш, даромадларни кўпайтириш, жумладан, ишчилар сони ва иш ҳақини легаллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди. 2019 йилги бюджетномани, шунингдек, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тегишли қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиб, яқин вақт ичида Олий Мажлисга тақдим этиш вазифаси қўйилди. Қўшимча қиймат солиғи тўлашнинг соддалаштирилган механизмини жорий этиш, мавжуд имтиёзларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, оптимизация қилиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

* * *

31 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, томчилагиб суғориш технологиясини кенг жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш, минерал ўғитлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги техника паркани янгилаш, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда долзарб вазифалар белгилаб берилди.

* * *

31 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Респуб-

ликаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 20 йиллиги муносабати билан бир-бирларига табрик йўлладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари ушбу муҳим сана муносабати билан халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев халқ таълими тизимини янада ривожлантириш борасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Президентимиз соҳа олдида кўплаб вазифалар тургани, дарсликлар таъминоти, таълим дастурлари сифати, ўқитувчилар билим ва маънавиятини ошириш, кадрлар етишмовчилигини бартараф этиш, чет тилларини ўқиш имкониятини кенгайтириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

Йиғилишда халқ таълими тизимида ўқув жараёнини автоматлаштириш, ўқувчиларни мактабга

қабул қилиш ва кўчириш хизматларини электрон шаклга ўтказиш, давлат-хусусий шериклик асосида хусусий мактаблар ташкил этиш суи бораётгани қайд этилди. Шу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Мактабларнинг биноси, уларнинг моддий-техник базаси ҳолатига ҳам эътибор қаратилди.

Мактабларда билим бериш ва ўзлаштириш даражаси замон талабларига мос эмаслиги танқид қилинди. 10–11-синф ўқувчиларини касб-хунарга ўргатиш мақсадида ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этиш ва уларни жиҳозлаш ишлари қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди.

Мактабларда компьютер билан таъминланганлик даражасини танқидий ўрганиб, уларни жиҳозлаш бўйича аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқиш, информатика фанини ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Халқ таълими ва Молия вазирликлари маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2 ҳафта муддатда мактабларни куз-қиш мавсумига тўлиқ тайёрлаш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурда Тошкент халқаро арбитраж марказини (ТІАС) ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қў-

шимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Давлатимиз раҳбари барча ислохотлардан асосий мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш экани, сифатли тиббий хизмат бу борада муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Оналар ва болалар ўлимига сабаб бўлаётган омилларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида тиббиёт соҳасини ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ривожлантириш йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

12 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2019 йилда расмий сана-

ларни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбатда давлат раҳбарлари кенг кўламли икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни олий даражада эришилган келишувлар доирасида ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

* * *

15–16 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. Президентимиз дастлаб Нукус халқаро аэропортида амалга оширилган модернизация ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз Мўйноқ туманига ташриф буюрди. 2019 йилда Мўйноқ туманида саноат соҳасида 12 та, қишлоқ хўжалигида 5 та, хизмат кўрсатиш бўйича 14 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз келгуси икки йилда Мўйноқда 20 та кўпқаватли уй қуриш, янги шаҳарча барпо этиш бўйича топшириқ берди. Бу ерда замонавий шаҳарсозликдаги барча янгиликларни жорий этиш, намунавий инфратузилма яратиш зарурлигини таъкидлади.

Экология музейи залида маҳаллий аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотда ана шу улкан режалар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Қанликўл туманида барпо этилган «Kanteks invest» тўқимачилик корхонаси билан танишиб, корхонанинг ишлаб чиқариш биноси, тўқимачилик дастгоҳларини кўздан кечирди, таъсисчилар билан суҳбатлашди. Шу ерда Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган иқтисодий лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев «Қўнғирот» овул фуқаролар йиғинидаги 23-оилавий поликлиникада яратилган шароитлар билан танишди. Президентимизга бу ерда мобиль офтальмологик клиника фаолияти ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимиз Қўнғирот туманидаги «Wunderkinds in Kungirad» мактабгача таълим муассасасида бўлиб, ходимлар билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев

Қорақалпоғистонга ташрифининг иккинчи куни Шимоли-Ғарбий ҳарбий округга қарашли Нукус гарнизонида бўлди. Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижроси билан танишди, ҳарбийлар билан мулоқот қилди, ўқув корпусларида турли мутахассисликлар бўйича ўтказилаётган машғулотлар жараёнини кузатди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрининг «Қумбуз овул» маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган кўпқаватли уйлар ва уларнинг биринчи қаватида жойлашган нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳамда оилавий поликлиника билан танишди. Президентимиз давлатхусусий шериклик асосида бунёд этилган «Навше» нодавлат мактабгача таълим муассасаси шароитларини кўздан кечирди.

Президентимиз 8-оилавий поликлиника шифокорлари билан суҳбатда тиббиётга муносабат ўзгарганини, соҳа вакиллари патронаж хизматини манзилли йўлга қўйиши кераклигини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Абдамбетов кўчасида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, «Nukus city» шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон иқтисодиётини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари иштирок этган видеоселектор йиғилишини шаҳар ва туманларда кенг

жамоатчилик вакиллари кузатиб борди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус халқаро аэропортида нуронийлар, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди.

* * *

16 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда ўзаро савдо ҳажминини ошириш, саноат, энергетика, транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кооперацияни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

19 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев конгрессмен Трент Келли бошчилигидаги АҚШ Конгресси делегациясини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари таркибида АҚШ Вакиллар палатаси аъзолари Висенте Гонсалес, Роналд Эстес, Рожер Маршалл ва Женнифер Гонсалес Колон ҳам бўлган делегацияни самимий қутлар экан, конгрессменларни АҚШ парламентига оралик сайловнинг муваффақиятли ўтгани билан табриклади.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

* * *

19 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон На

зарбоев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот давомида давлат раҳбарлари олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасидаги амалий ҳамкорлик истиқболларини, шунингдек, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар. Долзарб минтақавий ва халқаро масалалар, жумладан, 2019 йилда мамлакатимизда ўтказиладиган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашувига тайёргарлик ишлари хусусида фикр алмашилди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик маркази худудида барпо этилаётган замонавий иншоотлар қурилиши билан танишди.

Президентимиз дастлаб дунёнинг етакчи брендларидан бўлган беш юлдузли «Hilton» меҳмонхонаси қурилишини кўздан кечирди.

Президентимизга 7-лотда амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари «Gardens Residence» турар-жой мажмуасини ҳам бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари «Tashkent City» нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёдаги энг улкан ишбилармонлик ва турар-жой масканига айланиши кераклигини таъ-

кидлаб, уни замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида қуриш, бу ерда барпо этилаётган турар-жой мажмуалари ва бизнес офислар ҳақида харидорларга кўпроқ маълумот тақдим этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ саноатидаги ишларнинг ҳолатини муҳокама қилиш ва соҳани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти раҳбариятига геология-кидирув ишлари ва қазиб олиш ҳажмини ошириш, конларни модернизация қилиш ва янгиларини очиш, нефть-газ хомашёсини чуқур қайта ишлаш, инвестицияларни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

21 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женева шаҳридаги бўлинмаси бош директори Майкл Мёллерни қабул қилди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг икки томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди. Орол экологик фожиаси оқибатларини, жумладан, Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий, гуманитар дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали юмшатишда жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

21 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Рақамли иқтисодийни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни химоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ва тадбиркорликни ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда муаммоли кредитлар масаласи муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида микрокредитлар ҳажмини кескин ошириш, уларни ажратиш тартибини соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш

учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳри ташкил этилганининг 60 йиллиги муносабати билан «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси жамоаси ва Навоий шаҳри аҳлига табрик йўллади.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси ва Навоий шаҳрининг 60 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорлари ва жамоатчилик фаолларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ жойларда ва

фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби, Яшил тараққиёт глобал институти ассамблеяси ва Халқаро олимпия қўмитасининг Этика бўйича комиссиясига раҳбарлик қилаётган Пан Ги Мунни қабул қилди.

Учрашувда Орол денгизи минтақасида устувор лойиҳаларни амалга оширишда халқаро институтлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликни кенгайтириш ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

касида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

28 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Чирчиқ дала ўқув майдонида юқори даражадаги жанговар шайликка келтирилган бўлинмаларнинг махсус-тактик машқларини кузатди.

Президентимиз полигон ёнидаги ҳарбий қисмда яратилган шароитлар, қурол-аслаҳа ва техникани кўздан кечирди. Шу ерда ҳарбий-маъмурий секторлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан йиғилиш ўтказилди.

Шу куни Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча масалалар қатори ҳарбий қурилиш соҳасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳарбий қудратини янада мустаҳкамлаш, мудофаа саноати ва ҳарбий таълимни ривожлантириш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди. Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгаши йиғилишида ёшларда ҳарбий-ваганпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида

этибор қаратди. Аскарлар, ҳарбий хизматчилар мамлакатимизнинг шонли тарихини, она заминимизда яшаб ўтган буюк қаҳрамонлар, саркарда ва қўмондонлар ҳаёти ва жасоратини чуқур билиши, улар билан ғурурланиши лозимлигини таъкидлади.

* * *

29 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29–30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Хоразм вилоятида бўлди. Президентимиз вилоятга сафарини Шовот туманидан бошлади.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги қўшма корхона, унинг қошида ташкил этилган логистика маркази, тўқув, қадоқлаш цехлари, лаборатория фаолияти билан танишди, ишчиларга яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Шу ерда Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, «Develop Textile» МЧЖ томонидан «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида енгил саноат мажмуаси ташкил этиш, Шовот туманида аралаш ва пахта ип-калава ишлаб чиқариш бўйича янги йигирув фабрикаси қуриш, Урганч шаҳрида «Textile finance Norezm» МЧЖ томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Тошкент вилояти Паркент туманида

Заркент санаторийсини барпо этиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. «Katqal'a teks» қўшма корхонаси ҳудудида Хоразм вилоятини ривожлантиришга доир иқтисодий лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Малайзиянинг «Serba Dinamik Group» компанияси вице-президенти Палендран Палачандран давлатимиз раҳбарига «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида каустик сода ишлаб чиқариш заводи барпо этиш инвестиция лойиҳасини тақдим этди.

Шавкат Мирзиёев Урганч — Хива поездида Хива шаҳрига келди.

Шавкат Мирзиёев Хива темир йўл вокзали билан Ичанқалъа мажмуаси ўргасида барпо этилаётган хиёбонни кўздан кечирди. Президентимиз шу ерда Хоразм вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантириш, Хива шаҳрининг тарихий қисмини батафсил режалаштиришга оид лойиҳалар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев хорижлик ишбилармонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг инвестиция таклифлари бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари «Khiva Silk Fabric» корхонасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишди, ишлаб чиқарилиши кутилаётган янги маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Шу ерда хитойлик ҳамкорлар билан ипак уруғи ишлаб чиқариш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, қовуннинг ҳосилдор ва экспортбоп навларини яратиш, асосий ва такрорий экин-да шоли етиштириш, Хоразм шароитида ердан унумли фойдаланиш каби қатор истиқболли лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Урганч шаҳридаги «Нихол» инновацион мактаби фаолияти билан танишди.

Президентимиз Урганч шаҳар марказида Муҳаммад Хоразмий ва Паҳлавон Маҳмуд кўчалари кесишмасида бунёд этиладиган Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи лойиҳаси билан танишди. Шу ерда Урганч шаҳри марказини багафсил режалаштириш, кўпқаватли уй-жойлар қуриш, иссиқлик ва ичимлик суви таъминотини яхшилашга доир лойиҳалар бўйича ҳам маълумот берилди.

Урганч шаҳрида Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида Аджу университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Алоҳида турдаги товарларни маркировкалашнинг замонавий усулларини жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республикада пиллачи-

лик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган норасмий мажлисида иштирок этди.

Учрашувда Ҳамдўстлик давлатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, транспорт-коммуникация салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шунингдек, хавфсизликни мустаҳкамлаш, замонавий хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларига эътибор қаратилди. Гуманитар, таълим ва туризм соҳаларида алмашувларни изчил давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

МДХ норасмий саммити доирасида Президентимиз қатор давлат раҳбарлари билан икки томонлама суҳбатлар ўтказди. Уларда 2018 йилда самарали шерикликнинг асосий яқунлари ва келгусидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндалари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжуманда сўзлаган маърузаси «Билимли авлод — буюк келажакнинг, тадбиркор халқ — фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

8 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўллади.

* * *

10 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

10 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Афғонистонда тинчлик музокаралари жараёнини бошлашда афғон халқининг бош ва ҳал қилувчи ролини назарда тутган бутун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини янада узвий мувофиқлаштириш, ушбу мамлакатга иқтисодий кўмак лойиҳаларини илгари суришда амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Саноат, радиация ва

ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иктисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

си Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

13–14 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди. Давлатимиз раҳбари ташрифини Ғузор туманида барпо этилаётган «Uzbekistan GTL» заводи билан танишишдан бошлади. Президентимиз мажмуа қурилишини кўздан кечирди. Пудратчи ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Яккабоғ туманида «Sag agro Yakkabog'» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилаётган ёнғоқзор ва бодомзорларни бориб кўрди.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилояти туманларидаги захира ер майдонларида ўрмон хўжаликлари томонидан 2019–2020 йилларда писта, аччиқ бодом, ёнғоқ ва чаканда плантацияларини ташкил этиш ҳамда Қамашини давлат ўрмон хўжалигида куркачиликни ривожлантириш, мамлакатимиздаги ўрмон хўжаликлари ва фермер хўжаликларида писта плантациялари барпо қилиш, қорақўлчилик, узумчиликни ривожлантириш, «Nasaf agro impeks» МЧЖ томонидан Китоб туманида замонавий интенсив боғ ташкил этиш лойиҳалари тақдими ўтказилди. Давлатимиз раҳбарига вилоятда балиқчилик, паррандачилик, чорвачилик соҳасини ривожлантириш

бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президентимиз Муборак туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Азиз агро транс файз» замонавий иссиқхонаси фаолияти билан танишди ва ишчилар билан мулоқот қилди. Шу ерда Қашқадарё вилоятида 2019–2020 йилларда иссиқхоналар ташкил этиш, Чироқчи туманида лалми майдонларда полиз экинлари етиштиришни кўпайтириш, вилоятда аҳоли томорқасидан фойдаланишни яхшилаш каби қатор лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Қарши шаҳридаги «Sulton tex group» корхонаси фаолияти билан танишди.

Шу ерда Сингапурнинг «Индорама» компанияси томонидан Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида пахта тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, мамлакатимизнинг Польша, Эрон, Буюк Британиядаги элчихоналари томонидан Қашқадарё вилоятига хорижий инвестицияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларида йирик лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Республика ихтисослаштирилган эндокринология ҳамда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказларининг Қарши филиалларида беморлар учун яратилган шароитлар, тиббий асбобускуналар, малакали кадрлар таъминоти, замонавий даволаш усуллари билан танишди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Қарши шаҳрида Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлан-

тириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентимиз видеоалоқа орқали туманлардаги аҳоли вакиллари билан мулоқот қилиб, уларнинг таклиф ва истакларини бажариш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу куни Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали пойига гул кўйиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида бунёд этилаётган «Ватанпарварлар» боғини бориб кўрди.

Президентимиз боғда яратилган шароитларни кўздан кечирди, таълим муассасаларидаги «Жасорат» гуруҳлари аъзолари билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари «Ватанпарварлар» боғи ёнида қад ростлаган янги сув спорти мажмуаси билан танишди. Бу ерда шуғулланаётган ёш спортчилар билан суҳбатлашиб, уларга келгуси мусобақаларда омадлар тилади.

* * *

14 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятидан қайтиши биланоқ Тошкент халқаро аэропортида мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер билан учрашув ўтказди.

Учрашувда ХМТ билан барча масалалар, жумладан, янги йўналишлар юзасидан конструктив мулоқотни давом эттириш ва шериклик муносабатларини кенгайтиришга икки томон ҳам тайёр экани таъкидланди.

Учрашувда шерикликни янада кенгайтириш мулоқотни фаоллаштириш учун мустақкам замин яратишига, Ўзбекистонда Бандлик миллий стратегиясини ишлаб чиқишда ХМТ тажрибасидан самарали фойдаланишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда замонавий кадрларга эҳтиёжни таъминлаш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 25 сентябрдаги фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил этилган эди. Йиғилишда шу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар томонидан қўшма аксилтеррор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратифи-

кация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2018 йил 17 август) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

19 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида янги қабул қилинган солиқ сиёсати концепциясини амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда қўшимча қиймат солиғини юритиш борасидаги иш-

ларни тўғри ташкил этиш учун замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, юридик шахсларни зарур компьютер дастурлари билан таъминлаш, ҳисобчилар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Солиқ йиғувчанлигини ошириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Солиқ ходимлари иши қониқарли эмаслиги, жойларда солиқ қарзи сақланиб қолаётгани таъкидланди. Тегишли ташкилотларга солиқ тушумини тўла таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Президентимиз дастлаб, Мирзо Улуғбек туманидаги «ДМС» хусусий инновацион клиникасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари инновацион клиникадаги шароитларни кўздан кечирди, шифокорлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда кўз микрожарроҳлиги бўйича инновацион ўқув-симуляция марказини ташкил этиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев «Steel property construction» МЧЖ қўшма корхонаси ҳудудидаги ишлаб чиқариш қувватларини кўздан кечирди. Европа технологияси асосида темир эшиклар тайёрлашга ихтисослашган «Dacros», замонавий иссиқхона мажмуалари учун конструкциялар ишлаб чиқарадиган «Midas agrotech», шунингдек, йўлтўсиқлари, ёритиш устунлари, қурилиш конструкциялари тайёрлайдиган «Бектемир металл конструкциялари» корхонаси фаолияти билан танишди.

Бектемир туманидаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ишлар намойиш этилди. Шу ерда Тошкент шаҳри иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, янги корхоналар ташкил этишга доир лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Тошкент шаҳрида коммунал тармоқларни ривожлантириш, каналларни таъмирлаш ва туташ ҳудудларни ободонлаштириш, йўл ўтказгичлар қурилиши бўйича лойиҳалар намойиш этилди.

Сергели туманидаги Чоштепа маҳалласи ҳудудида 3 минг 696 хонадонли 66 та кўпқаватли уй қурилмоқда. Давлатимиз раҳбари янги уй-жойларни бориб кўрди.

Президентимиз Ислон цивилизацияси марказининг қурилиш жараёни билан танишди.

Шу куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Президентимиз Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни кўрсатиб ўтди. Тошкент шаҳрини йирик ишбилармонлик ва молия марказига айлантириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларини ривожлантириш, аҳоли ва туристлар учун қулайликларни кўпайтириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

* * *

22 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг байроғи ва эмблемаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Куч-

лар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати биносида мамлакатимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда тизимда амалга оширилган ислохотлар натижалари ва галдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Давлат хавфсизлик хизматининг бошқа давлат органлари ва идоралари билан ташқи ва ички таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг янги ҳудуди ва янги биноси, унинг фаолияти, моддий-техник имкониятлари билан танишди, ходимлар билан мулоқотда бўлди. Шу ерда таҳдидларнинг олдини олиш ва баргараф этиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш жараёнида қўлланиладиган махсус техника ва қурол-аслаҳа намойиш этилди.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси геология соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюс-

сель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фонограмма тайёрловчиларнинг манфаатларини уларнинг фонограммалари ноқонуний такрорланишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (Женева, 1971 йил 29 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020—2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирдилар. Ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди, 2018 йилда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш яқунлари сарҳисоб қилинди, кўпқиррали шерикликни мустаҳкамлашнинг истиқболли йўналишлари ва аниқ лойиҳалари кўриб чиқилди.

* * *

28 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди. Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари иштирок этди.

Анжуманни видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят, туман ва шаҳарлардаги маҳаллий кенгашлар депутатлари, барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бош-

қаруви органлари раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимизнинг чет эллардаги элчилари кузатиб борди.

Президент Шавкат Мирзиёев таклифига мувофиқ, 2019 йил мамлакатимизда «**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**» деб эълон қилинди. Мурожаатнома матбуотда чоп этилди.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирдилар. Кўпқиррали шерикликни мустақамлашнинг истиқболли йўналишлари ва аниқ лойиҳалари, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон—Тожикистон муносабатлари ривожига ғоят жадал суръат касб этгани ҳамда

стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирдилар. Президентлар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилди ҳамда минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Сўнгги бир йилда Ўзбекистон—Қирғизистон муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, аниқ амалий мазмун билан бойигани қайд этилди.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини Янги йил билан табриклади.

2019 йил

3 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жиззах вилоятини комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг самарали моделини ишлаб чиқиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 январь. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 1 январдан бошлаб Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби лавозимини бажаришга киришган Владимир Норовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси вакилининг шундай юқори ва масъулиятли лавозимга — ШХТ Бош котиблигига тасдиқланиши тарихий воқеа эканини алоҳида таъкидлади. Биринчи марга Ўзбекистон фуқароси халқаро ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланди.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти очиқ ва конструктив мулоқот учун самарали майдон, кўпқиррали ҳамкорликнинг таъсирчан механизми, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омилига айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига юқори баҳо берди. ШХТнинг асосий хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилганидек, мамлакатлар суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва давлат чегаралари дахлсизлигини ўзаро ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмас-

лик, тенглик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш каби тамойиллар бу борада асосий ўрин тутиши қайд этилди.

* * *

4 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

5 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

8 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан худудий лойиҳаларни амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим вазифа — хорижий инвесторлар лойиҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш маса-

ласи муҳокама қилинди. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш зарурлиги белгиланди.

Шунингдек, узоқ муддатли, паст фоизли тўғридан-тўғри хорижий кредит ресурсларини жалб қилиш ишларини кучайтириш лозимлиги уқтириб ўтилди.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-ички ишлар бўлимига ташриф буюрди.

Президентимиз пойтахт ички ишлар органларини аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш лойиҳаси билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги янги мутахассислар — психолог, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўйича профилактика инспекторлари билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев мазкур ички ишлар бўлимидаги паспорт хизмати хонасида бўлиб, биометрик паспортларни расмийлаштириш жараёнини кузатди. Жаҳон стандартлари асосида ташкил этилган тергов хонасини кўздан кечирди.

* * *

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жиноятчиликни жиловланиши сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш зарурлиги таъкидланди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда кадрлар масаласи ҳам кўрилди. Ўз хизмат вазифасини бажаришда камчиликларга йўл қўйган кўплаб раҳбарлар қатъий огоҳлантирилди, айримлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

* * *

10 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодий ривожла-

ниш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Президентимиз дастлаб Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида халқаро илмий-тадқиқот маркази биноси ва унда яратилган шароитлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Ҳадис илми мактаби билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманидаги Қорасув массивида қурилаётган замонавий уй-жойларни бориб кўрди. Жасур Турсунқулов ва Жамшид Каттақуловлар оилалари кўчиб ўтган хонадонларни кириб кўрди, уй сохиблари билан суҳбатлашди. Шу ерда Қорасув массивида 2019 йилда фойдаланишга топширилаётган уйлар, жумладан, «Агромир билдингс» компанияси томонидан Туркиянинг замонавий технологияси асосида монолит усулида барпо эти-

лаётган 16 қаватли турар-жойлар, коммунал соҳа инфратузилма объектларининг лойиҳа кўринишидаги тақдимотлари ўтказилди.

Самарқанд вилоятига бириктирилган Ўзбекистон Республикасининг Туркия, Хитой ва Испания давлатларидаги элчихоналари ҳамда Афина шаҳридаги Бош консуллиги кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар, вилоятда интенсив боғлар, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш, сув тежайдиган технологиялар, паррандачиликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари тақдимотлари ҳам бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрининг Университет хиёбонида қурилаётган Конфуций майдонида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз бу ерда халқаро таълим дастурлари маркази лойиҳаси билан танишиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Шу ерда Самарқандда туризмни ривожлантириш, конгресс-холл ва меҳмонхоналар қуришга оид лойиҳалар намойиш этилди.

Шу куни Самарқанд шаҳрида Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилардан бир

гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимизнинг фахрийлари, барча юртдошларимизга байрам табриги йўллади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари

куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига ҳарбий унвонлар, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев йиғилганларни Ватан химоячилари куни билан табриклади.

Президентимиз бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига унвонлар, орден ва медалларни тантанали равишда топширди.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Андижон-фарм» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодий жинойтларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

17–18 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан ушбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлиб, «Жўшқин Гужарат–2019» IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 18 январь куни Гандинагар шаҳрида «Жўшқин Гужарат — 2019» халқаро саммити доирасида Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модии билан учрашди.

Учрашув сўнгида Ҳиндистонга уран етказиб бериш бўйича имзоланган узоқ муддатли келишувни ўзаро алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Гандинагар шаҳридаги «Махатма Мандир» кўргазмалар мажмуасида «Жўшқин Гужарат — 2019» IX халқаро инвестиция саммити бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, шунингдек, Австралия, Канада, Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия, Польша, Корея Республикаси, Дания, Чехия, Мальта, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлардан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар ва трансмиллий корпорациялар бошлиқлари, экспертлар иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

* * *

20–22 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мазкур мамлакатга борди.

21 январь куни Берлин шаҳридаги Белвю саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер кутиб олди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги сиёсий му-

лоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли соҳалардаги алоқаларни икки ва кўп томонлама асосда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг музокаралари олдидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг учрашувида асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, илм-фан ва инновация соҳаларига оид ҳукуматлараро ва идоралараро 9 та ҳужжат имзоланди. Томонлар мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилишини билдирдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Бундестаги Раиси Вольфганг Шойбле билан ҳам учрашди.

Мулоқотда қонун устуворлигини таъминлаш, парламент назорати, ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Бундестаг биносини кўздан кечирди. Мамлакатимиз делегациясига Бундестаг тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мюнхен шаҳрига

ташриф буюрди. Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳ ёнида Баварияда ўқиётган, ишлаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Президенти Мюнхен шаҳрида Бавария федерал ўлкаси Бош вазири Маркус Зёдер билан учрашди. Давлатимиз раҳбари фажрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишди.

Тақдимотда шаҳар иқтисодиётига 2 миллиард 700 миллион доллар миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш эвазига амалга ошириш белгиланган 273 та лойиҳаларнинг соҳалари ва жойлари, маблағларни ўзлаштириш муддатлари таҳлил қилинди.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Хорижий инвесторларга кўмаклашиш, лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент шаҳрида замонавий уй-жойлар, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа иншоотлар барпо этиш, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, коммунал хизматлар бошқарув марказини ташкил этиш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

29 январь. Президент Шавкат Мирзиёев валюта сиёсати ва ташқи савдо фаолияти соҳасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлиliga бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда валюта захираларимиздан оқилона фойдаланиш, уларни бошқаришнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, олтин-валюта захиралари таркибини оптималлаштириш, валюталарни сақлашда халқаро тажриба асосида қимматли қоғозлар, жумладан, юқори ликвидли облигациялардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳар бир хўжалик бирлашмаси кесимида экспорт бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликни камайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.

* * *

30 январь. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан хотира тадбирлари ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф бую-

риб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Самарқанд шаҳрига ҳам ташриф буюриб, ушбу мақбарани зиёрат қилди. Шундан сўнг Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида эҳсон оши берилди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

* * *

30–31 январь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Жиззах вилоятига келди. Шавкат Мирзиёев дастлаб Фориш туманида атом электр станциясини қуриш учун муҳандислик тадқиқотлари олиб борилаётган майдонлардан бирини кўздан кечирди. Президентимиз тадқиқот ишларининг бориши билан қизиқди, «Ўзатом» агентлиги ва «Росатом» корпорацияси раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Жиззах вилоятининг минерал хомашё базасини кенгайтириш, Фориш туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, туризм салоҳияти ва лалми ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари жиззахлик нуронийлар билан мулоқот қилди. Суҳбатда мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Президентимиз тумандаги базальт тошини қайта ишлаб, базальт тола-

си ва арматураси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Mega Invest Industrial» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев куннинг иккинчи ярмида Мирзачўл туманига келди ва Галаба маҳалласида «Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Президентимиз ҳудуддаги «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси» масъулияти чекланган жамиятида, Галаба маҳалласи Барокат кўчасида яшовчи Мақсуд Мисиров хонадомида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Мирзачўл туманидаги Ўзбек — қозоқ миллий маданий маркази фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев тумандаги «Бинафша» давлат мактабгача таълим муассасасида яратилган шароитлар билан танишди.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, фарзандларимизга яхши тарбия бериш доимий эътиборимизда бўлади. Боғчага борган боланинг соғлиғи мустаҳкам, дунёқараши кенг, ўзига ишончи юқори бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари тумандаги кўптармоқли марказий поликлиникани кўздан кечирар экан, аҳолини касалликлар профилактикаси билан тўлиқ қамраб олиш, одамлар бошқа жойга даво излаб бориб овора бўлмаслиги кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари янги қурилган Мирзачўл тумани Давлат хизматлари марказида бўлди.

Президентимиз «Мирзачўл текс» масъулияти чекланган жамияти

фаолияти билан танишиб, корхона фаолиятига доир зарур кўрсатмалар берди.

Шу ернинг ўзида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти бўлиб ўтди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Жиззах шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Фаоллар йиғилишидан сўнг Президентимиз вилоят марказидаги Мирзо Улуғбек маҳалласида бўлиб, шаҳарда қурилиши режалаштирилаётган уй-жойлар, ижтимоий объектлар, ободонлаштириш лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳар оқова сув тизими тармоғини ривожлантириш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

Сўнг Жиззах шаҳридаги 3-ички ишлар бўлимида ҳам бўлиб, бу ерда ўтган йили берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Германия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари билан икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, қабул қилинган «Йўл хариталари» ижросини сўзсиз таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш орқали бизнесни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш бўйича муайян ишлар амалга ошириляётгани, лекин бу ҳали етарли эмаслиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўзаро ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилгани, жумладан, Ўзбекистон билан Германия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида умумий қиймати 14 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган манфатли шартнома ва келишувлар имзолангани қайд этилди. Шавкат Мирзиёев халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш зарурлигини таъкидлади.

«Йўл хариталари»даги ҳар бир лойиҳа сифатли ва ўз муддатида бажарилишига эришиш, муаммоли лойиҳалар бўйича янги ҳамкорларни излаб топишга асосий эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини

тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 февраль. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда экспортни кўпайтиришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни жонлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда яна бир долзарб вазифа — хизматлар экспортини кен-

гайтириш, айниқса, туризмни ривожлантириш истикболлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Макроиқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан импортни тартибга солишга ҳам боғлиқ экани таъкидланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импортнинг тариф ва нотариф бошқарув сиёсатини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.

* * *

7 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

11 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Тўқимачилик ва тикувтрикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг

экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

13 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «2019—2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 де-

кабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

19 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятига ташриф буюрди ва дастлаб Сирдарё туманидаги «Сирдарё универсал ойна» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди. Шу ерда «Сирдарё универсал ойна» корхонаси томонидан кластер усулида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Шу ернинг ўзида вилоятда инвестиция маблағлари асосида фармацевтика, тўқимачилик, электро-

техника маҳсулотлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, Фарход ГЭСини модернизация қилиш, Сардоба сув омбори қошида кичик ГЭС қуриш лойиҳалари, «Сирдарё голден фрутс» МЧЖ томонидан туманда ташкил этилган кўп тармоқли логистика маркази тақдимотлари ўтказилди. Мамлакатимизнинг Хитой, Италия ва Қозоғистон давлатларидаги элчилари вилоятга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, ҳудудлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва экспорт ҳажмини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берди.

Президентимиз Ховос туманига ташриф буюриб, аввало Ховос шаҳарчасининг бош режаси билан танишди. Сўнг бу ерда ховослик нурунийлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари тумандаги «Gran Ruta De La Seda» корхонаси томонидан замонавий усулда ташкил этилган гидропоника иссиқхона мажмуасини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев Янгиер шаҳрида ташкил этилиши режалаштирилган аммиак ва карбамид заводи қурилиши майдонида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Мирзаобод туманидаги «Бек кластер» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона томонидан ташкил этилган пахтани қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди. Бу ерда меҳнат қилаётган ходимлар билан мулоқот қилди.

Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Гулистон шаҳрининг «Буюк келажак» мавзесида қурилган уйлар, янги қурилиш жараёни билан танишди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда ёшлар таълим-тарбияси, маънавият ва маърифат, спорт соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар билан ҳам танишди.

Гулистон шаҳрида Сирдарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, фаоллар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятининг саноат ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, қишлоқ туманларда янги саноат корхоналари барпо этиш кераклигини қайд этди.

Йиғилишда маънавият, маданият, таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда анъанага айланган хайрли ишларни давом эттирган ҳолда, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ташкил этиш таклифини илгари сурди. Йиғилганлар бу ташаббусни қизғин қўллаб-қувватлади.

* * *

20 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Президентимиз АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги томонидан ташкил этилаётган Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бош штаблари бошлиқларининг конференцияси илк бор мамлакатимиз пойтахтида ўтказилаётгани ҳамда бугунги даврнинг энг ўткир муаммоларидан бири — Афғонистондаги қуролли можарони муҳокама қилиш ва уни ҳал этишга ёндашувларни биргаликда ишлаб чиқиш учун майдон эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳамда хавфсизлик соҳасидаги шериклик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

20 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикаси тармоғида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва соҳани ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари соҳада инвестиция лойиҳаларини сифатли

амалга ошириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берди. Энергетика вазирлиги ва «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамиятига халқаро молия ташкилотлари маблағларини тўлиқ ўзлаштириш, лойиҳаларни ўз вақтида бажариб, маблағларни иқтисод қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз соҳадаги муҳим йўналишларни белгилаб берди.

* * *

21 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ ва кимё саноатида олиб борилаётган ислохотлар натижадорлигини таҳлил қилиш, ушбу тармоқларни тизимли ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Президентимиз мазкур соҳа бўйича 2019 йилги Инвестиция дастурига киритилган 26 та лойиҳанинг ўз муддатида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда тизимда тўпланиб қолган дебитор қарздорликни камайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Нефть-газ соҳаси билан узвий боғлиқ бўлган кимё тармоғидаги ишлар ҳам таҳлил қилинди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда навбатдаги муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳақида сўз

юритилди, иқтисодийни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда солиқ идоралари айрим ходимларининг малакаси, касб масъулияти талаб даражасида эмаслиги, оқибатда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди. Янги солиқ тизимини жорий этишда сусткашликка йўл қўйган айрим вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига интизомий чоралар кўрилди. Солиқ ходимлари малакасини ошириш, солиқ тўловчиларга ҳисоботларни шакллантириш ва ҳисоб-фактураларни тўлдириш тартибини ўргатиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартибини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим бўлган ғалла парваришини тизимли ташкил этиш ва ҳосилга ҳосил қўшиш бўйича долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ғалла ривожини ҳолати ҳар бир ҳудуд мисолида танқидий таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Видеоселектор йиғилишида камчиликларни бартараф этиш, ҳосилдорликни ошириш, қўшимча дон ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Президентимиз пахтачиликда ўзини оқлаётган тажрибадан келиб чиқиб, ғаллачилик бўйича ҳам кластерлар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Мутасадди раҳбарлар ва вилоятлар ҳокимларига бу болада тегишли топшириқлар берди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон – АҚШ сиёсий маслаҳатлашувларининг навбатдаги даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элис Уэллсни қабул қилди.

Америкалик дипломат Ўзбекистон пойтахтида сиёсий маслаҳатлашувларнинг еттинчи давраси муваффақиятли ўтказилганидан мамнунлигини билдирди. Мехмон Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш бо-

расида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни юксак баҳолади. АҚШнинг мамлакатларимиз ўртасидаги кўпқиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш борасидаги интилиши қатъий экани таъкидланди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари жадал ривожланиб, изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мулоқотда давлат раҳбарлари қардош халқларимиз ва мамлакатларимиз фаровонлиги йўлида Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар. Сиёсий, савдо-иқтисодий,

инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда олий даражада эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ҳудудлар масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда бозор талаблари асосида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, ҳудудлар ва тармоқларни жадал ривожлантириш чораларини кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини оширишга қаратилган аксарият лойиҳалар инфратузилма қулай бўлган туманларга жойлаштирилиб, бошқа ҳудудлар эътибордан четда қолмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган туманларда кооперация асосида кичик саноат зоналари ташкил этиб, уларда тўқимачилик, кўнчилик, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича лойиҳаларни жойлаштириш зарурлиги таъкидланди. Мазкур туманларда ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган дастур қабул қилиш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш бўйича ташкилий ишлар ҳам белгилаб берилди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Шарқ тароналари»

халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «II халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишни имзолади.

* * *

27 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳлари ўртасидаги кўпқиррали шерикликни янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Меҳмон Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлари жаҳон фонд бозорларида муваффақиятли жойлаштирилгани, суверен рейтинглари олингани ва халқаро рейтинги ошгани мамлакатимизда янги босқичда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг халқаро эътирофи эканини алоҳида таъкидлади. Жаҳон банки Ўзбекистон ва бутун минтақанинг барқарор тараққиётига кўмаклашиш мақсадида мамлакатимиз билан ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр экани яна бир бор тасдиқланди.

* * *

28 февраль — 1 март. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик

ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрди. Президентимиз ушбу вилоятга бу галги ташрифини Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси қурилиши билан танишишдан бошлади.

Президент Тўрақўрғон тумани деҳқон бозори ёнида халқ ичига кириб, одамлар билан самимий мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлидаги ислохотлар халқ билан бамавҷат давом эттирилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги милоддан аввалги III асрда асос солинган, Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган Ахсикент археологик ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Тўрақўрғон туманидаги «FT textile group» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона фаолияти билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди. Шу ерда Наманган вилоятида Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчихоналари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Наманган туманидаги паррандачиликка ихтисослашган «Golden egg of Namangan» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Art Soft TechGroup» корхонасига ташриф буюрди. Шу ернинг ўзида вилоятда паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик,

асаларичилик, қуёнчилик, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, ирригация ва мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, захирадаги ерларни фойдаланишга киритиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Чортоқ туманида барпо этилаётган «Чортоқ ресортс» санаторий-соғломлаштириш маркази билан танишди. Президентимиз марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Шу ерда Чортоқни экологик шаҳарга айлантириш, Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўрта шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси доирасида Чортоқ шаҳри марказини қайта қуриш, Наманган аэропортини кенгайтириш ва шаҳарлараро автобуслар қатновини тартибга солиш, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш каби лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Наманган шаҳридаги «Best Market» супермаркетига ташриф буюриб, маҳсулотлар нархи ва сифати билан қизиқди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари вилоятда ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳақида тўхталди, барча соҳада эришилган нагижалар таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги «Anamed» хусусий диагностика маркази фаолияти билан танишди.

Президентимиз Наманган шаҳри марказида барпо этилаётган «Аф-

соналар водийси» маданият ва истироҳат боғида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўриб чиқди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги Юксалиш маҳалласида барпо этилаётган кўпқаватли уйлар ва ҳудудни ривожлантириш лойиҳалари билан танишди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияни (Минск, 1995 йил 26 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳарбий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво ҳудудидан фойдаланиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 12 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташкilotининг халқаро меҳнат нормалари

қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 март. Президент Шавкат Мирзиёев кўмир қазиб олиш тармоғини барқарор ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда конларнинг салоҳияти юқори бўлса-да, кейинги йилларда кўмир қазиб чиқариш режалари бажарилмаётгани, тармоқдаги тизимли муаммолар баргараф этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда Ангрен конидаги ҳолатни яхшилашга қаратилган иш-

ларни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари белгиланди. Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг яқин ва узоқ истиқболда кўмирга бўладиган талабини максимал даражада қоплаш учун Ангрен конини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Молия ва Энергетика вазирликларига кўмир нархи тарифларини оптималлаштириш, тармоқнинг рентабеллигини ошириш, инвестиция харажатларини қоплаш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев «8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

7 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 март. Пойтахтимидаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўرғазмалар залида 8 март — Халқаро хотин-

қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва мамлакатимиз хотин-қизларини табриклаб, нутқ сўзлади.

Президентимизнинг 2019 йил 6 март куни қабул қилинган «8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги, саноат, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан йигирма саккиз нафар киз аъло хулки, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокчи аёлларга ҳамда Зулфиячи қизларимизга мукофотларни тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанали маросимдаги маърузаси матбуотда эълон қилинди.

* * *

7 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро рейтинг ва

индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 март. Президент Шавкат Мирзиёев Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссияси ҳамраиси, Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Максим Орешкинни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро мулоқотнинг янги кўп даражали формати, Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг ташкил этилиши, ҳеч шубҳасиз, кўпқиррали шерикликни кенгайтириш бўйича эришилган келишувлар самарадорлигини ошириш ва уларни ўз вақтида рўёбга чиқаришга хизмат қилиши таъкидланди.

* * *

11 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12–13 март. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ри-

вожлангиришга қаратилган йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Навоий вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ташрифини Нурота туманидаги «Мармаробод» давлат унитар корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади.

Шу ерда Олмаликда фаолият юритаётган, тош куқунини зичлаш орқали турли ранг ва ўлчамдаги плиталар ишлаб чиқараётган «National stone» Ўзбекистон—Канада қўшма корхонасининг маҳсулотлари намойиш этилди.

Навоий вилоятида 2019—2020 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда мармардан саноат ҳайкалтарошлигини ташкил этиш, Нурота тумани Ғозгон шаҳарчасини бош режа асосида ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Нурота туманидаги «Чашма» тарихий кадамжосини зиёрат қилди, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Аҳоли вакиллари: нуронийлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан суҳбатда келгуси режалар, Навоий вилояти ва мамлакатимиздаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди. Президентимиз Нурота туманида ҳам тўпланиб қолган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётгани, аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрилишини қайд этди.

Президентимиз Навоий иссиқлик электр станциясида бўлиб, иккинчи буғ-газ қурилмаси газ турбина-

сининг ишлаш жараёнини кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев корхона ишчилари ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз «Навоийазот» акциядорлик жамиятига ҳам борди. Давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда қурилиши қизғин давом этаётган учта йирик инвестиция лойиҳаси — Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол, Аммиак ва карбамид ҳамда Азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналаридаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар, хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Шу ерда Навоий вилоятида мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Араб Амириклари ва Украинадаги элчихоналари кўмагида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президентимиз Кармана туманидаги «Export Fish Product» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. Шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича агрокластерлар ташкил этиш, яйловлар ҳолатини яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Навоий шаҳрида вилоят иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари вилоятни комплекс ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Шавкат Мирзиёев фаоллар йиғилишидан сўнг Навоий шаҳар Дав-

лат хизматлари маркази фаолияти билан танишди.

Президентимиз Халқ қабулхонасининг марказдаги бўлимига кириб, ходимлар билан суҳбатлашди. Аҳоли қандай масалалар бўйича мурожаат қилаётгани билан қизиқди. Шу ерда Навоий вилоятида тадбиркорлик, кичик бизнес ва хунармандчиликни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Навоий шаҳридаги 3-ички ишлар бўлимини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари ички ишлар бўлимидаги ситуацион марказни кўздан кечирди. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга ихтисослашган дастурий маҳсулотлар яратиш, жиноятчиликни турлари бўйича таҳлил қилиб, уларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар берди.

* * *

13 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари дастлаб «Tashkent City» халқаро бизнес марказига ташриф буюриб, конгресс-ҳолл ва беш юлдузли меҳмонхона қурилиши билан танишди.

Шавкат Мирзиёев конгресс-ҳоллинг асосий зали, ҳар бир хонасини кўздан кечириб, уларнинг қандай безатилиши ва жиҳозланиши, меҳмонлар учун қандай шароитлар яратилиши билан қизиқди. Халқаро саммитлар чоғида кўплаб делегациялар қатнашишини инobatга олиб, юқори мартабали меҳмонлар ва иштирокчиларнинг ҳаракатланиши, икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиши, дам олиши учун кенг қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Конгресс-ҳолл ёнида қурилаётган меҳмонхонага оид лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Президент «Tashkent City» яқинида қад ростлаган «Хумо арена» муз саройида олиб борилаётган сўнгги пардозлаш ишларини ҳам кўздан кечирди.

* * *

14 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 март. Тошкент шаҳрида «Хумо арена» муҳташам спорт

кошонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, йиғилганларни ушбу қутлуф воқеа билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотларда соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги табрик сўзи матбуотда чоп этилди.

* * *

18 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига кириш режимини янада соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

18 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 март. Президент Шавкат Мирзиёев президентлик ваколатларини топшириш ҳақида эълон қилган Қозоғистон Республикаси-

нинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон Президенти узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларида мустаҳкам пойдевор яратилишида қардош Қозоғистон Биринчи Президентининг шахсан қўшган ҳиссасини юксак баҳолади ва чуқур миннатдорлик билан қайд этди.

Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик бундан буён ҳам изчил мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирилди.

* * *

19 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намо-

ён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди.

Йиғилишда ана шу ташаббусларни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида кенг жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар белгилаб берилди. Олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида ёшларни Интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Йиғилишда хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ишлар

рини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда шу йўналишда ўтган икки ойда бажарилган ишлар танқидий таҳлил қилинди. Давлатимиз раҳбари хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати умуман суст кетаётганини таъкидлаб, мутасаддиларни жиддий огоҳлантирди. Президентимиз тегишли вазирлик ва ҳокимликлар зиммасига аниқ ва қатъий вазифалар юкледи. Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига энергетика, нефть-газ, кимё, машинасозлик, электр техникаси, ахборот технологиялари ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш бўйича инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантириш топширилди.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида Президентимиз Қосим-Жўмарт Тоқаевни Қозоғистон Республикаси Президенти лавозимига киришгани муносабати билан самимий табриклади ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Мулоқотда давлат раҳбарлари олий даражада эришилган келишувларни кенг миқёсда амалга ошириш муҳим эканини қайд этдилар. Минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатда ишбилар-

монлик мухитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида Вебстер университетининг таълим дастурларини амалга ошириш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида бовдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

21 март. Тошкент шаҳри марказида яқинда фойдаланишга топширилган муҳташам «Хумо арена» мажмуасида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, бутун Ўзбекистон халқини Наврўз умумхалқ байрами билан табриклади.

Мажмуада санъат усталари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, янгилашни ва яшариш айёмини мадҳ этадиган бадиий концерт дастури намойиш этилди.

* * *

24–26 март. Президент Шавкат Мирзиёев Абу-Даби Амирлиги

валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан расмий ташриф билан Бирлашган Араб Амирликларига келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 25 март куни Абу-Даби шаҳрида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таомилга кўра, дастлаб Абу-Даби шаҳридаги Амирликларнинг биринчи Президенти, шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён мақбараси ва масжидини зиёрат қилди.

Шавкат Мирзиёев мақбаранинг Зиёратчилар китобида дастхат қолдирди.

Давлатимиз раҳбари «Воҳат ал-Карома» ёдгорлигига гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбари ёдгорликнинг Фахрий меҳмонлар китобида дастхат қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Ички ишлар вазири шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаённи қабул қилди. Учрашувда ижтимоий хавфсизликни таъминлаш соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Абу-Даби шаҳридаги «Қаср ал-Ватан» саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, банк-молия, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги амалий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралардан сўнг икки томонлама имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси билан БАА ўртасида Қўшма баёнот қабул қилинди. Инвестициялар, молия, муқобил энергетика, саноат ва инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, божхона маъмурчилиги, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик бўйича имзоланган ҳужжатлар алмашилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Самимий мулоқотда сиёсат, хавфсизлик, инвестиция соҳалари юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, энергетика ва инфратузилма йўналишида қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, фан-технология ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга келишиб олинди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи доирасида 26 март куни Дубай шаҳрида БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан музокара ўтказди.

Кўпқиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан «Заабил» саройида бўлиб ўтган учрашувининг асосий мавзуси бўлди.

Ўзаро ишонч руҳида ўтган суҳбатда қатор соҳаларда шериклик ва тажриба алмашишни кенгайтириш йўллари, турли даражаларда янги алоқалар ўрнатиш масалалари муҳокама қилинди. Музокаралардан сўнг имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди.

* * *

28 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

1 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф доирасида эришилган келишув ва битимларни амалга ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Президентимиз эришилган келишувларнинг ўз вақтида ва сўзсиз ижросини таъминлаш лозимлигини қайд этиб, қабул қилинган «йўл харитаси»ни амалга оширишни самарали усул ва механизмларни жорий этган ҳолда дарҳол бошлаш муҳим эканини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, тармоқ компаниялари раҳбарларига энг қисқа муддатда инвестиция лойиҳаларининг тармоқ

жадвалини тасдиқлаш ва уларни амалга оширишни бошлаш, олий даражада эришилган Ўзбекистон – БАА келишувларининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш вазифаси қўйилди.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ҳар бир ташаббус бўйича лойиҳалари ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурлари кири-

тилган таклифлар, уларни амалга ошириш механизмлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари дастурлар лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва туманга ижодий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намояндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Худудий «йўл харита»лари ижросини тизимли ташкил этиш, тўғарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, турли танловлар ўтказиш зарурлигини таъкидлади. Белгиланган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари, шунингдек, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини зарур чолғу асбоблари билан таъминлаш учун тегишли маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастур лойиҳаси ҳақида фикр билдириб, мавжуд ва янги қуриладиган спорт иншоотларига аҳоли ва ёшларни кенг жалб этиш, оммавий спорт тадбирларини ўтказишни янада кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда учинчи ташаббусга мувофиқ аҳолининг компьютер савдонлигини ошириш, ахборот технологияларига қизиққан болаларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни

кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлар дастури лойиҳасини амалга оширишга қаратилган тўртинчи ташаббусга кўра, ҳар бир ҳудудга 1 миллион донадан бадиий, тарихий, илмий-оммабоп мавзулардаги китоблар етказиб бериш кўзда тутилгани, ахборот-кутубхона марказларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, тадбиркорлар томонидан халқ кутубхоналари очиш белгилангани таъкидланди.

Бешинчи ташаббус бўйича ҳудудларда тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари дастури лойиҳаси тайёрлангани, 2019—2020 йилларда ҳар бир туманда енгил конструкцияли тикув-трикотаж корхоналарини қуриш ва аёллар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилаётгани қайд этилди. Ана шу корхоналарни пухта ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бозорини, яъни аниқ харидорини топиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари эшитилиб, дастурлар лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Аграр секторни қишлоқ

хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича Давлат бюджетига тушумлар ва экспорт прогнозлари ижроси натижадорлиги ҳамда биринчи ярим йиллик учун белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан видео-селектор йиғилиши бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу вазифанинг аҳамиятини ҳамма раҳбар ҳам бирдек англаб етмаётганини танқид қилди.

Президентимиз солиқ ислохотларини самарали амалга ошириш учун ҳукумат олдида жуда қўп вазифалар турганини таъкидлади.

Йиғилишда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чоралар ҳам муҳокама қилиниб, ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари экспорт тушумлари барқарор ва ўз вақтида келиб тушиши учун шахсан жавобгар экани белгилаб қўйилди.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

Термизда биринчи Халқаро бахшичилик фестивали очилди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

8 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилишини таҳлил қилиш, биринчи ярим йилликка доир вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Унда инвестиция лойиҳалари тармоқлар ва ҳудудлар бўйича таҳлил қилиниб, олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Муддатидан кечикаётган лойиҳаларнинг муаммоли жиҳатлари муҳокама қилинди.

Видеоселектор йиғилишида олий даражадаги ташрифлар якунига кўра тасдиқланган «йўл хариталари» ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

* * *

9 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

11 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

11 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзодни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни ҳал этишда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболларига баҳо берилди.

Сухбат давомида АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик музокараларига кўмаклашиш борасидаги конструктив саъй-ҳаракатларини, хусусан, Афғонистон ҳукумати вакиллари иштирокидаги мулоқотнинг навбатдаги даврасини Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Уммон Султонлиги,

Қирғизистон Республикаси, Туркия Республикаси, Индонезия Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад бин Саид ал-Касирӣ, Ибрагим Жунусов, Меҳмет Сурейя Эр, Сунарио Картадината ҳамда Дархан Сатибалдидан ишонч ёрликларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари элчиларни самимий табриклаб, уларга масъулиятли дипломатик миссияни бажаришда муваффақиятлар тиледи.

Ўз навбатида, элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорлик ва самарали шерикликни янада ривожлантиришга бор куч-ғайратларини сафарбар қилишини қайд этдилар.

* * *

14–15 апрель. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида Қозоғистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жўмарт Тоқаев тор доирада учрашув ўтказди.

Президентлар минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Олий даражадаги музокаралар чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекис-

тон — Қозоғистон ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди.

Икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев Қўшма баёнотни имзолادилар. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 10 га яқин ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда давлат раҳбарлари музокаралар анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиқлик руҳида ўтганини, икки томонлама муносабатларнинг муҳим масалалари, ўзаро манфаатли минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинганини алоҳида таъкидладилар.

* * *

«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 15 апрель куни Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Қосим-Жўмарт Тоқаев нутқ сўзладилар. Давлат раҳбарлари

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида фаоллашган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштирганини таъкидладилар.

Тантанали маросим катта концерт дастури билан давом этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Британиянинг тўғридан-тўғри инвестицияларини, илғор тажриба ва технологияларини жалб қилган ҳолда, қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2019—2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

17 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

19 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2019—2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18—20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 апрель куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин тор доирада учрашув ўтказди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида сиёсий мулоқот ва маслаҳатлашувларни фаол давом эттириш бўйича яқдил фикр билдирилди.

Президентлар музокарани икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гумани-

тар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Самарали музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Алоҳида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолади. Ҳукумат ва вазирликлар ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, эркин савдо битими тузишни ўрганиш, тинч мақсадда фазони тадқиқ этиш, фан, технология ва инновациялар соҳасида ҳамкорлик, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея марказини ташкил этишга оид ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Ташриф доирасида мактабгача таълим, меҳнат ва бандлик, адлия, қишлоқ хўжалиги, капитал бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес, ўсимликлар карантини соҳаларида, шунингдек, мамлакатларимиз савдо-саноат палаталари ўртасида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзолангани қайд этилди.

Оммавий ахборот воситалари учун ўтказилган брифингда Президентлар анъанавий дўстлик, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида кечган музокаралар натижаларидан мамнунлигини алоҳида таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, мамлакатимиз парламенти аъзолари олдида нутқ сўзлади.

Олий мартабали меҳмон Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Мун Чжэ Ин «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Ўзбекистон — Жанубий Корея бизнес-форумининг очилиш маросимида иштирок этдилар.

Давлатимиз раҳбари Кўксаройда ўтган музокараларда ишбилармонлик алоқаларини қўллаб-қувватлаш, айниқса, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

— Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлар улкан ғоя ва лойиҳаларни ҳаётга дадил жорий этиш учун кенг имкониятлар очмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда янги қўшма корхоналар сони 3 баробар кўпайди. Биз бундан буён ҳам Корея бизнесининг мамлакатимиздаги иштирокини кенгайтириш учун энг қулай шароитларни яратишга тайёрмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин рафиқалари билан бирга икки мамлакат санъат усталарининг концерт дастурида иштирок этди.

Олий даражадаги ташриф доирасида 20 апрель куни Тошкент шаҳрида Корейс маданияти ва санъати уйининг тантанали очилиш маросими ўтказилди.

Давлат раҳбарлари ўзбекистонлик корейс рассомлари асарлари кўргазмаси билан танишдилар.

Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин куннинг иккинчи ярмида Самарқанд шаҳрига келди. Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Мун Чжэ Ин рафиқалари ҳамроҳлигида Самарқанддаги тарихий обидаларни томоша қилдилар.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улугбек расадхонасига ташриф буюрдилар. Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари «Афросиёб» музейида бўлдилар. Шу ерда, давлат раҳбарлари хузурида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан Корея Республикасининг Маданий мерос маъмурияти ўртасида имзоланган маданий мерос соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми ўзаро алмашилди.

Корея Республикаси Президенти Регистондаги Тиллакори мадрасаси ва масжидини, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаларини томоша қилди. Шу ерда мажмуа зиёратига келган сайёҳлар ва Самарқанд шаҳри аҳолиси Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларини қарсақлар билан олқишлади.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида меҳмонларга буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди.

* * *

22 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Президентимиз Қозоғистон раҳбарини жорий йил 9 июнь куни ўтказилиши режалаштирилган навбатдан ташқари Қозоғистон Республикаси Президенти сайловига номзод этиб илгари сурилгани билан қутлади ва ушбу муҳим сиёсий тадбирнинг ўтказилишида муваффақият тилади.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари кўпқиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни стратегик шериклик, кўп асрлик дўстлик ва яхши кўшничилик ришталарига таянган ҳолда мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида янада мустақамлаш борасида интилишлари қатъий эканлини таъкидладилар.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24–27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан «Бир макон, бир йўл» халқаро форумида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Пекин шаҳрига келди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга ташрифи 25 апрель куни эрталаб Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашувдан бошланди.

Учрашувда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини янада кенгайтириш ва диверсификация қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида ўзи учун ажратилган қароргоҳда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан учрашди. Мулоқотда илгари эришилган келишувлар ижросининг бориши атрофлича кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан ҳам учрашди. Президентлар кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилган кўпқиррали Ўзбекистон–Тожикистон ҳамкорлиги изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев «Дяоюйтай» қароргоҳида Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг жорий масалалари кўриб чиқилди, унинг самарадорлигига юксак баҳо берилди. Томонлар фаол ҳамкорликни, аввало,

пул-кредит сиёсати, банк тизими, солиқ-бюджет сиёсати, тўлов балансини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш соҳаларида давом эттиришга келишиб олдилар.

Хитой Халқ Республикасида амалий ташриф билан бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 апрель куни «Huawei» компаниясининг Тадқиқотлар ва инновациялар марказига ташриф буюрди.

Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб «Huawei» компаниясининг энг сўнгги технологик ечимлари ва маҳсулотлари намуналари билан танишди.

Компаниянинг сунъий интеллектга асосланган ақлли технологияларига юқори баҳо берди. «Huawei» билан ҳамкорликда мамлакатимизда амалга оширилган лойиҳалар, мутахассислар тайёрлаш масалалари билан қизикди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми очилиш маросимидан сўнг икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари шу куни Пекинда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси раиси Ли Чжаньшу билан учрашди. Унда олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди. Президентимиз Бош котибнинг БМТни ислоҳ қилиш, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни,

изчил тараққиётни таъминлаш йўлидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Сухбат чоғида Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш минтақамизда барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси янги биносини кўздан кечирди.

«Бир макон, бир йўл» иккинчи халқаро форуми 27 апрель куни «Яньци» халқаро конференциялар марказида делегация раҳбарларининг давра суҳбати тарзида давом этди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Халқаро ва минтақавий ўзаро боғлиқлик масалалари Марказий Осиё, жумладан, денгиз портларига бевосита чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатимиз учун долзарб бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Ўзбекистон мамлакатларимизнинг барқарор тараққиётида муҳим омил бўладиган «Бир макон, бир йўл» ташаббусини илк кунлардан оқ қўллаб-қувватлаган, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари форум давра суҳбатининг Қўшма баёноти қабул қилинишини маъқуллаб, бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, умумий мақсадларга эришиш, иқтисодий юксалишнинг янги манбаларини кашф этиш, натижада халқларимиз турмуш даражаси ошишига хизмат қилишини таъкидлади. Президентимиз Марказий Осиёнинг транспорт ва логистика имкониятларини ошириш, «яшил иқтисодиёт» орқали озиқ-овқат

хавфсизлигига эришиш, туризмни ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар ва илғор ечимларни жорий этиш масалаларига эътиборни қаратди. Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган экологик вазиятни бартараф этиш умумий вазифа эканини таъкидлар экан, Шавкат Мирзиёев шерикларни БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди ҳамда Оролбўйи ҳудудида экологик инновациялар ва технологиялар зонаси фаолиятида иштирок этишга чақирди. Туризм соҳасида алмашинувларни ривожлантириш, бунинг учун «Ипак йўли» бренди остида қўшма дастур ва маҳсулотларни илгари суриш бўйича долзарб таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон масаласига ҳам эътибор қаратиб, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиёда янги тараққиёт манбалари яратишини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев бу борадаги долзарб масалалар жорий йилнинг кузида Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясида (RECCA) муҳокама этилишини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика иқтисодий-тига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизmlарини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбатда илгари эришилган келишувларни изчил амалга ошириш, ҳудудлараро ҳамкорлик имкониятларини тўлиқ ишга солиш, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди. Президентлар минтақавий инфратузилма лойиҳаларини кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратдилар.

* * *

30 апрель — 1 май. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳамда аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига келди. Ташрифи Сариосиё туманидаги Тўполанг гидроэлектр станциясидан бошланди.

Президентимиз «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли Сариосиё туманидаги Шарғун кўмир конида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига вилоятда тошкўмир казиб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида маълумот берилди. «Шарғункўмир» АЖни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси, Бойсун тошкўмир ва Шеробод туманидаги Кўҳитанг конларида кўмир казиб чиқаришни ташкил этиш, Сариосиё тумани ва Шарғун шаҳарчасини 2019—2020 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Мазкур лойиҳани қисқа муддатда ва сифатли амалга ошириш, кончиликни янада ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш зарурлиги, Шарғун шаҳарчасининг ижтимоий инфратузилмасини тубдан ўзгартириш, замонавий таълим, тиббиёт муассасалари, меҳмонхоналар ва янги турар-жой бинолари барпо этиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига ташрифи асносида россиялик инвесторлар билан Бойсун туманидаги «Мустақилликнинг 25 йиллиги» газ конида дастлабки қидирув, уни ишлатиш ва газ-кимё мажмуаси қуриш бўйича маҳсулот тақсимотига оид битим имзоланган эди. Президентимиз ушбу битим доирасидаги ишларнинг бориши билан танишди. Лойиҳа ҳамкори, «Altmax Holding LTD» компанияси таъсисчиси, россиялик инвестор

Андрей Филатов билан дастлабки геология-қидирув ишлари натижалари, газни қайта ишлаш мажмуасини лойиҳалаштириш ва қуриш ҳақида суҳбатлашди.

Термиз туманида 900 мегаваттлик иссиқлик электр станцияси барпо этиш, вилоятда саноатни ривожлантириш, муҳандислик тармоқларини модернизация қилиш, Бойсун туманида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, Сариосиё туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар тақдимотлари ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда вилоят оқсоқоллари билан суҳбатлашди.

Президентимиз Музработ туманидаги «Янгиобод инвест сервис» хусусий корхонаси фаолияти билан танишди.

Шу ерда Сурхондарё вилоятида эртапишар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва экспортга чиқариш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, агросаноат кластери ташкил этиш ва бошқа қатор лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Президентимиз томорқачилик бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан тақдим этилган арпа, бугдой, сули ва маккажўхори донидан ем ишлаб чиқарадиган мобиль заводи лойиҳасини ҳам кўздан кечирди.

Ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Мажлизда Сурхондарёнинг ўзига хос хусусияти ва имкониятлари-

дан келиб чиқиб, чет эл инвестициясини жалб этган ҳолда замонавий корxonалар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли ва маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Zif textile» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимизга Термиз шаҳридаги «Nova pharm» Ўзбекистон — Хиндистон фармацевтика қўшма корхонаси, Термиз шаҳрининг бош режаси, Термиз туманидаги Султон Саодат зиёратгоҳини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, шунингдек, вилоятга инвестиция кiritишга масъул этиб белгиланган мамлакатимизнинг Австрия, Япония ва Афғонистондаги дипломатик ваколатхоналари кўмагида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Шу ерда «Киномобиль» — Ўзбекистондаги биринчи инновацион кинотеатр лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Муборак рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амириклари энергетика ва саноат вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли лойиҳаларни, жумладан, электр станциялари қуриш ва модернизация қилиш, янги конларни ўзлаштириш ва углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлашни кенгайтириш, замонавий кимё саноати ва агросаноат корхоналари, логистика марказлари ташкил этиш, мамлакатимиз ҳудудларида инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа қўшма ташаббусларни амалга ошириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда гиёҳванд моддаларни назорат қилиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик бўйича ўзаро англашув меморандуми иштирокчи давлатларининг 11-мажлисида қатнашиш доирасида мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш ҳамда самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, жумладан, БМТ, ШХТ, МДХ ва бошқа тузилмалар доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари ва Афғонистонда

тинчлик ўрнатиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда юқори қўшимча қиймат яратувчи ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган саноат корхоналарини кўпайтириш, мавжуд салоҳият ва хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига мавжуд хомашё базаси ва импорт таркибидан келиб чиқиб, 2019–2021 йилларда саноатлаштирилаётган маҳсулотлар рўйхатини шакллантириш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари кундалик саноат маҳсулотларини кенг ишлаб чиқариш ва кооперацияни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган саноат маҳсулотларини солиштирган ҳолда эҳтиёжни ҳисоб-китоб қилиш тизимли олиб борилмаётгани қайд этилди. Кичик саноат зоналарида кундалик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури ижросини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш бораси-

даги ишлар таҳлиliga бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда дастур доирасида ажратиладиган маблағларни ўзлаштириш қониқарсиз экани ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилгани таъкидланди.

Кредитлар ажратиш ва ўзлаштиришни жадаллаштириш, секторлар раҳбарлари, тижорат банклари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6–7 май. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига келди.

Президентимиз дастлаб Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев завод ишчилари ва инвесторлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Қўштепа туманидаги «Ипак гиламлар» корхонасида бўлиб, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

Президентимиз Фарғона шаҳридаги замонавий рентген аппаратлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхонада бўлиб, ишчи-хизматчилар билан мулоқот қилди.

Шу ерда Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонаси билан ҳамкорликда амалга ошириладиган «Фарғонаазот» ва «Қўқон-суперфосфат» акциядорлик жамиятларида азотли ва фосфорли ўғит ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, Водил қўмир қонида қўмир қазиб чиқариш, тошдан экологик тоза қоғоз ишлаб чиқаришга оид режалар, Фарғона вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президент Фарғона шаҳридаги «Темурбеклар мактаби»ни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий лицейларнинг номи ўзгарганини, энди унинг мазмун-моҳияти, таълим сифати ҳам Амир Темур бобомизга

муносиб бўлиши зарурлигини таъкидлади. «Темурбеклар мактаби»га автобус совға қилинди.

Шу ерда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари билан мулоқот бўлиб ўтди. Президентимиз уларни яқинлашиб келаётган Хотира ва кадрлаш куни билан табриклади.

Шавкат Мирзиёев Фарғона туманидаги «Комилжон ота Мамажонов» фермер хўжалигида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шу ерда Президентимизга Фарғона вилоятида 2019–2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида вилоят фаоллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, нуронийлар, тадбиркорлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга вилоятни 2019–2020 йилларда ривожлантириш бўйича дастурдаги ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаб, ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Президентимиз йиғилишда аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оилаларни аниқлаб, икки-уч ой ичида уларга белгиланган миқдордаги имтиёзли кредитларни тўлиқ ажратиш зарурлигини таъкидлади.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

каси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Самарқанд шаҳрида «Россия давлат жисмоний тарбия, спорт, ёшлар ва туризм университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Турғун органик ифлослантирувчи моддалар ҳақидаги Стокгольм конвенциясини (Стокгольм, 2001 йил 22 май) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев заргарлик тармоғини ривожлантириш, заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчилар учун янада қулай шароитлар яратиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Давлатимиз раҳбари соҳада хомашёдан самарали фойдаланиш, тармоққа фаол инвестиция жалб қилиб, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Заргарлик саноатида солиқ юкини қайта кўриб чиқиш, импорт қилинадиган хомашё ва ускуналарни божхона тўловларидан озод қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда заргарликнинг барча турларини ривожлантириш, тармоқ

учун зарур тошларни ўзлаштиришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

9 май. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди — ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 74 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев тантанали маросимда нутқ сўзлади ва Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 74 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Шайхонтоҳур туманидаги Сузук ота мажмуасига ташриф буюрди.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Мақбарани зиёрат қилди.

Шу ерда диний уламолар ва нуронийлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев уларни Рамазон ойи билан яна бир бор табриклар, янгиланган мажмуанинг шундай улғу айём кунларда очилиши хайрли эканини таъкидлади.

Президентимиз шу ердаги ҳунармандлар уйлари, хаттотлик устахоналари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Чилонзор тумани Боғистон кўчасида барпо этилаётган кўпқаватли уйлари бориб кўрди. Уйлارнинг қурилиш технологияси, сифати ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз қуриб битказилган хонадонлардан бирини кириб кўрди. Бундай уйлارнинг сифати, энергияни тежаши, зилзилабардошлиги халқимизга маъқул бўлмоқда.

Президентимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номидаги мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев бу масжид шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номига муносиб бўлганини таъкидлади. Ҳазратнинг илмий меросини ўрганиш, маърифат ва одоб-ахлоқ мавзуларида кўпроқ китоблар чоп этиш, жамиятимиздаги

маънавий муҳитни мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар берилди.

Шавкат Мирзиёев «Тошкент» автовокзалида бўлиб, бу ерда амалга оширилган ишлар ва йўловчилар учун яратилган шароитлар билан танишди.

Шу ерда мамлакатимизнинг транспорт-логистика тизимини ривожлантириш, халқаро ва шаҳарлараро автобус йўналишлари, автовокзал ҳамда автостанцияларни такомиллаштириш лойиҳалари тақдимоги ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Учтепа туманидаги 238-умумий ўрта таълим мактабининг янги ўқув биноси билан танишди.

Президентимиз таълим тизимига замонавий ўқув дастурларини жорий этиш бўйича тавсиялар берди. Шу ерда Тошкент шаҳар халқ таълими муассасаларининг бугунги аҳволи, мактабларнинг моддий-техник таъминоти бўйича маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Учтепа туманида 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланадиган тикувчилик цехига борди.

Шавкат Мирзиёев Учтепа тумани раҳбарлари, маҳаллалар раислари, зиёлилар, мутасаддилар билан учрашув ўтказди.

* * *

13 май. Президент Шавкат Мирзиёев хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги устувор лойиҳалар бўйича олиб борилаётган ишлар юзаси-

дан мутасаддиларнинг хисоботлари тингланди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ҳолати жуда сустлиги, улкан молиявий имкониятлардан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Эришилган келишувлар ва қўшма лойиҳалар ижросини ўз вақтида ва сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

* * *

13 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев Миссисипи штати губернатори Филипп Брайант бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Миссисипи штати ўргасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Муайян лойиҳа ва дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича икки томонлама комиссия фаолиятини йўлга қўйиш хусусида келишувга эришилди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини янада ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда қурилиш материаллари соҳасида ишлаб чиқаришни келгуси беш йилда камида икки баробар ошириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди. Норуда

конлар захираларини ошириш, саноат усулида қайта ишлашни кенгайтириш, қурилиш материаллари соҳасини диверсификация қилиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳа ихтисосликларига бюджет квотасини ошириш, корхоналарда ўқув амалиётини ташкил этишни такомиллаштириш, хорижий компаниялар билан ҳамкорликда янги технологиялар асосида малака ошириш марказлари ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ҳисоботлари тингланди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қуватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон нефть ва гази» халқаро кўргазмаси тадбирларида иштирок этиш мақсадида

мамлакатимизда бўлиб турган «Лукойл» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, янги инвестиция дастур ва лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда «Лукойл» компаниясининг мамлакатимиздаги фаолиятини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

15 май. Президент Шавкат Мирзиёев Россиянинг атом энергияси бўйича «Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизда қабул қилинган «йўл харитаси» асосида АЭС қурилиши лойиҳасини сифатли тайёрлаш ва амалга оширишни таъминлаш бўйича ҳамкорликни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Янги тармоқни ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

15 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 май. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Президентлар дўстлик ва стратегик шериклик муносабатлари

мустаҳкамланиб, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Анъанавий дўстлик руҳида ўтган мулоқотда давлат раҳбарлари халқларимизга тинчлик-осойишталик, янада фаровонлик ва барқарор тараққиёт тиладилар.

* * *

16–17 май. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига келди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Хонобод шаҳридаги «Хон tech city» масъулияти чекланган жамияти билан танишди.

Президентимиз шаҳардаги «Хонобод» сихатгоҳида амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Шу ерда Андижон вилоятида туризмни ривожлантиришга доир лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Фаоллар билан мулоқотда Хонобод шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, бандликни таъминлаш ва фаровонликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари «Khantex Group» МЧЖ томонидан Кўрғонтепа тумани Учқун маҳалласида ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластери фаолияти билан танишди.

Шу ерда Андижон вилоятида 2019–2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳаси, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланиш, паррандачи-

лик, балиқчилик, асаларичилик, пиллачиликни ривожлантиришга қаратилган режалар, Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонаси томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Президент «Мустақилликнинг 27 йиллиги» маҳалласидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Тинимсиз меҳнатимиз, изланишларимиз ўз мевасини бера бошлади, халқимизнинг ҳаётга қараши, муносабати ўзгарди. Бундай шинам уйларга кўчиб кирган оилалар ҳаётидан мамнун, давлатдан рози бўлади.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада иккинчи босқичда қуриладиган 2 сотихли 612 та уй, 168 хонадондан иборат 7 та кўпқаватли арзон тураржой, 615 ўринли мактаб, 160 ўринли болалар боғчаси ҳам Андижондаги ўзгаришлар руҳига ҳамоҳанг бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев «Келажак болажонлари» мактабгача таълим муассасасини кўздан кечирар экан, фарзандларимиз маънавиятини боғча ёшидан бойитиш, бу борадаги ишларни махсус қарор асосида тизимли йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Президентимиз Андижон туманидаги «Makro Farm Andijan» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Шу ерда Андижон шаҳридаги «Avto Tekstil» МЧЖнинг автомобиль ва автобус ўриндиқлари учун газлама-матой ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикасининг Германия ва Ҳиндистондаги элчихоналари томонидан вилоятда амалга оширилади-

ган инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Андижон вилояти ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев 17 май куни Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласига бориб, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди. Президентимиз эски барак шаклидаги ховлиларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Улар учун барча шароитлари мавжуд уй-жойлар қуриш ва оилаларни кўчириш бўйича топшириқ берди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф хиёбони ва ижод мактабида бўлди.

Президент мактаб-интернат ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилди. Муҳаммад Юсуфнинг ижодий фаолияти акс этган музейда бўлди.

* * *

17 май. Президент Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармасининг ҳамкорлиги истиқболлари батафсил муҳокама қилинди ва бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

* * *

17 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси

Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустаҳкам соғлик ва давлат хизматидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Яйловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 май. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган истиқболли инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди. Ушбу лойиҳаларнинг барчаси саноат соҳасига оид бўлиб, улар ижроси натижасида 10 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Ҳар йили қарийб 1 миллиард долларлик бозорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 290 миллион доллардан зиёд экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади.

Инвесторлар ва ташаббускорлар ўз лойиҳалари юзасидан тақдиротлар ўтказди.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Қайта тикланувчи энер-

гия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

22 май. Президент Шавкат Мирзиёев электротехника саноатини ривожлантириш, соҳада ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда экспорт-импорт конъюнктурасини ўрганиш асосида электротехника саноатини ривожлантириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига 2022 йилгача ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш ҳисобига импортни оптималлаштириш ва экспортни 500 миллион долларга етказиш вазифа-

си қўйилди. Президентимиз бунинг учун хомашёни чуқур қайта ишлаб, қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Ишлаб чиқарувчиларга яратилган шароитлар таҳлил қилинар экан, бу борада эркин иқтисодий зоналар муҳим ўрин тутиши қайд этилди. «Навоий» ва «Жиззах» эркин иқтисодий зоналарида янги лойиҳаларни жойлаштириш, «Термиз» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш бўйича таклифлар билдирилди. Тармоқни жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида замонавий инфратузилмага эга электротехника технопарклари ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатда Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

сининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Талабалар шаҳарчасига борди.

Президентимиз ташаббуси билан «Беруний» метро бекати ёнида Беруний майдони барпо этилди. Абу Райҳон Берунийнинг Техника университети олдидаги ҳайкали шу ерга кўчирилиб, атрофи ободонлаштирилди. Давлатимиз раҳбари бу ерда олиб борилган ишларни кўздан кечирди.

Президентимиз 2017 йил 2 декабрь куни Инновацион ривожланиш вазирлиги биноси қурилиши билан танишиб, мамлакатимизда

етақчи соҳа ва тармоқларни ривожлантириш, инновацион ғоя ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берган эди.

– Вазирликни бежиз Талабалар шаҳарчасига жойлаштирмадик. Бу ердаги олий ўқув юртларида минглаб иқтидорли ёшлар, тадқиқотчилар, олимлар илмий иш билан машғул. Уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир соҳада янгилик яратиш керак. Инновацион ривожланиш вазирлиги бу борада илмий марказ, база бўлиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. Шу ерда вазирлик ва Жараёнларни автоматлаштириш миллий ассоциацияси — НАРА томонидан хорижий марказлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши режалаштирилган инновацион технопарк тақдими бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига Президентимиз олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илмфан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар тақдими билан танишди.

Шу ерда Ўзбекистон Миллий университети илмий-педагогик фаолияти ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид режалар тақдими ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманидаги коворкинг маркази ва

ундаги тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди, кутубхоналар ва Нуронийлар масканини кўздан кечирди. Маҳаллий аҳоли вакиллари, оқсоқоллар билан суҳбатлашди.

Президентимизга «Сой бўйи» сайилгоҳи ва ҳудуд атрофидаги Олтинсой, Қичқириқ ва Тараққиёт маҳаллаларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари бу тизимни Тошкент шаҳрининг барча туманларида жорий қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишда илм ва таҳлил асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

* * *

27 май. Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарини ишга тушириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда секторлар ва давлат идоралари раҳбарлари тадбиркорларга ҳар томонлама қўмаклашиши, халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида уларнинг бу борадаги фаолияти муҳокама қилиниши зарурлиги таъкидланди

* * *

27 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 май. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. Ташрифнинг асосий воқеалари 28 май куни Қўқсарой қароргоҳида бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Франк-Вальтер Штайнмайер тор доирада ва кенгайтирилган таркибда музокара ўтказди.

Мулоқотда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Германия Президентларининг музокаралари якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар анъанавий дўстлик, очиқлик ва ўзаро англашув руҳида ўтганини қайд этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида ГФР Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Сўнгра Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари йиғилишида иштирок этди. Йиғилишда Ўзбекистонда германиялик инвесторлар иштирокида тузилган корхоналар, ушбу мамлакат фирма ва компаниялари ваколатхоналари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Германия тадбиркорларининг турли соҳаларда қўшма

лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиш масалалари муҳокама қилинди. Энергетика, нефть-газ кимёси, ахборот технологиялари, банк-молия, транспорт, атом энергетикаси каби соҳаларда шериклик алоқаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Франк-Вальтер Штайнмайер пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги «Вакап Тех» масъулияти чекланган жамиятига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон пахта толасидан ип-калава ишлаб чиқариш, қадоклаш ва экспортга йўналтиришгача бўлган жараён ҳақидаги видеоролик билан танишди, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари билан суҳбатлашди.

Германия Президенти Тошкентдаги Гёте институтида бўлиб, Йоханн Вольфганг Гёте ҳайкалининг очилиш маросимида қатнашди.

Олий мартабали меҳмон Тошкентдаги Гёте институти фаолияти билан танишди. Бу ерда тил ўрганаётган ёшлар, маданият ва санъат намояндалари, илмий доиралар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари билан суҳбатлашди.

ГФР Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга расмий ташрифи Хоразм вилоятида ниҳоясига етди.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Академик олимлар, профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, талабаларга замонавий шарт-шароит яратиш, улар орасидан бўлажак илм-фан вакиллари топиб, камолга етказиш зарурлиги таъкидланди. Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб, илмий тадқиқотларни молиялаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

30 май. Президент Шавкат Мирзиёев ҳукумат раҳбарлари даражасидаги Қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси

Дмитрий Медведевни қабул қилди.

Учрашувда олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқот, Россия Президентининг ўтган йил октябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг биргаликда амалга оширилиши кўпқиррали Ўзбекистон — Россия алоқаларини кенгайтиришга, амалий ҳамкорликни аниқ дастур ва лойиҳалар билан бойитишга хизмат қилгани таъкидланди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда турли иқтисодий тармоқлардаги устувор инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Европа кенгаши Президенти Дональд Тускни қабул қилди.

Учрашувда асосий эътибор иқтисодиёт, савдо, инновация ва инвестициялар, транспорт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик бошқа долзарб масалалар, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида бутун минтақа барқарорлиги ва изчил тараққиётини таъминлаш йўлида кенг кўламли шерикликни янада мустаҳкамлаш ва кўпқиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида томонларнинг интилишлари муштарак ва қатъий экани таъкидланди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ички ишлар вазирлари кенгашининг шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган тадбирларида иштирок этаётган делегациялар раҳбарларини қабул қилди.

Президентимиз Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Туркменистон вакилларини самимий қутлар экан, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда МДҲга аъзо давлатлар ички ишлар органлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш, жумладан, самарали идоралараро алоқаларни йўлга қўйиш, қўшма тадбирлар ўтказиш, кадрлар тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди. Шунингдек, минтақавий хавфсизликнинг долзарб масалалари, хусусан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш ва трансмиллий жинойтчиликка қарши курашишда шерикликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев Грузия, Америка Қўшма Штатлари ва Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Зураб Абдушелишвили, Дэниел Розенблюм ва Кан Чжэ Квондан ишонч ёрлиқларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари элчиларни

мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклар, уларга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада муваффақиятлар тилади.

Президентимиз ўз нутқида янги элчилар вакиллик қилаётган давлатлар билан кўпқиррали ҳамкорликнинг истиқболларига тўхталиб ўтди.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, йирик лойиҳалар ва бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Ангрен шаҳрига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари янги Ангрен темир йўл вокзалини кўздан кечирди. Шу ерда вилоятда туризм, энергетика, кимё, металлургия соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев «Чарвоқ» эркин туристик зонасида халқаро дам олиш масканлари, Билдирсой, Чимён ва Нанай худудларида Франция компаниялари консорциуми иштирокида тоғ-чанғи курорти барпо этиш лойиҳаларига алоҳида аҳамият қаратди.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, йирик инвестиция лойиҳаларини янада кенгайтириш, вилоятнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш юзасидан топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Ангрен шаҳридаги 2-ички ишлар бўлимини бориб кўрди. Ички ишлар, Миллий гвардия, прокуратура, суд ва бошқа органлар ҳамкорлигини кучайтириш, бўлинмаларнинг тезкор-

лигини ошириш ва максимал даражадаги ҳаракатчанлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шавкат Мирзиёев Оҳангарон шаҳар давлат хизматлари марказининг янги биносини кўздан кечирди. Сўнг Оҳангарон шаҳридаги «Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида туманда «Building innovation» корхонаси қуриб битказилди. Президентимиз корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Шу ерда Тошкент вилоятини ижтимоий юксалтириш дастури, инфратузилмани яхшилаш, 2019—2022 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, «Оҳангаронцемент» АЖ томонидан цемент ишлаб чиқаришга оид қатор лойиҳалар тақдим этилди.

Шавкат Мирзиёев Бўка туманидаги «Саркор» фермер хўжалиги даласида пахта ва ғалла ривожини кўздан кечирди. Давлатимиз раҳбари фермерлар, қишлоқ хўжалиги мутасаддилари билан мулоқот қилди.

Вилоятда 2019—2020 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимида боғдорчилик, чорвачилик, логистика маркази ва мева-сабзавотчилик кластер тизимини йўлга қўйиш масалалари ҳақида сўз борди. Президентимиз «Solanum agro» кўптармоқли уруғчилик агросаноат кластери махсулотлари намуналарини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Бўка туманидаги Бўстон маҳалласи мисолида туманда 5 та муҳим ташаббусга

хамоҳанг амалга оширилган ишлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев 1960 йилда қурилган мукамал таъмирланган 7-қишлоқ оилавий поликлиникасидаги шароитни кўздан кечирар экан, аҳолини тиббий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш, уйма-уй юриб, одамлар саломатлигини муҳофаза қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари «Бўстон барака чеварлари» МЧЖга қарашли тикувчилик цехида ишлаётган хотин-қизлар билан суҳбатлашди.

Гузардаги қаровсиз кинотеатр биноси таъмирланиб, замонавий маданият марказига айлантирилди. Бу ерда рақс, доира, рубоб, тасвирий санъат, фортепяно тўгараклари ташкил этилди. Президентимиз тўгаракларга қатнаётган ўғил-қизлар билан суҳбатлашди. Тумандаги 27-умумтаълим мактаби 3-синф ўқувчиси Фазилат Ёқубова бешта муҳим ташаббусга бағишланган шеърини ўқиб берди. Давлатимиз раҳбари Фазилатга яхши таълим-тарбия, ижодий муҳит ва шароит яратиб бергани учун унинг отасига автомобиль совға қилинишини айтди. Маданият саройида тарбияланаётган болалар учун «Келажак ниҳоллари» ансамбли ташкил этиш ва жамоага автобус совға қилиш бўйича топшириқ берди.

Президентимиз Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Бўка тумани марказида барпо этилган Маданият ва маърифат экопаркини бориб кўрди.

* * *

3 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти фа-

оллари, ҳокимлар ва секторлар раҳбарлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги, бандлик, ижтимоий шароитларга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президент Тошкент вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Президентимиз Нурафшон шаҳрида бош режа асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди. Шу ерда вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари ҳам тақдим қилинди.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини Рамазон ҳайити билан табриқлади.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасида дўстлик, ўзаро ишонч ва стратегик шериклик руҳидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик йўналишларида жадал ривожланиб бораётганини алоҳида эътироф этдилар.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида

«МЭИ» миллий тадқиқот университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда ўзлаштириш имкони бўлган майдонларни қайта ўзлаштириш бўйича самарали тизимни жорий қилишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Халқаро тажриба асосида фойдаланишдан чиққан ерларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзлаштириш тартибини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Тегишли вазирликлар раҳбарларига мазкур лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Йиғилишда фойдаланишга қайтарилган ерларни сув билан узлуксиз таъминлаш, бунинг учун фақат сувни тежовчи технологияларни қўллаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозғистон Республикаси Парламенти Мажлиси раиси Нурлан Нигматулин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Қозғистон парламентлараро ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда

саноатни ривожлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда шу борада амалга оширилаётган ишлар Андижон вилояти мисолида таҳлил қилинди.

Йиғилишда ҳар бир лойиҳа бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва муддатларни аниқ белгилаган ҳолда, тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш, бўш турган давлат объектларида устувор равишда саноат лойиҳаларини жойлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Давлатимиз раҳбари Фарғона водийсида саноат ва тадбиркорликни ривожлантириш учун инвестиция фонди тузилишини таъкидлади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ўзлаштириш ва лойиҳаларни муддатида ишга тушириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тармоқ ва ҳудудлар бўйича муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга жойларга чиқиб, хорижий инвесторлар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида «Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети» Федерал давлат бюджети олий таъ-

лим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Автомобиль транспортада юкларни халқаро ташишни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

10 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жумладан, мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини ва кредитларни ўзлаштиришни тезлаштириш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга кўрсатилаётган кўмакни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

* * *

10 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қосим-Жўмарт Тоқаевни

Қозоғистон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий табриклади.

Суҳбат чоғида Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жўмарт Тоқаев Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

13 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Бишкек шаҳрига келди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар кўриб чиқилди.

Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан музокара ўтказди. Давлатимиз раҳбари турли даражадаги икки томонлама мулоқотлар фаоллашгани, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва гуманитар алмашувлар кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Розмари Ди Карло хоним билан ҳам учрашди. Музокарада Ўзбекистон билан БМТ институтлари ўртасидаги Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишга қаратилган кўпқиррали шериклик истиқболлари кўриб чиқилди. Марказий Осиёда хавфсизлик ва

тараққийетни таъминлашнинг долзарб масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу куни Қирғизистон давлат филармониясида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Бишкек саммити иштирокчилари учун концерт дастури намойиш қилинди.

* * *

13–14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн тўққизинчи мажлисида иштирок этди. Саммитнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни «Ала-арча» қароргоҳида бўлиб ўтди. Дастлаб давлат раҳбарлари тор доирада учрашдилар. Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон иштирок этди.

Томонлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтиришга, сиёсат, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. ШХТ Бош қотиби Владимир Норовнинг ташкилот фаолиятига доир ҳисоботи тингланди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бирга, кузатувчи, мулоқот бўйича шерик мақомидаги давлатлар, халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари қатнашди. Унда ШХТни ривожлантиришнинг истиқболдаги йўналишлари, муҳим минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Бишкек декларацияси қабул қилинди. Аъзо мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги шерикликни ривожлантириш, ШХТнинг бошқа халқаро тузилмалар билан ҳамкорлигига доир 22 та ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Президентининг таклифига мувофиқ, ШХТга аъзо мамлакатларнинг Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ҳамда Худудлараро ҳамкорликни ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг саммитида иштирок этиш учун Бишкекдан Душанбега жўнаб кетди.

* * *

14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрига келди.

Президент Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги Миллат саройида Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди ҳамда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

* * *

14–15 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрида бўлди.

Саммитнинг асосий тadbирлари 15 июнь куни Душанбе шаҳридаги «Кўҳи Наврўз» саройида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида нутқ сўзлади ҳамда иштирокчи мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни рағбатлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Саммитда кенгашга аъзо давлатлар делегациялари раҳбарлари Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарларнинг олдини олиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштириш юзасидан ўз қарашларини баён этди. Бу борадаги яқдил ёндашувлар, амалий саъй-ҳаракатлар қитъа мамлакатлари ва халқлари фаровонлиги, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилиши

таъкидланди. Муҳокамалар якунида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш бешинчи саммитининг декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги ўзига ажратилган қароргоҳда Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Абдул Ҳамидни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги шерикликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан учрашди. Музокарада савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

17 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали сўзлашди.

Сухбатда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, кўпқиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликка доир долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

17 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ижросини янада жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Унда 2019 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар муҳокама қилиниб, уларнинг ижроси бўйича мутасаддиларнинг ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда нефть-газ, кимё ва электр энергетикаси соҳаларида йил якунида кутилаётган натижалар ҳамда келгуси йилга мўлжалланган режалар кўриб чиқилди.

* * *

17 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «2019—2023 йилларда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

21 июнь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлиси иш бошлади. Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда чоп этилди.

* * *

21 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Аскар Маминни қабул қилди.

Учрашувда қардош мамлакатларимиз раҳбарлари даражасидаги мунтазам учрашувлар ва ишончга асосланган мулоқот икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилиб, уларни аниқ амалий мазмун билан бойитгани таъкидланди.

* * *

21 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик марказининг қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Президент Конгресс-холлга тугаш қилиб қурилган 21 қаватли беш юлдузли «Hilton» меҳмонхонасини кириб кўрди. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилиши

билан танишди. Шавкат Мирзиёев қурилишни кўздан кечирди, бинонинг ички ва ташқи кўриниши, гумбаз ранглари учун танланган намуналар билан танишди. Ушбу марказ ислом дини ривожига улкан хисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганадиган, динимизнинг асл моҳиятини халқимизга етказадиган илмий-маърифий маскан бўлиши кераклиги таъкидланди.

Юртимиздаги иккита олий ва еттита ўрга махсус диний билим юртига бу ердан жой бериш зарур. Чунки илм шу ерда бойитилади, талабалар олган билимини марказдаги буюк аждодларимиз меросига оид қимматли далиллар билан мустаҳкамлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида адиб музейи ва унинг номида мактаб барпо этиш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида Ғалаба боғини бунёд этиш лойиҳаси ва қурилиш концепцияси билан танишди.

Мудофаа ва Маданият вазирликлари, Фанлар академияси, Бадий академия, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тарихчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашиб, Ғалаба боғининг концепциясини такомиллаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган иш-

лар, бу борада жорий йилнинг биринчи ярмида кутилаётган натижалар ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани, тадбиркор ва инвесторларга ҳар тарафлама амалий кўмак бериш бўйича таъсирчан механизмлар жорий қилиниб, изчил амалга оширилаётгани натижасида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётгани қайд этилди. Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Ҳар бир тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича кўзланган марралар ва аниқ вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш учун тегишли раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш чоралари белгиланди.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани (Женева, 2014 йил 11 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда саноатни ривожлантириш, бўш турган бино ва ерларда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда саноат лойиҳалари тақдими ўтказилди. Ҳар бир лойиҳа тармоқлар, шаҳар ва туманлар, тижорат банклари бўйича кўриб чиқилди. Мутасаддиларга ушбу саноат лойиҳалари юзасидан режа жадвалларини тасдиқлаб, уларни ўз муддатида ишга тушириш топшириғи берилди.

Видеоселектор йиғилишида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари салоҳиятидан унумли фойдаланиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ ва Божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентлар икки томонлама муносабатлар ва минтақавий сиёсатга доир долзарб масалаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод ва Қибрай туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент механика завоидига ташриф буюрди. Президентимиз корхоналар барқарор ишлаши учун доимий харидор кераклигини, чет эллардаги корхоналар билан келишиб, уларга зарур маҳсулот

ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бериш мумкинлигини таъкидлади. Янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, уларни аҳолининг ишга талаби ва мавжуд ресурслардан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ва ҳудудий экспорт ҳажмини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Президентимизга ер усти халқа метро линияси ҳамда Тошкент метрополитени Юнусобод линияси ва Сергели йўналишидаги қурилиш жараёни ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Яшнобод туманининг Махтумқули кўчасида замонавий тиббиёт ва илм-фан ютуқлари асосида барпо этилаётган Болалар кўптармоқли тиббиёт маркази қурилишини бориб кўрди.

Ушбу муассаса ёнида EDCF билан биргаликда IV даражадаги катталар кўп тармоқли тиббиёт маркази барпо этиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари шу лойиҳа билан танишди.

Шавкат Мирзиёев «Тошкент-Шаркий» аэродроми негизида барпо этилаётган аэропортни кўздан кечирди. Сўнг бу ердаги қурилиш жараёни билан танишиб, чет эллик мутахассислар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг Қибрай ва Юқори Чирчиқ туманлари ҳудудида қурилган янги автомобиль йўлини бориб кўрди. Чирчиқ дарёси устига қурилган кўприк билан танишди. Президентимиз йўллар қурилишини изчил давом эттириш, бу соҳада сифатни таъминлаш учун малака-

ли кадрлар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшларини Ёшлар куни билан қутлаб, табрик йўллади.

* * *

1 июль. Президент Шавкат Мирзиёев геология соҳасини янада ривожлантириш, геологик қидирув ва қазиб олишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари учун белгиланган солиқ ставкаларини оптималлаштириш, бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш, тармоққа хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди. Геология-қидирув ишларини молиялаштириш тизимини ислоҳ қилиш, хорижий экспертларни жалб этиб, энг илғор тажрибани амалиётга жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

2020–2021 йилларга мўлжалланган мутлақо янги форматдаги қидирув ишлари дастурини шакллантириш, соҳанинг моддий-техник базасини янгилаш бўйича топшириқлар берилди. Минерал хомашё базасини халқаро стандартлар асосида баҳолаш, жумладан, конлар захираларини JORC кодекси талаблари асосида ҳисоблаш ва маълумотлар очиқлигини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

1 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 июль. Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат товарлари сифатини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш жараёнларини қамраб оладиган замонавий агрологистика марказларини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда 2025 йилга қадар совуткичлар сонини 4 минг 500 тага, агрологистика марказларини 140 тага етказиш вазифаси қўйилди. Осиё тараққиёт банкнинг имтиёзли кредити иштирокида Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида агрологистика марказлари бар-

по этиш, Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ҳам бу боладаги ишларни бошлаш юзасидан топшириқлар берилди. Маҳсулот етиштирувчилар билан қайта ишловчи корхоналар ўртасида кооперация алоқалари йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида биринчи ярим йилликда давлат бюджетига тушумлар натижадорлигини таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари жойларда янги солиқ ислохотларини тизимли жорий этиш, солиқ тушумларини кўпайтириш ва ундириш борасида айрим камчиликлар ҳам борлиги ва бунинг оқибатида миллиардлаб маблағларни бюджетга тушириш имконияти йўқотилганини таъкидлаб, тегишли вазирлик ва ҳудудлар раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш, белгиланган вазифалар ижросини қатъий назорат қилиш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда бу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш бўйича Бош вазир раҳбарлигида тузилган Ишчи гуруҳ штаби ва унинг ҳудудий тузилмалари ишини янада жонлантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда тарифларни тартибга солиш бўйича таклиф этилаётган ислохотларни аҳолига тўлиқ етказиш зарурлиги таъкидланди. Солиқ

ислохотларини тарғиб қилиш бўйича Республика ишчи гуруҳи аъзолари, шунингдек, маҳаллий кенгашлар депутатлари, иқтисодиёт ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари мутасаддиларига жойларга бориб, аҳолига тарифлар ўзгаришининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича вазифалар топширилди.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев автомобиль саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда локализация даражасини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш орқали экспортни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда ягона платформада бир неча маргадаги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари автомобиллар нархини барқарор сақлаб, сифатини ошириш, янги ҳамёнбоп моделлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш орқали маҳсулотларнинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

сининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта нозорати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилди.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берил-

ди. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди. Иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

11 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «O‘ZBEKISTON TARIXI» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

12 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

12 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона учун мўлжалланган бинони кириб кўрди.

Трактор йиғиш ва пайвандлаш цехлари, «Uz Claas Agro» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Президентимиз Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида аграр соҳа машинасозлигини ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказди. Унда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот ва хизматлар турларини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёев узлуксиз профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда ўрта бўғин мутахассислари ва ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Коллежлар негизида профессионал таълим муассасаларининг янги тармоғини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда ушбу тизимни жорий қилишдан аввал унинг методологиясини яратиш, таълим дастурларини халқаро талаблар асосида янгидан ишлаб чиқиб, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ёшларни касб-хунарга қизиқтириш ва рағбатлантириш бўйича таклиф киритиш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

18 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 июль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сирдарё вилояти Ховос туманига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Ховос тумани марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президент курилишда ишлатилаётган материалларнинг нархи ва сифати билан қизиқди. Маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, уларнинг нархини янада камайтириш чораларини кўриш кераклигини таъкидлади. Урбанизация

нуқтаи назаридан туман келажакни бугундан ўйлаш, зарур жойларга коммуникация тармоқлари тортиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бўшаган ерлардан самарали фойдаланиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда Президентимизга Сирдарё вилояти, хусусан, Ховос туманида ичимлик суви таъминоти ва оқова тизимини ривожлантириш, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти томонидан Мирзаобод туманида бунёд этилаётган паррандачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик ва полиз экинлари мажмуаси, «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида Ховос шаҳрида жамоат тартибини сақлаш бўйича ҳамкорликда ташкил этиладиган хизматлар, жорий йилда туманда тузиладиган кичик бизнес субъектлари ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари туман марказидаги аҳолининг турмуш шароити билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Ховос туманидаги «Саховат» фермер хўжалиги даласида бўлиб, рўза ривожини кўздан кечирди.

Шу ерда вилоят туманлари ва секторлар раҳбарлари, нуронийлар, фермер ва тадбиркорлар билан учрашув бўлди. Унда қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнесни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жинойатчиликнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари йирик саноат корхоналари бўлмаган вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулотни ўстириш, аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий манбаи кичик бизнес бўлиши кераклигини таъкидлади.

Президентимиз вилоятда жиноятчиликнинг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш, таълим тизимини такомиллаштириш, кичик бизнесни ривожлантириш, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш каби масалалар бўйича зарур топшириқлар берди.

* * *

19 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон банки ўртасидаги шериклик алоқаларини кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Банк-молия сектори ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, таълим, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартларида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда ушбу тармоқда кейинги пайтда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилгани, лекин улар ислохотларнинг дастлабки натижалари экани таъкидланиб, асосий эътибор ҳанузгача учраётган муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазири бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи ҳар бир тумanning салоҳиятидан келиб чиқиб, кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари бўйича видеоселектор йиғилишида саноат соҳасидаги кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида кооперацияни кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда кооперация ярмаркалари ўтказиш, маҳсулот ва хизматлар ўз эгасини топиши учун «Ягона электрон кооперация биржа портали»ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо — лойиҳаларни жойлаштириш учун ер ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ер қаърини геологик жихатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020–2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Акциз солиғига тортиладиган айрим махсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат ва ҳукумат раҳбарлари Шавкат Мирзиёевни таваллуд куни билан самимий табриклар, унга мамлакатда тарихий янгиланишлар кечаётган бугунги муҳим даврда бахт-саодат ва улкан зафарлар, кўпмиллатли Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тиладилар.

* * *

25 июль. Президент Шавкат Мирзиёев таваллуд топган куни муносабати билан чин дилдан қутлар, ўзларининг самимий табриклари ва эзгу тилакларини йўллаган давлат

ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда амалга ошириш, миллий меъморлик анъаналарига риоя этиш кераклигини таъкидлади. Аэропорт фаолиятида замонавий бошқарувни жорий қилиш, реконструкция ишлари амалга оширилаётган пайтда эса Самарқандга поезд ва автобуслар қатновини кўпайтириш, аҳоли ва туристларга муқобил қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов мақбарамажмуасига ташриф буюриб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти қабрига гул қўйди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Оқдарё туманидаги «Pure milk Oqdaryo» фермер хўжалиги даласида бўлиб, миришкорлар билан суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманидаги эшкак эшиш каналига ташриф буюриб, бу ерда

қурилиши режалаштирилаётган туристик марказ лойиҳаси билан танишиди.

Президентимизга 2019–2020 йилларда вилоятда туризм соҳасида амалга ошириш белгиланган 164 лойиҳа, кўпқаватли уй-жойлар қуриш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини модернизация қилиш, Самарқанд шаҳрини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш борасидаги ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд туманидаги «Agromig» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, мева-сабзавотни қайта ишлаш жараёнини кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида вилоят фаоллари, секторлар раҳбарлари, нуронийлар, фермер ва тадбиркорлар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Шавкат Мирзиёев вилоятда sanoat, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда муайян натижаларга эришилаётган бўлса-да, Самарқанднинг иқтисодийтини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда туризм соҳаси асосий йўналиш бўлиши кераклигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини кенгайтириш борасида топшириқлар берди.

* * *

29 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги маҳ-

сулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат sanoatини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида «Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 июль — 1 август. Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Давлатимиз раҳбари Минск шаҳридаги Ғалаба монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 1 август куни Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко тор доирада учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўпқиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати, ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Давлат раҳ-

барлари учинчи мамлакатлар бозорларини ўзлаштириш мақсадида кооперацияни кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Музокара расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда ўзаро савдо қўламини ошириш, минтақалараро ҳамкорлик учун янги йўналишлар очиш, илм-фан, инновациялар, рақамли технологиялар, таълим ва туризм соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида қабул қилинган қарорлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш бўйича қўшма йўл харитасини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди. Хужжатларни имзолаш маросимида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Александр Лукашенконинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 11 хужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очиқ ва конструктив руҳда ўтгани, ўзаро манфаатли келишувларга эришилганини таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев Александр Лукашенко ҳамроҳлигида Фахрий меҳмонлар боғига ташриф буюриб, халқларимиз дўстлиги ва биродарлигининг рамзи сифатида кўчат ўтказди.

Куннинг иккинчи ярмида давлат раҳбарлари Минскда ташкил этилган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди остидаги миллий маҳсулотлар кўргазмасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон компания ва агентликларининг мутасаддиларига Беларусдаги манфаатдор корхоналар билан кооперацион алоқаларни ўрнатиш, қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Беларусь Бош вазири Сергей Румас ҳамроҳлигида Минск шаҳридаги «Беларусь» юқори технологиялар парки фаолияти билан танишди. Банк-молия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, экология ва бошқа соҳалар учун яратилган инновацион ечим ва ишланмалар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари мазкур технопарк резидентлари имкониятларининг Ўзбекистонда тақдимотини ташкил этиш таклифини илгари сурди. Технологик ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва тажриба алмашиш бўйича алоқаларни кенгайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

* * *

31 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Президенти Александр Лукашенко билан телефон оркали мулоқот қилди. Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашенко ва биродар Беларусь халқига муваффақиятли яқунланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Беларусь Республикасига илк расмий ташрифи давомида кўрсатилган меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда мутасадди вазирлик ва ташкилот, ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлар мулкларини компенсация тўламасдан бузиш ва ер майдонларини олиб қўйишга мутлақо йўл қўйилмаслиги учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида Ишчи гуруҳ тузиш, улар жойларга чиққан ҳолда тадбиркорларга етказилган зарарни хатловдан ўтказиб, бу маблағларни бозор қиймати асосида тўлаб бериш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда фаолиятини тўхтатган кичик бизнес субъектларини қайта тиклаш масалалари ҳам таҳлил қилинди. Мутасаддиларга солиқ ва статистика маълумотларини таҳлил қилиб, ҳар бир корxonанинг фаолият кўрсатмаслик сабабларини аниқлаш вазифаси қўйилди. Ҳокимларнинг тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари ва жойлардаги иқтисодий комплекс идоралари раҳбарлари фаолиятини тиклаш имкони бўлган корxonалар билан манзилли ишлаб, уларнинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериши кераклиги таъкидланди.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табриги эълон қилинди.

* * *

12 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқа-

ришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда мутасадди раҳбарлар экспортёрларнинг муаммолари билан тизимли шуғулланмаётгани, давлат томонидан яратилган имкониятларни тадбиркорларга етказиб, уларнинг ташқи бозорга чиқишига кўмаклашмаётгани танқид қилинди.

Видеоселектор йиғилишида яна бир муҳим соҳа — маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи атрофлича таҳлил қилинди.

Вазирлар Маҳкамасига барча тармоқ ва ҳудудлар корхоналарида маҳаллийлаштирилган товар ишлаб чиқариш ҳажмини келгуси икки йилда камида 20 фоизга ошириш, импорт улуши юқори бўлган товарларни маҳаллийлаштириш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Видеоселектор йиғилишида тармоқлар ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг ҳисобот ва таклифлари эшитилди.

* * *

13 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини қучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 август. Президент Шавкат Мирзиёев Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицунь бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Цзинь Лицунь мамлакатимиз ва бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

* * *

13 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида Туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, ёқилғи-энергетика, қайта ишлаш саноати

ва агросаноат тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳаларни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар натижалари чуқур таҳлил қилинди. Макроиқтисодиёт, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўйғилишда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мутаносиб бўлишини таъминлаш, маҳаллий бюджетларга қўшимча тушумлар бўйича резервлар топиш ва сафарбар қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

15 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий натижалари ва истикболдаги устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўйғилишда мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ҳамкорлигининг амалий натижалари, глобал тенденциялар, шунингдек, жаҳонда ва минтақада барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хатарлар кўриб чиқилди. Кейинги йилларга мўлжалланган ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий вазифалари белгилаб олинди.

Ўйғилишда шу давргача амалга оширилган ишлар танқидий баҳоланди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига ҳамкор давлатлар билан ўзаро манфаатли мулоқотни йўлга қўйишни да-

вом эттириш, шунингдек, икки ва кўп томонлама алоқалар доирасида миллий манфаатларни таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

* * *

15 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида мувофиқликни баҳолаш тизими янада такомиллаштириш ва синов лабораториялари комплексини ривожлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

19 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20–21 август. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари Мўйноқ туманида Амударё дельтасида кичик сув ҳавзалари барпо этиш бўйича олиб борилаётган ишлар, «Мўйноқ порлоқ текс» корхонаси фаолияти билан танишди, ишчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз «Мўйноқ аква саноат»нинг салоҳияти, бу ерда тайёрланадиган махсулот турлари

ва уларни экспорт қилиш имкониятлари билан танишди. Шу ерда Қорақалпоғистонда балиқчиликни ривожлантириш, Орол денгизининг қуриган тубида яшил бутазорлар барпо этиш ва минтақада экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги лойиҳалар тақдимоғи ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Мўйноқ туманидаги Маданият марказида қорақалпоғистонлик фаоллар билан учрашди.

Президентимиз Тебинбулоқ кони негизида кон-металлургия комплексини қуриш лойиҳаси билан танишди. Шавкат Мирзиёев хорижий компаниялар мутахассислари билан суҳбатлашди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз раислигида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистонни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қорақалпоғистонни янада тараққий эттириш бўйича бешта устувор йўналиш белгилаб берилди.

Биринчиси — саноатни ривожлантириш, барча тармоқларда йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишдан иборат.

Иккинчи устувор йўналиш тадбиркорлик жадал ривожланиши учун кенг йўл очиб бериш ва уни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашдир. Қишлоқ хўжалигида илғор технологияларни кенг жорий қилган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажми, ҳосилдорлик ва маҳсулот турларини кескин ошириш **учинчи устувор йўналиш** этиб белгиланди. **Тўртинчиси** — ишлаб чиқариш ва одамлар учун қулай бўлган замонавий инфратузилмани яратиш. Оролбўйи аҳолисининг яшаш ша-

роити ва турмуш даражасини яхшилаш юзасидан кенг қамровли ишларни амалга ошириш эса **бешинчи устувор йўналиш** сифатида эълон қилинди.

Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳридаги Президент мактабида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шу ерда Нукус шаҳри бош режаси, «Нукус сити» қурилиши мўлжалланаётган ҳудуд ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев Тахиатош туманидаги «Мадед Ботир» фермер хўжалиги даласида гўза ривожини кўздан кечирди.

Президентимиз Тахиатош иссиқлик электр станциясида қуввати 230—280 мегаватт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаси билан танишди.

Шу ерда Президентимизга Устюрт минтақасида нефть ва газ захираларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган геология-қидирув ишларининг ҳолати ҳақида ҳам маълумот берилди.

* * *

22 август. Президент Шавкат Мирзиёев АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Дэвид Хейлни қабул қилди.

* * *

22 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш-

нинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий гоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болаликдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Мактаблардаги камчиликларни тuzатиш, таълим сифатини назорат қилиш учун ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг иштироки зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоселектор йиғилишида халқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, муаммоларни комплекс ҳал этиш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида БМТ нинг таълим, фан ва маданият

масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош директори Одри Азулени қабул қилди.

Учрашувда кенг қўламли шерикликни янада ривожлантириш, жумладан, Жаҳон мероси қўмитасининг навбатдаги сессияси якунида эришилган келишувларни сўзсиз амалга оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилди. Давлатимиз раҳбари Имом Бухорий мажмуасини реконструкция қилишга оид таклифлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев мажмуа реконструкциясини шошмасдан, сифатли ва чуқур ўйлаб лойиҳалаштириш, хориж тажрибасини ўрганиб, зиёратчиларга янада кенг қулайлик яратиш зарурлигини таъкидлади.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ёритиш учун келган маҳаллий ва хорижий блогерлар билан суҳбатлашди.

Мулоқот сўнгида Шавкат Мирзиёев блогерлар билан суратга тушди, уларнинг фаолиятига муваффақиятлар тилади.

* * *

26 август. Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» XII халқаро мусиқа фестивалининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни (Париж, 2001 йил 3 апрель) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кишинёв, 2002 йил 7 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш тартибидан янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизими-

ни такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда бажарилган ишлар танқидий баҳолашиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан мутасадди тузилмалар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташкилотининг қишлоқ хўжалигида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 129-сонли Конвенциясини (Женева, 1969 йил 25 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташкилотининг саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисидаги 81-сонли Конвенциясини (Женева, 1947 йил 11 июль) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджетини шакллантириш ва ижро этишнинг янги механизмлари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва санъат соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

каси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Львович Тюрденев «Меҳнат шухрати» ордени билан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий мувофиқлаштирувчиси Хелена Фрейзер, АҚШдаги Ж. Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старр, АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси аъзоси Трент Келли, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Жон Мак-Грегор «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

* * *

30 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Моддий маданий мерос

объектларининг муҳофаза қилиниши кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

30 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг реконструкция қилинган янги биносини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари билим юртининг ўқитувчи ва мураббийлари билан суҳбатлашди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Тошкентда яна бир йирик мажмуа — «Наврўз» боғи фойдаланишга топширилди. Президент Шавкат Мирзиёев мазкур боғда яратилган шароитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари этнография шаҳарчани кўздан кечирди. Олимлар, ижодкорлар, маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос қадимий маданияти, хунармандлик, пазандалик анъаналари, фольклори, этнографияси бу ерга келувчилар учун маданий ҳордиқ билан бирга, беқиёс тарихий манба бўлиб хизмат қилиши қайд этилди.

Президентимиз Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги физика, математика, информатика ва астрономия фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида яратилган шароитлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мактабнинг янги биносида яратилган шароитлар, ўқув хоналарини кўздан кечирди. Ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев шундан сўнг «Tashkent City»га келиб, конгресс-ҳолл ва беш юлдузли меҳмонхона, ҳудуддаги ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз мажмуада амалга оширилган бунёдкорлик ишларини юқори баҳолаб, бу объектлар ишга туширилгач, хизмат турларини кўпайтиришга эътибор қаратиш, халқимизнинг бу ерга келиб мазмунли дам олиши учун қулайликлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасида ўтказилган халқимиз озодлиги ва юртимиз мустақиллиги йўлида қурбон бўлганларни ёд этиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари хиёбондаги рамзий қабр ёнида нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан суҳбатлашди.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументига гулчамбар қўйди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашенокони туғилган куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади. Беларусь Президенти, ўз навбатида, илиқ қутлов учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини ва кўпмиллатли Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан табриклади.

Томонлар серқирра Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари бугунги кунда юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Беларусь Республикасига амалга оширган илк расмий ташрифининг самарали натижалари икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга хизмат қилгани, уни аниқ мазмун билан бойитгани таъкидланди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига муво-

фиқ, мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз ва мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган хорижликлар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. «Кўксарой қароргоҳида ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, уларнинг тимсолида жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизни муборакбод этди.

Президентимиз тақдирланган юртдошларимиз ва хорижлик дипломатларга мукофотларни тантанали равишда топширди.

* * *

31 август. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, бунинг учун жойларда зарур шароит яратиш масалалари муҳокама этилди.

Видеоселектор йиғилишида аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар ахборот берди.

* * *

5 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун соҳада

олиб борилаётган ишларни кескин жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

* * *

5 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлаш бўйича йиғилиш ўтказди. Йиғилишда ёқилғи-энергетика комплексидаги корхоналар фаолияти таҳлил қилиниб, галдаги муҳим чоралар белгилаб берилди. Куз-қиш мавсумида аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжини қоплаш ҳамда экспортни таъминлаш, бунинг учун табиий газ қазиб олишни қўпайтириш дастурини самарали бажариш зарурлиги таъкидланди. Вазирлар Маҳкамаси ва Энергетика вазирлигига истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш юзасидан топшириқ берилди.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев 2020—2030 йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Йиғилишда бу соҳада ишлаб чиқиладиган стратегияни амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинар экан, бюджет маблағларининг асосий қисмини ерларнинг унумдорлигини ошириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, илм-фанни ривожлантиришга сарф-

лаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилиб, бу бо-радаги жаҳон тажрибаси таҳлил қилинди.

Йиғилишда мутасаддиларга маҳсулотларни Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё ва араб мамлакатлари стандартлари асосида сертификатлаш тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди. Буни мева навини танлашдан бошлаш кераклиги таъкидланди.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаш-

тирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 сентябрь. Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида иш бошлаган Президент мактабини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари мактабда яратилган шароитлар билан танишди, ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари хорижлик ва маҳаллий ўқитувчилар билан ҳам мулоқотда бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида Президент мактабининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Шавкат Мирзиёев мактабнинг илк ўқувчи ва ўқитувчилари билан суратга тушди, янги масканга замонавий автобус совға қилди.

* * *

10 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳамда давлат бюджетига кафолатланган тушумларни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлисида бизнес муҳитини яхшилаш бўйича қонуний асосларни такомиллаштириш ва аниқ йўналтирилган амалий чоралар кўриш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва ҳокимлар-

нинг ҳисоботи ва таклифлари эшитилди.

* * *

12 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Чироқчи» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятидаги «Қўқон» эркин иқтисодий зонасига ташриф буюрди. Бу ерда, дастлаб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини комплекс ривожлантиришга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича янги лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Қўқон» эркин иқтисодий зонасидаги «Шаффоф омадли саноат» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда «Қўқон» эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни кўздан кечирди, фарғоналик тадбиркорлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейида Фарғона вилояти фаоллари, нурунийлар, зиёлилар билан мулоқот қилди. Унда маданият,

маърифат соҳаларидаги ўзгаришлар, ёшлар таълим-тарбияси ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳридаги Буюк алломалар музейи ёнида шаҳар аҳли вакиллари билан учрашди.

* * *

14 сентябрь. Қўқон шаҳрида биринчи Халқаро хунармандчилик фестивали очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Анжуман ўтказиладиган майдон атрофида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби қўшни давлат ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан келган хунармандлар буюмлари кўргазмаси ташкил этилган. Президент Шавкат Мирзиёев фестиваль очилиш маросимидан сўнг ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди, хунармандлар билан суҳбатлашди.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий мулоқотни янада

ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Фаол парламентлараро мулоқот ва алмашинувларни, жумладан, Ўзбекистон ва Россия парламентлари палаталари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

16 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Осиё футбол конфедерацияси президенти Шайх Салмон бин Иброҳим ал-Халифани қабул қилди.

Учрашувда Осиё футбол конфедерацияси билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

17 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида саноатни жадал ривожлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

19 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва сувдан фойдаланиш самарадорли-

гини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда сугоришдаги йўқотишларни қисқартириш, ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Япония ҳамда Франция Республикасининг мамлакатимиздаги фавкуллда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад Холид Элмий, Сантош Жа, Тимоти Торлот, Ёшинори Фужияма ва Изабель Сервоз-Галлуччидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари элчиларни Ўзбекистондаги дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклаб, уларга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада муваффақиятлар тилади.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурилиш соҳасига аҳборот-коммуникация технологияла-

рини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саянни қабул қилди.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди, Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилигини янада такомиллаштириш жиҳатлари ва қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

26 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийлар қуни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президентнинг Қўқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийларга юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Учрашувда Президентимиз томонидан боксни мактаблар, маҳаллалар, туманлар ва вилоятлар даражасида ривожлантириш юзасидан зарур шароитлар яратиш бўйича концепция ишлаб чиқиш, боксни умуммиллий спорт турига айлантириш юзасидан алоҳида дастур ва чора-тадбирлар қабул қилишга доир муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Спортчиларга Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Болалар мусиқа ва санъ-

ат мактаблари раҳбар, ўқитувчи ва концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришда икки мамлакат парламентларининг фаол иштирокига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди. Халқаро парламентлараро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев йўл хўжалигини ривожлантириш ва ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда ушбу соҳани ривожлантириш, қурилиш лойиҳаларини барқарор молиявий манба билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Автомобиль йўлларини қуриш ёки таъмирлаш ишларига халқаро ташкилотлар ва хусусий

шерикларни фаол жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

* * *

3 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиб боришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ва Инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби Бағдат Амреевни қабул қилди.

Учрашувда Туркий кенгашнинг, биринчи навбатда, савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт, туризм, маданий-гуманитар алмашинувлар каби долзарб йўналишларда амалий шерикликни ривожлантиришга кўмаклашувчи самарали минтақавий тузилма сифатидаги салоҳиятига юксак баҳо берилди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Туркия савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи раиси Мустафо Рифат Ҳисоржиқли ўғлини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўламда амалга ошириш, савдо, инновациялар, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма

лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолини узлуксиз иссиқ сув ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда 12 та шаҳардаги 5 мингга яқин турар жойнинг марказлашган иссиқлик таъминотини тиклаш ва уларни «ёпиқ тизим»га ўтказиш, хусусан, Бухоро ва Чирчиқ шаҳарлари бўйича тендер савдоларини яқунлаб, 2020 йилда фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси халқимизни рози қилиш, одамларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш, уларнинг ишончини оқлашдан иборат экани алоҳида таъкидланди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Шукуржон Зухуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда ўзаро алоқалар барча даражаларда фаоллашгани қайд этилди. Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида кўмиталар ва парламентлараро гуруҳлар даражасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари россиялик ҳамкасбни туғилган куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади. Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестиция, фан-техника, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим эканига эътибор қаратдилар.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, ортиқча чекловларни бекор қилиш

ва фонд бозорида ишлашни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мажлисда қимматли қоғозларга бўлган талабни кўпайтириш, хорижий биржа, брокер ва банкларни мамлакатимиз фонд бозорига жалб этиш чоралари муҳокама қилинди.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев хорижий мамлакатлар билан эришилган келишувлар ижроси, янги инвестициявий ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда жорий йил январь-сентябрь ойларида экспорт ва инвестиция прогноз кўрсаткичларининг ижроси ҳолати ва йил якуни бўйича ушбу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган чоралар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

8 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Товар-хомашё биржалари фаолияти самарадорлигини ошириш ва биржа савдо механизмларини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

9 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Сув ресурсларини бош-

қариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилаётган «Olmazor business city» ишбилармонлик маркази қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, коммуникация тармоқлари, йўл инфратузилмаси, яшил ландшафтларнинг жойлашувига эътибор қаратди.

Президентимиз хонадонлардаги шароитларни кириб кўрди.

Бунёдкорлик ишларининг бориши, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланилаётгани, уйлар ҳам тўлиқ юртимизда ишлаб чиқарилган маиший техника ва мебеллар билан жиҳозланиши таъкидланди.

Шу ерда Олмазор тумани фаоллари билан мулоқот бўлди. Аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш, юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Президентимиз ўтган йили 29 июнь куни Олмазор тумани аҳолиси билан мулоқот чоғида Тошкент чинни заводини қайта тиклаш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўтган қисқа вақтда ушбу ташаббус амалга ошди, замонавий чинни заводи барпо этилди. Давлатимиз раҳбари

мазкур корхонани бориб кўрди, янги корхона цехларини кўздан кечириб, маҳсулот тайёрлаш жараёни билан танишди.

Шавкат Мирзиёев корхона хузурида ташкил этилган чинни буюмлар музейини кўздан кечирди. Заводда ишлаган меҳнат фахрийлари билан суҳбатлашди. Шу ерда Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган саноат ва инвестиция лойиҳалари тақдими ҳам ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев «Tashkent City» халқаро ишбилармонлик марказининг қуриб битказилган илк объектлари — Конгресс ҳолл ва «Hilton» меҳмонхонасини бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев меҳмонхонада яратилган шароитлар билан танишди, худуд марказидаги хиёбонни кўздан кечирди, қурувчи ва масъулларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берди.

* * *

10 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10–11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди. Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь куни бўлиб ўтди. Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раис-

лигида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев иштирок этди. Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини қайд этди ҳамда шерикликнинг истиқболли йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисидаги қарор барча иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

Музокаралар якунида ҳужжатлар имзоланди. 2020 йилда МДХга раислик Ўзбекистон Республикасига ўтиши тўғрисида қарор, Стратегик иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида декларация, Совет халқининг 1941—

1945 йилларда Улуғ Ваган урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари ва халқаро ҳамжамиятга мурожаати, 2020—2022 йилларда терроризм, экстремизм ва зўравонликнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинди.

* * *

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг Ашхобод саммити доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашди. Учрашувда савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида ва бошқа устувор йўналишларда икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашиняни қабул қилди. Учрашувда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Ҳукуматлараро ва идоралараро даражада ўзаро алмашинувларни йўлга қўйишга келишиб олинди.

* * *

14 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картагена протоколига (Монреаль, 2000 йил

29 январь) қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида иштирок этиш учун Боку шаҳрига ташриф буюрди. Боку халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон расмийлари кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, бу борада биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Учрашув якунида Президентлар кўп асрлик дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллохшукур Пошшозодани қабул қилди. Учрашувда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро

мулоқотни кенгайтириш, таълим ва ёшларнинг маънавий тарбияси масалалари муҳокама қилинди.

* * *

15 октябрь. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими қабул қилинганининг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий кенгашнинг 7-саммити арафасида «Интеграция ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар» сарлавҳали мақоласи Туркиянинг «Hurriyet Daily» газетасида чоп этилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мақоласи республика матбуотида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди.

* * *

15 октябрь. Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммити бўлиб ўтди. Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев иштирок этди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев саммитни очар экан, Президент Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани муносабати билан табриклади. Ўзбекистон раҳбарининг бу тарихий қарори

туркий тилли давлатларнинг ҳам-жихатлиги ва изчил тараққиётига хизмат қилишини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, табиий ва тарихий жараёнлар ифодаси эканини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев саммит кун тартибига киритилган масалалар бўйича ўз фикр ва таклифларини билдирди.

Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига раислик Озарбайжон Республикасига ўтиши муносабати билан Илҳом Алиевни қутлаб, унга улкан муваффақиятлар тилади.

Учрашув якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Делегациялар раҳбарлари Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммити декларацияси, Туркий кенгашнинг мувофиқлаштирувчи қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва бошқа ҳужжатларни қабул қилдилар.

Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг тўла ҳуқуқли аъзо сифатида Ташкилотга қўшилиши тўғрисидаги Қўшма баёноти саммитнинг муҳим воқеаси бўлди.

Саммит доирасида Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг учрашуви бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари бири-бирини самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, кўпқиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбанни қабул қилди. Сухбат чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги шериклик истиқболлари кўриб чиқилди. Халқаро аҳамиятга молик, жумладан, Ўзбекистон – Европа Иттифоқи йўналишидаги шерикликнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама этилди.

Туркий кенгаш саммити доирасида Бокуда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев чорвачилик ва боғдорчилик тармоқларини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда чорвачилик тармоғида бажарилган ишлар ва келгусидаги режалар муҳокама этилди, аҳолини арзон гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш борасида қилинган ишлар етарли эмас, деб баҳоланди.

Чорвачилик тармоғининг долзарб муаммоси ҳисобланган узлуксиз озуқа-ем таъминотини йўлга қўйиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Меценатлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17–18 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Шавкат Мирзиёев дастлаб Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилди.

Уламолар билан бўлиб ўтган суҳбатда Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Ҳаким Термизийнинг маънавий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ҳамда юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳақида сўз юритилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ангор туманидаги «Ангор – Сурхон ғурури» пахта-тўқимачилик кластери даласида пахта ҳосилини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Денов туманидаги Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмда бўлди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмдаги шароитлар, янги ташкил этилган бўлинмалар, аскарлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўқув фаолияти билан танишди. Олий Бош Қўмондонга муддатли ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигига бағишланган кўрғазмали машғулотлар намойиш этилди. Президентимиз ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намуналарини кўздан кечирди.

Ҳарбийлар билан мулоқотда Президентимизга Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли ҳар-

бий қисмларни замонавий техника ва қурол-аслаҳа билан таъминлаш, қўшинларнинг бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, мазкур қисмда жанговар ва ўқув-тайёргарлик жараёнини автоматлаштиришга доир лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Президент аскар ва офицерларнинг жанговар шайлигини ошириш, яшаш ва дам олиш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ҳарбийларнинг фарзандлари учун Денов туманидаги Боғи Эрам маҳалласида «Меҳнат – фаровон ҳаёт» фермер хўжалиги томонидан қурилган 150 ўринли «Смарт кидс» нодавлат мактабгача таълим муассасасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари боғчадаги шароитларни кўздан кечирди, тарбиячилар билан мулоқот қилди. Президентимиз болаларга совғалар топширди.

Шу ерда Мактабгача таълим вазирлиги ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилган мобил ва модуль боғчалар тақдироти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Денов туманидаги лойиҳа қиймати 20 миллион доллар бўлган «Денов текстиль» пахта-тўқимачилик кластерида бўлиб, унинг имкониятлари билан танишди.

Шу ерда 2019–2021 йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, Денов шаҳри бош режаси ҳамда келгуси

икки йилда Денов туманини обод қилиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент бу борадаги бунёдкорлик ишларини тезлаштириш, одамлар учун ҳар томонлама қулай уй-жойлар қуриш зарурлигини таъкидлади.

Президент Жарқўрғон туманидаги «Сурхонцементинвест» хорижий корхонаси фаолияти билан танишди.

Шу ерда вилоятда саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ичимлик ва оқова сув тизимларини яхшилаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Вилоятга бириктирилган элчихоналар томонидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, секторлар раҳбарлари, турли соҳа ва тармоқлар мутасаддилари, фаоллар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳридаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказига ташриф буюриб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган «Сурхон ипаги» корхонасида бўлди. Шу ерда ипакчиликни ривожлантириш лойиҳалари, вилоятнинг туризм салоҳияти ва уни ривожлантиришнинг қўшимча имкониятлари ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз Термиз шаҳридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот

маркази Сурхондарё вилояти бошқармаси фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари оилавий кадриятларни ўғил-қизларга ёшлик чоғидан тўғри тушунтириш, ҳозирги оилавий муаммолар бўйича илмий ишлар қилиб, ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизлар билан ишлайдиган мутахассисларнинг билимини ошириш зарурлигини таъкидлади.

* * *

21 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 октябрь. Пойтахтимиздаги мухташам Халқаро Конгресс марказида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, бутун халқимизни ушбу тарихий сана билан табриклаб, ўзбек тилининг тараққиёти ва истикболлари ҳақида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги нутқи «Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли» сарлавҳаси билан матбуотда эълон қилинди.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Гужарот штати бош вазири Вижай Рупани бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Хиндистон ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди. Биотехнологиялар ва агрокластерлар, тўқимачилик, фармацевтика саноати, автомобиллар учун бутловчи қисмлар ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш, меҳмонхона инфратузилмасини бошқариш каби соҳаларда ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги Ўзбекис-

тон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев саноатни ривожлантириш, нефть-газ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга мунтазам етказиб бериш борасидаги ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда мутасаддилар жорий йилнинг 9 ойида ишлаб чиқариш ҳажми, прогноз параметрларининг бажарилиши бўйича ҳисобот берди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигида саноат тармоқларидаги ҳолатни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини янада оширишга туртки берадиган тизим яратиш юзасидан топшириқ берилди. Бунда кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда нефть-газ тармоғидаги ишлар ҳолати ҳам таҳлил қилинди.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 70 йиллиги муносабати билан ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ташкил топганининг 70 йиллиги муносабати билан табрик йўллади.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Президентимиз «Туркистон» бекатида бўлиб, қурилиш сифати ва йўловчилар учун қулайлигига алоҳида эътибор қаратди.

Шу ерда «Буюк ипак йўли» метро бекатидан «Тошкент трактор заводи» автошоҳбекатигача бўлган янги йўналиш, Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент Чилонзор туманидаги «Ориент керамик» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиб, мазкур корхонанинг ишчилари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу жамият негизида барча вилоятларда кичик корхоналар ташкил этиш,

логистикага қулай жойлар ажратиб, уларни керамик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кластер тизимида ишлатиш, маҳсулот турини кўпайтириб, нархини тушириш эвазига экспорт ҳажмини ошириш зарурлигини таъкидлади. Шу ерда Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Чилонзор тумани жануби-ғарбий саноат ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Шавкат Мирзиёев ҳар бир лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Сергели метро йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Сергели йўналишининг Чилонзор йўналишидаги «Олмазор» бекатига борладиган қисмида амалга оширилган қурилиш ишларини кўздан кечирди. Сергели туманининг ривожланиб бораётгани, кўпқаватли янги уйлар қурилаётгани нуктаи назаридан бу метро йўналиши улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Йўловчиларнинг метрополитенгача етиб олиши ва метрода ҳаракатланиши учун яратиладиган шароитлар билан қизиқди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманига ташриф буюриб, ерусти халқа метросининг қурилиши билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари янги келтирилган поездга чиқиб, қурилиши якунланган «Дўстлик-2» ва «Оҳангарон» бекатлари оралиғида юриб

кўрди, станцияларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев банк тизимини ислоҳ қилиш ва банкларнинг инвестициявий фаолигини ошириш борасидаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда инвестиция маблағларидан самарали фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, мижозлар ва банк даромадларини кўпайтириш борасидаги ишлар етарли эмаслиги танқид қилинди. Молия вазирлиги ва Марказий банкка Жаҳон банки билан биргаликда банк секторини узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишни яқунлаш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари тижораг банкларининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, долзарб чора-тадбирлар хақида тўхталиб ўтди.

* * *

28 октябрь. Президенти Шавкат Мирзиёев аҳолини уй-жой би-

лан таъминлаш ва ипотека бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда ипотека тизимига босқичма-босқич бозор механизмларини жорий этиш, соҳада хусусий секторнинг ўрнини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда қишлоқларда уй-жой қуриш тизимини ислоҳ қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

* * *

29 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида регби спорт турини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президен-

ти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари қардош Туркменистон халқига жорий йил 10—11 октябрь кунлари Ашхободда ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги саммитида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди ҳамда Туркменистоннинг МДХдаги раислиги муваффақиятли ўтаётгани билан яна бир бор табриклади.

Давлат раҳбарлари кўпқиррали Ўзбекистон—Туркменистон муносабатларининг ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар нуқтаи назаридан халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги вақт синовидан ўтган мустаҳкам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, аввало, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа тармоқларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун мустаҳкам асос бўлаётгани қайд этилди.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюр-

ган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Мамин, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Муҳаммадқалий Абилғазиев, Тожикистон Республикаси Бош вазири Қохир Расулзода, Беларусь Республикаси Бош вазири Сергей Румас, Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

* * *

2 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантириш ва экспортини ошириш, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Президентимиз бир нечта йирик экспортёр кластер ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат занжирини яратиш ва даромадни ошириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни аниқ бозор, аниқ молиявий манба билан ишлайдиган тадбиркорга бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Мажлисида халқаро ҳамда маҳаллий молия ташкилотларидан маблағлар жалб этиш орқали гилос, ўрик, анор, шафтоли, олхўри,

ёнроқ каби меваларга ихтисослашган янги замонавий боғлар ташкил қилиш ҳисобига ҳосилдорликни кескин ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз боғдорчилик ривож учун, аввало, кўчат зарурлиги, шунинг учун ҳар йили 20 миллион туп кўчат етиштиришни йўлга қўйиш ва экспорт қилиш имконияти борлигини қайд этди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигига манфаатдор ташкилотлар билан бирга келаси йили ўрик, гилос, шафтоли, хўраки ва саноатбоп узум, анор, ёнроқ, бодом кўчатлари етиштириш плантациялари ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда белгиланган чоратадбирлар ижросини самарали ташкил этиш учун ҳар бир йўналишга мутасадди раҳбарлар масъул экани таъкидланди.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлиги либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жисмоний шахслар томонидан шахсий эҳтиёжлари учун товарларни олиб ўтиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги хавфсизлик органлари ва махсус хизматлари раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги йиғилишида иштирок этиш учун келган делегациялар бошлиқларини қабул қилди. Президентимиз меҳмонларни қутлар экан, Ўзбекистонда МДҲ доирасидаги кўпқиррали муносабатларни, жумладан, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Меҳмонлар самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатлари раҳбарларининг саломи ва эзгу тилақларини етказдилар.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг бошқа долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда давлат бюджетига тушумлар прогнози ижросини таъминлаш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жойларда янада ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни аниқлаш ва ишга солиш бўйича кўрилаётган чоралар самарадорлиги ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлатимиз раҳбари жойларда тадбиркорлар иштирокида янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қувватларини яратишга кучли туртки бериш лозимлигини таъкидлади.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

8 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муноса-

бати билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига табрик йўллади.

* * *

11 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференцияси тадбирларида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки президенти Такехико Накао бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Мамлакатимизда ирригация-дренаж ва автомобиль йўллари инфратузилмасини модернизация қилиш, жумладан, бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалаларга доир узоқ муд-

датли стратегик ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратилди.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ипакчилик тармоқларини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

— Худудларимиз салоҳиятидан тўғри фойдаланиб, қаерга нима экиш, қайси чорва турини етиштириш, қўшимча қиймат занжирини яратиш орқали бозорларимизда гўшт, сут ва тухум маҳсулотларини кўпайтириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш ва даромадни ошириш бўйича, афсуски, самарали тизим мавжуд деб айта олмаймиз, — деди йиғилиш аввалида Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда маҳсулот таннархини камайтириш ва соҳа рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Видеоселектор йиғилишида ипакчилик саноатини ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бу тармоқда катта имкониятлар борлиги таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси, вилоят хокимлари ва тегишли идоралар раҳбарларига тутзорлар ташкил этиш учун ер ажратиш, эскиларини янгилаш, сув тежовчи технологияларни қўллаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида хорижий инвесторлар кенгашини ту-

зиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2020 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастурининг вазирлар даражасидаги конференциясида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Жаҳон божхона ташкилоти бош котиби Кунио Микурияни қабул қилди.

Учрашувда халқаро стандартларни жорий этиш асосида божхона органлари салоҳиятини ошириш, божхона масканларини замонавий комплекс ва ускуналар билан жиҳозлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш, хориждаги етакчи марказларда мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

* * *

15 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев фармацевтика тармоғини

ривожлангириш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасидаги ишлар тахлили ва галдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев эл-юрт саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг ишончли ва самарали йўли — диёримизда етиштирилган табиий тоза, доривор ўсимликлар асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришдан иборат эканига алоҳида эътибор қаратиб, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ҳамда сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва техникалари билан таъминлаш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Йиғилишда яна бир муҳим масала — соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ва сифатли доридармонлар билан тўлиқ таъминлаш ҳолати кўриб чиқилди. Бу борада шаффофлик ва ошкоралиқни таъминлаш мақсадида эндиликда давлат тиббиёт муассасалари учун дорилар хариди, уларни сақлаш ва етказиб бериш янги тартибда амалга оширилиши белгиланди.

* * *

15 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомил-

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

18 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Инфляциян таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди. Президентимиз дастлаб Мирзо Улуғбек туманидаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркига борди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, ходимлар билан мулоқот қилди.

Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида бу ерда яна еттита лот қурилиб, IT-офислар, бизнес маркази, меҳмонхона ва бошқа бинолар барпо этиш режа-

лаштирилган. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу янги босқич қурилишига рамзий тамал тоши қўйди.

Шавкат Мирзиёев «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида ўтаётган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси билан танишди. Президентимиз ярмаркада намойиш этилаётган маҳсулотларнинг харидорғирлиги, локализация даражаси билан қизиқди. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, импорт бўлаётган деталлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, сифатни таъминлаш орқали харидор орттириш зарурлигини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев корхоналар раҳбарлари, тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг таклифларини эшитди. Шу асосда мутасаддиларга маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг йирик компаниялар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш, импортни қисқартириш, ишчи ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёевга Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида ташкил этилган электрон кооперация портали — www.cooperation.uz ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция олиб келаётган ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни кўпайтириш, ички бозорни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Ўзбекистон ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрди.

— Бу марказ асрлар давомида халқимизга хизмат қилади, унинг ҳар бир нақши тарихга муҳр-

ланади. Шунинг учун марказнинг безаги, маъно-мазмунини диний ва илмий жиҳатдан асосланган, чуқур ўйланган бўлиши керак. Одамлар ҳам ўқиб, илм оладиган, ҳам илоҳий туйғуларни юракдан ҳис қиладиган муҳит яратиш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Бутун дунёдан диний уламолар, исломшунос ва тарихчи олимлар иштирокида халқаро анжуман ташкил этиб, фикрларини ўрганиш, таклифлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

21 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда халқаро тажриба асосида бу соҳада бутунлай янги тизим жорий этиш масалалари муҳокама қилинди. Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитасига халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этиб, истеъмол савати ва яшаш минимумини ҳисоблаш тартиби ҳамда истеъмол меъёрларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини аниқлаш ва нафақа тўлашнинг аниқ мезонларини жорий этиш, ижтимоий ёрдам олувчиларнинг ягона реестрини шакллантириш бўйича топшириқлар берилди. Ижтимоий ҳимоя фақат нафақа тўлаш билан кифояланмасдан, балки муҳтожларнинг «оёққа туриши»га кўмаклашиш лозимлиги таъкидланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ногиронлик гуруҳлари бўйича касблар класси-

фикагорини қайта кўриб чиқиш, уларнинг ишлашига кўшимча имкониятлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

21 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ядро физикаси институти илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италиянинг Ломбардия вилояти губернатори Атилио Фонтана бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги кўпқиррали муносабатларни кенгайтириш, жумладан, Италия ва Европа Иттифоқининг етакчи индустриал, интеллектуал ва маданий марказларидан бири бўлмиш Ломбардия билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

* * *

22 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ ва шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда мутасадди вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига янги тартибда қуриладиган уй-жойлар учун ер майдонларини танлаб, аукционга чиқариш, кредитнинг юқори чегарасини ҳисоблаш учун уйларнинг бозор қиймати асосидаги ўрточа

нархини белгилаш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқларда ҳам уй-жой қурилиши тизимини ислоҳ қилиш, буюртмачи функциясини «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясидан босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.

Учрашувда Россия Федерацияси субъектлари орасида мамлакатимиз ҳудудлари учун етакчи ҳамкорлардан бири бўлган Татаристон билан алоқаларнинг бугунги босқичидаги долзарб масалалар ва амалий шерикликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, кооперацияни кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, электротехника ва фармацевтика тармоқлари, ахборот технологиялари, уй-жой коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида амалий лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

28 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга амалий ташрифи Кўксарой қароргоҳида давлат раҳбарларининг учрашуви билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Учрашувда ҳудудлар ўртасида, шунингдек, маданий-гуманитар соҳада фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб

масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон раҳбарининг китоблари — илмий асарлари кўргазмаси билан танишди. Давлатимиз раҳбари Туркменистон Президентига мамлакатимизда чоп этилган Гурбангули Бердимухамедов китобларининг илк нусхаларини совға қилди. Шундан сўнг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фахрий академиги унвонини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор Туркменистон Президентининг илм-фан соҳаларини ривожлантириш, қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги хизматларига улкан ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев ва Ўзбекистон Фанлар академиясига кўрсатилган юксак эътибор учун чуқур миннатдорлик билдирди, бу Туркменистонга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, мамлакатнинг фан ва таълим соҳаларидаги ютуқлари эътирофи, халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидлади.

* * *

29 ноябрь. Тошкентдаги Кўксарой қароргоҳида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб саммит меҳмонлари билан учрашувлар ўтказди.

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев билан учрашув аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, унга Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари етакчилари учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор миннатдорлик билдирди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга оид, шунингдек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан мулоқотда стратегик шериклик даражасига кўтарилган кўпқиррали Ўзбекистон—Тожикистон ҳамкорлиги ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашувда томонлар мамлакатларимиз ҳамкорлигининг долзарб масалалари ва уларни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви бошланди. Суратга тушиш маросимидан сўнг делега-

циялар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов иштирок этди.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.

Туркманистон Президентининг таклифига биноан давлат раҳбарлари Қозоғистоннинг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоевни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг Фахрий раиси этиб бир овоздан сайладилар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви келаси йили Қирғизистонда ўтказилади.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифингда Президентимиз Шавкат Мирзиёев музокаралар анъанавий дўстлик ва ўзаро англашув руҳида ўтгани, давлат раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши қўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродасининг яққол ифодаси бўлганини таъкидлади.

Самарали музокаралардан сўнг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Кўксарой қароргоҳидаги Фах-

рий меҳмонлар хиёбонига кўчатлар ўтказдилар.

Куннинг иккинчи ярмида давлат раҳбарлари Ислоҳ Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» унитар корхонасини акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Волонтерлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Миллий аҳборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иссиқлик таъминоти тизимини такомиллаштириш ва иссиқлик таъминоти корхоналарини молиявий соғломлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрининг

иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йилда устувор йўналишлар бўйича ислохотларни жадаллаштириш, бу борадаги мақсадли параметрларни белгилаш ва таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда турли соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликлар кўрсатиб ўтилди, тегишли раҳбарларнинг фаолияти кескин танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, шу орқали рақобатбардошликни ошириш 2020 йилги энг устувор вазифа бўлиши кераклигини таъкидлади. Тармоқлар раҳбарлари асосий эътиборни инвестициялар самарадорлигига қаратиши лозимлиги қайд этилди.

* * *

3 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикасининг пойтахти — Душанбе шаҳри раиси Рустам Эмомалини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

* * *

4 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбир-

лари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

6 декабрь. Россия Федерациясида чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — «Московский комсомолец» газетасида журналист Михаил Ростовскийнинг Ўзбекистонда кечаётган ислохотларга бағишланган «Ўзбекистон олға интилмоқда» («Ўзбекистон олға интилмоқда») номли мақоласи эълон қилинди.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон кишлок хўжалиги ходимларига табрик йўллади.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 декабрь. Хитой Халқ Республикасида «Президент Шавкат Мирзиёев — Ўзбекистондаги ислохотлар даврининг меъмори» номли китоб нашр этилди. Пекиндаги Хитой халқаро муаммолар академиясида ушбу китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

* * *

7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу қутлуғ айём билан муборакбод этиб, Асосий Қонунимизда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилди.

* * *

9 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар ташкил этиш, мева-сабзавот етиштириш сифати ва экспорти ҳажмини ошириш масалалари

муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мева-сабзавотчиликда ҳам кластер тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Соҳада кўп йиллик тажрибага эга, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмаси бор тадбиркорларни бунга жалб қилиш яхши самара бериши қайд этилди. Мутасаддиларга маҳсулот етиштирувчи билан кластер корхонаси ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, икки томоннинг ҳам манфаатларини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари бўш турган ерлар, самарасиз боғ ва тоқзорлар ўрнида ҳосилдор плантациялар ташкил этиш, мева-сабзавотларни экспортёрлар талаби асосида етиштириш ва экспортни кенгайтириш асосий вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади.

* * *

9 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бюрократик тўсиқларни

янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилиш натижадорлиги ва бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда 2020 йилда давлат иштирокидаги корхоналарни

бошқариш бўйича янги вазифалар белгиланди.

Ишчи гуруҳларга бир ой муддатда ҳар бир корxonани тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг рентабеллиги, ҳозирги қуввати ва истиқболлини таҳлил қилган ҳолда, 2020 йилга мўлжалланган аниқ режа ва таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг жорий йилда кутилаётган натижаларини кўриб чиқиш ва 2020 йилда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш вазифаларини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда йил якунига қадар қисқа вақтда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда иқтисодиётда 2020 йил учун белгиланган асосий режаларни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкка ушбу кўрсаткичларга эришишда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳозирдан тўғри баҳолаб, барча идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Япониянинг Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамурани қабул қилди.

Учрашувда автомобилсозлик, шаҳарсозлик, тўқимачилик, юқори технологиялар, инновациялар, туризм

ва бошқа йўналишларда яқин ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Тошкент ва Нагоя шаҳарлари ўртасида имзоланиши кутилаётган ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, пойтахтимизда Юқори технологиялар паркани ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш, шубҳасиз, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Нагоя Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик учун кўприк бўлишига ишонч билдирилди. Истиқболли дастур ва лойиҳаларни амалга оширишни илгари суриш мақсадида «Йўл харитаси» ишлаб чиқишга келишиб олинди.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга доир Баённомани (Москва, 1997 йил 28 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Европада хавфсизлик ва

хамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Каетана де Зулуга Оутрамни қабул қилди.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари хусусида батафсил фикр алмашилди, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, сайлов ва бошқа соҳаларда қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

13 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17–20 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Синдзо Абэнинг таклифига биноан расмий ташриф дастуридаги биринчи манзил — Нагоя шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбарининг Японияга ташрифи дастури 18 декабрь кuni тонгда Аичи префектураси губернатори Хидэки Омура билан учрашувдан бошланди.

Учрашувда мамлакатимиз билан Аичи префектураси ўртасида таъ-

лим ва маданият соҳасида самарали мулоқотлар йўлга қўйилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзбекистон томонидан префектуранинг шериги этиб Тошкент вилояти белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳри мэри Такаси Кавамура билан учрашув ўтказди.

Музокарада Нагоя мэрияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи натижасида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашув сўнггида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Нагоя мэрияси ўртасида шериклик тўғрисида битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги навбатдаги муҳим манзил Нагоя университети бўлди.

Давлатимиз раҳбари университет фаолияти билан танишди, унинг президенти Сейичи Мацуо билан учрашди. Учрашувда бир неча Нобель мукофоти совриндорлари ва бошқа олимлар иштирок этди.

Сейичи Мацуонинг Ўзбекистон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини эътиборга олиб, яқинда Тошкент давлат техника университети илмий кенгаши уни университетнинг фахрий ректори этиб сайлади. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан профессор Ноёрига фахрий академик унвони берилди.

Учрашувда Президентимиз Сейичи Мацуо ва Рёжи Ноёрини ушбу унвонлар билан табриклади.

Нагоя университетиде Президент Шавкат Мирзиёевга фахрий доктор унвонини топширишга бағишланган

тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда университет раҳбарияти, профессор ва ўқитувчилари, талабалари ҳамда Нобель мукофоти совриндорлари, Японияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ўзбекистон — Япония азалий дўстлигининг рамзи сифатида мамлакатимизда ўзбек ва япон тилларида чоп этилган бир қанча китоб ва альбомларни Нагоя университети кутубхонасига тақдим этди. Шу ерда Шавкат Мирзиёев Нагоя шаҳрида таълим олаётган ва фан билан шуғулланаётган ватандошларимиз билан учрашди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Нагоя университетида Ўзбекистон—Япония талабаларининг академик форуми ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев кунининг иккинчи ярмида Токио шаҳрига келди.

Шавкат Мирзиёев Токио шаҳридаги Акасака қароргоҳида Япония Бош вазири ўринбосари, Молия вазири Таро Асони қабул қилди. Учрашувда инвестициявий, технологик, молиявий ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш истиқболлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Япония парламентининг «Ўзбекистон—Япония» дўстлик лигаси вакиллари билан учрашди. Тадбирда ушбу лиганинг қатор аъзолари, жумладан, унинг раиси — Япония Бош вазири ўринбосари, Молия вазири Таро Асо иштирок этди. Мулоқот чоғида икки мамлакатнинг амалий ҳамкор-

лигини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Япония халқлари дўстлигини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Токио шаҳрида Япония ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашув ўтказди. Унда JETRO, JICA, JABIC, NEDO, JOGMEC, Mitsubishi, Itochu, Sumitomo, Marubeni, Isuzu каби корпорация ва компаниялар, молиявий тузилмалар раҳбарлари иштирок этди. Президентимиз Япония компаниялари ва молиявий тузилмаларини Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этишга таклиф қилди.

Японияга ташрифнинг учинчи куни ушбу мамлакат парламентининг қўйи палатасида учрашувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари Вакиллар палатаси раиси Тадамори Осима билан Ўзбекистон — Япония парламентлараро муносабатларини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари Япония парламентининг Маслаҳатчилар палатаси президенти Акико Санто билан учрашди. Парламентлараро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, айниқса, жорий йилда қабул қилинган қўшма меморандум доирасида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари ўртасида фаол мулоқот олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари Япония парламенти Маслаҳатчилар палатаси сессиялари ўтказиладиган тарихий зал билан ҳам танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Токиодаги Акасака қарорго-

ҳида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) президенти Синичи Китаокани қабул қилди. Учрашув аввалида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва устувор дастурларни илгари суришга қаратилган кўп йиллик ҳамкорлик учун ЈСА раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Токио шаҳрида дунёга машхур япониялик архитектор Тадао Андо Ўзбекистон давлат санъат музейини ривожлантириш концепциясига доир таклифларини тақдим этди. Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳани музей ишининг замонавий талаблари ва меъморликдаги илғор ечимларни ҳисобга олган ҳолда тайёрлаш юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Японияга расмий ташрифи доирасидаги асосий тадбирлар 19 декабрь куни Токиода бўлиб ўтди. Кантэй қароргоҳида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Давлатимиз раҳбарини Япония Бош вазири Синдзо Абэ кутиб олди.

Шундан сўнг икки мамлакат делегациялари иштирокида музокара ўтказилди.

Синдзо Абэ Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотларни юксак баҳолади ва уларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз Марказий Осиёда минтакавий ҳамкорликни жонлантиришга фаол ҳисса қўшаётгани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев, Япония ҳукумати раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, япон халқини «Рэйва» даври бошлангани билан табриклади.

Япония ҳукуматига Ўзбекистондаги ислохотлар ва иқтисодий модернизацияни қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашаётгани учун миннатдорлик билдирилди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш йўналишлари кўриб чиқилди. Долзарб халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича томонларнинг ёндашувлари яқинлиги қайд этилди. Парламентлараро алоқалар, жумладан, Япония парламентидаги Ўзбекистон билан дўстлик лигасининг фаол иштироки доирасида жонлангани мамнуният билан таъкидланди. Асосий эътибор мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Олий даражадаги музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазири Синдзо Абэ Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзолادилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида солиқ ва божхона соҳаларидаги ҳамкорлик, шунингдек, йирик инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича имзоланган битимлар алмашилди. Ўзбекистон делегацияси ташрифи доирасида иқтисодиёт, саноат, туризм, илм-фан, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, меҳнат миграцияси, таълим ва спорт соҳаларида, ҳудудлар ўртасида ҳамкорлик бўйича ўндан зиёд ҳужжат қабул қилинди.

Шундан сўнг икки мамлакат етакчилари оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Токио шаҳрида Япония Императори Нарухито билан учрашди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи шарафига Япония Императори Нарухито томонидан қабул маросими ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Япониядан МДХнинг норасмий саммитида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

* * *

20 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий мажлисида иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди. Икки давлат раҳбарларининг суҳбати бўлиб ўтди, унда икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорлик истиқболлари, халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

МДХ норасмий саммитида Арманистон, Беларусъ, Молдова, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарлари ҳам иштирок этди. Кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, жумладан, 2020 йилда Ҳамдўстликда Ўзбекистон раислигининг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

* * *

22 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчи-

лик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан биргаликда Мирзо Улуғбек туманидаги 162-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз беришда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 162-сайлов участкасига келган одамлар билан суҳбатлашди, биргаликда суратга тушди. Биринчи марта овоз берган ёшлар, ота-онаси билан келган болаларнинг ўқишларига ривож тилади.

Президент Шавкат Мирзиёев хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот қилди. Улар сайловлар очик, юксак савияда ўтаётганини, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганини таъкидлади.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1951 йил 6 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан кузатувчилар миссияси бошчилигида мамлакатимизда бўлиб турган МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан кўп томонлама ҳамкорлиги истиқболлари юзасидан

фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг 2020 йилда МДХда раислигини самарали ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент ассамблеяси (ЕХХТ ПА) раиси Георгий Церетелини қабул қилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз 2018 йилда ушбу тузилмадаги иштирокини қайта тиклаганидан буён ўзаро муносабатлар сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани ва ижобий суръатларда ривожланиб бораётганини мамнуният билан кайд этди.

Учрашувда ЕХХТнинг Ўзбекистондаги сайловларни кузатиш бўйича узоқ ва қисқа муддатли миссияларининг фаолиятига қулай шароитлар яратилгани учун миннатдорлик билдирилди.

* * *

24 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг биометрик ҳужжатига эга бўлган чет эл фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш ва виза режимини енгиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев грант маблағларини фаол жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда бу борадаги мавжуд камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Грант маблағларини фаол жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича навбатдаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Ҳар бир устувор соҳа ва тармоқ бўйича янги грант маблағларини жалб этиш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

26 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри ва вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев янги йил арафасида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейни бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари дастлаб улуғ адиб ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этиб, унинг пойига гул қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юрғларининг олимлари бу ерда дарс ўтиши, таниқли ёзувчи ва шоирлар маҳорат сабоқларини йўлга қўйиши, дарслар замонавий методика асосида олиб борилиши зарурлигини таъкидлади.

– Бугун Турон кутубхонаси яна Эски шаҳарга қайтарилгани жадид боболаримиз рухларини шод этди. Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Мунаввар қори каби боболаримиз бир пайтлар иморат қурмаган, бойлик орттирмаган, не-не машаққат билан топган маблағига кутубхона қурдирган. Улар мана шу кутубхонани ўзларидан ҳайкал қилиб кетган, десак бу ҳам адолатдан бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари Эски шаҳарда Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби, адиб музейи ва кутубхона қурилгани ушбу гўшага яна барака қайтаётганидан далолат эканини қайд этди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ҳамда Тошкент вилояти Зангиота туманидаги ҳарбий қисмда бўлди.

Шавкат Мирзиёев бу ерда яратилган шароитлар, ўқув-тарбия жараёни, замонавий ўқитиш воситалари, шунингдек, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари қай даражада жорий этилгани билан танишди.

Ташриф чоғида ҳарбий хизматчилар, вазирлик ва идоралар, Фанлар академияси раҳбарияти, техника йўналишидаги етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарига ҳарбий қисмда амалга оширилган қурилиш ишлари, мудофаа тизимида алоқа тармоқларини модернизация қилиш, жанговар ва ўқув тайёргарлик

жараёнларини автоматлаштириш бўйича лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари турли нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ҳарбий спортчилар билан ҳам мулоқот қилди. Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисм ихтиёридаги махсус техника ва алоқа воситаларининг намуналари билан танишди.

* * *

27 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Муҳаммад Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда бўлиб, у ердаги шароит, асбоб-ускуналар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз мактаб конференциялар залида ёшлар билан учрашув ўтказди.

Йиғилишни видеоконференцалоқа шаклида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёшлар, мутасадди раҳбарлар кузатиб борди.

Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Ёшлар иттифоқи негизида Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этиш ташаббуси йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг таклифлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва қуриб битказилган янги саноат мажмуалари билан танишиш мақсадида ушбу вилоятга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари «Навоийазот» акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президент рамзий тугмани босиб, корхонани ишга туширди.

Президентимиз «Навоийазот» акциядорлик жамиятида барпо этилаётган аммиак ва карбамид ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилишини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг ишчи-муҳандислари билан суҳбатлашди.

Президентга «Навоий» эркин иқтисодий зонасида истиқболда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари «National plast» масъулияти чекланган жамияти томонидан саноатнинг янги тармоғи ПВХдан профил ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни билан танишди.

Президентга корхона лойиҳасининг иккинчи босқичи ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, иқтисодий ҳудудда «Green Line Profil» масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам давлатимиз раҳбари эътиборида бўлди.

Импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, аҳолини арзон ва сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жўмарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мамлакатлар етакчилари кириб келаётган янги — 2020 йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаklarини изҳор қилдилар. Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари ва 2019 йилда эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

сининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутладилар.

Мулоқотда Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар сиёсат, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охириги иш кунда парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари

билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди, 2020 йилги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслигини, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади. Йиғилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, масъул ижрочилар ва муддатларни аниқлаб олиш зарурлиги таъкидланди.

Белгиланган топшириқларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун барча раҳбарлар ўз тизимида қуйига тушиб, ходимлар ва ресурсларни максимал даражада сафарбар қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги – 2020 йил билан табриклаб, эзгу тилақларини билдирди.

2020 йил

6 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни қабул қилиб, 70 йиллик таваллуд айёми билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари муфтий Усмонхон Алимовнинг мамлакатимизда ислом маданияти ва илм-фанини ривожлантириш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳияти ва эзгу ғояларини, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг бебаҳо илмий меросини тадқиқ этиш ва халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш ишига қўшган муносиб хиссаси учун унга «Эл-юрт ҳурмати» орденини топширди.

* * *

7 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 январь. Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда қурилиш соҳасидаги муаммо ва камчиликлар кескин танқид қилинди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, уни замонавий асосда ривожлантириш бўйича муҳим чора-тадбирларни белгилаб берди.

* * *

8 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Давлат бюджет параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бу орқали бюджет тушумларини мунтазам ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда жорий йил биринчи чоракда бюджетга солиқ тушумларини таъминлаш учун ҳокимлар бошчилигида, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари, молия ва солиқ идоралари томонидан амалга оширилаётган вазифалар белгилаб берилди.

Электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун қарздорликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоселекторда яна бир муҳим масала – янги Солиқ кодексини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда қурилишни молиялаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган объектларда қурилишни бошлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларисиз қурилишни молиялаштириш тақиқланиши қайд этилди.

* * *

9 январь. Президент Шавкат Мирзиёев давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғояни илгари сурган эди. Мақсад одамларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳар қандай қулайликлар яратишдан иборат.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 12 декабрь куни «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон имзоланди. Унга мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

Давлат хизматлари марказлари орқали «ягона дарча» тамойили

асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13 миллиондан ошган.

Давлатимиз раҳбари бу дастлабки қадамлар экани, аҳолига қулайликларни янада кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига барча идораларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Хорижий тажрибани қўллаган ҳолда, одамларга бир мурожаат асосида қўшимча комплекс хизматлар кўрсатиш ҳамда фуқаронинг мурожаатисиз ҳам унга керакли хизмат турларини таклиф қилиш мумкинлиги қайд этилди.

Президентимиз томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда электрон рақамли имзо талаб этиладиган хизмат турлари учун шахсни тасдиқлашнинг муқобил, хавфсиз ва содда усулларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

* * *

10 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ваган химоячилари бай-

рами арафасида, Қуролли Кучлар академиясига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга 2017 йил январь ойида келиб, ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ўша пайтдаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти негизда мутлақо янги ўқув муассасаси ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Кўп ўтмай, Президентнинг тегишли қарори қабул қилиниб, бу ерда хорижнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини мужассам этган Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. 2018 йил январда Олий Бош Қўмондон мазкур янгиланган таълим маскани фаолияти билан танишган эди.

Ўтган йили бу ерда модернизация ишлари давом эттирилиб, янги объектлар қурилди. Курсантларнинг ўқиши ва жанговар машғулотлар ўташи, спорт билан шуғулланиши учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Президентимиз ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар натижаси ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий таълим инфратузилмаси объектлари билан танишди.

Президентимиз курсантларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади. Ўқув хоналари, ётоқхона ва сузиш ҳавзасидаги шароитларни кўздан кечирди.

Шу куннинг ўзида Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали эса ҳудудлар раҳбарлари, ҳарбий округ ва ҳарбий қисмлар қўмондонлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Йиғилишда Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар сарҳисоб қилиниб, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг миллий армиямизни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Президентимиз 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда ҳарбий қурилиш йўналишида кенг миқёсли модернизация ишлари амалга оширилгани, бу билан қисқа даврда аниқ натижаларга ҳамда Қуролли Кучларимиз қиёфаси бўйича стратегик ёндашувни шакллантиришга эришилганини таъкидлади.

Аҳолини, аввало, ёшларни шундай руҳда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жа-

раёнига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг бошқа муҳим йўналишлари кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида келгуси ишларни ташкиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

* * *

10 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ватан ҳимоячилари кунини ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Президентимиз Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди.

Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғини адабиёт ва маънавият боғига айлантириш ташаббуси бундан уч йил илгари Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган эди. 2017 йил фев-

раль ойидаги ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари мазкур боғни халқимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтирадиган, ёшларимизда Ватанга муҳаббат, адабиётимизга ҳурмат туйғусини камол топтирадиган чинакам ижод ва маънавият масканига айлантириш юзасидан тавсиялар берган эди.

Адиблар хиёбонида ўзбек адабиётининг маънавий-маърифий шажараси сифатида етук адибларимиз ҳайкалларини ўрнатиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев бу ерда олиб борилаётган ишлар, ҳайкаллар кўринишига оид лойиҳалар билан танишди. Ҳайкаллар ёнида лавҳлар ўрнатиб ҳамда аудиоёзувлар орқали ҳар бир адиб ҳақида қисқача маълумот бериш, уларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказиш учун қўшимча шароит яратиш зарурлигини таъкидлади. Алишер Навоий ҳайкали гумбазини безатиш, ҳудудни ободонлаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Адиблар хиёбони ёнида Тошкент музейи ташкил этилади. Музей собиқ Ўзбекистон маданияти ва санъати кўرғазмаси биносида фаолият бошлайди. Айни пайтда мазкур бинони реконструкция қилиш якунланмоқда.

Давлатимиз раҳбари музей концепциясига оид лойиҳалар билан танишиб, унинг мазмун-моҳиятини бойитиш бўйича ўз фикрларини билдирди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи негизида замонавий ва юқори технологияли маданият ва истироҳат боғи ҳам барпо этилмоқда.

Президентимиз истироҳат боғи қурилишини ҳам қўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари истироҳат боғининг йил давомида ишлашини таъминлаш, одамлар оилавий дам олиши учун кенг имконият яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари билан шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган энг муҳим йўналишлар муҳокама қилинди.

Туман ҳокимлари инвестициялар жалб этиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш, тадбиркорларга муносиб шароит яратиб, маҳаллий бюджетни мустаҳкамлаш ва одамларнинг даромадларини кўпайтириш йўлида доим изланиши зарурлиги қайд этилди.

Ижтимоий соҳа, қурилиш ва коммунал тармоқларни ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳлар учун қулайликларни ошириш бўйича ҳам истиқболдаги муҳим вазифалар белгиланди.

Шу кунини Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонасига ҳам ташриф буюрди.

Қабулхонада аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш учун замонавий шароитлар яратилган. Фуқароларга қулай бўлиши учун соҳавий бўлимлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонасида яратилган шароитларга юқори баҳо берди.

* * *

13 январь. Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикаси соҳасини янада ривожлантириш бўйича жорий йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда электр энергиясига бўлган эҳтиёж қайси манбалар ҳисобидан қопланиши, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» ижроси муҳокама қилинди.

Президентимиз 2020 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб бериш бўйича белгиланган чора-тадбирларни тўлиқ, сифатли амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда тармоқ корхоналарида рентабелликни таъминлаш, энергия истеъмоли учун қарздорликни бартараф этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари электр энергияси ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва етказиб беришда йўқотишларни камайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиб, бу бўйича мутасаддиларга муҳим топшириқлар берди.

Соҳадаги ислохотларнинг кейинги босқичида электр энергиясининг рақобатли улгуржи бозорини шакллантириш, генерация жараёнига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида инвесторларни жалб қилиш ва бунда давлат улушини босқичма-босқич камайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳани ривожлантиришнинг узок истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

Мутасадди ташкилотларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда электр энергияси соҳасида замонавий технологиялар билан бевосита ишлайдиган ўрта ва кичик бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича беш йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

* * *

14 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимизнинг фахрийлари, барча юртдошларимизга байрам табриги йўллади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Бирлашган Араб Амирликлари ва Японияга олий даражадаги ташрифлар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилишда ташрифлар натижалари бўйича ишлаб чиқилган «йўл хариталари»га мувофиқ 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

* * *

15 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экспорт, инвестиция ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига жорий йилги экспорт прогнози ижросини тўлиқ таъминлаш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиб, маҳсулотларни қаерга, қачон экспорт қилиш ва буни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш вазифаси кўйилди.

Тўқимачилик, мева-сабзавотчилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва автомобиль саноати каби етакчи тармоқлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда мева-сабзавотлар экспорти масаласи агрофлича муҳокама қилинди.

Мева-сабзавот экинларини экспорт талабидан келиб чиқиб оптимал жойлаштириш, салоҳиятли ташқи бозорларда савдо уйлари ва дилерлик тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Экспорт фаолияти жозибadorлигини ошириш учун экспорт ва экспортди молиялаштириш тизимини ташкил этиш, ташиш харажатларини қоплаш механизминини кенгайти-

риш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Йиғилишда тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарлари бу борада амалга ошириши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди. Тегишли вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига тармоқ лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш бўйича жавобгарлик юкланди. Ҳудудларда амалга оширилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги ҳар бир лойиҳага республика идоралари раҳбарлари масъул сифатида бириктирилди.

Мутасаддиларга галдаги лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ишларини яқунлаб, хорижий инвесторлар билан шартномалар имзолаш ва ижросини қатъий назоратга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселекторда жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳалар ижроси ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашда муаммолар сақланиб қолаётганини қайд этди.

Мутасаддиларга хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда тармоқлар ва ҳудудлар бўйича инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлиги ва иқтисодий-ижтимоий таъсирини баҳолаш, тўғридан-тўғри хорижий сармояларни йўналтириш

учун етакчи соҳаларни белгилаш вазифаси қўйилди.

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда биринчи навбатда инфратузилмага уланиш имкониятлари ва харажатларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича шахсий назорат ўрнатиш топшириғи берилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатасига жойлардаги масъуллар билан биргаликда Республика саноат ярмаркаси доирасида тузилган шартномалар ижросини тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

* * *

16 январь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Сергей Лавровни қабул қилди.

Учрашув аввалида Президентимиз стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Олий даражадаги мулоқот мунтазамлик касб этгани, ўзаро алмашинувлар мисли кўрилмаган даражада фаоллашгани, кўп қиррали ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, транспорт-

коммуникация, маданий-гуманитар, таълим соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кенгайиб бораётгани шундан далолат беради.

Сергей Лавров самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг самимий саломи ва эзгу тилақларини етказди. Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги бугунги даражага эришишида икки давлат раҳбарларининг ҳал қилувчи роли алоҳида қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Россия муносабатларининг долзарб жиҳатлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

* * *

17 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 январь. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

20 январь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

21 январь. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

22 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида Жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев янги ташкил этилган «Янги Ўзбекистон» газетаси жамоасига табрик йўллади.

* * *

24 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакилла-

ри, нодавлат ташкилотлар фаоллари, жамоатчилик иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифига мувофиқ, 2020 йил – мамлакатимизда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу Мурожаатномаси матбуотда чоп этилди.

* * *

27 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу анжуманни юқори савияда ташкил этиш борасида аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари билан бирга хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли лойиҳалар бўйича тақдимот материаллари тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Худудий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторлар ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигига етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари форумга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Анжуман ўтказиладиган жойларни юқори савияда тайёрлаш, уни оммавий ахборот воситаларида кенг

тарғиб этиш ва ёритиб бориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

* * *

27 январь. Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳада кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди.

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислохотларни мактаб таълимидан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларигача қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев туризмни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Сайёҳликнинг анъанавий турлари камровини кенгайтириш билан бирга янги кўринишларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йўлбўйи туризм инфратузилмасини ривожлантириш, «туризм қишлоғи», «туризм овули» ва «туризм маҳалласи» лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

«Ўзбекино» Миллий агентлигига хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизда суратга олиш механизмларини жорий этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда жорий йилда Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва

Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев транспорт тизимини самарали ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда транзит сиёсатини бутунлай қайта кўриб чиқиш Транспорт вазирлигининг энг муҳим вазифаларидан бири экани таъкидланди.

Темир йўл тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳага хусусий капитални кенг жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Янги авиакомпаниялар фаолияти учун шароит яратиш ва парвозлар географиясини янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Аҳолига қулай ва сифатли автотransпорт хизмати кўрсатишни таъминлаш мақсадида йўналишлар учун очиқ тендерлар ўтказиш, жамоат транспортига оид тариф ва тартибларни қайта кўриб чиқиб, рақамлаштириш лозимлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда автомобиль йўлларининг ҳолатини яхшилаш масаласига ҳам эътибор қаратилиб, халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, тез фурсатларда Автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги назорат органларининг иш услуби эскича экани қайд этилиб, уларнинг фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «TASHKENT PHARMA PARK» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 январь. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан хотира тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик маж-

муасига ташриф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Шу куни Ислон Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором топган Самарқанд шаҳрида ҳам халқимизнинг буюк фарзанди таваллуд куни кенг нишонланди. Шундан сўнг Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислон Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошчимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

* * *

31 январь. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Олимлар кўчасидаги илмий-тадқиқот институтларига ташриф буюрди.

Мазкур ҳудудда илм-фаннинг турли йўналишларида бир неча илмий-тадқиқот институти фаолият олиб боради.

Ер қаърини геологик ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимидаги 4 та муассаса – Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Минерал ресурслар институти, Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти томонидан олиб борилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур институтлар негизида яхлит мажмуа – Геология фанлари

университети ташкил этилиши режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу университет кампусига тамал тоши қўйди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Геология фанлари университети қурилишига оид лойиҳалар билан танишди. Ўқув бинолари ва лабораторияларни чет эл тажрибаси ҳамда муайян касб йўналишларидан келиб чиқиб қуриш, майдонлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ташриф буюриб, олимлар, ёш тадқиқотчилар, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва ишлаб чиқариш тармоқлари вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимизда математика, кимё-биология ва геология илмларини ривожлантириш, келгуси йиллардаги тараққиёт йўналишларини белгилаш тўғрисида очиқ мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги илмий тадқиқотларни янада кенгайтириш мақсадида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни фаоллаштириш, бунга давлат мақсадли грантлари билан бирга хорижий грантларни ҳам жалб этиш зарурлигини қайд этди.

Мутасаддиларга илм-фан соҳасини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, унда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжал-

ланган илм-фан, технологик ва инновацион тараққиёт асосларини белгилаш вазифаси қўйилди.

Танқидий-тахлил руҳида ўтган очиқ мулоқотда илм-фан йўналишларида ечимини кутаётган масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари олимлар ва ёшлар билдирган таклифлар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда барқарор, тизимли тус олган ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Майкл Помпео Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик янгиланишлар ва иқтисодий ислохотларнинг натижадорлигини юксак баҳолади. Янги Ўзбекистон раҳбарининг сиёсати туфайли минтақада ишонч, шериклик ва яхши қўшничилик муҳитини шакллантиришда катта натижаларга эришилгани таъкидланди.

Учрашув сўнггида томонларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий экани таъкидланди.

* * *

4 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишки спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига кластерлар фаолиятини ташкил қилиш, хорижий экспертлар хулосаси асосида экинларни самарали жойлаштириш, зарур уруғлик ва кўчатларни тайёрлаш, Молия вазирлигига кластерларни айланма маблағлар билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда кластерларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, уларни танлаш, фермерлар билан муносабатларини тўғри йўлга қўйишнинг очиқ-ошкора механизмларини жорий этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Президентимиз кластерларни танлашда чуқур қайта ишлаш даражаси ва инвестициялар ҳажми, фермерлар билан ҳисоб-китоб қилишда маблағнинг етарлилиги асосий мезон бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига кластерлар ва фермерларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

* * *

5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев ташқи иқтисодий фаолият тизимини ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Жаҳон банкининг «Бизнес юриши» рейтингда «Халқаро савдо» йўналиши бўйича мамлакатимиз 190 та давлат орасида 152-ўринда қайд этилган.

Йиғилишда мазкур рейтингда мамлакатимиз позициясини яхшилаш, жаҳон тажрибаси асосида назорат идораларининг ишини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини соддалаштириш учун миллий қонунчиликни божхона, санитария-эпидемиология, транспорт, стандарт, ветеринария, карантин йўналишларидаги халқаро келишувларга уйғунлаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда кадрлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Божхона институтида ўқитиш жа-

раёни замон талабига жавоб бермаслиги қайд этилиб, унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, ветеринария ва карантин ходимларини халқаро андозалар асосида қайта тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ саноатидаги ишлар натижадорлиги, табиий газ ва суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича жорий йилги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда нефть-газ соҳасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Корхоналарни модернизация қилиш ишлари етарли эмаслиги, газ етказиб беришда йўқотиш кўплиги ҳамда узилишларга йўл қўйилаётгани қайд этилди.

«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятига ҳар бир коннинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, табиий газ қазиб чиқариш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди.

* * *

10 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда бу иллатдан қутулиш учун коррупция даражаси юқори бўлган соҳаларда дастур ишлаб чиқиб, ижросини ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Мугасаддиларга хорижий тажриба асосида коррупцияга қарши курашиш бўйича тузилмани ташкил этишга доир ҳужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди. Мазкур тузилма нафақат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаштириши, балки коррупцияга қарши курашишда барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклиги қайд этилди.

* * *

12 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатда давлат раҳбарлари кўп қиррали Ўзбекистон – Россия ҳамкорлиги жадал ривожланаётгани ҳамда стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил мустаҳкамланаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

2019 йилда ўзаро ҳамкорликда салмоқли амалий натижаларга эришилгани ва барча даражадаги мулоқотлар сезиларли фаоллашгани алоҳида қайд этилди.

Мулоқот чоғида олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига давлат ташрифи кун тартибидан тайёрлаш, жумладан, ташриф доирасида навбатдаги ҳудудлар ва ректорлар анжуманларини, медиа-форум ва бошқа тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислиги йилида Ўзбекистон ва Россия ҳамкорлиги истиқболлари кўриб чиқилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

12 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизimini такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мус-

таҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президентимиз маҳалла тизимидан халқ ҳам, давлат ҳам тўла рози эмаслигини, бу соҳада камчилик ва долзарб масалалар кўплигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча сабъ-ҳаракатларни бирлаштириш шартлигини таъкидлади. Ушбу улкан соҳага масъул алоҳида давлат идораси – Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Йиғилишда маҳалла институтининг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Молия вазирлигига маҳаллаларни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий-молиявий асосларини пухта ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Мутасадди вазирлик ва идораларга маҳаллаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Мутасаддиларга «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилига асосланган янги тизимни жорий этиш, маҳаллага ва кадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантирадиган сахна асарлари ва бадиий фильмлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Ички ишлар вазирлигига профилактика инспекторларига яра-

тилган шароитларни ўрганиб, таянч пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, профилактика инспекторлари фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, бу вазифага муносиб ходимларни тайинлаш бўйича топшириқ берилди.

Маҳалла ва оила масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадида «Оила» ва «Маҳалла зиёси» марказлари негизда «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар миллий менталитетимиз кўзгуси эканини, жамият ҳаётида катта ўрин тутишини таъкидлар экан, Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда 22 март санасини «Маҳалла тизими ходимлари куни» деб эълон қилишни таклиф этди.

* * *

13 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кўриқлаш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда чегара қўшинлари фаолиятининг амалий натижалари ҳамда мамлакатимиз Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондони томонидан 2019 йил 27 август куни ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Замонавий автоматлаштирилган чегара назорати тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Чегара қўшинлари бўлинмаларининг куч ишлатар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини профессионал тайёрлаш сифатини ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Марказий Осиё давлатларининг чегара идоралари билан алоқаларни изчил ривожлантириш, турли халқаро ташкилотлар билан қўшма тадбирларни кўпайтириш ҳамда хорижий шериклар билан чегараолди ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, мутасадди тузилмалар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

* * *

13 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев ахборот технологияларини ривожлантириш, бунинг учун замонавий инфратузилма яратиш

масаласига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ҳамда унинг филиалларини қуриш, юқори технологияли инфратузилмалар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

IT-академия, IT-лаборатория, Коворкинг маркази, Мобиль иловалар ишлаб чиқиш маркази, Масофавий ахборот технологиялари марказини барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат буюртмаси асосида соҳа ва тармоқлар учун зарур замонавий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Жаҳондаги тенденциялар билан ҳамқадам бўлиб, янги ишланмаларни ҳаётга фаол жорий этиш, етакчи технопарклар билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ходимлари ҳамда хорижий мутахассислар учун кўп қаватли уйлар, меҳмонхона, спорт мажмуалари барпо этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мева-сабзавотчилик кластерларини самарали ташкил қилиш, пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш тизи-

мидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчилик ва узумчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил қилишга қаратилган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Аввало, тизимдаги шартномавий муносабатларни тўғри шакллантириш, маҳсулот етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспортчининг манфаати, мажбурияти ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш муҳимлиги таъкидланди.

Кластерлар таклифлари асосида экспортбоп экинларни жойлаштириб, зарур уруғлик, кўчат, минерал ўғит, ёқилғи масаласини ҳал қилиш ва уларнинг таъминотини тизимли йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди. Жойларда кластерлар фаолиятини самарали ташкил этишга вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари шахсан масъул этиб белгиланди.

Пахтачилик кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштириш тизимидан босқичма-босқич воз кечиш масалалари ҳам йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда кластерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Видеоселектор йиғилишида ғалла ҳосилини ғамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоселектор орқали жойлардаги кластерлар раҳбарлари билан

мулоқотда лимончиликни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ер ажратиш борасидаги муаммолар кўриб чиқилди. Суғориладиган майдонларни талон-торож қилишга чек қўйиш, ҳар бир қарич ердан халқ манфаати йўлида самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жойлардаги мутасаддиларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб берилди.

* * *

14 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қорақалпоғистон тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев тадбиркорлик фаолиятида лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсман таркибида бу борада тузилган ишчи гуруҳ вазифаларининг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари лицензия ва рухсатномалар бериш тартиби

ва муддатларини ҳам қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев лицензиялаш жараёнига замонавий технологияларни тўлиқ жорий қилиш зарурлигини қайд этди.

Илғор хорижий тажриба асосида барча лицензия талаб қилувчи фаолият турларида автоматлаштирилган риск-анализ тизимини ва масофавий назоратни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

18 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Венгрия ўргасидаги анъанавий дўстлик ва кўп қиррали шериклик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Петер Сийярто самимий қабул учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий, жумладан, Европа Иттифоқи билан мулоқот форматидаги шерикликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

18 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Жамиятда ижтимоий-

маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 февраль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси Туркиянинг Анқара шаҳрида турк тилида китоб шаклида чоп этилди. Туркия парламентида мазкур нашр тақдиротига бағишланган анжуман ташкил этилди.

* * *

19–20 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан ушбу мамлакатга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Анқара шаҳрида Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Туркия

Республикасининг биринчи Президенти Мустафо Камол Отатурк қабрига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари музей билан ҳам танишди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Туркия Республикаси Президенти саройида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда икки томонлама сиёсий мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани яна бир бор тасдиқланди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбарининг Туркияга ташрифи доирасида шу куни Анқара шаҳрида Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған давлатимиз раҳбарини ташриф билан қутлаб, мамлакатларимиз парламентлари, давлат идоралари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнунлигини билдирди. Туркия ва Ўзбекистоннинг қўшма лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясига кўрсатилаётган меҳмондўстлик ва чексиз ҳурмат учун Туркия раҳбари ва халқига ташаккур изҳор этди.

Музокараларда мамлакатларимиз ҳамкорлигига оид барча масалалар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги асосий вазифалар ҳамда қўшма лойиҳалар келишиб олинди.

Шавкат Мирзиёев Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун Режеп Таййип Эрдоғанни Ўзбекистонга таклиф қилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида Қўшма баёнотни имзоладилар. Шунингдек, иқтисодиёт, савдо, технологиялар соҳасига оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Режеп Таййип Эрдоған Ўзбекистон Президенти ташрифидан мамнун эканини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон – Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши дўстона алоқалар тарихида янги саҳифа очгани, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, маданий-гуманитар соҳаларга оид кўплаб масалалар атрофлича муҳокама қилинганини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Анқара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари

ва банклари раҳбарлари билан учрашди.

Учрашувда келишувлар ва имзоланган битимларни кенг кўламда амалга ошириш, савдо, инновация, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Очилиш маросимида бутун дунёдан икки мингга яқин меҳмон – олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндалари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Президенти томонидан таклиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Туркия Президенти ушбу қувончли айёмда Ўзбекистон Президенти рафиқаси билан бирга иштирок этаётгани учун ташаккур изҳор этди.

Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноёб бўлган «Усмон Мусхафи»нинг хаттоғларимиз томонидан кўчирилган нусхаси, Жалололдин Румийнинг машҳур «Маснавий» асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг «Қасалликлар тарихи» асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхалари, «Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари» номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг

ўзбек тилига таржимаси жамланган «Ўлмас кўнгул» деб номланган китобларни кутубхонага туҳфа қилди.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

Давлат раҳбарлари рафиқалари ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонаси фаолияти билан танишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси мазкур маҳобатли кошонанинг биринчи фахрий меҳмонлари бўлишди.

Ноёб китоблар кўرғазмаси намойиш этилди. Туркия Президенти давлатимиз раҳбарига ноёб китоблардан бирини совға қилди. Давлат раҳбарлари биргаликда Ўзбекистондан келтирилган китоблар кўрғазмаси билан ҳам танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига ташрифи якунланди. Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия мулоқотининг янги форматига асос солган ушбу ташриф мамлакатларимиз ўргасидаги ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

21 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил Тошкент шах-

рида амалга ошириладиган қурилиш ва ижтимоий лойиҳалар билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Уларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шунингдек, жорий йил Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш масалалари бўйича ҳам давлатимиз раҳбарига атрафлича маълумот берилди.

Жумладан, Олимпиадада иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси учун махсус кийимлар жамланмаси дизайни ҳам тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган юртимиз спортчилари ва спорт ишқибозлари учун либослар дизайни ва эскизлари юзасидан ўз тавсияларини билдирди. Шунингдек, Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиадага жуда катта тайёргарлик кўриш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифаларни белгилаб берди.

* * *

24 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари изчил ошиб бораёт-

гани таъкидланди. Эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев олий даражадаги ташрифлар якунида ишлаб чиқилган «Йўл хариталари»да 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

* * *

24 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноатини ислоҳ қилиш бўйича истиқболли режалар ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия сарфини камайтириш ҳисобига таннархни пасайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Кимё соҳасида янги йўналишларни ривожлантириш, хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, истеъмол товарлари, озиқ-овқат ва фармацевтика учун зарур хом ашё ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда ушбу тармоқда таълим ва илм-фанни такомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳимлиги таъкидланди.

Жанубий Корея билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот институти ташкил этиш, Тошкент кимё технология институтида мутахассисликлар ва ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

24 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон худудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда, аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика ва аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Учрашув сўнггида кенг кўламли Ўзбекистон – Қозоғистон шерикли-

ги доирасида янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш бўйича «йўл харитаси»ни тайёрлашга келишиб олинди.

* * *

25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги фармонида мувофиқ, 2019–2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди.

Одамлар энг кўп мурожаат қиладиган шошилиш ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан қарийб 2 минггага етказилди ва аҳолига янада яқинлаштирилди. Ихтисослашган автомашиналар парки янгиланди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқидий таҳлил қилинди.

Эскича услубда қолиб кетган тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этиб, дарс ва амалиётни замон талаблари асосида ўтиш зарурлиги таъкидланди.

Жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари бюрократик тузилма бўлиб қолгани, ҳудудий даражада касалликларни таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар йўқлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари касалликлар профилактикаси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айнан шунга йўналтириш лозимлигини таъкидлади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва пиёда юришнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур мажмуа мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхонасидир. Бу ерда олтин, уран, нодир металлар, қурилиш ва дастгоҳсозлик саноати учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади.

Йиғилишда Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш, ҳисоб-китобларни халқаро стандартларга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

Комбинатининг корпоратив еврооблигацияларини чиқариш масаласига тўхталиб ўтилди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини тавал-

луд куни билан самимий табриклаб, унга бахт-саодат ва янги зафарлар, Туркия халқига эса фаровонлик тилади.

Президент Режеп Таййип Эрдоганнинг мамлакатни барқарор ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий ўрни алоҳида қайд этилди. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси юксак баҳоланди.

Мулоқот чоғида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича икки томонлама келишувларни амалга ошириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Шунингдек, Президентлар минтақавий ҳамкорлик ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркор-

ликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда аввало, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳволни таҳлил қилиш кераклиги қайд этилди. Бунинг учун, биринчи йўналишда камбағалликка оид реал аҳвол, яъни маҳаллалардаги даромади кам оилалар сони ҳақида маълумот йиғилиши, иккинчи йўналишда туман ва шаҳарнинг салоҳияти, табиий ресурслари, ер ва инфратузилма имкониятлари харитаси тузилиши белгиланди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ҳокимлар билан биргаликда янги кичик саноат зоналари учун бўш ер майдонларини аниқлаб, инфратузилма билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси ҳамда Бош вазир қабулхоналари давлат ва тадбиркор ўртасидаги «кўприк» вазифасини бажариши, тадбиркорлик ташаббусларининг амалга ошишига ҳар томонлама кўмаклашиши шартлиги таъкидланди.

* * *

28 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзо Улугбек тумани Авайхон маҳалласида бунёд этилаётган кўп қаватли уй-жойларни кўздан кечирди.

Президентимиз хонадонлардан бирини кириб кўрди, уйларнинг қурилиш технологияси ва энергия тежамкорлигига эътибор қаратди.

Янги мавзеда автоном иссиқлик станцияси қуриш, иморатларни эксплуатация қиладиган ва сифатли хизмат кўрсатадиган замонавий ширкат ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Тошкент механика заводининг улкан ҳудуди ва биноларидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Технопаркка келиб, бу ердаги лойиҳалар тақдимоти билан танишганди.

Президентимиз Технопарк ҳудудида ишга туширилган илк лойиҳа – электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси фаолияти билан танишди, маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Технопаркда амалга оширилаётган галдаги лойиҳалар, ишлаб чиқарилиши режалаштирилган саноат маҳсулотлари билан ҳам танишди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Мудофаа вазирлигига қарашли Маънавият ва маърифат марказини бориб кўрди.

Президент марказ биносини реконструкция қилиб, ундан мақсадли фойдаланиш, давлат-хусусий шериклик асосида кўнгилочар маскан ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги Авиасозлар спорт мажмуасини ҳам кириб кўрди. Унинг ҳудудини ободонлаштириш, спортсевар-

ларга қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод тумани раҳбарлари, маҳалла раислари, тадбиркорлар, мактаб ва соғлиқни сақлаш муассасалари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари туманни обод ва осойишта, намунали худудга айлантириш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка барҳам бериш, таълим сифатини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тинчликни таъминлаш борасида бир қатор топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари туманда ишсизликнинг олдини олиш, камбағалликка барҳам бериш мақсадида «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ҳақида топшириқ берди.

Учрашувда маҳалла ва оила тизимидаги уйғун ислохотлар, жумладан, янги ташкил этилган Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолияти ҳақида сўз борди. Жиноят содир этилишининг олдини олиш, ишсизликка, камбағалликка барҳам беришда маҳалланинг роли муҳимлиги таъкидланди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девонхонаси раҳбари Ян Цзечи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойни дўстлик

ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб турганини қайд этди.

Юқори мартабали меҳмон Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Президенти номига йўллаган шахсий мактубини топширди. Ушбу мактубда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилган ҳамда янги турдаги коронавирус тарқалишига қарши курашда кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирилган.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Хитой шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда энергетика, нефть-газ, кимё, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ҳамда инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда янги турдаги мактабларни барпо этиш, аввалгиларини босқичма-босқич замон талабларига мослаштириш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Қурилиш вазирлигига мактабларни замонавий архитектура ечимлари асосида, энергия тежовчи ва илғор технологияларни қўллаган ҳолда барпо этиш вазифаси топширилди.

Халқ таълими ва Молия вазирликларига амалдаги жиҳозлаш ҳолатини танқидий ўрганиб, мактабларни замонавий лаборатория, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш бўйича топшириқ берилди. Аниқ фанларни ўқитишда амалий кўникмаларни шакллантириш ҳамда интерактив машғулотларга эътиборни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Ўйғилишда педагог кадрлар билими ва малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Педагоглар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, методик таъминотни янгича ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Болаларни ёшлигидан маънан ва жисмонан етук шахс этиб тарбиялаш мақсадида мактабларни бадиий адабиётлар билан таъминлаш, айниқса, бошланғич синфларда мусиқа, тасвирий санъат ва жисмоний тарбия машғулотларига янги мазмун бериш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференцияси Уставини (Гаага, 1951 йил 31 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳалла тизими ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев «2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Шавкат Мирзиёев Россиянинг «ЛУКОЙЛ» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, жаҳоннинг етакчи энергетик корпорацияларидан бири ва Ўзбекистон нефть-газ комплексининг муҳим инвестори — «ЛУ-

КОЙЛ» билан стратегик шерикликда сезиларли ривожланишга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Компаниянинг корпоратив бошқарув ва нефть-газ тармоғида рақамли технологияларга ўтиш борасидаги тажрибаси ва илғор ечимларини жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳудудида геология-қидирув соҳасида ҳамда углеводород конларини, жумладан, казиб олиниши қийин бўлганларини ўзлаштириш борасида кооперацияни мустаҳкамлаш имкониятлари муҳокама қилинди.

* * *

5 март. Президент Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари батафсил кўриб чиқилди.

ЕТТБ президенти ушбу етакчи халқаро молиявий ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурига ҳар томонлама қўмаклашишни давом эттириш ҳамда шериклик қўламини тубдан кенгайтиришга тайёр эканини билдирди.

Инфратузилмани модернизация қилиш, банк соҳаси, тўқимачилик ва саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш, кичик бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш

бўйича устувор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва илғари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев атроф-муҳитни асраш ва чиқиндиларни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ҳамда 2019–2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси ижроси қониқарсиз деб топилди.

Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига жорий йилда Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида, кейинчалик бошқа ҳудудларда ҳам қурилиш чиқиндиси полигонлари ҳамда чиқиндини қайта ишлаш лойиҳаларини ишга тушириш бўйича топшириқлар берилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш, «Қизил китоб»га киритилган ҳайвонларни овлаганлик учун жазони кучайтириш бўйича таклифлар билдирилди.

Ишлаб чиқариш жараёнида экологик нормаларга риоя этиш масалалари ҳам таҳлил қилинди.

Соҳада кадрлар сиёсати кескин танқид қилинди. Жумладан, малакали мутахассислар ва илмий-тадқиқот ишлари етишмаслиги, бирорга олий ўқув юртида экология бўйича махсус факультет йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Тадқиқотларга грантлар ажратиш, хорижда илмий ходимлар малакасини ошириш, соҳага инновацион технология ва фояларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 март. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ҳар бир тумандаги истиқболли лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Инвестициялар жалб этиб, зарурат бўлса, ташқи бошқарувга бериб, саноатнинг янги йўналишларини

йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

7 март. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан пойтахтимизнинг «Ўзэкспомарказ» миллий кўرғазмалар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан муборакбод этиб, нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 март куни қабул қилинган «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, соғлом ва баркамол авлод тарбияси, оила ва жамият асосларини мустаҳкамлаш йўлидаги муносиб хизматлари учун бир гуруҳ хотин-қизлар юксак унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. 4 мартдаги Президент қарорига биноан эса, йигирма саккиз нафар фаол қиз Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Байрам тадбирида ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанали тадбирдаги маърузаси матбуотда эълон қилинди.

* * *

9 март. Президент Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи инжиниринг ва қурилиш компанияси – «Ренессанс Холдинг» президенти Эрман Илижак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ушбу учрашув Анкарада ўтказилган олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия музокараларининг мантикий давоми бўлди.

Бугунги кунда «Ренессанс Холдинг» компанияси мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Учрашувда ушбу лойиҳалар доирасидаги амалий ишларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Туркия компаниясининг дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида, кейинги босқичларда Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида илғор халқаро тажриба ҳамда технологияларни жалб қилган ҳолда кўп тармоқли шифохоналар ташкил этиш борасидаги лойиҳавий таклифлари тақдимоти ўтказилди.

Мазкур лойиҳалар давлат-хусусий шериклиги асосида амалга оширилади, шунингдек, туркиялик ҳамкорлар шифохоналарни бошқариш ва юқори малакали тиббиёт мутахассисларини тайёрлашда иштирок этади.

Бундан ташқари, муҳим ижтимоий объектларни реконструкция қилишда, инжиниринг, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳаларида ҳамкорлик имкониятлари кўриб чиқилди.

* * *

9 март. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ва Озарбайжон Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва ривож-

ланиш истиқболлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу мамлакатлар билан қўшма лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳамда инвестиция, савдо ва транспорт-логистика соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия ва Озарбайжоннинг етакчи компания ва ташкилотлари билан савдо ва инвестициявий ҳамкорликни фаоллаштириш, шерикликнинг янги йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берди.

* * *

10 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 март. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда қатор соҳаларда амалга ошириладиган

лойиҳалар тақдимоги билан танишди. Тақдимот давомида рақамли технологияларни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Дастурий маҳсулотлар узлуксиз ва самарали ишлаши учун инфратузилма зарурлиги қайд этилар экан, барча давлат муассасаларини юқори тезликда маълумот узатиш тармоғига улаш, замонавий компьютер технологиялари билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий объектлар қурилишига доир тақдимотлар, шунингдек, Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган муҳташам кутубхона, эски шаҳар ҳудудини тарихий кўринишдаги туристик савдо зонасига айтантириш лойиҳалари билан ҳам танишди. Президентимиз мазкур лойиҳаларни янада такомиллаштириш, аҳоли учун кенг қулайликлар яратиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Шавкат Мирзиёев ҳудудларда барпо этиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексларининг намунавий лойиҳалари билан ҳам яқиндан танишиб, ўз тавсияларини берди.

Шунингдек, ички ишлар органларининг ташкилий тизимини ислоҳ қилишга, жумладан, мамлакат миқёсида ва туманлар кесимида куч ва воситаларни бошқаришнинг янги механизмларига бағишланган тақдимот ўтказилди.

* * *

11 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий даражали Дўст-

лик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 март. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самардорлигини ошириш муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясига илғор хорижий тажриба асосида аҳоли саломатлигини яхшилаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Аҳоли саломатлиги профилактикаси аввало қишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этилди. Бу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, аниқ дастурлар асосида жойларда манзилли иш ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари яна бир муҳим масалага эътибор қаратди – хасталик омилларини таҳлил қилиб, даволовчи шифокорларга профилактика йўналишида асосланган тавсия берадиган мутахассисларни тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни барвақт аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил ва статистикасини тўғри йўлга қўйиш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишда аҳоли саломатлигини назорат қилиш тизимини ҳам қайта

кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

* * *

12 март. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Хоразм вилоятига борди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Develop Textile» масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти билан танишди.

Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хом ашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманидаги «Global Food Impeks» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

Президентимиз иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Янгиариқ туманидаги «Хоразм пилла холдинг» корхонаси фаолияти билан танишди.

Президентимиз Хива шаҳридаги «Ичан қалъа» мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари «Ичан қалъа»да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси мужассам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар аجدодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабида яратилган шароит билан танишди. Виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишиб, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Президентимиз шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнларини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар, зиёлилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Президентимиз Хоразм вилоятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига илгари келгани-

да Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи ташкил этиш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ лойиҳа таклифи тайёрланиб, бу галги ташриф чоғида намоёиш қилинди.

Президентимиз ҳайкал нусхасини синчиклаб кўриб чиқди. Мазкур ёдгорлик маҳабатли бўлиши, узоқдан ҳам яққол кўзга ташланиб туриши зарурлигини таъкидлади.

Боғ учун мўлжалланаётган майдон мутасаддилар билан муҳокама қилинди. Лойиҳани қайтадан пухта ишлаб чиқиш, транспорт ҳаракати учун қулайликларни инобатга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

12 март. Пойтахтимиздаги «Hyatt Regency» меҳмонхонасида Озарбайжоннинг халқаро миқёсда нашр этиладиган «Тарихий шахслар» журнали томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Йил одами» деб эътироф этилиши муносабати билан мазкур нашрнинг Ўзбекистонга бағишлаб чоп этилган махсус сони тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вазирлик ва идоралар вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар элчилари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик қатнашди.

Тақдимот доирасида Президент Шавкат Мирзиёев «Йил одами», дея қайд этилган диплом Ўзбекистон томонига тантанали тарзда топширилди.

* * *

13 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ноширлик ва матбаа соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 март. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, кўп қиррали ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида кенгайтириш масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Коронавирус пандемиясига қарши самарали курашишни таъминлаш ва унинг икки томонлама алоқаларга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ҳукуматлар даражасида яқин ҳамкорлик қилиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот сўнгида Президентлар бир-бирини ҳамда қардош Ўзбекистон ва Туркменистон халқларини кириб келаётган баҳор, бахт-саодат ва янгиликни айёми – Наврўз билан самимий қутладилар.

* * *

18 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда эпидемиологик вазият ҳамда ҳар икки мамлакатда корона-вирус инфекцияси тарқалишининг

олдини олиш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Олий даражада эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳор, янгиликни ва яшариш байрами – Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий табрикладилар.

* * *

18 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, Президентнинг жорий йил 18 февралдаги фармони ва қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди.

Йиғилишда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, даромад топиши учун шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллаларнинг меъморий қиёфаси ва инфратузилмасини яхшилаш, баҳорги ободонлаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллада маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратди. Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат марказига маҳаллаларда кутубхона, маданият уйлари, кино заллари, мусиқа ва санъат тўғрақлари ташкил этиш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Видеоселектор йиғилишида маҳаллаларда жинойтчиликни жиловлаш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга бу борада ташкилий-ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

* * *

19 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Коронавирус тарқалашининг олдини олиш, шифохоналарни дори, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таъгиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига бозорлардаги нарх-навинг ўзгаришини кузатиб бориб, мавжуд захирадан қўшимча маҳсулотларини савдога чиқариш бўйича топшириқ берилди.

* * *

19 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида икки мамлакат етакчилари бир-бирларини ҳамда қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларини баҳор, яшариш ва янгиланиш байрами – Наврўз билан самимий қутладилар.

Ушбу айём азалдан ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик ришталари, муштарак тарих, маданият ва анъаналар билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқларимиз маънавий-маданий яқинлигининг ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, унинг барқарор

ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳамда кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг бугунги суръатига салбий таъсирини камайтириш борасида кўрилаётган қатъий чора-тадбирлар тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Ҳукуматлар даражасида саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари ҳам кўриб чиқилди, минтақавий ҳамкорлик ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

21 март. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Наврўз табриги матбуотда эълон қилинди.

* * *

23 март. Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Президенти Ориф Алвий ва Бош вазири Имрон Хонни ушбу мамлакатнинг миллий байрами – Покистон куни билан табриклади.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Шифокорларимизга амалий ёрдам бериш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Тиббиёт ва ҳарбий олий ўқув юртлари талабаларидан иборат кўнгиллилар жамоасини тузиб, ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга ҳамда олис ҳудудларга озиқ-овқат, гигиена ва дори воситалари етказиб беришни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонга олиб кирилаётган дори-дармонлар, субстанциялар, тиббий техника ва бошқа зарур товарларни божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари бизнес вакилларининг фикрини инobatга олган ҳолда, уларга яна қўшимча енгилликлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ашраф Ғанини Афғонистон Президенти этиб сайлангани билан табриклади ҳамда унга мамлакатда барқарор ва изчил тараққиётни таъминлашда муваффақиятлар тилади.

Ашраф Ғани Ўзбекистон коронавирусга қарши курашишда кўрсатаётган амалий кўмаги учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Президентлар савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликнинг долзарб масалаларини ҳам кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Афғонистоннинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қўшма инфратузилма лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

* * *

27 март. Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, жумладан, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Тегишли идора ва ташкилотларнинг яқиндан ҳамкорлигида ўзаро амалий кўмаклашиш ҳамда, аввало, чегараолди ҳудудлардаги эпидемиологик вазиятни назорат қилиш борасида олиб борилаётган ишлар қайд этилди.

Пандемиянинг савдо-иқтисодий, энергетик, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон – Туркменистон алоқаларига салбий таъсирини камайтириш бўйича фаол қўшма чора-тадбирларни давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар юзага келаётган барча қийинчилик ва янги хатарларни муваффақиятли енгиш, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, стратегик шериклик ва

кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликка доир ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

27 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари қадимдан минтақамизда кенг нишонланиб келаётган, дўстлик ва яхши қўшничилик, тарих, маданият ва анъаналар муштараклигини ифода этувчи баҳор ва янгиланиш байрами – Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилақларини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни муҳокама қилдилар.

Ушбу пандемияга қарши самарали курашиш, шунингдек, унинг оқибатлари икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ва ўзаро кўмакни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтиришга доир ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик

долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

27 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида биродар давлатлар раҳбарлари минтақамизга кириб келган янгиланиш ва яшариш байрами – Наврўз байрами муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилақлар билдирди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда шерикликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, маданият ва таълим соҳаларида кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларини кўриб чиқдилар.

Эришилган келишувлар, шу жумладан мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида қабул қилинган «Йўл харитаси»ни амалга ошириш,

иктисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича қўшма фонд ташкил этишни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига йўл қўймаслик ва минтақада пандемия оқибатларига қарши самарали курашиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик ва яқиндан мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар мамлакатларимизда қўрилаётган биринчи навбатдаги превентив чоралар ва эпидемиологик вазиятни назорат қилиш тадбирларини тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Коронавирусга қарши курашишда фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, минтақавий ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият бўйича халққа мурожаат қилди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу мурожаати матбуотда эълон қилинди.

* * *

3 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президентимиз корхоналарнинг изчил ишлашига кўмаклашиш, барча имконият ва захираларни тўлиқ сафарбар этиш зарурлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида экспорт масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Юкларни темир йўл орқали контейнерда ташиш, станцияларда рефрижератор секцияларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддиларга мева-сабзавотлар, тўқимачилик ва электротехника маҳсулотлари, қурилиш материаллари экспорти бўйича ҳар бир корхона муаммосини тезкор ҳал қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Аҳолини зарур истеъмол товарлари, озиқ-овқат, дори ва гигиена маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда давлат бюджети тушумлар прогнозининг бажарилишига оид масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

4 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Абу Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги кўп қиррали муносабатларга доир долзарб масалалар, шунингдек, амалий ҳамкорликни савдо-иқтисодий, инвестиция, банк-молия, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа устувор соҳаларда янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик ва ушбу глобал хатарга қарши самарали курашиш борасида мамлакатларимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари пандемия оқибатларини енгиб ўтишда кўрсатилаётган кўмак учун Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

Коронавирус тарқалишининг икки томонлама ҳамкорлик суръатига, шу жумладан, бугунги кунда БААнинг етакчи компания ва банклари иштирокида sanoat, инфратузилма, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштиришни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Томонлар турли даражадаги саъй-ҳаракатларни фаол мувофиқлаштириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

7 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Метрология тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус пандемиясига қарши курашишда жойлардаги ишлар натижадорлиги таҳлили ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишнинг муҳим манбаи бўлган томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш учун катта резерв ва имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Президентимиз бу йилги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, барча

томорқаларда 2–3 марта экин экиш ва қўшимча ҳосил олиш биринчи даражали вазифа бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирги синовли даврда томорқа ерларига экин экмаслик, қаровсиз ташлаб қўйиш юртга ва ерга нисбатан хиёнат деб баҳоланиши керак. Шунинг учун томорқадан самарали фойдаланмаётган хонадон эгалари расман огоҳлантирилиши, ундан кейин ҳам экин экмаганларга ер солиғи оширилган ставкада қўлланилиши маълум қилинди.

Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли хужжатни қабул қилиш топширилди. Томорқалар ҳолатини дронлар орқали мониторинг қилиш ҳамда улардан унумли фойдаланиш учун ҳар бир сектор кесимида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

9 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва Марказий Осиё минтақасидаги коронавирус тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирусга қарши самарали курашиш мақсадида мувофиқлашган чораларни ишлаб чиқиш, ўзаро кўмаклашиш, тегишли тиббиёт ва бошқа алоқадор хизматлар ўртасидаги яқин мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Пандемиянинг икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик

шериклик муносабатларининг ривожланиш суръатига салбий таъсирини камайтириш учун олдиндан чора кўриш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Савдо-иқтисодий, инвестиция, молия ва транспорт-коммуникация соҳалари, шунингдек, ҳудудлараро ҳамкорлик, жумладан, пойтахт шаҳарлар Тошкент ва Душанбе ўртасидаги алмашинувлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бу борадаги устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди.

Сухбаг чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик айрим долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

* * *

9 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев коронавирус пандемияси шароитида банк тизимининг барқарор ишлашини ҳамда иқтисодиётга молиявий кўмакчи бўлишини таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда банкларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, бандлик ва аҳоли даромадларини сақлаб қолиш масалалари муҳокама қилинди.

Жаҳон иқтисодиётида бошланаётган инқироз ҳолатларини ҳисобга олиб, банкларнинг лойиҳалар портфелини танқидий кўриб чиқиш вазифаси қўйилди. Яъни ҳали бошланмаган, узоқ муддатли лойиҳаларни аниқлаб, уларни жорий йилнинг ўзида самара беришни бошлайдиган янги лойиҳаларга алмаштириш зарурлиги таъкидланди.

Бу борада банкларга маблағларни устувор равишда кичик бизнес субъектларига янги иш ўринлари яратиш учун ҳамда уй шароитида ўзини ўзи банд қилиш учун йўналтириш тавсия этилди.

Масофавий хизмат кўрсатиш турлари ва қамровини кенгайтириш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш ва сабъ-ҳаракатларни бирлаштириш учун видеоанжуман тарзида ўтказилган навбатдан ташқари саммитида иштирок этди.

Президентимиз мамлакатимизда коронавирусга қарши олиб борилаётган кураш тажрибаси билан ўртоқлашди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсия ва талабларига мувофиқ жорий этилган карантин чоралари тўғрисида сўзлаб берди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишининг оқибатларига қарши самарали курашиш бўйича таъсирчан амалий чоралар кўриш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан қатор аниқ таклифлар илгари сурилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида пахтачилик ва ғаллачиликда кластер тизими-

ни ривожлантириш, баҳорги агротехник ишларни самарали ташкил қилиш, ҳосилдорликни ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашиш борасидаги ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Президентимиз энди барча хокимлар, сектор раҳбарлари аграр соҳадаги резервларни сафарбар қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириши зарурлигини таъкидлади. Шундагина иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги йўқотишлар ўрнини қисман тўлдириб, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш мумкин.

Кластерлар фаолиятини мувофиқлаштириш, илғор тажрибаларни кенг жорий қилиш мақсадида Пахта етиштирувчи ва қайта ишловчи кластерлар уюшмасини ташкил қилиш ташаббуси маъқулланди.

Видеоселектор йиғилишида ғаллачиликка доир чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

Барча сектор раҳбарлари ўз худудида озиқ-овқат захирасини ҳисоб-китоб қилиб, ички имкониятларини кенгайтириб бориши кераклиги айтилди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

касида халқ табобатини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатда давлат раҳбарлари анъанавий дўстона ва самимий руҳдаги икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо-иқтисодий соҳада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда айрим минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашишда ҳамкорликни давом эттириш ва сабъ-ҳаракатларни бирлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳамда Ўзбекистонда Корея тиббиётининг, жумладан, карантин тадбирларини ташкил этиш, касалликларни аниқлаш ва даволаш, реабилитация тадбирларини ўтказиш, тиббий кадрлар малакаси-

ни ошириш борасидаги илғор тажрибасини самарали жорий этишга қатъий интилишларини қайд этдилар.

Мулоқотда Президентлар мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва илмий-инновацион ҳамкорликда эришилган суръатларни сақлаб қолиш масалаларига батафсил тўхталдилар.

Телефон мулоқоти якунида Президент Мун Чже Ин Корея Республикаси биродар Ўзбекистонга бугун долзарб бўлиб турган қийинчиликлар ва замонавий хатарларни тез фурсатларда енгиб ўтишда барча зарур ёрдам ва кўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор билдирди.

* * *

14 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича видео-селектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ички талабни тўлиқ таъминлаш билан бирга, экспортни ошириш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов ва кенг имкониятлар йили бўлади. Пандемия ва карантин қанча вақт давом этишидан қатъи назар, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи камаймайди.

Йиғилишда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 55 та туман, 86 та кластер ва 125 та кооператив бу

борада етакчи бўлиши кераклиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Богдорчилик ҳамда Узумчилик агентликлари сабзавот, полиз ва бошқа турдаги экинлар экилишини ташкил этиш учун масъул этиб белгиланди.

Ички ишлар вазирлигига қарантин қоидаларига амал қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ автотранспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишини таъминлаш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда уруғлик ва минерал ўғитлар таъминоти муаммоси ҳам таҳлил қилинди. Пандемия шароитида уруғлик таъминотида узилишлар бўлмаслиги лозимлиги айтиб ўтилди.

Президентимиз энди маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга импорт қилинаётган товарлар ўрнини қоплаш зарурлигини таъкидлади.

Озуқа ишлаб чиқарадиган қорхоналар, қорамол боқиш бўйича оилавий кооперацияларни кўпайтириш бўйича вазифалар қўйилди. Ҳар бир вилоятда насли қорамол тайёрлаш ва сотишга мўлжалланган хўжаликлар ташкил этилиши белгиланди.

Йиғилишда паррандачилик, баликчилик, асаларичилик, ипакчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

* * *

15 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республика-

си давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кимё, агротехника ва автомобиль саноати қорхоналарида ишлаб чиқариш суръатларини таъминлаш ҳамда янги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Кимё саноати мавжуд қувватларни сақлаб қолиш билан бирга янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун катта имкониятларга эга. Аммо тармоқдаги бугунги ҳолатга йиғилишда танқидий баҳо берилди.

Йиғилишда техникаларни ўз вақтида сотиш учун харидор билан ишлаш тизимини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларга бу борада кредит имтиёзлари бериш зарурлиги қайд этилди.

Автосаноат маҳсулотлари экспортини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Ишлаб чиқаришдан тортиб, савдо ва сервис хизмати-гача бўлган барча жараёнларни рақамлаштириш орқали сифатни назорат қилиш, маҳсулотга ишончи ошириш, очик-ошкораликни таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

17 апрель. Тошкент вилояти Зангиота туманида «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери қурилишини бошлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Унда видеоконференцалоқа орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Телемулоқот чоғида давлатимиз раҳбари бу ерда инновацион ва юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлган дори-дармонлар, тиббий маҳсулот ва техник воситалар ишлаб чиқариш, аҳолининг бу борадаги талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, замонавий кадрлар тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимизда фармацевтика соҳасини янада ривожлантириш, самарали инфратузилма яратишга қаратилган лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш бўйича бошланган ишлар ва режалар билан танишди.

Қурилиш майдонида бўлиб турган мутасаддилар ва лойиҳага сармоя киритган корейлик ҳамкорлар инновацион ва юқори технологияли ушбу кластерни муваффақиятли ишга тушириш учун барча чоралар кўрилганини маълум қилди.

* * *

17 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев коронавирус пандемиясига қарши курашишда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда халқаро молия институтлари пандемия билан кураш учун соғлиқни сақлаш соҳасига ажратаётган маблағларни тез фурсатларда ва самарали ўзлаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ислом тараққиёт банки билан келишиб, Тошкент вилояти Зангиота туманида қурилаётган шифохона ва Юқори Чирчиқ туманидаги карантин ҳудудини замонавий тиббий техникалар билан жиҳозлаш, Осиё инфратузилма инвестициялари банки ва Жаҳон банкидан қўшимча маблағлар жалб этиб, тиббий ва ижтимоий соҳаларга йўналтириш бўйича кўрсатма берилди.

Коронавирус пандемиясига қарши курашиш чора-тадбирлари учун донор ташкилотлар билан қўшимча грант келишувлари имзолаш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилишни жадаллаштириш ва ўз вақтида ўзлаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш авалида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. Вақтинча ишламаётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлаб, уларни манзилли асосда озиқ-овқат ва дори-дармон билан таъминлаш кўламини янада кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди.

Ушбу ташаббус Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бўлимлари, банклар, ижтимоий муҳофаза идоралари ҳамкорлигида амалга оширилиши белгиланди.

Йиғилишда қурилиш материаллари бозори билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Импорт ўрнини босувчи маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқотда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги, биринчи навбатда, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Европа кенгаши президенти Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш ва пандемиянинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларга салбий таъсирини камайтириш бўйича кўрилаётган мислсиз қатъий чора-тадбирларни юксак баҳолади ва тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Сухбатда минтақавий аҳамиятга молик масалалар ҳам алоҳида кўриб чиқилди.

Телефон мулоқоти чоғида, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик қатор масалалар ҳамда бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши президенти Шарль Мишель Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги конструктив мулоқот ва кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақалари бўйича вице-президенти Сирил Мюллерни Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди.

* * *

21 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари муборак Рамазон ойи бошланиши муносабати билан самимий кутловлар алмашиб, бир-бирлари ва биродар халқларимизга сихат-саломатлик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Ўзбекистон Президенти ҳамкасиби ва дўст Туркия халқини ушбу мамлакатда кенг нишонладиган давлат байрами – Миллий суверенитет ва болалар куни билан ҳам табриқлади.

Мулоқотда Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған янги глобал хатар – коронавирус инфекциясининг шиддатли тарқалишига қарши курашишда яқиндан ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари икки томонлама муносабатларни бағават муҳофизат қилдилар.

Мулоқотда минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсатга доир қатор долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

22 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

22 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда карантин чекловлари сабабли вақтинча ишсиз қолган фуқароларни моддий қўллаб-қувватлаш масаласи Самарқанд ва Наманган вилоятларида амалга оширилаётган ишлар мисолида муҳофизат қилинди.

Тадбиркор ва фермерлар камбағал оилаларга томорқада экин экишга ёрдам бериши, такрорий экин учун ўз еридан жой ажратиши, касаначиликни йўлга қўйишда кўмаклашиши лозимлиги таъкидланди.

Барча туман ва шаҳарларда ишсиз қолган ҳамда эҳтиёжманд аҳолини номма-ном аниқлаб, шакллантирилган рўйхатлар асосида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасидаги ишларни манзилли йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Карантиндан олдин ҳам ишсиз бўлган ва кунлик даромад асосида яшаб келган одамларни фаол меҳнат орқали иш билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз белгиланган вазифаларни сифатли бажариш, одам-

ларни ҳам банд, ҳам рози қилиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилишда сервис соҳасини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда масофавий ўқув курслари ташкил этиб, ёшлар ва аёлларга ҳунар ўргатиш, ўз мактабига эга ҳунарманд усталар тажрибасини телевидение орқали оммалаштириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев тўқимачилик саноати барқарорлигини таъминлаш, пандемиянинг соҳага таъсирини юмшатиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда пандемия даврида тармоқни барқарор ишлатиш учун корхоналарни айланма маблағ билан таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда хом ашё етиштириш ва ишлаб чиқариш занжирида таннархни камайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Тўқимачилик корхоналарининг ташқи бозорларга чиқиши учун қулай шароит яратиш масалаларига эътибор қаратилди. Экспортчилар харажатларини субсидия қилишни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

24 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини тиклаш масалалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида шу борада амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ушбу вилоятлар ҳокимларига касаллик юктириш хавфи юқори, ўрта ва паст даражада бўлган туман ҳамда фаолият турларини таҳлил қилиб, карантин чекловларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича Республика маҳсул комиссиясига таклиф киритиш топшириғи берилди.

Президентимиз аҳоли бандлигини таъминлаш учун қурилишларни давом эттиришга рухсат берилганини инобатга олиб, мазкур вилоятлардаги объектларда белгиланган ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Кам таъминланган оилаларга қорамол, парранда ва асалари уяси тарқатиб, кооперация асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Фалладан бўшаган майдонларнинг 50–60 фоизига фермер ўз ишчилари билан экин экиши, қолган қисмини карантин шароитида вақтинча ишсиз қолган ва кўмакка муҳтож аҳолига бўлиб беришни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мажлисида бу борада амалга ошириладиган ишлар ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари кўриб чиқилди.

Соҳанинг инвестицион жозибаторлигини ошириш масаласи муҳокама қилинар экан, давлатимиз раҳбари бунинг учун халқаро стандартларни жорий этиш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда ташкил этилаётган Геология фанлари университети қошида Геология музейини очиш ва унинг фаолиятини ўқув жараёнига боғлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

* * *

28 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни юз берган табиий офат оқибатларини кўздан кечириш, зарур чора-тадбирлар белгилаш ҳамда аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлди.

Президентимиз вертолётда Қоракўл ва Олот туманларидаги ҳолатни кўздан кечирди. Олот тумани

марказида маҳаллий аҳоли вакиллари, фаоллар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари кутилмаган табиий офат – кучли шамол одамлар турмуши, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга салбий таъсир қилганини афсус билан қайд этди.

Давлатимиз раҳбари саросимага тушмасдан ҳар кунги юмушларни давом эттириш муҳим эканини таъкидлади. Табиий офат оқибатларини зудлик билан бартараф этиш, турар жойлар ва инфратузилма объектларини таъмирлаш, аҳолига ҳар томонлама кўмаклашиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт тармоқлари, жамоат хавфсизлиги юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Муборак Рамазон кунларида Аллоҳ таолодан халқимизга тинчлик-осойишталик, юртимизни турли бало-офатлардан асрашини тилаб дуо қилинди.

Президентимиз муқаддас динимизни, улуғ аجدодларимизнинг бу йўлдаги илмий меросини чуқур ўрганиш билан боғлиқ муҳим масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Бухоро халқаро аэропортида табиий офат оқибатларини бартараф этиш, аҳоли, фермер ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев пандемия даврида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш ва нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Давлат раҳбари тадбир аввалида Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида юз берган табиий офат ва унинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида кенг жамоатчиликка мурожаат қилди.

Йиғилишда маҳсулот етиштиришни ошириш, стратегик захираларни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди.

Туманларда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари, оборотдан чиққан ерларни ўзлаштириш, мева-сабзавотчилик ва чорвачиликдаги резервлар аниқ белгилаб берилган. Энди шу бўйича ишни ташкил этиб, етишмайдиган маҳсулотни бошқа туманлардан олиш ёки ортиқчасини сотиш лозимлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга донни бозор нархида сотиб олиш, донни қайта ишловчи хусусий корхоналарни жалб

қилган ҳолда сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлашни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига стратегик захиралар номенклатураси ва ҳажмларини танқидий кўриб чиқиб, бу борада янги тизим яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

30 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев жорий ўқув йилини сифатли яқунлаш, битирув ва кириш имтихонларини ташкил этиш масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда мазкур жараёни сифатли ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Таълим муассаларига ҳужжатлар қабулини такомиллаштириб, масофадан, онлайн шаклда, интернет орқали ҳужжат топшириш имкониятини яратиш зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги янги тартиб ва афзалликлар ҳақида аҳоли батафсил хабардор қилинди.

Карантин туфайли ижтимоий масофа тушунчаси ҳаётимиздан муҳим ўрин эгаллади. Шундан келиб чиқиб, таълим муассаларида, айниқса, мактабларда меъёрларни қайта кўриб чиқиш зарурати таъкидланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига олий таълим муасса-

саларига режа ва дастурларни иш берувчилар талабидан келиб чиқиб мустақил тасдиқлаш ваколатини бериш бўйича вазифалар юклатилди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1–2 май. Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиши оқибатида сув оқими аҳоли пунктлари, коммуникация тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етказди.

Президент Шавкат Мирзиёев зудлик билан воқеа жойига етиб келди. Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш, аҳолини хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Президентимиз Оқолтин туманида аҳоли билан учрашиб, жабрланган ҳар бир инсон алоҳида эътиборга олинishi, ҳамма уй-жой ва озиқ-овқат билан таъминланишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардоба сув омбори тўғони очилган жойга бориб, уни кўздан кечирди. Ҳукумат комиссияси ва мутахассислар билан муҳокама қилган ҳолда сув оқимини тўхтатиш учун зарур куч ва воситалар жалб қилинди.

2 май куни Президентимиз яна Сардоба сув омборига бориб, тўғонни тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишларни кўриб чиқди. Мутахассислар билан атрофлича муҳокама қилган ҳолда, дамбани мустаҳкамлаш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган Сардоба туманидаги Навоий номидаги маҳаллага борди.

Президентимиз маҳалла бўйлаб юриб, юзага келган аҳвол билан яқиндан танишди. Худудни пухта тозалаб, дезинфекция қилиш, қатъий санитария-эпидемиологик назоратни таъминлаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини тез фурсатларда сифатли тиклаш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев сув чекинганидан кейин ўз маҳалласига қайтган одамлар билан мулоқотда бўлиб, талафот кўрган жойларда турмуш шароитлари тез кунларда тикланиши, аҳолига ҳар томонлама кўмак берилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Оқолтин туманидаги Шодлик маҳалласи ва Мирзаобод туманидаги Ҳақиқат маҳалласи туташган ҳудудда ҳам бўлди.

Гулистон шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар, ҳуқуқ-гартибот идоралари масъуллари, жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда Сардоба сув омбори тўғонининг кутилмаганда очилиши ва унинг оқибатлари атрофлича таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, талафот кўрганларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий объектлар ва қишлоқ хўжалиги майдонларини тезроқ тиклаш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардобадаги фавқулодда ҳодиса сабабли Гулистон шаҳрига эвакуация қилинган одамлар билан мулоқот қилиб, улардан кўнгил сўради. Хеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳаммага ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлади.

* * *

2 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса билан боғлиқ жорий вазиятни ҳамда унинг мамлакатларимиз чегараолди ҳудудларидаги оқибатларини бартараф этиш бўйича яқин ҳамкорлик ишларини ташкил этиш масалаларини батафсил муҳокама қилдилар.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларига ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Икки давлат Бош вазирлари бошчилигидаги Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг фаол ишини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида, жумладан, Қўстанай шаҳридаги қўшма корхонада автомобиль ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, учинчи мамлакатлар бозорига чиқариш, замонавий транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа йўналишлар бўйича қатор янги дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятида бўлиб, Сардоба сув омбори ҳудудида амалга оширилаётган тиклаш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев бажарилган ишларни синчиклаб кўздан кечириб, мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди.

Президентимиз Сардоба туманидаги Қўрғонтепа маҳалласини бориб кўрди. Ушбу маҳалла сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган, одамлар тезкор равишда хавфсиз жойларга кўчирилган эди.

Катта куч ва техника воситалари, аскарлар, бошқа соҳалар ходимлари жалб қилиниб, амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида табиий офат оқибатлари бартараф этилиб, одамлар ўз уйларига қайта бошлади.

Давлатимиз раҳбари шундай уйлардан бирига кириб, хонадон эгаларидан ҳол-аҳвол сўради. Барча қатори уларга ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев қадрдон маконига қайтган маҳалла аҳолиси билан мулоқот қилди.

Президентимиз Оқолтин туманида ҳам бўлди. Мутасадди ходимлар фавқулодда ходиса етказган зарар, уларни баргараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ҳар бир хонадон эгалари билан гаплашиб, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, яшаш шароити мавжуд хонадонларга аҳолини қайтариш бўйича кўрсатмалар берди.

Мирзаобод туманида нуронийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлди.

Аҳоли вакиллари давлатимиз раҳбарига шундай қийин вазиятда халқ билан бирга бўлгани, қисқа вақтда катта ишлар қилиниб, ҳаёт изга тушаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шу ерда ҳукумат аъзолари, мутасадди раҳбарлар билан қишлоқ хўжалиги майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, шикаст етган йўл ва кўприкларни таъмирлаш масалалари муҳокама қилиниб, чоратадбирлар белгиланди.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев ёқилғи-энергетика тармоғида самарадорликни ошириш,

энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда оммабоп қишлоқ хўжалиги техникалари ва юк автомобилларини газга мослашган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Кўп қаватли уйларни лойиҳалаш ва қуришда энергия тежовчи технологияларни кенг қўллаш, ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини оширишга хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш, қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, жаҳон тажрибаси асосида истеъмолчиларга қўшимча шарт-шароит яратиш муҳимлиги таъкидланди. Соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш, вилоятларда қуёш фото-электр ва шамол электр станциялари қуришга доир масалалар кўриб чиқилди.

Электр энергияси ҳамда табиий газ сарфини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини янада кенг жорий этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Карантин сабабли ёқилғи-энергетика корхоналарида маблағ танқислиги вужудга келишини инобатга олиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, айланма маблағларини кўпайтириш чора-тадбирлари белгиланди.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков

билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳукуматларининг коронавирус пандемиясига қарши курашда яқиндан ҳамкорлик қилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Мамлакатларимизда ушбу хавfli касаллик тарқалишининг, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларга салбий оқибатларини камайтириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитида қабул қилинган қарорларга мувофиқ ташкил этилган соғлиқни сақлаш ва транспорт вазирликлари раҳбарларининг кўп томонлама маслаҳатлашувлари натижалари юксак баҳоланди.

Президентлар Ўзбекистонда Сардоба сув омборидаги фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Мулоқот якунида ўзаро товар айирбошлашнинг юқори суръатини сақлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кооперацияни кенгайтириш, устувор инвестиция ва инфратузилма, жумладан, минтақавий аҳамиятга молик лойиҳаларни илгари суришга қаратилган биргаликдаги ишларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Суҳбат чоғида қатор халқаро масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев ўтказган видеоселектор йиғилишида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида амалга оширилатган ишлар ҳамда Бухоро ва Сирдарё вилоятларида юз берган фавқулодда ҳодисалар яна бир бор муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда эпидемиологик вазият ижобий томонга ўзгараётгани боис карантин шароити босқичма-босқич юмшатила бошлаган эди. Бу ишларни изчил давом эттириш мақсадида жойлардаги вазият ўрганилди. Ҳар бир тармоқ ва ҳокимликлардан асосланган таклифлар олинди.

Йиғилишда ушбу таклиф ва таҳлиллар асосида бундан буён амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди. Фаолияти тикланган саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига қўшимча равишда хизмат кўрсатиш субъектлари ҳам босқичма-босқич ишга туширилиши белгиланди.

Республика комиссиясига хизмат кўрсатиш турларини қайси ҳудудларда ва қандай шартлар асосида йўлга қўйишни белгилаш топширилди. Корхоналар барқарор ишлаб кетиши учун уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда карантин чоралари енгиллаштириладиган ҳудудларни белгилаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарнинг карантин даражасини белгилаш, жойлардаги вазият ўзгаришига қараб, тезкорлик билан карантин даражаларини янгилаб бориш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига яна бир бор эътибор қаратилиб, аҳолини асосий турдаги маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари белгиланди.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқиб, амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Эпидемиологик вазият ривожини назорат қилиш ва коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Телефон мулоқоти чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқотда стратегик шериклик тамойилларига асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон муносабатларининг жорий ҳолати ва уларни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари савдо, энергетика, транспорт ва транзит, саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани ва идоралараро алоқалар самарали йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этдилар.

Ҳамкорликка оид устувор лойиҳаларни, жумладан, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида илгари суриш мақсадида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаол давом эттиришга келишиб олинди.

Мулоқотда, шунингдек, мамлакатимизда Сардоба сув омборидаги фавқулодда вазият оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилди.

Коронавирус инфекциясининг тарқалиши билан боғлиқ эпидемиологик вазият хусусида ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари халқаро сиёсат ва

минтақавий ҳамкорликка оид қатор долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Рухоний билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари муборак Рамазон ойи муносабати билан самимий қутловлар алмашиб, бир-бирлари ва дўст халқларимизга коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши билан боғлиқ бугунги мураккаб даврда сиҳат-саломатлик ва фаровонлик тиладилар.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, жумладан, савдо-иқтисодий ва транспорт коммуникация соҳаларидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари батафсил кўриб чиқилди.

Президентлар пандемиянинг савдо амалиётлари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалга оширилаётган кооперация лойиҳалари, экспорт-импорт юкларининг транзит ташувлари учун салбий оқибатларини камайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идораларга видеоанжуманлар ўтказиб боришни давом эттиришни топширдилар.

Мулоқотда халқаро ҳамкорликка оид қатор масалалар кўриб чиқилди.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожланти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ушбу ҳудудларда саноат тармоқларини диверсификация қилиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланиб, бу борадаги чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари шу каби кўплаб имкониятларни кўрсатиб ўтиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Йиғилишда жойларда инвестицион ва туристик салоҳиятни ошириш, сервис хизматларини яхшилаш учун инфратузилма объектларини ривожлантириш борасидаги ҳолат туманлар кесимида таҳлил қилиниб, хизмат кўрсатишнинг барча захираларини ҳисоб-китоб қилиб, уларни ишга туширишга тадбиркорларни жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда асосий ва боғ-тоқ қатор ораларига экин экиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириб, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш масалаларига яна бир бор тўхталиб ўтилди.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган байрам – фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг жасоратли фахрийларига, дўст халқларимизга соғлиқ-омонлик ва фаровонлик тиладилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Кўп қиррали ҳамкорлик, аввало савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирларни пухта тайёрлаш муҳимлигига эътибор қаратдилар.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият муҳокама қилинди. Инкирозга қарши курашиш, шу жумладан, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий қафолатларни кучайтириш, бизнесга ҳар томонлама кўмаклашиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, чекловларни босқичма-босқич юмшатиш борасида иккала мамлакатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари пандемияга қарши самарали курашиш мақсадида саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириб бориши ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириши муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик дол-

зарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва ХХР етакчилари икки томонлама ҳамкорликка доир ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашнинг энг мураккаб даврида кўрсатилган ўзаро кўмак ва гуманитар ёрдамни катта мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этдилар.

Икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати соҳасидаги идоралари ўртасида фаол алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди. Шунингдек, кўп қиррали, шу жумладан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молия, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорликнинг ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболлари батафсил муҳокама қилинди.

Сухбат натижаларига кўра икки томонлама олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриши ишлари давом эттирилади.

Давлат раҳбарлари минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкор-

лик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бир-галикдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб боришга қатъий интилиш тасдиқланди.

Сухбат якунида Ўзбекистон ва Хитой етакчилари дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик руҳидаги кенг кўламли ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтиришга тайёр эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари фашизм устидан қозонилган Ғалаба куни муносабати билан бир-бирларини табриклаб, мамлакатларимиз фахрийлари ва биродар халқларига тинчлик, сихат-саломатлик ва фаровонлик тилладилар.

Сухбат чоғида Сардоба сув омборидаги фавкулда ходиса оқи-

батларини бартараф этиш мақсадида чегараолди ҳудудларда яқин ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жабр кўрган туманларда аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва инфратузилмани тиклаш бўйича қилинадиган биринчи навбатдаги ишлар ҳақида келишиб олинди.

Президентлар коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ жорий эпидемиологик вазиятни ҳам кўриб чиқдилар. Пандемияга қарши кураш, аҳоли ва бизнес учун чекловларни босқичма-босқич юмшатиш борасида мамлакатларимизда кўрилаётган чоралар қўллаб-қувватланди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни тез фурсатларда амалга ошириш, жумладан, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш саноати, транспорт ва логистика, бошқа тармоқларда истиқболли лойиҳаларни тийёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот якунида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликка асосланган кенг кўламли Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилиш қатъий экани таъкидланди.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев Ик-

кинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклар, эзгу тилаклар билдирдилар.

Мулоқотда чегараолди ҳудудларда Сардоба сув омборидаги фавкулдда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Аҳолига зарур ёрдам кўрсатиш, инфратузилма ва коммуникацияларни қайта тиклаш борасида биргаликда амалга оширилаётган биринчи навбатдаги тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарали кечаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш ва даволашда ваколатли идораларнинг яқиндан мувофиқлашуви ва ҳамкорлигини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини, аввало, савдо-иқтисодий соҳада кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

* * *

8 май. Президент Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкoning телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-

бирларини табриклардилар. Биродар халқларимизнинг Буюк Ғалабага эришишда беқиёс хисса қўшгани алоҳида қайд этилди.

Сухбатда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди. Эришилган келишувларни амалга ошириш ва шерикликнинг янги йўналишларини илгари суриш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро комиссия доирасидаги учрашувларни, жумладан, видеоанжуманлар шаклида давом эттиришга келишиб олинди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама қўшма тадбир ва дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

9 май. Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Олмазор туманида барпо этилган Ғалаба боғига ташриф буюриб, дастлаб «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Давлатимиз раҳбари боғдаги «Шон-шараф» музейи экспозицияси билан танишди. Бу ердаги экспонатлар Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабага катта хисса қўшган халқимизнинг жасоратини тараннум этишга, ёш авлодни ватанпарвар-

лик руҳида тарбиялашга хизмат қилишини таъкидлади. Ҳарбий хизматчи ва курсантларни, ёшларни бу ерга олиб келиб, уларда мардлик, фидойилик руҳини шакллантириш бўйича тавсиялар берди.

Давлатимиз раҳбари боғдаги «Кўз ёши» мажмуаси билан ҳам танишди. Кўз шаклидаги бу бадиий мажмуада урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги ифодаланган.

Галаба боғидаги амфитеатрда 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар жам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хотира ва кадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклади.

Президентимиз Галаба боғининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

Боғда Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси, жумладан, темир йўл вокзали, окоплар барпо этилган, ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар кўرғазмага қўйилган. Давлатимиз раҳбари ушбу техникаларни ҳам кўздан кечирди.

Ўзбекистон Президентининг тантанали тадбирдаги маърузаси матбуотда эълон қилинди.

* * *

Давлатимиз раҳбари шу куни Тошкент шаҳридаги Чилонзор ту-

манида барпо этилган иккинчи перинатал марказни ҳам бориб кўрди.

Президентимиз тиббиёт марказида яратилган шароитлар билан танишди. Askdoctor.uz онлайн поликлиника дастури орқали шифокорлар билан мулоқот қилди.

Масофавий технологияларни турман шифохоналари, қишлоқ поликлиникаларида ҳам босқичма-босқич жорий этиш, тиббиёт ходимлари ва аҳолини ундан фойдаланишга ўргатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига давлат идоралари маълумотлар базасини таснифлаб, уларни идоралараро интеграцион платформага улаш, электрон ҳамкорликнинг ягона технологик талабларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Пандемия таъсирини инобатга олиб, энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат солиқ қўмитасига савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини онлайн назорат касса машиналарига ўтказиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировка қилиш ҳамда электрон ҳисоб-фактура тизимини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлан-

тириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мутасаддиларга ер майдони ва сув ҳисобини юритишнинг электрон тизимларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришдан тортиб, сотувгача бўлган жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев «2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

13 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда карантин талабларини хушёр-

ликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда пандемияга қарши курашиш ҳамда карантин шароитида аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтилди.

Президентимиз пандемия шароитида аввалги берилган имтиёзларга қўшимча равишда тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини таъкидлади.

Йиғилишда юртимиздаги эпидемиологик вазият ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг таклифларидан келиб чиқиб, карантин талабларини янада юмшатиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, «яшил» ва «сарик» ҳудудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида карантин чораларини юмшатиш, иқтисодиёт корхоналарини қайта тиклаш борасидаги ишлар бу сафар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари мисолида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари қийинчиликка дуч келаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳудуд раҳбарларининг энг устувор вазифаси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

касининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 май. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга аввалги сафарлари чоғида бу ерлик одамларнинг ҳаётини нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки уни янада яхшилаш, янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиб, янги иш ўринлари яратишни вазифа қилиб қўйган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб Сардоба туманида бўлиб, худудда олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Таъмирланаётган хонадонларни кириб кўрди, одамлар билан суҳбатлашди.

Сардоба туманида маҳаллий аҳоли вакиллари билан учрашув бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев сув омборида юз берган техноген авария жуда катта синов бўлганини, Ҳукумат комиссияси ташкил этилиб, тошқин оқибатларини барта-раф этишга барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинганини яна бир бор қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куннинг ўзида Мирзаобод туманида ҳам бўлиб, фавқулодда ҳолатдан талафот кўрган жойларда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Мутасаддилар билан суҳбатда қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажариш кераклиги, маҳаллий, энергия тежамкор ва замонавий материаллардан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари мирзаободлик нуронийлар, маҳалла фаоллари ва хонадон эгалари билан учрашди.

Уй-жойлар ва инфратузилмани тиклаш, электр энергияси, газ, ичимлик суви таъминоти ва йўлларни таъмирлаш бўйича зарур чоралар кўрилаётгани айтилди.

Мирзаободлик жабрдийдаларга ҳам Сардобада бўлгани каби тегишли сертификат ва пул маблағли банк карточкалари тарқатилди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда ҳам қурилиши режалаштирилган турар жойларнинг пойдеворига тамал тоши қўйди.

Президентимиз сув тошқинидан талафот кўрган Оқолтин туманида ҳам бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашди.

Уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, инфратузилма объектлари ва қишлоқ хўжалиги майдонларини тиклаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтилди.

Сув тошқинидан азият чеккан оқолтинликларга ҳам сертификат ва пул маблағли банк карточкалари топширилди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус инфекциясига қарши кураш ишларига яна бир бор тўхталиб ўтди.

Йиғилишда тадбиркорлар ҳуқуқлари кафолатлари ва мулк дахлсизлигини таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Мутасадди идораларга мулк дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мулкни компенсация қилиш бўйича тадбиркорлар фойдасига чиқарилган суд қарорлари ижросини тўлиқ таъминлашга доир кўрсатмалар берилди.

Ўзини ўзи банд қилаётган, қўлида касб-ҳунари бор одамларга муносиб шароит яратиш мақсадида янги тизим жорий этилиши белгиланди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига аниқ ҳисоб-китоб асосида, хусусий секторга ўтказиш мумкин бўлган давлат хизматлари рўйхатини шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Карантин даврида кўпгина ташкилотлар тўлов қобилятини йўқотиб, банкротлик ёқасига келиб қолиши мумкин. Шу сабабли, корхонага санация қўлланилса, унинг солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорлиги карантин тугаганидан кейин ундирилиши мумкинлиги белгиланди.

Президентимиз маҳсулот, ускуна, хом ашё ҳамда айланма маблағлар учун кредит олишда тадбиркорларга ўрнатилган барча чекловлар олиб ташланиши кераклигини таъкидлади. Марказий банкка кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик субъектларига кредит бериш шартларини соддалаштириш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда тижорат банклари олдидаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Президентимиз банк фаолиятига мижозларга хизмат кўрсатиш сифатига қараб баҳо берилишини алоҳида қайд этди.

Йиғилишда тадбиркорлар билан ишлашда сусткашликка йўл қўйган айрим туман ва шаҳар ҳокимларини вазифасидан озод этиш бўйича кўрсатма берилди.

* * *

20 май. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди. Хиёбонда амалга оширилган ишлар ва яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан учрашувда миллий адабиётимизни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, галдаги муҳим вазифалар ҳақида сўз борди.

Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян олий ўқув юртига бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилди. Хиёбон билангина чекланиб қолмасдан, адиблар ижодини чуқур ўрганиш, уларнинг ибратли умр йўли ҳақида китоблар ва фильмлар яратиш, янги асарлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу ерда олий таълим муассасаларининг адиблар ижодини ўрганиш бўйича тақдимотлари ўтказилди. Давлатимиз раҳбари хиёбон ёнида ташкил этилган кутубхонани ҳам кўздан кечирди.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 11 январь куни пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари билан танишув чоғида Тошкент шаҳри музейини ташкил

этиш бўйича тавсиялар берган эди. Адиблар хиёбони ёнидаги бино реконструкция қилиниб, мазкур музей шу ерда барпо этилди.

Тошкент шаҳри музейини ашъвий далиллар билан бойитиб, шаҳар цивилизациясини тўла юзага чиқариш мақсадида илмий-тадқиқот институти ташкил қилиш, археологларга шароит яратиш, изланишлар натижаси бўйича китоблар чоп этиш зарурлиги таъкидланди. Ёшларни, ўқувчиларни бу ерга олиб келиш, бошқа шаҳарларда ҳам шундай музейлар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тошкентнинг Яшнобод туманида Болалар миллий тиббиёт маркази барпо этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу муассасани ҳам бориб кўрди.

Болалар медицинаси йўналишида инновацион изланишлар олиб бориш, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ва юқори технологик муолажаларни ташкил этиш, тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари клиникада яратилган шароитлар билан танишди. Ситуацион марказда бўлиб, вилоятлардаги ва Жанубий Кореядаги Пусан университет мутахассислари билан мулоқот қилди.

Ушбу марказ ёнида катталар учун ҳам замонавий клиника ҳамда олий ўқув юрти ташкил этиш режалаштирилган. Мазкур муассасалар лойиҳаси тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Оҳангарон шоссеси ва

Махтумқули кўчаси кесишмасидаги йўл ўтказгични кўздан кечирди.

Тошкент шаҳрида амалга оширилган бундай улкан бунёдкорлик лойиҳалари пойтахтимизнинг янада ривожланиб, аҳоли яшаши учун қулай шаҳарлардан бирига айланиб бораётганидан далолат бериши қайд этилди.

* * *

20 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21–22 май. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, одамлар ҳаёти билан танишиш мақсадида Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалигида

бўлиб, ғалла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари ғўза қатор ораларига соя экиш бўйича Андижон тажрибасини яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Шу ерда пахтачилик, ғаллачилик ва мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари қайта жиҳозланган автобусда ташкил этилган сайёр лаборатория билан ҳам танишди.

Президентимиз Андижон шаҳридаги «ВБМ текстиль груп» МЧЖга қарашли экспортбоп тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий корхонада ҳам бўлди.

Президентимиз мазкур корхона мутахассис ва тикувчилари билан суҳбатлашиб, ишлаб чиқарилган тикувчилик маҳсулотларини кўздан кечирди.

Шу ерда вилоятда 2020–2021 йилларда амалга ошириладиган инвестиция, тадбиркорлик ва кичик бизнес, хунармандчиликни ривожлантиришга доир истиқболли лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон шаҳрида қад ростлаётган янги уй-жойларни бориб кўрди. 16 қаватли уйдаги хонадонлардан бирида бўлиб, оила билан суҳбатлашди.

Туманлардаги аҳоли зич жойларга ҳам коммуникация олиб бориб, барча шароитларга эга кўп қаватли уйлар қуриш, замонавий қишлоқлар бунёд этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида Мархамат туманидаги «Водий ҳамкор агрофирмасы» томонидан ташкил этилган қуёнчилик кластери билан ҳам танишди. Шу ерда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналари салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Шу ерда Ипотека банк томонидан Хитой технологияси асосида балиқ етиштириш лойиҳаси тақдим этилди. Мазкур лойиҳа давлатимиз раҳбарига маъқул бўлди. Балиқчиликда Андижон технологиясини барча вилоятларда ҳам амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига сафари чоғида «Замонавий қишлоқ» лойиҳаси тақдими билан танишди. Президентимиз бу борада Андижон тажрибасини яратиш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш, «Замонавий қишлоқ»даги уйларни бошқа турар жойларга нисбатан арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда вилоятда камбағалликни қисқартириш, ипотека кредитлари асосида якка тартибдаги уйларни қуриш-таъмирлаш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрида Digital City номли технопарк билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан суҳбатда уларни доимий ўрганиш, изланишга чорлади.

Давлатимиз раҳбари олий ўқув юртига киролмаган ёшлар билан манзилли ишлаш, уларнинг қизиқиш

ва лаёқатини ўрганиб, касбга йўналтириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимиз ташрифнинг иккинчи куни Андижон шаҳрида вилоят ва туманлар ҳокимлари, иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилишда Андижон вилояти аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари вилоятдаги меҳнат бозори талабини, ҳудуддаги тадбиркорлик ва қурилиш инфратузилмаси соҳалари тез суръатларда ўсаётганини инобатга олиб, Андижон иқтисодиёт ва қурилиш институтини ташкил этиш ва жорий йилдан қабулни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Бундан ташқари, Тошкент давлат аграр университетининг филиали негизда Андижон қишлоқ хўжалиги институтини ташкил этиб, вилоятда аграр соҳа учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Хўжаобод туманидаги кўп қаватли уйлар қурилишини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларидаги камчиликларни кўрсатиб ўтди. Бундай жойларда уйлар бунёд этиш мамлакатимизда янги тажриба эканини, уларни халқаро стандартлар асосида пишиқ, сифатли қуриш

зарурлигини таъкидлади. Лойиҳани такомиллаштириш, аҳолига қулай транспорт йўналишлари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги йўллади.

* * *

23 май. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари қутлуғ Рамазон ҳайити муносабати билан ўзаро табрик алмашдилар, бир-бирларига ва қардош халқларимизга бахт-саодат ва фаровонлик тиладилар.

Президентлар икки томонлама муносабатлар, кун тартибидаги масалаларга алоҳида тўхталдилар. Замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашишда яқиндан ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Президентига пандемияга қарши курашда, шунингдек, Сардоба сув омборидаги фавқулодда ходиса муносабати билан кўрсатилган амалий ёрдам учун самимий миннатдорлик билдирди.

Суҳбатда кўп қиррали Ўзбекистон – Туркия муносабатларини, аввало савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларида кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо кўрсаткичлари динамикасини сақлаш ҳамда иқтисодиётнинг турли тармоқларида Ўзбекистон ва

Туркиянинг етакчи компания ва банклари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини илғари суриш бўйича биргаликдаги ишларни, шу жумладан, икки томонлама Хукуматлараро комиссия фаолияти доирасида давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Мулоқот якунида минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсатнинг қатор долзарб масалалари кўриб чиқилди.

* * *

25 май. Президент Шавкат Мирзиёев транспорт соҳасининг барқарор ишлашини таъминлаш ва изчил ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда коронавирус пандемияси даврида янгича шароит ва талаблар асосида транспорт соҳасининг барқарор ишлашини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда автотранспортда халқаро юк ташувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ички йўналишларда қатнайдиган автобусларни янгилаш, бундай корхоналарни барқарор молиявий ресурс билан таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида инвестиция масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида мамлакатимизда коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида амалга оши-

рилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тадбирда Инвестиция дастурининг жорий йил дастлабки тўрт ойидаги ижроси таҳлил қилиниб, прогноз кўрсаткичларини сўзсиз бажариш, жумладан, йирик ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий ва инфратузилма объектларини фойдаланишга топшириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари қисқа вақтларда натижа берадиган, айниқса, янги иш ўринлари яратадиган ва иқтисодий ўсишни таъминлайдиган лойиҳалар бўйича ишлаш лозимлигини таъкидлади.

Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигига Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан молиялаштирилган объектларда қурилишни жадаллаштириш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар ҳам агрофлича таҳлил қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига «ўсиш нуқтаси» бўла оладиган ахборот технологиялари, заргарлик, кимё, электр техникаси, олий таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига фаол сармоялар жалб қилиш бўйича алоҳида ёндашувлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда пандемия сабабли ўзлаштирилмай қолиш эҳтимоли бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соҳалар ва ҳудудлар кесимида кўриб чиқилди. Бундай лойиҳаларнинг истиқболини

ўрганиб, муддатларини кечиктириш ёки ўрнига янгиларини киритиш мумкинлиги қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, аҳоли даромадини оширишга хизмат қиладиган кичик лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мутасаддиларга, шунингдек, саноати ривожланмаган бошқа туманлар бўйича имкониятларни аниқлаб, саноат зоналари ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Саломатлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлом турмуш» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

си Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 май. Президент Шавкат Мирзиёев туризм ва давлат активларини хусусийлаштириш соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти, шунингдек, мамлакатимизда ички туризмни тиклаш ва ривожлантириш борасидаги режалар билан танишди.

Президентимиз биринчи босқичда «яшил» ҳудудлар ўртасида ички туризмга рухсат бериш зарурлигини таъкидлади. Тоғли жойлар ва кўл бўйларида енгил конструкцияли дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Иккинчи босқичда коронавирус касаллиги жиловланган давлатлар рўйхатини шакллантириб, улар билан туризм алоқаларини босқичма-босқич тиклаш кераклиги таъкидланди.

Президентимиз бу соҳага қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш лозимлигини таъкидлади.

Тақдимотда давлат активларини хусусийлаштириш, бўш турган объектлар ва ер майдонларини аниқлаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этишга доир режалар ҳақида маълумот берилди.

Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш дастурини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини ка-

майтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон бозор иқтисодиётига қатъий ўтиши жараёнида рақобат масаласи принципиал аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Йиғилишда корхоналарнинг бозордаги монопол мавқеини аниқлаш бўйича ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, монопол товарлар рўйхатини кескин қисқартиришга қаратилган «йўл харитаси»ни тасдиқлаш вазифаси белгиланди. Рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши курашиш борасида мутлақо янги тизим яратиш лозимлиги таъкидланди.

Иқтисодиётда имтиёзлардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ваколатларини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 май. Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли учун яратилаётган шароитлар, фуқаролар ҳаётини яхшилаш, фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида пойтахтимизнинг Сергели тумани ва Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлди.

Президентимиз дастлаб Зангиота туманида барпо этилаётган кўп тармоқли махсус шифохона қурилиши билан танишди.

Давлатимиз раҳбари қабул бўлими, карантин зонаси, лаборатория ва муолажа хоналарини синчиклаб кўздан кечирди.

Видеоалоқа орқали Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги шифокорлар билан мулоқот бўлди. Телемедицина бўйича комплекс тизим яратиш, туманлардан вилоят касалхоналарига, ундан республика марказларига боғланиш имкониятини йўлга қўйиш, шу билан бирга, тиббиёт ходимларини бу бўйича ўқитиб, тажриба алмашувни кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президентимиз мазкур муассасада иш бошлайдиган тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

Шу ерда вилоят ва республика тиббиёт муассасалари қамрови

ҳамда ҳамкорлиги ҳақида тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган 16 қаватли уйни бориб кўрди.

Президентимиз шу уйдаги Шарофиддин ва Шаҳноза Жўрабоевлар хонадонига бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сергели туманида янги фойдаланишга топширилган 329-мактабни ҳам бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари мактаб дарсликлари савияси талабга жавоб бермаслиги, ўқув дастурларини илғор хорижий билимлар асосида такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Сергели туманидаги ўзгариш ва ислохотлар билан танишиш жараёнида одамларнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида «Янги ҳаёт» кичик туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Пойтахт аҳолисига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Сергели туманига Қашқадарё вилояти бириктирилиб, вилоят фермерлари ўз маҳсулотини олиб келиб сотадиган савдо жойи очилди.

Давлатимиз раҳбари Ташаббус маҳалласи ҳудудидаги ана шундай савдо шохобчасини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари «Madena collection» масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам та-

нишди. Ишчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг оилавий ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманида барпо этилган экопаркни бориб кўрди. Боғда яратилган шароитлар билан танишди, манзарали дарахтлар ва гул дўконларини кўздан кечирди.

Янги экопаркда Сергели тумани мутасаддилари, аҳоли вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Сергели тумани учун шакллантирилган инвестиция лойиҳалари ҳамда ижтимоий масалалар муҳокама қилинди.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев миллий статистика соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ҳудудлар ва тармоқлар статистикасини ўзаро мувофиқ шакллантириш, уларни ягона халқаро статистика тизими билан уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишсизликни аниқлашни Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига тўлиқ мослаштириб, сўров ўтказиш тартибини такомиллаштириш ва қамровни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси, Давлат статистика қўмитасига таълим, қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, транспорт, қурилиш, экология, туризм ва яна қатор соҳалар статистикасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлат идораларининг статистикани шакллантириш жараёнини аудит қилиш бўйича ҳам кўрсатма берилди.

Мутасаддиларга меҳнат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, таълим каби соҳалар бўйича халқаро базаларда мамлакатимиз кўрсаткичларини тўқис акс эттириш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини рўйхатга олиш статистикани шакллантиришда асосий манба экани, бунга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлади.

Статистика қўмитасида махсус бўлинма ташкил этиб, хорижлик экспертларни жалб қилиш, қўмита ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш институти фаолиятини такомиллаштириб, аҳолини рўйхатга олишда қатнашадиган барча мутахассисларни ўқитиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда Жаҳон банки экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Статистика тизимини ривожлантириш стратегияси тақдимоти ўтказилди. Давлатимиз раҳбари уни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

1 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари «Чашма» чегараолди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун

мукаммал чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидладилар. Ҳукумат делегациялари ўтказган музокараларнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

2 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари асосий мақсад камбағал оиланинг ҳеч бўлмаганда битта аъзосини иш билан таъминлаб, уларни муҳтожликдан чиқариш экани, шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг муаммоси билан алоҳида шуғулланиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев ишсизлик даражаси юқори, инфра-

тузилма тармоқлари етишмайди-ган туманлар, айниқса, чегарадош ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича алоҳида ёндашув бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бош вазир ўринбосарларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда шундай туманларда аҳоли бандлигини ошириш ва яшаш шароитини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ таъминлаш ва бозорлардаги нарх-наво барқарорлигини сақлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишди.

Кейинги уч йилда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шу даврда бу ерга 100 мингдан зиёд аҳоли кўчиб келиб, жами аҳоли 276 минг нафардан ошди. Бунинг натижасида, табиийки, инфратузилма тармоқларига юклама ҳам ортди.

Президентимиз Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишди.

Шу ерда Тошкент шаҳрининг транспорт концепцияси тақдимоти ўтказилди. Бу концепция геоинформацион тизим орқали шаҳардаги транспорт ва йўловчилар оқимини

тахлил қилиш асосида ишлаб чиқилган. Ундан мақсад, аввало, хавфсизлик, қулайлик ва иқтисодий самарадорликдир.

Президентимиз пиёдалар ва велосипедлар ҳаракатига кўпроқ шароит яратиш зарурлигини қайд этди.

Транспорт концепциясини Тошкент шаҳрининг битта туманида апробация қилиш, кейинчалик бутун пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларда жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Яккасарой туманида кўп қаватли савдо комплекси, меҳмонхона ва турар жой қуриш бўйича инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимотлардан сўнг Сергели туманини пойтахт маркази билан боғлайдиган ва транспорт ҳаракати учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган йўл ўтказгични кўздан кечирди. Мутасаддиларга транспорт оқимида кўшимча қулайликлар яратиш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

5 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат Божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5–6 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Қўштепа туманидаги «Турсунов Юсуфжон ери» фермер хўжалигида бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва қўштепалик фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Хусусан, ўрмон хўжаликлари ва «Меҳригиё» корхонаси ҳамкорлигида доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлаш, томорқачиликни ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, томчилатиб суғоришни кенг жорий этиш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш каби лойиҳалар тақдим этилди.

Президентимиз экологик тоза дори-дармонлар турини кўпайтиришда илмий-тадқиқот институтлари олимлари билан ҳамкорликни кенгайтириш лозимлигини қайд этди.

Шундан сўнг Президентимиз Тошлоқ туманидаги «Ўз-Сеганг» қўшма корхонаси иш жараёни билан танишди.

Президентимиз бу корхонани доимий хом ашё билан таъминлаш масаласига аҳамият қаратди. Бунинг учун унга ҳудуддаги боғларни бириктириш, янги боғлар ва лаборатория ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Фарғона туманида ишга туширилган «Экокерама» масъулияти чекланган жамияти ҳам шундай.

Бу ерга ташриф чоғида Президент Шавкат Мирзиёев юртимиз фойдали қазилмаларга бойлиги, лекин улар асосида тайёрланадиган материаллар катта миқдорда четдан келтириляётганига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари бу корхонани кластерга айлантириш, карьерлар ажратиб бериб, камида 30 йиллик хом ашё захираси билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Фарғона вилоятида жорий йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Марғилондаги Хунармандлар марказини бориб кўрди.

Шу ерда вилоятда ипакчилик соҳасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари тармоқ корхоналарига ер ажратиб, иш ўринларини кўпайтириш, одамларга ҳозирги қийин шароитга иқтисодий ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Президентимиз Фарғона вилоятида қамбағал аҳоли билан ишлаш тизими бўйича амалга ошириладиган ишлар билан ҳам танишди. Вазирликлар ва тижорат банклари томонидан бу борада Тошлоқ тумани мисолида лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, давлатимиз раҳбари тақдимоғ чоғида айрим банклар ҳамон янгича ишлашга ўтмаганини танқид қилди.

Мутасаддиларга Тошлоқ мисолида вилоятнинг барча туманларида иссиқхоналар, паррандачилик, пиллачилик, қуёнчилик кластерлари ташкил этиб, қамбағал оилалар бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида вилоят ва туман ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳридаги Ўзбекистон – Корея халқаро университетида бўлди.

Шавкат Мирзиёев университет ректори Пак Жун Ху ва корейлик ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Ўқув дастури ва мазмуни, ёшларнинг фанларни ўзлаштириши билан қизиқди.

Мутасаддиларга Жанубий Корея университетларидаги ўқув дастурлари ва соатларини ўрганиб, мамлакатимиз олий таълим тизимини қайта кўриб чиқиш, талабаларни амалиётга максимал йўналтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи якунланди.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев хузурида ахборот технологиялари ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ислохотлар ижроси бўйича тақдимоғ ўтказилди.

Тақдимотда соҳадаги мақсадларга замонавий дастурчилар тайёрлашни жадаллаштириш орқали эришиш мумкинлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда, ташкилотларда рухсат бериш ва қарор қабул қилиш жараёнларини электрон форматга ўтказиш бўйича концепция ишлаб чиқиш топширилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига барча ҳудудларда рақамли технологиялар бўйича камида 100 та ўқув маркази очиш вазифаси юклатилди. Тақдимотда мутасаддилар мазкур IT парклар қурилиши, оптик толали линиялар камрови, мобиль интернет тезлиги ва сифатини ошириш ишлари юзасидан ахборот берди.

* * *

9 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фахрий мураббий» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга доир долзарб масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари янгича ёндашув ва инструментларни қўллаш орқали иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар борлигини таъкидлаб, шу борадаги асосий йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, камбағаллик даражаси юқори бўлган қишлоқларга вазирлик ва идораларни бириктириб, муҳтожларга кўмаклашиш тизимини яратиш, оилавий тадбиркорлик ва томорқачиликни ривожлантириш бўйича топшириқлар берди.

Йиғилишда саноатни ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Айрим тармоқларда хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва кўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг яхлит занжири яратилмагани кўрсатиб ўтилди.

Кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ҳамда озиқ-овқат саноатларига алоҳида эътибор қаратиш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш жараёнларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес иқтисодиётнинг ўсиш нуқтаси этиб белгиланган. Йиғилишда тадбиркорларга эркин рақобат муҳитини яратиш учун хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш зарурлиги таъкидланди.

Юқори технологияли тармоқларда кичик бизнес ҳиссаси камлиги қайд этилиб, бундай субъектларни давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Ҳудудларда кичик саноат зоналари ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

11 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Европа тикланиш ва та-

раққиёт банки президенти Сума Чакрабарти билан видеоалоқа орқали музокара ўтказди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан муносабатларида кейинги йилларда юксак даражага эришилгани ва самарали ўзаро ҳамкорлик амалга оширилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Президентимиз ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида сўз юритар экан, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта хиссаси ва бу борадаги фаол саъй-ҳаракатлари учун Сума Чакрабартига самимий миннатдорлик билдирди.

Етакчи халқаро молиявий институт раҳбари бундай шаклдаги учрашувнинг ташкил этилгани учун чуқур миннатдорлик билдириб, банк Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги ислохотлар йўлини ва Марказий Осиёдаги минтақавий сиёсатни ҳар томонлама, шу жумладан, лойиҳалар портфели ва молиявий-техник кўмак ҳажмини кенгайтириш орқали қўллаб-қувватлашда қатъий эканини таъкидлади.

Видеомулоқот чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

* * *

12 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Президентимиз дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтига ташриф буюрди.

Президентимиз бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди. Таълим соҳаси мутасаддилари, ректор ва олимлар билан мулоқот қилди. Мулоқотда таълим соҳаси мутасаддилари, олимлар, ректорлар Ўзбекистон шароитида математика фанини ўқитиш бўйича платформа яратилгани, энди таълим муассасалари олдида жамиятда ушбу фаннинг обрўсини юксалтириш вазифаси турганини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор тумани Талабалар шаҳарчасида барпо этилган Инновацион ривожланиш вазирлигининг янги биносини бориб кўрди.

Президентимиз видеоалоқа тизими орқали вазирликнинг Илғор технологиялар маркази мутахассислари билан мулоқот қилди.

Президентимиз тиббиётдаги инновациялар, Ёшлар академияси аъзоларининг лойиҳалари, ғўзанинг вилт касаллигига чидамли янги навларини яратиш, ген-нокаут технологияси ёрдамида картошка ва буғдой ҳосилдорлигини ошириш, Корея технологияси асосида қишда қовун етиштиришга мўлжалланган иссиқхона лойиҳалари билан танишди. Вазирлик ахборот хизмати, кутубхона, анжуманлар залини кўздан кечирди.

Тошкентдаги Талабалар шаҳарчаси ҳудудида 6 та 9 қаватли 216 хонадонга мўлжалланган уй бунёд этилди. Давлатимиз раҳбари Олмазор туманига ташрифи доирасида мазкур уйларда яратилган шароит-

ларни кўздан кечирди, хонадон эгалари билан суҳбатлашди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар натижасида жойларда замонавий тиббий муассасалар ишга туширилмоқда. Олмазор туманидаги «Nano Medical Clinic» кўп тармоқли тиббиёт клиникаси ана шундай субъектлардан бири.

Давлатимиз раҳбари бу қурилиш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир метр ердан оқилона фойдаланиб, ҳамма жиҳатлар ҳисобга олингани, бошқа объектларни лойиҳалаштиришда буни ўрганиш кераклигини таъкидлади.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига хусусий тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар, соғлиқни сақлаш соҳасига ахборот технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш борасидаги режалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Олмазор туманидаги қандолат маҳсулотлари ва тез пишадиган овқат ингредиентлари ишлаб чиқарадиган «ARDENT FOODS» масъулияти чекланган жамият корхонасида бўлди. Бу ерда маҳсулотлар турини кўпайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Олмазор туманидаги «Next Generation Product» қўшма корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда истиқболдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Президентимиз маҳсулотлар турини кўпайтириб,

қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмазор тумани фаоллари, нурунийлар билан учрашув ўтказди.

Туманда камбағалликни қисқартириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

12 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «2020–2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари, компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектлари камлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг замонавий хизматларни ўрганишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Бош вазир ўринбосарига ҳокимлар билан бирга ҳар бир туман ва

шаҳар кесимида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Шу билан бирга, тармоқни тартибга солиш, ундаги методология ва статистика маълумотларини халқаро стандартларга мослаштириш вазифаси қўйилди.

Худудлар раҳбарлари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, хизмат кўрсатиш соҳасида кўп иш жойи яратадиган ва тез амалга ошириладиган лойиҳаларни шакллантириши зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу йилги битирувчиларни ўқиш ва ишга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда «Ишга марҳамат» моно-марказлари ташкил этиш, ёшларни касбга ва тадбиркорлик асосларига ўргатиш масканлари ҳамда маҳалла гузарларида ўқув курслари очиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутлари очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига сайёҳлар борадиган барча объектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш юклатилди.

* * *

17 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат чоғида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган Ўзбекистон – Қозоғистон амалий ҳамкорлиги изчил кенгайтириб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро манфаатли алоқаларнинг устувор йўналишларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўндан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилётган саноат кооперациясини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» маъқулланди. Бўлажак учрашув ва тадбирлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот сўнггида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назар-

боев Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

* * *

22 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23–24 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Россия Федерациясига борди.

Кремлда давлатимиз раҳбарини Россия Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Суҳбат чоғида стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар кейинги йилларда икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Ўзбекистон – Россия муносабатларининг долзарб масалаларини батафсил кўриб чиқдилар.

Икки мамлакат ҳукуматларига бўлажак олий даражадаги ташрифга пухта тайёргарликни давом эттириш, бунда янги иқтисодий дастурлар ва илғор инвестиция лойиҳаларига эътибор қаратиш масалалари топширилди.

Президентлар халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак учрашувлар режасини, шу жумладан, МДХ ва ШХТнинг навбатдаги саммитларига тайёргарлик кўриш ва

уларни ўтказиш борасида келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари эртаси куни фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этди. Бўлиб ўтган парадда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари ҳам улуғ аجدодларга муносиб тарзда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига амалий ташрифи давомида Москва шаҳрининг Александр боғидаги «Номаълум аскар» ёдгорлигига гул қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев инсоният тинчлиги учун жон фидо қилган ватанпарвар инсонларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шавкат Мирзиёев шу куни Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги элчихонаси яқинида жойлашган Ислом Каримов хиёбонига ҳам ташриф буюрди.

Президентимиз буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов хиёбонига ташрифи чоғида бу ерга йиғилган ватандошларимизни қутлади.

Давлат раҳбаримизнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи шу билан якунига етди.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республи-

касининг Бўғувчи, захарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26–27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Поп туманидаги «Нуран уз» мева-сабзавотчилик кластери фаолияти билан танишиб, боғни кўздан кечирди, шу ерда нуронийлар, қишлоқ хўжалиги ходимлари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳалар, истиқболли режалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигига бундай янгича ёндашув Ўзбекистоннинг янги қирраларини, янги имкониятларини амалда намоён этадиган тизим бўлиши кераклигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Чортоқ тумани Баланд адир худудида иссиқхоналар мажмуасини барпо этиш лойиҳаси билан танишди. Бу иссиқхоналарнинг афзаллик жиҳатлари, мавжуд шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Шу ерда вилоятда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, «Голден Натс Наманган» агро томорқа хизмати МЧЖ томонидан

интенсив боғдорчиликни (ёнғоқ, бодом, олма ва олча) ташкил қилиш, чорвачилик ва сутни қайта ишлаш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Шавкат Мирзиёев Учқўрғон тумани Норин дарёси бўйида жойлашган ноёб – форел балиқ турини ишлаб чиқариш корхонаси «DB Group Eco» фаолияти билан танишди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари вилоятда қишлоқ хўжалигининг балиқчилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, эчкичилик тармоқларини ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Юксалиш» кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига «Юксалиш» кичик саноат зонасида «Flat Tile» масъулияти чекланган жамиятининг кафель-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдим этилди.

Президент кичик саноат зонаси худудидаги эркаклар костюми, куртка ва пальто ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Zamin kiyim sanoat» корхонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари кичик саноат зонасида фаолият кўрсатаётган қатор корхоналар маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Шавкат Мирзиёев мутасаддиларга муҳокама қилинган ҳар бир мавзу бўйича чуқур таҳлил асосида кўрсатма ва тавсиялар берди. Кичик саноат зонаси худудидаги 100 дан ортиқ корхоналар фаолияти кўздан кечирилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғинида «Обод ва хавфсиз маҳалла» концепцияси асосида амалга оширилган ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йили вилоятга ташрифи чоғида бу ерда бўлиб, «Орзу» маҳалласи мисолида аҳолига қулайликлар яратиш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича бутун мамлакатга намуна бўладиган тизим тақдироти билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбарининг маҳаллага бу галги ташрифи яна бир хайрли ташаббуснинг бошланишига туртки берди. Бу ерда хавфсиз маҳалла ва Наманганда «ақлли шаҳар» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга киришилди.

Президентимиз мамлакатимизда янгилик бўлган лойиҳа – Наманган шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий геоахборот мониторинг ва рақамли бошқарув тизими билан танишар экан, энг катта масала жинойатчиликни камайтиришга эришиш эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари вилоятдаги ёшлар ва жинойатга мойил қатламни секторлар томонидан назоратга олиш ва шу орқали жинойатчиликни жиловлаш бўйича ҳали тизимли ишлар қилинмаётганига эътибор қаратди.

Шавкат Мирзиёев вилоятга ташрифи доирасида Наманган шаҳридаги 155 гектарлик «Афсоналар водийси» маданият ва истироҳат боғида бажарилган ишлар билан танишди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз иштирокида Наманган шаҳрида вилоят ва туман ҳокимла-

ри, соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Президентимиз жойларда ютуқлар борлигини, ўзгаришлар бўлаётганини, лекин булар ҳали кўзлаган марраларимизга мос эмаслигини таъкидлади.

Йиғилишда Наманган вилоятида камбағалликни қисқартириш, таълим муассасалари битирувчиларини касб-ҳунарга қамраб олиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича ҳозирги аҳвол пухта таҳлил қилиниб, амалга ошириладиган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда уй-жой ва инфратузилма қурилиши, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, таълим, маданият соҳаларини ривожлантириш, инқирозга қарши халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш, янги корхоналарни барпо этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини кўпайтириш, экспортни кенгайтириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Наманган вилояти нуфузи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Бу эса ҳудудни демографик бошқариш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қийинчилик туғдирмоқда. Шу муносабат билан Президент Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини қайта ташкил этишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятининг рамзий дарвозаларидан бири ҳисобланган Наманган темир йўл вокзалида амалга оширилган қурилиш-реконструкция ишларини кўздан кечирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунига етди.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан табрик йўллади.

* * *

27 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини синаш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон – Туркменистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни, биринчи навбатда савдо,

саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва транзит ташувлари, туризм соҳаларида янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари чегараолди ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқаларни давом эттириш, шунингдек, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш фикрини қўллаб-қувватладилар.

Икки томонлама Хукуматлараро комиссия доирасида ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Сухбат сўнгида давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда иккала томон ҳам қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ёшларига байрам табриги йўллади.

Табрик матни матбуотда эълон қилинди.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «2007 йил 27 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бундай ўзгаришлар одамларимизда ҳақиқат ва адолатга бўлган ишончни мустаҳкамламоқда. Лекин халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ.

Инсон ҳуқуқлари маркази, Омбудсман, Тошкент давлат юридик университетига «Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият» махсус ўқув модули бўйича барча ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ходимларини ўқитиш вазифаси юклатилди.

Мугасаддиларга илғор тажриба ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини «бир суд – бир инстанция» тамойили асосида қайта кўриб чиқиш топшириғи берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказувчи барча омилларни, жумладан, Олий суд раиси ва Бош прокурорнинг

протест келтириш ҳуқуқини бекор қилиш таклифини илгари сурди.

Судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозимлиги таъкидланди. Айрим судьялар тергов материалларига боғланиб қолгани, бу эса қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши қайд этилди. Одил судлов халқнинг кўз ўнгида, очиқ-ошқора амалга оширилиб, адолат қарор топиши лозимлиги таъкидланди.

Хусусий мулк қонун ва суднинг кафолатли ҳимоясида бўлиши зарур. Хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқишни бекор қилиш, умуман, давлат идораларининг бундай ташаббус билан чиқишига йўл қўймаслик ва бу қонунда мустаҳкамланиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, барча сектор раҳбарлари ўз ҳудудларида ушбу талабларга қатъий амал қилинишини таъминлаши шартлиги қайд этилди.

Адвокатлик фаолиятини бошлаши учун ёш мутахассислардан 2 йил юридик стаж талаб этишни бекор қилиш, талабаликдан адвокат ёрдамчиси сифатида амалиёт ўташ тартибини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Суд фаолиятида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бугунги давр талабидир. Жорий йил якунига қадар Олий судда ягона «Адолат» ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш вазифаси юклатилди.

Видеоселектор йиғилишида навбатдаги муҳим масала – корруп-

цияга қарши кураш борасидаги
ислохотлар муҳокама қилинди.

* * *

30 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Владимир Путинни муҳим сиёсий тадбир – Россия Федерацияси Конституциясига тузатишлар кириштириш бўйича умуммиллий овоз бериш жараёни муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Президентлар фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда Ўзбекистон Республикаси делегациясининг иштироки доирасида Москва шаҳрида ўтган икки томон-

лама учрашувнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Бўлажак олий даражали ташрифлар кун тартибидаги масалаларга, шунингдек, коронавирус инфекцияси глобал миқёсда тарқалишининг мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга салбий таъсирини камайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чора-тадбирларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот чоғида халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

* * *

2 июль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз инвестицион ва ташқи савдо фаолияти прогност кўрсаткичларининг жорий йил I ярмидаги ижросини муҳокама қилиш, шунингдек, Япония, Корея Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари билан устувор қўшма лойиҳаларнинг боришини ҳамда савдо-иқтисодий, инвестицион ва молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини кўриб чиқишга бағишланган видеоанжуман тарзида йиғилиш ўтказди.

Мажлисда амалдаги лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш ҳамда инвестицион ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича янги таклифлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Япония, Корея Республикаси ва БАА билан ҳамкорлик бўйича «йўл хариталари»нинг 2020 йил учун белгиланган чора-тадбирларини тўлиқ ва сифатли бажариш зарурлигини таъкидлади.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратилган 2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу мақсадга эришиш учун қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш лозимлиги таъкидланди. Биринчи навбатда банклар трансформацияси жараёнини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда банкларнинг кредит портфели ва лойиҳалар сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Стресс-тестлар натижаларига кўра, муаммоли кредитлар улуши бир неча баробар қўпайиши мумкинлиги, бу эса банк тизими учун жиддий ҳагар экани қайд этилди.

Йиғилишда банк тизимида коррупцияга барҳам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари барча тижорат банклари раислари коррупцияга чек қўйиш, комплаенс-назорат каби таъсирчан механизмларни жорий қилиш бўйича қатъий чоралар кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давлат активлари бор тижорат банкларида ҳукуматдан олинган маблағлар ҳиссаси ҳамон юқорилиги танқид қилинди.

Президентимиз банклар молиявий ресурсларни давлат ёрдами ва кўмагисиз, мустақил жалб қилишлари зарурлигини қайд этди.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Нурсултон Абишевич Назарбоевни юбилейи билан самимий табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги зафарлар тилади.

Элбошининг замонавий Қозоғистонни барпо этиш, кучли давлат бошқаруви институтлари ва миллий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, мамлакат рақобатбардошлиги, халқаро нуфузини оширишга ва, энг муҳими, аҳолининг юксак турмуш даражасини таъминлашга қаратилган самарали ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишдаги тарихий роли алоҳида қайд этилди.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлиқ, яхши қўшничилик ва

стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг кўп қиррали ҳамкорлиги изчил ривожланишда давом этмоқда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика, таълим ва бошқа устувор йўналишлардаги аниқ қўшма дастур ва лойиҳалар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Мулоқот чоғида етакчилар икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва бюджет тушумларини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Президент жойларда ҳалигача тадбиркорларга ер ва бино-иншоотлар ажратишда кўплаб тўсиқлар мавжудлигини кўрсатиб ўтди. Буларни очиқ савдога, электрон аукционга чиқариш жараёнларини жонлантириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари бюджет даромадлари ижросини таъминлаш борасида кўрилаётган чораларнинг самарасини ошириш юзасидан қатор топшириқлар берди.

Йиғилишда, шунингдек, камбағалликни камайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга ҳам тўхтаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари камида 257 минг нафар мухтож оилалар вакилларини ишга жойлаштириш, 37 мингта хонадонга оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар ажратиш зарурлигини қайд этди.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг COVID-19 даврида Меҳнат муносабатлари бўйича глобал саммити иштирокчиларига муурожаат йўллади.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Сума Чакрабартини Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, уларни даромад манбаи билан таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш муҳимлигини таъкидлаб, бу борада алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишларни кўрсатиб ўтди.

Видеоселектор йиғилишида ИТ-парклари масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳар бир туман ва шаҳар ёшлар ишлари бўлимлари ва олий ўқув юртлари қошида ахборот технологияларига ўқитиш марказлари ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни иш билан таъминлаш, ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аёллар бизнес лойиҳалари рўйхатини шакллантириб, ойма-ой молиялаштириш, хотин-қизлар тадбиркорлиги дастури доирасида сод-

далаштирилган кредитлар ва грантлар ажратиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пандемия билан боғлиқ вазият муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилишда Республика махсус комиссиясига бу икки ҳудудда коронавирус тарқалишига қарши кураш ва аҳолини даволаш ишларига алоқадор барча вазирлик ва идоралар, йирик тиббиёт муассасалари раҳбарларидан иборат 24 соат ишлайдиган штаблар ташкил қилиш кўрсатмаси берилди. Шунингдек, пойтахт ва Тошкент вилоятидаги поликлиникалар ҳузуридаги мобиль гуруҳлар сонини уч баробар кўпайтириш вазифаси юклатилди.

Зангиота туманида яқинда иш бошлаган шифохонадаги жой сонини яна 1000 ўринга кўпайтириш топшириғи берилди.

Пойтахтимизда дори-дармон етказилиши ва нархи барқарорлигини таъминлаш, шошилиш тиббий ёрдам хизмати ва колл-центрлар ишини самарали ташкил этиш, COVID-19 билан ишлаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, касаллар учун қўшимча ўринлар ташкил этиш, шунингдек, карантин ҳудудларидаги шахсларни уй карантинига босқичма-босқич ўтказиш масалалари кўриб чиқилди, зарур чоралар белгиланди.

Аҳолидан мурожаатлар сони кескин ортиб бораётганини ҳисобга олиб, колл-центрлар алоқа восита-

лари ва операторлари сонини камида икки баробарга ошириш лозимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигига камида 3 ойлик дори-дармон ва ҳимоя воситалари захирасини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Коронавирус касаллигини даволаш билан боғлиқ барча жараёнларга, жумладан, Тошкент шаҳридаги ишларга масъуллар бириктирилди.

* * *

16 июль. Президент Шавкат Мирзиёев видеоалоқа орқали нефть-газ кимёси, электр техникаси ва фармацевтика саноатидаги янги лойиҳалар тақдимоти ҳамда ушбу тармоқларни ривожлантириш ишлари бўйича ҳисоботлар билан танишди.

Тақдимотда нефть ва газ кимёси тармоғидаги ана шундай янги лойиҳалар бўйича маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари янги лойиҳаларни жадаллаштириш ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Йиғилишда «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг биринчи ярим йилликдаги фаолияти яқунлари ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, импортни қисқартириш, соҳага рақамли технологияларни фаол татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводородларни қазиб олиш ҳажмини кўпайтириш бўйича истиқболли лойиҳаларга хорижий

инвесторларни жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда фармацевтика ва электр техникаси саноатининг ривожланиш ҳолати, юқори қўшилган қийматга эга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ушбу тармоқлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларининг бориши ҳам кўриб чиқилди. Тегишли тармоқ, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Давлатимиз раҳбари фармацевтика ва электр техникаси саноатини ривожлантириш, уларнинг иқтисодийдаги улушини ошириш, шунингдек, коронавирус пандемияси шароитида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни қўйди.

* * *

17 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида коронавирус билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва хорижий кредитларни қайтаришдаги муаммоларни кўрсатиб, янги қурилган сув тармоқларидан тўлиқ фойдаланиш, келгуси йилдан бошлаб барча лойиҳаларда ичимлик сувини хонадонларгача улаш зарурлигини таъкидлади.

Президент энергия тежамкор кичик лойиҳаларни амалга ошириш яхши самара беришини таъкидлади.

Соҳада инвестицияларни ўзлаштиришда колоқликка йўл қўймаслик учун халқаро молия ташкилотлари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича харидлар очиқ ўтказиладиган ва уларнинг ижроси мувофиқлаштириб, самарали мониторинги юритиладиган янги тизим жорий қилиниши белгиланди.

Гидроиншоотларда сув ўлчагичлар, истеъмолчиларда ҳисоблагичлар ўрнатиш қамровини кенгайтириб, улардаги маълумотларни қайта ишловчи рақамлаштирилган марказ ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Видеоселектор йиғилишида уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ширкатларнинг муаммоли қарздорлигини қисқартириш, кўп қаватли уйлар бошқарувини сервис компанияларига бериш тажрибасини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Куз-қиш мавсумида узоқ ҳудудларга кўмир ва суюлтирилган газни кафолатланган тарзда етказиб бериш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, такрорий экинларни кўпайтириб, уларни харид қилиш ва ғамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Кам таъминланган оилалар аҳолига алоҳида эътибор қаратиш, «Саховат ва кўмак» жамғармаси

мблағлари ҳисобидан 30 мингта муҳтож оилани куз-қиш мавсуми учун зарур озиқ-овқат ва доридармон захираси билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берилди.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 июль. Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида пандемия билан боғлиқ ҳолат ҳамда уни барқарорлаштириш бўйича чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари раислигидаги видеоселектор йиғилишида кўриб чиқилди.

Президентимиз тадбир иштирокчиларига мурожаат қилар экан, пандемия билан боғлиқ вазият мураккаблигича қолаётганини айтди. Коронавирусга шубҳа бўлган барча беморларни инфекция мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, зотилжам ва нафас етишмовчилигининг клиник белгилари мавжудлигига асосланган ҳолда даволаш муассасаларига қабул қилиниши белгиланди.

Мутасаддиларга сурункали касалликларни даволашга ихтисослашган шифохоналардаги коронавирუსга чалинган беморларни бошқа жойларга, шу жумладан, хусусий клиникаларга кўчириш орқали сурункали

хасталиги бор беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини қайта тиклаш чораларини кўриш топшириғи берилди.

Касаллик ўчоғида ўз жонини гаровга тикиб, ҳар бир касални ўлим ёқасидан олиб чиқаётган шифокорларимизни давлат мукофоти билан тақдирлаш бўйича таклифлар кириштиш топшириғи берилди.

Барча сектор раҳбарлари иш кунини эрталабдан ўз ҳудудларида касалхоналардаги аҳволни ўрганиш билан бошлаши қатъиян белгиланди.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда коронавирус инфекцияси тарқалишини камайтириш ҳамда иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мажлисида барча ҳудудлардаги аҳвол, жойлардаги муаммолар очиқ муҳокама қилинди.

Президент мутасаддиларга вазиятнинг ҳақиқий ҳолатини реал вақт режимида назорат қилиб, юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича қатъий топшириқ берди.

Кескин суръатларда давом этаётган пандемиянинг иқтисодиётга кўрсатаётган таъсирини аввалдан баҳолаш ва мамлакат макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, инвестицион лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилиш соҳасидаги прогнозларни бажариш, экспортни кўпайтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркор-

ликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижалари таҳлил қилинди.

Шавкат Мирзиёев ҳар бир ҳудудда такрорий майдонлар ҳисобига сабзавот ва полиз маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги қолоқликларни қоплаш, аҳоли хонадонларига парранда тарқатиш ишларини жадаллаштириш ҳамда чорвачилик, балиқчилик соҳасида интенсив технологияларни кенг қўллаш, шунингдек, йил якунига қадар ҳудудлар салоҳиятини инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни 3–4 фоизга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

20 июль. Президент Шавкат Мирзиёев архитектура ва қурилиш соҳасидаги ислохотлар натижаларига оид тақдимот билан танишди.

Йиғилишда соҳани такомиллаштириш, шаффофликни таъминлаш, ипотека бозорини ривожлантириш ишларини жадаллаштириш учун илғор тажрибага эга хорижий компанияни жалб этиш бўйича кўрсатма берилди.

Шаҳарсозлик қоида ва нормалари интерактив кўринишга ўтказилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича барча жараёнларни рақамлаштириш ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни йўлга қўйиш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда мутасаддилар қурилиш соҳасини рақамлаштириш, очиқликни таъминлаш, шаҳарсозлик қоида ва нормаларини янгилаш борасидаги ишлар бўйича тақдимот қилди.

* * *

21 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 июль. Президент Шавкат Мирзиёев ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Президент кадастр идораларининг энг асосий вазифаси ернинг ҳисоби ва балансини юритиш бўлиши кераклигини қайд этди. Шунингдек, сунъий йўлдош каналларини ижарага олиш ва сигналларни қайта ишлаш тизимини ташкил этишга кўрсатма берилди.

Қишлоқ хўжалигини бошқаришни рақамлаштириш, келгуси йилдан ер баланси ва унинг ҳисобини Миллий геоахборот тизимида юритиш зарурлиги қайд этилди. Йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги майдонларини электрон танлов ва аукцион асосида ажратиш тартибини жорий қилиш, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ер тоифаларини оптималлаштириш бўйича топшириқ берилди.

«Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тупроқ сифатини баҳолаш, ерларни ривожлантириш, экинларни жойлаштириш билан боғлиқ вазифаларини, шунингдек, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтини Қишлоқ

хўжалиги вазирлигига ўтказиш таклифи билдирилди.

Йиғилишда шаҳар ва қишлоқларда ернинг ҳақиқий қийматини аниқлаш ҳамда унинг бозорини шакллантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Соҳанинг кадрлар салоҳияти пастиги, шу йўналишда хорижий олий ўқув юрти филиалини ташкил қилиш муҳимлиги, Италиянинг Пиза университети ҳамда Москва давлат геодезия ва картография университети билан ҳамкорлик ўрнатиш кераклиги таъкидланди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган юртдошларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш ва бозор муносабатларини янада ривожлантиришга оид белгиланган вазифалар ижроси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Йиғилиш аввалида мамлакатимизда пандемияга қарши қандай кураш олиб борилаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда аграр соҳа ривожланган давлатларда қўлланилаётган «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновацияларни ўз ичига олган хизматлар тизими»ни юртимизда ҳам жорий этиб, илм билан ишлаб чиқаришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда сувдан оқилона фойдаланиш масалалари ҳақида ҳам сўз юритилди. Сув хўжалиги вазирлиги бу вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаши, халқаро экспертларни жалб қилиб, янгича услубда ишлаши зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз галла етиштириш яқунларига тўхталиб, шундай мураккаб шароитда ҳам дала меҳнаткашлари омилкорлик билан 6 миллион 400 минг тоннадан ортиқ галла ҳосили етиштирганини таъкидлади. Бунинг учун барча фермер, деҳқон ва кластерларга халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

Видеоселекторда, шунингдек, гўза парвариши бўйича агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда такрорий экинлар экиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурбон хайтини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Хамкор мамлакатлар етакчилари давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, Ўзбекистон Президенти ва халқига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Суҳбатлар чоғида икки томонлама муносабатлар ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Амалий хамкорликни ривожлантириш истиқболлари, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашишда яқин мувофиқлашувни давом эттириш юзасидан батафсил фикр алмашилди.

* * *

25 июль. Президент Шавкат Мирзиёев таваллуд топган куни муносабати билан чин дилдан таб-

риклаб, самимий қутлов ва эзгу тилакларини йўллаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакилларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Давлат раҳбари яширин иқтисодиётга қарши курашишда эҳтиёт бўлиш, иқтисодий фаолликка зарар етказиб қўймаслик, бунинг учун давлат органлари, бизнес ва жамоатчилик ҳамжихатликда ишлаши муҳимлигини таъкидлади.

Солиқ ислохотларини изчил давом эттириб, яширин иқтисодиётга йўл қўймайдиган тизим жорий этиш вазифаси қўйилди. «Инсофли солиқ тўловчи» тизимини шакллантириб, шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрида намуна сифатида амалга оширишга кўрсатма берилди.

Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳаларида коррупцияга чек қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Молия вазирлигига бу борада шаффофликни таъминлаш, жамоат назорати ва рақобатни ку-

чайтириш мақсадида Давлат харидлари ахборот поргалини ишга тушириш топширилди.

Шунингдек, давлат органлари, корхоналар ва ҳудудларда коррупция ва яширин иқтисодиёт рейтинг методикаси ишлаб чиқилиши белгиланди.

Йиғилишда божхона ва солиқ тизимига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди. Инсон омилига чек қўйиш орқали контрабанда ва маҳсулотларнинг божхона қийматини сунъий пасайтириш ҳолатлари устидан божхона назоратини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасига импорт товарларининг кириб келиши, божхонадан ўтказилиши ва сотилиши бўйича ягона базани ишга тушириш юзасидан топшириқлар берилди.

Коррупция ва яширин иқтисодиётга қарши курашишда асосий куч бизнес ва жамоатчиликдир. Шу боис жамиятда бу иллатларга нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали уларнинг салбий оқибатларини ёритиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

27 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида коронавирус пандемиясига қарши курашиш, бу борадаги ишларнинг самардорлигини, аҳолига сифатли ва ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш қамровини ошириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳисобини тинглади.

Давлатимиз раҳбари пандемия шароитида соғлиқни сақлаш миллий тизимини қўллаб-қувватлаш, жумладан, пойтахтдаги спорт мажмуалари негизида ташкил этилаётган тақсимлаш марказлари ва янги клиникаларни тиббий ходимлар билан таъминлаш, коронавирус билан хасталанган шахсларни самарали даволашга мамлакатимиз ҳарбийлари, ҳарбий-тиббий муассасаларнинг хизматчилари ва тиббиёт мутахассисларини жалб қилиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Муҳокама якунида мутасадди тузилмалар раҳбарларига бу борадаги ишларни ташкил этиш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда коронавирус билан боғлиқ мураккаб вазиятни тартибга солиш бўйича кўрилатган чоралар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ҳудудларда долзарб бўлиб турган масалалар кўриб чиқилиб, қўшимча вазифалар белгиланди. Жумладан, республика махсус комиссиясига жойлардаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва касалларни даволашга амалий ёрдам берадиган гуруҳлар тузиб, ҳар бир ҳудудга юбориш бўйича кўрсатма берилди.

Ҳокимликларга коронавирусга ихтисослашган шифохоналар ташкил этиш, интенсив ва реанимация ўринларини кўпайтириш, уларни зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармон билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари оғир касаллар аҳволини енгилаштирадиган тиббий ускуналар таъминоти масаласига алоҳида тўхталди.

Йиғилишда ёш болалар, ҳомиладор аёллар, кексалар, ногиронлиги ва сурункали касаллиги бўлган фуқаролар саломатлиги устидан тизимли мониторинг олиб бориш муҳимлиги белгиланди.

Йиғилишида экспорт ва инвестиция масалалари, бюджет тушумлари прогнозининг бажарилиши, ғўза парвариши ва экинларни сугориш ишларининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Қурбон ҳайити табриги эълон қилинди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 август. Пандемия келтирилган синовли кунларда халқимиз

огир жудоликка учради. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязов 2020 йил 31 июль куни вафот этди. Марҳум Нукус шаҳридаги «Шорша баба» қабристонида дафн этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, Муса Ерниязов қабрини зиёрат қилди. Марҳум ҳақида Қуръон тиловат қилинди.

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони Муса Ерниязовнинг вафоти муносабати билан таъзия маросими бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, марҳумнинг оила аъзоларига, халқимизга чуқур ҳамдардлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев Муса Ерниязов қарийб 50 йиллик фаолияти давомида улкан раҳбарлик қобилияти, инсоний фазилатлари билан ҳурмат қозонгани, Қорақалпоғистоннинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, шаҳар ва овулларни обод қилиш, аҳоли турмушини яхшилаш учун ўзини аямай меҳнат қилганини таъкидлади.

* * *

3 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автомат-

лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус тарқалишини жиловлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили, пандемия даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари коронавирус ва пневмонияни даволаш бўйича ҳар томонлама тайёр бўлиши, ҳар бир беморга керакли тиббий ёрдам кўрсатилиши, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб шифохонага ётқизилиши ва даволаниши учун шахсан жавобгар бўлиши қайд этилди. Шунингдек, ҳудудларда COVID-19га чалинганларни қабул қилиш ва саралаш бўйича марказларни ташкил этган ҳолда, кичик шифохоналарни ўз профилига мувофиқ бошқа турдаги ва сурункали касалларни даволашга қайтариш лозимлиги айtilди.

Шу билан бирга, моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилалар рўйхатларини тўғри ва ҳаққоний шакллантириш, ажратилган маблағларни адолатли тарқатиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Давлат нозирлик органларига маблағларнинг тўғри тақсимланиши ва тўланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш, қонун бузилиш ҳолатларининг олдини олиш топширилди.

Йиғилишда ёрдам пулларига мухтож оилалар рўйхати маҳаллалар кесимида адолатли тузилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқланиши лозимлиги таъкидланди.

* * *

5 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ўзаро чегарадош туманлари ҳудудларини ўзгартириш бўйича тайёрланган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Янги ҳаёт тумани ташкил этилиши муносабати билан Тошкент шаҳри туманлари чегарасининг ўзгариши тўғрисида ҳам тақдимот қилинди. Шунингдек, Янги ҳаёт туманида лойиҳалаштирилаётган бунёдкорлик ишлари, туманнинг маъмурий марказини ташкил этишга оид таклифлар кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев таклифларни маъқуллаб, Тошкент шаҳрининг Бош режасини қайта кўриб чиқиш, шаҳарга қўшимча берилаётган ер майдонларига уйлар, саноат корхоналари, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий инфратузилма объектларини оқилона жойлаштириш, энг асосийси, аҳолига қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Мутасадди раҳбарларга юқоридаги масалалар юзасидан тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қисқа муддатда тайёрлаб, маҳаллий кенгашлар ва Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун киритиш бўйича топшириқ берилди.

* * *

5 август. Президент Шавкат Мирзиёев энергетика, транспорт, коммунал хўжалик ва тиббиёт соҳаларида давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш юзасидан тақдимот билан танишди.

Транспорт ва логистика тармоғи ҳақида гап кетар экан, ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қониқарли эмаслиги қайд этилди.

Коммунал хўжалик соҳасидаги лойиҳалар ҳам синчиклаб кўриб чиқилди. Тармоқда ислохотлар деярли кўринмаётгани, бу борада сусткашликка йўл қўйилаётгани қайд этилди.

Мутасаддиларга ҳар чоракда давлат-хусусий шерикликдаги барча лойиҳаларнинг ижросини муҳокама қилиб, зарур чораларни белгилаб бориш вазифаси юклатилди.

Кескин танқидий руҳда ўтган тақдимот якунида мутасаддиларга муҳокама қилинган ишларни ташкил этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

Давлат-хусусий шериклик билан боғлиқ масалалар Президентимизнинг шахсан назоратида бўлиши қайд этилди.

* * *

6 август. Президент Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки иштирокида «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Мажлисда Жаҳон банки томонидан ажратилган 500 миллион доллар кредит маблағларини ўзлаштириш

бўйича шакллантирилган лойиҳалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда сув хўжалиги, чорвачилик, карантин, кадастр, молия, солиқ ва бошқа тегишли идоралар маълумотлар базасини ушбу тизимга интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир илмий-тадқиқот муассасаси ва марказ илмий ишланмаларини сотадиган тижорат ташкилотига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Президент ажратилаётган ҳар бир долларни уч долларга айлантириш, имтиёзли кредитларни қайтариш бўйича аниқ ҳисоб-китоб асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга қисқа муддатда ерларни ажратиб, келгуси йил баҳорда боғларни фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди. Замонавий агрологистика марказлари ва комплексларини ташкил қилиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

6 август. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда олий таълим муассасаларига қабулни ташкил қилиш ва 2020/2021 ўқув йилига тайёргарлик кўриш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари кун тартибидаги масалалар юзасидан қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, тест имтиҳонларини абитуриентлар ва назоратчилар учун эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш имконини берадиган жойда ўтказиш кераклиги қайд этилди.

Мутасадди вазирлик ва идораларга стадионларни тест синовларига пухта тайёрлаш, уларнинг дис-

локацияси бўйича абитуриентларни тўлиқ хабардор қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари имтиҳонларнинг санасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиология хизматининг эпидемиологик вазият борасидаги ҳулосасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, аҳоли саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

Таълим жараёнини сифатли ўқув ресурслари билан бойитиш учун салоҳиятли профессор-ўқитувчиларни жалб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида давлатимиз раҳбари ректорлар билан мулоқотда бўлиб, улар айтган муаммоларни ҳал этиш ва таклифларини амалга ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев «2020–2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 август. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон қурувчиларига байрам табриги йўллади.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назорати жараёнлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Танкидий руҳда ўтган йиғилишда соҳада муаммолар хали кўплиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда халқаро молия ташкилотларидан жалб этилган маблағлар натижадорлиги ҳам муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга бу маблағлар эвазига бошланган лойиҳаларни жадаллаштириб, қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Давлатимиз раҳбари соҳани камхарж ва тежамкор техникалар билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Муҳокамада экологик назоратни кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси

Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Александр Лукашенокни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табрик-лаб, унга Беларуснинг барқарор тараққиёти ва равнақини таъминлаш йўлида янги зафарлар тилади.

Икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасидаги анъанавий яқин ҳамкорликка доир долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали алоқалар, аввало савдо-иқтисодий соҳадаги амалий ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, икки мамлакат етакчи корхоналарининг кооперацияси бўйича истиқболли лойиҳаларни илгари суриш ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш мақсадида ўзаро мулоқотни, жумладан, Ҳукуматлараро қўшма комиссия доирасида фаоллаштиришга келишиб олинди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшлар 2020: глобал миқёсдаги бирдамлик, барқарор тараққиёт ва инсон ҳуқуқлари» мав-

зусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

12 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда саноатни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Республика махсус комиссиясига санитария талабларига амал қилиш зарурлигини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди. Эпидемиологик вазият яхши бўлган давлатлардан келган шахсларни карантинга олиш ва ундан чиқариш тартибини енгиллаштириш, пневмониядан тузалган аҳолини реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишида энг аввало, ҳудудлар ва тармоқлар яқин ҳамкорликда ишлаши муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари саноат корхоналарида ишлаб чиқариш марраларини кафолатли таъминлаш ва инвестиция лойиҳаларини яқунлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз саноат кластерларини йўлга қўйиш масаласига алоҳида аҳамият қаратди.

Бош вазир ўринбосарига ушбу тизимни йўлга қўйиш, ҳар бир ҳудудда саноат кластерларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси ва табиий газ билан

барқарор таъминлаш, барча лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Бу борадаги камчиликлар вилоятлар кесимида таҳлил қилиниб, уларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган барча товарларни ушбу кооперация порталига жойлаштириш, унинг мақоми ва савдо ҳажмларини кескин кўтариш бўйича топшириқ берилди.

* * *

13 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 август. Президент Шавкат Мирзиёев туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир лойиҳалар тақдими билан танишди.

Тақдимотда соҳада амалга оширилган ишлар ва навбатдаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари тақдимот давомида Бўстонлиқ туманида яқин йилларда фойдаланишга топширилдиган лойиҳалар мажмуаси билан танишиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларини берди.

Тоғ ёнбағирларида, ўрмон ва сув фонди ерларида енгил конструкцияли кўчма дам олиш масканларини ташкил этиш лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Тақдимотда кейинги икки йилда сайёҳлик ўринлари ва хизмат турларини кўпайтириш натижасида худуднинг туризм салоҳиятини 2 баробар ортишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Хоразм вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда ҳокимликларга чет элдан қайтган фуқароларга касби, малакаси ва ре-

жасидан келиб чиқиб, иш топишига кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз элчихоналари ўзга давлатлардаги вағандошларимиз диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлаши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Юртпарварлик, меҳроқибат ҳисси билан хориждаги фуқароларимизга ёрдам бериб келаётган шахсларни эътироф этиш, давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига ҳокимликлар билан бирга хорижга ишлашга кетган юртдошларнинг оиласидан доимий хабар олиб, ота-онасининг соғлиғи, фарзандларининг ўқиши ва бошқа эҳтиёжларига кўмаклашиш вазифаси қўйилди.

Хорижда ишлаб, малака орттириб қайтган фуқароларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда улар билан манзилли ишлайдиган, молиявий қўллаб-қувватлайдиган тизим яратилиши белгиланди.

Мутасаддиларга ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам татбиқ этиш бўйича кўрсатма берилди.

* * *

20 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мутлақо янги тизим, тартиб ва ёндашувлар асосида иқтисодий фаолликни ошириш ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарга кўшимча захира яратиш чора-тад-

бирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида пандемияни жиловлash доирасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрамини нишонлаш юзасидан кўрсатмалар берилди. Жумладан, корхона ва ташкилотларда ҳам байрам тадбирлари режалаштирилган тақдирда, уларни санитария нормаларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича шаҳар ва туманлардаги кўшимча имкониятлар таҳлил қилиниб, уларни ишга солиш чоралари белгиланди.

Хом ашё олиб келиш ёки экспортда қийналаётган корхоналарнинг транспорт-логистика масалаларини ҳал этиш бўйича топшириқ берилди.

Кўшимча захираларнинг сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва бу борада маҳаллий кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ишсиз ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Бош вазир ўринбосарига уларни талаб юқори бўлган касблар ва тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда бизнесини йўлга қўйишда молиявий қўллаб-қувватлаш тартибини жорий этиш вазифаси юклатилди.

* * *

21 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шахрининг Бек-

темир туманида бажарилаётган ишлар, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Президент дастлаб «Бектемир металл конструкциялари» масъулияти чекланган жамияти металлга қайта ишлов бериш заводига борди. Президентимиз ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг Президент тумандаги «Бинокор» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш майдонига ташриф буюрди.

Шу ерда 2020–2022 йилларда Тошкент шаҳри ҳамда Бектемир туманида амалга ошириладиган экспорт ва инвестиция лойиҳалари бўйича маълумот берилди.

Шундан сўнг, Шавкат Мирзиёев тумандаги «Prof-Milk» қўшма корхонаси фаолияти билан танишиб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Корхонани барқарор хом ашё билан таъминлаш, маҳсулотлар турини кўпайтириб, янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда «BARTEC TRADE» компанияси томонидан импорт ўрнини босувчи эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш лойиҳаси тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Бектемир туманидаги «Metal Processing» масъулияти чекланган жамиятда тайёрланаётган маҳсулотларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Бектемир туманидаги «Cooperation LAB» тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш марказига ташриф буюрди ва марказнинг кооперация

алоқаларига оид тақдимотлар билан танишди. Малакали конструктор ва олимларни жалб қилиб, янги техникаларни ўзлаштириш ва буюртма асосида етказиб бериш муҳимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев «Cooperation LAB» марказининг ўзида ҳудудларда саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда шу каби имкониятларни ишга солиб, локализация ва кооперацияни ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Электр техникаси, автомобиль саноати ва қишлоқ хўжалиги ўргасида кооперация алоқаларини чуқурлаштириш масалалари таҳлил қилиниб, тегишли вазифалар белгиланди.

Президент Бектемир тумани фаоллари билан учрашди.

Унда туманда янги «ўсиш нуқталари»ни топиш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш борасидаги режалар айтиб ўтилди.

Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини ошириш, камбағалликни камайтириш, уй-жойга муҳтож оилаларга уй ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини кескин ривожлантириш, янги ижтимоий объектлар барпо этиш, коммунал тармоқларни қуриш ва таъмирлаш, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари маҳалла раислари, ёшлар етакчилари билан мулоқот қилди. Учрашувдан сўнг мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши

лойихалаштирилган махсус автомобилларни кўздан кечирди.

* * *

21 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 август. Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи, давлат ва жамоат арбоби Карим Жамолович Камолов коронавирус касаллиги туфайли 65 ёшида вафот этди. Марҳум Бухоро шаҳридаги «Ҳазрати Имом» қабристонига дафн этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 23 август куни бу ерга ташриф буюриб, Карим Камолов қабрини зиёрат қилди. Марҳум ҳақида Қуръон тиловат қилинди.

Ўзининг 47 йиллик фаолияти давомида Карим Камолов чинакам раҳбарлик қобилияти, инсоний фазилатлари билан улкан ҳурмат қозонгани, Бухоронинг ҳар томонлама ривожланиши ва обод бўлишига катта ҳисса қўшгани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳрида Карим Камолов хонадонига келиб, унинг рафиқаси ва фарзандларига ҳамдардлик билдирди, жудоликни енгилда сабртоқат тилади. Давлатимиз раҳбари марҳумнинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги хизматларини эътироф этди.

Шундан сўнг Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси зиёрат этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро халқаро аэропорти биносида мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, пандемия сабабли зарар кўрган иқтисодиёт тармоқларини тиклаш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

«Темир дафтар», «ёшлар дафтари» ва «аёллар дафтари» тизимларида бажарилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда инвестицион лойиҳалар ва экспорт масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Торкунов Анатолий Васильевични Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар

киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан чет эл фуқаролари ва хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги бўйича тақдимот билан танишди.

Соҳадаги ишлар натижадорлигини ошириш, қонунчилик базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестиция салоҳиятини янада кенгайтириш

бўйича навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Геология қўмитасига саноат операцияси асосида янги конларни қидириш, топилган ресурсларни ўзлаштириш учун хусусий секторга бериш амалиётини янада кенг қўллаш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида ҳар бир ҳудудда геологик, айниқса, гидрогеологик қидирувлар бўйича доимий экспедициялар ташкил этиш зарурлиги айtilди.

Фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Мутасаддиларга белгиланган чора-тадбирлар бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан коронавирус пандемиясига қарши курашишда фидойилик кўрсатган тиббиёт соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Бўстонлик туманида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш орқали туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилига тайёргарлик масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталди.

Президент ҳақиқий ҳолат бўйича рақамларни яширишга мутлако йўл қўймаслик тўғрисида барча раҳбарларни огоҳлантирди. Бунга уриниш жинорий жавобгарликкача бўлган қатъий чораларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Ҳокимлар, сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди идоралар ходимлари ҳар бир маҳаллада, жамоат жойлари, транспорт ва корхоналарда санитария талаблари бажарилиши бўйича темир интизомни таъминлаши зарурлиги айтиб ўтилди.

Коронавирусга чалинган беморларни дунёдаги энг илғор ва ишончли усуллар билан даволаш учун барча чоралар кўриляётгани, жум-

ладан, ҳозирги пайтда Россия, Германия, Туркия, Хитойдан юқори малакали шифокорлар юртимизда иш олиб бораётгани таъкидланди.

Йиғилишда кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, ҳокимлар ҳамда сектор раҳбарларига ёрдам пулларини муҳтож оилаларга адолатли, очиқ ва тўғри етказиб бериш, ҳеч кимни эътиборсиз қолдирмаслик юзасидан топшириқлар берилди. Аҳоли билан учрашиб, ушбу маблағлар ҳақиқатда ёрдамга муҳтож болаларнинг баркамол ривожланиши ва соғлиғи учун сарфланиши зарурлигини тушунтириш вазифаси қўйилди.

Шундан сўнг йиғилишида пандемия шароитида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Халқ таълими вазирлигига ота-оналар ҳамда маҳаллий кенгашлар таклифларидан келиб чиқиб, янги ўқув йилини 14 сентябрдан бошлаш, мактабларда ҳаракатлар схемасини ишлаб чиқиб, тажрибадан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Видеодарсларни сифатли тайёрлаш, бу жараёнга давлат ва нодавлат телеканалларини фаол жалб этиш, учта телеканалда доимий эфирга уза-тиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Таълим муассасаларидаги тозалик ва озодаликни сақлаш, синфхоналар ва атрофни дезинфекция қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбари жамиятда ўқитувчи ва устозларнинг обрўини

кўтаришга эътибор талаб даражасида эмаслигини таъкидлади.

Ўқитувчи ва шифокорларнинг фидойи меҳнати, юксак хулқ-атвори намунасини намоён этиш мақсадида тўлиқ метражли фильм ва сериаллар, уларнинг фаолияти ҳақида кўрсатувлар ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари ҳамроҳлигида Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Биринчи манзил Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши бўлди. Давлатимиз раҳбари «Бодомзор» бекатидан янги «Туркистон» бекатигача поездда бориб, амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Шундан сўнг, Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Аҳмад Дониш кўчасида амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини кўрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда мутасаддиларга йўлсозлик сифати ва кўламини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Юнусобод тумани аҳолиси вакиллари билан самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев, Тошкентнинг Фарғона йўли кўчасида амалга оширилаётган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ҳам бориб кўрди.

Тошкент ерусти ҳалқа метролиниясининг биринчи босқичи – «Дўстлик-2 – Қўйлик» йўналиши қуриб битказилди. Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, жамоатчилик билан бирга поездда юрди.

«Қўйлик» бекатида кейинги босқичлар қурилиши бўйича тақдимот ўтказилди. Президентимиз аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги замонавий транспорт линиясининг қолган босқичларини ўз муддатида фойдаланишга топшириш, қурилиш сифатига эътибор бериш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Президент Яшнобод туманидаги Фарғона йўли кўчасида, Қорасув канали бўйида қурилаётган «Асса-

лом, сохил!» турар жой мажмуаси билан танишди.

Давлатимиз рахбари бундай уйлар қурилишини замонавий технологиялар асосида, ривожланган давлатлардаги каби андозаларда давом эттириш кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев хориж тажрибаси асосида қурилган енгил конструкцияли коттежларни ҳам кўздан кечирди. Бу уйлар арзонлиги, ўн кунда битказилиши билан ажралиб туради, буюртма асосида бир неча хил шаклда қуриб берилади. Бундай коттежлар, айниқса, тоғли ва чўл худудлари учун жуда мос келади.

Мустақиллик байрами арафасида янги иншоотлар, йирик ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилиши эзгу анъанага айланган. Яшнобод туманидаги кўп тармоқли «Техпорак» ишлаб чиқариш мажмуасида «Samsung» бренди остида маиший совутгичлар ишлаб чиқариш корхонасининг очилиши ҳам қутлуғ байрамимизга муносиб тўёна бўлди.

Давлатимиз рахбарига бошқа лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз рахбари лойиҳаларни белгиланган муддатларда, сифатли ишга тушириш бўйича топшириқлар берди. Жамоатчилик фаоллари билан мулоқотда саноатни маҳаллийлаштириш масалалари ҳақида гапирди.

* * *

29 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёев Шаҳидлар хотираси хиёбонида ташриф буюрди.

Мажмуадаги рамзий қабр ёнида қатағон қурбонлари руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилинди. Шу ерда нуронийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди.

Давлатимиз рахбари қатағонга учраган юртдошларимизнинг ҳар бири бўйича изланиш, жойларга чиқиб, қариндошлари билан учрашиб, номларини тиклаш, қилган ишлари ҳақида китоблар чоп этиш, ўзлари яшаган маҳаллалар ва мактабларга номларини қўйиб, хотирасини абадийлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Маросимда коронавирус касаллигидан вафот этган инсонлар хотирасига бағишлаб ҳам Қуръон тиловат қилинди. Беморларнинг тезроқ соғайишини Аллоҳдан сўраб, дуо ўқилди.

Шу куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйди.

* * *

31 август. Қўқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нуронийлар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов хайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида Куръон тиловат қилинди.

Ислон Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги хайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида пиллачилик ва қорақўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлиliga бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Соҳада ху-

сусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон ерларини ўзлаштириш, йилқи-чилик, чорвачилик, уруғчилик, кўчатчилик, туризмни кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрмон фонди ерларини ўзлаштиришга ҳам субсидия ва имтиёзлар жорий этиш, хусусан, сугориш насослари харид қилиш, қудуқлар қазииш ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон фонди ерларида асаричилик, чорвачилик ва паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш, бандликни таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда ўрмон хўжалиги бўйича илм-фанни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, ўрга бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби ўрмон хўжалигини ривожлантириш учун ҳам халқаро ташкилотлар мабларларини жалб қилиб, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

7 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев хорижий давлатлар ва

хукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари, таниқли сиёсат ва жамоат арбобларига мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан қутловлар йўллагани учун кўп миллатли халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдирди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда электр энергияси ҳамда табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини тўлиқ жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Энергетика вазирлигига ҳар бир туман, шаҳар кесимида ҳисоблагичларни етказиб бериш, ўрнатиш ва тизимга улаш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш топшириғи берилди.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига ҳудудларда ишчи гуруҳлар тузиб, маҳалла раислари билан биргаликда аҳолига ҳисоблагичлар ўрнатишни ташкил этиш, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш вазифаси қўйилди.

* * *

15 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари Алексей Оверчукни қабул қилди.

Учрашувда коронавирус пандемиясига қарши курашишда яқин ва самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Россия Ҳукумати Раисининг ўринбосари Алексей Оверчук учрашув ўтказиш имконияти учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Ҳукумати Раиси Михаил Мишустиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик муносабатлари кун тартибининг янги мазмун билан бойитиш мақсадида ҳамкорликдаги устувор дастур ва лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги ва МДХ доирасидаги яқин мулоқотларни давом эттириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

15 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси иштирокида «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида сув хўжалигида тежамкор технологияларни жорий этиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Видеоселекторда сув хўжалигидаги ишлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва туманлар кесимида танқидий таҳлил қилиниб, галдаги муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Суғориш меъёрларини ҳисоблаш методикасини БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) талабларига мослаштириш, сув ҳисоблагичлар ўрнатган истеъмолчиларни рағбатлантириш юзасидан вазифалар белгиланди.

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига коллектор сувларида балиқчиликни ривожлантириш бўйича топшириқ берилди.

Наманган тажрибаси асосида гидрогеологик қидирувларни кенгайтириб, ерости сувларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда сув хўжалиги соҳасида фан ва таълимни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилди. Ирригация ва мелиорация объектларини барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш ишларига илмий ходимларни бириктириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

18 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига келгуси йил учун мўлжалланган 28 та янги лойиҳани маҳаллий кенгашлар билан келишиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, жорий йилда якунига етказиладиган 360 та лойиҳани қабул қилиб олиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда мамлакат бўйлаб 27 та туманда ичимлик суви билан таъминлаш ишлари танқид қилинди.

Видеоселектор йиғилишида иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсу-

мига тайёрлаш масаласи ҳам мухокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасига туман ва шаҳарлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, куз-қишга тайёргарлик юзасидан Тошкент шаҳрининг 12 та тумани, Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоят бўйича алоҳида-алоҳида қарор қабул қилиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Тошкент шаҳри туманларига, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари вилоятларга шу масалалар бўйича масъул этиб бириктирилди.

* * *

21 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ўсимликлар карантини соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича тақдимот билан танишиб, навбатдаги вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Янги экспорт бозорлари топиб, маҳсулотларни ҳозирги нархидан 3–4 барабар қимматроқ сотиш имконияти борлиги айtilди. Товарларни халқаро фитосанитария талаби асосида тайёрлаш учун маҳсулот етиштирувчи, қадоқловчи ва экспорт қилувчи ҳар бир корхонага карантин инспекторларини бириктириш бўйича кўрсатма берилди.

Литва, Латвия, Украина, Озарбайжон, Миср, Қатар, Монголия, Афғонистон ва бошқа давлатлар билан музокара ўтказиб, гилос, анор, узум, қовун каби мева-сабзавотлар экспорти учун тадбиркорларга йўл очиб бериш вазифаси белгиланди.

«Даладан экспортгача» тамойили бўйича тўлиқ ишлашни таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Соҳанинг илмий салоҳиятини ошириш, халқаро сертификация тизимини татбиқ этиш бўйича йирик илмий марказ ташкил этиш таклифи илгари сурилди. Фан билан амалиёт уйғунлигини таъминлаш, экспортчи корхоналар мутахассисларига халқаро фитосанитар талабларни тушунтириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

21 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ўктам Барноев 20 сентябрь куни оғир хасталик туфайли вафот этди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюрди. Қуръон тиловат қилинди.

Ўктам Барноевнинг деярли бутун фаолияти қишлоқ ва сув хўжалиги билан боғлиқ бўлди. У ушбу соҳадаги ислохотларини амалга оширишда асосий ижрочилардан бири эди. Бу йўлда барча билим, тажриба ва кучини сафарбар қилди. Аграр тармоқни диверсификация қилиш, бозор механизмлари ва кооперация тизимини жорий этиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, ҳосилдорликни ошириб, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Давлатимиз раҳбари марҳумнинг онаси, рафиқаси ва фарзандларига ҳамдардлик билдириб, сабртоқат тилади ва марҳумнинг оиласи, фарзандлари доимий эътиборда бўлишини таъкидлади.

* * *

22 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Видеоселектор йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар, жорий йил якуни ва 2021 йил биринчи чорагига мўлжалланган лойиҳалар муҳокама этилди.

Жорий йил якуни бўйича ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари рақамли иқтисодиёт соҳасида кескин ўзгариш қилиши зарурлиги қайд этилди.

Президент бу янгиланишларни одамлар ўз ҳаётида, бюрократия ва коррупция камайгани мисолида, давлат хизматларини кўрсатиш тезлашганида сезиши лозимлигини таъкидлади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига жорий йилда белгиланган 14 туманда ижтимоий муассасаларни тўлиқ рақамлаштириб, қолган ҳудудлар учун намуна қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда саноат тармоқларида амалга ошириладиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент барча лойиҳаларга масъулларни белгилаб, уларни муддатида, сифатли бажариш, халқаро молия ташкилотлари маблағларини йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

22 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-картала-

рини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ишида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси тарихида илк маротаба ўзбек тилида нутқ сўзлаб, халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ва глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини ҳамда Ўзбекистонни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишларини тақдим этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу видеоанжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

24 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Видеоселектор йиғилишида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизими таҳлиллари асосида жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган ҳудудларга кўмаклашиш чоралари муҳокама қилинди.

Йиғилишда янги корхоналар ташкил этиш, борларини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш, банклар томонидан маблағ берилган, лекин хом ашё, энергия ресурси ёки логистика каби сабабларга кўра тўхтаб қолган лойиҳаларни ишга тушириш бўйича тошшириқлар берилди.

Тижорат банклари тадбиркорларнинг бизнесдаги натижаларига қараб уларга «имтиёзли хизматлар пакети»ни таклиф қилиши муҳимлиги айtilди.

Давлат солиқ қўмитасига барча вилоятларда ишни шундай ташкил этиб, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш юзасидан кўрсатма берилди.

Йиғилишда бу йил кутилаётган бюджет тақчиллигини имкон қадар қисқартириш учун қўшимча тушумларни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини таҳлил қилиб, қўшимча даромадларни аниқлаш, бюджет ташкилотларининг пуллик хизматлардан даромадларини кўпайтириш ва бино-иншоотларидан самарали фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

25 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув Қозоғистон томонининг таклифига биноан Туркистон вилоятининг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудидаги Сариағаш шаҳрида ўтказилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон – Қозоғистон стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилиб, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки томонлама савдо ҳажмини ошириш ва товар айирбошлашнинг ўзаро келишилган кўрсаткичларига эришиш учун қулай шароитлар шакллантиришни давом эттириш, қабул қилинган қўшма «Йўл харитаси» доирасида саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида кооперация бўйича устувор лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, минтақавий шерикликни, жумладан, 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви якунида эришилган келишувлар асосида илгари суриш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Бундан ташқари, МДХ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг

асосий йўналишлари кўриб чиқилди.

Суҳбат чоғида Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари ўртасида яхши қўшничилик ришталари ва ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашда доимо қатъий эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

* * *

28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Лазги» халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислохотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда шу пайтгача бажарилган ишлар натижадорлиги таҳлил қилиниб, галдаги муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Президент «Ўзстандарт» агентлигининг халқаро стандартлаш ва метрология ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Соҳага доир илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси йилдан Тошкент давлат техника университети билан энергия самарадорлиги, Кимё-технология институти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари генетикаси, Тўқимачилик институти билан синтетик толалар, Илғор тех-

нологиялар маркази билан ҳамкорликда биологик фаол қўшимчалар йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳимлиги айtilди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий метрология институтида қурилиш материаллари, сув тежовчи ҳамда ахборот технологиялари бўйича кафедралар ташкил этилиши белгиланди. Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий ишланмаларга грантлар ажратади.

* * *

28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бюрократик тўсиқлар янада қисқартирилиши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойиллари жорий қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада тако-

миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, устозларни ушбу айём билан қутлади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини қайд этди.

Президентимиз ҳар бир раҳбар ўз ҳудудидаги, айниқса, қишлоқлардаги мактаблар ҳолатидан доимий хабардор бўлиши, у ердаги муаммо ва камчиликларни баргараф этиши лозимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу анжумандаги маърузаси «Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир» сарлавҳаси билан матбуотда чоп этилди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маърифатпарвар жадидчилик ҳаракати намояндаларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураб-

бийлар кунини муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Нукус шаҳрига ташриф буюрди.

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида коронавирус пандемияси бутун дунёда бўлгани каби юртимизга ҳам йўқотишлар олиб келгани, лекин ҳаёт давом этиши, шу шароитга муносиб бўлиб, тўғри йўл топиш зарурлигини таъкидлади.

Сессияда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда келгуси 3 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрида барпо этилган опера ва бахшичилик мактаб-интернати билан танишди. Мактаб-интернатнинг 150

Ўринли замонавий концерт зали ва синфхоналарини кўздан кечирди.

Президентимиз Нукус шаҳридаги «Қорақалпоқ балиқ саноат» масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги лойиҳалар тақдироти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари чорвачиликда оилавий кооперцияларни йўлга қўйиб, паррандани кўпайтириб, гўшт нархини арзонлаштириш чораларини кўриш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида кўп қаватли турар жойлар ва IT-парк қурилишини кўздан кечирди.

Президент янги уйнинг шоу-румида бўлиб, уларда яратиладиган шароитлар билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирар экан, Тошкент шаҳридаги ҳар қандай истиқболли янгиликлар Нукус шаҳрида бўлиши кераклигини, ҳар бир туманлардаги кўчаларни замонавий шаклга келтириш ва одамларга қулайлик яратиш лозимлигини таъкидлади.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, тарих, маданият ва анъаналар муштараклигига асосланган стратегик шериклик муносабатларининг бугунги даражасини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Коронавирус тарқалиши билан боғлиқ мураккаб даврда пандемия оқибатларини енгиб ўтишда ўзаро ёрдам кўрсатилмоқда. Тожикистон томони ушбу хавfli касалликка қарши курашда кўрсатилган амалий ёрдам учун миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган қатор икки томонлама тадбирларнинг самарали натижаларини юқори баҳоладилар. Хусусан, Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси ҳамда бизнес-форум, илмий-амалий конференция, парламент аъзолари ва зиёлилар учрашувлари муваффақиятли ўтказилди, қўшма ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий объектлар очилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари икки мамлакат ҳукуматларига кенг қўламли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда бўлажак самитнинг янги кун тартибини ҳар томонлама пухта тайёрлаш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқишга топшириқ бердилар.

Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари почта тизимини ривожлантириш учун уни даромад келтирадиган соҳага айлантириш зарурлигини таъкидлади. Хусусий операторлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшимча хизматларни тақдим этиш орқали почта бўлимлари даромадини ошириш мумкинлиги айтилди.

Шунингдек, йил якунигача миллий онлайн савдо майдончасини жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Бу тизим орқали тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотини республика бўйича савдога чиқаради, миллий оператор уларни манзилига етказиб беради. Бунда «Ўзбекистон почтаси» харидор ва сотувчи ўртасида кафил бўлади. Шу мақсадда келгуси йили Тошкент шаҳрида логистика марказини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш учун матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

6 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея етакчилари мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик мақомидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболларини батафсил кўриб чиқдилар, шунингдек, халқаро сиёсатнинг долзарб

масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Президенти пандемияга қарши самарали курашни ташкил этиш, ушбу касалликни профилактика қилиш ва даволаш бўйича илғор тажрибани жорий этишга Корея Республикаси томонидан кўрсатилган амалий қўмак учун ҳамкасбига миннатдорлик билдирди.

Сухбат чоғида бўлажак олий даражали учрашувларнинг кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Президентлар савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик, ўзаро товар айирбошлашни кенгайтириш ва кооперацияни кучайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, жумладан, зарур ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва ишбилармонлик ташаббусларини илгари суришга қўмаклашиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Мулоқот сўнггида Президентлар икки халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталарига асосланган серқирра муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда кенг қўламли амалий ҳамкорликни илгари суриш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва

минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди.

Пандемия оқибатларига қарамай, ўзаро ташрифлар амалга ошириляётгани, Ўзбекистон билан Россиянинг етакчи компания ва корхоналари ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик кўлами ва товар айирбошлаш хажми кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Таълим ва маданий алмашинувга доир муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат вазирлик ва идоралари даражасида, шу жумладан, жорий ойда бўлиб ўтадиган Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги мажлиси доирасида яқиндан мувофиқлашув ва ҳамкорликни давом этириш муҳимлигини таъкидладилар. Бунда, аввало, кўп қиррали муносабатларнинг устувор дастур ва лойиҳаларини, бизнес ва ҳудудлар кооперациясини кучайтириш бўйича узоқ муддатли «йўл харитаси» тайёрлашни жадаллаштириш назарда тугилади.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, минтақада юзага келаётган вазиятни муҳокама қилдилар, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бора-сида қатъий эканликларини таъкидладилар.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, ишонч ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Коронавирус тарқалиши оқибатларини тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари даражасида яқиндан мувофиқлашув ва фаол алмашинувлар амалга ошириляётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш кўрсаткичларини оширишга қаратилган қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш, тадбиркорлар ва ҳудудларнинг янги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш орқали кооперацияни кенгайтириш, шунингдек, маданий-гуманитар тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги воқеалар ривож юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қирғизистондаги вазият

ушбу мамлакат Конституцияси ва миллий қонунчилиги нормаларига мувофиқ тез фурсатда барқарорлашишига умид билдирдилар.

* * *

8 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

8 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президентини Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги долзарб масалаларни батафсил кўриб чиқдилар. Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва қардошлиқ ришталари, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган фаол мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши оқибатларини самарали енгиб ўтиш мақсадида амалий ҳамкорлик бўйича, энг аввало, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транзит, қишлоқ хўжалиги ва бошқа муҳим тармоқлардаги лойиҳаларни илгари суриш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари 2019

йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида қабул қилинган қарорлар ва эришилган келишувлар ижросининг боришини муҳокама қилдилар.

Тизимли ва барқарор тус олаётган ушбу муҳим формат доирасида сермаҳсул мулоқот олиб борилаётгани мамнуният билан таъкидланди.

Минтақадаги кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида хавфсизлик, иқтисодиёт, инновациялар, транспорт, фан, таълим, туризм ва маданият соҳалари кўрсатиб ўтилди.

Давлат раҳбарлари Қирғиз Республикасидаги воқеалар ривожига алоҳида тўхталдилар. Ушбу мамлакатдаги вазият Қирғизистон Конституциясига мувофиқ ҳолда тез фурсатда барқарорлашиши зарурлиги қайд этилди.

* * *

8 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тизими Хатирчи тумани ва Янгиер шаҳри миносида муҳокама қилинди.

Мутасаддиларга ушбу тизимнинг намунавий шаклини ишлаб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятнинг биттадан шаҳар ва туманида, яъни 28 та ҳудудда синовдан ўтказиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакилларига ҳар бир маҳалладаги ҳолатни ўрганиш, ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёжларини, қизиқишларини аниқлаш ҳамда шу асосда манзилли чоралар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда «ижтимоий шартнома» тажрибасини кенг қўллаш муҳимлиги айtilди. Бунда, аввало, фуқаро касб ўрганиши, ишга жойлашиши, ўзини ўзи банд қилиши учун давлат томонидан моддий ва ижтимоий кўмак кўрсатилади.

«Дафтар»лар билан ишлашда нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятларидан самарали фойдаланиш лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда мўлжалдаги чоратадбирларни амалга ошириш учун уларни барқарор молиявий манбалар билан таъминлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Касб ва лавозимлар классификаторида олий маълумот талаб қиладиган мутахассисликлар ва лавозимларни қисқартириш вазифаси қўйилди.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриқлаб, унга биродар тожик халқи фаро-

вонлиги ва равнақи йўлидаги фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Сухбат чоғида Ўзбекистон – Тожикистон дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари ўртасида эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш, Ҳукуматлараро комиссия қарорларини бажариш ҳамда бўлажак олий даражадаги учрашувлар учун янги кун тартибини ишлаб чиқиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг Қирғиз Республикасидаги вазият юзасидан қўшма баёноти қабул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнггида мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга иккала томоннинг ҳам интилиши қатъий экани таъкидланди.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириб, интеллектуал мулк ҳимоясини кучайтириш, ҳар бир идора ва тармоққа

илмий ютуқларни олиб кириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллий товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий брендларнинг халқаро рўйхатдан ўтишини кўпайтириш, уларнинг халқаро бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Юридик университет ҳамда жойлардаги ҳуқуқшунослик факультетларида тадбиркорлар учун интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўқувлар ташкил этилиши белгиланди.

Тадбиркорлар маҳсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончасини ишлаб чиқиб, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Интеллектуал мулк агентлигига мамлакатимизда рўйхатга олинган кўнгилочар сайтлар, радио ва телеканалларни ўрганиб, муаллифлар манфаатларини таъминлаш вазифаси қўйилди.

* * *

13 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўсимлик карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни

ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятига келди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзаобод туманидаги «Ҳақиқат» маҳалласига ташриф буюрди.

Илгари бу жойлардаги кўп уйларда табиий газ йўқ эди. Энди газ, сув, электр энергияси ва бошқа коммуникациялар билан таъминланган. Яна бир муҳим томони – янги уй эгаларининг аввалги ҳовлилари ҳам ўзларида қолди.

Давлатимиз раҳбари ўша қийин кунларда бутун халқимиз жипслашиб ҳаракат қилганига катта эътибор қаратди. Кўп қаватли уйлар шинам, ҳовлилари обод. Бу маҳалла Янги Ўзбекистон, деб номланган.

Давлатимиз раҳбари шундан сўнг Оқолтин туманидаги «Нурафшон орзу бўstonи» фермер хўжалиги даласида бўлиб, пахта ҳосилини кўздан кечирди.

Шу ерда кластерлар раҳбарлари ва фермерлар билан мулоқот бўлди. Пахтани қайта ишлаб, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, қўшимча қиймат яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги «Янги Тошкент» маҳалласини бориб кўрди. Бу ерда 130 та коттеж таъмирланиб, коммуникация тармоқлари тикланган. Янги маҳалла гузари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кутубхона, спорт мажмуаси, ички йўллар қурилган.

Президент Шавкат Мирзиёев курилиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Аҳоли билан суҳбатлашди.

Маҳаллада «Нафис либослар» тикувчилик корхонаси ҳам ташкил этилди. Унда 50 нафардан зиёд хотин-қиз иш бошлади. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари оилавий поликлиникага кириб, соғлиқни сақлаш ходимлари билан суҳбатлашди. Тиббиёт билан спорт ҳам-ҳанглигини кучайтириб, одамларни соғлом турмуш тарзига одатлантириш, аҳолининг умрини узайтириш масалалари юзасидан сўз юритилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сардоба туманидаги «Сардоба Оқсарой текстиль» корхонаси фаолияти билан танишди. Давлатимиз раҳбари бу ерда фаолият бошлаган хотин-қизларни янги уй ва иш жойлари билан табриклади.

Шу ерда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, енгил саноатда қўшимча қиймат занжирини яратиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари 15 май куни Сардоба туманида бўлганида «Дўстлик» маҳалласида янги уйлар қурилишига тамал тоши қўйган эди. Қисқа вақтда бу ерда 1 минг 480 хонадонли 37 та турар жой қуриб битказилди.

Президент бу галги ташрифи чоғида мазкур замонавий мавзени кўздан кечирди.

Шавкат Мирзиёев «Дўстлик» маҳалласида сирдарёлик фаоллар, сув тошқинидан жабрланган одамлар билан учрашди. Давлатимиз

раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳли билан шундай ободликда, ёруғ юз билан қўришиб турганидан хурсандлигини билдирди.

Учрашувда сув тошқинидан жабр қўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш, уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, инфратузилма объектларини тиклаш, янги иш жойлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтилди.

Мутасадди вазирликлар вилоят фаолларига бу борада бажарилган ишлар ва режалаштирилган лойиҳалар ҳақида тақдимот қилди.

* * *

14 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси ва Корея Республикаси билан ҳамкорликдаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар лойиҳалар ижросини танқидий кўриб чиқиш, янги ўсиш нуқталарини белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Президентимиз бу давлатлар билан ҳамкорлик бўйича имкониятлар кўплиги, лекин ҳозирги натижалар етарли даражада эмаслигини таъкидлади. «Йўл хариталари» ижроси оқсаётгани, иш тизимли олиб борилмаётганини жиддий танқид қилди.

Хитой ва Жанубий Корея билан кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш, янги йўналишлар топиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ижросини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мутасаддиларга барча кўшма лойиҳаларни танқидий кўриб чиққан ҳолда, уларни тезлаштириш ва белгиланган муддатларда сифатли амалга ошириш бўйича янгиланган «Йўл хариталари» тайёрлаш ҳамда келгуси йил учун янги истиқболли дастурларни ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Саримсоқпиез ҳамда тўқсонбосди усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида давлат кадастрларини юритишнинг янги тизимини самарали ташкил этиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда янги тизим асосида ишни ташкил этиш учун биринчи галда ер ҳисобини жойига қўйиб, тўлиқ шакллантириб олиш зарурлиги таъкидланди.

Қурилишдан бино-иншоотнинг кадастр жилдини тайёрлашгача бўлган босқичларда ундириладиган тўловлар асослилигини ўрганиб, уларни камайтириш ва жараёнларни содда-

лаштириш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ёки ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш муаммосига ҳам тўхталиб ўтилди.

Соҳадаги ислохотларни самарали амалга ошириш учун Кадастр агентлигининг барча бўғинларини малакали кадрлар билан тўлдириш, янги тизим мазмуни ва тартиби бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди. Жойлардаги кадастр бўлимларининг моддий-техник таъминоти ва меҳнат шароитларини яхшилаш юзасидан ҳам кўрсатма берилди.

* * *

16 октябрь. «Кўксарой» қароргоҳида хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон Ислом Республикаси, Украина, Италия Республикаси, Исроил Давлати, Покистон Ислом Республикаси ва Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчилари Саид ал-Қамзий, Ҳамид Найрободий, Николай Дорошенко, Агостино Пинна, Зехавит Бен Хиллел, Саид Али Асад Филоний ва Маниш Прабхатдан ёрлиқларни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни Ўзбекистондаги дипломатик фаолиятини бошлагани билан самимий табриклаб, уларга икки томонлама

муносабатларни янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги шарафли ва масъулиятли вазифада катта муваффақиятлар тилади.

Тадбирда давлатимиз раҳбари дипломатларга мурожаат қилар экан, тегишли хорижий шериклар билан икки томонлама алоқаларнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини қайд этди.

Сухбат чоғида элчилар давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон билан шерикликда сифатли янгилаштиришга эришиш ҳамда муносабатлар кун тартибидан янги ва аниқ мазмун билан бойитишга бор куч-ғайратини сафарбар қилишини қайд этдилар.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш масалалари агрофлича муҳокама қилинди.

Ҳар бир ҳудудда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича алоҳида жамғармалар ташкил этилиши белгиланди.

Импорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари нархини арзонлаштириш мақсадида йирик хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳаллий биржадаги иштирокини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманига республиканинг муайян вилоятини бириктириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари расталари ва дала дўконлари ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва сектор раҳбарлари ўз ҳудудида яратилган тизим, бозордаги шарт-шароитлар ва нарх-наво бўйича халққа ҳисобот бериши зарурлиги айтилди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Биринчи объект Мирзо Улуғбек туманидаги Геология фанлари университети бўлди. Давлатимиз раҳбари шу ерда илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев ушбу даргоҳда яратиладиган шароитлар билан кизиқиб, қурилиш сифатли, лабораториялар юқори технологияли бўлиши кераклигини таъкидлади.

Президентимиз пойтахтимиздаги Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркида ҳам бўлди. Мажмуа шоу-румидан қурилиши бошланган бинолар, уларда бўладиган шароитлар ҳақида маълумот берилди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабнинг ўқувчилари иштирокида яратилган дастурий маҳсулотлар намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманидаги IT-

марказда сабоқ олаётган болалар билан видеоконференцалоқа орқали мулоқот қилди.

Мутасаддиларга Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб билан худудлардаги ахборот технология мактаблари интеграциясини таъминлаш, ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини тўғри йўналтириб, етук мутахассислар этиб тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилаётган Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг янги биносини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари институт ёнидаги 8-автобус саройини ҳам кириб кўрди. Бу автопаркни бошқа жойга кўчириб, замонавий шарт-шароитлар яратиб бериш, унинг ўрнида қурилиш материаллари бўйича илмий-тадқиқот маркази ташкил этиш таклифи билдирилди.

Архитектура-қурилиш институтининг мураббийлари, илмий-тадқиқот маркази мутахассислари ва уларнинг оилалари учун ижтимоий объектлар ҳам барпо этилиши айтилди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизда барпо этилаётган «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ва Давлат хавфсизлик хизмати академиясининг янги бинолари билан танишди. Давлатимиз раҳбарига «Темурбеклар мактаби» фаолияти, ўқув жараёни, қурилаётган янги бино ва иншоотлар ҳақида маълумот берилди.

Президентимиз мактабда она тили ва тарих фанларидан ташқари, хо-

рижий тилларни мукамал ўқитиш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўқувчиларга юртимиз тарихи ва миллий қадриятларимизни чуқур ўргатиш, дарсларга ҳар бир фан бўйича етакчи педагогларни жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев маслаҳатчи Сума Чакрабарти иштирокида мамлакатимизда ислохотлар дастурини узоқ муддатли истиқболда давом эттиришнинг стратегик йўналишларини кўриб чиқди.

Чуқур ва ҳар томонлама таҳлил асосида, илғор халқаро амалиёт ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва янгиланишларни самарали давом эттиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва бошқарув кадрлари сифатини тубдан ошириш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилга мўлжалланган давлат бюджети параметрлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда макроиктисодий барқарорлик ва белгиланган бюджет тушумларини тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Мутасаддиларга ушбу вазифалар бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги иш ўринлари очиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобига кам таъминланганлар сонини қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир муҳим масала – молиявий интизом ва назоратни кучайтириш. Молия вазирлигига ташкилотларда ички аудит тизимини мустаҳкамлаш, ноқонуний харажатлар ва камомадларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

Бош вазир ўринбосарларига кейинги йил учун марказлашган, хорижий ва хусусий инвестиция дастурларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

* * *

20 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги йўллади.

* * *

20 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

20 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Кеннет Маккензини қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидлар ҳамда глобал хатарларга қарши курашиш мавзуларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига амалий кўмак кўрсатиш юзасидан фикр алмашилди.

Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Генерал Маккензи Ўзбекистон Республикаси Президентига учрашув учун самимий миннатдорлик билдириб, АҚШ мамлакатларимиз

ўргасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, кенг кўламли ҳам-корликни кенгайтириш борасида катъий эканини таъкидлади.

* * *

21 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Экспорт фаолиятини молиявий кўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида саноат тармоқларидаги 9 ойлик натижалар ва йил якунигача бажарилиши лозим бўлган вазифалар муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Аввал нефть-газ тармоғидаги ишлар таҳлил қилинди. Қолоқликка йўл қўйган корхоналар фаолияти танқидий баҳоланиб, раҳбарларнинг лавозимларига лойиқлик масаласи кўриб чиқилди. Йил якуни билан табиий газ казиб олишни кўпайтириш, ички бозорга қўшимча газ етказиб бериш бўйича топшириқлар берилди.

«Ўзавтосаноат» бошқарувида ўтган қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида трактор ва сеялкалар ишлаб чиқариш 2 баробар камайгани кўрсатиб ўтилди. Халқаро экспертлар билан бирга автомобиль саноатини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш материаллари, электр техникаси ва

енгил саноатда ҳали ишлатилмаган захиралар мавжудлигини қайд этиб ўтди.

Йиғилишда ҳудудий саноат корхоналарида мавжуд резервлардан фойдаланиб, қўшимча ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Тегишли вазирлик ва ҳокимликларга қоқоқликка йўл қўйилган лойиҳалардаги муаммоларни барта-раф этиш, импорт ўрнини босувчи янги истиқболли йўналишларни ўрганиб, маҳаллийлаштириш дастурига киритиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали экспорт ҳажмини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Харбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда трансформациянинг янги босқичи, яъни станцияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва истиқболда электр энергиясининг рақобатли бозорини яратиш каби муҳим чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари», «Худудий электр тармоқлари», «Иссиқлик электр станциялари» ҳамда «Ўзбекгидро-энерго» акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш тизимига ўтиш кераклиги таъкидланди.

Соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш, «рақамли трансформация»ни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда янги лойиҳаларнинг ижросига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда қуёш, Бухоро ва Қорақалпоғистонда шамол, Сирдарё ва Сурхондарёда иссиқлик электр станцияларини барпо этиш билан боғлиқ лойиҳаларни жадаллаштириш, уларга давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар йўналтириш муҳимлиги айtilди.

* * *

26 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш соҳасидаги лойиҳалар тақдироти билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда. Хусусан, жорий йилда қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп қаватли турар жой барпо этилди.

Сардоба сув омборидаги ходисадан кейин Сардоба ҳамда Мирзобод туманларида қисқа муддатда 86 та беш қаватли уй қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ушбу тажрибадан фойдаланиб, лойиҳаларни такомиллаштириш, турар жойларни аҳоли учун янада арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, беш қаватли уйлар лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, хонадонларнинг жойлашуви ва хоналарнинг ички майдони мақбуллаштирилди. Қурилиш материаллари лойиҳага мос ўлчамда ишлаб чиқарилади, исроф бўлмайди. Ҳовли ва йўлакларга сенсорли электр чироқлари қўйилади. Бу каби тежамкор чоралар натижасида уйларнинг нархи ўртача 30 фоизгача арзонлашади.

Президентимиз ушбу лойиҳани маъқуллаб, бундай турар жойларни аҳоли зич жойлашган барча туманларда қуриш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир лойиҳа Тошкент давлат техника университети ҳудудида

замонавий ўқув-амалий комплекси барпо этишга қаратилган.

Дунё тажрибасидан маълумки, кўплаб машхур илмий муассасалар университетлар ичида жойлашган. Режалаштирилаётган мажмуа ҳам шу ҳудуддаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Турин политехника университетидаги жами 36 минг талаба, 2 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар учун шундай марказ бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу ерда бир пайтда 500 та стартап резидентлари, 120 та ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш мумкин бўлади.

Тошкент шаҳрида аҳолини арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Жорий йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистонга сафар чоғида Нукус шаҳрини ободонлаштириш, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Шу мақсадда шаҳарнинг истиқболдаги замонавий марказини барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, кўчаларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш, кўллар ва истироҳат боғлари ташкил этиш, савдо ва маиший хизматларни кўпайтириш назарда тутилган.

Президентимиз ушбу лойиҳалар билан танишиб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат иштирокида-

ги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири, армия генерали Хулуси Акарни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, кўп асрлик дўстлик ва биродарлик ришталарига асосланган ҳамда кейинги уч йилда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган Ўзбекистон – Туркия стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди, шунингдек, кейинги йилларда мудофаа соҳасида амалга оширилган қўшма тадбирлар яқунлари сарҳисоб қилинди.

Ўзбекистон ва Туркия мудофаа идоралари ўртасида ўрнатилаётган амалий ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари сифатида ҳарбий кадрларни ўқитиш бўйича дастурларни амалга ошириш, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари ўр-

тасида алоқаларни йўлга қўйиш, қўшин бўлинмаларини тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш белгиланди.

Минтақадаги замонавий хатарлар ва хавфсизликка таҳдидларга қарши биргаликда курашишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Туркия миллий мудофаа вазири ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳаларда кенг қўламли ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлади.

* * *

28 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилиш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда шу борадаги муҳим йўналишлар кўрсатиб ўтилди. Аввало, тадбиркорларга таклиф этиладиган корхоналарнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш, уларни соддалаштирилган тартибда савдога чиқариш кераклиги таъкидланди.

Мутасаддиларга корхоналарни хусусийлаштиришдан аввал «диагностика» қилиш, аудитдан ўтказиш ва ҳисоб-китобини тўғрилаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлат лойиҳа институтларини трансформация қилиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Олий Мажлис палаталарига Президент фармони моҳиятини кенг тарғиб қилиб, хусусийлаштириш жараёнларини ҳалол ва очиқ-ошкора ўтишида парламент назоратини ўрнатиш тавсия қилинди. Шу-

нингдек, хусусийлаштириш ҳамда давлат мулкани бошқаришга оид қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

29 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Яширин иқтисодий қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда бугунги модернизация жараёнлари, ислохот ва ўзгаришлар натижадорлиги мактаб таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани қайд этилди. Таълим соҳасидаги муаммолар, уларни ҳал этиш, таълим сифатини оширишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сонини қайта кўриб чиқиш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методика яратиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда педагог кадрлар ма-
лакасини ошириш масалаларига
алоҳида эътибор қаратилди. Ўқи-
тувчилар тоифасини белгилаш тар-
тибини ҳам тубдан қайта кўриб
чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Мақтабларда замонавий бошқа-
рувни жорий қилиш масалаларига
ҳам тўхталиб ўтилди.

Олий таълим соҳасида соғлом
рақобат муҳитини шакллантириш
ва қамровни ошириш, ҳар бир
худудда камида биттадан нодавлат
олий билим юрти ташкил қилиш
муҳимлиги қайд этилди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат
Мирзиёев Корея Республикаси
Президенти Мун Чже Иннинг так-
лифига биноан Сеул шаҳрида ви-
деоанжуман шаклида ўтган Шимо-
лий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи
халқаро форумида иштирок этди ва
нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу
видеоанжумандаги маърузаси мат-
буотда чоп этилди.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат
Мирзиёев «Соғлом турмуш тарзи-
ни кенг татбиқ этиш ва оммавий
спортни янада ривожлантириш чо-
ра-тадбирлари тўғрисида»ги фар-
монга имзо чекди.

* * *

3 ноябрь. Президент Шавкат
Мирзиёев мамлакатимизда гидро-
метеорология хизмати фаолиятини
такомиллаштириш бўйича устувор
вазифалар муҳокамаси юзасидан
йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда соҳада хизмат кўрса-
тишни босқичма-босқич тижоратлаш-
тириш юзасидан тақдимот ўтказилди.

Йиғилишда метеорология хизма-
тининг моддий-техник таъминотида-
ги камчиликлар атрофлича кўриб
чиқилди. Гидрометеорология хиз-
мати марказига келгуси йилда ҳар
бир вилоятда кўшимча агрометео-
рология постлари ташкил этиш
бўйича топшириқ берилди.

Соҳада илм-фанни ривожланти-
риш ва кадрлар салоҳиятини оши-
риш масалаларига ҳам эътибор
қаратилди.

* * *

4 ноябрь. Президент Шавкат
Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-
си давлат солиқ қўмитаси ҳузурида
фискал институтини ташкил этиш
тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 ноябрь. Президент Шавкат
Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси
Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига
биноан Шанхай шаҳрида «СПЕ –
2020» Импорт маҳсулотлари учин-
чи Хитой халқаро кўرғазмасининг
очилиш маросими иштирокчиларига
видеоалоқа орқали мурожаат йўл-
лади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу
маросимдаги нутқи матбуотда чоп
этилди.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат
Мирзиёев «Жамоат хавфсизлигини
таъминлашга доир қонун ҳужжат-
лари янада такомиллаштирилиши
муносабати билан Ўзбекистон Рес-
публикасининг айрим қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардаги тиббий хизмат тизими, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг вазифа ва функцияларини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини айтди.

Йиғилишда кадрлар масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Президент шифокорларга муносиб шароитлар яратиш орқали уларни энг қуий бўғин – қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникаларга жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Шифокорларга бўлган эҳтиёжларни маҳаллалар кесимида аниқлаб, тиббиёт олий ўқув юртларида квотани ошириш, ипотека асосида қурилаётган уй-жойларни, аввало, бирламчи бўғин шифокорлари учун ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб бу курашга 100 мингдан зиёд тиббиёт ходимлари сафарбар этилгани, улар ўзларини аямасдан, жонларини гаровга қўйиб, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатаётгани этироф этилди.

* * *

7 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига табрик йўллади.

* * *

10 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида ўтган мажлисда, шунингдек, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, Бош вазири Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди иштирок этдилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерриш саммит иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқ сўзлар экан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз тараққиётининг принципиал жиҳатдан янги босқичида турганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқчилик, ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш анъаналарини асраш ва қўпайтиришга чақирди.

Президентимиз томонидан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Саммит якунида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг Москва декларацияси қабул қилинди ҳамда ташкилот доирасидаги ўзаро манфаатли кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ташаббуси билан саммитда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги баёноти қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

10 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Видеоселектор йиғилишида белгиланган чора-тадбирларнинг Тахтакўпир, Бўзатов, Шуманай туманларидаги ижроси кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари янги корхоналар ташкил этиб, аҳолини иш билан таъминлаш, оилаларни камба-

ғалликдан олиб чиқишга кўмаклашиш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда Қорақалпоғистон туман ва шаҳарлари қиёфасини янгилаш, йўллар ва уй-жойлар қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Нукус шаҳрини реновация қилиш, замонавий инфрагузилма объектлари қуриш бўйича амалга оширилган ишлар кўриб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида сўз борар экан, қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларни тўлиқ рақамлаштириш, тиббий бригадалари ташкил этиб, аҳолини скрининг текширувларидан ўтказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Мактабларда дарсларни янги методика асосида ташкил этиш, педагогларни шу бўйича малакасини ошириш вазифаси қўйилди.

* * *

11 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Афғонистон Ислом Республикаси Миллий ярашув олий кенгаши Раиси Абдулла Абдуллани қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ҳамда Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон – Афғонистон муносабатларини ривожлантиришда эришилган суръатни катта мамнуният билан таъкидлади. Амалий ҳамкорликни кенгайтириш, савдо,

иктисодиёт, инвестициялар, транспорт ва логистика, энергетика, таълим ва бошқа муҳим йўналишларда устувор лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлар алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонда минтақавий аҳамиятдаги инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр экани таъкидланди.

Абдулла Абдулла самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик музокараларини бошлашга ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича фаолиятини бирлаштиришга хизмат қилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади.

Меҳмон Ўзбекистон томонидан кўрсатилаётган доимий кўмак учун миннатдорлик билдирди ҳамда мамлакатимизнинг Афғонистонни минтақавий савдо-иктисодий жараёнларга жалб этишга қўшаётган хиссасини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида минтақавий ва халқаро сиёсатнинг томонларни қизиқтирган масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

11 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат чоғида давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро манфаатли амалий ҳамкорлик «йўл харитаси»га кiritилган устувор тармоқлардаги иқтисодий кооперация лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Худудлар ва бизнес даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДХ ва ШХТ доирасидаги мулоқотни кенгайтириш бўйича фикр алмашдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

* * *

11 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерациясининг саккизинчи қурултойи иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

1–13 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятига борди.

Давлат раҳбари вилоятга сафарини Шаҳрисабз туманидаги «Oqsaroy Vortex» масъулияти чекланган жамиятда синтетик аралашмалар ип ва мато ишлаб чиқариш жараёни билан танишишдан бошлади.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида 2020–2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция режалари, пахта толасини қайта ишлаш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Давлат хизматлари маркази ва IT-технопарк фаолиятини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қашқадарёлик ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди. Учрашувда таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислохотларнинг аҳамияти, жойларда амалга ошириш чоралари ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида очилган Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасини бориб кўрди.

Шу ерда Шаҳрисабз, Фузур, Нишон ва Дехқонобод туманларини ривожлантиришнинг «ўсиш нуқталари» бўйича тақдимот ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари шу тизимда ишларни давом эттириб, ҳар бир ҳудуднинг «ўсиш нуқталари»ни ишга солиб, қўшимча маблағлар ҳисобидан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, уйлар, йўллар куриш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, шароитларни кўздан кечирди. Шу ерда қашқадарёлик ёшлар билан учрашув ўтказилди. Учрашувда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш,

бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича очиқ мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг иккинчи куни Қарши шаҳрида вилоят фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда мавжуд имкониятлар таҳлил қилиниб, Қашқадарёни комплекс ривожлантириш ва аҳолининг ҳаёт шароитини яхшилашга доир устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрининг Наво маҳалласида қурилаётган янги турар жойларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари уйларнинг қурилиш технологияси ва сифатига эътибор қаратди. Ёнғин хавфсизлигини, коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига сафари якунланди.

* * *

16 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев геология соҳасини модернизация қилиш, инвестициялар жалб этиш ҳамда геология-қидирув ишларини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда соҳанинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича кейинги даврдаги асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор

қаратилди. «ЎзгеорангметЛИТИ» институтига илғор тажрибага эга хорижий компания жалб қилиниши белгиланди.

* * *

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида суд ҳужжатлари ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда суд ҳужжатларини ижро этиш ҳолати туман ва шаҳарлар мисолида кўриб чиқилди. Қарздорликларни қисқартириш бўйича мамлакат даражасида алоҳида, вилоят ва туманлар миқёсида алоҳида тизимда иш олиб борилиши белгиланди.

Суд ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини ошириш бўйича Бош прокурор раҳбарлигида Республика кенгаши ва вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудий кенгашлар тузилиб, уларга вилоят прокурорлари ўринбосар этиб бириктирилиши белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида жойларда қишга тайёргарлик ишлари ҳам танқидий кўриб чиқилди.

* * *

17 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш соҳасига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини реконструкция қилиш ва кенгайтириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида бу ишларни ҳар томонлама чуқур ўйлаб лойиҳалаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шу асосда лойиҳа қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди. Унга кўра, катта масжид, тўртта минора ва кенг айвонлар қуриш, хиёбон, унинг атрофида меҳмонхоналар ҳамда бошқа инфратузилма объектлари барпо этиш кўзда тутилган.

Президентимиз тақдимот билан танишар экан, зиёратчи ва бошқа сайёҳлар учун қулайликларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

Тадбирда Ўзбекистон давлат санъат музейининг янги биноси лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси буюртмаси билан дунёга машҳур япон меъмори Тадао Андо томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ, музейнинг мавжуд биноси ёнида айлана шаклида 3 қаватли янги иншоот қад кўтариши кўзда тутилган.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу каби ишлар режалаштирилган. Хусусан, Термиз шаҳрининг Беруний кўчасида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, масжид, меҳмонхона, турар жойлар, маҳалла гузари ва кўплаб тадбиркорлик субъектлари жойлашган. Мазкур марказий кўчанинги янги лойиҳасига кўра, реконструкция ва қурилиш ишлари амалга оширилади. Денов

туманининг Нурли манзил ва Лочин маҳаллаларида энергиятежамкор кўп қаватли уйлар, ижтимоий муассасалар барпо этилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги Темурбеклар мактаби қурилишига доир тақдимот билан ҳам танишди ва зарур кўрсатмалар берди.

* * *

20 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Биринчи объект Яшнобод туманидаги Технопарк бўлди. Президент лифт ва эскалаторлар, форма ва қолиплар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совутиш тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари саноат кондиционерлари ва совутиш тармоқлари ишлаб чиқариш корхонаси фаолияти билан ҳам танишди.

Шу ерда Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва педагоглар билан мулоқот қилди. Учрашувда таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислохотларнинг аҳамияти, уларни қўйи тизимда амалга ошириш чоралари ҳақида суҳбатлашилди.

Давлатимиз раҳбари Мирзо Улуғбек туманидаги Республика

кўп тармоқли тиббиёт маркази қурилишини бориб кўрди.

Президент Қорақалпоғистон ва вилоятларда қуриладиган клиникаларни ушбу марказ билан боғлаш муҳимлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ташриф буюрди.

Президент янги бўлинмалар қурилишини кўздан кечирди. Бу шифохона илмий марказ эканига алоҳида урғу бериб, малакали хизмат қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги бунёдкорликлар билан танишиш жараёнида «Ўзбекфильм» киностудиясига ҳам ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар билан танишди.

Президентимиз шу ерда кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкентнинг Чилонзор туманини ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш масалалари муҳокамаси юзасидан маҳалла раислари, ёшлар, мутасаддилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, йўл ва коммунал тармоқларни таъмирлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларида янги ислохотларни жорий этиш, жиноятчиликни қисқартириш бўйича долзарб вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишга келган ёшларнинг фикрларини тинглади. Уларнинг барча таклифларини қўллаб-қувватлаб, ижроси бўйича

мутасаддиларга топшириқлар берди.

Пойтахт туманларида «лойиҳалар фабрикаси» ташкил этилиб, ёшларнинг бизнес ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

23 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид концепция тақдмоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари йўловчи ташиш хизматларидан аҳоли мутлақо норози эканини таъкидлади. Шу боис мавжуд инфратузилмани яхшилаб, жамоат транспорти ҳаракатининг тезлиги ва аҳоли учун қулайлигини таъминлаш вазифаси қўйилди. Жамоат транспорти тизимида янги бошқарув услубини жорий этиш, метрополитен, автосаройлар ва йўналишли такси корхоналарини бир-бирига боғлаш, ахборот технологиялари асосида уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш кераклиги таъкидланди.

Мутасаддиларга Тошкент шаҳар жамоат транспортини ягона тизим асосида тартибга солиш, молиялаштириш ва табақалашган тарифларни белгилаш бўйича вазифалар қўйилди. Тирбандлик кузатилаётган кўп қаторли йўлларнинг бир қисмини жамоат транспорти учун ажратиш, марказий кўчаларда паркоматлар ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, пиёдалар ва велосипедлар йўлакчаларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» жамиятини тўлиқ трансформация қилиш, Транспорт университети фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Жамоат транспорти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Тошкентдаги тажриба асосида бошқа шаҳарларда ҳам йўл-транспорт тизимини қайта кўриб чиқиб, марказий кўчаларни намунавий тарзда ўзгартириш, хусусан, Самарқандда жамоат транспортини оптималлаштириш, аҳоли ва туристлар учун қулай шароит яратиш вазифаси қўйилди.

* * *

23 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Касаба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Геном бўйича давлат рўйхатига олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги ҳамда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларининг асосий вазифаси ва зиммасига олган мажбурияти – янги иш ўринлари яратиб, эҳтиёжманд оилаларни «темир дафтар»дан чиқариш борасидаги ишлар натижадорлиги кўриб чиқилди.

Халқ банкига хотин-қизлар тадбиркорлиги учун лойиҳалар тайёрлаб, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишни ўргатиш топшириғи берилди. Бунда банк ходимлари аёллар билан мижозбай, маҳаллабай, туманбай бевосита ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тадбиркорларга ҳар томонлама кўмак бериш бўйича «бизнес-патронаж» тизимини йўлга қўйиш топширилди.

Йиғилишда жойларда инфратузилмани яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ўз ҳудудида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини тузиб, сўзсиз амалга ошириши кераклиги белгиланди. Бу борада намунавий лойиҳалар ишлаб чиқиб, молиялаштиришга кўмаклашиш учун тижорат банклари ҳудудларга бириктирилди. Барча туманлар кесимида аниқ вазифаларни ўз ичига олган ҳукумат қарори қабул қилиш вазифаси қўйилди.

* * *

25 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди. Тақдимотда мазкур лойиҳалар ижросининг бориши, бу борадаги

халқаро келишувлар натижалари юзасидан ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари уларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий ҳамкорлар ва инвесторлар билан ишларни жадаллаштириш кераклигини таъкидлади.

Хом ашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннархини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобатдошлигини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, электр тармоқларида йўқотишларни анча қисқартириш ва узилишларнинг олдини олиш, тармоқ корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида энергетика соҳасини рақамлаштириш ишларини тезлаштириш вазифасини қўйди.

* * *

25 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Жаҳон банкининг халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Доривор ўсимликларни

етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ҳар бир туман ва шаҳарнинг «ўсиш нукталари»га асосланиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни миқозбай ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Мутасаддиларга саноат паст даражада ривожланган туманлар учун қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш, мавжуд захираларни самарали ишга солиш вазифаси қўйилди.

«Темир дафтар»га киритилган оилаларни камбағалликдан чиқариш чоралари муҳокама қилинди. Кичик бизнесни ривожлантириш, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, автомобиль йўлларини таъмирлашга оид масалалар кўриб чиқилди. Ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ҳар бир инвестиция лойиҳасининг ҳолатини жойига чиқиб, танқидий таҳлил қилиш, му-

аммоларни самарали ҳал этиш вазифаси қўйилди.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

27 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев электротехника ва фармацевтика соҳаларида инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда электротехника тармоғининг драйвер йўналишларини аниқлаб олиш кераклиги қайд этилди, фармацевтика тармоғидаги лойиҳалар ижроси танқидий муҳокама қилинди, соҳалар ривожга оид муҳим вазифалар белгилаб берилди.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг декабрь ойида видеоанжуман шаклида ўтказилиши режалаштирилган давлатимиз раислигидаги МДХ саммитига тайёр-

гарлик кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари коронавирус пандемиясининг тарқалиши оқибатида келиб чиққан глобал инкироз шароитида ҳам икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар барқарор суръат билан ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Президентлар халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвонини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда жамоат транспортини ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Йиғилишда ҳар бир ҳудуддаги биттадан туман ва шаҳар мисолида муҳокама қилинди.

Президентимиз қишлоқдан туман марказигача ҳамда у ердан вилоят марказигача бўлган транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган автобусларнинг нархи хорижникига нисбатан юқори экани, шу боис

маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автобус ва микроавтобуслар нархини тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Транспорт университети фаолиятини соҳадаги ислоҳотлар билан узвий боғлаш, профессор-ўқитувчи ва талабаларни бу жараёнга кенг жалб этиш бўйича кўрсатма берилди.

Аҳоли талабидан келиб чиқиб, янги йўналишлар очиш, мавжудларини қайта кўриб чиқиш, автобус бекатларини реконструкция қилиш, бунга хусусий секторни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Бу борадаги чора-тадбирлар ижроси жойларга чиққан ҳолда ўрганиб борилиши, халқ депутатлари кенгашларида ҳар уч ойда транспорт тизими раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, аниқ вазифалар қўйилиши белгиланди. Соҳага оид қонунларнинг бугунги кун талабига жавоб бермайдиганларини такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

* * *

1 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Нурсултон Назарбоев ва қардош Қозоғистон халқини Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти куни билан самимий қутлади.

Элбошининг замонавий Қозоғистонни барпо этиш ва изчил ривожлантириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги тарихий роли, шунингдек, Марка-

зий Осиё минтақасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Икки мамлакат етакчилари Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш принципларига асосланган кўп қиррали муносабатларнинг бугунги даражасини юқори баҳоладилар.

Телефон орқали мулоқот чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчиларининг суҳбати ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

1 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистоннинг кўпмиллатли халқини давлат байрами – Биринчи Президент куни билан самимий қутлаб, тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Амалий ҳамкорликка оид қўшма лойиха ва дастурларни, аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро кун тартибидан, жумладан, шу ойда Ўзбе-

кистон Республикаси раислигида бўлиб ўтадиган МДХ саммитига тайёргарлик кўриш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Ҳамдўстлик ва бошқа минтақавий ҳамда глобал тузилмалар доирасидаги яқин мулоқотни давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Суҳбат сўнггида қардош мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўлланли ҳамкорликни ривожлантиришга икки томоннинг ҳам интилиши қатъий экани тасдиқланди.

* * *

1 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатларнинг жорий ҳолати ва истиқболлари, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида Президент Ашраф Ғани Афғонистоннинг кўп миллатли халқи номидан Ўзбекистон раҳбарига афғонлараро тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-

қувватлаётгани ҳамда ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, шу жумладан, коронавирусга қарши курашиш даврида амалий ёрдам кўрсатаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Президентлар икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик суръати ортиб бораётганини алоҳида мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот сўнгида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дўстлик, яхши кўшничлик ва кенг қўламли шериклик муносабатларини мустақкамлашга интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Дмитрий Козак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Олий даражадаги самарали мулоқот туфайли Ўзбекистон – Россия кўп қиррали ҳамкорлиги кейинги йилларда жадал суръат билан ривожланаётгани, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари мустақкамланиб бораётганини давлатимиз раҳбари катта мамнуният билан қайд этди.

Дмитрий Козак Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Россия Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Бўлажак икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги учрашувлар-

га тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу тадбирлар кун тартибини аниқ амалий мазмун билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, халқаро сиёсатнинг айрим жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармоқ ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар даражаси ўта паст, илм ва инновация масалалари бўйича масъул

проректорлар умуман ишламаётгани қайд этилди. Илм-фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш, илмий институтларга буюртмаларни шакллантириш бўйича долзарб йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Худудларда хусусий уруғчилик корхоналари ташкил этиш, чет элдан бозорбоп навларни олиб келиб, маҳаллий шароитларга мослаштирган ҳолда, уруғ брендлари яратиш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев энергетика тармоғидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратди.

Илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда Муборак, Шўртан ва Газли конларида йўлдош газлардан электр энергияси олиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Хорижий клиникалар билан ҳамкорликда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида жигар, буйрак, илик трансплантациясини, Республика кардиология марказида юрак билан боғлиқ инновацион амалиётларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Илм-фанни ишлаб чиқариш билан боғлаш учун технопарклар имкониятидан кенг фойдаланиш лозимлиги айтилиб, бу борада олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тегишли кўрсатмалар берилди.

* * *

3 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республика-

сининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 декабрь. Пойтахтимизнинг Янги ҳаёт туманида Тошкент металлургия заводи фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шундан сўнг Тошкент металлургия заводи фаолиятига старт берувчи рамзий тугма босилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент металлургия заводидаги технологик жараён билан танишди.

Давлатимиз раҳбари заводнинг шурумида ҳам бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Эсдалик учун дарахт кўчати экилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маросимдаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

4 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент металлургия заводининг очилишига бағишланган тантанали тадбирлар доирасида Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда устувор қўшма дастур ва лойиҳаларнинг бориши кўриб чиқилди, амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги режалар муҳокама қилинди.

* * *

5 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат томонидан тар-

тибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

7 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриғи йўллади.

* * *

9 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Танкидий руҳда ўтган йиғилишда коронавирус пандемияси шароитида ёндашувларни қайта кўриб чиқиб, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Келгуси йилдан халқаро авиақатновларни босқичма-

босқич тиклаш, янги рейсларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Миллий авиакомпанияда чипталар нархини арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари зиёрат туризмида тарғибот ва илмий ёндашув етишмаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчи-хоналари билан бирга бу борадаги ишларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Зиёрат туризми бўйича салоҳиятли давлатлар фуқаролари учун виза тизимини соддалаштиришга доир таклифлар билдирилди.

Йиғилишда аҳолини оммавий спортга кенг жалб қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Президентимиз жойларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусий спорт иншоотлари, воркаут, мини-футбол, бадминтон, стритбол майдонлари ва фитнес заллари барпо этишга тадбиркорларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шаклидаги йиғилишида иштирок этди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган тадбирда кенгашнинг Фахрий Раиси, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президен-

ти вазифасини бажарувчи Талант Мамитов ва Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян иштирок этди.

Саммит кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикасига ЕОИИ хузуридаги кузатувчи давлат мақомини бериш масаласи кўриб чиқилди, шунингдек, бирлашма доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Ўзбекистоннинг кузатувчи мақомини олиш тўғрисидаги мурожаати кўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдириб, ЕОИИнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётгани, ташкилотнинг хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик географияси кенг эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз иқтисодийларининг улкан салоҳиятидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиш, савдо муносабатларидаги тўсиқ ва ғовларни биргаликда бартараф этиш, ўзаро саъй-ҳаракатлар билан янги бозорларни шакллантиришга чақирди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида барча соҳаларда ўзаро шерикликни ривожлантириш мамлакатларимизнинг миллий манфаатларига жавоб бериши, тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳисобга олиш принцип-ларига асосланган бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг йиғилиши якунида ЕОИИ-га аъзо мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон Республикасига таш-

килот ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини бериш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди билан видеоанжуман шаклида учрашув ўтказди.

Саммит кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада кенгайтириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари ўрин олди. Шунингдек, жаҳондаги вазият ҳамда минтақавий ҳамкорлик истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

Бош вазир Нарендра Моди давлатимиз раҳбарини Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан самимий табриклаб, ушбу ютуқ мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг халқаро эътирофи эканини таъкидлади.

Музокаралар чоғида давлат етакчилари сиёсий соҳада тизимли, ишончга асосланган мулоқотни давом эттириш, жумладан, икки мамлакат ташқи сиёсат идораларининг мунтазам маслаҳатлашувларини ўтказиш ва улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ўрта муддатли дастурини қабул қилиш муҳимлигини қайд этдилар. Парламентлараро ҳамкорликни фаоллаштириш таклифи илгари сурилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларда асосий мақсад сифатида яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини

1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортиши учун қулай шароит яратиш, бу йўлдаги техник тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш борасида биргаликда ишлашга келишиб олинди.

Самарали транспорт йўлаклари ва логистика инфрагузилмасини шакллантириш, авиақатновларни тиклаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев ва Нарендра Моди, шунингдек, Андижон вилояти ва Гужарат штатининг муваффақиятли шериклиги мисолида ҳудудлараро алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар.

Саммит давомида хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хатарларга қарши курашишнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди. Яқиндан мувофиқлашув ва ахборот алмашинувини давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан тартибга солиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Саммит якуни билан томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикаси ўртасидаги яқин дўстлик ва мустаҳкам шериклик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилдилар.

Бундан ташқари, учрашув доирасида иқтисодиёт, инновациялар, молиявий-техник кўмак, божхона иши ва савдони техник тартибга солиш, кадрлар тайёрлаш ва қўшма илмий-тадқиқотлар ўтказишга доир қатор

икки томонлама хужжатлар имзоланди.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президентини Тоғли Қорабоғда ҳарбий ҳаракатлар якунлангани билан самимий табриклаб, биродар мамлакатнинг дўст халқига тинчлик ва равнақ тилади. Томонлар Жанубий Кавказнинг бутун ҳудудида хавфсизлик ва барқарорлик таъминланишига умид билдирдилар.

Сухбатда кўп қиррали Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Сухбат якунида Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари глобал ва минтақавий тузилмалар доирасидаги яқин мулоқотни қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар, шунингдек, бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчиси ва қардош туркман халқини ушбу мамлакат Бетарафлигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этиб,

тинчлик, фаровонлик, тараққиёт ва равнақ тилади.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани ва бугун улар жадал суръатда ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Савдо, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва транзит, ҳудудлараро ришталар ва гуманитар дастурлар каби муҳим соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Давлат раҳбарлари жаҳондаги вазият юзасидан фикр алмашдилар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги анъанавий яқин мулоқотларни ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиришга келишиб олдилар.

Президентлар минтақавий ҳамкорлик истиқболларига алоҳида тўхталдилар, шунингдек, бўлажак МДХ саммитига тайёргарликни муҳокама қилдилар.

* * *

11 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табрик йўллади.

* * *

12 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллабай тизимда йўлга қўйилган ислохотларнинг одамлар ҳаётидаги ифодасини кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш мақсадида Хоразм вилоятига ташриф буюрди.

Дастлаб давлат раҳбари Хонқа туманидаги инновацион иссиқхонани бориб кўрди. Иссиқхонада Нидерландиянинг «Kubo» компаниясида ишлаб чиқарилган «Ultra clima» ноу-хау технологияси келтириб ўрнатилган.

Шу ерда қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоги ўтказилди. Туманларни ихтисослаштириш, янги ерларни ўзлаштириш, ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманидаги «Yantex Invest» корхонасида газлама ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишди.

Президент янги корхонадаги тўқув жараёнини кўздан кечирди. Шу ерда Хоразм вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз ислохотларни энг қуйи бўғинга етказишда маҳалла-

нинг вазифалари нимадан иборат эканини маҳалла раислари туғул туман ҳокимлари ҳам яхши тушунмаслигини танқид қилди.

Мутасаддиларга ушбу тизимни ҳаётга татбиқ этиш, Давлат бошқаруви академияси томонидан маҳалла раисларини шу бўйича ўқитиш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳридаги технопаркка ташриф буюрди.

Бу ерда зарур муҳандислик-коммуникация тармоқлари мавжуд. «Oq oltin mega tekstil» масъулияти чекланган жамияти технопаркда амалга оширилган биринчи лойиҳа. Давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишди, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўздан кечирди, мутахассис ва тикувчилар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Хива шаҳри ва Гурлан тумани мисолида инфратузилмани яхшилаб, туризм ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Урганч шаҳридаги «UzXCMG» қўшма корхонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Президент қўшма корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди. Мутахассислар билан ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги тармоқларни ташкил этиш ва бунинг учун ҳамкор вазирликлар билан биргаликда замонавий техникаларни ишга тушириш борасидаги лойиҳалар ҳақида суҳбатлашди, зарур топшириқлар берилди.

Шу ерда ҳудуддаги турли ишлаб чиқарувчи корхоналар маҳсулотлари тақдимоти ўтказилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Урганч шаҳрида вилоят фаоллари ва тармоқлар мутасаддилари иштирокида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар танқидий кўриб чиқилди.

Президент йиғилишда хоразмлик ёшлар билан алоҳида суҳбатлашди. Ҳар бирини эшитиб, таклифлари бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Урганч шаҳрининг Хонқа кўчасида бунёд этилаётган янги уйлари бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари уйнинг шоурумини кириб кўрди. Мебеллар, муҳандислик тармоқларининг сифатига эътибор қаратди. Кўп қаватли уйларга малакали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Шу ерда Хоразмда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари, хусусан, Урганч шаҳрида янги уйлар, «Вinaгу» халқаро университети учун янги бино барпо этиш, автомобиль йўлларини таъмирлаш, кўприк қуриш, коммунал хизматларни яхшилаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

* * *

14 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қиш мавсумига тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мажлисда соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, энергия ресурслари таъминотини яхшилаш чоралари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари газ экспортини қисқартириб, аввало, аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш юзасидан кўрсатма берди. Жойларда табиий газ ва кўмир таъминотида ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилаётгани билан боғлиқ эътирозлар ҳам борлиги қайд этилди.

Йиғилишда яна бир долзарб масала – аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш вазифалари атрофича муҳокама қилинди. Нарх-навонинг ошиши кескин танқид қилинди. Бунинг олдини олиш бўйича қатор топшириқлар берилди.

* * *

17 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Худудларда муҳандис-

лик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди.

Саммит ишида Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Молдова Республикаси Президенти Игорь Додон, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчиси Талант Мамитов, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев ва Ҳамдўстлик Парламентлараро ассамблеяси кенгаши раиси Валентина Матвиенко иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси бу йил Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифани илк бор ўз зиммасига олганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор таклифларни илгари сурди.

Давлат раҳбарларининг нутқларида иқтисодиёт, транспорт, хавфсизлик, гуманитар соҳаларда алоқаларни чуқурлаштириш, МДХда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилди.

Саммит якунида Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, пандемия оқибатлари билан боғлиқ барча қийинчиликларга қарамай, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали Ҳамдўстлик янги воқеликка самарали мослашишга қодирлигини намойиш этди.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юқори даражага эришилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари саноат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни илгари суриш учун Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар.

Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол мулоқотларни давом эттиришга, бунда икки халқ таниқли санъат ва фан арбобларининг кенг иштирокида мамлакатларимизда қўшма тадбир ва форумлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентининг Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасида юқори даражадаги Ашхобод конференциясини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлади. Бўлажак тадбирда Ўзбекистон Республикасининг делегацияси иштирок этиши тўғрисида келишувга эришилди.

Суҳбат якунида Президентлар кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутлаб, мамлакатларимизнинг қардош халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

* * *

21 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенцияга (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июнда қабул қилинган ўзгартиришлар билан) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мулқдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев инвестициялар ва ташқи савдо соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари инвестициялар жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун аниқ, манзилли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

Бунда асосий драйвер соҳалар бўлган кимё, энергетика, машина-созлик, геология, электротехника, фармацевтика ва енгил саноат тармоқларига алоҳида эътибор қаратилади.

Мутасаддиларга экспорт шартномаларини тузиш, Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан экспортolni молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

25 декабрь. Пойтахтимиздаги мухташам «Нумо Агера» муз саройида Ўзбекистон ёшлари форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенаги аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, иқтидорли ёшлар жам бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ёшлари махсус студиялар орқали форумда онлайн иштирок этди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман билан барчани табриклади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу тантанали тадбирдаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 декабрь. Бу йилги пандемия келтирган қийин вазиятда ҳам мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади. Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи битказилган эди. Унинг яна бир муҳим бўғини – Сергели йўналиши ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу транспорт объектини бориб кўрди. Шу ерда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга поездда юриб, йўловчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Пойтахтимизда аҳоли зич яшайдиган Қорақамиш, Ибн Сино, Тошкент трактор заводи мавзеларида жамоат транспорти тизимини яхшилаш, автобус йўналишларини мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ер усти метроси тагидаги спорт майдончаси ҳам кўздан кечирилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сергели тумани Қипчоқ кўчасида қурилган кўприкни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари объектнинг сифати, шаҳарда транспорт тизимини яхшилашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Шу ерда Туркиянинг «Kalyon» компанияси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги автомобиль йўллари реконструкция қилиш, транспорт ва йўловчилар ҳаракати учун қулайликларни ошириш лойиҳалари муҳокама қилинди.

* * *

28 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармонларига мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Кўксарой қароргоҳида мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари мукофотланган барча ватандошларимизга табрик йўллади.

* * *

29 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз карантин талабларига риоя қилиб яшаган ва меҳнат қилган олижаноб халқимизга, ўта хавfli вирус билан кечаю кундуз мардона курашган жонкуяр шифокорларга, қийин дамда ёрдамга мухтож аҳолига қўмак берган тадбиркорлар, хорижий ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

Маълумки, Президентимиз тақлифи билан 2020 йил мамлакатимизда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинган эди.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини билимли ва бунёдкор ёшлар билан биргаликда барпо этиш, ана шу муҳим йўналишларда бошлаган ишларни давом эттириш ва янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида – 2021 йилга мамлакатимизда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб ном беришни тақлиф этди. Президентимизнинг ушбу тақлифи тадбир иштирокчилари томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Талант Мамитов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат чоғида Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам қатъий интилишлари ва бу борада биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттиришларини тасдиқладилар.

Телефон мулоқотлари ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлат раҳбарлари кириб келаётган янги 2021 йил муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамла-

катларимизнинг биродар халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Президентлар коронавируснинг глобал миқёсда тарқалиши ва жаҳон иқтисодиётига салбий таъсири билан боғлиқ мураккаб шароитда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва кўп қиррали шерикликни изчил ривожлантиришга эришилганини алоҳида таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг бутун салоҳиятини самарали ишга солиш ва кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш лозимлигини қайд этдилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди. 2021 йилги икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди, уларга пухта тайёргарлик кўриш бўйича биринчи галдаги чоралар белгилаб олинди.

* * *

31 декабрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги эълон қилинди.

2021 йил

11 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари аскарларнинг ўқув машғулотларини кўздан кечирди. Ҳарбий билим ва кўникмаларни мактаб давриданоқ тўғри йўлга қўйиш, ҳарбий билим юрглари билан ҳарбий округлар ўртасидаги алоқани кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев ҳарбий қисмдаги тиббиёт пунктини кириб кўрди. Бу ерда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Мудофаа вазирлигининг захираси сифатида ҳар бири 500 ўринли иккита мобил госпиталь ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбари «Фориш» тоғ полигоида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди.

Полигон ҳудудида қурилган объектлар ҳақида дастлаб жой макети орқали маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ҳарбийлар ётоқхонаси, сузиш хавзаси, спорт залидаги шайитлар билан танишди. Марказий ва Шарқий ҳарбий округларнинг регби бўйича терма жамоалари мусобақасини кузатди.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳарбий хизматчилар билан бир дастурхон атрофида самимий суҳбатлашди. Истеъдодли аскарлар бахшичилик санъатидан намуналар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари «Фориш» тоғ полигоида қўшинлар ихтиёридаги замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаларни кўздан кечирди.

Шундан сўнг Марказий ҳарбий округ қўшинларининг шартли душманни йўқ қилиш бўйича жанговар машғулотлари, ҳарбий муҳандислик амалиётлари намойиш қилинди.

Шу ерда шахсий таркиб билан мулоқот бўлди. Президентимиз кейинги йилларда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида мустақиллигимиз, ҳудудий дахлсизлигимизнинг ишончли қалқони бўлган миллий армиямиз йилдан-йилга такомиллашиб, аскар ва офицерларнинг билими, кучқудрати ва салоҳияти ошиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ҳарбийларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади.

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Тошкентга қайтиб келди.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Дастлаб 2021 йилда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳалари тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, оқилона жойлаштириш, саноат инфратузилмасини яхшилаш, кластер ва технопарклар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли, замон талабларига мос равишда амалга ошириш бўйича қатор топшириқлар берди.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасининг сайланган Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Садир Жапаровни бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси ҳамда Қирғизистон Конституциясига ўзгартиришлар киритиш бўйича референдумнинг муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Ўз навбатида, Садир Жапаров Ўзбекистон Президенти ва кўп миллатли халқига замонавий хатарларни енгиб ўтишда ва коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашишда қардош Қирғизистонга

кўрсатилаётган кўмак учун миннатдорлик билдирди.

Телефон мулоқоти чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон – Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш борасида аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Ҳукуматлараро комиссиялар ишини фаоллаштириш, шунингдек, ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича қатор тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Халқаро ташкилотлар ва минтақавий тузилмалар доирасида аниқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Олис ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига малакали мутахассисларни жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли

Кучлар академиясига ташриф бурди.

Давлат раҳбари ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ва у ерда яратилган таълим инфратузилмаси объектлари, шунингдек, Қуролли Кучларимизнинг замонавий қурол ва ҳарбий техника намуналари ҳамда миллий мудофаа саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан танишди.

Шундан сўнг Академияда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якуналари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларнинг раҳбар ва қўмондонлик таркиби, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада ошириш борасида амалга оширилган ишлар, Қуролли Кучларни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари багафсил сарҳисоб қилинди. Вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Мажлисда давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни ривожлантириш

ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу болада замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳарбий илмни ривожлантириш борасида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан ҳарбий можаролар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшинларнинг тайёргарлик усул ва услубларини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, биринчи навбатда, халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган янги Ўзбекистонни барпо этишнинг бош талаби эканини таъкидлади.

* * *

12 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 январь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси

Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимизнинг фахрийлари, барча юртдошларимизга байрам табриги йўллади.

* * *

13 январь. Президент Шавкат Мирзиёев машинасозлик тармоғини трансформация қилиш ва соҳада рақобатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур тармоқ мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи йўналишларидан бўлиб, бугунги кунда бир қатор компаниялар Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва инвестициялар олиб кириш истагини билдирмоқда. Шу боис, давлатимиз раҳбари локализация даражасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқарувчилар учун бир хил шароитлар жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Бунда, автомобилларни саноат усулида йиғиш, йилига 50–60 мингта ҳамёнбоп автомашина ва электромобиллар ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ислоҳ қилиш масаласи ҳам атрафлича муҳокама этилди. Тармоқда иқтисодий самардорликни ошириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича вазифалар белгиланди.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилган

нинг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди. Ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини йиғилганларни, барча ҳарбийларни, уларнинг оила аъзоларини байрам билан муборакбод этди.

Маросимда Фавкуллда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, божхона тизими ва ички ишлар органлари ходимлари иштирок этди.

Олий Бош Қўмондон йиғилганлар тимсолида бугун жойларда юксак давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча ҳарбий хизматчиларни самимий табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига сиҳат-саломатлик, зиммасидаги олижаноб вазифаларни самарали адо этишда улкан зафарлар тилади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ер участкаларини

ноқонуний олиб қўйганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳар марказидаги Ислом Каримов кўчасида Олий Мажлис Сенати учун ҳозирланаётган 6 қаватли бинонинг реконструкция ишларини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ишга туширилган «Gold Moon Tashkent» масъулияти чекланган жамиятга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириб, ходимлар билан мулоқот қилди.

Президентимиз республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказидаги қурилиш ишлари билан ҳам танишди.

Худудларда фаолият юритаётган шифокорларни ушбу марказда ўқитиб, малакасини ошириш, даволаниш учун моддий имконияти йўқ беморларни давлат химоясига олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Юнусобод туманидаги «Янгибоғ» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Шу ерда Юнусобод туманидаги маҳаллалар фаоллари билан мулоқот бўлди.

Кўп қаватли уйларга сифатли хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ташкил этиш, ички йўлларни таъмирлаш, маиший хизматларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманларининг ҳоким ва сектор раҳбарлари, Юнусобод тумани маҳалла раислари, ёшлар билан мулоқот қилди.

Йиғилишда маҳалла раислари ўз худудидаги муаммоларни баргараф этиш, шароитларни яхшилаш, янги корхоналар ташкил қилиш бўйича таклифларини айтди. Давлатимиз раҳбари бу бўйича тегишли мутаасдиларга топшириқлар берди.

* * *

18 январь. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш лозимлигини таъкидлаган эди. Шу боис Адлия вазирлигига қабул қилинган ҳужжатларни масъулларга етказиш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш бўйича янги ти-

зим жорий этиш вазифаси топширилган эди.

Президент хузурида ўтказилган йиғилишда амалдаги ҳолат таҳлили ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, самарали ижро тизимини йўлга қўйиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда 4 босқичли самарали ижро тизимини ташкил этиш чоралари муҳокама қилинди. Булар ижрони лойиҳа босқичида режалаштириш, ижрони ташкил этиш ва қўмаклашиш, ижрони баҳолаш, ижрони назорат қилишдир.

Президентимиз қабул қилинаётган ҳужжатлар халқ манфаатига қаратилганини, шунинг учун уларнинг мазмунини аҳолига етказиш зарурлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга жойларга чиқиб, қарорлар ижроси юзасидан манзилли ва тематик ўрганишлар ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

* * *

19 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда қайд этилганидек, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини танқидий ўрганиб чиқиб, фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги айtilди.

Президентимиз ушбу марказнинг «Маънавият тарғиботчиси» ўқув

муассасаси негизда Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этиш таклифини билдирди.

Бундан буён Республика Маънавият ва маърифат маркази барча ҳудудий кенгашларнинг, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириб бориши белгиланди.

Ҳудудлар марказида намунавий лойиҳа асосида маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш, маҳаллий бюджетлар ҳисобидан соҳага қўшимча штатлар ажратиш бўйича кўрсатма берилди.

Мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Ўзбек тилининг давлат тили мақомини кучайтириш, юртимизда ва хорижда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш мақсадида «Ижод» жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фонди ташкил этилиши қайд этилди.

Шу йилдан бошлаб маънавият ва маърифат соҳаси ихтисосликларини фанлар классификаторига киритиш, бу йўналиш бўйича етук кадрлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

20 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21–22 январь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига келди.

2020 йил 27 апрель куни Бухоро вилоятининг қатор туманлари табиий офатдан зарар кўрган эди. Бу галги сафар чоғида Президент бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари қамровини кўздан кечирди. Хусусан, Олот, Қорақўл, Жондор, Ромитан, Пешку ва Шофиркон туманларида 45 мингта уй, 204 та кўп қаватли турар жой таъмирланган. Мингдан ортиқ ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари, йўллар, электр, газ ва алоқа тармоқлари тикланган.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдим қилинди. Шунингдек, Олот ва унга қўшни туманларда амалга оширилиши режалаштирилган архитектура-қурилиш, хусусан, туман марказий кўчаларини реконструкция қилиш, аҳоли учун замонавий кўп қаватли уйлар қуриш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олот тумани марказида Олот, Қорақўл, Жондор ва Шофиркон туманлари фаоллари, маҳалла раислари билан учрашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро туманидаги «Бухоро Варнет» мажмуасининг янги имкониятлари билан танишди.

Шу ерда 2021 йил учун Бухоро вилоятида аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича тақдимот ўтказилди.

Бухородаги «ВСТ Cluster» пахта-тўқимачилик кластери Ўзбекистондаги қалдирғоч кластер ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари кластерга қаршли «Bukhara Cotton Textile» тўқимачилик корхонасига борди. Корхона ўзида пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашгача бўлган барча технологик занжирларни тўлиқ бирлаштирган.

Президент корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, тайёр маҳсулот намуналарини кўздан кечирди.

Шу ерда 2021–2022 йилларга мўлжалланган Бухоро вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ёшлар бандлигини таъминлаш режалари тақдимои ўтказилди.

Ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка ўқитиш, бизнеси ва хунармандчилигини очишга кўмаклашиб, бандлигини ошириш чоралари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги давлат хизматлари маркази ва IT-Parkни бориб кўрди.

Президентимиз бухоролик ёшларнинг салоҳиятини юксак баҳолаб, бу соҳа мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари IT-Parkдаги ёшлар билан эсдалик учун суратга тушди.

Президентимиз 22 январь куни эрта тонгда Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди. Ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

Бухоро шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда жойлардаги муаммо ва имкониятларни маҳалла даражасида ўрганиш, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

Сессияда инфратузилмани ривожлантириш, ичимлик суви ва оқова тармоғини яхшилаш, йўллар куриш ва таъмирлаш бўйича ҳам вазифалар белгиланди.

Президентимиз Бухоро шаҳрининг Низомий маҳалласида қурилган замонавий уйларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари халқимиз мана шундай замонавий шароитларда яшашга муносиб эканини таъкидлади.

Шу ерда Бухоро вилоятида автомобиль йўллари куриш ва таъмирлаш, эски кўп қаватли уйлар қиёфасини янгилаш режалари ҳақида ахборот берилди.

Шу билан Президентимизнинг Бухоро вилоятига сафари якунланди.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Холид ал-Фалих бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Саудия кўп қиррали муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Саудия компанияларининг инвестиция лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ва уларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритиши учун яратилган қулай шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Музокаралар чоғида амалий ҳамкорликнинг аниқ лойиҳалари муҳокама қилинди.

Энергетика, нефть-газ, газ-кимё ва кимё, саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, соғлиқни сақлаш, фармацевтика соҳалари ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик принципларини жорий қилиш асосида янги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

* * *

25 январь. Президент Шавкат Мирзиёев саноат ва логистика соҳаларига оид инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли амалга ошириш учун уларни экспертизадан ўтказиш бўйича топшириқ берди. Бу тизимни тармоқлар ва ҳудудлар кесимида ҳам татбиқ этиб, инвестиция лойиҳаларининг тайёрланиши ва бажарилишини баҳолаб бориш, қуйи бўғиндаги мутахассисларга

кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади.

* * *

26 январь. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, 2021 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти камида 5 фоиз ўсиши мақсад қилинган. Бирок, глобал иқтисодиётдаги ноаниқлик узоқ давом этиши мумкинлиги иқтисодий ўсишнинг қўшимча захираларини топиш ва сафарбар қилишни талаб этмоқда.

Шу боис Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги ҳолатни ўрганиш, «ўсиш нуқталари»ни аниқлаб, уларни ривожлантириш вазифасини қўймоқда.

Йиғилишда шу борадаги чоратадбирлар ва уларни амалга ошириш механизми муҳокама қилинди. Иқтисодий комплекс вакилларини маҳаллага тушириб, вертикал тизимни, барча органлар фаолиятини ўзаро мувофиқ йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда инвестиция лойиҳалари ижросига ҳам тўхталиб ўтилди. Жорий йилги Инвестиция дастури доирасида 1 минг 752 та объект учун қарийб 18 триллион сўм бюджет маблағлари ажратилган. Бу маблағлардан оқилона фойдаланиш, лойиҳа ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ва қурилишлар сифатини таъминлаш бўйича қатъий кўрсатмалар берилди.

* * *

27 январь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришдир. Йиғилишда шу пайтгача ишсиз аҳоли ва бўш иш ўринлари ўзаро уйғунликда кўриб чиқилмагани танқид қилинди.

Тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган ёшларнинг мини-технология ва ускуналар харид қилиши учун субсидия ажратиш, кредит олишда суғурта тўлови бўйича кўмаклашиш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қобилиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Муסיқа ва санъат мактаблари, маданият марказлари, музейлар қуриш ҳамда таъмирлаш орқали уларда ёшлар қамровини 30 фоизга етказиш мақсади белгиланди.

Йиғилишда ёшларнинг ижтимоий масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 129 та олий ўқув юртида 500 мингдан ортиқ талаба ўқиётгани, лекин улар ётоқхона билан етарлича таъминланмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга талабалар уйларини кўпайтириш бўйича топшириқ берилди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев «Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан видеонанжуман шаклида учрашув ўтказди.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик ришталарини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ўрин олди.

Олий, касб-ҳунар ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг жорий ва истиқболли дастурлари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ҳудудларида Жанубий Корея етакчи университетларининг филиаллари ва кадрларни профессионал тайёрлаш бўйича қўшма марказлар сони ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ва идоралари даражасида йўлга қўйилган самарали ишлар қайд этилди. Президентлар инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида ушбу мулоқотларни давом эттириш топшириғини бердилар.

Саммит чоғида глобал ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар дўстлик ва кенг кўламли шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

* * *

29 январь. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Марказ экспозициялари бўйича халқимиз фикрини ҳам ўрганиш, шу мақсадда танлов эълон қилиб, энг яхши гоё ва таклифларни акс эттириш зарурлиги таъкидланди.

UNESCO, ISESCO каби халқаро ташкилотлар, илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Марказ учун малакали гид-таржимонлар тайёрлаш, уларнинг мамлакатимизда ислом дини ёйилиши ва илм-фан ривожини бўйича ихтисослаштириш вазифаси қўйилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ислом цивилизацияси марказининг қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир йўлак ва хонага кириб, уларни пардозлаш ва жиҳозлашга оид лойиҳаларни кўрди. Марказнинг ички ва ташқи кўриниши, нақшлари юзасидан тавсиялар берилди. Хоналарни кўплаб сайёҳлар, делегациялар келиши, халқаро конференциялар ўтказилишини инобатга олиб

замонавий жиҳозлаш, экспозицияни турли ёшдаги инсонларга мос ҳолда тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда олимлар, зиёлилар, нурунийлар ва маҳалла раислари билан суҳбатлашди.

* * *

30 январь. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуд топган кун. Ҳар йили бу санани нишонлаш, марҳумни хотирлаш эзгу анъанага айланган.

Президент Шавкат Мирзиёев шу куни Тошкент шаҳридаги Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат кўрсатди.

Қуръон оятлари тиловат қилинди. Ислом Каримовнинг эзгу ишлари, олижаноб инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Ислом Каримов туғилиб ўсган ва мангу ором топган Самарқанд шаҳрида ҳам халқимизнинг буюк фарзанди таваллуд куни кенг нишонланди.

Қарши шаҳрида ҳам буюк Йўлбошчимиз ҳайкали пойи гулларга бурканди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Биринчи Президентимиз таваллуд кунига бағишланган маданий-маърифий тадбирлар, хотира кечалари ўтказилди.

* * *

1 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев инвестиция соҳасига доир аввалги топшириқлар ижроси ва янги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар аввало иш ўринлари яратиш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиши кераклигини таъкидлади.

Иқтисодий комплекс идоралари ишни маҳаллалар даражасида ташкил этиши, тижорат банклари жойларда юқори самарали лойиҳаларни амалга ошириб, айниқса, ёш тадбиркорларга кенг йўл бериши кераклиги қайд этилди.

Тақдимогда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманида ташкил этилган саноат зонаси ҳудудида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш режалари ҳам таништирилди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикасининг делегацияси – мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ҳаниф Атмар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргарни қабул қилди.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Афғонистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама муносабатларнинг бугунги суръатини сақлаб қолиш ва аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Тошкент шаҳрида етакчи халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокида ўтган Трансафғон те-

мир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳ биринчи йиғилишининг самарали яқунлари юксак баҳоланди.

Учрашувда томонлар ушбу лойиҳани тез фурсатда тайёрлаш ва амалга оширишни бошлаш, қабул қилинган «йўл харита»си асосида хорижий ҳамкорлар ва салоҳиятли инвесторларни фаол жалб қилиш муҳим эканини таъкидладилар.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Абдул Раззоқ Довуд Ўзбекистон Президентига учрашув ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдирди ҳамда Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг саломи ва эзгу тилақларини етказди.

Маслаҳатчи Афғонистон ҳудуди орқали Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл билан боғлайдиган, Покистоннинг денгиз портларига чиқишни ва уларнинг инфратузилмаси самарали ишга солинишини таъминлайдиган темир йўл қуриш лойиҳасини илгари суриш тўғрисидаги ташаббус Покистонда юксак баҳоланиб, қўллаб-қувватланаётганини қайд этди.

Автомобиль ва ҳаво транспортда юк ташишларни ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқиш,

преференциал савдо тўғрисидаги битимни тайёрлаш, божхона иши соҳасида тажриба алмашиш, ишбилармонлар ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш ва ишбилармонлик тадбирларини ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашди.

Очиқ мулоқот чоғида партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари, бугунги кунда улар олдида турган асосий вазифалар ҳақида агрофлича фикр алмашилди.

Давлат ва жамият ҳаётига доир кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг ўрни катталиги таъкидланди.

Учрашувда ижтимоий соҳалар, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Сиёсий партиялар ўз депутатлари орқали жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиши, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериши, айниқса, таъсирчан Парламент ва жамоатчилик назоратини олиб бориши муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот жараёнида сиёсий партиялар фаолияти бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикр-

мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди.

* * *

2 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

3 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Алишер Навоий но-

мидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4–5 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига келди.

Биринчи манзил – Олтиариқ туманидаги «Файзли боғлар сари» узумчилик кооперацияси бўлди.

Шу ерда Фарғона вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан жонли мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Риштон туманида қурилган Халқаро кулолчилик марказида Ўзбекистон халқ устаси Алишер Назиров устахонасида бўлди. Кўргазмага қўйилган кулолчилик буюмларини кўздан кечирди.

Президент таниқли кулоллар Музаффар Саидов ва Шарофиддин Юсупов хонадонига ҳам кириб, улар билан самимий суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Хўжа Рушноий мақбарасини зиёрат қилди.

Шу ерда вилоятда «маҳаллабай» тизими асосида ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Бағдод тумани мисолида уч бўғинли «маҳаллабай» ишлаш тизими тақдимот қилинди.

Президент ушбу тизимни бутун мамлакатимизга жорий этиш бўйича

топшириқ берди. Ўз уйида тикувчилик цехи очиб, маҳалла хотин-қизларини иш билан таъминлаган учқўприклик аёллар, нодавлат ўқув марказлари раҳбарлари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона туманининг Лоғон қишлоғида эркаклар, аёллар ва болалар пойабзаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Vodiy-Shoes» масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди.

Президент шу ердаги тўқимачилик корхонасини ҳам кириб кўрди.

Давлатимиз раҳбари хомашёни қайта ишлашни янада кенгайтириб, тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш, энг муҳими, бозор топиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Фарғона вилоятида 2021–2022 йилларда амалга оширилладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 майда Фарғона вилоятида бўлганида тошдан қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳаси тақдимот қилинган эди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа Фарғона шаҳрида «Fergana stone paper» корхонаси бўлиб амалга ошди.

Хитойдан ноёб технология олиб келиниб, йилига 9 минг тонна қоғоз тайёрлаш қувватига эга бўлди. Президент ташрифи арафасида ушбу корхона синов режимида ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари иш жараёнини, қоғоз сифатини кўрди.

Президентимиз Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

Ташрифнинг иккинчи куни Фарғона шаҳрида халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Халқ депутатлари сессиясидан сўнг Президент кутилмаганда Фарғона шаҳридаги «Шодиёна» маҳалласига борди. Маҳалла ора-лаб юриб, аҳоли билан учрашди.

Кутилмаган ташрифдан хурсанд бўлган одамлар давлатимиз раҳбарига сихат-саломатлик, халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Соҳибкирон Амир Темура кўчаси бўйлаб юрилиб, уй-жойлар, савдо шохобчалари кўздан кечирилди.

Шавкат Мирзиёев маҳалла идорасига кириб, маҳалла раиси ва маслаҳатчилар билан суҳбатлашди. Аҳолининг яшаш шароити, ҳудуддаги муаммоларни сўради. Уларни ҳал этиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳри Мустақиллик мавзесида бунёд этилган 2 та 16 қаватли янги турар жойни кўздан кечирди. Ёнғин хавфсизлигини, коммунал хизматлар барқарорлигини таъминлаш бўйича мутасаддиларга қўшимча кўрсатмалар берди.

Шу ерда Фарғона шаҳар Мустақиллик массивидаги кўп қаватли уйларнинг ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини қуриш, 20 хонадонга мўлжалланган 5 қаватли 1 подъездли уйлар қуриш каби қатор лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона тумани Илғор маҳалласига бориб, ички йўлларни арзон қуришга оид андозаларни кўздан кечирди.

Президент бу ишланмаларни қўллаб-қувватлаб, уларни муҳандислик жиҳатидан такомиллаштириш, хомашё захиралари ва зарур техникаларни аниқ ҳисоб-китоб қилиб, энг маъқулини танлаш кераклигини таъкидлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи яқунланди.

* * *

8 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Андижон ва Тошкент вилоятларидаги инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг истиқболлари, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари юзасидан маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни иш ўринларига талаб юкори бўлган маҳаллаларда жойлаштириш, давлатхусусий шериклик асосидаги корхоналарни кўпайтириб, бандликни ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Президент саноатга илм ва инновацияларни фаол жалб этиш, махсулотлар сифатига алоҳида эътибор қаратиб, харидоргирлигини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Тошкент вилоятининг транспорт ва туризм салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

8 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини янада ривож-

лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

8 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қорақўлчилик тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастури ижросини самарали

ташқил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Видеоселектор йиғилишида Давлат дастуридаги иккита катта йўналиш – иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳаларга оид вазифалар ҳақида сўз борди.

* * *

10 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Фани билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Ашраф Фани давлатимиз раҳбарига Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу мамлакат иқтисодиётини тиклаш масалаларида кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун биродар Афғонистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ҳамда етакчи халқаро молиявий институтларнинг юқори даражадаги вакиллари иштирокида ўтган Трансафғон транспорт йўлагини қуриш лойиҳасини илгари суриш бўйича уч томонлама ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши муваффақиятли бўлганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ушбу лойиҳани амалга оширишни, жумладан, техник ҳужжатларни тайёрлашни ва қурилиш ишларини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, кўп қиррали Ўзбекистон – Афғонистон муносабатларини, жумладан, нефть-газ тармоғи, таълим соҳаси, техник ихти-

сосликлар бўйича малакали афғонистонлик кадрларни тайёрлаш борасида кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб жорий йил март ойида Хирот шаҳрида ўтказиладиган байрам тадбирларида Ўзбекистон делегацияси иштирок этиши юзасидан келишувга эришилди.

Бўлажак олий ва юқори даражадаги тадбирлар ва мулоқотлар режаси юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президентлар «Йўл харитаси» ва устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиш ва самарали илгари суриш мақсадида қўшма ҳукумат гуруҳини шакллантириш топширигини бердилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очиқ, конструктив ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

10 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташқил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

10 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқлар дўстлиги ку-

нини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанднинг туризм салоҳиятини, шу жумладан, зиёрат туризмни ривожлантиришга доир тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари тақдимот билан танишиб, транспорт, йўл ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш, Самарқанд шаҳрини ободонлаштириш, савдо ва хизматларни кенгайтириш бўйича топшириқлар берди.

* * *

11 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасига ташриф буюрди.

Дастлаб бош бошқарманинг ахборот мультимедиа маркази фаолияти билан танишиб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари бундай ахборот маркази ҳар бир бошқармада бўлиши кераклигини, тизимдаги ўзгаришларни халққа етказиб, аҳолининг огоҳлигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

Президент Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси тизимида фойдаланилаётган махсус техника ва воситаларни кўздан кечирди. Ташриф чоғида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг шон-шараф музейи очилди, давлатимиз раҳбари уни кириб кўрди.

Шу ерда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни жиловлаш ишларини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш, профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича янги тизим лойиҳаси тақдимот қилинди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида иштирок этди.

Йиғилишда ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги ишлари танқидий муҳокама қилинди.

Тартиб-интизом, қонунларга ҳурмат, аҳолининг осойишталиги, энг аввало, маҳаллада тўғри йўлга қўйилиши зарурлиги таъкидланди.

Ички ишлар идораларининг барча бўғинида қоғозбозлик ва бюрократияни кескин камайтириб, иш юритишни рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Соҳа учун профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, профилактика инспекторлари ва терговчиларнинг билимини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

15 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг салоҳияти бундан анча катта эканини, кўплаб йирик лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Тўқимачиликда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги ўзлаштирилаётган ерларда талаб юқори мева-сабзавотлар етиш-

тириб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ерости маъданларини ўзлаштиришга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

17 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18–19 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги лойиҳалари, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш, маҳаллалардаги шароитни ўрганиш мақсадида Наманган вилоятига борди.

Ташриф дастурига мувофиқ илк манзил Янгиқўрғон тумани бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили июнь ойида вилоятда бўлганида Косонсой, Чортоқ, Янгиқўрғон туманларини боғдорчиликка ихтисослаштириш яхши самара беришини айтган эди. Шунга мувофиқ, ушбу тоғли туманларда замонавий боғ ва токзорлар ташкил этилмоқда.

Улардан бири – Янгиқўрғондаги «Sura General Investments» масъулияти чекланган жамиятининг боғи. Бу ерда Бирлашган Араб Амирликларининг 3 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияси ҳисобига 103 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилди. Италиядан кўчат олиб келиниб, 48 гектарга гилос, 26 гектарга ўрик, 22 гектарга шафтоли, 7 гектарга олхўри экилди.

Президентимиз боғнинг иқтисодий самарадорлиги билан қизиқди. Бу ерда мева ҳосилдорлиги оддий усулдагига нисбатан 3 марта юқори.

Давлатимиз раҳбари ёш деҳқонлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз интенсив боғ инвестори билан мулоқотда бўлди.

Шу ерда Наманган вилоятида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Чуст туманидаги «Chust textile» хусусий корхонасини бориб кўрди. Фабриканинг иккита мажмуасида 1 минг 300 киши меҳнат қилмоқда.

Президент корхонадаги иш жараёнини, тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Шу ерда Наманган вилоятида амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари тақдироти бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳридаги «Даштбоғ» кичик саноат зонасида бўлди.

Даштбоғдаги мажмуа яқинда ташкил этилганига қарамай, корхоналар бирин-кетин ишга туша бошлади. Масалан, «Dream liner tekstil» масъулияти чекланган жамиятида маҳсус кийимлар ва эркаклар кўйлаги тикиш йўлга қўйилди. Бу ерда маҳаллий аҳоли вакилларида 120 нафари ишламоқда.

Шавкат Мирзиёев улар билан мулоқотда бўлди.

Шу ерда Наманган вилоятида йўл, транспорт, қурилиш ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари

Ахсикент ёдгорлигини очик осмон остидаги музейга айлантириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

Президент «Даштбоғ» кичик саноат зонасидаги корхоналарни кўрганидан кейин, маҳалладаги шароитларни кўздан кечирди.

Нуронийлар маҳалла тизимида эътибор натижасини ўз ҳаётлари мисолида сўзлаб берди. Ижтимоий муаммолар ҳал бўлиб, турмуш шароити яхшиланаётганини айтди.

«Даштбоғ» маҳалласи идораси, Давлат хизматлари маркази филиали кўздан кечирилди.

Президент Наманган шаҳридаги «Art soft holding» ширкатининг илмий-амалий малака ошириш маркази ҳамда «Ишга марҳамат» мономаркази фаолияти билан танишди.

Президентимиз марказда яратилган шароитлар билан танишди, мураббийлар, касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Мономарказда Наманган вилоятида «маҳаллабай» ишлаш тизими ташкил этиш юзасидан тақдирот ўтказилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Наманган шаҳрида халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш биринчи муҳим вазифа эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан алоҳида суҳбатлашди. Улар айтган таклифларни, бизнес-режаларини кўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясидан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрининг «Бунёдкор» маҳалласини бориб кўрди.

Давлат раҳбари маҳалла раиси ва маслаҳатчиси билан мулоқотда бўлиб, мутасаддиларга зарур муҳандислик тармоқларини тортиб, маҳалладаги шароитларни яхшилаш бўйича кўрсатма берди.

Президент Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида бўлди. Шароитларни кўздан кечириб, бу ерда тарбияланаётган болалар билан суҳбатлашди.

Президент «Саховат» уйини ҳам бориб кўрди. Унинг биноси 1982 йилда қурилган.

Нуронийлар юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига сафари якунига етди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида иштирок этди.

Кенгашга 47 давлат аъзо. Қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари, юқори даражадаги вакиллар қатнашган анжуман иштирокчилари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга сўз берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг демократик янги-ланишлар жараёнини янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари, мамлакатимиз томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан ҳамкорликда бажарилиши режалаштирилган бир қатор долзарб масалаларга эътибор қаратди. Жумладан, Ўзбекистонда мажбурий меҳнат, айниқса, болалар меҳнати билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида амалга оширилган, халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилган ишларга алоҳида тўхталди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятида ҳамда гидроэнергетика тармоғида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли, илмий ёндашган ҳолда амалга ошириш, замонавий технологияларни жалб этиб, қўшимча қиймат яратиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспортга йўналтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Тақдиротда соҳани трансформация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президент лойиҳаларни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, сифат жиҳатидан такомиллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Заргарлик саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида жорий йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда экинларни ҳар бир туманнинг ўзига хослиги, маҳаллаларда тарихан шакланган дех-

қончилик кўникмалари, сув таъминотидан келиб чиқиб жойлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Лалми ва яйлов ерларни фойдаланишга киритиш, бу орқали доимий ва мавсумий иш ўринлари яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари соҳада илмфан ва ахборот технологияларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Видеоселектор йиғилишида сувдан тежаб фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Сув хўжалиги вазирлигига 3 мингдан зиёд насосларни таъмирлаш ва янгилаш, насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфини «онлайн» мониторинг қилиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди.

* * *

24 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021–2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амал-

га ошириладиган бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоги билан танишди.

Улардан бири – Тошкент вилоятининг Қибрай туманида, «Тошкент-Шарқий» аэродроми яқинида 155 гектарлик боғ барпо этиш лойиҳаси. Уни ишлаб чиқишда дунё мегаполисларидаги машҳур паркларнинг ландшафти, қулайликлари ўрганилган. Бу боғ фақат дарахтзор, бута ва гуллардан иборат ўзига хос дендропарк бўлиши кўзда тутилган. Бу пойтахтимиз экологиясига катта таъсир кўрсатадиган, аҳоли ва меҳмонлар сайр қиладиган «яшил худуд» бўлади.

Мазкур боғнинг ёнида Олимпия шаҳарчаси қурилиши режалаштирилмоқда. Маълумки, Осиё Олимпия кенгашининг қарорига кўра, 2025 йилда Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинлари Тошкентда ўтказилади. Унда қитъамиздаги 45 та мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича баҳслашади.

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба ўтказилади. Давлатимиз раҳбари бу мамлакатимизга кўрсатилган катта ишонч эканини, ушбу мусобақага ҳозирдан бошлаб пухта тайёргарлик кўриш кераклигини таъкидлади.

Шу мақсадда 160 гектар майдонда Олимпия шаҳарчаси қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Чирчиқ дарёсининг 5 километрдан зиёд қисмида қирғоқларни тартибга келтириб, эшкак эшиш бўйича мусобақалар учун зарур шароит яратиш мўлжалланган. Унинг бўйларида эса 270 гектарлик парк барпо этилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Қибрай туманининг ушбу ҳудудида 2 та университет, шифохона, экспо, савдо ва кўнгилочар марказ бинолари жойлаштирилиши назарда тутилмоқда.

Президент лойиҳаларни сифат ва қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш, иншоотларни қуришда жаҳондаги энг илғор тажрибаларни қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

25 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Туркия Президентини таваллуд кунни билан самимий табриклаб, унга мустақкам соғлиқ ва катта муваффақиятлар ҳамда биродар турк халқига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади. Президент Эрдоғаннинг замонавий Туркиянинг барқарор тараққиётини таъминлаш, халқаро майдонда мамлакат нуфузини оширишдаги роли алоҳида қайд этилди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Савдо, саноат, энергетика, инфраструктура, транспорт, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги қўшма лойиҳалар, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларининг ижроси кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари таълим, кинематография, маданият ва туризм соҳаларида қатор аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш муҳим эканини таъкидладилар.

Шунингдек, бўлажак олий ва юқори даражадаги икки ва кўп томонлама тадбир ва мулоқотлар режаси муҳокама қилинди, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг бўлажак саммитига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди.

* * *

26 февраль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда аёлларни иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга тиббий ва психологик ёрдам қамровини кенгайтириш, оилавий ажралишларнинг олдини олиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарларига «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш, тикувчилик, ҳунармандчилик, касаначилик, паррандачилик ва экин майдонларидан ер ажратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенгайтириш, жисмоний тарбия ва рақс тўғаракларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Аёлларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини, санаторийларда даволанишини ташкиллаштириш юзасидан кўрсатма берилди.

Ёлғиз аёлларнинг фарзандларини мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш ва тўловларини қоплаш борасида ҳам енгилликлар бериладиган бўлди.

Видеоселектор йиғилишида хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш бўйича қўшимча чоралар белгиланди.

* * *

1 март. Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё вилоятининг инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Президент лойиҳалар ижросида сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни

кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди. Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳрига яқинлиги, темир йўл инфратузилмасидан фойдаланиб, логистикани ривожлантириш, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Сума Чакрабартини қабул қилди.

Учрашувда маслаҳатчи Чакрабартининг Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсиялари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари «йўл харитаси» ва устувор йўналишлар бўйича бошқа муҳим концептуал хужжатларни биргаликда пухта тайёрлашни давом эттириш ва кейинчалик уларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, давлат улуши мавжуд корхоналарни трансформация қилиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Эслатиб ўтамиз, Сума Чакрабарти Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси этиб тайинланишидан аввал саккиз йил давомида Европа

тикланиш ва тараққиёт банки президенти лавозимида фаолият юритган.

* * *

2 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент аҳолининг барча қатламларини уй-жой билан таъминлаш, бу борада танлаш имкониятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда қурилиш ишларининг молиявий манбалари ҳам кўриб чиқилди.

Фуқароларга яқка тартибда уй қуриш ва реконструкция қилиш учун ҳам кредит ажратилиши белгиланди.

Йиғилишда офир турмуш шароитидаги оилаларни ижтимоий ижара асосида уй билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бунинг учун худудларга мингта квартира сотиб олиш учун маблағ ажратилиши қайд этилди.

Мутасаддиларга бу борадаги тартибни ишлаб чиқиш ва энг муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш сифати масаласига алоҳида эътибор

қаратди. Хар бир лойиха ипотека веб-порталига жойлаштирилиши ва барча учун очик эълон қилиниши, уйларнинг бўлажак эгаси сифатни назорат қилиш имконига эга бўлиши кераклиги таъкидланди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – БАА ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция ва молия соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида иккала томоннинг фаол саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қайд этди.

Вазир Суҳайл ал-Мазруий давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Халифа Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва БАА Бош вазири, Дубай амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди, шунингдек, мамлакатимизда БАА инвесторларининг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Суҳбатда хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, Амирликлар бозори ва

учинчи мамлакатларга етказиш бўйича агросаноат тармоғида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Муқобил энергиядан фойдаланиш соҳасида, энергетика ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини модернизация қилиш, замонавий меҳмонхона мажмуаларини барпо этиш бўйича йирик лойиҳаларни фаол ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттиришга, шунингдек, янги ишбилармонлик ташаббуслари доирасида инвестициялар портфелини кенгайтириш ва молиявий-техник кўмак дастурларини рўёбга чиқаришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, таълим соҳасида самарали ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг етакчи ташкилотлари иштирокида бошқарув соҳасида миллий кадрларни тайёрлаш муҳим экани таъкидланди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан

қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) видеоанжуман шаклида ўтган 14-саммити ишида иштирок этди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған раислигида ўтган тадбирда Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Эрон Президенти Ҳасан Рухоний, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Покистон Бош вазири Имрон Хон, шунингдек, ИХТ бош котиби Ҳади Сулаймонпур, минтақавий тузилмалар раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Саммит кун тартибига мувофиқ COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ушбу нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳудуди – бу тарихи, дини, маданияти ва қадриятлари муштарак, улкан салохиятга эга бўлган минтақа эканини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

4 март. Президент Шавкат Мирзиёев «2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

5 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 март. 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида ташкил этилган тантанали тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан муборакбод этиб нутқ сўзлади.

Президент хотин-қизларнинг барча соҳалардаги фаоллиги, айниқса, пандемия шароитида аҳоли саломатлигини асраш ва болаларни ўқитишдаги фидойилигини алоҳида таъкидлади.

Давлат раҳбарининг нутқи халқимизга, айниқса, ёш йигит-қизларга мурожаат, даъват ҳам бўлди.

Президент қарорига кўра, йигирма саккиз нафар фаол қиз Зулфия

номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди.

Тантанали байрам тадбирида ушбу юксак мукофотлар ўз эгаларига топширилди.

Шунингдек, жойларда ўзининг касб соҳасида катта натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб келаётган 297 нафар опа-сингилларга «Мўътабар аёл» кўкрак нишонлари берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мўътабар оналар, опа-сингилларимиз, дилбар қизларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш нафақат вазифа, балки инсоний бурч эканини алоҳида таъкидлади.

Шу кун Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатини бориб кўрди. Ётоқхона ва даволаш хоналарида яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари муассасада яшаётган фахрийлар билан суҳбатлашди.

Видеоконференция тарзида ўтган учрашувда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, ижтимоий муассасалар раҳбарлари ҳам иштирок этди. Мамлакатимиздаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларидаги шароитларни, тиббий-ижтимоий хизматларни яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

9 март. Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Туркия кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва уни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётганини мамнуният билан қайд этди.

Ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғли самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг саломи ва самимий тилаklarини етказди.

Суҳбат чоғида ўтган йил февраль ойида Анқара шаҳрида бўлиб ўтган Стратегик ҳамкорлик кенгашининг давлат раҳбарлари даражасидаги биринчи йиғилишида эришилган келишувларни амалга ошириш ҳамда навбатдаги саммитни мамлакатимизда ўтказишга тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида мамлакатимизда янги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Фаол ҳудудлараро мулоқотни ривожлантириш, қўшма таълим ва маданий-гуманитар дастурларни илгари суришдан иккала мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Халқаро сиёсат ва минтақавий шериклик, жумладан, Иқтисодий

хамкорлик ташкилоти ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

* * *

9 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Тақдимотда, аввало, Президентнинг «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида муҳандислик ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш, маҳалла ва овулларда турмуш шароитларини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий тажрибани татбиқ этган ҳолда, насли чорвачилик ва балиқчиликни ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Ресурсларни тўла ишга солиб, қайта ишлашни чуқурлаштириш, аҳолига доимий даромад манбаи яратиш чора-тадбирлари юзасидан кўрсатмалар берди.

* * *

11 март. Президент Шавкат Мирзиёев ва Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳённинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Абу-Даби валиаҳдини тавал-

луд куни билан самимий муборакбод этиб, дўст Амирликлар халқига фаровонлик, муваффақиятлар ва раванқ тилади.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига амалга оширилган олий даражадаги ташрифда эришилган келишувларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, молия, инфратузилма йўналишларида йирик қўшма лойиҳаларни, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги қатор муҳим дастурларни амалга оширишни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

11 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш ҳамда замонавий бешкураш ва поло спорт турини оммалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

11–12 март. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Кўксарой қароргоҳида олий даражадаги Ўзбекистон – Қирғизистон

саммитининг асосий тадбирлари ўтказилди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг тор доирадаги музокараси бўлиб ўтди.

Очиқ ва дўстона руҳда ўтган учрашувда давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолатини юқори баҳолади. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва транспорт соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг кенг кўламли масалаларини муҳокама қилди.

Президентлар икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустақкамлаб бориш, аввал қабул қилинган ҳужжатларни амалга ошириш йўлида қатъий эканини тасдиқлади. Барча соҳалардаги ҳамкорликни изчил кенгайтириш учун олий ва юқори даражадаги сиёсий мулоқотни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

Марказий Осиёга тегишли барча масалалар минтақа давлатларининг ўзи томонидан, ўзаро фойда ва манфаатларни ҳурмат қилиш тамойили асосида ҳал этилиши муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича ҳам яқдил фикр билдирилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш стратегик шерикликнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади. Савдо айланмасини диверсификация қилиш ва номенклатурасини кенгайтириш орқали келгуси йилларда унинг ҳажмини икки баробар кўпайтириш имконияти борлиги қайд этилди.

Учрашувда ҳудудлараро ҳамкорликни яна фаоллаштириб, эришилган келишувлар ижросини таъминлаш, чегараолди вилоятларни комплекс ривожлантириш, давлат чегарасидан ўтказиш пунктларида аҳоли учун қулай шароитлар яратиш зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Марказий Осиёдаги сув-энергетика ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади. Бу йўналишдаги ҳамкорликнинг узоқ муддатли барқарор механизмларини ишлаб чиқишга келишилди. Ўзбекистон Қирғизистонда гидроэнергетика лойиҳаларини амалга оширишда қатнашишга тайёрлигини билдирди.

Учрашувда халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро англашувни мустақкамлашнинг муҳим омили бўлган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Фан, таълим, маданият, спорт ва туризм каби соҳаларда ҳамкорликни

ривожлантириш бўйича яқдил фикр билдирилди. Давлат раҳбарлари маданий алмашинувлар икки халқ ўртасида ўзаро тушуниш ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб, маданият кунлари ва бошқа гуманитар тадбирларни қайта тиклашга келишиб олдилар.

Музокаралар яқунлангач, имзоланган ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари Қўшма баёнот қабул қилдилар. Умуман, ташриф доирасида кўп қиррали Ўзбекистон – Қирғизистон шериклигининг деярли барча йўналишларини қамраб олган 22 та ҳужжат имзоланди.

Қарийб 50 та қўшма лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган Саноат кооперациясини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси, Ўзбекистон – Қирғизистон Инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисидаги битим, электр энергиясини ўзаро етказиб бериш, Қирғизистонда гидроэнергетика объектларини қуриш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар шулар жумласидан.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев музокаралар ишонч муҳитида ўтгани, томонлар ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида кенг миқёсли вазифаларни ҳал қилишга тайёр эканини қайд этди.

Давлат раҳбарлари савдо ва божхона иши, инвестициялар, саноат кооперацияси, транспорт, сувдан фойдаланиш, энергетика, экология соҳаларида икки томонлама

алоқаларни мустаҳкамлаш, муҳофаа идоралари ўртасидаги, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни, маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш зарурлигини қайд этдилар.

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Садир Жапаров Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонида кўчат ўтказди. Бу Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари дўстлигининг, давлатлараро муносабатларда янги давр бошланганининг рамзи бўлди, дейиш мумкин.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги технопаркка ташриф буюрди.

Қирғизистон Президентига технопаркдаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар – маиший техникалар, электрон газ ҳисоблагичлар, лифтлар, сув насослари, саноат кондиционерлари ва совиши тармоқлари ҳақида маълумот берилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистоннинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўр-газмаси билан танишди.

Ўзбекистон халқи номидан Қирғизистон халқига юртимизда ишлаб чиқарилаётган тез тиббий ёрдам машиналари совға қилинди. Садир Жапаров қардошлик ва яхши қўшничилик муносабатлари, доимий кўмаги ва қўллаб-қувватлаши учун миннатдорлик билдирди.

* * *

12 март. Президент Шавкат Мирзиёев Германия Федерал канц-

лери Ангела Меркель билан видеонанжуман шаклида музокара ўтказди.

Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг учрашуви кун тартибидан жаҳонда мураккаб эпидемиологик вазият оқибатида инқирозли ходисалар кучайиши шароитида мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда янги демократик янгилашнишлар сиёсатини оғишмай қўллаб-қувватлаётгани ҳамда юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларга молиявий-техник жиҳатдан кўмаклашиш дастурини кенгайтираётгани учун ГФР ҳукуматига миннатдорлик билдирди.

Учрашувда қўшма лойиҳалар, ишбилармонларнинг алоқалари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, етакчи немис компаниялари ва банк институтларининг Ўзбекистондаги фаолиятини кенгайтиришга келишиб олинди.

Кооперациянинг янги йўналишларини, энг аввало, индустриал кластерлар, рақамлаштириш ва «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги лойиҳаларни илгари суриш мақсадида жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон – Германия ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги учрашувини ўтказиш режалаштирилди.

Томонлар мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласида ҳамда Европа Иттифоқи билан конструктив мулоқот доирасида, шу жумладан,

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тайёрлашни тез фурсатда яқунлаш бўйича ҳамкорликни давом эттиришга аҳдлашиб олдилар.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва гендер тенглик каби устувор йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим экани таъкидланди.

Гуманитар алмашинувлар соҳасида Ўзбекистонда немис тилининг ўрганилишини кенгайтириш ва бу борада тегишли давлат дастурини қабул қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президенти ва Германия Канцлери халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда глобал ва минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Мамлакатимизнинг Марказий Осиёда дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсати қўллаб-қувватланди. Афғонистондаги тинчлик жараёнига кўмаклашиш, шу мақсадда транспорт ва энергетика соҳаларида минтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш борасида қўрилаётган саъй-ҳаракатлар юксак баҳоланди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев Федерал канцлер Ангела Меркелни Ўзбекистон Республикасига ташриф билан келишга таклиф қилди.

Ўзбекистон ва Германия етакчиларининг учрашуви ҳар доимгидек очик ва конструктив муҳитда, ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

15 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбатда кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Пандемиянинг салбий оқибатларини тез фурсатда енгиб ўтиш мақсадида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бунинг учун ўзаро савдо ҳажминини ошириш, қабул қилинган «йўл харитаси» доирасида саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш ҳамда чегараолди туманларда самарали транспорт коммуникациялари ва логистика инфраструктузилмасини ривожлантириш муҳим экани таъкидланди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва таълим соҳаларида ҳукуматлар, манфаатдор идора ва ташкилотлар даражасида фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

15 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Экологик аудит тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 март. Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятида ҳамда электр энергияси тармоғида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни бир-бирига яқин, ихчам жойлаштириб, коммуникация харажатларини камайтириш, ҳудудий корхоналарни йирик саноат тармоқлари билан боғлаш бўйича кўрсатмалар берди. Ҳар бир лойиҳа замирида аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ётгани учун уларга маблағларни тезроқ ажратиш зарурлигини таъкидлади.

Тақдимотда жорий йилда электр энергетикаси соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, уларни сифатли бажариш, электр энергияси таъминоти барқарорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

* * *

16 март. Президент Шавкат Мирзиёев «ЛУКОЙЛ» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда Россиянинг етакчи нефть-газ компа-

ниyasi иштирокидаги устувор инвестиция ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилишининг бориши тўғрисида батафсил маълумот берди.

Сухбат чоғида пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш ва «ЛУКОЙЛ» компанияси билан стратегик ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган идоралараро ишчи гуруҳ тузиш ва «йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

* * *

17 март. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоевнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат аввалида икки мамлакат етакчилари яқинлашиб келаётган баҳор айёми – Наврўз муносабати билан бир-бирини самимий қутлаб, қардош халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, савдо соҳасидаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш, саноат кооперациясини кучайтириш ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудлараро алоқалар ва гуманитар алмашинувларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Туркий кенгашнинг бўлажак саммитига тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мулоқот ҳар доимгидек очиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

* * *

17 март. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденевни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси якунлангани муносабати билан қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Россиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонасига 11 йилдан ортиқ вақт мобайнида раҳбарлик қилиб келаётган элчи Владимир Тюрденевнинг икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришга қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида қайд этди.

Элчининг фаол иштироки ва кўмагида турли даражаларда тизимли мулоқот ва самарали алоқалар йўлга қўйилгани таъкидланди.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Россия элчисини давлатлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади.

* * *

17 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Юқори ликвидли ва

монополь товарларни сотиш жараён-ларига бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18–19 март. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолияти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чиноз тумани сув хўжалигида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чиноз туманидаги «Эшонобод» маҳалласини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалланинг турли миллатга мансуб вакиллари билан суҳбатлашди.

Мулоқотда Чиноз туманидаги ўзгаришлар, имкониятлар ҳақида ҳам гапирди.

Маҳаллада давлат хизматлари маркази шохобчаси, банк филиали, тиббиёт пункти, тикувчилик корхонаси ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари «Кўжакент текстил груп» корхонасидаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Мутасаддиларга тадбиркорларга кўмаклашиб, бино ва маблағлар ажратиб, бундай кичик корхоналарни кўпайтириш ва 3 минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

Президентимиз шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги

«ТСТ Cluster» кластери томонидан бунёд этилган шолини қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

Шу ерда вилоятда қишлоқ хўжалиги ва тўқимачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Чирчиқ – Тошкент вилоятининг энг йирик бешта шаҳридан бири. Пойтахтга яқинлиги, ишлаб чиқариш корхоналари кўплиги аҳоли сони ва уй-жойга бўлган талаб ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарнинг «Шодлик» маҳалласида қурилган 4 та 16 қаватли уй аҳолининг ўсиб бораётган талабини таъминлашга қаратилган.

Ушбу уйлар қисқа муддатда қуриб битказилади. Зилзилабардошлиги юқори, замонавий Hi-Tech усулида бунёд этилган. Йўлаклари кенг, ҳар бир йўлакка иккитадан лифт ўрнатилган.

Бу – Тошкент вилоятида қурилган дастлабки 16 қаватли уйлар бўлиб, Чирчиқ шаҳрига янги қиёфа бахш этган.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилишнинг бориши билан танишди. Шу ерда Чирчиқ шаҳрини ривожлантириш бўйича бош режа муҳокама қилинди. Янги турар жойлар қуриш, эски уйларни реновация қилиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиб, Тошкент шаҳридаги айрим ишлаб чиқариш корхоналарини шу ерда кўчириш ҳамда янги лойиҳаларни жойлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Чирчиқ шаҳар иссиқлик таъминот корхонасини ҳам бориб кўрди.

Шу ернинг ўзида вилоятда электр энергияси, иссиқлик, ичимлик суви

таъминоти ҳамда шаҳарларда коммунал хизматларни яхшилаш бўйича режалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Чирчиқ шаҳрига ташрифи чоғида «Ифтихор» маҳалласига кириб кўрди. Кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Давлат раҳбарининг маҳаллаларни айлангани бу гал ҳам аҳолининг кўнглини кўтарди. Одамлар очик юз билан Президентга пешвоз чиқди. Кимдир саломлашишга, кимдир ўз муаммосини айтишга ошиқди.

Президентимиз «Лола» маҳалласида ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси, нуронийлар ҳамроҳлигида 35-уйдаги ижтимоий химояга муҳтож оилага кириб, ҳолаҳвол сўради.

Президент йўл-йўлакай меҳнат фахрийлари билан ҳам самимий суҳбатлашди. Улар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, Чирчиқ шаҳридаги ўзгаришлардан мамнун эканини айтиб, дуолар қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманидаги «Евро Глобал Инвест» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Шу ерда 2021–2022 йилларда Тошкент вилоятида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Нурафшон шаҳрида 19 март куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари кон-металлургия, энергетика, тўқимачилик,

кимё, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги ва туризм вилоят иқтисодиётида асосий драйвер бўлиши кераклигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига Нурафшон шаҳрининг Бош режасига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Тошкент вилоятида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимоат ўтказилди.

Президент мактаб ва боғчаларни қуриш билан бирга таълим мазмунини бойитиш, энди қамровдан сифатга ўтиш кераклигини таъкидлади. Аҳоли келишига қулай жойда замонавий шифохона ташкил этиб ҳамда уни клиник база қилиб, маалакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

* * *

21 март. Тошкент шаҳридаги «Нумо Арена» мажмуасида Наврўз шодиёнаси бўлиб ўтди.

Бу ерда депутатлар ва сенаторлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда фидойилик билан меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ёшлар, мамлакатимизда фаолият кўрсагаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари кўп миллатли халқимизни Наврўз байрами билан табриклаб, коронавирус туфайли дунёда кўп нарса ўзгараётгани, лекин халқимизнинг она табиатга муҳаббати, азалий қадриятларга эҳтиром ва садоқати ўзгармагани, аксинча, бундай олижаноб хислатларимиз янада ортиб, Наврўзи олам биз учун тобора ардоқли бўлиб бораётганини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Наврўзга бағишланган тантанали маросимдан сўнг, байрам сайлида иштирок этди. Сайилга келган юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларни табриклади.

Давлатимиз раҳбари миллий маданият марказлари, фольклор-этнографик жамоалар чиқишларини кузатди. Ёш ижрочиларга доим ўқиш ва изланишда бўлиш кераклигини таъкидлаб, ижодий муваффақиятлар тилади.

Юртбошимизнинг ушбу тантанали анжумандаги нутқи матбуотда эълон қилинди.

* * *

21 март. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда илк бор нишонланаётган касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига табрик йўллади.

* * *

23 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 март. Президент Шавкат Мирзиёев халқаро консултантлар – Альфред Гузенбауэр, Александр Квасъневский ва Штефан Фюлени қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва институционал жиҳатдан ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар дастурини юқори баҳоладилар ва тўлиқ қўллаб-қувватладилар. Айниқса, коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ютуқлари ва аниқ натижалари, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал ва минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашуви сари сезиларли саъй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Консултантларнинг Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг узок муддатли стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтиришга доир тавсиялари кўриб чиқилди.

Юртимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ва унинг шаффофлигини ошириш, бозор механизмларини кенг жорий этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш, банк-молия соҳаси ва капитал бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Консултантлар, шунингдек, иқтисодиётнинг изчил трансформация

қилинаётгани ва хорижий капитал учун очиқлиги ортаётгани туфайли Евроиттифоқ мамлакатлари билан инвестиция ва инновациялар борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар шаклланаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак даражасини сақлаш, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва амалий мазмун билан бойитиш, кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда қабул қилиш ҳамда мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор аҳамиятга эга экани таъкидланди.

* * *

23 март. Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдими билан танишди.

Тақдимотда туризм, энергетика, чарм-саноат, заргарлик, қурилиш соҳасига доир лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур режаларни маъқуллаб, шу билан бирга қўшимча лойиҳаларни шакллантириш вазифасини қўйди. Маҳаллаларда «ўсиш нуқталари»ни топиб, иш ўринларини кўпайтириш, уларга ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни жойлаштириш, ўзини ўзи банд қиладиган ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан топшириқлар берди.

* * *

24 март. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида «Обод қиш-

лоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида жорий йилда амалга ошириладиган ишлар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда шу борадаги амалий ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда аҳоли бандлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига кирган аҳоли пунктларининг «тиббий харитаси»ни шакллантириш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари ўз ҳудудда бажарилаётган ишлар бўйича маҳаллий кенгашларда ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳисобот бериши зарурлиги айтилди.

* * *

25 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жам-

фармасини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев 27 март – Халқаро театр кунини муносабати билан Ўзбекистон театр санъати ходимларига табрик йўллади.

* * *

26 март. Президент Шавкат Мирзиёев Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ишида иштирок этиш учун Тошкентда бўлиб турган Қирғиз Республикаси Бош вазири Улукбек Мариповни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида яқинда бўлиб ўтган олий даражадаги саммитда қабул қилинган келишувларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Сухбат чоғида Ўзбекистон Президенти товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун қулай шароитларни шакллантириш, саноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалигида муҳим кооперация лойиҳаларини илгари

суриш, Тараққиёт фонди фаолиятини тез фурсатда йўлга қўйиш ҳамда ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

«Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон» темир йўлини қуришни тез фурсатда бошлаш ҳамда Андижон-Ўш-Саритош-Иркештом мультимодал йўлаги бўйлаб юк ташишлар ҳажмини оширишнинг долзарб аҳамияти қайд этилди.

Учрашув якунида Қирғиз Республикаси Бош вазири икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасида эришилган ҳамда кенг қўламли Ўзбекистон-Қирғизистон ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга қаратилган келишувларни сўзсиз амалга оширишга бор саъй-ҳаракатини йўналтиришга тайёр эканини таъкидлади.

* * *

29 март. Президент Шавкат Мирзиёев кимё саноати тармоғида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари талаб этаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича янги-янги лойиҳалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимоатда кимё корхоналаридаги давлат улушини қисқартириш, уларни трансформация қилиш, соҳага корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш борасидаги ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

«Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти тузилмасини ўзгартириш, малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан вазифалар қўйилди.

Тадбирда ичимлик суви тармоқлари ва автомобиль йўллари ҳолати бўйича ўтказилган ҳатлов натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро тажрибани қўллаб, қурилишни арзонлаштириш, эксплуатация сифатини таъминлаш, ажратилган маблағлар манзилли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

29 март. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Венгрия Бош вазири Виктор Орбан расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Қўқсарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбан тор доирада учрашув ўтказди.

Президент Шавкат Мирзиёев меҳмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, бу ташриф икки давлат ўртасидаги алоқаларда янги даврни бошлаб беришини таъкидлади.

Музокарада сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон – Венгрия муносабатларини ўзаро ишонч ва кенг доирадаги умумий манфаатларга асосланган стратегик шериклик даражасига кўтаришга тайёр эканлигини тасдиқлади. Узоқ муддатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли янги соҳаларни

ишга солиш, ишбилармон доиралар ва ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлашга келишиб олинди.

Томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди. Тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича қарашлар ва ёндашувлар умумий экани тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Сўнгги тўрт йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми салкам уч баробарга ўсган. Мураккаб пандемия шароитига қарамай, ўтган йили ҳам бу ижобий динамика сақлаб қолинган.

Музокарада икки томонлама ҳамкорлик бобида ҳали ишга солинмаган жуда катта имкониятлар борлиги таъкидланди. Шу боис асосий эътибор савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлашни кўпайтириш, савдо ҳажми мувозанатини тенглаштириш, зарур маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Бу борада Будапештда ташкил этилаётган Ўзбекистон – Венгрия савдо уйи имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Саноат кооперацияси – ҳамкорликнинг яна бир устувор йўналишидир. Венгриянинг илғор

тажрибаси асосида Ўзбекистонда озик-овқат саноати, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кимё ва машинасозлик соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат худудлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, ҳар йили Минтақалар форумини ўтказиш таклифини билдирди.

Венгрия атом энергетикаси, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, меваларни сақлаш ва қайта ишлаш, балиқчилик ҳамда уруғчилик соҳаларидаги илғор тажриба ва технологиялар билан алмашишга тайёрлигини билдирди.

Учрашувда маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз соғлиқни сақлаш, илм-фан ва таълим бўйича тажриба алмашиб келмоқда. Жорий ўқув йилида ўзбекистонлик талабалар учун Венгриядаги олий ўқув юртлирида 100 дан ортиқ грант ажратилган. 2021 йилда Тошкентда Дебрецен университети иш бошлайди.

Мугасаддиларга музокараларда эришилган келишувлар ижросини тўлиқ таъминлаш учун «йўл харитаси» ишлаб чиқиш бўйича кўрсатма берилди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия ўртасидаги стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, ташриф доирасида кўп қиррали шерикликни кенгай-

тиришга қаратилган 10 дан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Маросимда икки мамлакат вазирликлари раҳбарлари имзоланган ҳужжатларни алмашдилар.

Ташриф доирасида Ўзбекистонда Дебрецен университетининг таълим дастурларини амалга ошириш тўғрисидаги битим ҳам имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев сўнги йилларда Венгрия билан муносабатлар фаол ривожланиб, сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтарилганини таъкидлади.

Бош вазир Виктор Орбан Ўзбекистон Президенти саъй-ҳаракатлари туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётганини қайд этди.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, таълим соҳасида алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Фан, маданият ва спорт соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштиришга ҳам келишиб олингани маълум қилинди.

Ўзбек олими Исоқ Иброҳим венгриялик машҳур Ҳерман Вамберининг дўсти ва шогирди бўлган, салкам ўттиз йил Будапештда яшаб, илмий фаолият олиб борган. У машҳур венгр ёзувчиси Арань Яношнинг «Ажойиб охунинг ҳикояти» асарини ўзбек тилига таржима қилган. Ушбу асар яқинда давлатимиз раҳбарининг сўзбошиси билан Тошкентда нашр этилди.

Давлатимиз раҳбари ўзбек ва венгр халқлари ўртасидаги тарихий дўстликнинг ёрқин ифодаси бўлган ушбу китобни Венгрия Бош вазири Орбанга тақдим этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Виктор Орбан Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида ташкил этилган Ўзбекистон – Венгрия Каргошкачилик илмий марказига ташриф буюрдилар.

Ушбу илмий муассаса Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети билан ҳамкорликда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими негизда ташкил этилган.

Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбан бу ерда яратилган шароитлар билан танишди.

Илмий марказда «in vitro», ўсимликлар патологияси, картошкани сақлаш физиологияси, сифат назорати бўйича лабораториялар ташкил этилган. Намуналар тайёрлаш, етиштириш ва сақлаш хоналари замонавий жиҳозланган. Марказ фаолиятини йўлга қўйиш учун Венгриядан илмий ходимлар ташриф буюрган.

Давлатимиз раҳбари мутахассис ва мутасаддилар билан мулоқот қилди. Кадрлар тайёрлашни кенгайтириш, деҳқон ва фермерларни бу ерда ўқитиб, соҳадаги ютуқларни барча ҳудудларга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Меҳмонлар фермерлар учун ташкил этилган агрохизматлар маркази, юртимиз қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган техника ва технологияларни ҳам кўздан кечирди.

* * *

30 март. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

31 март. Президент Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган норасмий саммитида иштирок этди.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислик қилган тадбирда Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши, Туркий кенгашнинг Фахрий раиси Нурсултон Назарбоев, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ва Туркий кенгаш бош қотиби Бағдод Амреев қатнашди.

Тадбирда ташкилот доирасида иқтисодиёт, савдо, транспорт соҳаларидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида мустаҳкам тарихий ришталар, муштарак тил, маданият ва маънавий кадриятлар асосида шаклланган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши минтақавий ҳамкорликнинг самарали механизмига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари туркий тилли мамлакатлар ўртасида саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик сармоявий лойиҳаларни амал-

га ошириш устувор вазифалардан бири экани, Туркий кенгаш доирасида Инвестиция жамғармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш ва ишга тушириш бўйича амалий ишларни жадаллаштириш зарурлигини таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти минтакамизнинг улкан стратегик аҳамиятга эга транспорт ва транзит салоҳиятидан янада унумли фойдаланишга, Осиёдаги глобал бозорларга чиқиш имкониятини кенгайтириш мақсадида Марказий Осиё худудида транспорт йўлакларини, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа бозорларига элтувчи йўналишларни ривожлантириш, логистика инфратузилмасини кенгайтириш бўйича йирик лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга чақирди.

Шавкат Мирзиёев Туркий кенгашга аъзо мамлакатлардаги муқаддас кадамжолар бўйлаб «Табаррук зиёрат» лойиҳасини амалга ошириш, шу мақсадда Зиёрат туризминини ривожлантириш дастурини қабул қилиш ташаббусини билдирди.

Буюк ўзбек шоири, мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг туркий дунё маънавий-маърифий ҳаётига қўшган бекиёс хиссасини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари фан, таълим, адабиёт, санъат, ижтимоий соҳалардаги ютуқлар ҳамда туркий дунё бирлигини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш мақсадида Туркий кенгаш доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис қилишни таклиф этди.

Ўзбекистон Президентининг ташаббуслари саммит иштирокчилар

ри томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Олий даражадаги учрашув якунида Туркистон декларацияси қабул қилиниб, унда норасмий саммитда эришилган асосий келишувлар акс этди.

* * *

1 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли саломатлигини сақлаш ва коронавирусга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, 2020 йил 12 ноябрда давлатимиз раҳбарининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш тўғрисида фармони, тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлаш бўйича қарори қабул қилинган эди.

Йиғилишда ушбу вазифалар ижроси ҳақида сўз борди.

Президентнинг 12 ноябрдаги яна бир қарорига кўра, Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари бу тажрибани тизимли давом эттириб, барча ҳудудларда жорий этиш бўйича кўрсатма берди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг вертикал иш тизимини такомиллаштириб, уларни оилавий шифокор пунктлари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхталди.

Бош вазирга коронавирусга қарши курашиш бўйича ҳудудий штаблар фаолиятини кучайтириш, туну кун ишлайдиган «колл-марказ»лар ва мобил бригадалар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди. Дори-дармон ва химоя воситаларининг камида 3 ойлик захирасини шакллантириш, ҳудудларда 60 та кислород станциясини ишга тушириб, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларини кислород билан узлуксиз таъминлаш вазифаси қўйилди.

Фуқароларни яшаш манзили бўйича эмлаш куни ва жойи ҳақида хабардор қилиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

1 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Томорқа хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Анджон вилояти Асака туманини ободонлаштириш ва архитектура қиёфасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавад Зарифни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Учрашувда иқтисодий ҳамкорлик масалаларига, савдо алоқаларини ривожлантириш ва янги кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирган долзарб жиҳатлари, жумладан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва Афғонистонда тинчлик жараёнини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Эрон ташки сиёсий идораси рахбари Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тинчлик музокараларига кўмаклашиш, ушбу мамлакатни минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликка жалб этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

* * *

5 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев халқаро «Иннопром» саноат кўргазмасида иштирок этиш учун Тошкент шаҳрида бўлиб турган Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кенг қўламли амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Денис Мантуров давлатимиз раҳбарига икки мамлакатнинг етакчи саноат компаниялари ва банк-молия институтлари иштирокида йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича биргаликда амалга оширилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида маълумот берди.

Сухбат чоғида бизнес ва ҳудудлар даражасидаги кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблея

Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Сухбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари фаол алмашинувлар давом этаётгани, кенг қўламли Ўзбекистон – Корея ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Пак Бён Сок самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президентига Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг саломини ва эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда глобал иқтисодий вазият мураккаб бўлиб турган бир пайтда ўзаро савдо ҳажми сақлаб қолинишига эришилаётгани таъкидланди.

Миллий Ассамблея Спикери ва депутатлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлар учун, шунингдек, Сеулнинг Корея ярим оролидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ҳаракатлари, Янги шимолий сиёсатни амалга ошириш доирасидаги минтақавий ташаббуслари қатъий қўллаб-қувватланаётгани учун Ўзбекистон Президентига самимий ташаккур изҳор этдилар.

«Корея Республикаси – Марказий Осиё» ҳамкорлик форуми дои-

расидаги яқин мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданият, гуманитар алмашинув соҳаларидаги қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ҳокимлар ва сектор раҳбарларига ўз ҳудудида тадбиркорликнинг аҳволи кўрсатиб ўтилди.

Тадбиркорлик учун ер ва бинолар ажратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлигини таъминлаш учун уларга ўзи яшайдиган маҳаллада шароит яратиб бериш зарурлигини таъкидлади.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

9 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда йил якунига қадар амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари режалаштирилган кўрсаткичлар билан чегараланмасдан, қўшимча лойиҳаларни кўпайтириш, экспорт таркибини диверсификация қилиш ва ҳажмини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда, шунингдек, Андижон шаҳри яқинида қурилиши ре-

жалаштирилган «Янги Андижон» турар жой массивининг бош режаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Президент лойиҳа билан танишиб, уй-жойларни пухта ва сифатли лойиҳалаштириш, уни амалга оширишда маҳаллий мутахассисларнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, унда имкон қадар кўпроқ яшил ҳудудлар, боғ ва хиёбонлар ташкил этилишини, аҳолининг дам олиши ва меҳнат қилиши учун қулай шароитларни назарда тутиш бўйича топшириқлар берди.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

– Энг муҳим вазифа, аввало, ёшлар бандлигини таъминлаш, муносиб даромад олиши учун уларга шароит яратиб бериш. Бу борадаги энг катта имконият ва захирамиз – тадбиркорлик, айниқса, кичик ва ўрта бизнесдир, – деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизм жорий этиш вазифаси қўйилди. Бу тизимда халққа ҳам, ташкилотларга ҳам маъқул бўладиган бир қанча имтиёзлар белгиланади.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

* * *

Бугунги кунда «Баркамол авлод» болалар марказлари бор-йўғи 175 минг нафар ёшни қамраб олган холос. Шу боис ушбу муассасалар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ҳар бир мактабда уларнинг тармоқ филиалларини ташкил этиш орқали қамровни ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Турли фестивалъ ва мусобақалар ўтказиб, ёшларни спорт, маданият ва санъатга қизиқтириш, нуфузли халқаро танловларга олиб чиқиш изчил давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир олий ўқув юрти ён-атрофидаги маҳаллалар учун маънавият маркази, маданият ўчоғи бўлиши кераклиги, бу борада ректорларнинг ўрни умуман сезилмаётганини таъкидлади.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

14 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири Анн Линде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатимизнинг ЕХХТ билан конструктив шериклигини ривожлантириш, Ўзбекистон билан Швеция ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ЕХХТ билан самарали мулоқотнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди ҳамда Швециянинг ташкилотга раислигининг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлади.

Сухбатда Ўзбекистон Президенти ЕХХТ билан кўп қиррали шерикликни, аввало, мамлакатимизда муҳим ички сиёсий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик доирасида кенгайтиришнинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталди.

Ўзбекистон ташкилотнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ва Парламент ассамблеяси билан сермахсул мулоқотни давом эттиришдан манфаатдор экани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Швеция билан икки томонлама муносабатларнинг истиқболлари ҳақида сўз

юритар экан, таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, Швеция етакчи компанияларининг инновациялари ва инвестицияларини мамлакатимизга жалб этиш, савдо ва кооперация алоқаларини кенгайтиришни муҳим йўналишлар сифатида қайд этди.

Швецияда Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясини ташкил этиш мамлакатларимиз ўртасидаги ва умуман скандинав давлатлар билан ҳамкорликнинг мавжуд салоҳияти ва кенг имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

ЕХХТнинг амалдаги раиси, Швеция ташқи ишлар вазири илиқ қабул ва очиқ суҳбат учун самимий миннатдорлик билдирди.

Анн Линде Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатни юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

ЕХХТ доирасидаги қўшма ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани ҳамда Швеция билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани учун миннатдорчилик билдирилди.

* * *

14 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг видеоанжуман шаклидаги учрашуви бўлиб ўтди.

Кун тартибидан кўп қиррали Ўзбекистон – Покистон шериклигининг долзарб масалалари, шу жумладан, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва транзит соҳаларидаги амалий ҳамкорликни, ҳудудлар ўртасидаги алмашинувларни кенгайтириш, маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурларини илгари суриш масалалари ўрин олди.

Кейинги йилларда олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланишига, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Трансафғон темир йўлини қуриш бўйича стратегик лойиҳа амалга оширилмоқда. Таълим, маданият ва туризм соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳам кенгаймоқда.

Онлайн-учрашувда Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги шериклик ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий вазифалари батафсил кўриб чиқилди ва биринчи галдаги чоралар белгилаб олинди.

Конструктив сиёсий мулоқотни, парламентлараро ҳамда халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасидаги яқин алоқаларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт ва транзит соҳасидаги устувор лойиҳаларни илгари суриш, товар айирбошлашни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш кооперациясини кучайтириш учун қулай шароитлар-

ни яратиш бўйича қўшимча чоралар кўриш, жумладан, имтиёзли савдо тўғрисида битим ва иқтисодийнинг асосий тармоқларида ҳамкорлик борасида «йўл харитаси»ни қабул қилиш, қўшма ишбилармонлик форумларини ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

Икки мамлакат етакчилари Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тез фурсатда ҳал этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Ушбу мамлакатнинг жадал иқтисодий тикланишига қаратилган саъй-ҳаракатлар қўллаб-қувватланди.

Учрашув якунида Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда стандартлаштириш ва метрология, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

* * *

15–16 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди.

Президентимизнинг вилоятдаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви Самарқанд халқаро аэропортидан бошланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йили Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини кенгайтириш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, мажмуанинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Президент ҳузурида бир неча бор тақдирот қилиниб, такомиллаштирилди. Жаҳон тажрибаси ҳам ўрганилди.

2021 йил муборак Рамазон кунларида ушбу зиёратгоҳнинг қурилиши бошланди. Шу муносабат билан бу ерда нурунийлар ва зиёлилар билан учрашув бўлди.

Қуръон оятларидан ўқилиб, дуо қилинди.

Давлатимиз раҳбари мажмуада амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов қабрини зиёрат қилди. Марҳумнинг ҳақиқа Қуръон тиловат этилди.

Самарқанд – қадимий шаҳар. Унинг тарихий қиёфасини сақлаш муҳим бўлганидек, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжи учун шароит яратиш ҳам керак. Шу боис шаҳар чеккасидаги Қорасув мавзесида кўп қаватли замонавий уй-жойлар бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда барпо этилаётган уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларининг сифатига алоҳида эътибор қаратди. Қурувчи ташкилотнинг сифат учун масъулияти ва жавобгарлигини янада кучайтирадиган механизм ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Самарқанд шаҳри Бош режаси ва шаҳар ҳудудини кенгайтириш лойиҳалари тақдироти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида барпо этила-

ётган туризм маркази қурилишини кўздан кечирди.

Президентимизга мазкур янги сайёҳлик маркази имкониятлари, сайёҳларга кўрсатиладиган хизматлар ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари марказ бошқарувини самарали ташкил этиш, туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Самарқанднинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари тақдимот қилинди.

Самарқанд шаҳрида илк бор гастрономик кўча, Самарқанд тумани «Конирил» маҳалла фуқаролар йиғинида юртимиздаги биринчи туризм қишлоғи ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур туристик марказни шаҳар билан боғлайдиган йўл ўтказгични бориб кўрди, Уста Умар Жўрақулов ва Афросиёб кўчаларида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев «Ургут» эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишди.

Президентимиз иқтисодий зона худудидаги «Kamalak Tekstil» корхонаси фаолияти билан танишди. Ургут туманининг Мерганча массивида жойлашган ушбу ширкатда гилам ва тафтинг, ковролин маҳсулотлари, синтетик ип ва сунъий чим ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиб, иш ўринларини кўпайтириш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент «Сам электро сервис» масъулияти чекланган жамияти маҳсулотларини ҳам кўздан кечирди.

«Ургут» эркин иқтисодий зонасида айни пайтда қиймати 90 миллион долларлик 29 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида яна 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодий зона имкониятларидан самарали фойдаланиш, янги ва истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шу ерда самарқандлик нурунийлар билан мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «Sag Agro» масъулияти чекланган жамиятининг «In vitro» лабораториясини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари ёш мутахассислар билан суҳбатлашди.

Шу ерда вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари павлония дарахти етиштиришни кўпайтириш, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, зарур маблағ ажратиш бўйича топшириқ берди.

16 апрель куни Шавкат Мирзиёев иштирокида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги нишонланадиган жорий йилда

Самарқанд вилоятида юқори натижаларга эришиш учун ҳозирдан маррани баланд олиб, аниқ белгилаш лозимлигини таъкидлади. Шу жиҳатдан вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича энг муҳим йўналиш ва вазифалар, саноат, транспорт логистикаси, туризм ва бошқа соҳалардаги «ўсиш нуқталари» белгилаб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида очилган кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолияти билан танишди.

«Zarmed pratiksha hospital group» номли ушбу қўшма корхона Ўзбекистон ва Хиндистон ҳамкорлигида ташкил этилган. Қўшма корхонанинг дастлабки лойиҳаси бўлган мазкур тиббиёт маркази учун 8,5 миллион АҚШ доллари сарфланган.

Мутасаддиларга Самарқандда хусусий тиббиёт университети ва клиникадан иборат тиббиёт кластерини ташкил этиш, хорижда ишлаб юрган самарқандлик шифокорларни ишга таклиф этиш учун вилоят ҳокимлигида жамғарма тузиб, уларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Самарқанд филиалида даволанаётган Ўзбекистон Қахрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳасан Нормуродовни бориб кўрди.

Шавкат Мирзиёев фидойи меҳнат фахрийсига мустаҳкам соғлик ва бардамлик, узок умр тилади.

Шу билан Президентнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунланди.

* * *

19 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Uzbekistan airways» ҳамда «Uzbekistan airports» акциядорлик жамиятларини трансформация қилиш чора-тадбирлари тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш ҳажмини ҳар йили ошириб бориш, ҳудудлардаги аэропортларда кетринг ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий химоя қилиш ҳамда бўш

вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

21 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат харидлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

22 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда Президент ҳар бир лойиҳа ижросини назоратга олиб, тадбиркорларга кўмаклашиш, шу билан бирга, янги лойиҳаларни шакллантириб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, хизматларни

кенгайтириш, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, илғор тажрибалар ва намунавий лойиҳаларни жорий этиш бўйича янги методология яратиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун, Ўзбекистон миллий банки ҳузурида хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-тахлилий маркази ташкил этилади ва барча вилоятлардаги филиалларида унинг бўлимлари очилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни молиявий таъминлаш масаласига алоҳида тўхталди.

Хизмат кўрсатишда энг муҳим масала – бу манзилни тўғри танлаш. Шу боис Қурилиш вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган кўчалар ҳамда марказларнинг жойини танлаб, лойиҳасини ишлаб чиқиш, лотларга бўлиб, танлов асосида савдога чиқариш топширилди.

Кўп тармоқли шифохоналар ва унинг атрофида хусусий шериклик асосида тиббиёт кластерлари, олий ўқув юртлари ҳудудида хорижий тиллар, тайёрлов ва касбга ўргатиш курслари ташкил этиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

* * *

23 апрель. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бангладеш Халқ Республикаси элчиси Муҳаммад Жаҳонгир Аълам, Чехия Республикаси элчиси Вацлав Йилек, Миср Араб Республикаси элчиси Амира Фаҳмий, Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги элчиси Демиа Зуҳайр Ҳаддод, Туркия Республикаси элчиси Олган Бе-

кар, Европа Иттифоқи делегацияси раҳбари Шарлотт Адриан ва Россия Федерацияси элчиси Олег Мальгиновдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари янги тайинланган элчиларни мамлакатимиздаги дипломатик миссияси бошлангани билан самимий табриклади.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар ва халқаро тузилмалар билан конструктив мулоқотни янада ривожлантириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва амалий шерикликни кенгайтиришга муҳим аҳамият қаратаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари янги элчилар вакиллик қилаётган мамлакатлар билан кенг қўламли ва узоқ муддатли ҳамкорликнинг истиқболларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида дипломатик ваколатхоналар раҳбарларига уларнинг Ўзбекистон билан дўстлик ришталари ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги масъулиятли ва шарафли фаолиятига катта муваффақиятлар ва зафарлар тилади.

Ўзбекистон Президенти янги тайинланган элчилар билан қисқа суҳбатлар ўтказди.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Тожикистон Республикасининг Фавқуллода ва мухтор элчиси Содиқ Имомийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик,

яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида бугунги кунда икки биродар мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва қатъий ҳаракатлари туфайли юксак даражага эришилганини алоҳида таъкидлади.

Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик барча йўналишларни қамраб олган ва жадал ривожланишда давом этмоқда, аниқ мазмун билан бойимоқда.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама муносабатларнинг бугунги юксак даражасига эришишдаги катта хизматлари ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун элчи Содиқ Имомийни Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади.

Дипломат унинг мамлакатимиздаги фаолияти юксак баҳолангани ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик билдирди.

Содиқ Имомий мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлидаги мақсад ва вазифаларни сўзсиз амалга оширишга бундан буён ҳам бор куч-ғайратини қаратишини таъкидлади.

* * *

23 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб «Худудий электр тармоқлари» ак-

циядорлик жамятининг Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази фаолияти билан танишди.

Шу ерда Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари марказдаги ситуацион хонани ҳам кириб кўрди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Технопаркдаги янги корхоналар фаолияти билан танишди.

Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги «Парвоз» маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Маҳаллада 9 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият юритар эди. Жорий йил январиди «Шинам уй-жой» бошқарув сервис компанияси ташкил этилгач, кўп қаватли уйларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу компания биносини кўздан кечирди.

Президент компания биносидан самарали фойдаланиш, бу ерда ширкат фаолиятига кирмайдиган, лекин одамларни қизиқтирадиган хизмат турларини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берди.

Президент кўп қаватли уйлар ҳовлисида ўйнаётган болаларга эзгу тилаклар билдирди.

Мутасаддиларга пойтахтимиздаги барча 524 та маҳаллани шундай обод қилиш, бунинг учун ҳар бирига маблағ ажратиб, лойиҳаларини тасдиқлаш бўйича топшириқ берилди.

Шу ерда нуронийлар, жамоатчилик вакиллари билан самимий суҳбат бўлди.

* * *

26 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Санитария-эпидемиология хизмати такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 37 минг 402 та кўп қаватли уй, уларда 1 миллион 300 мингдан ортиқ хонадон бор. Бу уйларнинг 68 фоизига ширкатлар, 24 фоизига бошқарув компаниялари хизмат кўрсатади, 8 фоиз уйлар эса мулкдорлар томонидан умуман бошқарилмайди.

Давлатимиз раҳбари кўп қаватли уйларда яшовчи одамларни қийнаб келаётган бу масалага эътибор қаратиб, хизмат кўрсатиш тизимини яхшилаш бўйича мутасаддилар олдиға вазиға қўйган эди.

Шунга мувофиқ, чет эллик мутахассисларни жалб этган ҳолда жойларға чиқилиб, аҳоли ва ширкатлар вакиллари билан фикрлашилиб, муаммолар чуқур ўрганилди. Хориж тажрибаси асосида кўп квартирали уйларға хизмат кўрсатишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ҳисоб-китобларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида бошқарув ташкилотлари ва ширкатларнинг электрон реестрини юритиш, ҳар бир кўп қаватли уйга алоҳида шахсий ҳисоб рақам очиш, уйнинг хизмат кўрсатиш ҳудудини аниқ белгилаш, мулкдорларга ҳисобот бериш тартибини такомиллаштириш, ҳисоб-китобларга биллинг тизимини жорий қилиш мўлжалланган.

Президент Шавкат Мирзиёев соҳани тубдан такомиллаштириб, хизмат кўрсатиш бўйича замонавий тизим яратиш юзасидан топшириқлар берди. Кўп қаватли уйларни қуришдан олдин хизмат кўрсатишни ўйлаш, турар жойлар фонди ва ҳудудини оқилона сақлаш кераклигини таъкидлади.

Таъмирланадиган уй-жойлар қамровини кенгайтириш, бошқарув компаниялари ва ширкатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди. Молия вазирлигига белгиланган чора-тадбирлар учун маблағ ажратиш вазифаси қўйилди.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

27 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мутасаддиларга зарур маблағларни ажратиш ва мақсадли ишлатилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда Президент Шавкат Мирзиёев эндиги энг муҳим масала эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналаридаги лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш эканини таъкидлади.

Жорий йилда эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 1,1 миллиард доллар бўлган 332 та лойиҳа, кичик саноат зоналарида умумий қиймати 9,5 триллион сўм бўлган 1 минг 800 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар юртимизда саноатни янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

* * *

28 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркменистонда бўлди.

Ашхобод халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбан-

гули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон етакчисига отаси Маликгули Бердимухамедовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирди.

Туркменистон Президенти ҳамдардлик учун ташаккур изхор этиб, биродар ўзбек халқи ва унинг етакчиси ушбу мусибатли дамларда далда бўлаётганини юксак баҳолаши ва қадрлашини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Шу билан бир қаторда савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида мавжуд салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан буён ҳам биргаликда илгари суриш, шунингдек, Хитой – Марказий Осиё – Жанубий Кавказ – Туркия мультимодал маршрутнинг самарали ишлатилишини таъминлаш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни давом эттиришга томонлар тайёр экани таъкидланди.

Музокараларда халқларимиз яқинлигининг энг муҳим омили сифатида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустах-

камлаш долзарб экани яна бир бор қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркменистон раҳбарига унинг халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларининг навбатдаги ёрқин рамзи сифатида Ашхобод шаҳрида «Тошкент» боғини ташкил этиш ташаббуси учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари икки мамлакат халқларининг кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашда қатъий эканликларини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов «Туркманбоши руҳи» мажмуасига ташриф буюрди.

Туркменистоннинг Биринчи Президенти Сапармурат Ниёзов мақбараси зиёрат этилди. Ўтганлар ҳақида Қуръон суралари тиловат қилинди.

Мажмуа яқинида Туркменистон Президентининг отаси Маликгули Бердимухамедов хотирасига бағишлаб ифтор дастурхони ёзилди. Тадбирда икки мамлакат муфтийлари, уламолар, ёшулликлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Маликгули отанинг вафоти муносабати билан халқимиз номидан чуқур таъзия билдирди. Марҳумнинг ибратли ҳаёти, самарали фаолияти, савобли ишлари ёдга олинди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи якунланди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқотда икки томонлама ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон – Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

«Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасидаги самарали мулоқот, шу жумладан, минтақада муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни, улар қаторида «ХХР – Қирғизистон – Ўзбекистон» автомобиль ва темир йўллари қуриш лойиҳасини илгари суриш ишлари давом этаётгани қайд этилди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифи қўллаб-қувватланди.

Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Мураккаб шароитларга қарамасдан, пандемиянинг салбий оқибатларини камайтириш ва жорий йил бошидан ўзаро савдонинг 33 фоизга ўсишини таъминлашга эришилгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Хитой етакчи корхоналарининг турли тармоқлардаги кооперациясини кучайтириш, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларидаги лойиҳаларни илгари суришда ўзаро кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар. Кенг қўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўрта муддатли қўшма дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Мамлакатимиз етакчи банк-молия институтларининг Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки, Ипак йўли фонди билан ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар доирасидаги шериклигининг бугунги даражаси юксак баҳоланди.

Парламентлараро алоқаларни давом эттириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол алмашинувларни қайта тиклаш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Суҳбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, «Хитой – Марказий Осиё» форматидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп томонлама муносабатлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг саммитини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. ШХТ Мулоқот гуруҳининг Афғонистондаги тинчлик жараёнига кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни иқтисодий тиклашдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда режадаги ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига ташрифига кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш, кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим тарихий аҳамият касб этадиган воқеа сифатида пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти ва ХХР Раисининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек, очиқ, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Боксни янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда бўлиб турган ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ДИИХБ ўртасидаги конструктив мулоқот ва самарали шерикликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик ривожидида кейинги йилларда жиддий олдинга силжишга эришилганини мамнуният билан қайд этди. Бюронинг кенг кўламли миссияси илк бор мамлакатимиздаги Президент ва парламент сайловларини кузатишда иштирок этди.

ДИИХБнинг тавсияларини имплементация қилишда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини қабул қилиш ва такомиллаштириш доирасида муваффақиятли ҳамкорлик олиб борилгани таъкидланди.

Бюро экспертлари Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга жалб этилган эди.

Ўзбекистон ДИИХБ билан, энг аввало, инсон ҳуқуқлари, сўз, дин ва эътиқод эркинлиги, гендер тенглик, ёшларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг

хуқуқий базасини илғор халқаро амалиёт асосида мустаҳкамлаш борасида узоқ муддатли ва самарали шерикликни давом эттиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи самимий қабул ҳамда очиқ ва мазмунли суҳбат учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

30 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Тожикистон – Қирғизистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти юзага келган вазиятни тез фурсатда ҳал қилиш ва унинг кескинлашувига йўл қўймаслик бўйича Тожикистон ва Қирғизистон томонлари эришган келишувларни қўллаб-қувватлади.

Мавжуд барча масалалар дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатлари руҳида, фақат музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилиниши муҳим экани таъкидланди.

Тожикистонга бўлажак олий даражадаги ташрифга тайёргарликнинг бориши ҳам кўриб чиқилди. Мамлакатларимиз бош вазирларининг Хўжанд шаҳрида ўтказган амалий учрашувининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган кенг қўламли ҳамкорликнинг янги «ўсиш нуқталари»ни

биргаликда аниқлаш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

* * *

30 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда минтақавий ҳамкорлик ва икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар Қирғизистон – Тожикистон чегарасида юзага келган вазиятни ва уни тез фурсатда ҳал қилишни муҳокама қилдилар. Қирғизистон ва Тожикистон томонлари вазиятни барқарорлаштириш ва унинг янада кескинлашишига йўл қўймасликка қаратилган келишувларга эришгани мамнуният билан қайд этилди.

Юзага келаётган барча баҳсли масалалар кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик руҳидаги мулоқот асосида ҳал қилиниши зарур экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтган саммит якунида қабул қилинган қўшма қарор ва келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Қабул қилинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш ва устувор лойиҳаларни илгари суриш мақсадида фаол алмашинувларни давом эттириш ва ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

30 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқаро авиацияси кор-

хоналарини трансформация қилиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 апрель. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мажлисда маҳаллий саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига маҳаллий саноатнинг ҳар бир йўналиши, хусусан, қурилиш материаллари, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника, чарм-пойабзал, заргарлик, чинни буюмлари, мебелсозлик, озиқ-овқат саноати каби тармоқлар бўйича ҳудудлар кесимида алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда саноат тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Чунки жойларда замонавий муҳандис ва технологлар етишмаслиги тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳудудлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, хорижий олийгоҳлар билан ҳамкорликда муҳандис ва технологлар тайёрлашни кенгайтириш юзасидан топшириқ берилди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Қибрай туманида барпо этилаётган боғ худудига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз яқинида улкан манзарали боғ барпо этилмоқда. 25 февраль куни ушбу боғ лойиҳаси муҳокама қилинган эди.

Шу муносабат билан бу ерга парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкент шаҳри жамоатчилиги, нурунийлар, илм-фан ва санъат вакиллари, спортчилар, ёшлар йиғилди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган Истиқлол мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади.

Президентимиз бу мажмуанинг тарихий-ғоявий аҳамиятини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев бу боғ Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, улкан салоҳиятини, кўп миллатли халқимизнинг жипслиги ва аҳиллигини намоён этадиган мажмуа бўлиши кераклигини таъкидлади. Шунини ҳисобга олиб, бу муҳташам боққа «Янги Ўзбекистон» деб ном беришни таклиф этди. Йиғилганлар бу таклифни қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик билан бирга янги боққа кўчатлар ўтказди.

* * *

1 май. Президент Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров телефон орқали мулоқот қилдилар.

Сухбатда куни кеча ўтган мулоқотлар давоми сифатида икки давлат раҳбарлари Қирғизистон – Тожикистон чегарасидаги вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

Ўз вақтида қўрилган ва ўзаро мувофиқлашган саъй-ҳаракатлар туфайли давлат чегараси қисмидаги

вазиятни барқарорлаштиришга эришилгани ва унинг кескинлашишига йўл қўйилмагани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон етакчилари Марказий Осиё минтақасидаги барча масалаларни биродар мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида конструктив ва ишончга асосланган мулоқот орқали биргаликда ҳал қилиш борасида қатъий эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

* * *

3 май. Президент Шавкат Мирзиёев ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнига оид тақдимот билан танишди.

Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли мусобақага спортчиларимизни тайёрлаш учун кенг шароит яратилган эди. Юқори малакали мутахассислар жалб қилиниб, юзлаб ўқув-машғулотлар ташкил этилди. Бугунги кунгача спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларига 41 та, Паралимпия ўйинларига 16 та йўлланма олган.

Тақдимотда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати танқид қилиниб, қониқарсиз деб баҳоланди. Май-июль ойларидаги мусобақаларда яна йўлланмаларни қўлга киритиш учун спортчилар ва уларнинг жамоасини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Спортчиларга хизматларни кучайтириш, уларни ҳар

томонлама рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Федерациялар фаолиятини такомиллаштириб, жалб қилинган малакали спорт менежерлари билан бирга олимпиадачиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини яхшилаш учун ҳар бир спорт тури бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

* * *

4 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқароларга давлат пенсияларини тайинлаш жараёнини соддалаштириш ҳамда пенсия ва нафақаларни етказиб бериш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизimini жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

6 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида чет тилларини ўқитиш тизimini такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда тизимдаги муаммолар атрофлича таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш, малакасига қараб уларни рағбатлантириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари чет тиллари бўйича энг яхши мактабларни аниқлаш учун Президент совринини таъсис этиш таклифини билдирди.

Мактабгача таълим вазирлигига ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 7 ёшгача бўлган болаларга чет тилларини ўқитиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиб, жорий этиш вазифаси кўйилди.

Йиғилишда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда олийгоҳлардаги 78 фоиз профессор-ўқитувчиларнинг чет тилини билиш даражаси кониқарсиз аҳволда экани кўрсатиб ўтилди.

Хар бир вазирлик, идора, давлат компаниялари ва йирик хусусий корхоналарда тил ўрганишни қўллаб-қувватлаш, ҳафтанинг бир кунини белгилаб, хорижий тилларни ўрганиш учун шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

Тил ўргатувчи видеодарслар, фильм ва кўрсатувлар яратиш, электрон дастурлар ишлаб чиқиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаklarини изҳор қилдилар.

Елкама-елка туриб бирга қаҳрамонона жанг олиб борган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган халқларимизнинг буюк жасорати миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолиши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларида йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзаро савдони кўпайтириш бўйича биргаликда кўшимча чоралар кўриш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Парламентлараро алмашинувлар кенгаймоқда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

Мулоқотда Президентлар халқаро кун тартиби ҳамда минтақавий ҳамкорлик, шу жумладан, МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги шерикликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Телефон орқали мулоқот хар доимгидек самимий, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

* * *

7 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар Ғалаба куни ва яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ҳайити билан бир-бирларини самимий табриклаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Сухбатда Ўзбекистон – Қозоғистон кўп қиррали ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди, Марказий Осиёдаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Турли даражалардаги фаол ва самарали икки томонлама мулоқотлар туфайли ҳамкорлик ижобий суръатда ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 28 фоизга ўсди. Ўтган ойда чегараолди ҳудудлардан бирида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича халқаро марказ қурилиши бошланди.

Устувор инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини биргаликда тайёрлаш ва амалга ошириш, жумладан, Учқудуқ – Қизилўрда автомобиль ва темир йўллари ҳамда Туркистон – Тошкент тезювар темир йўлини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Икки мамлакат ҳудудлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда, маданий-гуманитар алмашинув борасидаги муҳим дастурлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Президенти ва Элбоши биродар халқлар ва мам-

лакатлар ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, ишонч ва шериклик руҳидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим эканини алоҳида таъкидладилар.

* * *

7 май. Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси, таниқли олим ва педагог Рустам Қосимов оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг фарзандлари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг кўнгил сўраши оғир дамда марҳумнинг оиласига ҳамдардлик, катта далда бўлди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, дуо қилинди.

Президентимиз марҳумнинг эзгу ишларини ёдга олди.

Марҳумнинг оиласи доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

* * *

9 май. Президент Шавкат Мирзиёев Олмазор туманидаги Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Атроф байрамонга безатилган. Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирлик ва идораларнинг раҳбарлар таркиби саф тортган. Ҳарбий оркестр ижросида «Хотирлаш куйи» янгради.

Президент «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Галаба боғидаги амфитеатрда 9 май – Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Хотира ва кадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галабанинг 76 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни табриклайди.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги байрам иштирокчилари, нуронийлар билан видеоалоқа орқали мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев тадбирга келган уруш ва меҳнат фахрийлари билан саломлашиб, хол-аҳвол сўради. Уларга сихат-саломатлик, узоқ умр тилади. Кексалар мамлакатимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Президент нуронийлар билан бирга байрамга бағишланган концерт дастурини томоша қилди.

Шавкат Мирзиёев Шон-шараф музейидаги янги экспозиция билан танишди.

Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ҳақидаги маълумотларнинг электрон базасини яратиш, китоблар чоп этиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 май. Президент Шавкат Мирзиёев давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлигига оид тақдимот билан танишди.

Тақдимотда соҳадаги муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш, аҳолига қулайликларни ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Хорижий тажриба асосида, шу йил якунигача давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини 200 тага етказиш вазифаси қўйилди. Барча 716 та давлат хизматини инвентаризация қилиб, уларнинг муддатлари, тўлов миқдорлари, шартлари ва бошқа талабларини соддалаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Идоралараро интеграция даражасини ошириш, бунинг учун давлат хизматларига тўловларнинг 20 фоизини ташкилотларнинг ахборот технологиялари тизимини ривожлантиришга йўналтириш, қоғоз шаклидаги архив ҳужжатларини рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари порталининг мобиль иловасини ривожлантириш, ногиронлиги бўлган шахсларга тўловларда чегирма бериш чоралари белгиланди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъмино-

тини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги йўллади.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президентлар икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини батафсил муҳокама қилдилар. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ мураккаб шароитда кўп қиррали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, транспорт, туризм, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг бориши кўриб чиқилди.

Телефон мулоқоти чоғида етакчилар халқаро сиёсат масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар Шарқий Қуддусдаги вазиятнинг кескин тус олиши муносабати билан чуқур хавотирда эканликларини билдирдилар. Фаластин – Исроил муаммоси халқаро

ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши томонидан аввал қабул қилинган резолюциялар асосида тинч йўл билан ҳал этилиши лозимлиги қайд этилди.

Туркий кенгаш, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасидаги шерикликка алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг мулоқоти хар доимгидек ўзаро ишонч руҳида, очиқ ва дўстона ўтди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев Япония Бош вазири Ёсихидэ Суга билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ўзбекистон – Япония стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

2019 йил декабрь ойида Японияга амалга оширилган олий даражадаги ташрифдан сўнг амалий ҳамкорликда, очиқ ва самарали мулоқотда юксак натижаларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган комплекс ислохотлар дастурини фаол қўллаб-қувватлаётгани ҳамда коронавирускга қарши кураш ва пандемиянинг иқтисодий оқибатларини енгиб ўтишда кўрсатилган ёрдам учун Япония Бош вазири ва Ҳукуматига самимий миннатдорлик билдирди.

Япония Бош вазири, ўз навбатида, янгиланишларни янада илгари суриш, замонавий саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонга молиявий-техник кўмакни кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Япония томони Тошкент Корея ярим оролини ядровий қуролдан холи ҳудудга айлантириш ва ўғирланган япон фуқароларини қайтариш масаласини муттасил қўллаб-қувватлаётгани учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Икки томонлама савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти ЈСА агентлиги, Япониянинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари билан самарали шерикликни юксак баҳолади. Ўтган йилда глобал инқироз ва карантин чекловларига қарамай, япониялик сармоядор ва мутахассислар билан биргаликда Тўрақўрғон ИЭС қурилиши, Навоий ИЭСни кенгайтиришнинг иккинчи босқичи, «Навоийазот» корхонасида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик қувватларни ишга тушириш каби устувор лойиҳалар амалга оширилди.

Ўзаро савдо ва инвестициялар ҳажмини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қўшма бизнес лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашнинг самарали воситаларини жорий этиш ташаббусини маъқуллади.

Шунингдек, халқаро кун тартиби, минтақавий хавфсизлик ва

барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар «Марказий Осиё + Япония» форматидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканликларини қайд этди.

Ўзбекистон ва Япония етакчиларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очик, дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи чоракдаги кўрсаткичлар таҳлили ҳамда жорий йилги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мураккаб пандемия шароитида давлатимиз томонидан иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлангани натижасида иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва иш ўринларини сақлаб қолишга эришилди.

Жумладан, биринчи чоракда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 3 фоизга, саноат 3,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги 3,1 фоизга ўсган. Давлат бюджети даромадлари прогнозга нисбатан қарийб 2 триллион сўмга кўпайган. Экспорт ҳажми январь-апрель ойларида 3,2 миллиард долларни ташкил этган.

Йиғилишда айрим тармоқ ва ҳудудлардаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари биринчи ярим йилликдаги қолоқликларни бартараф этиш, қўшимча захираларни топиб, амалда ишга солиш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда давлат корхоналарини трансформация қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. «Худудгазтаъминот», «Ўздонмахсулот», «Агросервис», «Агролизинг» корхоналарида трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Инвестиция ва экспорт масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Президент мутасаддиларга ҳар бир инвестиция лойиҳаси ижросини қатъий назоратга олиб, корхоналар ишга туширилишини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президент ажратилган кредит ресурсларининг самарадорлиги ва қайтими борасидаги камчиликларни танқид қилди.

Мутасаддиларга муаммоли корхоналарни аниқлаб, уларга «яширин иқтисодиёт»дан чиқиш учун шароит яратиш, кредитларни манзилли ва мақсадли ажратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат солиқ қўмитасига тадбиркорларнинг фикр ва эътирозларини инобатга олиб, қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни рўйхатга олиш, солиқларни ҳисоблаш тизимини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

12 май. Президент Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос меҳр-оқибат, эзгулик,

хайр-саховат каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 100 нафар фуқаро афв этилди.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қўшма Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли ўзаро ҳамкорликда эришилган ҳозирги юксак даражани катта мамнуният билан қайд этди.

Қоҳир Расулзода Ўзбекистон Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда савдо, машинасозлик, энергетика, қазиб олиш саноати, кишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, транспорт, туризм ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳудудлар ва бизнес даражасидаги фаол мулоқотлар ҳамда маданий-гуманитар алмашинув дастурлари давом эттирилади.

Суҳбат чоғида Тожикистон Бош вазири икки давлат раҳбарларининг бўлажак саммитига биргаликда ҳар томонлама таяёрлик кўришга, шунингдек, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кенг кўламли шерикликни мустақамлашга бор куч-ғайратини қаратишини таъкидлади.

* * *

14 май. Президент Шавкат Мирзиёев Рамазон ҳайитининг иккинчи кунида Тошкент шаҳридаги шифо масканларида бўлиб, у ерда даволанаётган бемор болалар ҳолидан хабар олди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига борди.

Бу марказ аҳолига гематологик ва трансфузиологик ёрдам кўрсатиш, шундай касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволаш, гематология соҳасида илмий изланишлар олиб боришга ихтисослашган.

Президент марказнинг шароитларини кўздан кечирди. Марказда 3 та бино бўлиб, 260 та ўринга эга. Ҳозирги кунда бу ерда 210 нафар бемор даволанмоқда. Шундан 42 нафари болалардир.

Давлатимиз раҳбари ушбу шифохона учун янги бино барпо этиш, унда Россиянинг Д.Рогачёв номидаги тиббий тадқиқот маркази тажрибаси асосида болалар онкогематологияси маркази ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент шифохонада даволанаётган болалар ва уларнинг оналари билан суҳбатлашди.

Президентимиз Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказига ташриф буюрди.

Марказда 10 та даволаш корпуси бўлиб, 370 та ўринга эга. Бу ерда йилига 9 мингдан ортиқ беморга стационар, 43 минг нафарига амбулатор тартибда хизмат кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари марказда даволанаётган болалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди. Болаларнинг орзу-ниятлари билан қизикди, уларга далда берди.

Президент болалар ва уларнинг ота-оналари билан бирга суратга тушди. Давлатимиз раҳбари номидан болаларга совғалар топширилди.

Шу ерда онкология тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Президент марказнинг ҳозирги имкониятлари етарли эмаслигини таъкидлаб, Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган ҳудудида Республика онкология марказининг янги биноларини барпо этиш бўйича топшириқ берди.

Иккинчи асосий масала – даволаш сифатини ошириш. Шу мақсадда жойлардаги онкология ва

гематология шифохоналарини таъмирлаб, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, малакали мутахассисларни жалб қилиш вазифаси белгиланди.

Видеоселектордан сўнг, давлатимиз раҳбари Тошкент тиббиёт академияси ҳудудига бориб, Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази биноси учун мўлжалланган жойни кўрди. Янги бинони Жанубий Корея тажрибаси ва лойиҳаси асосида қуриш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги «Тепакўрғон» маҳалласи ҳаёти билан танишди.

«Тепакўрғон» маҳалласи ҳам шу тарзда обод қилинган. Бу ерда 30 та кўп қаватли уй бор, 6 минг 150 нафар аҳоли яшайди. Икки та 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси, битта ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият юритмоқда.

40 та кичик бизнес субъектида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда. Яқинда бу ерда яна бир ишлаб чиқариш корхонаси – «Euroasia print» босмахонаси қуриб битказилди. Унда 60 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Шавкат Мирзиёев ушбу корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Шу ерда Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш режалари тақдимоти ўтказилди.

Маҳалла аҳли билан суҳбатда нуронийлар Рамазон ойи рўзасини шукроналик билан тутганини, юртимизга тинчлик-фаровонлик сўраб дуолар қилганини айтишди.

Давлатимиз раҳбари хорижий тилларни ўргатиш маркази фаолияти билан ҳам танишди.

* * *

17 май. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Қозоғистон Президентининг биродар мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган қатта ҳиссаси қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган ва ишончга асосланган олий даражадаги мулоқотлар кўп қиррали Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг жадал суръат билан ривожланишига хизмат қилаётгани таъкидланди.

Суҳбатда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Аввал эришилган келишувларнинг амалга оширилиши ҳамкорликнинг барча устувор йўналишларда янада кенгайишига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

* * *

17 май. Президент Шавкат Мирзиёев техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология миллий тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, жаҳон бозорларига чиқиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришда, экспорт ва импорт жараёниларида стандартлар билан боғлиқ яна қўллаб вазибалар бор. Айрим тартиб-таомиллар тадбиркорларга қийинчилик туғдирмоқда.

Тақдимотда шу масалаларни ҳал этиш, соҳадаги тартибларни такомиллаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга санитария-эпидемиологик хулоса олинадиган маҳсулотлар рўйхатини мақбуллаштириш, қўшимча мувофиқлик сертификати талабини бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Импорт маҳсулотлар синови божхона расмийлаштируви жараёнида амалга оширилиб, бунга 60 кунгача вақт кетмоқда. Шу боис, бу борадаги ҳужжатларни камида 30 кун олдин божхона электрон дастурига жойлаштириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Соҳани такомиллаштиришда жаҳон тажрибасидан фойдаланилмоқда. Жумладан, Европада фақатгина 28 турдаги хавфи юқори бўлган маҳсулот мажбурий сертификатланади, қолган барча турдаги товарлар мувофиқлиги декларациялаш орқали тасдиқланади.

Тақдимотда шундай тизимни тажриба-синов тариқасида амалиётга киритиш зарурлиги қайд этилди. Дастлабки босқичда 800 га яқин маҳсулот тури бўйича декларациялаш тартиби жорий этилади.

Халқаро талаблар билан уйғунлашмаган қолган 11 мингта миллий стандарт ўрнига халқаро стандартларни қабул қилиш ҳамда 2023 йил-

дан барча корхоналарни ушбу стандартларга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

«Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги 20 та синов лабораторияси фаолиятини халқаро даражада ташкил этиб, биринчи навбатда озиқовқат, қишлоқ хўжалиги, электр техникаси, енгил саноат, гигиена ва парфюмерия маҳсулотлари ҳамда қурилиш материалларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини баҳолашни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Европа Иттифоқининг «GSP+» тизими доирасидаги имтиёзлардан кенг фойдаланиш учун корхоналарга халқаро сертификатлар олишда кўмаклашиш кераклиги қайд этилди.

Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар ҳамда Санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисидаги битимлари нормаларидан келиб чиқиб, ушбу соҳаларга масъул идораларнинг ваколатларини аниқ белгилаш вазифаси қўйилди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон банки президентининг ўринбосари Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Жаҳон банки гуруҳи ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, мамлакатимизда ва умуман минтақада барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорлик даражасини оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Банкнинг ҳар томонлама кўмаги билан мамлакатимизда бозор ислохотлари ва ижтимоий янгиликлар дастурини амалга ошириш давом этаётгани таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан янги беш йиллик Шериклик дастурини пухта тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Жаҳон банки президенти ўринбосари Анна Бьерде Банк мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни юксак баҳолаши ва уларни амалга оширишда зарур кўмак кўрсатишда давом этишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти томонидан Жаҳон банки билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича таклиф этилган янги кун тартиби тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Учрашув якунида ҳамкорликнинг юксак суръатларини қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги стратегик шерикликка доир устувор дастур ва лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида доимий мулоқотлар ва самарали алмашинувларни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда соҳадаги энг муҳим вазифаларни бажаришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президент сурункали касалликларни бирламчи бўғинда даволаш, айниқса, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак хасталиклари профилактикасини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади. Бирламчи бўғинда даволаш зарур бўлган касалликлар бўйича бепул тиббий хизматлар пакети жорий этилиши белгиланди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда оилавий шифокорлар малакасини ошириш, «Қишлоқ шифокори» дастури доирасида олис ва чекка ҳудудларга мутахассисларни жалб қилиш кераклиги қайд этилди. Оилавий шифокор пункти ва поликлиникаларда штатлар нормативи, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг малака талаблари, жиҳозлаш стандартларини такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ихтисослашган марказлар билан вилоят, туман ва шаҳар шифохоналарини самарали боғлаб, малакали тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Аввало, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, болаларнинг тўғри овқатланишини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди. Ҳар бир ҳудуд бўйича таҳлиллардан келиб чиқиб, мақсадли скрининглар ўтказиш вазифаси қўйилди.

Вилоятларда Перинагал ва Скрининг марказлари ягона кластер сифатида бирлаштирилиб, тумангача тушадиган бўғин ташкил қилиниши қайд этилди.

* * *

18 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Российские железные дороги» компанияси («РЖД» ОАЖ) бош директори – бошқаруви раиси Олег Белозёровни қабул қилди.

Темир йўл алоқалари соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишлари ҳамда бутун минтақанинг транзит салоҳиятини самарали ишга солишга қаратилган муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш йўллари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакат темир йўл маъмуриятлари ўртасида, шу жумладан, халқаро тармоқ тузилмалари доирасида анъанавий яқин ва сермахсул ишбилармонлик алоқалари қарор топганини мамнуният билан қайд этди.

Пандемия шароитида, кенг ривожланган ва ўзаро интеграцияланган транспорт коммуникациялари, энг аввало темир йўллар корона-вирус оқибатларига муваффақиятли қарши курашиш ҳамда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жадал суръатини сақлаб қолишга хизмат қилгани таъкидланди.

Амалий шерикликни кенгайтириш, жумладан, мамлакатимизда темир йўллар тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик

қилиш, юк ташишлар ҳажмини кўпайтириш учун қулай шароитларни шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш механизмларини йўлга қўйиш, йўловчи поездларининг қатновини қайта тиклаш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда «Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўлини қуриш лойиҳасини биргалликда илгари суриш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Лойиҳани ҳар томонлама тайёрлаш, шу жумладан, техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қурилишни тез фурсатда бошлашга қаратилган ишларда иштирок этиш юзасидан келишувга эришилди.

«РЖД» раҳбари Олег Белозёров тармоқ компаниялари темир йўллар соҳасидаги шерикликнинг устувор вазифаларини амалга оширишда кенг қўламда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлади.

* * *

21 май. Президент Шавкат Мирзиёев видеоанжуман шаклида ўтган Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомини ушбу ташкилотнинг 2020 йил 11 декабрдаги саммитида олган эди.

Ўтган даврда Евроосиё иқтисодий комиссияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва уни амалга ошириш бўйича уч йиллик чора-тадбирлар режаси имзо-

ланди. Мамлакатимиз вакиллари ЕОИИнинг кўп томонлама тадбирларида иштирок этмоқда. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бирлашманинг Саноат сиёсати бўйича кенгаши йиғилиши ва халқаро «Иннопром» кўргазмаси ўтказилди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раслигида ўтган Олий кенгашнинг навбатдаги йиғилишида кенгаш Фахрий Раиси, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Арманистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчиси Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат – Куба Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати Раиси Михаил Мясникович ҳам иштирок этди.

Тадбир кун тартибидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорлик қилиш ҳамда ЕОИИ фаолиятини такомиллаштиришга доир долзарб масалалар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ҳал этилиши ўзаро мувофиқлашган ёндашувларни талаб этувчи энг муҳим вазифаларга алоҳида тўхталди.

Эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашуви ва аҳолини эмлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни ҳисобга олиб, минтақа мамлакатлари ўртасидаги мунтазам ҳаво

ва темир йўл қатновини қайта тиклаш таклиф этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ЕОИИ солиқ ва божхона маъмуриятчилиги, саноат, меҳнат миграцияси ва туризм бўйича рақамли платформаларига уланиш имконияти кўриб чиқилмоқда, шунингдек, бошқа қатор устувор йўналишлар борасида ҳамкорлик қилиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзининг якунида мамлакатимизнинг кузатувчи давлат сифатида Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигида аниқ ва сезиларли натижаларга эришиш муҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари қамровини кенгайтириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда соҳадаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Уларни бартараф этиш, мактабгача таълим қамрови ва сифатини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари асосийси таълим-тарбия мазмуни эканини таъкидлаб, оилавий боғчаларга ўқув қўлланма ва методик материалларни бепул етказиб бериш вазифасини қўйди.

Олис ҳудудларда мактабгача таълим қамровини кенгайтиришнинг яна бир манбаси – давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчалардир. Бугунги кунда бундай муассасаларда бир бола учун 50 фоиз харажатлар субсидия қилиб келинмоқда.

Йиғилишда ушбу субсидия миқдорини 75 фоизга етказиш, хусусий боғчаларнинг электр энергияси ва табиий газ тўловининг 50 фоизини давлат бюджетидан қоплаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат томонидан янги боғчалар қуриш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. 2021–2022 йилларда 23 та туманнинг олис ва чекка ҳудудларида 50 та мактабгача таълим муассасаси барпо этиш режалаштирилган. Бунинг учун қамров даражаси энг паст ва болалар сони 250 тадан ошган 50 та маҳалла танлаб олинган.

Президентимиз ушбу боғчаларни илғор хорижий тажриба асосида қуриш, замонавий жиҳозлар ва қўлланмалар билан таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

Мактабгача таълим муассасаларининг 12 минг нафар ходимини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилиниши қайд этилди.

* * *

24 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мактабларининг битирувчиларига табрик йўллади.

* * *

25 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 май. Президент Шавкат Мирзиёев ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мажлисида ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича янги тизим ташкил этиш, ҳудудларда бу борадаги хизматларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Тадбиркорлар харид қиладиган лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар бўйича кредит фоизининг асосий ставкадан ошган қисми бюджетдан қоплаб берилиши ҳамда Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан 50 фоизгача бўлган қисмига кафиллик ажратилиши қайд этилди.

Президент соҳада илм-фанни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини яхшилаб, малакали кадрлар ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимини кучайтириш, илмий салоҳиятни ошириш ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш бўйича ҳукумат қарори ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда ишлаётган чет эллик агрономларни жалб қилиб, қишлоқ хўжалиги коллежларида ўрга бўғин мутахассисларини қайта тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Шаҳарлардаги мевали ва манзарали дарахтлар, буга ҳамда гулларни ҳимоя қилиш хизматларини

кенгайтириш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

* * *

27 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари бугунги хавф-хатарлар илғор халқаро тажриба асосида самарали соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва замонавий технологияларни жорий этиш нақадар муҳим эканини яна бир бор кўрсатганини алоҳида таъкидлади. Пандемияга қарши курашишда кўрсатилган кўмак, жумладан, аҳолини эмлашда амалга оширилаётган самарали ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирилди.

Устувор йўналишларда, жумладан, онкология, гематология, вирусология, нефрология, трансплантология, фармакология ва бошқа соҳалардаги қўшма дастур ва аниқ лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини жорий қилиш ва телемедицинани кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш борасидаги яқин шерикликни давом эттириш, жумладан, Тошкент шаҳрида Россиянинг етакчи Н.И. Пирогов номидаги тиббиёт университети филиали фаолиятини тез фурсатда ташкил этиш, шунингдек, Россиянинг етакчи клиникалари негизида врачлар алмашиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини кенгайтириш юзасидан келишувга эришилди.

Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолаб, Россия ўзбекистонлик шериклар билан соғлиқни сақлаш соҳасидаги кенг кўламли тизимли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тиббиётнинг турли соҳаларида замонавий билимлар ва илғор тажриба билан бўлишишга тайёр эканини таъкидлади.

* * *

28 май. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кўп қаватли уй-жойлар барпо этиш ва уларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва уй-жой фондиди янгилаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Вилоят марказлари, шунингдек, Нукус, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида айрим мавзеларни, тажриба тариқасида, малакали бош-

қарув-сервис компанияларига бериш зарурлиги таъкидланди.

Янги қурилган 3 мингта кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмагани кўрсатиб ўтилиб, улар учун бошқарув компаниялари ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги хузурида уйларни таъмирлашни молиялаштириш бўйича махсус жамғарма ташкил этилиши белгиланди. Унинг маблағлари тенг улушларда республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан шакллантирилади.

Йиғилишда иссиқлик тизимини модернизация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Худудларни обод қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича бажарилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Президентимиз бу борадаги ишлар ижросини танқид қилиб, мутасаддиларга қоқоқликни баргараф этиш ва лойиҳаларни сифатли бажариш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

30 май. Президент Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтган «Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030» иккинчи халқаро саммити ишида иштирок этди.

Саммитда БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, Европа Кенгаши Раиси Шарль Мишель ва Европа Комиссияси Раиси Урсула фон дер Ляйен, Германия Канцлери Ангела

Меркель, Франция Президенти Эммануэль Макрон, Буюк Британия Бош вазири Борис Жонсон, ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянь, АҚШ Президентининг иқлим масалалари бўйича махсус вакили Жон Керри, ХВФ бошқарувчи директори Кристалина Георгиева, Яшил ўсиш глобал институти раиси Пан Ги Мун ва ИХТТ бош қотиби Анхель Гуррия қатнашди.

Ўзбекистон Президенти ўз нуқтаида «яшил» тикланиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишларнинг муҳим йўналишларини қайд этди ҳамда бу борадаги халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари «яшил» ва барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун бутун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Минтақамизда иқлим ўзгаришлари, буғланиш даражасини оширувчи газлар ва атмосфера ифлосланиши муаммолари таъсирида трансчегаравий дарёлар оқими ва биологик хилма-хиллик қисқараётгани муносабати билан жиддий ҳавотир билдирди.

Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилга қадар парник газларини атмосферага чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга содиқ экани таъкидланди.

Президентимиз ушбу муҳим соҳада амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон «P4G» шериклигига қўшилиш ҳамда унинг

тўлақонли иштирокчисига айланишга тайёр эканини билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев туризм, шаҳар инфратузилмаси, саноат соҳаларидаги лойиҳалар ҳамда Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдимоти билан танишди.

Лойиҳалардан бири Чирчиқ дарёси бўйида турли инфратузилма объектлари барпо этишга оид. Мазкур дарёнинг Тошкент шаҳридан ўтган қисми 16 километрни ташкил этади. Лойиҳага кўра, дарё ўзани қисқартирилиб, қирғоқлари ободонлаштирилади. Бунинг эвазига очиладиган майдонларда замонавий уй-жойлар, дам олиш масканлари, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши режалаштирилган.

Яна бир лойиҳа Тошкент халқаро аэропортидан шаҳар марказига ўтишдаги кўприкни кенгайтиришга қаратилган. Ушбу йўл ўтказгич 1967 йилда қурилган. Пойтахтимиз ривожланиши ва транспортлар сони ошиши билан уни реконструкция қилиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу боис ушбу кўприкнинг Кичик халқа йўли билан кесишган жойида айланма шаклидаги йўл ўтказгич қуриш режалаштирилган. Унинг узунлиги 650, эни 30 метр бўлиши мўлжалланган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарига пойтахтимиздаги Технопаркда амалга оширилиши режалаштирилган

инвестиция лойиҳалари тақдим қилинди.

Миллий боғ ҳудудида барпо этилаётган Magic City маданият ва истироҳат боғининг иккинчи босқичи доирасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Лойиҳа концепциясига мувофиқ, боғ ҳудудида сунъий кўл ташкил этилади ва унинг атрофида мамлакатимизнинг тарихий ва диққатга сазовор масканларига бағишланган тематик шаҳарча қурилади.

Президентимиз буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий мақбарасини таъмирлаш ва тиклаш, унинг атрофини ободонлаштириш лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди.

Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқиш вазифаси Президентимизнинг 2020 йил 19 октябрдаги «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган эди.

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш доирасида мамлакатимиз мутахассислари афғонистонлик ҳамкасблари билан биргаликда мақбарани жойида ўрганди. Ўрганишлар натижасида анъанавий меъморчилик, санъат ва безак элементларидан фойдаланган ҳолда мақбарани таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдим этилган лойиҳага кўра, мақбаранинг кириш ва қолган йўлакларига Ҳазрат Навоийнинг ҳикмат-

ли сўзлари битилган китоб кўринишидаги белгилар кўйилади ҳамда декоратив ўтиргичлар ўрнатилади.

Кириш қисмида саккиз бурчакли масжид бунёд этилади. Кириш пештоғидан ховли қисмининг чап ва ўнг томонида ёпиқ услубда айвонлар барпо этилади. Мақбаранинг ташки кўринишига безак берилади. Гумбаз, мақбара олди ва ён қисмлари майолика элементлари билан ишланади. Мажмуа ҳудуди кўкаламзорлаштирилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳалар билан танишиб, мутасаддиларга уларни сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «IJRO.GOV.UZ» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 май. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

1–2 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шароити билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Президентимиз вилоятга ташрифини дастлаб Шеробод туманидан

бошлади. Бу ерда Бирлашган Араб Амирликларининг «Masdar» компанияси билан ҳамкорликда қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят фаоллари, нурунийлар, ёшлар, видеоконференц-алоқа орқали Осиё тараққиёт банки ва Бирлашган Араб Амирликларининг «Masdar» компанияси раҳбарияти иштирок этди.

Лойиҳа доирасида мазкур компания томонидан 601 гектар майдонда қуввати 457 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси қурилади. Уни амалга ошириш учун «Masdar» компанияси 260 миллион доллар инвестиция жалб қилади. Станциянинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 1,04 миллиард кВт/соатни ташкил этади. Натижада йилига 340 миллион куб метр табиий газ тежалиб, 300 минг хонадон электр энергияси билан таъминланади.

Шавкат Мирзиёев қуёш фотоэлектр станцияси қурилиши муносабати билан унинг пойдеворига капсула қўйди.

Ташриф давомида Президентимиз «Сардорбек Султонбек» масъулияти чекланган жамияти томонидан Шеробод туманининг «Бўстон» маҳалласида ташкил этилган анорзорни кўздан кечирди.

43 гектар ерда 30 минг дондан зиёд анор экилган. Қозоқи навли анорнинг бир донаси 1 килограмдан зиёд тош босиши мумкин. Кўчатлар бу йилдан ҳосилга кирди. Йилига минг тоннадан зиёд маҳсулот олиш мўлжалланган.

Шу ерда Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиа-

ли тадқиқотчилари билан мулоқот бўлди.

Сурхондарёда қишлоқ хўжалигини инновацион йўналтириш бўйича институт ташкил этиш, анор билан бирга лимон, хурмо етиштиришни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари туманнинг «Каттабоғ» маҳалласида анорчилик билан шуғулланаётган Абдурахмон Каримов хонадонида ҳам бўлиб, аҳоли турмуши ва томорқалардан фойдаланиш ҳолати билан танишди. Маҳалла аҳли, нурунийлар билан самимий суҳбатда бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Шеробод туманидаги замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

«Шеробод агро импекс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли ушбу 29 гектарлик иссиқхонада помидор, бодринг, булғор қалампери, бақлажон каби маҳсулотлар етиштирилиб, шундан 10 гектари гидропоника усулида. Иссиқхона учун жиҳоз ва асбоб-ускуналар Жанубий Корея давлатидан келтирилган. 200 та иш ўрни яратилган. Бир гектар ердан ўртача 100 тонна ҳосил етиштириш мўлжалланган.

Суҳбат чоғи маҳсулот ҳажмини кўпайтириш орқали унинг таннархини арзонлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Бу ерда «Шеробод анор импекс» корхонаси ҳам ташкил этилган. 5 миллион долларлик мазкур лойиҳа натижасида анорни қадоқлаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган. Ускуналар Жанубий Корея ва Словениядан келтирилган. Корхона 6 минг тонна қадоқлаш, 2 минг тонна анор

шарбаги ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 70 киши иш билан таъминланган.

Шеробод туманида бир йилда қарийб 30 минг тонна анор етиштирилади. Корхона учун анор аҳоли ва боғдорчилик хўжаликларидан сотиб олинади. Шундан 8 минг тоннаси экспортга чиқарилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев Ангор туманидаги «Ангор Сурхон ғурури» кластерида бўлиб, ғалла ва ғўза ривожини кўздан кечирди.

Кластернинг умумий ер майдони 11 минг гектардан зиёд. Мавжуд майдоннинг 4 минг 870 гектарида ғалла етиштирилмоқда. Кластерда сабзавот ва дуккакли экинлар ҳам парваришланмоқда. Мингга яқин кишининг бандлиги таъминланган. Давлатимиз раҳбари комбайн бошқариб, ғалла ўрди.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз туманидаги «Айритом» чегара божхона постини бориб кўрди.

Маълумки, бу иншоот Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ягона ўтказиш пунктидир. Мазкур божхона пости шунга яраша замонавий қилиб қайта қурилди. Чегара божхона пости «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури доирасида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Масалан, «Z-Portal» русумли кўрик мажмуаси автотранспорт воситаларини уч томондан суратга олиш имкониятига эга. Бу бир соатда 200 тагача автотранспортни ўтказиш имконини беради. Юртимиздаги бошқа божхона постларида бундай қувват соатига 20 та. Умуман, чегара божхона постида бир кеча-кундузда 2 минг нафарга-

ча йўловчига хизмат кўрсатилиши мумкин.

Яна бир ўзига хос жиҳати, «Айритом» чегара божхона пости универсал бўлиб, бир йўла уч хил – поезд, автотранспорт ва фуқароларга хизмат кўрсатилади. Шу боис, ўтказувчанликни тезлаштириш ва фойдаланувчиларга қулайлик яратиш мақсадида ягона дарча таъминли жорий этилган. Хавфсизликни таъминлаш учун «Adani» ва «Rapiscan» русумли қурилмалар, видеокузатув тизими ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

«Айритом» чегара божхона пости ёнида Термиз халқаро савдо маркази барпо этилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур халқаро савдо маркази бош режаси асосида амалга ошириладиган ишлар билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари марказ биноларини енгил конструкциялардан қуриш, вилоят тадбиркорларини бу ерда ишлашга ва экспорт фаолиятига жалб қилиш, чет эллик ишбилармонлар учун барча қулайликлар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Термиз халқаро савдо марказини 2022 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳридаги «Afghan bazar carpets» корхонаси фаолияти билан танишди.

Маълумки, Сурхондарёда қўй кўп боқилади. Лекин унинг жуни деярли қайта ишланмайди. Шу боис Пиллачилик ва қорақўлчиликни ривожлантириш қўмитаси томонидан Афғонистон тажрибаси асо-

сида жундан гилам тўқиш йўлга қўйилмоқда.

Президент бу лойиҳани маъқуллаб, афғонистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, жундор қўй зотларини қўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаётган хотин-қизлар билан мулоқот қилди.

Мажмуада «Silk road tex» корхонаси ҳам ташкил этилади. Унда ипакли мато ва тайёр маҳсулотлар, спорт ва йўл сумкалари ҳамда ипакли гилам ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Йилига 2 миллион доллардан зиёд экспорт мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари 2 июнь куни Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилди.

Яратгандан юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилинди. Зиёлилар билан суҳбатда аллома боболаримизнинг маърифий меросини чуқур ўрганиш, ёшларни билимли ва фазилатли инсонлар этиб тарбиялаш ҳақида сўз юритилди.

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти маҳаллий кенгаш депутатлари, тадбиркор ва фермерлар, нурунийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирокида йиғилиш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев вилоятни комплекс ривожлантириш, «маҳаллабай» тизимда аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталди.

Президентимиз вилоятнинг миллий қадриятларини янада ривож-

лантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Хонадонларда қорабайир отлар, дўппилар, дўмбира бўлиши ўзгача файз бериши айтилди. Сурхондарёда чавандозлик мактабини ташкил этиш топшириғи берилди. Келгуси йил йилқиччилик, дўмбира, дўппи каби миллий кадриятларимиз бўйича Наврўз сайли Сурхондарё вилоятида бўлишини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида қурилган кўп қаватли уйларни бориб кўрди.

Ушбу 9 қаватли уйларда 208 та хонадон бор. Бу ерга илк оилалар кўчиб кела бошлади. Уларнинг айримлари хонадонларни давлат томонидан берилган имтиёзлар асосида олган.

Давлатимиз раҳбари шундай икки оила – Наргиза Раҳимова ҳамда Фаррух Эгамовнинг хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Умуман, бу йил Сурхондарё вилоятида 3 минг 500 квартиралари кўп қаватли уйлар қурилади. 1 минг 460 та оиллага ипотека учун субсидия берилди.

Шу билан Президентимизнинг Сурхондарёга ташрифи якунига етди.

* * *

2 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ўзбекистон терма жамоасига табрик йўллади.

* * *

2 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Техник жихатдан тар-

тибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

2 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жихатдан тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

3 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо ва логистика, саноат кооперацияси соҳаларида, замонавий транспорт коммуникациялари ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

* * *

3 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев ер муносабатларини тако-

миллаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари ер ресурсларини талон-торож қилиш, ўзбошимчалик билан эгаллаш борасидаги камчиликларни кескин танқид қилиб, ерни бозор активига айлантириш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш бўйича ишларни жадаллаштириш, ер ажратиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда ер соҳасидаги қонунчилик бўйича мавжуд аҳвол ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида ишлаб чиқилган таклифлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда ер ажратилиши ва ундан фойдаланилиши устидан назорат механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари соҳада қонун устуворлигини таъминлаш шарт эканига яна бир бор урғу бериб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари бугун юксак даражага чиққанини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Пандемия оқибатларини биргалликда енгиб ўтиш мақсадида ҳукуматлар, ҳудудлар ва тадбиркорлар даражасида фаол алмашинувлар давом этмоқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 40 фоизга ошди. Машинасозлик, тўқимачилик саноати, транспорт, туризм ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларида йирик кооперация лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги дастурлар қайта тикланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон парламентлари икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболдаги қун тартибини шакллантиришда фаол иштирок этиши, ҳудудлар маъмуриятлари ва ишбилармон доираларни кенг жалб қилган ҳолда янги ташаббуслар ва аниқ лойиҳаларни илгари суриш, шунингдек, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорлик ва ўзаро мувофиқлашувни кучайтириш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро меҳнат ташқи-

лотининг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли Конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қарагилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъат ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

7 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат-хусусий шериклик асосида ҳудудларда замонавий иссиқхона хўжаликларини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ер муносабатларида

тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажминини кўпайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мутасаддиларга ер олган аҳолига уруф ва кўчатлар етказиб бериш, етиштирилган маҳсулотларни сотиб олишни молиялаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда парранда саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар белгиланди.

Мутасаддиларга ушбу тартиб ва имтиёزلарни жорий қилиш, мавжуд корхоналарнинг тўлиқ қувватларга чиқишига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди. Хусусий шериклик асосида маҳаллаларда мини-инкубатор ва маҳсулотларни сақлаш учун музлаткичлар ташкил этиш, хонадонларда парранда етиштиришни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини қайта ташкил этиб, шароитимизга мос, насли парранда зотларини яратиш вазифаси қўйилди.

* * *

8 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев маданият ва маъри-

фат соҳаларига оид лойиҳалар тақдимоги билан танишди.

Улардан бири – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида бунёд этиладиган замонавий кутубхонадир. Лойиҳага кўра, бу ерда 3 қаватли кутубхона қурилиб, атрофида яшил ҳудуд барпо этилади. Бинонинг биринчи қаватида санъат ва ахборот технологиялари, иккинчи қаватда тарих, филология ва динга тааллуқли, учинчи қаватда ижтимоий фанларга оид адабиётлар жамланади. Ушбу кутубхона адабиёт, илм-фан ва санъатнинг турли йўналишларига оид босма ва электрон нашрлар, электрон ҳужжатлар, жами 1,5 миллиондан ортиқ китоблар фондиди қамраб олади.

Давлатимиз раҳбари кутубхонани қуришда шаҳарсозликнинг илғор тажрибаларини қўллаш, келувчиларга қулай шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Навбатдаги лойиҳалар ҳам маданият ривожига қаратилган. Жумладан, Урганч шаҳрида Муҳаммад ал-Хоразмийнинг янги ҳайкалини ва унинг атрофида хиёбон барпо этиш режалаштирилган.

Президентнинг 2020 йил 2 декабрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллиги нишонланади. Ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрида санъаткор ҳайкалини ўрнатиш белгиланган.

Тақдимогда бу борада Бадиий академия томонидан танлаб олинган ҳайкал эскизлари кўздан кечирилди. Ҳайкаллар ўрнатиладиган хиё-

бонларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилди.

* * *

9 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири шайх Муҳаммад бин Абдурахмон Ол Соний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон – Қатар муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама ҳамкорлик суръати кейинги йилларда жадаллашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Хусусан, юқори даражадаги ташрифлар ва сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди, товар айирбошлаш кўрсаткичлари ўсмоқда. Ишбилармонлик ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни рағбатлантириш мақсадида Қатар фуқаролари Ўзбекистонда бўлиши учун виза тартиби соддалаштирилди.

Сухбатда давлатимиз раҳбари биринчи навбатда савдо, инвестициявий, инновациявий, молиявий-техник соҳаларда, шунингдек, Ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга мувофиқ – транспорт соҳасида амалий шерикликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш муҳим эканини таъкидлади.

Қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш, Қатарнинг етакчи компаниялари ва банк-молия институтларини жалб қилган ҳолда саноат тармоқларида замонавий ишлаб чиқаришларни ишга тушириш, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги

махсулотларини чуқур қайта ишлаш, инфратузилмани модернизация қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, таълим, фан, маданият ва зиёрат туризми соҳаларида алмашинув дастурларини амалга оширишдан икки мамлакат ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Халқаро сиёсатга доир ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қатар ташқи сиёсий идораси раҳбари Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

* * *

10–11 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Душанбе шаҳридаги «Қасри Миллат» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар бир-бирига расмий делегация аъзоларини таништирди. Фахрий қоровул тантанали марш билан давлат раҳбарлари олдидан ўтди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлигининг барча жиҳатларини кўриб чиқдилар, сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки мамлакат ҳудудлари салоҳиятини самарали ишга солиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперациясини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, парламентлараро алоқалар, маданий-гуманитар алмашинув, барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Икки давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Музокараларда расмий делегациялар аъзолари, икки мамлакат вазир-

ликлари ва йирик компаниялари, чегарадош вилоятлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчиларининг сиёсий иродаси ва бир-галикдаги саъй-ҳаракатлари туфайли биродар мамлакатларнинг муносабатлари тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилгани қайд этилди.

Томонлар стратегик шерикликни кенгайтиришда қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёрлигини таъкидладилар.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, транспорт соҳасидаги ва ҳудудлар ўртасидаги шерикликни ривожлантириш, энергетика йўналишидаги улкан салоҳиятни самарали ишга солиш, маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мамлакатларимиз ҳудудлари ва етакчи корхоналарининг саноат кооперациясини кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Транспорт ва транзит ташишлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам стратегик йўналишдир. Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шаҳарлар ўртасидаги ҳаво қатновларини кенгайтириш ва автобус қатновларини тиклашни таклиф этди.

Шавкат Мирзиёев икки мамлакат вилоятлари ва туманлари кесимида

тўғридан-тўғри тизимли мулоқотни йўлга қўйиш муҳим эканини таъкидлади.

Икки мамлакатнинг улкан гидроэнергетика салоҳиятидан ва сувдан самарали фойдаланиш масалалари бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар анъанавий фаол гуманитар алмашинувларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган қўшма маданий тадбирлар дастурини амалга ошириш, шунингдек, икки мамлакат ёшлари фестивалини ташкил этиш, Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари – антологияларини нашр этишни таклиф этди.

Музокараларда замонавий ҳатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасида, айниқса, Афғонистонда юзага келаётган вазият асносида ҳамкорликни кучайтириш муҳим экани қайд этилди.

Томонлар БМТ, МДҲ, ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорликни давом эттириш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини тасдиқладилар.

Президент Эмомали Раҳмон Тожикистон биродар Ўзбекистон билан ҳамкорликда эришилган бугунги юксак даражани қадрлашини, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Музокаралар

чоғида келгуси ишлар учун режалар белгилаб олингани, уларнинг натижалари икки мамлакат стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш учун янги омил бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар яқунлангач, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти ва Тожикистоннинг Хатлон вилоятида барпо этилган ижтимоий объектларнинг расман очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон рамзий тугмани босиб, уларнинг фаолиятига старт бердилар.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон Қўшма баёнот имзоладилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида ташриф доирасида имзоланган Ўзбекистон – Тожикистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисида, саноат ва янги технологиялар соҳасида, тоғ-кон саноатида ҳамкорлик тўғрисида, Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳаси бўйича қўшма акциядорлик жамияти ташкил этиш тўғрисида, Юклар транзити тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар учун ер майдонларини ўзаро тақдим этиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш, Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисидаги битимга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомалар, икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари ўртасидаги ҳамкорлик дастури ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш

бўйича «Йўл харитаси» алмашилди.

Умуман, энергетика, транспорт, автомобилсозлик, электротехника, тоғ-кон ва енгил саноат, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларни қамраб олган жами 35 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон музокаралар ҳар доимгидек очик, ишончли ва дўстона руҳда ўтганини таъкидладилар.

Тожикистон билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ва ўзгармас устувор йўналиши, – деди давлатимиз раҳбари. – Биз кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча масалаларини диққат билан кўриб чиқдик. Шуни қайд этмоқчиман: ҳеч бир йўналиш эътибордан четда қолмади.

Президентлар маданият, фан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги алмашинувларни фоллаштиришга келишиб олдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги «Дўстий» майдонида Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Сўнг «Кўҳи Борбад» санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Тожикистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Тожикистоннинг юксак мукофоти –

I даражали «Зарринтож» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармони ўқиб эшиттирилди. Ордени давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, ушбу мукофот катта ҳурмат ва ишонч ифодаси, халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар эътирофи эканини таъкидлади.

Президентимиз икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанага айлангани, санъат халқларни яқинлаштиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

– Тинчлик ва осойишталикни асраш, келажак авлодлар учун мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш – умумий бурчимиз, – деди Ўзбекистон Президенти.

Президентимиз ташриф доирасида 11 июнь куни Душанбедан Хўжандга келди.

Олий мартабали меҳмонни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан биргаликда Хўжанд шаҳри яқинидаги «Арбоб» маданият саройига ташриф буюрди. Бу ерда Сўғд вилояти жамоатчилиги вакиллари, зиёлилар, нуронийлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тожикистон пешвоси Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иро-

даси билан икки мамлакат ўртасида ишонч ва дўстлик муҳити яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари йиғилганларга чуқур ҳурматини билдириб, халқларимиз ўртасидаги дўстликни қадрлаш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш ҳақида нутқ сўзлади.

Президентлар «Арбоб» маданият саройини кўздан кечирдилар. Ушбу мажмуа 1959 йилда барпо этилган. У тожик халқи учун тарихий аҳамиятга эга. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бу ерда мамлакат мустақиллигига доир муҳим қарорлар қабул қилинган. Бу ерда 1992 йилда – Тожикистон тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган паллада Эмомали Раҳмон давлат раҳбари лавозимига киришган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ҳамроҳлигида «Қайроққум гиламлари» корхонасини бориб кўрди.

Қайроққум гиламлари Шарқ анъаналарини акс эттирувчи жозибadorлиги ва нақшлари билан машҳур. Шу билан бирга, авангард услубида гиламлар тўқиш йўлга қўйилган. Юқори сифати туфайли корхона маҳсулотлари турли халқаро мукофотларга сазовор бўлган.

Навбатдаги объект томон йўл олар экан, давлат раҳбарларининг кортежи Қайроққум сув омбори ёнида тўхтади. Президентлар сув омборини кўздан кечириб, суҳбатлашди.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон Сўғд вилояти Бобожон Ғафуров туманидаги «Вахдати миллат» боғига ташриф буюрди.

Сўғд вилояти Сирдарё бўйида жойлашган бўлиб, деҳқончилик учун жуда қулай. Бу ерда мева-сабзавотчилик ривожланган. Тожикистонда етиштириладиган жами кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қарийб 43 фоизи Сўғд вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Президентлар боғда ташкил этилган Тожикистон кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўрғазмаси билан танишди. Мева-сабзавотларни ўзаро етказиб бериш, сақлаш ва экспорт қилиш бўйича соҳа мутасаддиларига кўрсатмалар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи якунланди. Хўжанд халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кузатди.

* * *

14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат соҳаларидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни маъқуллаб, уларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Шунингдек, тақдимотда тижорат банклари томонидан шакллантирилган лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

14 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Унда кўп киррали Ўзбекистон – БАА муносабатларини янада кенгайтириш ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари олий даражадаги келишувларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатларимизнинг ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигида эришилган бугунги даражани юқори баҳолади.

Учрашувда муқобил энергетикани ривожлантириш ва энергетика объектларини модернизация қилиш, замонавий агросаноат кластерларини ташкил этиш, тадбиркорликка оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун инвестиция компанияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар ҳамда қатор муҳим ижтимоий дастурлар изчил амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш ва маблакали мутахассислар тайёрлаш, Тошкент шаҳрида очилган Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар аксе-

лератори офисининг фаолиятини ташкил этиш борасида биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Вазир Муҳаммад ал-Гаргавий БАА инвесторларининг мамлакатимиздаги фаолиятига кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун, шунингдек, Ўзбекистон Дубай шаҳридаги «Экспо-2021» бутунжаҳон кўргазмасини кўллаб-қувватлаётгани ва унда иштирок этишга тайёрлиги учун самимий миннатдорлик билдирди.

Амирликлар томони Ўзбекистон Президентининг Оролбўйи минтақасида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини яратиш ташаббусини амалга ошириш доирасида янги лойиҳавий таклифини тақдим этди.

Учрашув якунида Амирликларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги, узоқ муддатли янгиланишлар дастурини шакллантириш ва инновацион тараққиёт йўлига ўтиш борасидаги илғор тажрибасини кенг жорий қилишга қаратилган кўшма «йўл харитаси»ни қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

* * *

16 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Татаристон Республикаси Президенти Рустам Минниханов бошчилигидаги Россия делегациясини қабул қилди.

Унда мамлакатимиз ҳудудларининг Татаристон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари Тошкент вилояти мисолида кўриб чиқилди.

Устувор йўналишларда кооперация бўйича кўшма лойиҳа ва дас-

турларни самарали илгари суриш учун кенг имкониятлар мавжуд экани алоҳида таъкидланди. Бўлиб ўтган икки томонлама ишбилармонлар форумининг самарали натижалари ҳам буни яна бир бор тасдиқлади.

Кўшма индустриал парк ташкил этиш, кимёвий, металл, электротехника маҳсулотлари ва турли ускуналар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик корхоналар барпо этиш, кўшма тадқиқотлар ўтказиш, рақамлаштириш ва инновацион ечимларни жорий қилиш лойиҳалари шулар жумласидан.

Учрашувда талаб юқори бўлган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш мақсадида кенг савдо-логистика тармоғини ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, шаҳарсозлик, уй-жой коммунал хўжалик ва ободонлаштириш соҳасини бошқариш, транспорт коммуникациялари ва инфратузилмасини такомиллаштириш борасида ҳамкорлик қилиш ва шу соҳалардаги илғор технологияларни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар ва таълим соҳаларидаги фаол алмашинувлар ҳам давом эттирилади.

Учрашув якунида кўшма «йўл харита»лари асосида муҳим йўналишлар бўйича амалий шериклик лойиҳаларини илгари суриш юзасидан келишувга эришилди.

* * *

16 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида олий таъ-

лим тизимидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги устувор вазифаларни самарали бажариш учун олий таълим муассасаларига академик ва ташкилий-бошқарув бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилиши таъкидланди.

Олий таълим муассасалари ректорларига кафедралар ҳузурида илмий тадқиқот марказлари ташкил этиб, уларни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва зарур техника билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш зарурлиги таъкидланди.

Олий таълим йўналишлари билан замонавий эҳтиёжлар ўртасида узилиш жуда катта экани танқид қилинди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида 40 мингта, саноатда 38 мингта, қурилишда 12 мингта, қишлоқ хўжалигида 10 мингта, алоқа ва ахборот технологияларида 4 мингта олий маълумот талаб этадиган бўш иш ўринлари бор. Лекин битирувчилар сон жиҳатидан ҳам, малака бўйича ҳам бу талабни қондира олмайди.

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, халқаро тажрибада илмий салоҳият 70 фоиздан кам бўлса, бундай университет нуфузли ҳисобланмайди. Юртимизда бу кўрсаткич жуда паст. Мисол учун, 24 та олий ўқув юртининг илмий

салоҳияти 25 фоизга ҳам бормайди, 19 тасида бирорга профессор ва фан доктори йўқ. Сўнгги 30 йилда атиги 208 нафар профессор-ўқитувчи хорижда илмий даража олган.

Шу боис, Президентимиз келгуси йилдан докторантурага квоталар сонини 2 баравар кўпайтириш, кейинги йиллардан ҳар йили 50 фоизга ошириб боришга кўрсатма берди.

Олий таълим муассасаларида бюрократия ва коррупция хавфи кўплиги, бунга чек қўйиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ётоқхона ўринлари сонини ошириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълим йўналишлари ва касблар рўйхатини тасдиқлаш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, олий ўқув юртлари бошқарувига малакали кадрларни жамлаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

16 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолининг жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тизимини жорий этишнинг ташки-

лий чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Камондан отиш спорт турини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-гадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

17–18 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида Андижон вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Избоскан туманининг «Қўғай» маҳалласидаги «Соҳиб омад баракаси» кластерининг «And gold» тикув-трикотаж фабрикаси фаолияти билан танишди.

Қиймати 2 миллион 500 минг доллар бўлган лойиҳа доирасида янги бино қурилиб, замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Корхона йилига 3 миллион 500 минг дона тайёр трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхонада 830 нафар хотин-қиз ишли бўлди. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Андижон вилоятида саноат тармоқларини ривожлантириш чора-гадбирлари тақдимот қилинди.

Давлатимиз раҳбари Пахтаобод туманидаги инновацион иссиқхонани кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари Андижонда металл конструкциялар корхонаси ташкил этиб, четдан сотиб олинаётган материалларни маҳаллийлаштириш, хусусан, иссиқхона деталлари-

ни ишлаб чиқариш бўйича топширик берди. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти вилоятда аграр соҳани инновацион ривожлантиришга акселератор бўлиши кераклиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Избоскан туманидаги «Рустамжон Замин ривож» фермер хўжалиги даласида галла ҳосилини кўрди.

Давлатимиз раҳбари галланинг нави, ҳосилдорлиги билан қизикди.

Шу ерда вилоят фермерлари, ёшлар вакиллари билан мулоқот бўлди.

Учрашувда қишлоқларда саноатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хонадонларда паррандачилик, томорқачиликни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманидаги «Урганжи» маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Дастур бўйича гузардаги бино қайта реконструкция қилиниб, оталар чойхонаси, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, «Street Workout» спорт майдончаси, «Рақамли маҳалла» IT-маркази бунёд этилди. IT-марказида болалар компьютер саводхонлиги, киберспорт, дастурлаш каби амалларни бажаришни ўрганияпти.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик Қурбонали Ўринбоев хонадонидан бўлиб, яшаш шароитини кўздан кечирди. Маҳалла вакиллари билан дилдан суҳбат бўлди.

Нуронийлар юргимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб, дуо қилди.

Аҳоли зич жойлашган Андижон вилоятида уй-жой масаласи долзарб. Шу боис Президентимиз

вилоятга аввалги ташрифи чоғида Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббусини илгари сурган эди.

17 июнь куни ушбу янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйиш маросими бўлди. Унда нуронийлар, ёшлар, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Президентимиз бу қурилишни халқимиз бунёдкорлигини намоён этадиган тарихий воқеа деб атади.

Давлатимиз раҳбари Андижон Заҳириддин Муҳаммад Бобур вояга етган замин экани, андижонликлар билими ва матонати билан катта ишларга қодирлигини таъкидлади.

Шундан сўнг Президентимиз янги шаҳар қурилишига тамал тоши қўйди.

Давлатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги «Dinar group» масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонасини бориб кўрди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти Бош жоме масжидини бориб кўрди.

Қуръон оятларидан тиловат этилиб, дуо қилинди.

Шу ерда уламо ва имом-хатиблар билан мулоқот бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Андижон шаҳрида вилоят ва туманлар ҳокимлари, давлат идоралари раҳбарлари, маҳаллий кенгаш депутатлари, жамоатчилик фаоллари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятининг бугунги ҳолатига баҳо бериб, уни ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Избоскан туманида ўзи билан учрашган Умидахон Усмонова ўз хонадонидан етарли шароит йўқлигига қарамасдан, ҳаттоки уйининг меҳмонхонасида парранда боқиб, аҳолига тарқатиб келаётганини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда Умидахон Усмоновани «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги Президент фармони ўқиб эшиттирилди. Давлатимиз раҳбари фидойи аёлга юксак мукофотни тантанали равишда топширди.

Йиғилишда вилоят аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишдан сўнг Андижон шаҳридаги бунёдкорлик ишлари ва янги лойиҳа тақдимоти билан танишди.

Дастлаб Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказига борилди.

Кутубхона фондини бойитиш учун маблағ ажратиш, уни мактаб ва олий ўқув юртлари билан самарали боғлаш, бу ерда Андижон тарихи, Бобур, Чўлпон, Муҳаммад Юсуф каби шоирлар ижоди бўйича танловлар ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрининг Бобур кўчасида қуриладиган кўприк лойиҳаси билан танишди. Унинг қурилиши натижасида масофа 5 километрга, вақт сарфи эса 25 фоизга қисқариб, Андижон аҳлининг неча йиллик орзуниятлари амалга ошади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, тегишли маблағ ажра-

тиш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Президентимиз Андижон туманидаги «Андижон гуллар боғи»ни бориб кўрди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Андижон вилоятига ташрифи якунланди.

* * *

19 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги хузуридаги Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш ҳамда соҳани инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

21 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика хуудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда глобал парламентлараро ҳамкорлик халқаро форумида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Парламентлараро иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонгни қабул қилди.

Унда мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро ташкилот билан шериклигини янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ислохотларни илгари суриш ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишларда конструктив мулоқотни давом эттириш ва яқин ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон иттифоқ ишидаги иштирокини 2017 йилда қайта тиклагани ва бугунги кунда унинг ижроия тузилмаларида тўлақонли қатнашаётганини таъкидлаш жоиз. Бу йил Олий Мажлис томонидан Парламентлараро иттифоқ билан кўп қиррали муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида алоҳида ҳужжат қабул қилинди.

Ўз навбатида, Бош котиб Мартин Чунгонг мамлакатимизда парламентаризмни ривожлантиришдаги сезиларли ютуқларни қайд этди ҳамда Ўзбекистоннинг бу борадаги глобал ташаббусларини юқори баҳолади ва қўллаб-қувватлади.

Илғор хорижий тажрибани кенг алмашиш ва кўп томонлама ҳамкорликнинг катта салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида қатор халқаро тадбирларни биргаликда тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан келишувга эришилди.

* * *

23 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Тожикистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш ҳамда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Жорий йилнинг 10–11 июнь кунлари Тожикистонга амалга оширилган олий даражадаги ташриф якунлари бўйича эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди. Савдо, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларида қўшма кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини қабул қилинган «йўл харита»ларига мувофиқ илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар ҳамда Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш мақсадида яқин мулоқот ва саёҳатларни мувофиқлаштиришни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, бўлажак кўп томонлама, шу жумладан, Шанхай

ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги тадбирлар жадвали кўриб чиқилди.

* * *

23 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон» университетида таълим жараёнини ташкил этишга оид тақдимот билан танишди.

Барча ҳудудларда Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Бу ёшларнинг билим ва салоҳиятини аниқлаш, уларни тўғри йўналтириш билан бирга халқимиз орасида катта интилиш тўлқинини ҳам пайдо қилди.

Давлатимиз раҳбари билимли ёшларни мамлакатимизнинг «олтин фонди» деб атаган эди. Бу йил ана шундай ёшларнинг янги авлоди мактабларни битирмоқда. Энди уларни юртимизда ўқитиш, ёшлар учун энг замонавий шароитлар яратиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан «Янги Ўзбекистон» университетига асос солинмоқда.

Бу университет давлат олий таълим муассасаси шаклида ташкил этилади. Унинг асосий вазифалари – нуфузли хорижий ўқув юртларининг таълим дастурлари асосида юксак касбий билим ва малакаларга эга бўлган истиқболли кадрлар тайёрлаш, талабаларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, бунинг учун ҳар томонлама қулай муҳитни шакллантиришдир.

Шу мақсадда янги университетда таълим жараёни дунёнинг энг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ташкил этилади. Масалан, қабул имтиҳонлари Кембриж

университети билан ҳамкорликда ўтказилади. Massachusetts технология институти ҳамда Мюнхен техника университети билан биргаликда ўқув режа ва дастурлар ишлаб чиқилади. Шунингдек, улар таълим сифатини назорат қилиш, лаборатория ва кутубхоналарни тўлдиришга кўмаклашади.

Университетда 5 та – муҳандислик, табиий фанлар, бошқарув, агротехнологиялар ва ахборот технологиялари факультетлари бўлади. Дарслар ўзбек ва инглиз тилларида олиб борилади. Кредит-модуль тизими жорий этилиб, ўқиш давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Ушбу таълим масканининг ўқув биноси ва кампуслари ҳам замонавий, халқаро BREEAM сертификатларига мос бўлади.

Давлатимиз раҳбари университетда қабул ва таълим жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини самарали йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда, шунингдек, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

23 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Янги Ўзбекистон» университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида инвестиция

ва экспорт соҳаларидаги ишлар натижадорлиги, йил якунигача амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда инвестицияларнинг натижадорлиги чуқур таҳлил қилинди.

Президентимиз тармоқ ва ҳудуд раҳбарларининг асосий вазифаси инвестициявий фаолликни кучайтириш билан бирга, уларнинг самарадорлигини ошириш бўлиши кераклигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга, ҳар бир туман ва шаҳарда саноат бўйича ишга солинмаган имкониятларни аниқлаб, манзилли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Охирги йилларда 11 мингта шундай корхона фаолияти тиклангани айтиб ўтилди.

Давлат ташқи қарзи иштирокидаги лойиҳалар самарадорлигини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Тендерлар очиқ-ошкоралигини таъминлаш ва лойиҳаларни мақбуллаштириш орқали маблағларни иқтисод қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда экспорт бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиш ҳолати ҳам муҳокама қилинди. Бу борадаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш, бозор конъюнктураси туфайли юзага келган қолоқликларни бошқа тармоқлар ва қўшимча маҳсулотлар экспорти ҳисобига қоплаш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

Бир йил олдин давлатимиз раҳбари Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Ўтган йили 26 декабрь куни ушбу йўлнинг муҳим қисми бўлган Қипчоқ кўчасидаги кўприк очилди. Бугунги кунда ушбу кўприкдан Чўпонота кўчасигача янги йўл ва йўл ўтказгичлар барпо этилмоқда.

Кичик ҳалқа йўли ва Салар канали устида қурилаётган кўприкнинг узунлиги 788 метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисоблаганда 950 метр бўлади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу кўприкни бориб кўрди.

Ушбу кўприкдан Қипчоқ кўчасигача 6 километр йўл қурилмоқда. Тошкент ҳалқа автомобиль йўли билан кесишган жойда туннель бўлади. Шу тариқа, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Чўпонота кўчаси ва Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси самарали боғланади. 6 қаторли янги кўприк ва йўл соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Натижада Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоизга, ҳаракат вақти 20–25 дақиқага камайд.

Йўл бўйларига энергия тежамкор ёритгичлар ўрнатилади. Бўш майдонларда «яшил ҳудудлар» барпо этилиб, пиёдалар йўлагига ва велойўлакчалар ташкил этилади.

Шу ерда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Янги Ўзбекистон кўчасида йўл бўйи инфра-тузилмасини ривожлантириш лойиҳаси тақдимоғи ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги «Dentafill Plus» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

«Dentafill Plus» мамлакатимиздаги дори воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқараётган етакчи фармацевтик корхоналардан бири.

Бу корхона 2019 йилда ишга туширилган. Швейцария, Германия, Туркия, Хитой, Япония, Малайзия ва Жанубий Кореядан энг замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Бугун бу ерда 20 дан ортиқ фармацевтик гуруҳга мансуб 172 дан зиёд дори воситаси ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик қувват 60 миллион дона.

Президент корхонада ишлаб чиқарилган дори воситаларини кўздан кечирди.

Бу корхонага Тошкент фармацевтика институти талабаларини жалб этиб, назарияни амалиёт билан мутаносиб олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Президентимизга Тошкент вилоятининг Зангиота туманида «Tashkent Pharma Park» инновацион фармацевтика кластери қурилишининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Саховат маҳалласи ҳаёти билан танишди.

Маҳалла ҳудуди 18 гектар бўлиб, 2016 йилда ташкил этилган. 41 та кўп қаватли уйда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда битта мактаб ва иккита мактабгача таълим муассасаси бор.

Президентимиз бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳалла аҳли билан суҳбатда бугунги ўзгаришлар, тинчлик-осойишталикнинг кадри ҳақида мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 31 май куни Чирчиқ дарёси бўйини ободонлаштиришга оид лойиҳа тақдими билан танишган эди.

Президент бу ердаги қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбари бу ҳудуд шаҳар экологияси учун муҳимлигини таъкидлаб, кўпроқ дарахтлар экиш, аҳоли учун рекреацион жойларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари билан йиғилиш бўлди.

Ажратилган маблағларни тўғри йўналтириб, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари нуронийлар ва фаолларнинг таклифлари асосида маҳаллаларни ободонлаштириш, йўл ва сув тармоқларини таъмирлаш, тиббий хизматларни яхшилаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Ёшларни касбга йўналтириш, спорт мусобақалари ва тўғарақларга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегациясининг иштирокини таъминлаш ҳамда олимпия спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан табрик йўллади.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октайни қабул қилди.

Икки мамлакат амалий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда

етакчи корхона ва компанияларнинг янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Туркия дўстлик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларида олий даражадаги мунтазам ва сермахсул мулоқот туфайли эришилган бугунги даражани юксак баҳолади.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланиш суръати ва пандемия оқибатларини енгиб ўтиш борасида кўрилаётган чоралар алоҳида таъкидланди. Хусусан, йил бошидан турли даражалардаги алмашинув ва мулоқотлар фаоллашди, ўзаро савдо ҳажми ва қўшма инвестиция лойиҳалари сони муттасил ортиб бормоқда. Бугун бўлиб ўтган қўшма Хукуматлараро комиссиянинг тадбирлари ва бизнес вакиллари иштирокидаги ишбилармонлик дастури якунлари мамнуният билан қайд этилди.

Тошкент шаҳрида ўтадиган Стратегик ҳамкорлик кенгаши иккинчи йиғилишининг кун тартибини ҳар томонлама тайёрлаш муҳим экани таъкидланди. Булар, энг аввало, товар айирбошлаш ҳажми ва кооперация кўламини ошириш, Преференциал савдо тўғрисидаги битимни қабул қилиш, қўшма саноат зонасини ташкил этиш, Туркиянинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини фаол жалб қилган ҳолда рақамлаштириш, таълим ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги дастурларни илгари суриш масалаларидир.

Минтақавий шериклик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳам-

корликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев мис ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда саноат кластерини ташкил этиш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу стратегик вазифани амалга ошириш чоралари кўрсатиб ўтилди.

Аввало, рангли ва ноёб металллар учун геология-қидирув ишларини кенгайтириш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Соҳада лойиҳа ва муҳандислик хизматларини ривожлантириш учун етакчи халқаро компанияларни жалб этган ҳолда, замонавий лойиҳа институтини ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда тоғ-кон ускуналари ва жиҳозларини ишлаб чиқаришни ҳамда уларга сервисни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Ноёб металллар ва қотишмалар бирлашмасида металл қотишмалар тайёрлаш, «Ўзэлтехсаноат» корхоналарида маиший техника, компьютер, аккумулятор батареялар, электромобилларнинг бутловчи қисмлари каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Инновацион ривожланиш вазирлигига соҳа корхоналарининг фаолиятини илмий-тадқиқот ва амалий инновация ишлари билан узвий боғлиқликда ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топширилди.

Малакали мутахассисларни жамлаб, мис саноати кластерини таш-

кил этиш бўйича чет эл тажрибасини чуқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшлар куни муносабати билан юртимизнинг фаол ва ташаббускор ёш авлод вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 июнь. Президент Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат чоғида икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам ва сермахсул мулоқотлар туфайли Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабат-

лари изчил мустаҳкамланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларда кооперацияни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинувни фаоллаштириш борасида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Етакчилар жорий йилда Туркменистонда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ташкил этиш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Бўлажак кўп томонлама тadbир дастурини пухта тайёрлашга келишиб олинди.

Президентлар халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашиб, Афғонистондаги, жумладан, ушбу мамлакат шимолий чегараолди ҳудудларидаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ривожланишини муҳокама қилдилар.

* * *

30 июнь. Ёшлар куни муносабати билан Тошкент шаҳридаги Ботаника боғида Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми ташкил этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев мазкур форумга ташриф буюрди.

Форум ўтаётган Ботаника боғи байрамони безатилган. Ёшларнинг илм-фан, технологиялар, адабиёт, санъат каби соҳаларда эришаётган натижаларини акс эттирувчи кўرғазма ва намойишлар ҳудудлари ташкил қилинган.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўрғазмалар бўйлаб юриб, ёшлар-

нинг ихтиролари, маҳорати, бадиий чиқишларини кўздан кечирди. Улар билан суҳбатлашиб, ўқиш ва изланишларига муваффақиятлар тилади.

Президент байрам тадбири майдонига келиб, барча йигит-қизларни Ёшлар куни билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари юртимиз бўйлаб 6 миллионга яқин ғайрати баланд, интилувчан ўғил-қизлар иштирокида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида ўтказилган фестиваллар – барча ёшларимиз учун етуклик ва ҳақиқий ватанпарварлик кўриги бўлганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувидаги маърузасида уларнинг бандлигини таъминлаш, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, санъат ва спорт билан шуғулланиш, ёш оилаларни ижтимоий химоя қилиш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29 июндаги фармонига мувофиқ, ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаётда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юртимиз равнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрناк ва намуна бўлиб келаётган фаол ёшлар ордени ва медаллар билан мукофотланган эди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни ўз эгаларига тантанали равишда топширди.

Мукофотланганлар юксак ишонч ва эътибор, ёшларга яратилаётган

имкониятлар учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, ўқиш ва интилишда фаол давом этиши, янада катта натижаларга эришиб, давлатимиз ишончини оқлашини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари форумга йиғилган йигит-қизлар билан мулоқот қилди. Ёшларнинг фикр ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, улар бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

1 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида давлат активларини хусусийлаштириш соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда хусусийлаштириш жараёнини самарали ташкил этиш, аукционда қатнашиш тартибларини соддалаштириш ва иштирокчилар сонини кўпайтиришга қаратилган вазифалар муҳокама қилинди.

Давлат активларини бошқариш агентлигига давлат корхоналари ҳамда банкларнинг асосий фаолиятга хос бўлмаган ва бўш турган объектларни тўлиқ қайтадан хатловдан ўтказиб, уларни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича топшириқ берилди.

Фаолият юритмаётган ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

* * *

1 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда кимё саноатидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этиш, қувватлардан фойдаланиш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳрида жойлашган тармоқ корхоналарини Чирчиқ шаҳрига кўчириш ва уларнинг негизида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги кластерини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Президентимиз маҳаллийлаштириш борасидаги ишларни давом эттириб, техникалар нархини арзонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан бирга, маҳаллий техникаларни сотиб олиши учун фермер хўжаликлари ва кластерларга енгиллик яратиш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро тажрибани ўрганиб, қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Тақдимотда кимё кластерлари ташкил этишга оид лойиҳалар ҳам кўриб чиқилди.

Тақдимотда пойтахтимизнинг Улўббек шаҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларининг икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни кўриб чиқдилар ҳамда минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Минтақамизда Афғонистон йўналишидаги аҳволнинг ёмонлашиши ва кескинликнинг кучайиши билан боғлиқ вазиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Яқин идоралараро мувофиқлашувни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Шунингдек, Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирларни, шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ўтказиш режасини кўриб чиқдилар.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Халқаро кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, энг аввало савдо-иқтисодий соҳадаги шерикликнинг бугунги суръатини мамнуният билан қайд этдилар.

Президентлар Афғонистоннинг шимолий худудларидаги ахвол ёмонлашиши муносабати билан Марказий Осиёдаги вазиятнинг ривожига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг ваколатли идора ва ташкилотлари ўртасидаги мунтазам мулоқотларни давом эттиришга ва яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

* * *

5 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф билан келган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси Раиси Волкан Бозкирни қабул қилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан кўп қиррали ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш, бугунги куннинг янги таҳдид ва хатарларига қарши курашиш, шу жумладан, коронави-

рус пандемияси оқибатларини енгиб ўтиш каби устувор йўналишларда мамлакатимиз ҳамда ташкилот институт ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик юқори даражада эканини мамнуният билан қайд этди.

Бош Ассамблеянинг жорий сессияси раиси Волкан Бозкир халқаро майдонда, энг аввало, БМТда Ўзбекистоннинг нуфузи ортиб бораётгани, давлатимиз раҳбарининг глобал ва минтақавий ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, гендер тенглик ва ёшларни қўллаб-қувватлашнинг долзарб жиҳатлари бўйича шериклик муносабатларини, шу жумладан, парламентлараро ҳамкорлик доирасида илгари суриш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, вакциналардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тартибга солиш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва БМТ институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича яқин ва самарали мулоқотни давом эттириш юзасидан келишувга эришилди.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат чоғида Нурсултон Назарбоевнинг замонавий Қозоғистонни барпо этиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги алоҳида ўрни, Ўзбекистон – Қозоғистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ҳамда минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қўшаётган катта ҳиссаси алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларидаги устувор лойиҳаларни, маданий-гуманитар соҳадаги қўшма дастурларни илгари суриш муҳим экани таъкидланди. Шунингдек, минтақавий кун тартиби, энг аввало, Афғонистонда кескинлашаётган вазият юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси, шу жумладан, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Фахрий раислик қилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувини ўтказиш масаласи кўриб чиқилди.

* * *

6 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

7 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида узум етиштириш, уни саноат усулида қайта

ишлашни ривожлантириш ҳамда ҳудудларда экотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда азалдан узумчилик анъанаси бўлгани, уни ривожлантириш учун катта имкониятлар борлигини таъкидлади.

Йиғилишда узумчиликни кенг кўламда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Аввало, тоғолди туманларида йирик узумчилик плантацияларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда соҳага илм ва инновацияларни кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Инновацион ривожланиш вазирлигига хорижий тажриба асосида узумнинг ҳосилдор, данаксиз, совуққа ва касалликларга чидамли янги навларини яратиш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари узумни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ циклини яратиш учун виночилик кластерлари ташкил этиш кераклигини таъкидлади. Уларга узумни қайта ишлаш, майиз қуриштириш ва қадоқлаш ускуналарини сотиб олиш учун молиявий имтиёзлар бериладиган бўлди. Шунингдек, табиий виноларга нисбатан акциз солиғи бекор қилиниши белгиланди.

Экспорт имкониятлари таҳлил қилинар экан, жорий йилда хўраки узум экспортини 200 миллион долларга, майизбоп узум экспортини 130 миллион долларга, табиий узум виноси экспортини 50 миллион долларга етказиш мумкинлиги айtilди.

Юртимиз узум навларининг миллий брендини яратиб, хорижда тарғиб этиш, салоҳиятли бозорлар билан фитосанитар келишувларга эришиш бўйича топшириқлар берилди.

Узумзорларда энотуризм учун зарур инфратузилма яратиш чора-тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди.

* * *

8 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Республикада мавжуд яйловлардан унумли фойдаланиш, ипак ва жунни қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон боғи худудида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳри яқинида барпо этилаётган манзарали боғ нафақат истироҳат ва маънавият маскани, балки бир неча минг йиллик буюк давлатчилигимиз тарихини кўрсатадиган мажмуа бўлади.

Боғ худудида «Истиқлол» мажмуаси қурилмоқда. У Ўзбекистоннинг янги қиёфасини намоён этади.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ердаги қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Яна бир гектардан зиёд майдонда 5 минг ўринли очиқ амфитеатр барпо этилмоқда. Келгусида бу ерда умумхалқ байрамлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Мажмуа замонавий ёритиш ва акусти-

ка тизимлари билан жиҳозланади. Айни пайтда унинг пойдевори қўйилиб, саҳнанинг темир синчлари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбарига «Истиқлол» мажмуаси ва амфитеатр қурилиши ҳақида маълумот берилди.

Боғда, шунингдек, 6 гектарлик сунъий қўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳи, сокин ҳудуд ва фавворалар барпо этилади. Бугунги кунда улар қуриладиган майдонлар тайёрланиб, суғориш ва оқова тизимлари барпо этилаётгир.

Президентимиз боққа экиладиган манзарали дарахт кўчатларини ҳам кўрди.

* * *

9 июль. Президент Шавкат Мирзиёев спорт таълимини ривожлантириш ва Олимпия захираларини тайёрлаш масалаларига доир тақдимот билан танишди.

Тақдимотда спорт таълими тизимини тубдан яхшилаш, замонавий дастур ва методикаларни жорий этиш, муассасаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Олимпия захиралари коллежлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги олий таълим муассасалари инфратузилмасини яхшилаб, спорт таълимини такомиллаштириш, ўқувчи ва талабалар сонини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Соҳадаги таълим муассасаларининг Паралимпия бўлимларига 10 фоизгача қўшимча квота ажратилиши ҳамда ота-оналар томонидан тўлов тартиби бекор қилиниши белгиланди. Шунингдек, қизлар

учун квотани кўпайтириш орқали Халқаро олимпия кўмитасининг гендер тенгликка доир тамойиллари таъминланади.

Селекция ишларини кучайтириш, бу жараёнда очиқлик ва шаффофликни таъминлаб, коррупция ҳолатларига барҳам бериш бўйича кўрсатмалар берилди. Олимпия захиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва мусобақалар ташкил этиш бўйича электрон платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Олимпия захиралари коллежларини спорт федерациялари билан узвий боғлаш, иқтидорли ёшларни ўстиришда промоутер, скаут, агент каби мутахассислар фаолиятини кенг қўллаш ва бу йўналишларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Спортчиларни тайёрлаш ва ўқув муассасаларини бошқариш тизимини илмий асосланган равишда ривожлантириш зарурлиги айtilди.

2021–2022 ўқув йилидан бошлаб, спорт мактабларида давлат буюртмаси асосида разрядли ва унвонли спортчиларни тайёрлаш йўлга қўйилиши белгиланди.

Мураббийлар етишмаётган спорт турлари бўйича малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, уларга маҳаллий мураббий ва талабаларни бириктириб, тажрибасини ўрганиш кераклиги қайд этилди.

Спорт таълими муассасаларини қуриш ва таъмирлаш, замона-

вий жиҳозлар ва спорт адабиётлари билан таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Спортчиларимиз Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган ушбу нуфузли мусобақага жами 126 та йўлланмани қўлга киритган.

Давлатимиз раҳбари спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яхши натижаларга эришиши учун барча шароитларни яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, 2024 йили Францияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёргарликни ҳозирдан бошлаш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Тақдимотда давлатимиз раҳбари лойиҳаларни жадаллаштириш, ҳудудларда электрон хизматлар қамровини кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Мутасаддиларга вазир портали, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари порталларини шакллантириш, улардаги маълумотларни мунтазам таҳлил қиладиган тизим яратиш бўйича топшириқ берилди.

«Алоқабанк» акциядорлик тижорат банкига мижозлар учун барча хизматларни мужассамлаштирган ягона платформа яратиш, ахборот технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Давлат ва хўжалик органлари ходимларининг рақамли технологиялар бўйича саводхонлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

13 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмоннинг Ўзбекистонга илк ташрифи икки томонлама шерикликнинг янги даврини бошлаб берганини таъкидлади.

Покистон Бош вазири Ўзбекистонда бўлиб турганидан мамнунлигини айтиб, бу пандемия бошланганидан буён унинг илк хорижий ташрифи эканини таъкидлади.

Учрашувда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни, айниқса, инвестициялар ва йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш йўналишида мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Учрашувда сиёсий маслаҳатлашувларни, олий ва юқори даражадаги мулоқотни доимий ўтказиб боришга келишиб олинди. Алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш учун Стратегик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида у ерда барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор экани таъкидланди. Бу минтақада транспорт йўлакларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш учун имконият яратади.

Ўзаро савдо айланмасини кўпайтириш, бунинг учун карго-авиакатновларини йўлга қўйиш, икки томонлама имтиёз ва преференциялар бериш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Имрон Хон самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини Покистонга ташриф билан боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва транзит, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва қўп қиррали амалий ҳамкорлик мустақамланиб бораётгани, ҳар иккала мамлакатнинг тараққиётга эришиш йўлидаги ислохотлари ҳам бир-бирига ҳамоҳанг ва ўхшаш эканини таъкидлади.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни кенгайтириш ва ривожлантиришда интилишлари қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёрлигини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз савдо-иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта салоҳиятга эга экани, ўзаро савдо ҳажмини 4–5 баробар кўпайтириш учун шароит борлигини таъкидлади.

Қишлоқ хўжалиги, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, енгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда кооперацияларни ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди. Ушбу соҳалардаги лойиҳалар яқин ҳамкорликда амалга оширилса, Ўзбекистон ва Покистон иқтисодиёти учун янги имкониятлар очилади.

Музокарада бундай лойиҳаларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва

тез фурсатларда амалга ошириш учун барча зарур ёрдам ва имтиёزلарни беришга келишиб олинди.

Учрашувда икки мамлакат бошқа вилоятларини ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари билан боғлаш зарурлигига эътибор қаратилди. 16 июндан Тошкент ва Лаҳор ўртасида авиақатнов тикланди. Янги ҳаво йўналишларини йўлга қўйиш юк ташишларнинг кенгайиши ва ўзаро туризмнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистондаги салбий вазиятнинг авж олишига йўл қўймаслик учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни ишга солишга, афғонлараро тинчлик музокараларини қайта тиклашда кўмаклашишга тайёрлиги қайд этилди.

Хавфсизлик соҳасида қўшма гуруҳ тузиш, унинг илк мажлисини Тошкентда ўтказиш таклифи билдирилди.

Учрашувда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, муштарак маънавий меросимизни биргаликда ўрганиш, илм-фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислоҳ Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Ташриф доирасида имзоланган 8 та ҳужжат алмашилди. Транзит ва савдо тўғрисидаги ҳамда Ишбилармонлар ва сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартибларини соддалаш-

тириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, Мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида протокол, 2021–2026 йилларга мўлжалланган Маданий алмашув дастури, давлат чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисида баённома, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Покистон дипломатик хизмат академияси ўртасида англашув меморандуми мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия мажлиси ҳамда Ўзбекистон – Покистон бизнес форумида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларида зиёд бўлган шартномалар имзолангани маълум қилинди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчиларининг музокаралари яқунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг расмий ташрифини давлатлараро муносабатлар тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб баҳолади.

Ўзаро ишонч ва очиклик, самимий ва амалий руҳда ўтган самарали музокараларда шерикликнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, «ўсиш нуқталари» белгилангани қайд этилди. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми

тўрт баробар ўсгани, келгусида ушбу рақамларни яна тўрт-беш баробарга ошириш бўйича келишиб олингани таъкидланди.

Транзит ва савдо тўғрисидаги битим режалаштирилган улкан мақсадларга эришишга хизмат қилади. Қишлоқ хўжалиги, уруғчилик ва чорвачилик, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, енгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга келишилгани маълум қилинди.

«Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўли қурилиши масаласи ҳам агрофлича кўриб чиқилгани қайд этилди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олингани айtilди. Томонлар нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашни давом эттиришини тасдиқладилар.

Шунингдек, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истикболларига тўхталиб ўтилди.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани билан учрашув ўтказди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик истикболлари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат етакчилари афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини яна бир бор таъкидлаб, инклюзив афғонлараро музокаралар тез фурсатда қайта тикланишининг тарафдори эканликларини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистонда барқарор тинчликка эришилишига фаол кўмаклашишга тайёрлигини тасдиқлади.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлаш баробарида, Афғонистоннинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган кўшма транспорт ва энергетика инфратузилмаси лойиҳаларини, хусусан, «Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўли ва янги «Сурхон – Пули-Хумри» электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар икки томонлама ва минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, эришилган келишувларни амалга ошириш борасида қатъий эканликларини қайд этдилар.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Унда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуси юксак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган конференция муваффақиятли бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, маданий-гуманитар соҳалар ва кўп қиррали ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида кўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Пандемияга қарши курашда яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

15 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

16 июль. Тошкент шаҳрида «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган

анжуманда Афғонистон Ислон Республикаси Президенти, Покистон Ислон Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг ташки ишлар вазирлари, жами 44 та мамлакат ва 30 га яқин халқаро ташкилот делегациялари, нуфузли хорижий илмий-тадқиқот ва таҳлил марказлари раҳбарлари иштирок этди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев очиб, Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги тарихий яқинлик, уни бугунги кунда ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида мустаҳкамлашнинг аҳамияти ҳақида нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тарихий алоқаларни тиклаш муҳимлигини, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш фурсати келганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё билан Жанубий Осиёни самарали ва хавфсиз боғлайдиган транспорт-логистика инфратузилмасини барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Савдо, транзит ва божхона жараёнларини рақамлаштириш, бу борада қўшма ҳаракатлар стратегиясини қабул қилиш зарурлиги қайд этилди.

Бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис, Президентимиз БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти шафелигида минтақа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг учрашувини ўтказиб, қўшма дастур ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди. Экологияни асраш, «яшил» иқтисодиётни ривожлантириш долзарблиги қайд этилди.

Марказий ва Жанубий Осиёнинг туризм салоҳиятидан кенг фойдаланиш мақсадида туроператорларнинг ягона платформасини шакллантириш, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти иштирокида минтақада туризмни янада ривожлантириш бўйича фикрлар билдирилди.

Илмий ва маданий-гуманитар алмашинувларни кўпайтириш дўстлик ва ишончни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Шу йўналишда ЮНЕСКО шафелигида Термиз шаҳрида Марказий ва Жанубий Осиёнинг тарихий меросига бағишланган халқаро форум ўтказиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари илм-фан, технология ва инновация соҳаларидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида аҳамият қаратди. Қўшма тадқиқот ва тажриба алмашиш дастурларини рағбатлантириш, олим ва тадқиқотчилар учун енгиллаштирилган виза тартибини жорий қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

16 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар» мавзу-

сидаги халқаро конференцияда иштирок этган хорижий мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, ҳукуматлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Европа комиссияси вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррел билан мулоқотда кўп қиррали Ўзбекистон – ЕИ ҳамкорлигининг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда кейинги йилларда Ўзбекистон ва ЕИ шериклиги жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало инсон капитали ва демократик янгилашишлар, бизнес, инвестиция ва инновацияларни илгари суриш, «яшил» тараққиёт, экология, маданий алмашинув ва бошқа йўналишларда янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди. Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Афғонистондаги вазият кескинлашиши шароитида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкарни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Ҳиндистон стратегик шериклик ва

кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари олий даражадаги мунтазам мулоқотлар давомида эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Учрашувда икки мамлакат ҳудудларини фаол жалб қилган ҳолда инвестициялар, инновациялар, савдо, бизнес, логистика, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш ва бошқа устувор йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеубердини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Бўлажак олий даражадаги тадбирларга тайёргарлик кўриш, шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий кооперация лойиҳалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик дастурларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфайли кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Жорий йил-

нинг 6 август куни «Аваза» миллий туризм зонасида ўтказиладиган Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинди. Афғонистонда қарор топаётган мураккаб вазият юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Мухриддинни қабул қилди.

Учрашувда икки давлат ўртасида қабул қилинган «йўл харитаси» асосида иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги устувор лойиҳаларни ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш масалалари муҳокама қилинди. Минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар – Афғонистондаги вазият ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларига тайёргарлик кўриб чиқилди.

Президентимиз Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ақилбек Жапаровни қабул қилди. Унда икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларидаги устувор кооперация лойиҳаларини тез фурсатда амалга ошириш, қўшма инвестиция компанияси фаолиятини ташкил этиш муҳим экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўғлини қабул қилди. Учрашувда кўп қиррали

Ўзбекистон – Туркия муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Туркия билан муносабатларнинг самарали ва жадал руҳини мамнуният билан қайд этди. Икки мамлакат етакчиларининг мунтазам мулоқоти дўстлик ва стратегик шериклик ришталарини мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилиши таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири шаҳзода Файсал бин Фархон Ол Саудни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари икки томонлама алоқалар жадал ривожланаётгани – ўзаро мулоқот фаоллашиб, илк йирик инвестиция лойиҳалари, энг аввало энергетика соҳасидаги лойиҳалар илгари сурилаётганини мамнуният билан қайд этди. Саудия томони Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини кучайтириш борасидаги ўз вақтида илгари сурилган муҳим халқаро ташаббусларини, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилишга кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмакни юксак баҳолаши ва қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Кувайт Давлатининг ташқи ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича давлат вазири шайх Аҳмад Носир ал-Муҳаммад ас-Сабоҳни қабул қилди.

Учрашувда амалий ҳамкорликни, энг аввало савдо, инвестиция

ва инновациялар, молия, озиқ-овқат хавфсизлиги, ахборот технологиялари, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш ҳамда дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги доирасида қўшма тадбирлар дастурини тайёрлашга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Шахин Мустафоев билан учрашув ўтказди. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатларимизнинг анъанавий яқин ва дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбат чоғида икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтириш, энг аввало савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика лойиҳаларини илгари суриш ҳамда маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президентининг маслаҳатчиси Элизабет Шервуд-Рэндалл бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Икки томонлама кун тартибининг долзарб жиҳатлари ва халқаро сиёсат масалалари кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Ўзбекистон – АҚШ стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари жадал суръат билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда конструктив сиёсий мулоқотни давом эттириш масалалари, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари, шу жумладан, пандемияга қарши курашиш ва аҳолини эмлаш, АҚШнинг етакчи компания ва банклари иштирокида қўшма инвестиция лойиҳаларини илгари суриш муҳокама қилинди. Афғонистонда юзага келган вазият юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Президентимиз БМТ Бош қотиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) Ижрочи қотиби Ольга Алгаеровани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари БМТ институтлари билан кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган шериклик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ташкилот мамлакатимиздаги ислохотларга кўмаклашаётгани учун миннатдорлик билдирилди. Мамлакатимизнинг глобал майдондаги нуфузи ортиб бораётгани, халқаро ҳамжамият Ўзбекистон етакчисининг, шу жумладан, Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини кучайтириш бўйича ташаббусларини кенг қўллаб-қувватлаётгани таъкидланди.

Ижрочи қотиб Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси қабул қилингани ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари учун БМТ Махсус комиссиясидаги (СПЕКА) раислигини юксак баҳолади.

Учрашувда Ўзбекистон ва ЕИК ўртасида Барқарор ривожланиш

мақсадларига эришиш ва пандемия оқибатларини енгиб ўтиш борасида, жумладан, иқтисодиёт, савдо ва транспорт, инновациялар, экология ва бошқа соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Бангладеш Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Абул Калом Абдул Мўмин билан учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақа кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Президентининг Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари боғлиқлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуси хар томонлама қўллаб-қувватланди.

* * *

16 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

19 июль. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига Қурбон хайити табриги эълон қилинди.

* * *

19 июль. Президент Шавкат Мирзиёев насос станцияларини модернизация қилиш орқали қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда бажариладиган ишлар белгиланди.

Сув хўжалиги вазирлигига йил якунига қадар ускуналар хариди бўйича тендерларни якунлаб, қурилишни бошлаш юзасидан топшириқ берилди.

Лойиҳа доирасида 40 минг гектар ерни фойдаланишга қайтариш ва 315 минг гектарда сув таъминотини яхшилаш мақсад қилинган.

Бош вазир ўринбосари ва вилоят ҳокимларига сув таъминоти яхшиланадиган майдонларда юқори даромадли махсулотлар экиш ва шу асосда 80 минг нафар аҳолининг доимий бандлигини таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз лойиҳа билан камраб олинадиган ерларда сув тежовчи технологияларни жорий этиб, сув сарфини 40 фоизга қисқартириш ва қўшимча 20 минг гектар ерни фойдаланишга киритиш мумкинлигини таъкидлади.

Насос станцияларига техник хизмат кўрсатувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, ўқув курслари ва амалий семинарлар ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга лойиҳа устидан тизимли назорат ўрнатиш, маблағларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Янгиланадиган хар бир насос станциясини кластерларга боғлаб, лойиҳаларнинг бошидан охиригача уларнинг иштирокини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

22 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик

бирлашмалари раҳбарлари ўрин-босарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизimini жорий этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизimini янги ташкил қилиш чоратадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мажлисида аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг бугунги ҳолати вазирлик ва ҳудудлар кесимида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари одамларни мурожаат қилишга мажбур этган муаммоларни маҳалланинг ўзида баргараф қилиш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир ҳафтада икки кунни фуқароларни қабул қилишга ажратиши, шунингдек, ҳокимликларда кунлик қабул йўлга қўйилиши белгиланди.

Аҳоли тўғридан-тўғри туну кун мурожаат қилиши учун ҳокимларнинг виртуал қабулхонаси ва ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилнинг 6 ойида Халқ қабулхоналарига бандлик ва тадбиркорлик масалалари бўйича келиб тушган 100 мингга мурожаатни тўлиқ ҳокимлик кучи билан ҳал қилиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Энг кўп мурожаатлар электр энергияси ва газ таъминоти, бандлик, уй-жой, ер, тиббий хизмат ва халқ таълими масалалари бўйича

бўлаётгани қайд этилиб, уларни ҳал қилиш чоралари кўриб чиқилди.

Энди мурожаатларнинг барчаси ягона электрон базада жамланиб, Халқ қабулхоналари ҳар чоракда давлат органларининг очиқ рейтингини шакллантириши белгиланди. Барча вазирлик ва идоралар, ҳокимликларда мурожаатларни рўйхатга олиш, уларни кўриб чиқиш ва натижасини назорат қилиш бўйича Ягона онлайн платформа яратилди. Шунингдек, аҳоли мурожаатларида кўтарилаётган масалаларни ҳал этиш бўйича вазирлик, идора ва ҳудуд раҳбарларининг ҳисоботини Сенатда ҳар чоракда, маҳаллий ҳокимликлар ҳисоботини эса маҳаллий Кенгашларда ҳар ойда эшитиб бориш амалиёти йўлга қўйилади.

* * *

23 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Фазовий маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко, Туркменистон Президенти Гурбангули

Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Улар давлатимиз раҳбарини таваллуд куни билан самимий табриклаб, Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Россия Президенти Владимир Путин Шавкат Мирзиёев атоқли давлат арбоби, ўз мамлакатининг ҳақиқий етакчиси сифатида юргдошларининг ҳақли ҳурмат-эътирофига ва халқаро майдонда юксак обрўга сазовор бўлганини таъкидлади.

Президентимизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, турли йўналишларда сермахсул икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси беқиёс экани қайд этилди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан Россия – Ўзбекистон алоқаларининг бутун кўлами янада кенгайишига ишонч билдирилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал суръатлар билан ривожланаётгани, энг аввало, ўзаро товар айирбошлаш барқарор ортиб бораётгани, иқтисодий тармоқларида қўшма кооперация лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурлари муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан суҳбатда икки

томонлама кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Президентимизнинг қатъий раҳбарлигида Ўзбекистон ўз минтақасида эришаётган пешқадамлик ролини тобора мустаҳкамлаб бораётганини Туркия катта мамнуният билан қузатаётгани ва буни қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда жорий йил якунига қадар мамлакатимизда олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилишини ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини таъкидладилар.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан мулоқотда Ўзбекистон – Қозоғистон стратегик шериклик ва кенг кўламли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Устувор йўналишларда қўшма лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишини давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Бугун Ўзбекистон ўз давлатчилигини жипслаштириш ва мустаҳкамлаш, ўз халқи фаровонлигини ошириш йўлида юксак чўққиларни забт этаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан Нурсултон Назарбоев юртимиз Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бундан буён ҳам шиддатли ривожланиши ва катта мақсадларга эришишда давом этишига ишонч билдирди.

Россия Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан суҳбатда Ўзбекистон – Россия стра-

тегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Матвиенко хоним Президентимиз Шавкат Мирзиёев қарорлар қабул қилишдаги вазмин ёндашуви ва самарали давлат сиёсатини амалга ошираётгани туфайли Ўзбекистонда ва унинг ташқарисида ҳақли ҳурмат-эътибор қозонганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Туркменистон етакчиси мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятлари, халқаро майдонда ортиб бораётган нуфузи билан эътироф қилинаётган Ўзбекистоннинг замонавий тарихи айнан Шавкат Мирзиёев номи билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан суҳбатда давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, энг аввало, уларни янги лойиҳа ва дастурлар билан бойитиш муҳим эканини таъкидладилар.

Президентимиз давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги тинимсиз хизмати, сиёсий донишмандлиги ва иродаси билан юртдошларимиз орасида юксак обрўга ва халқаро ҳамжамиятда бекиёс ҳурматга сазовор бўлгани алоҳида қайд этилди.

Қозоғистон раҳбари Ўзбекистон Шавкат Мирзиёев етакчилигида барқарор тараққиёт ва равнақни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, Тошкентнинг халқаро майдондаги имижини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар йўлини давом эттираётганини таъкидлади.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон «Мамлакатингизда кейинги йилларда рўй бераётган кенг кўламли янгиланишлар Сизнинг номингиз билан боғлиқ. Тожикистон – Ўзбекистон дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшыяпсиз, – деб қайд этди.

Президент Садир Жапаров Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва чуқур ўйланган раҳбарлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турмуш даражаси юксалгани, мамлакат иқтисодиёти янада тараққий этаётганини таъкидлади.

Қирғизистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига қўшаётган шахсий ҳиссасини юксак баҳолади.

* * *

24 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини содалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев маданият, тиббиёт, савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилишига оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Аввал хабар берилганидек, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида замонавий кутубхона барпо этилиши режалаштирилган эди.

Тақдимотда кутубхона лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбарига онкология ва гематология шифохоналарини ташкил этиш бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси алоҳида марказ сифатида ажратилиб, келгуси йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказидан мустақил тарзда фаолият юритади. Бу икки марказ Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Арнасоё кўчасида янги қурилган замонавий биноларга жойлаштирилади.

Тақдимотда ушбу марказларни янги биноларга кўчириш бўйича олиб борилаётган ишлар қайд этиб ўтилди. Шунингдек, бу ерда бактериологик, вирусологик лабораториялар ва виварий учун бинолар қурилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги фармонида мувофиқ, «Термиз» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида Термиз халқаро савдо маркази ташкил этилмоқда. Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташрифи

чоғида унинг бош режасини кўздан кечирган эди.

Марказ учун Термиз туманидан 26 гектар майдон ажратилиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Корпусларнинг биринчи қаватида савдо нуқталари, иккинчи қаватида енгил ишлаб чиқариш корхоналари жойлаштирилиши кўзда тутилган.

Тадбирда Тошкент шаҳрида давлат объектларидан самарали фойдаланиш, Наманган вилоятида йўл бўйларида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиш борасидаги режалар ҳам муҳокама қилинди.

* * *

26 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги 21-сонли Меҳрибонлик уйида яратилган шароитлар билан танишди.

Президентимиз пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйига ташрифи давомида ушбу муассаса фаолияти мисолида ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш юзасидан муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимиздаги 16 та Меҳрибонлик уйининг 4 таси Тошкент шаҳрида жойлашган. 21-сонли Меҳрибонлик уйи 1992 йили ташкил этилган бўлиб, 3 ёшдан 18 ёш

гача бўлган 122 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларнинг 47 нафари етим, 75 нафари ижтимоий етим болалардир.

Муассасада тарбияланувчиларнинг билим олиши, оила муҳитини ҳис этиб улғайиши ва мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши учун барча шароитлар яратилган.

Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги «Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Меҳрибонлик уйида Рўзғор академияси ташкил этилган. Бу академияда болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш учун машғулотлар олиб борилади.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, болаларнинг машғулотларини кўздан кечирди.

Президент муассаса тарбияланувчилари билан мулоқот қилди.

Меҳрибонлик уйида шароитлар яхши. Лекин болалар билан якка тартибда ишлаш, уларни касбга йўналтириш талаб даражасида эмас. Тарбияланувчиларнинг 18 ёшдан кейинги мустақил ҳаёти, олий маълумот олиши ва бандлигига кўмаклашувчи масъул идора йўқ.

Шу боис давлатимиз раҳбари барча Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъуллигига ўтказиш таклифини билдирди.

Мамлакатимизда Меҳрибонлик уйлари ва 4 та Болалар шаҳарчасида

1 минг 823 нафар ўғил-қиз яшаб, ўқимоқда. 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг 363 нафар бола тарбияланмоқда. Ушбу муассасалар, синов тариқасида, Миллий гвардия масъуллигига ўтказилиши белгиланди.

Болаларга ихтисослашган таълим бериш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича методика яратиш вазифаси қўйилди. Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларни фан, санъат ва спорт ташкилотлари билан боғлаб, тарбияланувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 13 та Болалар уйида 560 нафар, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар, 86 та махсус мактаб-интернатда 21 минг нафар ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг нафар болалар ҳомийлик, васийлик ва оила патронати қарамоғига олинган.

Йиғилишда мазкур муассасалардаги ёшларнинг таълим-тарбияси, уй ва иш билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оилага яқин муҳитда тарбиялаш, билим ва маъ-

навиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш зарурлигини таъкидлади. Унга кўра, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчаларидаги ёшларнинг таълим-тарбиясига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул бўлади. Бунинг учун қўмондон ўринбосари лавозими жорий этилиб, алоҳида бошқарма ташкил этилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлигига ҳар бир Меҳрибонлик уйи ва Болалар шаҳарчасига олий ўқув юрти ҳамда спорт мактабларини бириктириш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, шароити оғир бўлган Меҳрибонлик уйлари Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокимликлари томонидан оталиққа олинади.

Президентимиз Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ўрнига Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ташкил этилиши, ҳудудий комиссияларга эса вилоят ҳокимлари раҳбарлик қилиши белгиланди.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

28 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиб-

бий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Олмалик кон-металлургия комбинати конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб «Ёшлик-1» конини бориб кўрди.

Президентимизга коннинг салоҳияти, уни ўзлаштириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Олмалик кон-металлургия комбинатида 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишининг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари рангли металллар саноатини ривожлантиришга қаратилган режаларга ҳам тўхталиб ўтди.

Президентимиз чет эллик инвесторлар учун имкониятлар янада кенгайтирилишини таъкидлади. Шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Тошкентда геология фанлари бўйича Италиянинг Пиза университети филиали очилади.

Президент Шавкат Мирзиёев 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига тамал тоши қўйди.

Давлатимиз раҳбари Олмалик кон-металлургия комбинатининг 3-мис бойитиш фабрикаси қурувчилари учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Президент бу ерда ётоқ ўринларини кўпайтириш, бундай ихчам,

шинам мажмуаларни бошқа заводларда ҳам ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Олмалик шаҳридаги «Jurabek laboratories» қўшма корхонаси фаолиятини кўздан кечирди.

* * *

29 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқига Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табриги йўллади.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқлар дўстлиги куни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимизни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

30 июль. Президент Шавкат Мирзиёев «Кам таъминланган ва

ижтимоий химояга муҳтож oilалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳаси тақдимоти билан танишди.

Тақдимотда, аввало, иссиқлик таъминоти хизматларини хусусий шериклик асосида ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқиш вази-фаси қўйилди.

Президентимиз таклиф этилаётган лойиҳани Тошкент шаҳридаги мавзелардан бирида намуна сифатида жорий этиб, самарадорлигини тажрибадан ўтказиш, ҳар томонлама чуқур ўйлаб, қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Зайтун мойи ва зайтун меваси тўғрисидаги халқаро битимга (Женева, 2015 йил 9 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

2 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

3 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг биринчи ярмидаги иқтисодий натижалар таҳлили ҳамда йил якунига қадар ҳудудлар ва тармоқларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Биринчи ярим йилликда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 6,2 фоизга ўсгани қайд этилди. Бунга, асосан, саноат 8,5 фоиз, инвестициялар 5,9 фоиз ва хизматлар ҳажми 8 фоизга ошгани ҳисобига эришилган. Инфляция даражаси 10,9 фоизни ташкил этган.

Шу даврда жами 200 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Бу соҳадаги юқори ўсиш суръатлари кон-металлургия, тўқимачилик ва электр энергияси тармоқларида, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш учун зарур молиявий ресурслар ажратилган бўлса-да, ҳали жойларда кутилган натижа бўлмаётганини таъкидлади.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида биринчи ярим йилликда 5 минг 246 та лойиҳа амалга оширилган. Лекин уларнинг саноат ўсишида ўрни сезилмаётгани, бунга масъул ҳоким ўринбосарлари корхоналар билан яқиндан иш олиб бормаётгани қайд этилди.

Ҳисобот даврида мамлакатда жами 53 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 14 фоиз ошган.

Йиғилишда 9 ой ва йил якуни бўйича иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Иккинчи ярим йилликда йирик тармоқ корхоналарида 86 триллион сўмлик, ҳудудларда 142 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши бунда муҳим омил бўлади.

Бош вазир ўринбосарларига ишга туширилган лойиҳаларни жойига чиққан ҳолда, батафсил ўрганиб, тўлиқ қувватда ишлашига кўмаклашиш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби ошиб бораётгани, ишлаб чиқариш ҳажми ўсаётган талабни қондириши зарурлигини таъкидлади.

Иккинчи ярим йилликда маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш ҳажми-ни ошириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Йиғилишда хизматлар соҳаси таҳлиliga ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни давом эттириб, йил якунига қадар соҳада 415 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мумкинлиги айtilди. Бўш турган бино ва ер майдонларини тадбиркорларга бериш, ўзини ўзи банд қилишни қўллаб-қувватлаш бу борада катта имкониёт экани қайд этилди.

Транспорт вазирлигига янги йўналишлар ташкил этиб, жамоат транспорти етиб бормаган 1 минг

113 та маҳаллани қамраб олиш бўйича кўрсатма берилди.

Хар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича 9 ой ҳамда йил якунига мўлжалланган аниқ режалар ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш вазифаси қўйилди.

* * *

4 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика ҳудудларида гулчилик ва кўчатчилик соҳаларини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистонда йилкичилик, от спорти, замонавий бешкураш ва полони 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Чавандозлар мактаблари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Сурхондарё вилоятида қорабайир зотли отларни етиштириш ва оммалаштириш ҳамда от спорти турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5–6 август. Президент Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Туркманбоши шаҳрида бўлди.

6 август куни Туркманбоши шаҳри яқинидаги «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислик қилган саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, БМТ Бош қотибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталья Герман иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида умумий сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугун минтақамиз яхши кўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айланиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиб, қатор таклифларни илгари сурди.

Бугунги воқелик Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини шакллантириш бўйича қатъий қадамларни тақозо этаётгани таъкидланди.

Минтақа ичидаги савдони кенгайтириш зарурлиги, тўлақонли эркин савдо режимига ўтиш мақсадида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш муҳим экани қайд этилди. Бунинг учун мамлакатларимиз тадбиркор-

лари ва ҳудудлари ўртасидаги бевосита алоқаларни рабатлантириш, инвестиция ва иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги битимни қабул қилиш фурсати келганини айтди.

Санитария талабларига риоя қилган ҳолда транспорт қатновларини тўлиқ тиклаш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё мамлакатларининг Электр энергетикаси мувофиқлаштирувчи кенгашини фаоллаштириш, унинг мандати ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мамлакатларнинг кенгашидаги вакиллик даражасини оширишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, биринчи йиғилиш кун тартибига озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тизимни жорий этиш масаласини киритиш таклифини билдирди.

Пандемияга қарши курашишни мувофиқлаштириш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари минтақанинг экологик муаммолари ҳамиша диққат марказида бўлиши кераклигини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг иқлим ўзгаришларига мослашишига, ресурс тежовчи технологияларнинг яна кенг жорий

этилишига хизмат қиладиган «Марказий Осиё учун «яшил» кун тартиби» минтақавий дастурини ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказишни таклиф этди. Бу мамлакатларимиз ҳукуматлари ва ёшлари ўртасида ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, интерфаол мулоқотни йўлга қўйиш учун платформа шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёнинг маданий меросига бағишланган фестиваллар, маданият ва кино кунларини ўтказиш, биргалликда китоблар нашр қилиш муҳим эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари туризм хизматларининг доирасини қамраб оладиган «Бир саёҳат – бутун минтақа» қўшма дастурини амалий рўёбга чиқариш таклифини илгари сурди.

Минтақавий ҳамкорлик жараёнларига барқарор тус бериш, шу мақсадда «халқ дипломатияси», парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси салоҳиятидан янада кенг фойдаланиш муҳим экани қайд этилди.

Парламентаризмнинг роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Президентимиз Тошкент шаҳрида Минтақавий парламент форумини ўтказишни таклиф этди.

Ўз нутқини яқунлар экан, давлатимиз раҳбари Маслаҳат учрашувининг натижалари Марказий Осиёдаги биродар халқларнинг қўп қиррали шериклигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимиз етакчиси Туркменистоннинг «Аваза» миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви юқори даражада ташкил этилганини, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда бу яна бир муҳим босқич бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, минтақавий ва халқаро даражадаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, Жанубий Осиё ва Жанубий Кавказ йўлакларини орқали янги ташқи бозорларга чиқиш, шу жумладан, Ашхобод битимига мувофиқ халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мулоқотда маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан музокара ўтказди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, хусусан, Қамбарота-1 гидроэлектр станциясини биргаликда қуриш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой» темир

йўли стратегик аҳамиятга эга экани, уни қуриш бўйича музокараларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистоннинг минтақада самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларини кўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз раҳбарининг Марказий ва Жанубий Осиё ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуслари минтақамизнинг қардош халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Туркманбоши шаҳрида ушбу мамлакатларнинг миллий саноат маҳсулотлари кўرғазмаси ташкил этилди. Минтақа давлатлари раҳбарлари мазкур кўрғазмани бориб кўрдилар.

«Made in Uzbekistan» экспозициясида мамлакатимизнинг озиқ-овқат, тўқимачилик, автомобилсозлик, чарм-пойабзал, электр техникаси, кимё, фармацевтика, заргарлик ва қурилиш материаллари каби саноат тармоқлари салоҳияти намойиш этилди.

Кўрғазмадан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон маҳсулотлари ҳам ўрин олган.

Президентлар маҳсулотлар сифатини кўздан кечириб, ўзаро товарлар етказиб бериш, саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар бердилар.

«Аваза» миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё халқларининг миллий таомлари фестивали ва тантанали концерт бўлиб ўтди.

Президентлар дастлаб миллий таомлар намуналарини кўздан кечирди.

Сўнг Марказий Осиё мамлакатлари санъат усталари иштирокида тантанали концерт дастури намойиш этилди. Фольклор-этнографик ансамбллар ва эстрада хонандаларининг чиқишлари замонавий сахна безаклари билан уйғунлашиб, ажиб манзара ҳосил қилди. Миллий куй-қўшиқ ва рақслар халқларимиз бирлиги, маданий яқинлигини яққол намоён этди.

Саммит доирасида «Аваза» миллий туристик зонасида Марказий Осиё мамлакатлари Иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Форум иши савдо-иқтисодий ва инвестициявий, энергетика ва кимё, транспорт-логистика соҳаларида ҳамкорлик бўйича тематик сессиялар шаклида ташкил этилди. Ҳар бир сессияда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди. Шунингдек, форум доирасида икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилиб, кўплаб келишувлар имзоланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистонга ташрифи якунланди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев истеъмолчиларни нефть ва газ ресурслари билан барқарор таъминлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида табиий газ қазиб олиш ва суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича эришилган натижалар танқидий муҳокама қилинди.

Президент соҳа мутасаддиларига истеъмолчилар манфаатларини юқори қўйиш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига табиий газ, суюлтирилган газ ҳамда нефть маҳсулотларини зарур миқдорда етказиб бериш юзасидан аниқ кўрсатмалар берди.

Иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари ва янги газ-кимё лойиҳалари ишга туширилиши инobatга олиниб, келгуси 5 йилда табиий газга бўлган талаб ортиши ҳисоб-китоб қилинган. Давлатимиз раҳбари бу йиллар учун зарур табиий газ ресурсларини шакллантириш мақсадида ҳозирдан аниқ режаларни ишлаб чиқиш, энергетика соҳасини рақамлаштириш кераклигини таъкидлади.

Бунинг учун соҳада геология-кидирув ишларини жадаллаштириш ва минерал хом ашё базасини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

9 август. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан учрашувига тайёргарликнинг бориши бўйича йиғилиш ўтказилди.

Тадбиркорлардан 13 минг 500 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушган. Бу борада тузилган республика штаби аъзолари уларни бирма-бир ўрганиб, ҳар куни муҳокама қилиб борди. Тадбиркорлар кўтарган 12 мингдан зиёд

шахсий масалаларнинг ярмидан кўпи ўз вақтида ҳал этилган.

Йиғилишда жорий йилнинг етти ойида ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизга ўсиб, 92 триллион сўмни ташкил қилгани таъкидланди. Шунга қарамай, тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкалари ва муддати қисқалиги тадбиркорлар учун энг долзарб масала экани аён бўлмоқда. Мурожаатларнинг 42 фоизи шу соҳага оид.

Президентимиз иқтисодиётга узоқ муддатли ресурсларни олиб келиш, долларлашув даражасини камайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Иккинчи долзарб масала ер ва бино ажратиш билан боғлиқ. Бундай мурожаатлар 21 фоизни ташкил этган. Тадбиркорларга бу борада имкониятларни кенгайтириш учун ҳудудларга ишчи гуруҳлар юбориб, жорий йил 1 сентябрдан аукцион савдоларига чиқариладиган ер майдонлари ва бинолар рўйхатини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, лицензия ва рухсатномалар олиш бўйича мингга яқин мурожаатлар келиб тушгани бу йўналишда тизимли муаммолар сақланиб қолганини кўрсатмоқда. Шунингдек, мурожаатлардан инфратузилмага уланиш борасида ҳам кўплаб муаммолар борлиги маълум бўлмоқда.

Солиқ ва божхона соҳалари, имтиёз ва преференциялардан фойдаланишга оид масалалар ҳам таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир мурожаатни алоҳида назоратга олиб, уларга тўлиқ ечим топиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Транспорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

9 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ноғиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

10 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида са-

ноатни ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда қарийб 7 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, ўсиш 4,6 фоизни ташкил этган. Лекин бу мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан паст. Шу боис, йил якунигача жами 18 триллион сўмлик товарлар ишлаб чиқариб, йиллик 8,5 фоиз ўсишга эришиш мўлжалланган. Бунинг учун янги лойиҳаларни амалга ошириш, кам қувватда ишлаётган ёки тўхтаб қолган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш орқали ҳудудий саноатни ривожлантириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Шунингдек, транспорт-логистика, хизматлар, кишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳалари устувор йўналиш этиб белгиланган.

Йиғилишда ушбу соҳаларда амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар тақдимот қилинди.

Йиғилишда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидаги имкониятлар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятида имкониятлардан тўғри фойдаланилмаётганини қайд этиб, саноат тармоқларида янги лойиҳаларни кўпайтириш, қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳимлигини таъкидлади. Йил якуни билан ҳудудий саноат ҳажмини 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилди.

Мавжуд заводлар фаолиятини кенгайтириш, саноати ривожланмаган туманларда корхоналар ташкил этиш, йўл бўйи хизматларини ри-

вожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасида янги иш ўринлари ташкил этишга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Лойиҳага кўра, «Тўпаланг» сув омборининг қўйи қисмида босимни сўндириш, сувни тозалаш ва тарқатиш иншоотлари қурилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани маъқуллаб, уни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича кўрсатма берди. Қурилиш ишларини «Обод кишлоқ» дастури билан уйғунлаштириш, сув таъминоти бўйича давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Сервис иқтисодиётда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 11 майдаги «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида бу соҳани иқтисодиётда муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш мақсади белгиланган. Шунга мувофиқ, 2021–2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тасдиқлаш вазифаси қўйилган.

Бу борада Тошкент шаҳрининг имкониятлари жуда катта. Хусусан, жорий йилнинг июнь–декабрь ойларида хизматлар соҳасида 415 мингта иш ўрни яратиш мўлжалланган.

Бу режа янги тадбиркорлик субъектлари ва туну кун ишлайдиган савдо-қўнғилочар кўчалар ташкил этиш, ўзини ўзи банд қилиш, биринчи қават ва ерғўлаларни ижарага бериш орқали амалга оширилади.

Президентимиз бу тажрибани мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам татбиқ этиш бўйича топшириқ берди. Қонунчиликка ўзгартириш киритиб, хизмат кўрсатувчиларга молиявий енгилликлар бериш орқали улар фаолиятини расмийлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Расмий статистика тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

11 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

12 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги олимпия ўйинларида юқори натижаларга эриш-

ган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 август. Президент Шавкат Мирзиёев XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашди.

Тадбирда Миллий Олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, спортчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари барчани Ўзбекистон миллий терма жамоасининг улкан ғалабаси билан табриклади.

Ушбу Олимпия ўйинлари 23 июлдан 8 августгача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 17 та спорт тури бўйича 71 нафар вакилимиз қатнашди. Олимпиячиларимиз 3 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритиб, 200 дан зиёд давлат орасида умумжамоа ҳисобида 32-ўринни эгалладилар. Шу тариқа, мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринга эга бўлди. Шунингдек, атлетларимиз 3 та Олимпия рекордини янгилаб, жаҳон спорти тарихида ёрқин саҳифа очди.

Жамоамизга илк олтин медални 19 ёшли таэквондочи Улғубек Рашитов келтирди. У бундай муваффақиятга эришган юргимиздаги энг ёш спортчи бўлди. Оғир атлетикачи Акбар Жўраев умумий ҳисобда 430 килограмм тош кўтариб, Олимпия рекордини ўрнатди ва Ватанимизга иккинчи олтин медални келтирди.

Моҳир боксчи Баҳодир Жалолов, Президентимизга берган ваъдасининг устидан чиқиб, энг оғир вазн тоифасида Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди.

Юргимиз яккакурашлар мактабининг умидли вакиллари – дзюдочи Давлат Бобонов ва эркин курашчи Бекзод Абдурахмонов бронза медалларини қўлга киритдилар.

Президентимиз ушбу спортчиларнинг ота-оналари ва мураббийларига алоҳида раҳматлар айтди.

Давлатимиз раҳбари дунё миқёсида шухрат қозонган қаҳрамон спортчимиз Оксана Чусовитина ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. У спорт гимнастикаси бўйича кетма-кет 8 марта Олимпия ўйинларида қатнашган. Бу жаҳон спорти тарихида ноёб ходиса бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Шу боис унинг иштироки Токио Олимпиадасининг муҳим воқеаларидан бири сифатида эътироф этилди.

Юргимизда Олимпия ўйинларининг ғолиблари 200 минг АҚШ долларида, кумуш медаль соҳиблари 100 минг ва бронза медаль эгалари 50 минг АҚШ долларида мукофот пули билан тақдирланиши белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари спортчиларни мурасасиз курашларга тайёрлашда мураббийларнинг хизматлари катта эканини алоҳида таъкидлади. Шу боис, Олимпиада чемпионларининг мураббийлари 40 минг АҚШ долларида, бронза медаль соҳибларининг устозлари 20 минг АҚШ долларида мукофотланиши айтилди.

Олимпия ўйинларига йўлланма олиш ва унда иштирок этишнинг ўзи ҳам бир муваффақият. Бунинг учун спортчи кўп йиллар давомида машғулот олиб боради, ўзини шунга бағишлайди. Шунини ҳисобга олиб, бундай спортчиларнинг ҳар бири 5 минг АҚШ доллари миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилиши маълум қилинди.

Тадбирда 2024 йилда Парижда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик борасидаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Аввало, спорт менежменти бўйича халқаро компанияни жалб этган ҳолда, соҳанинг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш, унинг натижалари асосида жисмоний тарбия ва спортни ҳамда спорт федерациялари бошқарув тизимини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Спорт бўйича таълим сифатини яхшилаш, замонавий методика ва амалиётларни жорий этиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Олимпия захиралари коллежларида қабул квоталарини бутунлай қайта кўриб чиқиш ва уларда таълим тизимини такомиллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 августдаги фармонида мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

15 август. Халқимиз оғир жудодликка учради. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов оғир хасталик туфайли вафот этди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъзияли хонадонга ташриф буюриб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи, ҳамдардлик сўзлари оғир жудодликка учраган кўнгилларга таскин бўлди.

Марҳумнинг ҳақиға дуо қилинди.

Президентимиз муфтийнинг эзгу ишларини ёдга олди.

* * *

16 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёев Германия Федератив

Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали мулоқот қилди.

Унда кўп қиррали Ўзбекистон – Германия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари муҳокама қилинди.

Афғонистондаги вазиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мамлакатдаги ҳарбий-сиёсий кескинликнинг кучайиши минтақавий ва халқаро хавфсизлик ҳолатига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин экани таъкидланди.

Афғон муаммосининг тинч йўл билан ҳал этилишига кўмаклашиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни яқиндан мувофиқлаштириш ҳамда минтақадаги вазият юзасидан мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар олиб бориш тўғрисида келишувга эришилди.

* * *

17 август. Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавоблари «Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, реал имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда» сарлавҳаси остида ушбу газетада чоп этилди.

* * *

18 август. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Ангела Меркель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбатда етакчилар икки томонлама кун тартибидаги долзарб ма-

салаларни кўриб чиқдилар ҳамда Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан минтақадаги жорий вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Ушбу мамлакатда кескинлик ва зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, шунингдек, афғон можаросини сиёсий йўл билан тартибга солишни халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида икки мамлакатнинг позиция ва ёндашувлари мос экани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларни Афғонистондан авиация транспортида Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит йўли билан Германияга эвакуация қилиш бўйича гуманитар операцияларни амалга оширишда яқиндан мувофиқлашувни ва фаол идоралараро ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Минтақадаги вазиятнинг янада ривожланиши бўйича олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

19 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тадбиркорларнинг бир гуруҳига миннатдорчилик билдириш тўғрисида»ги фармойишга имзо чекди.

* * *

19 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Автомобиль транспортида юк ташувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 август. Халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Бундай шаклдаги учрашув Ватанимиз тарихида илк бор ўтказилди. Унда янги Ўзбекистондаги ислохотлар ва ўзгаришларга бефарқ бўлмай, ташаббус ва фаоллик кўрсатаётган тадбиркорлардан 600 нафари бевосита иштирок этган бўлса, 1 минг 800 нафари ҳудудларда, 8,5 минг нафари туман ва шаҳар студияларида, жами 10 мингдан ортиқ ишбилармонлар қатнашди.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, барча вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари аввало азму шижоатли ва фидойи тадбиркорлар халқимизга мададкор бўлаётгани учун уларга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз ўз нутқида тадбиркорларни ўйлантираётган муаммоларни хал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрсатиб ўтди. Биринчи йўналиш – бизнесни молиялаштириш, иккинчиси – солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш, учинчиси – ер ажратиш, тўртинчиси – инфратузилма, бешинчиси – экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш, олтинчиси – транспорт-логистика, еттинчиси –

соҳадаги тартиб-таомилларни содда-лаштириш масалаларига қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир йўналиш бўйича долзарб вазифаларни кўрсатиб, янги ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз бундай мулоқотларни анъанага айлантириб, ҳар йили ташкил этиш, 20 августни мамлакатимизда «Тадбиркорлар куни» деб эълон қилиш таклифни билдирди. Бу таклифлар кенг қўллаб-қувватланди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

20 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Тожикистон стратегик шериклик ва

кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари кун тартибидаги долзарб масалаларни кўриб чикдилар.

Қўшни Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуктаи назаридан минтақавий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг амалий жиҳатлари юзасидан фаол идоралараро алоқаларни давом эттириш муҳим эканини таъкидладилар.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотининг Афғонистондаги вазиятга бағишлаб видеоанжуман шаклида ўтказилган навбатдан ташқари сессиясида таклиф этилган меҳмон сифатида иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган йиғилишда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян ва КХШТ бош қотиби Станислав Зась қатнашди.

Сессияда қўшни Афғонистонда юзага келаётган вазият ҳамда минтақадаги барқарорликка таҳдид солаётган хавф-хатарларга қарши кўриляётган чора-тадбирлар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти учрашув иштирокчиларини

минтақавий хавфсизликни таъминлашга қўмаклашиш, шу жумладан, Афғонистон билан Давлат чегарасини ишончли қўриқлаш ва ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида хабардор қилди.

Мамлакатимиз етакчиси минтақа давлатларининг алоқадор тузилмалари билан Афғонистон борасида самарали ҳамкорлик ва тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилганини мамнуният билан қайд этди.

Саммит якунида минтақадаги вазият юзасидан ўзаро маслаҳатлашувлар ва мунтазам ахборот алмашишни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Президентимиз ўтган йили 16 октябрь куни Давлат хавфсизлик хизмати академияси ва Темурбеклар мактабининг қурилишини кўздан кечирган эди. Бугунга келиб у қуриб битказилган. Академиянинг мавжуд бинолари реконструкция қилинган.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 31 январь куни Геология фанлари университети қурилишига тамал тоши қўйган эди. Шундан буён бу ерда жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. 6 та қўп қаватли иморат барпо этилиб, 4 таси реконструкция қилинди.

Юнусобод туманида Тошкент Архитектура-қурилиш институти учун янги бино қурилмоқда. 5 қа-

ватли иккита ўқув мажмуаси, 8 қаватли маъмурий бино ва 4 қаватли ётоқхона қад кўтармоқда. Уларни шу йил октябрда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Таълим соҳасидаги улкан лойиҳалардан бири бу – «Янги Ўзбекистон» университети. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23 июндаги қарорига мувофиқ ташкил этилган мазкур таълим маскани жорий ўқув йилининг ўзидаёқ илк талабаларни қабул қилди. Шу боис, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг айрим бинолари ажрати-либ, замонавий таъмирланди.

Келгусида «Янги Ўзбекистон» университети учун замонавий ўқув кампуси бунёд этилади. Бу борада халқаро стандартлар асосида лойиҳа ишлаб чиқилиб, дастлабки ишлар бошлаб юборилган.

Президентимиз 2019 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабга ташрифи чоғида ушбу мактаб ёнида IT-парк филиалини ташкил этиш, унга ёшларни жалб қилиб, тажриба ошириши учун кенг шароитлар яратиш бўйича кўрсатма берган эди.

Ҳозирда ушбу бино қуриб битказилиб, замонавий жиҳозланмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам қўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказида кардиожарроҳлик, трансплантология ва нейро-қон-томир жарроҳлиги бўлимлари учун янги бино қурилмоқда. Бунинг натижасида мазкур мураккаб амалиётлар учун замонавий шароит яратилади, йилига қўшимча 3 минг беморга юқори технологик тиббий ёрдам

кўрсатилади. Ушбу янги мажмуа қурилиши шу йил сентябрда яқунланади.

Мудофаа вазирлигининг аввалги клиник госпитали ўтган асрнинг қирқинчи йилларида қурилган, эскича тартибда ишлаб келаётган эди. Давлатимиз раҳбари 2018 йилда у ерга бориб, шифохонани реконструкция қилиш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, бошқарувда замонавий менежментни жорий этиш бўйича топшириқлар берган эди. Шу асосида катта ҳажмдаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

«Хавфсиз шаҳар» бошқарув ситуацион маркази, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари, саноат корхоналари, йўл ва кўприклар қурилишининг бориши бўйича ҳам маълумот берилди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишони билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

23 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Халқаро кулолчилик форуми ва кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдосини ўтказиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экологик ҳолатни яхшилаш, дарахтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш ва яшил ҳудудларни кенгай-

тириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда соҳадаги муаммолар танқидий муҳокама қилинди. Экологик ҳолатни яхшилаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Бу йил куз ойларида автомобиль йўллари, дала четлари, барча аҳоли масканларида 55 миллион дона, келгуси йил баҳор мавсумида 70 миллион дона тут, павловния, чинор, эман, ёнғоқ, жийда, терак каби мевали ва манзарали дарахтлар экиш вазифаси қўйилди.

Дарахтларни парваришлаш учун ҳар бир маҳаллага биттадан, туман ва шаҳар ободонлаштириш бўлимларига камида 5 нафардан ишчи бириктириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳокимларга шаҳарлар ва туманлар марказларидаги 4 минг 500 километр ички ирригация тармоқларини тиклаш бўйича топшириқ берилди. Аҳолини сифатли кўчатлар билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда «Яшил замин» жамғармалари ташкил этилиши белгиланди.

Мутасаддиларга кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликлар учун танлов асосида ер ажратиш, «Яшил замин» жамғармаси ҳисобидан аҳолига мевали ва манзарали дарахт кўчатларини бепул тарқатиш бўйича кўрсатма берилди. Шаҳарларда яшил ҳудуд ва жамоат парклари ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мутасаддиларга барча истироҳат боғларидаги дарахтларни тўлиқ ҳагловдан ўтказиб, жамоат паркларини кўпайтириш бўйича топшириқ

берилди. Таъкидланганидек, истироҳат боғларининг 70 фоизи яшил ҳудуд бўлиши керак ва уларда бино-иншоотлар қурилишига йўл қўйилмайди.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида биттадан сайилгоҳ, кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларнинг ҳар бирида яшил ҳудудлар ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, 60 километр каналлар бўйи, 250 километр пиёдалар йўлаклари атрофига манзарали дарахтлар экиш керак. Тошкент шаҳар ҳокимига шу борада қатор топшириқлар берилди.

Дарахтларни кесишга мораторий 2024 йилга қадар узайтирилади ва жавобгарлик кескин кучайтирилади. Яшил ҳудуд ва жамоат паркларидаги дарахтларни кесиш қатъиян тақиқланади.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида экология полицияси ташкил этилади. Унинг зиммасига экология соҳасидаги қонунбузарликлар, жумладан, дарахтларни руҳсатсиз кесиш, чиқиндиларни ножоиз жойга ташлаш, браконьерлик каби ҳолатларга қарши курашиш вазифалари юклатилади.

Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилган жойларда тартиб яхшиланган.

Илм ва инновациялар ҳар бир соҳада зарур. Лекин бугунги кунда Экология қўмитаси тизимидаги 2 мингдан ортиқ ходимларнинг атиги 10 фоизи мутахассис ҳисобланади. Шу боис, қўмита ҳузуридаги илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш, олимлар ва

кадрлар тайёрлашни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Мамлакатимизда маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари соҳаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум ижодкорларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Хорижий давлатларнинг мамлакатимизга янги тайинланган элчилари томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Руминия элчиси Даниель Кристиан Чобану, Польша Республикаси элчиси Радослав Грук, Тожикистон Республикаси элчиси Абдужаббор Раҳмонзода, Швейцария Конфедерацияси элчиси Константин Оболенский ва Германия Федератив Республикаси элчиси Тило Клинердан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари янги таъинланган элчиларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги кенг миқёсли демократик янгилашлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар давом этаётган муҳим тарихий даврда мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклади.

Амалга оширилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари тўғрисида сўз юритар экан, Президентимиз хорижий ҳамкор мамлакатлар, аввало, кўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сўзини яқунлар экан, дипломатик ваколатхоналар раҳбарларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги масъулиятли ва шарафли фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Респуб-

ликаси ташқи ишлар вазири Маҳмуд Қурайшийни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йилнинг июль ойида Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар стратегик шериклик принципларига асосланган икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Ташқи ишлар вазири Маҳмуд Қурайший Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг саломини ва энг эзгу тилакларини етказди ҳамда Ўзбекистон етакчисига минтақада барқарорлик ва равангликни таъминлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари учун самимий миннатдорлик билдирди.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистондаги вазият ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш жиҳатлари юзасидан яқин идоралараро алоқалар ва алмашинувларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Шунингдек, «Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўлини қуриш лойиҳасини биргаликда янада илгари суришга интилиш қатъий эканлиги тасдиқланди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Польша Республикаси Президенти Анжей Дуда билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Етакчилар икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларни, шу жумладан, сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги самарали шерикликни давом эттириш масалаларини кўриб чикдилар.

Давлат раҳбарлари Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан минтақадаги жорий вазият юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Польша Президенти фуқароларни Афғонистондан мамлакатимиз худуди орқали Польшага эвакуация қилиш бўйича гуманитар операцияларни амалга оширишга кўрсатилаётган ҳар томонлама кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди.

Афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Умумий овқатланиш ва туризм соҳаларини қўллаб-

қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

25 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ботир Зокировни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

26 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича махсус режимни жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан бир гуруҳ чет эл фуқароларини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонни имзолади.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев янги йирик саноат қувватларини ишга тушириш, шунингдек, мавжуд корхоналар фаолияти билан танишиб, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Навоий вилояти Кармана туманида мамлакатимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Бу ерда 110 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилиб, 300 мингта қуёш панеллари ўрнатилди. Унинг қуввати 100 мегаватт.

«Nur Navoiy solar» номли ушбу лойиҳа Бирлашган Араб Амирлигининг «Масдар» компанияси томонидан амалга оширилди. Президентимиз мазкур давлат билан ўзаро ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари фотоэлектр станцияси қурилишида иштирок этган хорижий инвесторлар, барча қурувчи ва мутахассисларга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз иқтисодиёт, жумладан, энергетикани ривожлантиришга қаратилган режаларни ҳам айтиб ўтди. Шу билан бирга, бугунги кунда паст кучланишли тармоқларнинг 66 фоизи, подстанцияларнинг 74 фоизи ва трансформатор пунктларининг 50 фоиздан кўпроғи эскирган. Шу боис, келгуси беш йилда жами 70 минг

километр паст кучланишли электр тармоқлари, 22 минг дона трансформатор ва 100 дан ортиқ подстанциялар янгиланиши қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий дастакни ҳаракатга келтириб, қуёш фотоэлектр станциясини ишга туширди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев «Навоийазот» акциядорлик жамиятига ташриф буюрди. Бу ерда бир йўла иккита завод – азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналарининг очилиш маросими бўлди.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналарини ишга туширди.

Муҳим томони – бу корхона орқали «Навоийазот» ва «Электр кимё заводи» негизида йирик, ўзаро интеграция қилинган кимё кластерини ташкил этиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари ушбу кластер салоҳияти, истиқболини, бу соҳадаги улкан лойиҳалар учун маалакали мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари поливинилхлорид ишлаб чиқариш лойиҳасининг иккинчи босқичи қурилишига тамал тошини қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятига ташрифи чоғида олис Томди туманига ҳам борди. Навоий кон-металлургия комбинатининг техноген чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишиб, одамлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз корхона жамоаси, томдилик фаоллар, ёшлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Навоий кон-металлургия комбинатида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари журналистлар билан ҳам мулоқотда бўлиб, бугун ишга туширилган корхоналарнинг иқтисодий самарадорлиги, саноат соҳасидаги режалар ҳақида сўзлаб берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи якунланди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентига Жамбил вилояти Бойзоқ туманида рўй берган фожиали воқеа оқибатида инсонлар қурбон бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Ўзбекистон Қозоғистонга фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этишда зарур кўмак кўрсатишга тайёр экани таъкидланди.

Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм соҳаларида кооперация лойиҳаларини, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар, шунингдек, минтақа кун тартиби, аввало, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиши юзасидан фикр алмашдилар. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

27 август. Президент Шавкат Мирзиёев энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг ўттиз йиллигини нишонлаш арафасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

* * *

28 август. Президент Шавкат Мирзиёев Европа кенгаши Президенти Шарль Мишель билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида Еврокенгаш Президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади. Республикамизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар қатъий қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди. Унда кўп қиррали Ўзбекистон – Евроиттифоқ ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистонга «Преференциялар бош тизими плюс» бенефициари мақоми тақдим этилгани икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва ЕИ мамлакатларининг етакчи компаниялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини илгари суришга, шунингдек, молиявий-техник кўмак дастурини кенгайтиришга хизмат қилиши мамнуният билан қайд этилди.

Бўлажак олий даражадаги саммитнинг кун тартибини ишлаб чиқиш, шу жумладан, Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тузишга тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистондаги аҳволнинг кескинлашиши таъсирида минтақадаги вазиятнинг ривожланиши юзасидан ҳам фикр алмашилди. Еврокенгаш Президенти фуқароларни эвакуация қилиш бўйича инсонпарварлик операцияларини ўтказишда кўрсатилган амалий кўмак учун Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдирди.

* * *

30 август. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига мувофиқ, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан кўплаб ватандошларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Кўксаройда ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев йилганларни, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклаб, уларга

ўзининг юксак эътиромини билдирди.

Президент истиқлол йилларида мустақил фикрли, замонавий дунёқарашли янги авлод вояга етганини, улар давлатимизнинг таянчи ва келажаги эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон Қахрамони» унвони билан тақдирланган илғор фермер, селекционер олим Муҳаммад Аҳмедовни, математик олим, академик Шавкат Аюповни, атоқли адабиётшунос, таржимон ва публицист Иброҳим Ғафуровни, халқ артисти Муножот Йўлчиевани алоҳида табриклади.

Фидойи шифокорларимиз ўз жонини хавф остига қўйиб, халқимиз саломатлиги учун ҳар куни, ҳар дақиқада курашмоқда. Мард ва жасур ҳарбийларимиз тинчлик-осойишталик йўлида садоқат билан хизмат қилмоқда. Омилкор тadbиркорлар, деҳқон ва фермерлар, ишчи-муҳандислар мамлакатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшмоқда. Илм-фан, таълим-тарбия, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси вакиллари катта муваффақиятларга эришмоқда. Навқирон ёшларимиз халқимизга ҳақиқий таянч ва суянч бўлиб майдонга чиқмоқда.

Президентимиз уларни юксак мукофотлар билан қутлаб, эзгу тилаklarини изҳор этди.

Шу кунларда жойларда кўплаб ватандошларимиз «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги» эсдалик нишонини қабул қилиб олмоқда. Давлатимиз раҳбари уларни ҳам халқимиз номидан самимий табриклади.

Шундан сўнг мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мукофотланганлар юксак эътибор учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

* * *

30 август. Президент Шавкат Мирзиёев қатор хорижий давлатлар етакчилари билан телефон орқали мулоқот қилди.

Жумладан, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Абу-Даби Амирлиги ваълиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Муҳаммад Ол Наҳаён, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон, Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан суҳбатлар бўлиб ўтди.

Улар давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг қўп миллатли халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан дилдан қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этдилар. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва демократик янгиланишларнинг янги дастурини амалга оширишдаги ютуқлар, юртимизнинг мустақамланиб бораётган халқаро нуфузи алоҳида қайд этилди.

Икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шериклик масалалари муҳокама қилинди. Савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик доирасидаги қўшма кооперация лойиҳаларини ўз вақтида амалга

ошириш муҳим экани таъкидланди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёев «Қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

31 август. Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

У ерда жамоатчилик ватанимиз фидойилари, миллий истиқлол йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш учун йиғилди. Қурбон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Бу йил Шаҳидлар хотираси хиёбонида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи биноси реконструкция қилинди.

Давлатимиз раҳбари ушбу музейни кириб кўрди. У ерда яратилган шароитлар, тарихий ҳужжатлар билан танишди.

Тарихчи олимлар жалб этилиб, зулм қурбони бўлган барча инсонларни аниқлаш ва номларини тиклаш бўйича катта ишлар бошланди. Чет эллардаги архив ва музейлар, кутубхона ва фондлар билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, илмий экспедициялар ташкил этилмоқда. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларнинг архивларидан янги-янги маълумотлар топилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда қатағон қурбонларига бағишланган музейлар ташкил этилди. Уларда расмий материаллар билан бирга оилавий архивларда сақланиб қолган кўплаб тарихий ҳужжатлар, ноёб суратлар тўпланмоқда. Қатағон қурбонларининг номлари, уларнинг ҳаёти ва фаолияти вилоятлар, туманлар кесимида аниқланмоқда. Бу маълумотлар асосида кўп жилдлик «Қатағон қурбонлари» китоби нашрга тайёрланапти.

Президентимиз бундай катта илмий асарлар билан бирга мактаб ўқувчилари учун содда тилда, кичик-кичик китоблар чиқариш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга Тарих институтининг илмий ходимларини бириктириб, ҳар бир ҳудуддаги жаҳид боболаримиз, қатағон қурбонлари номини тиклаб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари тарихни ўрганиш ва ўргатиш вазифалари ҳақида гапирди.

Ҳақиқатни тиклаш борасидаги яна бир қадам – шу йил 25 август куни Ўзбекистон Олий суди томонидан 115 нафар қатағон қурбони оқланди. Президентимиз бу қарорни олқишлади.

Хиёбондаги рамзий қабр ёнида нурунийлар, уламо ва зиёлилар билан мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари аждодлар хотираси, бугунги мустақиллик ва тинчлик қадри ҳақида гапирди.

Дунёда бўлаётган воқеаларга огоҳ кўз билан қараш, тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш муҳимлиги таъкидланди.

* * *

31 август. Истиклолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган «Янги Ўзбекистон» боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Ушбу боққа жорий йил 1 май куни илк кўчатлар экилган эди. Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, «Янги Ўзбекистон» мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Боғнинг марказий қисмида мухташам бадийи обида – Мустақиллик монументи барпо этилди.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида шонли воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Мустақиллик монументида булар бадийи акс этирилган.

Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни – учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг мовий гумбази, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шукуҳи билан кўз олдимизда яққол намоён бўлиб турибди.

* * *

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, кўкда мағрур парвоз қилаётган Хумо куши тасвири монументнинг энг юқори қисмида – бамисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллаган.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга Мустақиллик монументини очди. Мажмуа пойига гуллар қўйилди.

* * *

31 август. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик тантанаси «Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бутун халқимизни мустақилликнинг 30 йиллик байрами билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида мамлакатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз Ислом Каримовни, унинг раҳбарлигида амалга оширилган улкан ишларни эсга олди.

Тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишларнинг аҳамияти қайд этиб ўтилди.

Президентимиз байрам тадбирида қатнашган хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва чет эллик шерикларни ҳам қутлаб, эзгу тилаklarини билдирди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар муқаррар тус олгани, халқимиз уларни қўллаб-қувватлаб, фаол иштирокчисига айлангани таъкидланди.

1 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан телефон орқали мулоқот қилди.

Амирликлар Вице-президенти давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқини мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва равнақ тилади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, 2019 йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига олий даражадаги ташриф яқунлари бўйича эришилган келишувларнинг бажаралиши ҳолати кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий, инвестициявий, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги амалий ҳамкорликнинг натижалари мамнуният билан қайд этилди. Masdar компанияси билан биргаликда Ўзбекистондаги биринчи қуёш фотоэлектр станцияси муваффақиятли қурилгани ва ишга туширилгани таъкидланди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таълим ва гуманитар алмашинув дастурлари фаол илгари сурилмоқда. Мамлакатимизда давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш борасидаги тадбирлар доирасида Тошкент шаҳрида Ҳукумат акселератори офиси ўз ишини бошлади.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

* * *

1 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар. Жорий йил бошидан ўзаро савдо кўрсаткичлари икки баробар ўсгани ва 240 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилгани мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимиз етакчи компанияларининг кооперацияси кучайиб бормоқда, жумладан, энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, туризм ва бошқа соҳаларда муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Қўшма таълим ва маданий-гуманитар дастурлар муваффақиятли жорий қилинмоқда. Хусусан, шу йилнинг август ойида туркиялик етакчи мутахассислар Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги архитектура-қурилиш институтларига раҳбар бўлдилар.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини, шу жумладан, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик масалаларини кўриб чиқдилар.

Афғонистондаги харбий-сиёсий аҳвол кескинлашиши таъсирида минтақадаги вазиятнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан алоқалар ва кўп томонлама мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарорига мувофиқ, Ислом Каримов вафот этган санаси Хотира куни сифатида белгиланган. Бу кунда жамоатчилик йиғилиб, Биринчи Президентимизни ёд этиш эзгу анъанага айланган.

Давлатимиз раҳбари 2 сентябрь куни Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди. Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, унинг хотирасига хурмат бажо келтирди.

Қуръон тиловат қилинди.

Ўтганларни яхшиликлари билан эслаш – эзгу фазилат. Аждодлар ҳурматини жойига қўйган инсоннинг ўзи ҳам ҳурматга лойиқ.

Шавкат Мирзиёев истиқлолимининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимда Ислом Каримов Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарганини таъкидлади.

* * *

2 сентябрь. Пойтахтимизда Ислом тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу анжуманга ташриф буюрди.

Тадбир аввалида Қуръони карим оятларидан тиловат қилинди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни қутлаб, Ўзбекистоннинг мазкур банк билан ҳамкорлиги, истиқболдаги муҳим масалалар ҳақида нутқ сўзлади.

Президентимиз Ўзбекистон замини асрлар давомида ислом оламининг буюк ва ноёб маданияти, илм-фани ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёти марказларидан бири бўлганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясининг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини енгиб ўтиш масалаларига тўхталди. Мамлакатимизда инқирозга қарши ишлаб чиқилган чораларни ўз вақтида қўллаб-қувватлагани учун Ислом тараққиёт банкига миннатдорлик билдирди.

Шавкат Мирзиёев минтақамиздаги экологик муаммоларни қайд этиб, банк бошқарувчилари эътиборини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида тузилган Траст жамғармаси ҳамда Оролбўйи минтақасида ташкил этилаётган экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини қўллаб-қувватлаш масалаларига қаратди.

Минтақамизда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш, янги транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги ишлар қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, минтақавий аҳамиятга эга инвестицион ва инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

* * *

2 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида ўтаётган Ислом тараққиёт банки (ИТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилиши доира-

сида мамлакатимизда бўлиб турган Ислом тараққиёт банки президенти Муҳаммад бин Сулаймон Ал-Жассирни қабул қилди.

Ўзбекистон етакчиси Муҳаммад Ал-Жассирни ИТБ президенти лавозимига сайлангани билан табриклади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари ИТБ билан шерикликнинг изчил кенгайиб бораётганини юксак баҳолаб, Банк Ўзбекистондаги кенг қўламли ислохотларнинг янги дастурини қўллаб-қувватлаётгани ва уни илгари суришга муҳим ҳисса қўшаётганини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда амалий ҳамкорлик портфели транспорт, уй-жой коммунал инфратузилма, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим, тадбиркорлик ва бошқа устувор йўналишларни қамраб олган қиймати 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та лойиҳадан иборат.

Учрашувда кўп қиррали шерикликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада 2022–2025 йилларга мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурини тез фурсатда қабул қилиш ва амалга ошириш ҳамда Тошкент шаҳрида ИТБнинг тўлақонли ваколатхонасини ишга тушириш, молиялаштириш инструментлари самарадорлигини ошириш муҳим экани таъкидланди.

Янги ташкил этилаётган Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш жамғармаси фаолия-

ти хусусий тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар фаровонлигини ошириш учун самарали механизм бўлиб хизмат қилишига умид билдирилди.

Ўзбекистон ва ИТБ ўртасидаги стратегик шериклик ва кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ўзаро яқиндан ишлаш ва фаол мулоқотларни давом эттиришга келишиб олинди.

* * *

6 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев фармацевтика тармоғида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Президентимиз бу лойиҳаларнинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини таъкидлаб, уларни жадаллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тақдимотда маҳаллий доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз юртимиздаги доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш орқали экспортни 15 миллион долларга етказиш ва 5 мингдан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш мумкинлигини таъкидлади. Мутасаддиларга шу йўналишдаги кластерлар фаолиятини йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Бунда доривор ўсимликларни етиштириш учун ер майдонларини ажратиш, уруғчиликни ривожлантириш, агрономларни тайёрлаш, доривор ўсимликларни қайта ишлаш

ҳамда истеъмол бозорларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш топширилди.

Тақдимотда биофармацевтик дори воситаларини ўзлаштириш истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Шу боис Президентимиз онкологик, гормонал, қон препаратлари, вакциналар каби инновацион биотехнологик дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди.

Соғлиқни сақлаш тизимида давлат харидлари орқали маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, халқаро стандартлар асосида тайёрланаётган маҳсулотларни сертификациялашни соддалаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Илм-фан ва саноат корхоналари кооперациясини ривожлантириш, замонавий билимларга эга малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳани янада ривожлантириш борасида алоҳида дастур тайёрлаш вазифаси қўйилди.

* * *

7 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Экспортчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

8 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари биродар Тожикистон Президенти ва халқини мустақилликка эришилганининг 30 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик, катта муваффақиятлар ва раванқ тилакларини изҳор этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Президентлар жорий йилнинг 16–17 сентябрь кунлари Душанбе шаҳрида ўтказиладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси тadbирларига тайёргарликнинг боришини кўриб чиқдилар.

ШХТнинг бўлажак саммити доирасида етакчилар икки томонлама ва минтақа кун тартибидаги масалалар бўйича алоҳида учрашув ўтказиши юзасидан келишувга эришилди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Токио шаҳрида бўлиб

ўтган XVI Ёзги паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

9 сентябрь. Тошкент шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг X съезди бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган 1 минг 200 га яқин делегат қатнашди.

Съездда шу йил 24 октябрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш учун партиядан номзод кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди.

Анжуман қатнашчилари бу сайлов муҳим сиёсий воқеа экани, Президентликка кенг билим ва катта тажрибага эга, азму шижоатли ва қатъиятли, етакчи шахс номзодини илгари суриш зарурлигини қайд этди.

Партия электорати фикрларини инобатга олган ҳолда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг съезди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бутун фаолиятини халқимиз фаровонлигига бағишлаб келаётган, мураккаб даврда мамлакатимизни ривожлантиришга қодир бўлган, ўзининг инсоний фазилатлари ва раҳбарлик қобилияти билан юртдошларимиз ҳурмати ва меҳрини қозонган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари ҳақида маъруза қилди.

Ушбу нутқ **«Янги Ўзбекистон — инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлатдир»** сарлавҳаси остида матбуотда чоп этилди.

* * *

10 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашди.

Тадбирда Миллий паралимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, паралимпиячиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Маълумки, мазкур мусобақа 24 августдан 5 сентябргача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унга ёшларимиз 8 та спорт тури бўйича 55 та йўлланмани қўлга киритган эди. Бу шу пайтгача юртимиз спортидаги энг юқори кўрсаткичдир. Паралимпиячиларимиз юксак матонат ва маҳорат кўрсатиб, 8 та олтин, 5 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлишди. Яна бир эътиборли томони, шу 19 та медалнинг 11 тасини спортчи қизларимиз қўлга киритди. Умумий ҳисобда мамлакатимиз терма жамоаси 160 дан зиёд давлатлар ўртасида ўн олтинчи, Осиё китъаси ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида тўртинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўринни эгаллади.

Маросимда Президентимиз барчани спортчиларимизнинг ана шу улкан ғалабаси билан муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларни номма-ном эътироф этиб, уларнинг мураббийлари ва ота-оналарига ташаккур айтди.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси қошида Паралимпия спорт турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш институтини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Паралимпиячиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини ошириш мақсадида уларни Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказига бириктириш, дори-дармон билан таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йўналишни қишки спорт турлари бўйича ҳам ривожлантириш, «Амирсой» тоғ-чанғи спорт мажмуаси ҳамда «Нумо Арена» муз саройи базаларида паралимпиячилар учун шароит яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси таркибида «Матонат мактаби» ташкил этиш таклифини билдирди.

Паралимпиячиларнинг ҳаётини, ютуқ ва зафарларини кенг тарғиб қилиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониغا мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Паралимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан мукофотланди.

Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

* * *

10 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ахборот технологиялари соҳасида салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва иқтидорли ёшлар билан тизимли ишлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ҳозиргача бу лойиҳа доирасида 567 минг ўғил-қиз бепул сабоқ олди. Эътиборлиси, уларнинг 79 фоизи мактаб ўқувчиларидир.

Тадбир аввалида Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ишлари бўйича вазири Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Гергавий видеоалоқа орқали ушбу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Йиғилишда ахборот технологиялари бўйича таълим шароитларини яхшилаш ва қамровини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳани ҳар бир мактабга етказиш, зарур ҳолларда уларни қўшимча компьютерлар билан таъминлаш, болаларни ўқишга кенг жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, бундай ўқувлар жойлардаги Ёшлар маркази, «Ишга марҳамат» моно-марказлари негизда ҳам ташкил этилиши айtilди.

Яна бир янгилик – жорий йил 1 октябрдан бошлаб барча ҳудудларда 14 та ИТ-техникум фаолияти йўлга қўйилади. Уларда дастурий

инжиниринг, ахборот хавфсизлиги ва телекоммуникация каби йўналишлар бўйича 8 мингга яқин ўқувчи таҳсил олади. Йиғилишда ушбу техникумларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Президент ва ижод мактаблари ҳамда ихтисослашган мактабларда таълим-тарбия сифатини ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бугунги кунда 4 та Президент мактабида 576 нафар, 3 та ихтисослашган ва 9 та ижод мактабида 1 минг 500 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Давлатимиз раҳбари тарбия жараёнида миллий кадриятлар, ватанпарварлик руҳи асосий аҳамият касб этиши зарурлигини таъкидлади. Ўқувчиларни мамлакатимиз тарихи, маданияти ва санъати билан кенгрок таништириш, ҳарбий хизматчилар иштирокида ватанпарварлик дарслари ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

Ихтисослашган мактаб ўқувчиларини ахборот технологиялари мутахассисликларига йўналтириш, ижод мактабларида веб-дизайн, компьютер графикаси, тасвирий ва рақамли санъат, аудиовизуал асарларни яратиш, таржимонлик, журналистика ва актёрлик маҳорати каби тўғарақлар ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланди.

Президент мактабларига инвестицион ва инновацион йўналишларни жорий қилиш бўйича янги тизим ташкил этилади. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги хориждан ўқув дастурлари, адабиётлар ва жиҳозлар, малакали педагоглар ва

молиявий грантлар жалб қилишга кўмаклашади. Шунингдек, хорижий мактаблар билан ўқитувчи ва ўқувчиларни алмашиш дастурлари амалга оширилади.

* * *

13 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев хирургия хизматини трансформация қилишга оид тақдимот билан танишди.

Юртимизда йилига ўртача 750 мингта жарроҳлик амалиёти бажарилади. Жаҳон тиббиёти ютуқлари ўрганилиб, зарур шароитлар яратилаётгани натижасида республика марказларида қилинадиган операциялар тури 350 тага, вилоят марказларида 130 тага, туман шифохоналарида 60 тага етди. 32 та шифохонада замонавий эндоваскуляри хирургия бўлимлари ташкил этилган.

Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази бу йўналишдаги асосий муассасадир. Худудларда унинг 14 та филиали фаолият юритмоқда.

Тақдимотда ушбу марказнинг тиббий-илмий салоҳияти, худудларда ўтказилган кўриклар натижалари ҳақида маълумот берилди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги шифохона мисолида кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари туманлараро марказларда қилинадиган жарроҳлик амалиётлари турини 79 тага, вилоят даражасида 168 тагача етказиш мумкинлигини таъкидлаб, бунинг учун зарур шароит яратиш

бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Бугун энг керакли йўналишлардан бири – органлар трансплантацияси. Кейинги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқий-ташқилий асослар яратилмоқда. Хусусан, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида кардиожарроҳлик, трансплантология ва нейро-қон-томир жарроҳлиги бўлимлари учун янги бино қурилмоқда.

Юртимизда 500 нафар бемор жигар, 1 минг 500 нафар киши буйрак трансплантацияси амалиётига муҳтожлигини билдирмоқда. Жарроҳлик бўлимларининг жиҳозланиши талаб даражасида эмаслиги, малакали мутахассислар етишмаслиги, иммуногенетик текширувлар лабораторияси йўқлиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис Республика хирургия илмий-амалий тиббиёт марказини трансплантологияга йўналтириб, иммуногенетик лаборатория ва симуляцион марказ ташкил этиш, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида буйрак трансплантациясини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари илғор технологиялар асосида ташхислаш, операция қилиш ва даволаш бўйича мутахассислар тайёрлаш, чет эллардаги етакчи тиббиёт муассасаларига малака оширишга юбориш зарурлигини таъкидлади.

Молия вазирлигига бу мақсадлар учун зарур маблағ ажратиш, трансплантолог жарроҳларга иш ҳақини табақалаштирилган тарзда тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

* * *

13 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Афғонистонда вужудга келаятган вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақа кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар режасини кўриб чиқдилар.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро молия корпорацияси бошқарувчи директори Махтар Диоп бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари таркибида ХМК ҳам фаолият кўрсатувчи Жаҳон банки гуруҳи билан самарали ҳамкорлик изчил ривожланаётгани ва стратегик шериклик мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Очиқ ва конструктив мулоқот, ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишга ўзаро

интилиши туфайли Ўзбекистонда Жаҳон банки иштирокидаги қўшма лойиҳаларнинг портфели 5 миллиард долларга етган ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг барча устувор соҳалари ва тармоқларини қамраб олган.

Ўтган даврда Корпорация амалиётларининг ҳажми уч баробар ортиб, қарийб 200 миллион долларни ташкил этди.

Бугунги кунда давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириш, транспорт соҳасини модернизациялаш, банк секторини трансформация қилиш, микромолиялаш институтларини ислоҳ қилиш, тўқимачилик тармоғига халқаро стандартларни жорий этиш ва бошқа йўналишларда муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокаралар чоғида соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш ва жараёнларни рақамлаштиришга доир дастур ва лойиҳаларда ХМКнинг иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик соҳасида, бизнесни молиялаштиришнинг самарали механизмларини, давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантиришдаги илғор тажрибани жорий этиш борасида ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда «яшил технологиялар»ни татбиқ этиш, шу жумладан, энергетика ва қишлоқ хўжалигидаги инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳим экани таъкидланди.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев икки томонлама ҳукуматлараро комиссияларнинг тадбирлари доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Эсенмират Оразгелдиевни қабул қилди.

Кўп қиррали Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар биродар мамлакатларимиз ўргасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ўтказиладиган саммитга пухта ва ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, энг аввало, мазмунли кун тартибинини шакллантириш, шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларида sanoat кооперацияси лойиҳалари ва маданий-гуманитар алмашинув дастурларини илгари суриш муҳим эканини таъкидлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ор-

ганлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

14 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

15 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Марказий Осиё – жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» халқаро маданият форуми иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

15 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкнини янада камайитириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

16 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Судга мурожаат қилиш учун янада қулай шароитлар яратилиши ва фуқаролик процессига соддалаштирилган иш юритиш тартиби жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси-

нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

16 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Душанбе шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбари саммит доирасида Тожикистон Президенти, Покистон Бош вазири, Эрон Президенти билан учрашувлар ўтказди.

Президент Эмомали Раҳмон билан мулоқотда кўп қиррали Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ иқтисодий тармоқларида кооперация лойиҳаларини ва маданий-гуманитар ҳамкорлик дастурини амалга ошириш мақсадида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистоннинг ШХТдаги сермахсул раислиги даврида эришилган натижаларни юксак баҳолади.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан музокарада икки мамлакат етакчиларининг жорий йил июль ойида Тошкент шаҳрида ўтган саммитида Ўзбекистон ва Покистоннинг кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича эришилган келишув-

ларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Самарали ишбилармонлик алмашинувларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш борасида биргаликдаги ишларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Учрашувда Афғонистонда вужудга келаётган ҳолатдан келиб чиқиб минтақадаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан суҳбатда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Савдо-иқтисодий алоқалар суръатини давом эттириш ва янги «ўсиш нуқталари»ни аниқлаш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро комиссия ишини фаоллаштиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, «йўл харитаси» асосида саноат кооперациясини кучайтириш истиқболлари ҳамда икки мамлакат транзит салоҳиятини самарали ишга солиш имкониятлари ваколатли идоралар даражасида пухта ўрганилади.

Давлат раҳбарлари минтақа кун тартибидаги масалаларни, шу жумладан, Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқдилар.

* * *

17 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг юбилей мажлисида иштирок этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон раислигида ўтган мажлисда ШХТга аъзо давлатлар етакчилари – Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, ХХР Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Бош вазири Имрон Хон ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этди.

Ташкилот хузуридаги кузатувчи давлатлардан Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Эрон Президенти Иброҳим Раисий ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, фахрий меҳмон сифатида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов қатнашди.

Шунингдек, тадбирда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ижроия органларининг раҳбарлари иштирок этди.

Саммит кун тартибига мувофиқ, ШХТнинг ўтган 20 йилдаги фаолиятининг асосий яқунлари ҳамда кўп қиррали ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор вазибалари муҳокама қилинди. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида бугунги халқаро муносабатларда

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг роли ошиб бораётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари иштирокчилар эътиборини ШХТ кун тартибида турган долзарб масалаларга қаратди ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси умумий хавфхатар ва таҳдидларга ўз вақтида ва биргаликда жавоб қайтариш, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, ШХТ маконида дўстликни мустаҳкамлаш ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Афғонистонда вужудга келаётган вазиятдан хавотир билдирилди. Ушбу мамлакатдаги вазиятни сиёсий йўл билан ҳал этиш масалаларини кенг муҳокама қилиш мақсадида Президентимиз кузатувчи давлатлар ва мулоқот бўйича шерикларни жалб қилган ҳолда «ШХТ – Афғонистон» форматида юқори даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш таклифини билдирди. Биринчи шундай учрашувни Тошкентда ўтказиш мумкинлиги айтилди.

ШХТ доирасида кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023–2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон Президенти савдо тўсиқларини баргараф этиш, техник регламентларни яқинлаштириш,

божхона тартиб-таомилларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро бозорларга чиқишни енгиллаштиришни назарда тутадиган Минтақа ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон етакчиси транспорт боғлиқлигини ривожлантириш бўйича ШХТ стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатларимиз транзит салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ҳамда «Шарқ – Ғарб» ва «Шимол – Жануб» йўлаклари тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш мақсадида саммит иштирокчиларининг эътибори ШХТ маконида ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирларининг учрашувларини қайта тиклаш муҳим эканига қаратилди.

Шунингдек, Шавкат Мирзиёев кибермакондаги замонавий таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб қайтариш учун ШХТнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар форумини таъсис этиш тўғрисида ташаббус билан чиқди.

Ўзбекистон етакчиси яна бир долзарб мавзу – юқумли касалликларни профилактика қилиш ва даволаш, ковиддан кейинги реабилитация соҳаларидаги ҳамкорлик, вакцинация тўғрисидаги сертификатларни ўзаро тан олиш масалаларига тўхталди.

Президентимиз ўз сўзининг якунида учрашув иштирокчиларини 2022 йил сентябрь ойида Ўзбекистонда ўтадиган ШХТнинг навбатдаги саммитига таклиф этди.

Мажлис якунида ШХТнинг 20 йиллиги бўйича Душанбе декларацияси қабул қилинди, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 30 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги вазият бўйича ўтказилган «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти» форматидаги учрашувда ҳам иштирок этди.

Шу билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига ташрифи якунига етди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу сессиядаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

17 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Афғонистондаги вазият бўйича ўтказилган «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти – Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти» форматидаги учрашувда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги нутқи матбуотда чоп этилди.

* * *

17 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев II Халқаро бахшичилик санъати фестивали иштирокчиларига табрик йўллади.

* * *

18 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида «Қишлоқ

жойларни барқарор ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги суръати мамнуният билан қайд этилди. Жумладан, ўзаро савдо ва юк ташишлар ҳажми ортиб бормоқда, авиақатновлар тўлиқ тикланди, иқтисодийнинг турли тармоқларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни янада кўпайтириш муҳим экани таъкидланди.

Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда халқаро ва минтақа кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев таълим, маданият ва тиббиёт соҳаларидаги бунёдкорлик лойиҳалари тақдими билан таънишди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23 июндаги қарорига мувофиқ «Янги Ўзбекистон» университетига асос солинган эди. Қарорда университет

учун замонавий ўқув кампуси бунёд этилиши белгиланган. Шу мақсадда туркиялик муҳандислар билан биргаликда лойиҳа ишлаб чиқилган. Тадбирда ушбу лойиҳанинг асосий жиҳатлари, бўлажак бинода яратиладиган шароитлар ҳақида маълумот берилди.

Тақдимогда янги кутубхона лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Бу маънавият уйи Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида барпо этилади. Унинг ташқи кўриниши юртимиздаги қадимий обидаларга уйғун тарзда лойиҳалаштирилган. Улкан китоб фондиди сақлаш, мутолаа, маданий ҳордиқ чиқариш, турли тадбирлар ўтказиш билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олинган.

Давлатимиз раҳбари шу йил 14 май куни Республика онкология ва радиология тиббиёт марказига бориб, шароитларни кўздан кечирган эди. Ушбу марказ учун янги бино қуриш вазифаси қўйилиб, Тошкент тиббиёт академияси клиникаси ҳудудидан ер ажратилди.

Давлатимиз раҳбари қурилишларни халқаро стандартлар асосида, сифатли амалга ошириш, биноларга хизмат кўрсатадиган техник ходимларни ҳозирдан тайёрлаб бориш юзасидан кўрсатмалар берди.

* * *

20 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 76-сессиясининг юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларида видеомурожаат билан чиқди.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамиятга минтақа ва глобал кун тартибидаги долзарб масалалар, БМТнинг замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда чора кўришдаги роли юзасидан ўз нуқтаи назарини тақдим этди ҳамда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ва ортга қайтмас тус олган чуқур демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини очиб берди.

Президентимизнинг ушбу сессиядаги маърузаси матбуотда чоп этилди.

* * *

21 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ижтимоий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Нукус шаҳридаги «Шорша баба» қабристонига бориб, кўп йиллар Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимида ишлаган Муса Ернийазов мақбарасини зиёрат қилди, Қуръон тиловат этилди.

Сўнгра давлатимиз раҳбари Бўзатов туманига келиб, «Ёшлик» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жугинис Жуманазаров хонадо-нида меҳмон бўлди.

Давлатимиз раҳбари оиланинг турмуш тарзи, улар тимсолида бутун бўзатовликларнинг яшаш шароитлари билан қизиқди.

Хонадондан чиқишда бўзатовлик экологлар, маҳаллий аҳоли вакиллари билан мулоқот бўлди.

Шавкат Мирзиёев Бўзатовда қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашди.

Юртбошимиз Қорақалпоғистон тиббиёт институти ҳузуридаги болалар клиникасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари бундан тўрт йил олдин унинг қурилишига тамал тоши қўйган эди. Клиника стационар шароитда йилига 3 минг 600 нафар, амбулатор тарзда 22 минг 400 нафар беморга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Бу ерда туғма ва сурункали касаллиги бор болаларга юқори технологиялар асосида ташхис қўйилади ва даволанади.

Шифохонада 300 га яқин киши ишлайди. Профессор-ўқитувчилар ва тиббиёт ходимлари Жанубий Корея, Япония, Австрия, Россия каби мамлакатлардаги илғор клиникаларда тажриба ортириб келган.

Президентимиз бу ерда даволанаётган болаларни кўриб, уларнинг оналари билан суҳбатлашди.

Институтда тиббий таълим, илм-фан ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун замонавий шароитлар яратилган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда амалиёт ўтаётган институт талабалари билан ҳам мулоқот қилди. Тиббий таълим муассасаларида ахборот технологиялари бўйича дарс соатларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида ўтаётган Ёшлар фестивалига ташриф буюрди.

Учрашувда ёшларга кенг имкониёт яратишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши таъкидланди. Жумладан, 55 та янги мактаб, 187 та мактаб учун қўшимча ўқув бинолари қурилиб, 135 та мактаб капитал таъмирланиши айtilди.

Президентимиз келгуси беш йилда олий таълим билан қамраб олиш даражаси 50 фоизга етказилиши, бунинг учун Қорақалпоғистонда мамлакатимиз ва хорижий университетларнинг 6 та нуфузли олий ўқув юртлари филиаллари ташкил этилишини таъкидлади. Шунингдек, келгуси беш йилда ҳар бир шаҳар ва тумандаги Ёшлар марказлари ва умумтаълим мактабларида 100 мингдан зиёд ёшлар чет тиллари ва ИТ технологияларига ўқитилади. Қўшимча 6 минг ўринли янги ётоқхоналар қуриб битказилади.

Ёшлар Президент ташрифини олқишлар билан қўллаб-қувватлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи якунига етди.

* * *

22 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

22 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-

иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Хоразм вилоятида бўлди.

Дастлаб Амударёда қурилаётган кўприк кўздан кечирилди. Ушбу лойиҳанинг қиймати 174 миллион доллар бўлиб, унинг эвазига 80 километрлик темир йўл ва Амударё устида 413 метр узунликдаги кўприк барпо этилади.

Шундан сўнг Президентимиз Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мажмуасининг қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Мажмуа шаҳарнинг Ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчалари кесишмасидаги қарийб 8 гектар майдонда барпо этилмоқда. Бронзадан Жалолиддин Мангубердининг от устида қилич тутиб турган ҳайкали ясалган. Унинг асоси билан бирга жами баландлиги қарийб 25 метр бўлиб, узокдан ҳам кўриниб туради.

Давлатимиз раҳбари мажмуа мазмунини бойитиш, шароитларини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб қурилган ерости йўлини ҳам кўздан кечирди.

Кенглиги 17 метр, баландлиги 5 метр бўлган ушбу туннель соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, ерости автомобиль йўли қурилиши вилоятлар ичида илк бор Хоразмда амалга оширилмоқда.

Қурилиш ишлари битгач, ҳудуд ободонлаштирилиб, манзарали дарахтлар экилади, фавворалар барпо этилади. Пиёдалар ва велосипед йўлаклари, туризм хизматлари ташкил этилади.

* * *

Мажмуани эксплуатация қилишни тўғри йўлга қўйиш, бу ерда байрам тадбирлари, фестиваллар ўтказиш учун ҳам шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент кортежи Хива тумани «Шомохулум» маҳалласида тўхтади. Давлатимиз раҳбари бу ерда яшовчи Комил Раҳимов хонадонига кириб, аҳолининг яшаш шароитлари билан қизиқди.

Шавкат Мирзиёев Хива шаҳрида Хоразм вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашди.

Президентимиз Хива гилам комбинати фаолияти билан танишди.

Корхонага Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан энергия тежовчи ускуналар келтириб ўрнатилган. Бу ерда полипропилен ип, гилам ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар АҚШ, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини ва шоурумни кўздан кечирди.

Президентимиз маҳсулот турларини кўпайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиш юзасидан топшириқлар берди.

Шу билан Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига сафари якунига етди.

* * *

24 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Велоспортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

24 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди.

Биринчи Президентимиз қабрига гул қўйилиб, Қуръон тиловат қилинди. Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Самарқанд ёшлар марказида вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашди.

Учрашув якунлангач, Президентимиз Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилаётган қурилиш жараёнлари билан танишди. Президентимиз қурилиш ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, бу ерда маҳаллий ва хорижлик зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шароит яратиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги «Шарқ тонги» маҳалласида бўлди. У ерда қарийб 3 минг аҳоли истиқомат қилади. Оилалар, асосан, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари шу маҳаллада яшовчи Абдунаби Абдунасимов хонадонига кириб, уларнинг яшаш шароитлари билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари ушбу хонадондан чиққанида нуронийлар, маҳалла фаоллари билан самимий суҳбат бўлди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига ташрифи якунига етди.

* * *

27 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Наманган вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Наманган шаҳри Давлатобод туманидаги «Юксалиш» саноат шаҳарчасида бўлиб, «Glass expo» масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Президентимиз корхонадаги иш жараёни, маҳсулотлар намуналарини кўрди.

Шу ерда тадбиркорлар билан мулоқот бўлди.

Шавкат Мирзиёев ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Охирги уч-тўрт йилда маҳалла улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Бу ерда 71 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилган. Тадбиркорларга замонавий шароитлар яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида мазкур ҳудудда «Юксалиш», «Ёшлар» ва «Кушон» кичик саноат зоналари ташкил этилган. «Ёшлар» кичик саноат зонасида умумий қиймати 804 миллиард сўмлик 60 та лойиҳа, «Кушон» ҳудудида 1,6 триллион сўмлик 129 та лойиҳа жойлаштирилган.

Шавкат Мирзиёев «Юксалиш» шаҳарчасида наманганлик сайловчилар билан учрашди.

Юртбошимиз шу куни «Янги Наманган» шаҳарчаси лойиҳаси билан танишди.

Мазкур лойиҳа учун Давлатобод туманининг «Юксалиш» ҳамда Тўрақўрғон туманининг «Еттикон» маҳаллалари ҳудудидан 1 минг 371 гектар ер ажратилган. У ерда 410 та кўп қаватли уй, 7 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, шунингдек, кўплаб инфратузилма иншоотлари барпо этилиши режалаштирилган. Лойиҳанинг иккинчи босқичи 2022–2024 йилларга мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбарига мазкур бош режа ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, иккинчи босқичда 30 минг хонадондан иборат 16 ва 24 қаватли уйлар, мактаб ва боғчалар, шифохона, спорт мажмуалари, масжид, кутубхона, IT-парк, меҳмонхона, бизнес маркази, савдо ва сервис объектлари қад ростлайди. Шунингдек, 95 гектар ерда «Янги Ўзбекистон боғи» барпо қилинади.

Шавкат Мирзиёев мазкур боғ лойиҳаси тақдими билан ҳам танишди.

2022 йилда қуриб битказиладиган мажмуада Наманган рамзи бўлган гуллар боғи, сунъий кўл, фавворалар, 1 минг 500 ўринли амфитеатр, автогураргоҳ, савдо шохобчалари ташкил этилади.

Лойиҳанинг 2024–2026 йилларга мўлжалланган учинчи босқичи ҳам бор. Мазкур «ақлли» шаҳарча тўлиқ қуриб битказилганда аҳолига шу ернинг ўзида яшаши, ишлаши ва дам олиши учун барча қулайликлар яратилади. Натижада 2026 йилга бориб Наманган бир миллион

аҳоли истиқомат қиладиган йирик шаҳарга айланади.

Президент Шавкат Мирзиёев аввал Наманган шаҳридаги «Саховат» уйини бориб кўриб, нуронийлар учун янги бино қурилишига ваъда берган эди. Шундан сўнг бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 120 ўринли янги «Саховат» уйи биноси, 4 та коттеж қурилди. Зиёратларга бориш учун «Саховат» уйига Президент совғаси – «Isuzu» автобуси ҳам берилган.

Давлатимиз раҳбари нуронийлар билан дилдан суҳбатлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифини якунлаб, Фарғонага жўнаб кетди.

* * *

28 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев худудлардаги бунёдкорлик ишлари, маҳаллалар ҳаёти билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Фарғона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Бағдод туманига келиб, бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Шу ерда маҳалла фаоллари, бағдодлик нуронийлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари маҳалладаги янги уйлардан бирига кўчиб келган Абдуқаҳҳор ота ва Ойзода ая хонадониди бўлиб, кўпни кўрган бу инсонлар билан ёшлар тарбияси, тинчлик ва шукроналикнинг аҳамияти ҳақида самимий суҳбат бўлди.

Шавкат Мирзиёев Бағдод туманида Фарғона вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бағдод тумани «Гулистон» маҳалласида бунёд этилган Маданият марказида санъат намояндалари вакиллари билан суҳбатлашди.

Кўкон театрида адабий муҳитни яхшилаш, пойтахтдан истеъдодли режиссёрларни жалб қилиб, асарлар савиясини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Президент шу маҳалладаги иссиқхонани ҳам бориб кўрди. Бу ерда «Ёшлар дафтари»га кирган 500 нафар йигит-қиз иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари уларнинг деҳқончилиги, даромади ва режалари билан қизиқди. Ёшлар иссиқхонада асосан лимончилик билан шуғулланаётгани, қатор ораларига бодринг, помидор, қалампир, сабзавотлар экиб, даромад олаётгани, бунинг самарасида оиласи «Ёшлар дафтари»дан чиққани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қўштепа туманига бориб, ғўзани томчилагиб суғориш технологиясини кўздан кечирди.

Шу ернинг ўзида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Қўштепа туманидаги «Намуна» маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди. Бу ерда истиқомат қиладиган оилаларнинг асосий даромади узумчиликдан. Шунингдек, мебелсозлик, дўшпидўзлик, чеварлик, чорвачилик, асаларичилик ва қуён боқиш билан ҳам шуғулланишади.

Шавкат Мирзиёев шу ерлик уста деҳқон Жумабой Исмоилов хонадониди бўлди.

Президент келгусида маҳалла тизимига янада кенг имкониятлар берилиши, бу жойлардаги муаммоларни манзилли ҳал этиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига ташрифини якунлаб, Андижонга жўнаб кетди.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига табрик йўллади.

* * *

29 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Андижон вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб Андижон туманида вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Шундан сўнг Андижон давлат тиббиёт институти клиникасини бориб кўрди. Клиникани тўлиқ реконструкция қилиб, унинг негизида водий аҳолиси учун кардиология, нейрохирургия, кўз касалликлари ва урология бўйича мураккаб операциялар ўтказадиган тиббиёт маркази ташкил этишга кўрсатма берди.

Президент шифокорлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда Андижон вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги «Янги авлод» хусусий мактаби фаолияти билан танишди.

Мазкур умумтаълим мактаби «боғча – мактаб – университет» бўғинидан иборат таълим кластерининг илк босқичидир. Мактаб чет тилларига ихтисослаштирилган бўлиб, инглиз, хитой, араб тиллари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади.

Президент мактаб ўқувчилари билан суҳбатда уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлади.

Шу ерда мактабгача таълим муассасаси ва университет барпо этиш лойиҳаси тақдимот қилинди. Унга кўра, мактаб ёнида 150 ўринли боғча, 500 ўринли ахборот технологиялари университети қурилиши режалаштирилган. Шу тариқа боғча, мактаб ва университет таълим клас-терига айланади.

Давлатимиз раҳбари хусусий таълим истиқболлари билан қизиқди. Бундай мактабларга хориждан ўқув дастурлари ва ускуналар олиб келишда божхона имтиёзлари бериш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида ўтган

халқаро иқтисодий форум доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлган Жаҳон банки, «Rothschild&Co» компанияси ва ВТБ банки делегацияларини қабул қилди.

Жаҳон банки вице-президенти Анна Бьерде билан учрашувда Ўзбекистон ва ушбу етакчи халқаро молия институти ўртасидаги стратегик шерикликнинг устувор лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Жаҳон банкининг 4,8 миллиард долларлик молиявий ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган 26 та лойиҳа ҳамкорлик портфелини ташкил этади. Камбағалликка қарши курашишнинг методологик асосларини тайёрлаш, хусусий секторнинг инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, давлат корхоналари ислохотини давом эттириш ва Ўзбекистонда қуёш энергетикасини ривожлантириш бўйича биргаликдаги ишларнинг натижалари кўриб чиқилди.

Суҳбат чоғида ҳамкорликнинг янги беш йиллик дастурини тайёрлаш ва қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди. Бу борада камбағалликни қисқартириш, таълим ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, рақамлаштириш ва «яшил» иқтисодиётга ўтиш, давлат корхоналари трансформациясини давом эттириш, ҳудудларда индустриаллашувни тезлаштириш ва инфратузилмани модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, инновациялар ва томчилатиб сўғориш технологиясини кенг жорий қилиш орқали жадал

ривожлантириш каби стратегик йўналишлар устувор масалалар сифатида белгилаб олинди.

Жаҳон банки вакилларининг минтақада тадбиркор-аёллар мулоқоти бўйича янги кўп томонлама платформани шакллантириш борасидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди. Бўлажак тадбир ва мулоқотлар режаси кўриб чиқилди, қўшма лойиҳаларни жадаллаштиришнинг биринчи галдаги чоралари келишиб олинди.

«Rothschild&Co» компанияси кузатув кенгаши раисининг ўринбосари барон Эрик де Ротшильд бошчилигидаги делегация билан учрашувда ушбу нуфузли халқаро консалтинг ва инвестиция компанияси билан мамлакатимиздаги янги иқтисодий ислохотлар дастури доирасидаги устувор лойиҳаларни илгари суришда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. «Coca-Cola Uzbekistan» корхонасидаги давлат улушини хорижий инвесторга сотиш бўйича келишувни амалга ошириш жараёнида муваффақиятли ҳамкорлик қилингани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, банк секторини ислох қилиш, виночиликни ривожлантириш масалаларида юқори маҳкали консультация хизматларини жалб қилиш ҳамда гуманитар алмашинув дастурларини амалга оширишдаги имкониятлар алоҳида қайд этилди.

«ВТБ» банки президенти – бошқаруви раиси Андрей Костин билан

учрашувда мамлакатимиз корхоналарининг Россиядаги энг йирик банк институтларидан бири билан ўзаро манфаатли инвестициявий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Форум доирасида Навоий конметаллургия комбинатининг лойиҳалари учун 1 миллиард долларлик кредит линиясини ажратиш тўғрисида биринчи битим имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Бундан ташқари, индустриаллаштириш ва инфратузилмани модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришни кенгайтиришдаги мавжуд имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

* * *

30 сентябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг биринчи ўринбосари Уэнди Шерман бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон – АҚШ стратегик шериклигини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Уэнди Шерман давлатимиз раҳбарига АҚШ Президенти Жозеф Байден, вице-президенти Камала Харрис ва Давлат котиби Энтони Блинкеннинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Америка томони мамлакатимизнинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, шунингдек, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини қатъий қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланди.

Томонлар кейинги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал суръатда ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Икки мамлакат ўртасидаги Стратегик шериклик мулоқотининг жорий йил охиригача Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтадиган биринчи йиғилишининг кун тартибини пухта тайёрлаш муҳим экани таъкидланди.

Сиёсат ва хавфсизлик, савдо, инвестиция ва инновациялар, қишлоқ хўжалиги, энергетика, таълим, соғлиқни сақлаш, гуманитар алмашинувлар каби устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдорлик билдирилди. Минтақавий, шу жумладан, «АҚШ – Марказий Осиё» мулоқоти ҳамда Савдо ва инвестициялар бўйича ҳадли битим кенгаши доирасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Афғонистонда вужудга келган вазият юзасидан батафсил фикр алмашилди. Ўзбекистоннинг афғон халқига кўмаклашиш ҳамда қўшни мамлакатда узоқ муддатли тинчлик ўрнатилиши ва унинг иқтисодий тикланишига хизмат қиладиган лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

4 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини таваллуд куни билан

самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлик, фаровонлик ва янги муваффақиятлар, биродар Тожикистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванқ тилади. Замонавий Тожикистоннинг давлат қурилиши соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ютуқлари, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузи изчил орғиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Сиёсий ирода ва биргаликдаги сайъ-ҳаракатлар туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди ва аниқ мазмун билан бойиди.

Фаол алоқалар ва алмашинувлар давом этмоқда, ўзаро савдо ҳажми барқарор орғиб бормоқда, машина-созлик, энергетика, электротехника, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда муҳим кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳудудлар даражасида ва ишбилармонлар ўртасида шериклик кенгаймоқда.

Давлат раҳбарлари имзоланган битимлар ва эришилган келишувларни кенг кўламда амалга ошириш муҳим эканини таъкидлаб, қўшма ҳукуматлараро комиссия фаолияти доирасида яқиндан ҳамкорлик ва мувофиқлашувни давом эттириш вазифасини кўйдилар.

Сухбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик дол-

зарб масалалар, шу жумладан, қўшни Афғонистонда вужудга келётган вазият юзасидан фикр алмашдилар.

* * *

4–5 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

5 октябрь куни Кўксарой қароргоҳида Туркменистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Маросимдан сўнг Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов тор доирада учрашув ўтказдилар.

Туркменистон Президенти меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасидаги муносабатлар юксак даражага етганини қайд этди.

Учрашувда давлат раҳбарлари кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган икки томонлама муносабатларнинг бугунги даражасини юксак баҳоладилар. Етакчилар Ўзбекистон – Туркменистон кўп қиррали ҳамкорлигида мавжуд масалаларнинг бутун доирасини муҳокама қилиб, конструктив

сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган таркибда давом этди.

Учрашувда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли биродар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатидан янги, стратегик шериклик даражасига кўтарилгани алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари кейинги йиллардаги ўзаро савдо суръатини мамнуният билан қайд этиб, товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш учун мавжуд барча ресурс ва имкониятларни ишга солишга келишиб олдилар.

Ўзбекистон Президенти тегишли «йўл харитаси»ни тайёрлашни таклиф қилди.

Томонлар транспорт соҳасида ва транзит йўлақларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликни фаоллаштиришга келишиб олдилар. Ашхобод битимини биргаликда илгари суриш ҳамда Туркманбоши денгиз портининг ноёб имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Икки мамлакат ҳудудларидаги имкониятларни янада тўлиқ ишга солиш муҳим экани қайд этилди. Ҳамкорликнинг янги механизми – Ҳудудлараро форум ўтказишни йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди.

Халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва ўзаро англашувни кучайтиришнинг муҳим омили бўлган маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Маданият ва кино кунлари, театрлар ва муסיқий жамоаларнинг ижодий сафарлари, олимларнинг учрашувларини ва шу каби бошқа тадбирларни ташкил этиш халқларимиз янада яқин бўлишига хизмат қилади. Шу маънода, Тошкент халқаро кинофестивалини «Ипак йўли дурдонаси» номи билан қайта тиклаш ташаббуси Туркменистон томонидан қўллаб-қувватлангани таъкидланди.

Музокараларда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасида барқарор тараққиёт гарови экани таъкидланди.

Президентлар халқаро майдонда, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида яқин мулоқотни давом эттириш ва ташаббусларни биргаликда илгари суришга келишиб олдилар.

Музокаралар якунлангач, ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Транспорт, транзит ташишлар, сувни тежовчи технологиялар, адлия, ижтимоий ҳимоя, статистика, ўсимликлар карантини ва ҳимояси, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга доир муҳим ҳужжатлар имзоланди. Умуман, ташриф доирасида кўп

қиррали Ўзбекистон – Туркменистон ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини қамраб олувчи жами 23 та ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев музокаралар самарали ва сермазмун бўлганини, давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча йўналишларини муҳокама қилганларини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон – Туркменистон муносабатлари, айниқса, савдо-иқтисодий соҳада ижобий суръат билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Президент Гурбангули Бердимухамедов музокаралар натижаларидан мамнун эканини билдирди, икки томонлама ҳамкорлик масалаларининг кенг доираси юзасидан ишончли ва конструктив фикр алмашилганини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёевга Туркменистон делегациясига кўрсатилган самимий меҳмондўстлик ва дўстона қабул учун миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига бориб, Биринчи Президентимиз ҳайкалига гул қўйди. Бу марҳум йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат, халқларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат ифодаси бўлди.

Шунинг билан Туркменистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи якунланди.

Тошкент халқаро аэропортида Гурбангули Бердимухамедовни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

* * *

6 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Конгресси Вакиллар палатасининг конгрессменлар Дон Бэйкон, Дуг Ламборн, Трой Нельс ва Август Пфлюгердан иборат делегациясини қабул қилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари парламентлар даражасидаги фаол алоқалар ва самарали алмашинувларни, улар Ўзбекистон – АҚШ стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантиришга катта хисса қўшаётганини юксак баҳолади.

Конгрессменлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар стратегияси мамлакат барқарор тараққиётининг муҳим омили экани ҳамда унинг халқаро майдондаги обрўси сезиларли даражада юксалишига хизмат қилганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, Афғонистондаги инсонпарварлик операциялари қўллаб-қувватлангани учун самимий миннатдорлик билдирилди.

Сухбат чоғида парламентлараро йўналиш билан бир қаторда АҚШ делегацияси аъзолари вакиллик қилаётган етакчи штатлар – Небраска, Колорадо ва Техас билан ҳамкорлик бўйича лойиҳа ва дастурлар муҳокама қилинди. Инновациялар ва саноат технологияла-

ри, IT соҳаси, қишлоқ хўжалиги, «яшил» энергетика, соғлиқни сақлаш ва таълимда кооперацияни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида қўшма «йўл харитаси»ни тайёрлаш ва ишбилармонлик миссияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

* * *

6 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Россия етакчисини таваллуд куни билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, дўст Россия халқига эса тинчлик-осойишталик ва бардавом равнақ тилади.

Президент Владимир Путиннинг замонавий Россияни барпо этишдаги тарихий роли ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшаётган шахсий ҳиссаси қайд этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Ҳамкорлик барча йўналишларда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами муттасил ошиб бормоқда, жумладан, Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи корхона ва банклари иштирокида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. «Спутник V» вакцинасини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Президентлар бўлажак кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар. Халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши нуқтаи назаридан фикр алмашилди.

* * *

7 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сирдарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб полипропилен маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Сирдарё мега люкс» масъулияти чекланган жамият фаолияти билан танишди.

Еттига корпусдан иборат улкан корхона изчил ривожланиб бормоқда. Корхонада 2 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланган. Россия, Исроил, Беларусь, Украина, Қозоғистон каби 14 та мамлакатга экспорт йўлга қўйилган.

Президентга истиқболдаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги би-

лан бирга ижтимоий жиҳатига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Зарур маблағ йўналтириб, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробар ошириш, келгусида ишчилар учун уй-жойлар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сирдарё тумани «Ширин» маҳалласида яшовчи Дониёр Йўлдошев хонадонида бўлиб, оиланинг турмуш шароитлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бу саъй-ҳаракатларни маъқуллаб, мана шундай обод хонадонлар кўпайиши кераклигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Сирдарё туманида вилоят сайловчилари вакиллари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Гулистон шаҳрининг «Янги ҳаёт» маҳалласида бўлди.

Бу ерда 2019–2020 йилларда 14 та кўп қаватли уй қурилган. Бугунги кунда яна 7 та 9 қаватли уй қурилиши бошланган. Улардаги 504 та хонадондан 100 таси кам таъминланган оилаларга имтиёзли равишда берилади. Ёшлар меҳнат гузари, стадион, болалар майдончалари қурилади.

Президентимиз янги мавзеда хизматларни кўпайтириш, тадбиркорлик субъектлари ташкил этиб, бу ерда яшовчиларни иш билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шу ерда маҳалла нуронийлари билан самимий мулоқот бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳрида қурилаётган Тадбиркорлар ва хунармандлар марказини бориб кўрди.

Бу ерда тадбиркорликка қизиққан инсонларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, бизнесини бошлашига кўмаклашиш, ёшларга ҳунар ўргатиш йўлга қўйилади, маҳсулотлар кўрғазмалари ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.

* * *

8 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз сафарини буюк аллома Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади.

Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳрида сурхондарёлик сайловчилар билан учрашув ўтказди. Шундан сўнг Президентимиз Термиз шаҳридаги 9-ихтисослаштирилган мактаб-интернатини бориб кўрди.

Президент ушбу муассаса ўрнида 1 минг 500 ўринли замонавий мактаб барпо этиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Давлат раҳбари ушбу мактаб ўқитувчилари билан суҳбатлашди.

Шу ерда Сурхондарё вилоятида умумтаълим тизимини ривожлантириш чоралари муҳокама қилинди. Сурхондарё вилоятида 96 минг кўшимча ўқувчи ўрни яратиш режалаштирилган. Бунинг учун 21 та янги мактаб ва 358 та мактаб-

ларда янги бинолар қурилади, 116 та мактаб мукамал таъмирланади. Ахборот технологиялари, математика, кимё-биология фанларига ихтисослашган 19 та мактаб ташкил этилади.

Президент Термиз шаҳридаги «Гулистон» маҳалласида бўлди.

Сўнгги йилларда бу ерда янги уйлар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, болалар ўйингоҳлари барпо қилинди. Ховлиларда яшовчилар ердан унумли фойдаланиб, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланади.

Давлатимиз раҳбари шу ерлик Сайдулла Мирзаев хонадонига кириб, оиланинг яшаш шароитлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрининг «Мангузар» маҳалласида қурилган замонавий кўп қаватли уйларни ҳам кўздан кечирди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

11 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари сафарини Қарши туманидаги Абу Муин Насафий мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон тиловат этилди, Яратгандан юртимизга тинчлик, фаровонлик тилаб дуо қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан аллома мақбараси обод ва улкан зиёратгоҳга айлан-тирилди. Давлатимиз раҳбари ушбу

бунёдкорлик ишлари билан танишди, янги масжид ва музейни кириб кўрди.

Шавкат Мирзиёев аллома асарлари бугунги кунда ҳам долзарблигини, уларнинг маъзини халқимизга, ёшларга етказиш кераклигини таъкидлади. Шу мақсадда Қарши давлат университети қошида Абу Муин Насафий номида илмий марказ ташкил этиш таклифини билдирди.

Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Президент мактабида қашқадарёлик сайловчилар вакиллари билан учрашди.

Мамлакатимизда ихтисослаштирилган таълимнинг янги тизими – Президент мактаблари ташкил этилди. Жорий йилда Қарши шаҳрида ҳам шундай мактаб фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ушбу муассасани кўздан кечирди.

168 ўринли мактаб биноси ва ётоқхона Президент мактаблари стандарти асосида қурилган. Фан хоналари, лабораториялар, спорт залларида энг замонавий шароитлар яратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Президент мактаби билан вилоятдаги бошқа мактаблар ўртасида тажриба алмашинувни йўлга қўйиш, шу асосида аниқ фанларни ўқитиш методологиясини янгилаш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилояти Қагафон қурбонлари хотираси музейини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифини якунлаб, Бухорога жўнаб кетди.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Бухоро вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон тиловат этилиб, Аллоҳ таолодан халқимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо қилинди. Уламолар билан суҳбатда илмнинг аҳамияти, ёшлар тарбияси ҳақида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари зиёратгоҳларни ва уларга олиб борадиган йўлларни обод қилиш, ички туризмни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Олот туманидаги «Мергантекс» масъулияти чекланган жамиятини бориб кўрди.

Корхона пахта хом ашёсига бирламчи ишлов беришдан тортиб тайёр кийим-кечак тикишгача бўлган барча жараёнларни қамраб олган улкан кластерга айланди.

Давлатимиз раҳбарига пахта етиштиришда қўлланилаётган инновацион усуллар ҳақида маълумот берилди. Кластер томонидан 1 минг 200 гектар майдонда томчилатиб суғориш жорий этилган. Натижада сув сарфи камайиб, ернинг унумдорлиги ошган. Айрим фермер хўжаликлари пахтадан 70 центнергача ҳосил олган. Бир туп ғўзада 190 тагача кўсак бўлган.

Президент бундай самарали ишларни давом эттириш, фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, жумладан, хориж тажрибаси асосида маҳаллий томчилатиб суғориш технологияси ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Қорақўл туманида вилоят сайловчилари билан учрашув ўтказди.

Шундан сўнг Қорақўл туманидаги Халқаро математика мактаби фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари мактаб жамоаси билан суҳбатлашди.

Шу ерда халқаро математика мактабининг тажрибасини оммалаштириш, IT мутахассислар тайёрлашга доир лойиҳалар тақдимот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қорақўл туманидаги «Хўжалар» маҳалласида аҳолининг яшаш тарзи билан танишди.

Маҳалла Қорақўл тумани марказида жойлашган бўлиб, 2 минг 800 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда кўплаб савдо шохобчалари, тўқимачилик корхоналари бор.

Давлатимиз раҳбари шу маҳаллада яшовчи Соҳиб Хўжамбердиев хонадонида меҳмон бўлди. Хонадон соҳиблари билан мамлакатимиздаги тинчлик, бугунги имкониятлар, ислохотлар натижаси ҳақида самимий суҳбат бўлди.

Ромитан туманидаги «Bukhara Desert Oasis» номли туризм масканида «Заковат» интеллектуал ўйинининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф буюриб, баҳсни кузатди.

Тадбир сўнгида Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Президент ушбу мусобақа Бухорода ўтаётганига алоҳида урғу берди. Бу заминдан Имом Бухорий, Ибн Сино, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Наршахий, Абдурауф Фитрат каби кўплаб буюк алломалар етишиб чиққанини қайд этиб, бугунги ёшлар уларга муносиб ворис бўлишига ишонч билдирди.

Давлатимиз раҳбари Бухорога ташрифини якунлаб, Навоий вилоятига жўнаб кетди.

* * *

12 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Заковат» интеллектуал ўйини фаол иштирокчиларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

13 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Навоий вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб навоийлик сайловчилар вакиллари билан учрашди.

Шундан сўнг Навоий шаҳридаги «Ишга марҳамат» мономарказини бориб кўрди, марказдаги машғулотларни кўздан кечириб, ёшлар билан суҳбатлашди.

Иқтисодиёт тармоқларида малакали мутахассисларга талаб ошиб бораётгани, бу ерда ўқиган ёшлар келгусида ишга олинishi қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида вилоятдаги миллий маданий марказлар вакиллари билан мулоқот қилди.

Кўп миллатли Навоий вилояти – халқлар дўстлиги ва ўзаро англашувининг ёрқин ифодаси. Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, рус, корейс ва кўплаб бошқа миллат вакиллари бир оила аъзоларидек яшаб, юртимиз ривожига муносиб хисса қўшиб келмоқда. Вилоятда 8 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Мактабларда ўқитиш 7 тилда йўлга қўйилган.

Учрашувда қатнашган турли миллат ва элат вакиллари уларнинг ўқиб, ишлаши, маданиятини сақлаши учун кенг шароит яратилганини таъкидлашди. Ўзлари, фарзандлари эришаётган муваффақиятларни сўзлаб беришди. Маданий марказлар учун бинолар ажратилгани, 30 июль мамлакатимизда Халқлар дўстлиги куни этиб белгилангани қайд этилди.

Президент юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, турли диний конфессиялар учун зарур шароитлар яратишга қаратилган сиёсат изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари шу билан Навоий вилоятига ташрифини якунлаб, Тошкентга қайтиб келди.

* * *

14 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг видеоанжуман шакли-

даги навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган саммитда Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи мамлакат – Куба Республикаси Президенти Мигель Бермудес ва Евроосиё иқтисодий комиссияси Хайъати раиси Михаил Мясникович қатнашди.

Йиғилиш кун тартибидан кўп томонлама иқтисодий шерикликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, савдо, саноат кооперацияси, транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамлаштириш, «яшил» иқтисодиёт ва бошқа устувор йўналишлар бўйича амалий ҳамкорликни илгари суриш масалалари ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Ўзбекистоннинг табиий савдо ва иқтисодий ҳамкорлари – ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш борасидаги сабъ-харақатларни фаоллаштириш муҳим эканини алоҳида қайд этиб, Ўзбекистон етакчиси ўзаро савдода мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, техник регламент ва стандартларни уйғунлаштириш, божхона тартиботларни рақамлаштириш бўйича

қўшма «йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди.

Президентимиз миллий иқтисодиётларнинг барқарор ривожланишида муҳим омил сифатида транспорт йўлақлари тармоғи ва логистика инфратузилмасини такомиллаштириш муҳим эканига эътибор қаратди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг алоҳида долзарб аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти бу борадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва қўшма ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш орқали соҳадаги ҳамкорликнинг янги нуқталарини излаш муҳим эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз ЕОИИ доирасидаги рақамли трансформация жараёнларида иштирок этиш, амалий тажриба алмашиш ва илғор технологияларнинг ўзаро трансферидан манфаатдор экани қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг якунида саммит якунлари ЕОИИ мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва яқин шерикликни илгари суришга хизмат қилишига ишонч билдирди.

* * *

14 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

15 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари

кенгашининг видеоанжуман шаклида ўтган юбилей мажлисида иштирок этди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко раислигида ўтган саммит ишида Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Молдова Республикаси Бош вазири Наталья Гаврилица, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедев ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ делегациялар раҳбарлари ташкилот фаолиятининг 30 йиллик даврида кўп томонлама ҳамкорликнинг ривожланиши ва эришилган ютуқлар юзасидан фикр алмашдилар, иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-гуманитар соҳаларда, шунингдек, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашишдаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида МДХ доирасидаги шерикликни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан нуқтаи назарни баён қилди. Ҳамдўстлик мамлакатларида барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлаш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

Қўшма лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бизнеснинг узок муддатли лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Президенти саноат кооперациясини ривожлантиришни МДХ мақолининг 2022 йилги иқтисодий кун тартибининг муҳим масаласи сифатида белгилашни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари самарали минтақаларо ва транскитъавий транспорт йўлаклари тизимини, шу жумладан, юк ташиш тарифларини пасайтириш ва тартиботларини соддалаштириш орқали янада ривожлантириш заруриятига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон қўшма инновацион дастурларни фаол илгари суриш ва ёш тадбиркорларни жалб қилган ҳолда стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳам тарафдоридир. Ҳамдўстлик мамлакатларининг технологик ва IT-парклари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича дастур ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди.

МДХ Иқтисодий кенгаши фаолиятига мамлакатларнинг ишбилармон доиралари ва худудлари вакилларини жалб қилиш орқали кенгаш фаолиятини кучайтириш муҳим экани таъкидланди.

Афғонистондаги вазият тўғрисида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти афғон халқига инсонпарварлик ва иқтисодий ёрдамни давом эттириш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Айни пайтда терроризм ва наркотрафикка қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида Ўзбекистон МДХ мамла-

катлари халқларининг фаровонлиги йўлидаги шерикликда аниқ натижаларга эришиш мақсадида конструктив мулоқотни давом эттириш ва яқиндан ҳамкорлик қилишда қатъий эканини тасдиқлади.

Саммит якунида ташкилотнинг 30 йиллиги муносабати билан баёнот, биологик хавфсизликни таъминлаш, миграция соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида баёнотлар, Олий судлар вакилларининг кенгашини тузиш тўғрисида битим ҳамда кўп томонлама ҳамкорликнинг турли йўналишларига доир бошқа қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев жойлардаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Тошкент вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Юқори Чирчиқ туманида таълим ва ишлаб чиқаришни қамраб олган кластер – «Astrum» IT академияси очилди. Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Президентимиз кластерда ўқиш истагида бўлган ёшлар билан суҳбатлашди.

Мутасаддиларга шу ерда ёшлар учун коворкинг марказ, турар жой барпо этиш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари Чирчиқ шаҳридаги «Ифтихор» маҳалласида барпо этилган коттежлар қурилишини кўздан кечирди.

Чирчиқ шаҳрида бугунги кунда 165 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Келажакда аҳоли сони ошишини инobatга олиб «Ифтихор» маҳалласи ёнида замонавий турар жой мавзеси қад ростламоқда.

Ушбу тажрибани келгусида вилоятнинг бошқа шаҳарларида ҳам давом эттириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига ана шу ҳақда ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев маҳалла бўйлаб юриб, бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳалладаги 300 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 1 минг 250 ўринли 7-умумтаълим мактаби ҳам мукамал таъмирланган. Давлатимиз раҳбари мактабдаги шароитлар билан танишди.

Шу ерда маҳалла фаоллари, нурунийлар билан суҳбат бўлди.

Президентимиз Чирчиқ шаҳридаги «Кимёгарлар» маданият саройини ҳам бориб кўрди.

Президентимиз бу ерда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди, машғулотлар жараёнини кўздан кечирди.

Маданият саройида 700 ўринга мўлжалланган концерт залида болажонлар куй-қўшиқлар ижро этди.

Давлатимиз раҳбари уларнинг ўқиш ва ижодига муваффақият тилаб, устозларига миннатдорлик билдирди. Мутасаддиларга маданият саройи фаолиятини кенгайтириш, тўғараклар ва ижодий жамоаларни доимий қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берди.

* * *

16 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон давлат кон-

серваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

18 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

19 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан учрашув ўтказди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимиизнинг Талабалар шаҳарчасида барпо этилган Инновацион ўқув ва ишлаб чиқариш технопаркини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари технопаркда бошқарув компанияси ташкил қилиб, маҳсулотларни сотишни йўлга қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Техника йўналишидаги олий ўқув юртлари талабаларини кўпроқ жалб этиб, амалий сабоқларини шу ерда ўтиш, ўқув дастурларини илғор технологиялардан келиб чиқиб такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари биотехнология лабораториясида амалга оширилган лойиҳалар билан танишди. Резидентлар томонидан ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини бо-

сувчи маҳсулотларни тарғиб қилиш, уларни ва яна шундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Президент талабалар ва ёш олимлар билан суҳбатлашди. Шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Сергели туманларида қурилган янги йўлни кўздан кечирди.

Сергели билан Яккасарой туманини боғлайдиган қўшимча йўл жуда керак эди. Чўпонота кўчасидан Тошкент халқа йўлигача қарийб 2 километрлик трасса қуриб битказилган. Унинг Кичик халқа йўли устидан ўтган қисмида 788 метрлик кўприк ва Тошкент халқа йўлига туташган жойида иккита 207 метрлик йўл ўтказгич барпо этилган.

Ушбу янги йўл ва кўприклар муҳандислик ечимига кўра жуда қулай. Биринчидан, мазкур янги кўча Тошкентнинг энг йирик транспорт артериялари – кичик ва катта халқа йўллари билан кесишади. Иккинчидан, транспортларнинг янги кўприкка чиқиши ҳам, ундан тушиши қулай. Ҳеч қандай светофор ёки қайрилиб олишсиз, бошқаларга халақит бермаган ҳолда кейинги йўналишга қўшилиб кетиш мумкин.

Айни пайтда лойиҳанинг иккинчи босқичи доирасида жадал иш олиб борилмоқда. Тошкент халқа йўлидан Қипчоқ кўчасигача бўлган 4 километрдан зиёд йўл қурилмоқда.

Умуман, 6 қаторли мазкур йўл ва кўприклар соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Шу тариқа, Сергели

туманидан шаҳар марказига етиб бориш вақти олдинги 40–50 дақиқа ўрнига 20 дақиқани ташкил қилади. Янги Сергели кўчасидаги тирбандлик икки бараварга қисқаради.

Шу ерда йўлсозлик, ободонлаштириш ва коммунал соҳаларда қўлланиладиган махсус техникалар намойиш этилди.

* * *

20 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги йўллади.

* * *

21 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

21 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев саноат корхоналари фаолияти, ижтимоий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятида бўлди.

Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида жойлашган «ADM Jizzakh» масъулияти чекланган жамиятида автомобилларни йиғиш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 12 миллион доллардан зиёд. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 25 минг дона. Завод мультибрендли бўлиб, бу ерда «KIA», «Renault» ва «Lada» русумидаги 10 хил енгил автомобиль йиғилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига лойиҳанинг иккинчи босқичи ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллийлаштириш даражасини ошириб, автомобиллар нархини арзонлаштириш, харидорларга танлов имкониятини кенгайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган ишларнинг бориши билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги қарорига мувофиқ, бу ерда Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига ичимлик суви тизимини яхшилаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мутасаддилар лойиҳа доирасида бажарилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Тадбирда жиззахлик нуронийлар, маҳалла фаоллари, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманидаги «Голд Фиш агро» балиқчилик кластери фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари балиқ етиштириш жараёнини кўздан кечирди. Бу тажрибани оммалаштириб, аҳолини ҳам жалб этиш зарурлиги таъкидланди.

Ишлаб чиқарувчиларни хом ашё ва айланма маблағ билан таъмин-

лаб, сунъий ҳовузларни кўпроқ тайёрлаш ва жойларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шу ерда Жиззах вилоятида узумчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимот қилинди.

Худуд табиати узумчилик учун жуда қулай. Бундан фойдаланиб, Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Янгиобод туманларида 42 та кластер ташкил қилиниб, 50 минг гектар майдонда токзор ва интенсив боғлар барпо этилиши режалаштирилган.

Шавкат Мирзиёев Шароф Рашидов туманида узумчилик кластери ташкил этиб, маҳсулотни кўпайтириш, энотуризмни ривожлантириш бўйича топшириқлар берди. Аҳолига ҳосилдор навлар бериб, узумини сотиб олишни йўлга қўйиш орқали беш минг кишининг бандлигини таъминлаш мумкинлиги таъкидланди.

* * *

22 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди.

* * *

24 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан соҳа ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади.

* * *

24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Тадбиркорлар

ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев оила аъзолари билан бирга Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек туманидаги 59-сайлов участкасига ташриф буюриб, овоз бериш жараёнида иштирок этди.

Сайловда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бешта сиёсий партия иштирок этди. Бунинг учун уларга тенг ва эркин шароит яратилди.

Сайловни қарийб элликта давлат ва йигирмага яқин нуфузли халқаро ташкилотдан жами 971 нафар халқаро кузатувчи бевосита кузатиб борди. Сайлов жараёнларида ошкораликни таъминлаш ва хабардорликни ошириш мақсадида 1 минг 700 нафарга яқин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Президент сайлови мамлакат келажаги учун муҳим сиёсий воқеадир. Фуқаролар буни чуқур ҳис этиб, сайловда фаол иштирок этди.

* * *

25 октябрь. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларини эълон қилди. Шу муносабат билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «Нумо Арена» мажмуасида тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари ва партияга хайрихоҳ инсонлар қатнашди.

Мониторларда Марказий сайлов комиссиясининг сайловнинг даст-

лабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани онлайн тарзда намоёиш этилди. Дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловда қатнашганлар умумий сонининг 80,1 фоиз овози билан ғалаба қозонгани эълон қилинди. Тадбирга йиғилганлар бу хабарни хурсандчилик ва олқишлар билан кутиб олди.

Тадбирда Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун халқимизга миннатдорлик билдирди.

– Шундай улуг халқнинг ишончи мен учун катта бахт! Менга шунча ишонч билдириб, қўллаб-қувватлагани учун барча партиядошларимга, ёшларга, азиз фарзандларимга, мунис оналарим ва нуроний оталаримизга таъзим қилиб, раҳмат айтаман. Бу ишонч менга куч бағишлайди. Шу билан бирга, ички дунём билан сезаманки, бу жуда катта масъулият ва жавобгарлик, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳозирги таҳликали замонда мураккаб синовлар кўп бўлгани, халқимиз жипслашиб, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан улкан натижаларга эришаётгани қайд этилди.

Бу йилги сайлов илк бор Сайлов кодекси асосида, демократик руҳда, очик-ошкора ўтгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари барча хорижий ва маҳаллий кузатувчиларга, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига, оммавий ахборот воситалари вакиллари раҳмат айтди.

Президент сайловида бошқа сиёсий партиялардан илгари сурилган номзодларга ҳам миннатдорлик билдирди.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчиларининг мамлакатимиздаги миссиясига бошчилик қилаётган МДХ Ижроия қўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Учрашув аввалида МДХ Ижроқўми раиси давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий қутлаб, мамлакатимиз фаровонлиги ва равнақини таъминлаш йўлидаги фаворитига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва сайлов тартиботларини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилгани алоҳида таъкидланди. МДХ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Ҳамдўстлик маконида, энг аввало, иқтисодий йўналишда амалий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиздаги Президент сайловини кузатиш учун келган россиялик кузатувчилар делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Федерал Кенгаши Давлат Думаси қўмитаси раиси Леонид Калашниковни қабул қилди.

Россия парламенти вакили Ўзбекистон етакчисини Президент сайловида ишончли ғалабага эришгани ва сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказилгани билан қутлади.

Сайлов жараёнларини илғор халқаро амалиёт ва стандартларга мувофиқ тайёрлангани ва ташкил этилгани борасида қилинган ишлар юксак баҳоланди.

Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Парламентлар ўртасида яқин ва сермахсул мулоқот йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо, инвестиция, таълим, туризм ва маданият соҳаларидаги икки томонлама шерикликни, шунингдек, МДХ маконидаги минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар борлиги таъкидланди.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Беларусь Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар давлатимиз раҳбарини Президент сайловида қозонган ёрқин ва ишончли ғалабаси билан муборақбод этиб, унинг бўлажак фаолиятига катта зафарлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Россия Президенти билан суҳбатда икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди. Савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, кўшма Хукуматлараро комиссиянинг бўлажак йиғилиши давомида истиқболли кооперация лойиҳалари ва дастурларини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Режеп Таййип Эрдоған билан мулоқотда давлатимиз раҳбари Туркия Президенти ва бутун халқини ушбу мамлакатнинг яқинлашиб келаётган бош миллий байрами – Республика куни билан илиқ қутлаб, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилади. Ўзаро савдони янада кўпайтириш, йирик инвестиция лойиҳалари портфелини кенгайтириш ва муҳим таълим дастурларини амалга ошириш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда халқаро сиёсатга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Савдо-иқтисодий ва транс-

порт-коммуникация соҳаларидаги улкан ҳамкорлик салоҳиятини ишга солишга хизмат қиладиган йирик кўшма лойиҳаларни жадаллаштиришга муҳим эътибор қаратилди.

Қосим-Жомарт Тоқаев билан мулоқотда икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, иқтисодий йўналишда кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатларимизнинг етакчи корхона ва компаниялари ўртасидаги савдо ва кооперация алоқалари жадал суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Туркманистон етакчиси билан жорий йил 4–5 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтган олий даражадаги расмий тадбирлар якунида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Бўлажак мулоқотлар, шу жумладан, минтақавий ташкилотлар доирасидаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Тожикистон Президенти билан суҳбатда мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган кўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзаро савдонинг ўсиш суръатлари, саноат кооперацияси лойиҳалари илгари сурилаётгани, автобуслар қатнови қайта тиклангани, соғлиқни сақлаш ва кинематография соҳаларида фаол алоқалар йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ўртасидаги мулоқотда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва гуманитар ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларнинг бориши муҳокама қилинди.

Александр Лукашенко билан суҳбатда икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Савдо алоқалари жадал ривожланиб, етакчи корхоналарнинг кооперацияси кенгайиб бораётгани, маданий-гуманитар алмашинув фоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари минтақавий ташкилотлар, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Евроосий иқтисодий иттифоқи доирасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш муҳим эканини таъкидладилар.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий қафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

25 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан қафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

26 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида Покистон Ҳукумати раҳбари мамлакатимиз етакчисини сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказилгани ва Президент сайловида ишончли ғалабага эришилгани билан самимий қутлаб, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилади.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазири икки томонлама ҳамкорликда барқарор ривожланиш тенденцияси кузатилаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо кўрсаткичлари ортаётгани, икки мамлакат етакчи компанияларининг саноат кооперацияси кўлами кенгайиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Инвестиция, банк-молия, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа соҳаларда янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Афғонистонда вужудга келаётган вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди. Ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишга кўмаклашиш мақсадида халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳим экани қайд этилди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Келгуси беш йилда ҳосилдорликни камида 2 баробар кўтариш, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга етказиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш мақсад қилинган. Бунда кластерлар асосий таянч ва етакчи бўлади.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги ва агросаноатда самарадорликни ошириш учун кластерларга имкониятларни кенгайтириш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда қайд этилганидек, энди пахта ҳосилини молиялаштириш шудгор давридан, яъни октябрь ойидан бошланади. Бундан буён, кластерларга кредитлар 24 ой муддатга ажратилиб, унинг имтиёзли даври амалдаги 11 ойдан 18 ойгача узайтирилади.

Молия вазирлиги ва Марказий банкка ушбу янги тизимни амалиётга жорий қилиш вазифаси қўйилди. Кластерлар томонидан ип-калавани қайта ишлаш даражасини келгуси икки йилда ҳозирги 50 фоиздан 70 фоизга етказиш мўлжалланган. Шундан келиб чиқиб, уларга молиялаштиришнинг янги механизмлари жорий этилиши маълум қилинди.

Йиғилишда кластерлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтириш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Маълумки, ғалла етиштириш ва сотишда бозор муносабатларига ўтилмоқда. Президентимиз келгуси йилдан ғаллачилик кластерлари ва фермерларга буғдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилишини таъкидлади. Мутасаддиларга икки ҳафта муддатда ғалла

бўйича тўловларни тўлиқ амалга ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари учун ҳам қўшимча имкониятлар яратиш чоралари муҳокама қилинди. Уларни ҳам Қишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали имтиёзли кредитлаш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари бунда эҳтиёжманд оилаларга алоҳида эътибор қаратиш, уларга деҳқончилик сирларини ўргатиш ва қўмаклашиш кераклиги, бунинг учун 100 миллион сўмгача бўлган мева-сабзавотчилик лойиҳаларига «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури шартлари асосида кредит берилишини қайд этди.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада фермер ва кластерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, келгуси йилдан бошлаб, техника сотиб олиш бўйича кредитларнинг 10 фоиздан юқори қисми давлат томонидан қоплаб берилиши белгиланди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини камайитиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

27 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон – Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти «ягона Хитой сиёсати»ни ҳамда «уч ёвуз куч» – терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши қатъий курашни доимий қўллаб-қувватлашини билдирди.

Раис Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар дастурини қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий соҳада етакчилар товар айирбошлаш сезиларли ўсаётганини қайд этдилар. Хитой бозорига зарур маҳсулотлар, энг аввало, кишлоқ хўжалиги товарларини илгари суриш мақсадида жорий йил ноябрь ойида Шанхай шаҳрида ўтадиган тўртинчи Импорт товарлар халқаро кўرғазмасида Ўзбекистон фаол иштирок этишига келишиб олинди.

Беш йиллик Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини тайёрлаш, унга стратегик аҳамиятга эга, шу жумладан, инновациялар, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва электрон тижорат соҳалари бўйича лойиҳаларни киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари Хитойни минтақамиз билан боғлайдиган ва «Бир макон, бир йўл» ташаббуси доирасида Евроосиё транскитъавий транзит йўлагини

шакллантирадиган самарали транспорт йўналишларини ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар. Фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини эмлаш, спорт, туризм, маданият ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар мавжуд экани қайд этилди.

Жорий йил якунигача Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш, шунингдек, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш бўйича қўшма дастурни тайёрлашга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Хитой етакчиси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида илгари сурилган Глобал тараққиёт ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Хитой етакчиси мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислигини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Давлат раҳбарлари Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва иқтисодий тараққиётга эришиш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар. Афғон халқига қўмаклашиш мақсадида ШХТ ва бошқа форматлар доирасидаги мулоқотни давом эттириш ҳақида келишувга эришилди.

Мулоқот якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Раис Си Цзиньпин дўст халқларимиз ва мамлакатларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

* * *

28 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Термиз агротехнология-

лар ва инновацион ривожланиш институтини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

29 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

30 октябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «Туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

* * *

1 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2022 йил учун солиқ тушумлари ҳамда бюджет параметрлари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Давлат раҳбари мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, одамлар ҳаётини яхшилаш бош мақсад этиб белгилангани, бу тамойиллар бюджетни шакллантиришда ҳам бош мезон бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бюджет тизимида молиявий назоратни кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунинг учун «темир интизом» билан, давлат харидлари тизимида ошкораликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Молия вазирлигига келгуси йил 1 январдан тендерларни инсон омилсиз ўтказиш тизимини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, барча бюджет ташкилотлари бухгалтериясини тўлиқ рақамлаштириш, давлат харидлари бўйича ҳисоб-китобларни электрон ҳисоб-фактура орқали амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари бюджет лойиҳасини маҳаллий кенгашлар, тадбиркорлар ва аҳоли билан муҳокама қилиш, уларнинг таклифларини Олий Мажлисга муҳокамага киритиш лозимлигини таъкидлади.

* * *

2 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Юртимизда уй-жой қурилиши кўлами бундан кейин ҳам кенгайтириб борилади. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган «Янги Ўзбекистон» массивлари бунда муҳим ўрин тутади. Келгуси беш йилда уларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади.

Йиғилишда шу борадаги бунёдкорлик ишларининг ташкилий, молиявий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Президентимиз «Янги Ўзбекистон» массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилиши кераклигини таъкидлади. Яъни ҳар бир массивда саноат лойиҳалари, хизмат кўрсатиш объ-

ектлари ва ижтимоий инфратузилма бир вақтда қурилади. У ерда одамлар ҳам уйли, ҳам ишли бўлади. Келгуси йили Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 40 та шундай замонавий мавзе барпо этиш мўлжалланган.

Қурилиш вазирлигига вилоят ҳокимлари билан бирга ҳар бир ҳудудда ер майдонларини аниқлаб, уларнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, бошланғич бадал ва фоизлар бўйича субсидия бериш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди. Бу лойиҳа доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилган.

Соҳадаги ишларда Экология қўмитасининг ўрни таъкидланиб, унинг тузилмаси, ваколат ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

* * *

4 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари томонидан оқилона иқтисодий сиёсат юритилаётгани боис, экспорт ва инвестиция миқдори изчил ошиб бормоқда.

Хусусан, сўнгги беш йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробар ўсган. Йил бошидан буён 179 та йирик ва 10 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга туширилган. Уларга 76 триллион сўм инвестиция йўналтирилган. 143 мингта иш ўрни ташкил этилган.

Йиғилишда янги лойиҳаларни ўз вақтида бажариш ва аввал ишга тушганларини тўлиқ қувватга чиқариш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Жумладан, охириги йилларда фойдаланишга топширилган 442 та лойиҳа паст қувватда ишлаётгани қайд этилди. Жойида ўрганилганда, уларнинг 238 тасида хом ашё ва бозор топиш, 115 тасида кредит, 35 тасида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар борлиги аниқланган.

Вилоят ҳокимларига ушбу корхоналар муаммоларини ҳал этиш юзасидан кўрсатмалар берилди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига йил якунига қадар 139 та йирик ва 3 мингта ҳудудий лойиҳаларни ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Шавкат Мирзиёев Президент сайлови олдида халқ билан учрашувларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича янги тизим жорий этилишини айтган эди. Бунинг учун ҳар бир ҳудудда «туман лойиҳа гуруҳлари» ва холдинг компаниялари ташкил этилиши режалаштирилган. Ушбу янги тузилмалар тадбиркорларнинг бизнес ҳамкорига айланади. Улар тадбиркорларнинг ёнида туриб, ғоядан бошлаб, инвесторларни жалб қилиш ва лойиҳаларни тўлиқ қувватда иш-

лашигача ҳар куни ёрдам беришга масъул бўлади. Йиғилишда ушбу янги тизимни тез ва самарали ташкил этишга доир вазифалар белгиланди.

Президент хорижий инвестиция ва экспорт ҳажмини оширишда мамлакатимизнинг чет давлатлардаги элчилари фаолияти муҳимлигини таъкидлади. Худуд ва тармоқ раҳбарларига истиқболли лойиҳалар топиб, элчилар билан биргаликда уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон – Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар ўзаро савдо кўрсаткичлари барқарор суръат билан ўсаётгани, иктисодиётнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳалар сони ортаётганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Жорий йилда Хожиқабул шаҳрида автомобиллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани, қишлоқ хўжалиги ва ипакчиликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар муваффақиятли кооперацияга мисол экани таъкидланди.

Транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, пойтахтлар ўртасидаги авиакатновларни тиклаш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва

Озарбайжон ҳудудида қўшма маданий-гуманитар тадбирларни мунтазам ўтказиб туриш муҳим экани қайд этилди.

Президентлар минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим жиҳатлари, шу жумладан, Туркий кенгашнинг бўлажак саммити кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар. Олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

* * *

5 ноябрь. Президент Шавкат Мирзиёев «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини тасдиқлади.

* * *

6 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз лавозимидаги киришишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Маросимда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низомхўжаев очди. У 24 октябрь куни бўлиб ўтган Президент сайлови демократик тамойиллар асосида, фаол сиёсий рақобат

мухитида ўтганини таъкидлади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчиларнинг 80,12 фоиз овози билан Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси иштирокчилар номидан Шавкат Мирзиёевни табриклади ва унга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Президент Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ, қасамёд қилди.

Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев келгуси беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида нутқ сўзлади.

– Халқимиз талабларини инобатга олган ҳолда, биз Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқдик ва сайлов жараёнида уни ўзига хос умумхалқ муҳокамасидан ўтказдик, – деди давлат раҳбари. – Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларимизнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида, **«Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари»** деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Қайд этилганидек, ушбу тараққиёт стратегияси етти йўналишдан иборат.

Биринчи йўналиш эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этишга қаратилган. Бунинг

учун келгусида давлат функцияларининг катта қисми марказдан ҳудудларга ўтказилади. Туман бюджети қўшимча манбалар билан таъминланиб, маҳалланинг алоҳида жамғармаси шакллантирилади. Марказий идоралар трансформация қилиниб, ихчам ва самарали бошқарув тизими яратилади, бир хил йўналишдаги вазифаларни амалга ошираётган идоралар оптималлаштирилади.

Иккинчи йўналиш адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон кадр-қимматини таъминлаш вазифаларини қамраб олган. Шу мақсадда судлов тизими ва адвокатура институти, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти такомиллаштирилади. Тадбиркор ва мулкдорлар ҳуқуқларининг химояси кучайтирилади. Коррупцияга барҳам беришга давлат ва жамиятнинг барча куч ва воситалари сафарбар этилади.

Учинчи йўналишда миллий иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги режалар баён этилди. 2030 йилга бориб, жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторига чиқиш мақсад қилингани айтилди.

Аҳолини уй-жой ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, жамоат транспорти ҳамда ҳудудлараро қатновларни яхшилаш бўйича ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилади.

Тўртинчи йўналиш, сифатли таълим-тарбия масаласи доимий эътибор марказида бўлиши таъкидланди. Янги мактаблар қуриш, мав-

жудларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг барча босқичлари ўргасида узвийликни таъминлашга қаратилган Миллий таълим дастури ишлаб чиқилади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш учун барча шароит яратилади. Ви-лоят, туман ва шаҳарларда ихтисос-лашган тиббий хизматлар кўлами кенгайтирилади. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш муҳим вазифа бўлиб қолади.

Бешинчи йўналишда асосан, маънавий ва маърифий соҳалар ривожлантирилади. Шу мақсадда «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепцияси амалга оши-рилади. Маданият ва санъатни юк-салтириш, ёшларни соғлом эътиқод руҳида тарбиялаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратилади.

Олтинчи йўналиш, глобал муам-моларнинг миллий ва минтақавий даражадаги ечимларини топиш, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларни уйғунлаштириш зарурлиги таъ-кидланди. Хусусан, экологик таҳ-дидларнинг салбий таъсири ортиб

бораётгани қайд этилди. Орол-бўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида ривожлантириш, Бутунжаҳон эко-логия хартиясини ишлаб чиқиш ма-салаларига тўхталиб ўтилди.

Еттинчи йўналишда мамлақати-миздаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги вазифа-лар ўз ифодасини топган. Қуролли Кучларимизнинг қудрати янада оширилиши, ҳарбийларнинг жан-говар шайлиги, жисмоний ва маъ-навий тайёргарлиги кучайтирилиши айтилди.

Халқаро ҳамкорликда прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат, иқтисодий дипломатия давом этти-рилади. Аввало, қўшни мамлакатлар ва дунёнинг барча минтақаларидаги шериклар билан ўзаро манфаатли ва кўп қиррали алоқалар кенгай-тирилади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу анжумандаги маърузаси «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегия-си асосида демократик ислоҳотлар йўлини қатъий давом эттирамиз» сарлавҳаси остида матбуотда эълон қилинди.

МУНДАРИЖА

| | |
|--------------------------|-----|
| 2016 йил солномаси | 6 |
| 2017 йил солномаси | 32 |
| 2018 йил солномаси | 168 |
| 2019 йил солномаси | 283 |
| 2020 йил солномаси | 398 |
| 2021 йил солномаси | 553 |

Расмий нашр

СОЛНОМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВ ФАОЛИЯТИ ХРОНИКАСИ

Нашр учун масъул *Х. Султонов*
Тўпловчи ва тузувчи *З. Мирзақулов*
Масъул муҳаррирлар: *М. Қаршибоев, И. Бўрибоев*
Муҳаррирлар: *Э. Нишонов, Б. Якубов*

Нашриёт муҳаррири *И. Аҳмедов*
Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*
Техник муҳаррир *Е. Степанова*
Кичик муҳаррир *М. Салимова*
Мусахҳиҳлар: *М. Ишонхонова, Г. Паттохова*
Компьютерда саҳифаловчи *Н. Аҳмедова*

Нашриёт лицензияси АИ №158. 14.08.2009.
Босишга 2022 йил 11 августда рухсат этилди.
Бичими 70×100¹/₁₆. Офсет қоғози.
«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет
усулида босилди. Шартли босма табоғи 60,45.
Нашр табоғи 59,84. Адади 5000 нусха. Буюртма № 21-72

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz